


УЗ
93-20

РАХМАТ ФАЙЗИЙ



РАҲМАТ ФАЙЗИЙ

Кишшариний
қиссаси





ЧАНОҚҚА ТОМГАН ҚОН

Санаторияга келганимга бир ҳафта бўлди-ю, ҳали-
гача уйдан хат йўқ. Хавотир қиласидиган ҳеч нарса бўл-
маса ҳамки, кўнгилнинг бир чеккаси ғаш, шаҳарга ҳам
чиққим келмайди. Бир гуруҳ дам оловчилар келар
якшанбада Курскка боришишмоқчи. Менга бу ҳам тати-
май турибди. Шу орада икки марта ўрмонга борганим
бўлди-ю, кечқурунлари дарё лабида ўтириб, балиқ
овини томоша қилганим. Хонадаги ҳамроҳларим —
москвалик кекса большевик Александр Павлович, урал-
лик шўх йигит Алексей, украин Василийлардан бошқа
ҳали ҳеч кимни танимайман. Ҳамшира билан врачнинг
исем-фамилиясини ҳам яхшироқ ёдда сақлаб қолганим-
ча йўқ. Александр Павлович келгандан бери бирамас
тўртта хат олди. Унга юборилган хат эртасигаёқ қўли-
га тегишини яхши билсам ҳам, барибир, хат ўқиётга-
нида бирор еяётган ширинликни кўриб, оғзининг суви
келган гўдакдай ҳавас билан тикилиб қоламан. «Ахир,
Москва бу ердан ўн соатлик йўл. Тошкент қаёқда?» деб
ўзимга-ўзим тасалли бераман-у, яна бўлмайди. Қеча

Алексей ҳам иккинчи суратини ҳаммамизга бир-қизи чизиб юборган да, бир хил бўлиб кетдим. Бу-ниг устига Александингиз-а, ҳамشاҳар?— деб қолди. У,

— Сиз хата Фарғонада ўтаган экан, келган куармия хизмёт мени, ҳамшаҳар, деб чақиради. Унинг пимдан боғул олис, келиб қолар,— деб қўя қолувдим, саволига ёнбошлаб газета ўқиётган Александр Павловат

лови.— Ана холос, ҳали шунга хомушман денг. Йў-ўқ,

жувақаси кетмайди, биродар. Дам олгани келган деб ким айтади сизни... Бир кун хат кечикса шунча диққат бўлсангиз... Қани юринг, чўмиламиз...— Александр Павлович пижамасини елкага ташлаб, қўярда-қўймай мени дарёга бошлаб кетди.

Мана ҳозир налатада бир ўзимман. Қўлимда китобу, барибир, ўқиганларим миямга кирмаяпти. Бир-икки абзац ўқийман-да, хаёл дайди шамолдай ҳар қаёққа олиб кетади. Коридордан эшитилган ҳар бир оёқ товушини ҳамшира Виктория Семёновнаникига ўхшатаман. Гўё у ҳозир почталои келтирган хатларни бир даста қилиб ушлаганича, хонама-хона тарқатиб юрибди-ю, ҳали замон кириб келадигандай, кулиб туриб: «Мана сизга хат» деб қўлимга конверт узатаётгандай. Қўзим тўрт бўлиб анчагача кутдим. Охири коридорга чиқиб, билмоқчи бўлдим, тўғри ҳамшира ўтирадиган кабинетга бордим. Ҳеч ким йўқ. Стол устида уч-тўртта хат ётибди. Демак, менга бугун ҳам келмаган. Таъбим жуда тирриқ бўлиб кетди. Почтага боришимни ҳам, Виктория Семёновнага учрашишни ҳам билмайман. Улар нима қила оларди? Қайтанга кулги бўлганим қолади. Яхиси, ўзимни босганим маъқул. Бир парча қофоздаги икки оғиз сўз кишини шунчалар интизор қилиб, ўзига асир этганини қаранг-а. Кишининг дарди-дунёсини қоронғи қилиб юборади:

Хафсалам пир бўлиб хонага кирдим. Шошилинч телеграмма юбормоқчи бўлиб энди орқамга қайтган эдим, эшик очилиб, Александр Павлович кириб келди. Кирди-ю, пижамасининг чўнтағига қўл сола туриб, кулиб гапирди:

— Сизга хат бор. Қани бир ҳунарингизни кўрсатиб юборингчи,

Севинчдан ўзимни йўқотиб қўяй дедим, кошки қулоч ёйишни билсам. Александр Павловичга зериккунча ўйнаб берардим-а. У бўлса, хатни чўнтағидан чиқармай, ҳамон ялинтиради. Бу орада, «Сирингизни билиб олдим... Эпди мендан қутула олмайсиз» деб қўшиб ҳам қўйди. Бу нима дегани бўлди экан? Ҳеч тушуниб бўлмайди.

Конвертни ола солиб, устидаги ёзувга ҳам қарамай, очдим. Бир варақ қофоз тепасида уч сатргина хат:

«Якшанба куни меҳмонимиз бўлишингизни илтимос қиласмиш. Александр Павловични албатта олиб боринг. Ҳурмат билан Виктория».

Қизиқ! Виктория мени меҳмонга чақирибди. Тағин хат орқали-я. Мен у билан таниш бўлмасам, келганимдан бери қуруқ саломлашишдан нарига ўтмаган бўлсам. Йўқ! Бундай бўлиши мумкинмас. Бу — Александр Павловичнинг ҳазили. Ўзи кекса бўлса ҳам жуда ҳазилкаш кўринади. Аммо ҳозир юрагимга ҳазил сигармиди. «Шу ҳам иш бўлдими...» деб юборай дедиму, ўзимни босдим.

— Қойилман, Александр Павлович, боллабсиз... Шошманг, сиз ҳам қўлга тушиб қоларсиз,— деб хатни тўмбочка устига қўйдим.

— Ие, ҳали ҳазил деб ўйлайпсизми? — Александр Павлович шундай деди-да, уйига ёзиб қўйган хатини олиб, менга узатди,— мана, солиштириб кўринг, ўхшармикин?

— Бирорга ёздиргандирсиз-да.

— Йўқ, йўқ, ҳазиллашишни яхши кўраман-у, аммо бунақа йўлига ўтмайман,— деди у жиддий вазиятда.

— Бўлмаса ким ёзган буни?

— Ўзи деялман-ку, нега ишонмайсиз!

— Нега ўзимга айта қолмайди?

— Ҳамма гап шунда-да,— деб кулиб юборди Александр Павлович,— сал, ҳалигидай, юракдан уриб қолибди-ю, гапиришга ботинолмасмиш. — Ҳаҳолаб кула бошлиди у,— уяламан, тик қаролмайман, дейди.

— Ҳазилни ҳам роса ошириб юбордингиз, Александр Павлович, эшитиб қолса хафа бўлади-я.

— Хафа бўлади? Шошманг бўлмаса, ҳозир ўзини бошлаб кираман-да, олдида шу гапни такрорлайман. Бу киши ишонмаяти дейман,— Александр Павлович эшик томонга юрган эди, мен уни тўхтатдим.

— Александр Павлович, ҳазилни қўйинг, нима гап ўзий?

Александр Павлович шунчалик завқ билан кулардики, охири кўзлари ёшланди, менга тескари ўгирилиб, чап кўзи — шиша кўзини олиб, рўмолчаси билан арта бошлади. Кейин девордаги ойнага қараб олди-да, гапира кетди:

— Бу-ку ҳазилмас, ишонаверинг. Аммо мен бошқа ҳазил қилдим, бунисини кечиринг. Аввал сизга бу хатни эмас, мана бунисини беришим керак эди,— деди-да, чап чўнтағидан бирамас иккита хат чиқарди,— манг, буларни ўқиб, кўнгилни тинчтинг, кейин батафсил айтиб бераман,— у хатни узатиб, халақит бермай дегандай, бориб кроватига ёнбошлади.

Хатнинг иккови ҳам уйдан эди. Аввал юборилгани почтада уч кун қолиб кетибди. Кишининг кўнглини ғаш қилишга сабаб бўлгани ҳам шундан. Ўқиб чиқдиму, кечаги, айниқса, бугунги диққинафасликдан асар ҳам қолмади. Яхшики, телеграмма юбормаганим. Бўлмаса уйдагиларни ҳам ташвишга қўярдим.

— Тинчликми? — деб сўради Александр Павлович конвертларни тумбочкага қўяётганимни кўриб.

— Ха, тинчлик.

— Айтмовдимми, гоҳо почтада қолиб кетади деб,— у ўрнидан туриб ўртадаги стулга ўтириди,— энди бу ёгини эшитинг: Виктория Семёновнанинг қизи индинга беш ёшга тўларкан. Шунга таклиф қилаётган. Ўзингизга айтишга уялибди. Менга тайинлади. Энди ишонгандирсиз.

— Ишониш мумкин-ку, лекин танимаган кишининг уйига... Унинг таклифи ҳам қизиқ-а.

— Айтдим-ку, сал юракдан урибди деб, нега тушунмайсиз,— деб яна кулди Александр Павлович.

— Йўқ, Александр Павлович, унақанги енгил табиат аёлларга ўхшамайди.

— Гапнинг тўғри. Ўртоғим билан танишасизлар, у ҳам москвалик деяпти. Ростимни айтсан, чақиришининг сабабига ўзим ҳам тушунмай турибман. Бормасак хафа бўлиши турган гап.

Шу куни ўйлаб ўйимга етолмадим. Санаторияга келган куним мени қабул қилиб олган бу жувон кўз олдимдан кетмасди. Тик қоматига ёпишиб турган узун кўйлаги уни тағин ҳам салобатли қўрсатарди. Қоп-қора

қуюқ қошлари пайваста, бурнининг икки ёнидаги сийрак сепкиллари юзига ҳусн қўшиб турарди. Боқишлида аллақандай майнинлик, меҳр барқ уради. Үшанда менга бир тикилиб қаради-ю, шу заҳотиёқ ўксингандай бошини қути солди, қайтиб қарамади. Ҳужжатларни расмийлаштириш учун бериладиган саволларни ҳам кўзини дафтардан узмай сўради. Палатага ўзи бошлаб келди-да, жойимни кўрсатиб, кроватдан кўзини олмаган ҳолда «ёқадими?» деб сўради. Миннатдорчилик билдирганимдан кейингина чиқиб кетди. Ўша куни мен буларга эътибор бермаган эдим. Ҳозир ҳаммаси эсимга тушяпти. Ҳар куни эрталаб врач билан бирга кириб келарди-да, хонадагилар билан сўрашиб бўлгач, врачни панасида жим тураверарди. Назаримда ўзини менга кўрсатгиси келмасди. Бир-икки марта тикилиб қараганини кўриб қолдим. Бундай кезларда кўзини дарров бошига томонга оларди. Ҳаммасидан ҳам ҳар кирганида, тумбочка устидаги дўппимга тикилгани-тиклиган эди, иложини топса қўлга олиб кўришни истарди-ю, афтидан, уяларди. Нима бўлиши мумкин? Тағин, Александр Павлович ҳазил қўилганидай... Йўқ, бундай бўлишига сира ишонгим келмайди.

Санаториядан кўриниб турадиган қуюқ ўрмондан ўтилгач, кенг пичанзорга чиқилади. Унинг нариги томони қаторасига тушган, бир хилдалигидан яқин йилларда қурилганлиги билиниб турган уйларга бориб тақалади. Биз сўқмоқдан борар эканмиз, панжара деворли ҳовлидан Виктория Семёновна югуриб чиқиб, йўлимизни тўсади.

— Адашиб қоласизлар деб хавотирда эдим,— деди биз билан сўрашар экан, кейин бизни ичкарига бошлиди.

Равон ёнида анча ёшларга бориб қолган, ушоқцина бир кампир бизни қарши олди. Александр Павлович билан қўл олишиб сўрашгач, мен қўл узатувдим, қўлимни сиқиб юзимга тикилди-да:

— Ўзбекча кўришсан майлими?— деб қучоини очди,— илтимосимизни ерда қолдирмабсиз, раҳмат,— деди кампир мени қучоидан бўшатаркан,— сизни мен йўқлатувдим, қизимга айтсан уяламан деди. Охири хат орқали айтибди, жуда яхши қилибсизлар, бошим кўкка етди, қани, қани, марҳамат...

Шу пайт ичкарийдан икки қўлига иккита қўғирчоқ

ушлаган жажжи қизча чиқиб, ёнимизга келди. Қўли-миздаги совғани олмасданоқ қайта-қайта «раҳмат» дейркан, ҳаммамиз кулиб юбордик.

Ясатиғлиқ стол атрофида ҳеч ким йўқ эди. Бир оз ийманиб турганимизни пайқаган Серафима Семёновна:

— Вой, ўтираверинглар, сизлардан азиз меҳмонларимиз йўқ, деб ўтиришга таклиф қилди.

Мен нимадан гап бошлишимни билмай диққатман-у, Александр Павлович, ҳамма ҳаракат сен учун экан-ку, деб пицирлашини қўймасди. Чой хўплаб туриб, катта рамадаги расмлар орасида чуст дўпили йигитга қўзим тушиб қолди. Тикилиб турдиму, ўзимча, ҳа, ўзбеклардан яқин таниши ёки қариндоши бор экан, деб кўнглимдан ўтказдим. Серафима Семёновна буни сезиб:

— Дўппи қўзингизга иссиқ кўринди шекилли-а?— деб қолди. Кейин ўрнидан туриб рамани олиб кўрсатди.— Үғлим бўларди,— деди-да, оғир уҳ тортиб қўйди.— Ҳа, ўғлим,— мулойим овози бирдан жиддий оҳангга кўчди,— азamat йигит эди!

Суратнинг ёнида кулча юз, тўладан келган шу йигитнинг ҳарбий кийимда тушган расми ҳам турарди.

— Ўзи ҳам сизга ўхшаб кетарди,— кампир шошиб қўшиб қўйди,— йўқ, йўқ, умри ўхшамасин. Мана ҳозир ўзини кўргандай бўлдим. Шу томонларга ўзбеклардан келганини эшитсам, бир кўргим, суҳбатлашгим келади. Камолиддинни кўргандай бўламан.

Виктория Семёновна чой қуиб узатар экан, кампир эса оҳиста сўзлар, унга савол бериш ҳозир ортиқча эди. Етмишларга бориб қолган, ҳаётнинг аччиқ-чучугиги торта бериб, кумушдай оқарган сийрак соchlари гоҳ ўлкаси тўлиб, гоҳ ёшлардек тетик гапираётган ҳар бир сўзини тасдиқлаб тургандай кўринарди.

— Фашистлар шаҳарни босиб олган куннинг эртасигаёқ, Виктория партизанларга қўшилиб кетди. Мен атайин шу ерда қолдим. Раисимиз орқага жўнатамиз деб шунча айтди, кўнмадим. Партизанларга қўшилан десам бунга ҳам рухсат беришмади. Қўйингки, бир одам қатори қўлимдан келганини қилдим. Вазифам, нима десам экан, босқинчилар ҳақида нимаики билсам, партизанларга етказиб туриш эди. Тунда, ўрмондан жулдур кийимга ўралиб Виктория келарди, маълумотни олиб изига қайтарди. Бу аҳвол тўрт ойча

давом этди. Унда хатамиз, ҳув дарё бурилган жойда, ўрмон ёқасида эди. Бир галгисида қарасам, қизим бир эркак билан кириб келяпти. «Ойи, отряд бошлигимиз менга шу кишини сизга таништиришни топширди. Иш оғирлашыпти, сиз энди онангиз билан учрашмай тура-сиз деб айтди». Мен дарров тушундим. Йигитни ертў-лага олиб тушиб, гугурт чақиб, афти-башарасини яхши-лаб кўриб олдим. Энди алоқа Камолиддин билан бўла-диган бўлди.

Тун ярмидан оғиб, атроф жимиши билан икки қуло-гим деразада бўлади. Дераза тагига нўхотдек кесак тушса сезаман — демак, Камолиддин шу ерда. Вази-ятга қараймиз. Иложи бўлса уйга киради, бир нафас гаплашамиз. Бўлмаса, қисқа, сўзлашиб, уни жўната-ман. Бора-бора шундай ўрганиб қолдимки, то кўргу-нимча юрагим така-пукка бўлиб юрарди.

Бир сафар ёмғир қўйиб турганда келди. Уйга ҳам кирмади, ҳамма вақт: «Онажон, енгил кийинибсиз, ша-моллаб қоласиз» дейдиган йигит, бу гал ёмғирда қол-дирди, иккимиз уй деворига ёпишиб олиб гаплашдик:

«— Бўлинг, шошиб турибман, нима гап?»

«— Эрталабдан бери шаҳарда биноларни шошилинч равишда бўшатишяпти. Янги солдатлар келармиш»,

— «Бу маълум. Яна?..»

«— Балиқчи Прохорни ўласи қилиб уришибди».

«— Нега?!»

«— Тунда балиқ овлагани учун. Соқолларини юлиб олишган дейишади».

«— Эртагача шуни аниқлаб қўйинг. Бу муҳим. Чолни балиқ овлагани учунми, ё бошқа сабабдан уриш-ганими?»

Шу гапдан сўнг қоронғилик қўйнига балиқдай шўн-ғиди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Орадан ярим соат ўтдими, йўқми, билолмадим. Темир йўл томонда шундай порт-лаш бўлдики... кейин ҳамма ёқни одамларнингчуввоси, ўқларнинг отилгани қоплади. Эрталаб эшитсан, фа-шистларнинг саккизта вагони пастликка ағанаб кетиби-ди. Бундан хурсанд бўлдим-у, Камолиддин эсимга ту-шиб ўпкам тўлиб кетди. Уч кунгача дарак бўлмади. Жуда гангигб қолдим. Тўртинчи кун кечаси Виктория келди. Атроф нотинч бўлгани учун дарров ертўлага туширдим. Шу ерда бир нафас дардлашдик. Бирдан кўнин кўкрагига тушиб қолди. Елкасидан ўқ еган

экан. Соддалигимни қарангки, шу вақтгача урушдаги ҳамширалар укол қилиш, дока боғлашдан бошқасини билмайди деб юрарканман. Ўша кечаси Виктория бошқалар билан бирга темир йўл яқинида биқиниб ётган экан. Юрагини қаранг! Ҳеч бўлмаса шу ердалигини Камолиддиндан айтиб юбормайдими?! Ундан, Камолиддин қани деб сўрасам, йиқилиб тушувди, тузалиб кетади, дейди қизи тушмагур. Мен ёш боламидим. Гапига ишонмадим. Ҳа, саломат бўлса шунинг ўзи кифоя деб қўя қолдим.

Викторияни кузатдим-у, уйқум қочди. Қизим билан Камолиддинларнинг қилган иши менга шундай қувват бағишладики... назаримда ҳозир кучимга, ҳа, бир аёлнинг кучига бутун бир фашист армияси дош беролмайдигандек бўлди. Бундай пайтларда оналар тоғдай қудратли бўлади.

Бора-бора мана шу кичкинагина хата партизанларнинг кўз-қулоғи бўлиб қолди. Қейинчалик алоҳида отрядга бош бўлган Камолиддин душманга сира кун бермади. Уни бир эмас уч марта орден билан мукофотланди. Виктория унинг отрядида эди.

Қаҳратон қиши кечасида деразам қаттиқ тақиллади, кўрқиб кетдим. Эшик тирқиншидан қарасам, икки партизан аллакимни кўтариб турибди. Жон ҳолатда эшикни очдим. Қоронгида таниёлмадим. Ичкарига киргач, гугурт чақиб қарасам, бош ва кўкрагидан қонга беланган Камолиддинни кўрдим. Додлаб юборишимга сал қолди. Йигитлар уни печка ёнига келтириб қўйишиди. Кўкрагидан қон оқиши тўхтамасди. Тугмаларини ечиб, ярасини қаттиқ боғлаб қўйганимиздан кейингина кўзини очди-ю «сув» деб имо қилди. Йигитлардан бирини дарров ўрмонга, отрядга юбордик. Тонг палласида Камолиддин сал ўзига келди. Гапирмоқчи бўлиб уринарди-ю, мадори етмасди.

— Онажон, раҳмат сизга,— дея олди зўрға.

Оҳиста тугмаларини ечиб, кўкрагини босиб азоб бергаётган ҳужжатларини чўнтағидан олдим. Муқовалари қонга беланган ҳужжатлар орасидан оқ гулга ўҳашаш бир нарса сирғалиб тушди. Олиб қарасам, бир чаноқ пахта тахтакачда босилгандай текис бўлиб турибди. Пахта аралаш чаноққа бир-икки томчи қон тегибди. Сездирмай яширмоқчи бўлувдим, кўриб, кўзла-

ри катта очилиб кетди. Бирдан юзига табассум югуртиб, тетикланди.

«— Бир кўрсатинг, онажон»,— деди жовдираб.

Чаноқни кўзи олдига яқинроқ олиб бордим. У, худди соғ пайтидагидек жилмайди.

«— Биласизми, бу — чўлда ўзим етиштирган биринчи ҳосилнинг нишонаси эди. Бўлалигини қаранг. Фронтга жўнаётганимда ёнимга солиб олган эдим... Ўзи иккита эди... биттасини... биттасини Викторияга берганман... Ўзи қани?.. Койимассангиз, бир гапим... уни севардим...»

Унинг кўзлари, тим қора ўткир кўзлари чўғдек ёнарди. Мен бор кучимни йиғиб, кўз ёшимни ютардим. Бир нафас жим қолди. Бир оздан кейин яна қўлимдаги чаноқقا тикилди.

«Дадам қишлоғимизда тузилган биринчи колхозга раис қилиб сайлашган эди. Биринчи ҳосилни йиғиб олаётгацида қулоқлар уни пичоқлаб ариққа ташлаб кетишган экан. Барibir, улар мақсадига эришолмаган. Дадам ўн икки йил раис бўлди...»

У гапиравкан, шундай азоб чекардики, «қўй болам» дегим келарди-ю, тилим бормасди, ҳаётини узиб қўяётгандай бўлардим. У нафасини ростлаб, гапини давом эттирди.

«— ... Ёшлигимда дадам айтган гаплар ҳали эсимда: «Болагинам, колхоз осонгина тузилмаган... қон тўқканмиз...» Мен қон тўқмадим. Урушдан аввал онам билан Мирзачўлга келиб янги ер очдим. Мана пахтаси... мен... мен бу оппоқ пахтага гард юқтираслик учун жанг қилдим... ростми? Қаранг, унда юрак қоним ялтираб турибди, аммо ғубор йўқ... Пахтакорнинг қалби ҳам, иши ҳам пахтадай пок... ҳеч қандай куч унга гард юқтиrolмайди... Тузалиб уйга хат ёзсан, шуларнинг ҳаммасини киритаман... чаноқни яшириб қўйининг...».

Шу куни чонитгоҳгача гапириб ётди. Йўқ, аввал гапириб, кейин алаҳлаб ётди. Ташқарида гупуллаб қорёғиб турарди. То қоронғи тушгунча отряддан ёрдам келмаслигига ақлимиз етарди. Йўқ, кечга бормада. Кун яримдан оққанда ўнг қўлинин менга қараб бир чўзди-ю, кўз юмди...

Камир қовжираган бармоқлари билан кўз ёшини атаркан Виктория ўпкасини тутолмай ташқарига чи-

қиб кетди. Кампир ўрнидан туриб бурчакдаги сандиқни очди. Анча титкилаб, кичик бир қутичани олди. Ичидан тахтақачлангандай бўлиб кетган чаноқдаги пахтани олиб авайлаб узатди. Томган қон ҳали ҳам қизариб турарди.

— Яшириб нима қиласман. Куёв бўлгуси эди. Ўғлим дейишимнинг боиси шу. Ўзи айтгандай қалби пахтадай пок, кўнгли юмшоқ йигит эди. Яхши кўрардим, не қилайки, насиб этмади... Онаси билан ҳозиргacha қудамиз.

— Қудамиз?..

— Ҳа, уруш тугагач, онаси Жамолхон ҳам келди. Қабри устида ҳушидан кетиб қолди. Кейин ҳаммасини айтиб бердим.

— Кўнглидаки, сизга куёв бўлиш орзуси бўлган экан, мингдан минг рози эдим,— деб мени қучоқлаб йиглаб юборди Жамолхон. Биз ҳам она-бала ўзимизни тутолмадик. Бир неча кундан кейин Жамолхонни кузатдик. Мени қуда, қизимни келиним деб кетди. Шушу эгачи-сингил — қудалармиз. Хат ёзишиб турдим.

— Мирзачўлда денг?

— Ҳа, ўша ерда. Сиздан катта бир илтимос қилмоқчи эдим. Агар ўша томонга йўлингиз тушса, бир кириб, Жамолхонни ўз кўзингиз билан кўриб, менга хат ёзиб юборсангиз. Уям анча кексайиб қолган...

— Салом!— деган йўғон овоз эштиб, эшик томонга қарадик. Уйга кириб келган новча, сап-сариқ сочли йигитни Серафима Семёновна куёвим деб таништирди ва шу ондаёқ, ўнгайсизланиб турганимизни сезиб, қўшиб қўйди:

— Тушундим. Бу гаплардан хабардорми демоқчи-сизлар-да! Хотиржам бўлинглар. Унақа йигитлардан эмас. Ҳаммасини билади. Жамолхонга ўзиям «Онам» деб хат ёзиб туради.

Йигит уялинқираб кулиб қўйди.

Бу оила билан мен ҳам таниш бўлиб қолдим. Тез-тез хат ёзишиб турдим. Хат вақтидан кечиккудай бўлса, санаториядалигимда уйдан хат кутганимдек хавотир олиб қўяман.

Лъвов — Тошкент.

ФАРОФАТ

Кечга томон ҳаводаги булултар қуюқлашиб, юзкүлларни чимчиб оладиган қорасовуқ турди. Эрталабки қуёшга ишониб, енгилроқ кийинган ва ҳали пайкалда пахта тераётганлар совуқقا бардош беролмай, шийпонга чиқишиди. Кўққисдан тушган бу совуқ кишиларни шоштириб қўйди, боя, қуёшда кузги ҳуснини намоён қилаётган дала ҳам жунжиди, яккам-дуккам сариқ барглари шитирлаб турган яланғоч дарахтларнинг шохларига титроқ кирди.

Бусиз ҳам куни бўйи кўнгли ғаш, дарди дунёси қоронги бўлиб юрган Фарофат беихтиёр нимчасининг тугмаларини солди-да, ҳавога қаради, кейин пайкалдан чиқиб кетаётган йигит-қизларга қўзи тушди, бир қиз узоқдан қўл силтаб бир нарса деди, аммо шамол унинг сўзларини бошқа томонга олиб қочди. Фарофат нималигига тушуна олмади, ҳозирги ҳолатида тушунишни истамасди ҳам. Тирсагидан пастигача шимарилган билаги ва юзларига тикандек совуқ уриларди-ю, бутун вужуди бамисоли олов бўлиб ёнарди. Истар-истамас чаноқларга қўл узатди, ҳар палласининг учи наизадек тегаётган чаноқ қобиги ўжарлик қилиб, қисиб олган бир-икки чигит пахтани қўйиб юбормасди. Фарофат «сенам бормидинг кўнгилни хира қилмаган» дегандек, қошларини чимириб осмонга яна бир қаради-да, пайкалдан чиқди, тарозибон ёнига бориб, этагини тўқди-ю, индамай кетаверди. Икки қадам юрмаган ҳам эдики, шу ерда турганлардан киммингdir ~~кеби~~ қочиб туриб-

дими дейман, авзойи бузук» деганини эшилди, қадами-
ни тезлатди.

— Фарогат-ў,— чақирди тарозибон.

Фарогат ўгирилди, «ёсиб қўяверинг» деб қўли билан имо қилди-да, ўзидан катта одамга узоқдан туриб шундай жавоб қилгани одобдан эмаслигини ҳам унтиб, йўлида давом этди. Тарозибон бошқа гап айтмади, ёнида турган йигитга «айтганингиз ростга ўхшайди, бўлмаса граммигача ҳисоб-китоб қилиб кетарди», деб қўйди.

Уфқ қорая бошлаган эди. Фарогат шийлонда чироқ ёқилгани, у ерда беш-олти киши борлигини кўрди-ю, қайрилмай тўғри уйига қараб йўл олди.

Катта ҳовлининг чап томонидаги ўчоқда ёнаётган оловни шамол таг-туги билан кўчириб кетадигандек ловуллатарди. Фарогат эшикдан кириши билан ўчоқ бошида ивирсиб юрган онаси югуриб қизининг ёнига келди, қўлини нари-бери этагига артиб, Фарогатни бағрига босди.

— Баракалла, қизим,— дея юзларидан ўпа бошлади. Онасининг буидай одатини билмаган Фарогат ҳайрон эди, кетма-кет: «Сизга пима бўлди, ойи, тинчликми?» дерди.

— Нима бўлди эмиш?! Қизим элга берган ваъдининг устидан чиқади, ҳамманинг тилига тушади-ю, мен севинмай ким севинсан. Ўн икки минг кило деб сўз олганингда юрагим орқасига тортиб кетувди. Эпласа тузук, эпломай, қиз нарса кўп оғзида гап бўлиб кетса-я, деб кечалари уйқум ўчиб кетарди-ю, билдирамасдим...

— Ўзингизни босинг, ойи, шунча терган бир менми, оширганлар ҳам бор-ку...

— Бор бўлса бордир-у, ҳазилакам иш эмас-да ўзи. Ҳозиргина радиода ҳам гапирди. Ваъдасига вафо қилган аллақандай паҳлавонми-ей, қаҳрамонми-ей, девди, оғзим очилиб, ағрайиб қолдим.

Радио сўзини эшилган Фарогатнинг хаёли қочди. Секин айвон томонга ўтди, уйнинг ҳовлига очиқ дерасасида турган репродуктор ёнига борди, эшилдирилаётган концерт унга ёқмади шекилли, ўчирди. Қизининг ҳолатини сезмаган она ўзидан-ўзи қувониб қозон тепасида ўралишарди.

— Радиода эшилдириган бўлса, у ҳам эшилгандир,—

деди ўзича Фароғат обдастадан қўйган суви ҳовучида қолиб,— эшитган бўлса..— ҳовучидаги сув тамом бўлди ҳамки, икки кўзи гулзор ўртасидаги қовжираб қолган, шамолда силкинаётган тошрайҳон танасига тикилган эди. Юзи, пешонаси ва чакка соchlаридағи сувнинг совуқлиги сезилмаганда, шу зайлда яна қанча ўтириб қоларди, билиш қийин. Уйга кириб артинди, уй кўйлагини кияр экан, қўксидаги тўрт буқлоқлик қофозни олди, чироқ яқинига бориб очди, суратга тикилди. Қуюқ бароқ қош тагидан тик қараб турган чарос кўзлар қизни сеҳрлаб қўйгандай уни ўзига торти. Ҳамма нарса унтилди, сўнгги кунлардаги, айниқса бугунги кўнгил хиралиги ҳам эсдан чиқди, гўё бу кўзлар унга «сира кўнглингизни бузманг, Фароғатхон, тунукун хаёлим сизда» деяётгандай бўлди. Фароғат онасининг шарпасини эшитиб, суратни яширди, ойнага қараб, соchlарини тўғрилай бошлади. Барибир, уни юпатган ширин хаёл узоққа чўзилмади, тушдай ўтиб кетди. Ҳа, фақат ҳозир эмас, кейинги кунларда суратга ҳар тикилганида шундай бўларди-ю, тағин бояги аслига, минг хил хаёлларга, бири-биридан чигал, бири-биридан хунук хаёлларга гарқ бўлар, баъзида кўз ёши ҳам қилиб оларди. Ўлдуз санаб чиқсан кечаларининг-ку саноғини йўқотди. Ана шундай бедор тунларда ўзи гапириб, ўзи жавоб берар, койинарди. «Бир нарса бўлдими ўзи менга. Бирор эшитса-я. Ҳамма қизлар ҳам шундай бўлармикин, ҳеч қайсисидан эшитмасдим-ку. Йўқ. Ҳеч ким мендай бўлмайди. Агар уларнинг ҳам шунаقا Аъзамжон акаси бўлса-ку, мендан ҳам бадтар ўйларди-я, йўқ-да, бўлгаnda ҳам ҳеч-ҳеч Аъзамжон акамга ўхшамайди, ўхшаб бўпти ҳам...» Ўзи билан ўзи олишар, охирида ҳаммасини бир чекка га қўйиб, ўша, биринчи кун, шийпон ёқасидаги учрашувдан тортиб ҳозиргисигача бирма-бир кўз олдига келтирас, ҳеч нарсани тушириб қолдирмасликка уринар, агар, орасида, бир оғиз сўз тушиб қолса, қайта хотирлар ва ниҳоят, ширин хаёллар оғушида кўзи уйқуга кетарди.

Бунга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шийпон ёнига иккита трактор келиб тўхтади. Бригада аъзолари гур этиб унга пешвоз чиқишиди. Бирор тракторчиларга «хуш келибсизлар» деди, бири «марҳамат», яна ким-

дир «машинага қараб қолдик-ку» деган эди, иккинчи трактордан тушган ўрта бўйли, қорачадан келган ба-роқ қош, чарос кўзли йигит Фароғатга шундай тикилдики, қизнинг кўзлари бардош беролмади. У бошини қўйи солди, шунда йигитнинг «машинага қараб қолип-сизлар-у, эгасини унугибсизларда» деганини эшишиб қолди. Бу гапга у ҳозир унча аҳамият бермади, ўзи билан-ўзи сервор бўлиб қолганди. Аъзойи баданида қандайдир тотли титроқ сезди, юраги тез-тез ура бошлиди, одамлар орасидан зўрга чиқиб кетди. Сузиб келтирилган овқатни ҳам, рўмолчадаги нонини ҳам қолдириб, пайкалга кириб кетди. Шу куни кечгача қандай ишлабанини ҳам билмади. Кўнгли тезроқ уйга кетишни, ёхуд қир томонга бориб, якка ўтиришни истарди. Үртоқларининг гапига қулоқ солгуси келмас, фақат тинчлик, холиликни қўймасарди. Шу куни кечқурун она-сига ҳаётида биринчи марта ёлғон гапирди, бошим оғриб турибди, деб овқат ҳам емай, барвақт ётиб олди. Тонг саҳаргача уйқуси келмади. Нима бўлаётганига тушуна олмасди. Ўйламай деса ўй ғолиб чиқар, қулоқлари остида тракторчининг сўзлари «бизни унугасизми» деган маънода жарангларди.

Фароғат бир неча кунгача шу алпозда юрди. Тракторчи бошқа участкада бўлгани учун уни кўролмасди. Аммо кун ўтган сайин қаердан трактор овози келса, беихтиёр ўша томонга қулоқ солиб, ҳаёли қочарди, тракторчи деган номни радиода эшигадими, газетада ўқийдими, кишилар оғзидан қулогига чалинадими, ҳар сафар бир хил бўлиб кетар, ранглари ўзгарар, бу ҳолатини бирор кузатаётгандай ён-верига қараб қўярди...

Орадан икки ҳафта ўтди. Бир куни кечқурун Фароғат қишлоқ магазинидан олган нарсаларини кўтариб кетаётганида, худди канал ёқасида, кимдир орқадан келиб, нарсалари кўплигидан оғзи очиқ қолган сумкасини олди. Ялт этиб қараса... ўша, ўша бароқ қош, олов кўз йигит. Фароғат қўрқиб кетди, дод деб юборишига сал қолди. Дағ-дағ титрар, тилига гап келмас, сумка ҳам, чап қўлидаги коробка ҳам йигит қўлига ўтган, у ерга қараганича турарди. Аъзамжон бўлса зўр бериб «кечирасиз, халақит... кетишум мумкин..: фақат...»га ўхшаш гапларни такрорларди. Фароғат ўзига келолмай, юришини ҳам, турини ҳам билмас-

ди. Охири алланималар деб, икки қадам олдинда йўл бошлаган Аъзамдан орқароқда борди. Бора-боргунча тилига гап келмади. Кўчасининг оғзидағина зўрға «раҳмат» деб, сумкани йигитнинг қўлидан олди.

Шундан кейинги учрашувлар... саноғи йўқ. Аммо ҳар галгиси бири-биридан оловли, бири-биридан ширинки.. Мана, ҳозир Аъзамжоннинг сурати ҳам Фарофатнинг юрагига ўт ёқаётити. Нега энди у хафа? Бутун гап шунда. Бу йил Аъзамжон нариги, янги ер участкасида машинада пахта теряпти. Ораси анча йўл. Мана бугун роса уч ҳафтадирки, Аъзамжонни кўргани йўқ. Икки ҳафтасини бир амаллаб, суратига тикилиб, эски хатларини қайта-қайта ўқиб ўтказди. Аммо кейинги кунларда жуда-жуда соғинди. Шундай соғиндики эрка деса йиғлаб юборгудай,— яширишнинг нима ҳожати бор, кимнинг бошидан ўтмаган бу савдолар,— Аъзам деган юмни эшитса, юраги орзиқиб тушадиган бўлиб қолди. Назарида бутун борлиқ— меҳнат ҳам, роҳат ҳам, бахт-саодат — ҳаммаси фақат шу, Аъзамжон. Усиз ўз ҳаётини тасаввур қилолмасди. Мана энди уч ҳафтадан бери кўролмагани, ундан хабар ололмаганидан дарди-дунёси қоронғи. Бунинг устига звенодаги қизларнинг гоҳ ҳазил, гоҳ шама қилиб айтганлари жон-жонидан ўтиб кетарди. «Янги ерда янги ёр топипти» деса бири, «ўзи енгил йигит» дейди иккинчиси. Айниқса бугун, тушлик пайтида ёмон бўлди. Фарофат ўзи икки тонна пахта териш мажбуриятини шу бугун эрталабоқ бажарди. Тушлик вақтида уни ҳамма табриклади, раиснинг ўзи қўлинни қисиб, катта мукофот ваъда қилди. Шунда, қувончи ичига сиғмай турганида бетга чопар қизлардан бири «Аъзамжон бўлганида табриклаб қўярмиди» деб пичинг қилувди, Фарофатни совуқ тер босгандай бўлди. Хурсандчилиги ичига тушиб, юраги сиқила бошлади. Уйга қайтар чофида, «наҳотки...» деб кўнглидан ўтказгани, кўзига ёш олганининг боиси шу. Нима қилсин? Таваккал қилиб борай деса, номус кучлик, гап бўлади деб чўчийди. Бормай деса.. ўзи кичкина болами, бир баҳона топиб тушиб кетса нима бўпти.

Фарофат ўз ҳаёллари билан бўлиб, ташқарида бўралаб қор ёға бошлаганини ҳам пайқамади. Овқат кўтариб кирган онасининг юzlари совуқдан кўкарган эди.

— Ҳаво ёмон айниди-ку, бу нимаси эди...

Фароғат югуриб даҳлизга чиқди, буралиб ёғаётган қор, оппоқ паҳтазорни кўз олдига келтирди. Гүё унда ўз машинаси устида совуққа қотиб Аъзам тургандай.

— Ёмон бўлди, ойи, ҳали озмунча паҳта бормиди далада,— онасиға шундай деди-ю, дилидан «Аъзамжон акам қаердайкин» деган саволни ўтказди.

— Эшик тақилладими, Фароғат?

— Туш кўрятпизми, шамол-ку.

Тақиллагани рост эди. Устига резинка плашч кийган почтальон кириб келди.

— Сайдалиеванинг ҳовлиси шуми?

— Ҳа, нима, хат борми?— Фароғат кўйлакчан ҳовлиқиб айвонга чиқди. Хатни олиб уйга кирди. «Аъзамжондан келган, шу маҳалда олиб келганини қаранг-а».

Хат Аъзамдан эмас эди. Фароғат шошиб ҳатни очаркан, кўзларига ишонмай қолди.

«Ҳурматли ўртоқ Фароғат Сайдалиева! Ҳиммати-нгизга раҳмат... Ҳаво ёмон келди. Мўл ҳосил ерда қолиб кетмасин. Ватан сиздан гайратга-гайрат қўшиб, ҳосилни тезроқ териб олишда меҳнат қаҳрамонлиги намунасини кўрсатарсиз, деб умид қиласди...»

Фароғатнинг кўзлари катта очилиб кетди. Унинг бу ҳолатига онаси ҳайрон эди.

— Нима гап, қаердан?

— Ўзбекистон партия Марказий Комитетидан.

— А?

— Ойи, буни қаранг, мени Марказий Комитетдагилар ҳам билишаркан-а. Менга, худди ўзимга ёзишипти, қаранг. «Ҳурматли ўртоқ Фароғат...»

Қизнинг бутун вужудини ҳаяжон босди. Хатни қайта-қайта ўқир, деразага, гупуллаб ёғаётган қорга тикилар, шу пайт у кенг паҳтазорни, қор босган далаларни кўрди. Йўқ, ундан ҳам узоқни, Фарғонани, Тошкентни, Москвани кўрди, паҳта тойлари ортилган эшелонларни, минг-минглаб дастгоҳларни, тўқувчи-тикувчиларни кўрди. Бутун мамлакатни кўрди. Шу дақиқада ақлан ўсган, фикрлари ўткирлашган, ҳозиргина кўз ўнгидан намоён бўлган мамлакат топширигини бажаришдек олий ва шарафли бурчни адо этишга отланган ватанпарвардек турарди. Яна хатни ўқиди. «Ростми ўзи. Мен комсомол бўлсанм, Мирзачўлнинг чекка бир қишлоғи-

да турсам, Марказий Комитетдагилар мени қаёқдан билишдийкин? Янглиш эмасмикин? Йўқ, тўппа-тўғри. Партия топширятти-я. Ватан буюряпти-я. Мен ўзим кимман? Аъзамжон акам эшитсайди?..»

Шу дақиқа «Ватан» деган сўзниг нақадар улуғ ва қудратли эканини, унинг бутун салобатини кўз олдига келтирган Фароғат, ўзи ҳам катта масъулият олдида тургандек салобат касб этди. Она хатниг мазмунидан, қизининг шунчалик ҳурматга мушарраф бўлишидан севиниб, кўзига ёш олди.

— Танинг соғ бўлсин, қизим, пахта ерда қолса юртга зарап-да, ахир.

Тун ярмидан оққанда қор тўхтаб, кўкни юлдузлар қоплади, совуқ авжига минди.

Кумуш тонг билан бирга уйғонган Фароғат калта пахталигини кийиб, далага чиқиб кетди. Кўчалар, пахтазорни қоплаган қор қизнинг этиклари тагида гирчиллаб, эрир, унгэ йўл очарди. Пахтазор қизнинг қайноқ нафасидан исиб кетгандай, қалбининг ҳароратидан қайта яшнагандек эди. Ҳа, худди шундай эди. Фароғат қадам ташлар, совуқ шахтидан қайтиб қорлар эрирди.

Тунов куни «тоби қочипти» деб гумон қилган тарозибон, беш кунлик якунида Фароғатнинг ҳисобига ярим тоннадан ошиқ пахта ёзилганини айтди. Худди шу куни колхозга марказдан вакиллар келган эди Улар пахтазорни ҳам айланishiди. Йўл ёқасига келиб тўхтаган машинадан тушган кишиларни Фароғат пайқамай қолди. Улардан бири худди эски танишдек, «ҳорманг, Фароғатхон» деб унинг ёнига келди. Фароғат сўрашиб бўлгач, қизларга хос мулойимлик билан бoshини сал эгиб ёнига ўгирилди. Шунда йигит:

— Кечирасиз, сиз Марказий Комитет хатидан хабардормисиз?— деб сўради.

— Ҳа, олдим,— деди Фароғат мулойим гапириб.

— Жуда яхши, ўқиб чиққандирсиз?

Фароғат тескари ўгирилиб, кўксидан буқлоқлиқ қоғоз чиқариб берди.

Йигит хатни олиб очди-ю, пиқ этиб кулиб юборди. Ёнидагилар яқинроқ келиб кўришди. Хат эмас, расм эди. Улардан бири бехосдан «И-е, бояги механик-ку, Аъзаммиди?» деб юборди.

Фароғат қизариб кетди, уларга ўгирила олмади, уялганиданми, ё Аъзамнинг номини эшитганиданми,

титроқ босди. Фарогат қўлини шошиб кўксига олиб бориб, хатни чиқарди, шу аҳволда турганича бояги кишига узатган эди, шу қўл унга расмни қайтариб берди.

Меҳмонлар Марказий Комитетнинг бу хатини саккиз буклоқ ҳолида кўксида сақлаган қизга бир-бир қараб қўйишиди, бир-бирларига сўзсиз, аммо маънодор тикилиб қолишиди. Улар хижолатдан қутқариш учун хатни қизга қайтариб, хайрлашишиди. Машина томон юришиди.

— Чин муҳаббат,— деди улардан бири,

— Ха, ёр ишқи, Ватан севгиси бу.

И УЛДА

Поезд келгандың бир нафасына гавжум бўлиб турадиган кичик станцияга юк машинаси келиб тўхтади. Ундан бир неча аёл ва эркаклар тушиб, шинамгина перрондаги скамейкаларга ўтиришди. Машина тўхташи билан бўлинниб қолган бояги кулги эркакларнинг қаҳқаҳалари билан яна жаранглаб кетди. Афтидан, йўлдаги асқиянинг пайрави тугамаган, энди авж ола бошлиган эди.

— Нега келмади дейишса, нима дейсиз, Марҳаматхон?

— Гўдаклар билан ўралашиб қолди, дейдилар-да...

Яна кулги кўтарилиди. Марҳамат ҳам юзини тескари буриб, кулиб юборди, «иш билгандан кейин гап ҳам билсангиз нима бўларди» дегандай, эрига қаради. У ҳам, ноилож мийифида кулар, ҳа деганда оғзига асқибон бир сўз келақолмаганидан тажанг эди.

Узоқдан паровознинг овози эштилди-ю, асқия тўхтади: Эркаклар чемоданларни қўлларига олишди. Ҳамма Марҳаматни ўраб олди.

— Ҳой, албатта ёзинг-а, эсингиздан чиқмасин,— деб илтимос қиласарди атлас кўйлакли жувон,— кўз тикиб тураман-а.

— Ўзи қип-қизил бўлсин, хўпми, ойи?— жоврарди думалоқдан келган Талъатжон.

— Сайдалига бир қоп сўргич посылка қилинг, бу ерда тополмай юрмасин тағин,— деди боядан бери асқия қилаётган пакана, семиз йигит. У бошқаларга қўшилиб хихилаб кулар экан, йўғон камар боғлаган қорни селкилларди.

Марҳамат кулги орасида ҳамма билан қўл олиб хайрлаши. Ўғли Талъатжонни бағрига босиб, қайта-қайта ўпди, автомобилча олиб келишга ваъда қилиб, уни зўрга бағридан чиқарди. Саидали чемоданларни кўтариб вагонга чиқди. Марҳамат, унинг кетидан зина-пояга оёқ қўйиб, пастдагиларга ўгрилди, кулиб туриб қўл силкиди. Эри билан вагоннинг йўлагида хайрлаши.

— Тезроқ тушақолинг, ҳали буни ҳам асқияга олишади,— деди Марҳамат лабларини қимтиб.

Поезд қўзғалди. Деразанинг шойи дарпардасини суриб, ташқарига тикилган Марҳамат анча жойгача дуррачасини силкиб борди. Уни кузатгани чиққан ҳам-қишлоқлари, дугоналари, Талъатжонни елкасига кўтариб олган Саидали, кичик станция ортда қолди. Энди визиллаб ўтиб бораётган симёғочлар, яшил далалар, боғ-роғлар, оқариб кўринган иморатлар кўринарди. Марҳамат купега кирмай, коридорда, очиқ деразадан кираётган шамолга юзини тутиб узоқ туриб қолди. Ҳаяжонданми, қуннинг иссиғиданми, яхшигина терлаган эди. Шабада унга совуқ сувда ювингандай ёқарди. Пешона соchlари тўзғиб юзига тушди. Қовоқлари солиниб, катта-катта, тиниқ, ўйчан кўзлари кенг паҳтазор бориб туташган уфққача тикилди. Энди кўзига уйлар, боғлар, ундан нарироқдаги кенг дала эмас, ўша уфқ, унинг орқасидаги алланарса кўрина бошлади. Назарида ҳозир поезд ўша томонга ошиқаётитпи, шундай айланиб боради-ю, худди Марҳамат тикилиб тополмаётган жойдан чиқадигандай. Бундан бир неча соат аввалги гурунглар, кузатгани келган меҳмонларнинг сухбатлари ҳам қулогига кирмай, сафар анжомларини ҳозирлаш ташвишлари, аллақандай ҳужжатни, сўнгги йилларда тутган ва муқовалари гача ёзув бўлиб кетган блокнотини қидириб топгунча хуноб бўлиб кетгани, машинадаги асқия, кулгилар — ҳаммаси ҳозир шу манзара таассуротларига қўшилиб кетди.

Қизиқ. Нега шундай бўларкин? Марҳамат-ку эсини таниганидан бўён неча-неча шаҳарларни кўрди, сафарга энди чиқаётгани йўқ. Москвага ҳам бир неча марта борган. Бироқ ҳар галгисида ҳам ҳозиргидай бўлар, қишлоғидан чиқиб поездга ўтиради-ю, аллақаери жиз этиб кетарди, ҳаяжон босарди. Анча йўлгача худди энди қишлоғига қайтиб келмайдигандай ҳаммасини бир-бир

ҳаёлидан ўтказарди: «Умарали укалариға қарай олар-
микин? Бўшлигидан куйдим-да. Бу тенгги болалар уй-
жойни бемалол эплаб ўтиради-ю, бу бўлса... тувоқ буёқ-
да қолиб, қозонга кострюолнинг қопқоғини ёпади. Даз-
молга эҳтиёт бўлса бас. Шунга ҳам ҳали яхши ўрганиб
олгани йўқ. Раъононинг лентасини куйдириб қўйганга
ўхшаб... Дазмолни электрдан суғурмай, китобми, жур-
налга берилиб кетса-я?.. Тавба, мактабда аълочи, ак-
тив дейишса, колхоздагилар хўп одобли бола-да, деб
мақташса-ю, уй-жойга шунчалик бўш бўлса, еттинчининг
ўқувчиси-я. Бир ҳисобда тўнғичинг қиз бўлгани ҳам
яхши экан, ҳадемай ёнингга киради, қўяди. Шуна-
қангги пайтда уйингда кампиринг бўлмагани жуда би-
липади-да. Яхшики, Саидали акам уй-жойга бепарво
қарайдиган эркаклардан эмас, бўлмаса... у ҳам эрта-
лаб чиқиб кетади, тушки овқатга келмаса, бўлмаса
кеч қоронигинда қайтади... Ҳаҳ, эсим қурсин-а, Талъ-
атининг костюмини айтмабман-а, салқин тушиб қолса...
Умаралининг эсига келармикин? Машиначининг ўзи
келтириб бермасмикин? Кетаётганимни эшитди-ку,
наҳотки...» Шуларни ўйлаб турди-да, худди бирор унга
«боинингизда шунча жамоат иши турса-да, сиз қаёқ-
даги дазмол, сигир соғишининг ташвишини қилсангиз»
дезётгандай бўлди. У ўзига ўзи жавоб берарди: «Ҳа,
опилар шундай. Бундай шахсий ҳаётини жамоат иши-
дан устун қўядиган маънио чиқмайди. Йўқ, асло бундай
эмас. Аммо улар қандай масъул ишда бўлмасин,
фарзаандлари, уй-жойи ҳақида эркаклардан кўпроқ
ўйлайди. Узи бош бўлган колхоз ёхуд бригада аъзола-
рининг мажлисини ўтказиб, муҳим бир масалани ҳал
қилиб уйига қайтаркан, миরғак чақалогига қўшилиб
чақалоқ бўлади, боланинг аллақаери оғриб, чинқириб
йиғласа, ганинг очиги унга тўрмулиб туриб, кўз ёши
ҳам қилиб олади. Опалар шундай!..»

Паровоз ўнгга бурилганда шамол унинг ўтхонасидан
чиқаётган тутунни деразага келтириб урди. Марҳамат
бошини тортиб, яна бир оз қараб турди-да, купега кир-
ди. Купеда икки пассажир — бири анча ёшларга бориб
қолган, кўзойнакли, алоқачи формасидаги эркак, иккinci
ши ўрта ёшлардаги, оппоқцина жувон эди. Улар Мар-
ҳамат боя чемоданларини жойлаштирган пайтда ёнма-
ён ўтириб, кроссворднинг катакларини тўлғазиши билан
манигул эдилар. Ҳозир ҳам шу билан бош қотириб ўти-

ришибди. Жувон қаламининг учини тишига қўйиб шу қадар ўйга ботганки, Марҳамат кирганида унинг юзига тик қараб қолди-ю, ҳеч гап айтмади. Кўзойнакли киши унинг дам олмоқчи эканини пайқади щекилли, мулозимат билан Марҳаматга тўғридаги жойни кўрсатди.

— Қани, ўтириңг, бемалол.

Марҳамат «раҳмат» деди-да, иккиланиб қолди. Коридордан проводникни чақириб, ўзига жой қилиб беришини илтимос қилди. То проводник келгунча алоқачи ўрнидан туриб, ўз ўрнини йиғиштира бошлади.

— Ҳа, қаёққа кўчмоқчисиз?— деди хаёли бўлинган жувон қаламини ўйнаб.

— Юқорига,— деди алоқачи кулиб,— қарасам, жуда пастлаб кетибман.

Марҳамат бу кишининг ўзи учун жой бўшатаётганини фаҳмлади.

— Нега юқорига?! Йўқ, овора бўлманг, мен иккинчи полкани жуда ёқтираман,— деб алоқачининг қўлидаги ёстиқни ушлаб олди.

— Шошманг, шошманг,— кўзойнагининг тепасидан тикилди алоқачи, купеда уч кишимиз. Кўпчилик аёллар, мен уларни ҳурмат қилингага мажбурман, умуман аёл кишини юқори полкага чиқаришни ёқтирамайман. Хафа бўлмайсиз,— деди-да, кексаларга хос меҳрибонлик билан кулиб қўйди. У, ёстиқ-чойшабларини тўғрилар экан, худди гўдаклардек «аккуратний почтальон...» деб бир-икки такрорлади. Марҳамат чолнинг қилиғига кулиб юборай деди. Кроссворд билан овора бўлган жувон овонини чиқариб кулди ҳам, Марҳаматга қараб «бу кици шунақалар» дегандай имо ҳам қилиб қўйди. Но-таниш алоқачининг муомласи ҳам ёшларга хос тетик. Жувоннинг ёнига ўтириб «иш мана бундай бўлибди-да» деб қўйди-да, дарров журнални қўлига өлди.

— Қани, топдингизми?— сўради алоқачи.

— Йўқ, жуда қийин экан.

Марҳамат миннатдорчилик билдириб, жойига ўтириди. Устидаги шилдироқ пильникни ечди. Атлас нусха крепдешин кўйлакка қадалган олтин юлдузда қуёш нури ўйнай бошлади. У кейинги вақтда анча тўлишган, кўйлак ҳам ўзига ёпишиб турарди. Ўз одати бўйича енгларини тирсагидан юқоригача шимарди. Сумкасидан қофзога ўроғлик шиппакни олиб, полга ташлади, туфлиси-ни ечди. Қораҷадан келган кулча юзларидаги тиниқлик,

тим-қора сочларини кўриб, ҳеч ким бу жувоннинг қирқ-ларга бориб қолганига ишонмасди. Ў, кроссворд билан банд бўлган чол ва жувонга халақит бермай, ёстиққа сал ёнбошлади-да, яна деразага тикилди. Қўнгли алларсани, олмами, бир шингил узумми — шунга ўхшашни тусади-ю, чемодандан олишга эринди. Боғда эртадан кечгача юриб, бир шингил узум ёки битта шафтолини ейиш эсига ҳам келмайдиган одам, ҳозир қўнгли тусаб қолганига ҳайрон бўлди. Поездга чиқиши ҳамоно уйжойи, бола-чақалари кўз олдига келгани каби, кенг узумзор боғнинг ҳам дарров хумори тутди, қўйди. Бу — табий эди. Ўн олти йилдан бўён ўзи бошчилик қилиб келаётган узумчилик бригадаси, бир қатор әкилган токлар... Ҳар бир поя, ҳар туп ток, ҳилма-хил навларнинг ўзига хос ҳилма-хил эркаликлари, инжиқликлари... ҳар бирининг ўзига яраша талаби ҳам, пишиқчиликка келиб гўзаллиги ҳам бор. Биронта нави йўқки, Марҳамат қўлида инжиқлик қилмасни. Машҳур соҳибкор Ризамат ота айтганидек, Марҳамат токлар билан гаплашади. Марҳамат энди фаҳмлади: қўнгли ҳозир узум тусамапти, узумзорни тусапти. Ботаётган қуёшнинг шафақ ранги ойнага тушганда билди буни. Шунақанги пайтда фарқ пишиб ётган узумзорни атайи айлануб чиқишни ёқтиради у. Узумлар ажиди бир тусда товланиб кетадики... эгнида атлас кўйлак билан узум узаётганида рангдор кинога олишганидан ҳам чиройли... Бу йил колхоз токзорида ҳосил шунча кўп бўлдики, бамисоли сув келиб яхлади. Ана бу йилгисини виставкада кўрсатса бўлади. Марҳамат урушдан олдин, виставка биринчи очилганида ҳам қатнашган эди. Аммо ҳозир ўйлаб қараса, ўшандаги ҳосил, узумларнинг турлари, уни парвариш қилиш усуудлари билан ҳозиргисининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳосилни ғиририш, навларнинг сифатини яхшилашда олимлар, тажрибали соҳибкорлар озмунча бош қотиришдими. Марҳамат буларни сира-сира унтурмайди. Эндиликда ўзи ҳам анча нарсага ақли етадиган, соҳибкорларнинг баҳсларида дадил сўзлайдиган бўлиб қолди. Шу тўғрида ўйлаганида, соҳибкор отасининг «узумчиликнингки» илми бор экан, ана энди кўрасан, қизим, унинг ривожини» деганини эслаб қўяди. У вақтда Мирҳамат ёш эди, бу гапларни отаси нима учун айтганини яхши билмасди. Отаси вафот этиб, ўзи вояга етгач, ўти қўли билан ток ўтқаза бошлаганидагина билди. Эн-

ди бўлса... бутун бир бригадага бошлиқ. Кўксидаги олтин юлдуз меҳнатининг самарасини кўрсатиб туриди...

Қоронғи тушиб, купедаги лампочкалар ёнди. Чол билан жувон ҳамон кроссворд билан овора. Марҳамат секин ўрнидан туриб, дераза пардаларини туширди, ўти-паркан, алоқачи «қизим» деб унга қаради. Қаради-ю, гапиролмай, тикилиб қолди. Марҳамат дарров пайқади. Бундай ҳолатни — кўкрагидаги юлдузга тикилиб қолиб, гапиролмай қолган кишиларни энди учрататгани йўқ.

— Ҳа, бирнима демоқчимидингиз? — табассум билан сўради у.

— Ҳа, ҳалиги... мана буни айтиб беролмайсизми? Масалан... Узумнинг бир нави... Олти ҳарфдан иборат... бош ҳарфи М...

Марҳамат ўйлар экан, чол ҳам, жувон ҳам унинг юзига, ўйчан кўзларига, кўкрагига тикилиб туришарди.

— Олти ҳарф... Мускат,— деди Марҳамат бирдан.

— Жуда тўғри, қани ёзингчи,— чол мамнуният билан илжайиб, яна «аккуратний почтальон» деб қўйди.

Чол билан жувон алламаҳалгача ўтириши. Марҳамат бир стакан чой ичib, ётди.

Эрталаб, поезд келиб тўхтаган станциянинг шовқини билан уйғониб кетди. Юваниб купега кираётганида, коридорда ўрта ёшлардаги, қотмадан кёлган бир йигитга дуч келди. Йигит яқинроқ келиб сўрашди.

— Салом, Марҳаматхон опа,— деди-да, юзлари, қулоқларигача қизариб кетди. Марҳамат ҳайрон бўлди, «салом» деди-ю, лекин кимлигини ҳеч эслай олмади. Йигит салом берганича ўнғайсизланиб тураверди, кейин юзини секин дераза томонга бурди. Марҳамат ҳам ҳайрон. Нима дейинини билмасди. Бир оздан кейин қўлидаги сочиқни қўйиб чиқиш баҳонаси билан купега кирди. Ўйланиб қолди: «Ким бу? Мени қаёқдан таниркин?» Бу савол унинг миясини қотирди. Нонушта қилиб бўлгунгача ҳам, ундан кейин ҳам эслаб тополмади.

Қуёш тиккага келиб, купенинг ичи димиқиб кетди. Марҳамат қўлидаги китобни қўйиб коридорга чиқди. Дераза ёнида тураркан, ўртадаги купедан бояги йигит чиқиб, тўғри унинг олдига келди.

— Марҳаматхон опа,— деди у уялинқираб,— бизнинг купега киринг.

— Марҳамат секингина «раҳмат» деб қўяқолди. Йигит яна илтимос қилди.

— Бир ўзингиз зерикаётгандирсиз, юринг, биз кўпчиликмиз.

— Биз ҳам кўпчиликмиз, раҳмат.

Йигит бошқа гап айтмади, орқасига қайтиб купега кириб кетди. Ўндан ёшгина бир жувон чиқиб, тўғри Марҳаматнинг ёнига келди, худди эски танишдек қўлини узатиб сўрашди.

— Юринг, Марҳаматхон опа, гаплашиб ўтирамиз.

Илтимосни қайтаришга ўрин қолмаган эди. Марҳамат кўнди.

Купеда уч йигит ўтиради. Марҳамат кириши билан улар худди синфдаги болалардек ўринларидан туриб, салом беришди. Жувон Марҳаматни ўз ёнига ўтқазди. Ўртага иккита чемоданэтик қўйилиб, дастурхон безатилган. Товуқ гўштидан тортиб, анжиргача тўкиб ташланган. Бояги йигит Марҳаматга дарров чой қуийб узатди. Марҳамат ҳамон ҳайрон эди. Қани энди биронтасини таниса-ю, гапга қўшила қолса. Шундан ёмони йўқ-да. Бир-икки пиёла чой ичилгунча бўлган гап мезмонларнинг «олинг», «нега емайсиз»идан нарига ўтмади. Кейин йигит чемоданини очиб, бир шиша чиқарди. Шишанинг қорнига аллақандай ёзуви оқ қофоз ёпиширилиб, оғзи худди дори шишасиники сингари пробка устидан чети кунгирали қофоз билан бекитилган. Йигит шишанинг оғзини очиб, пиёлаларга, олдин Марҳаматнинг пиёласига қўйди. Расмана, қип-қизил винонинг ўзи. Марҳамат буни кўрди-ю, авзойи бузилди, йигитларга ер остидан бир-бир қараб чиқди. «Наҳотки... Йўқ, ундей йигитларга ўҳшамайди-ку, аммо мени ичкилик ичишга таклиф этишганининг маъноси нима? У, бояги тахлитда ўтирганларни яна кўздан кечирди. Уларнинг юзларида меҳмондан ортиқ даражада уялишаётганидан бошқа нарсани сезмади. Шундай бўлса ҳам атайи ичкиликка қақиришганидан кўнгли қаттиқ ранжиди, шартта ўринидан туриб кетишини ҳам мўлжаллади-ю, ўзини босди.

— Қани, Марҳаматхон опа, сиз билан кўришганлигимиз шарафига,— деди бояги йигит пиёлани қўлига олиб.

— Сизнинг соғлигингиз учун,— дейишди бошқалар.

Марҳаматнинг энди астойдил жаҳли чиқди. У, қовини соганича, пиёлани қўлига олмай, қўзғалмоқчи бўлди. Мезмонлар ҳайрон бўлиб, ялина бошлишди.

— Йўқ, қани мен ўтиб кетай,— дея ўрнидан турди Марҳамат. У, яна алланима демоқчи бўлиб, оғзини жуфтлаганда, боя кўришган йигит гапириб қолди:

— Марҳаматхон опа, мени танимадингиз шекилли?

— Йўқ, танимайман,— деди жиддий вазиятда.

— Ийе, бўлмаса кечиринг, мен танидингиз деб ўйловдим, кечиринг,— йигит шунчалик ноқулай аҳволда қолган эдики, гапирганда лаблари титрарди,— кечиринг, эҳтимол, мен ўзим ҳам янгишгандирман,— йигит дудуқланди, унинг бу гапидан бошқалар ҳам ҳанг-манг бўлиб қолишганди,— ахир ўртоқ Тожибоева сизмисиз?— зўрга сўради у.

— Ҳа,— деди Марҳамат.

— Қани, қани, ўтиринг,— дейишиди унга ҳаммалари. Марҳамат омонатгина ўтириди.

— Сайдали акам...— яна сўради йигит.

— Ҳа. Мени қаёқдан биласиз?— сўради Марҳамат.

Йигитнинг юзига қон юришиди, ҳамма унга қаради. Бир нафас жимликдан кейин, ҳаммалари бирдан кулиб юборишиди. Марҳамат ҳам мийигида кулиб қўйди. Йигит оҳиста тушунтира бошлади:

— Марҳаматхон опа, кечиринг, қизиқ иш бўлди. Энди пиёлани қўлингизга олинг, ичсангиз ҳам ичасиз, ичмасангиз ҳам.

— Йўқ, мен ичмайман.

— Йўқ, Марҳаматхон опа, ичасиз, мен ҳозир ҳаммасини айтиб бераман, ичасиз, лоақал бир хўпламасангиз, ҳақиқий соҳибкор демаймиз.

Марҳамат кулиб юборди.

— Вой, нега энди, қани айтингчи,— деб пиёлани дастурхонга қўяркан, йигит яна қўлига тутқазди.

— Мен айтай, кейин ичмасангиз ҳам майли. Менинг исимим Суннатилла, фамилиям Нишонов. Мана бу Хосиятхон келинингиз, булар ҳамқишлоқлар, бир колхозданмиз,— Муҳаммад, Мўмин... Асли ўзимдан ўтибди, боя таништиришим керак эди...

Марҳамат шунда ҳам яхши таниёлмади. Нишонов қулоғига иссиқ чалинди-ю, сўрамай гапнинг охирини кутди. Суннатилла шундай деб, бир нарса эсига тушгандай энгашиб, думалоқ саватни олди, унинг устидан тортиб боғланган канопларини ечди-ю, оғзини очмай гапида давом этди:

— Бешкўйданмиз...

— Ишё, ҳа, мундоқ демайсизми,— энди тушунди
Марҳамат,— Бешкўй чўлидан денг?

Худди шундай...

Ҳиёл Марҳаматни узоқларга, бундан йигирма йил
бурунги Бешкўй чўлига олиб кетди. Район комсомоли-
лири шу катта чўлни ўзлаштириб обод қилишга қарор
қилдилар. Қишлоқдан юз километрча узоқдаги чўлни
Ўзлаштириш учун йигит-қизлардан иборат бригадалар
отилиди. Қизлар бригадасига Марҳамат бош бўлди.
Иккى йил мобайнинда чўлда янги экинзорлар, боғлар
бундга келди. Узумчиликка ҳаваси зўр бўлган Марҳамат
ўзи бош бўлиб, беш гектар ерга токзор қилди.
Сайдали билан шу ерда, чўл бағрида танишди. Иккinci
чи йили кузида Бешкўй чўлида биринчи тўй — Марҳамат
билан Сайдалининг тўйи бўлди. Бу тўйни анча
вақтгача бутун районда гапириб юришди. Орадан сал
ўтмай Сайдали ўқишга жўнади. Бир йилда мактабни
тугатиб келган Сайдалини Самарқанд обlastидаги «Қизил
Октябрь» колхозига юбориши. Мана у ҳозир
ана шу колхозда раис, Марҳамат узумчилик бригада-
сининг бошлиғи. Кўл тармоқли бу колхоз Бутуниттифоқ
қишлоқ хўжалик виставкасининг кандидати. Марҳамат
бетоналар ёнида эмас, ўз ҳамқишлоқлари хузурида
ўтирганини энди сезди, бир оз уялди ҳам...

— Сиз ўша боққа ток ўтқазаётган пайтларингизда
мен ёш эдим, аммо токчиликка ҳавасим бор эди, шу-
нинг учун дадамга эргашиб, тез-тез борадим... Тўйла-
рингизда шеър ҳам ўқиб берганман...

— Ҳа, ҳа, эсимда,— деди Марҳамат,— Сайдали ака-
нигиз ҳам шуни гапириб юрадилар.

— Айтгандай, нега Сайдали акам бирга бормади-
лар? — сўради Суннатилла. У, Марҳаматнинг вистав-
кага боришини аллақачон газртадан ўқиб билган эди.

— Шундай,— деди кулиб Марҳамат,— бирга бо-
ринилари керак эди. Бундан уч кун олдин районда йи-
гилиш бўлиб, йигим-теримга тайёрлик масаласи кўри-
лувди. Ўшанда, колхозимизда яна бир болалар боқчаси
очишини қаттиқ қўйиши. Сайдали акангизнинг ўзига
топшириши. Шу бўлди-ю, боролмай қолдилар. Кечроқ
борадиларда. Кеча мени кузатгани чиқкан ўртоқлар ҳам
худди шуни пайровга олиб, кела-келгунча Сайдали
акангизни асқия қилиб келиши. Хўш, ўзингиз ҳозир...

— Ҳозир,— деди ерга қараб Суннатилла,— брига-

дирман, маңа ўртоқлар билан виставкага кетяпмиз,— у пиёлани қўлига олди,— сиз ҳали, бу йигитлар ўзлари ичкилик ичиб юришаркан деб ўйладингиз. Аслини суриштирангиз мен ҳозир жиноят қилдим. Москвалик бир илмий ходимга тажриба учун олиб кетаётган виномиздан бир шишасини очдим. Ичасиз деганимнинг сабаби шуки, ўша сиз ўз қўлингиз билан эккан, лекин узумни емаган токингизнинг мевасидан қилингган...

Марҳамат пиёлани қўлига олиб, унинг ичидаги қипқизил, ҳақиқдай винога тикилди. У, пиёланинг тубидан аллақандай нарсани қидираётганга ўхшарди. Ҳамма унинг ҳаяжонли боқишига қараб турарди. Бу орада Суннатилла саватнинг оғзини очиб, ичидаги узумни олди. Бир бош узум бир сават! Марҳаматнинг кўзи энди пиёладан узумга кўчди. У ишонмагандай узум бошини авайлаб қўлига олди, айлантириб кўрди-да, оҳиста саватга солиб қўйди. Ўтирганларга меҳр билан бир-бир қараб чиқди, ўрнидан турди.

— Мен умримда икки марта вино ичган эдим. Бирри — ўша чўлда, ўз тўйимда, иккинчиси Москвада, Кремль саройидаги учрашувда. Бунисини ҳам ичаман. Бу — ўз меҳнатимнинг шарбати,— у винонинг ярмичасини ичиб, пиёлани қўйди-да, беихтиёр Хосиятхонни қучоқлади, унинг юзларидан ўпди. Кейин йигитларга кўйл узатди.

Суннатилла ўзида йўқ хурсанд эди. У, аллакимдан эшитган шеърними, халқ мақолиними баланд овозда такрорлади:

Меҳнатий қилсанг чўлга
Манзур бўлурсан элга.

КУЗАТИШ

Эрталабдан шувалай бошлаган ёмгир, куннинг иккиси чармида тинди. Кечки томон ҳаво очилиб кетди. Кенг механика цехининг ойнавонлик деворидан «мана мен» дегандай қуёш нури кўринди-ю, станоклар, тайёр деталлар, қўл тега бериб ялтираб кетган асбоб-ускуналар устида жилвалана бошлади.

Зокиржон бурчакдаги токарь становиги ёнида, катта бир деталнинг диаметрини синчиликаб ўлчайтганида, бирор қуёш нурини унинг кўзига ойна орқали тушираётгандай бўлди-ю, ялт этиб шу томонга қаради Кўзи қаманиди. У, нима учундир ўзича илжайиб қўйди, қўли бўшандими, ҳар қалай силиқ детални қайчилаб турган кронциркуль ўриидан сирғаниб кетди.

Кўз очиб юмгунча бўлиб ўтган бу воқия давлат имтиҳонини топшириб, баҳосини кутаётган студент сингарни инженерга тикилиб турган токарь Каримнинг жаҳлини чиқарди. Бутун вужуди билан инженернинг ҳаракатларини кузатар экан, «мен нима ташвишдаман-у, бу кишининг бешариолиги, ахир тезроқ ўлчай қолсачи...» деди ўнчи. Тўғри-да. Бу – ашчаки тошириқлардан эмас, жуда муҳими, янги деталь. Каримнинг юраги тяқа-пӯка бўлаётгани ҳам шундан. Наҳотки инженер буни тушумаса...

Зокиржон кўзини кетма-кет очиб-юмди-да, кронциркулини деталнинг бир учидан иккинчисигача аста суриб кўрди. Кейин кўк кителининг кўкрак чўнтағидан микрометрии олди. Уни деталь диаметрига тўғрилай туриб Каримга кулиб қаради.

— Ўша ерда ҳам мана шундай станоклар, цех... — гапириб туриб жиддий хато қилиб қўйган кишидай, сўзини давом этдиrolмади, юзида пайдо бўлган табасум аломатлари қўққисдан ғойиб бўлди, жиддий вазиятда:

— Дуруст, давом этдилинг,— деди-да, қўлида кронциркулни ўйнаганича, коридорга чиқди. Тўғри кабинетига кириб кетди.

Муҳим топшириқни кўнгилдагидай бажарганидан мамнун бўлган Карим севинчини ичига сифдиролмади, бош бармоғини кўрсатганича қўшни станок ёнига борди:

— Во, айтмабмидим эплайман, деб, во,— деди яна ўша бармоғини кўрсатиб,— фақат бир нарсага тушунолмадим, биласанми?..

Қўшни станокда ишлайтган баланд бўйли, қотмадан келган йигит — токарь Сергей Архипов металл қириндилардан кўзини авайлаб резеңга тикилганича жавоб қилди:

— Кўп ҳовлиқма. Мен ҳам эплаёлардим. Хўш, нимага тушунолмадинг?

— Биласанми, инженер менга кулиб туриб бир нарса демоқчи бўлди-ю, «ўша ерда ҳам шундай станоклар...» деганича тўхтаб қолди. Ҳеч тушунолмадим.

— Заари йўқ, кейин тушуниб оласан.

— Нимани?

— Ўша тушунолмаган нарсангни.

— Айтоқолсанг-чи, Серёжа.

— Кейин билиб оласан дедим-ку, ишингни қилсангчи,— деди Серёжа резеңдан кўзини узмай.

— Ҳеч шу одатинг қолмади-да, дўстим, айтақолсанг бир нарса бўладими! Аммо ажойиб инженеримиз борда, жуда ҳам яхши. Бундай инженер билан ҳар қанақа мураккаб топшириқларни ҳам бажара оласан, киши,— Карим шу гапни айтиб, ўз станоги ёнига кетди.

Ҳаётда қизиқ воқиалар бўлади. Кунларнинг бирида қалбингга шундай бир орзу жо бўлиб қоладики, уни сира кечиктирмай, шу кундан, ҳатто шу соатдан қолдирмай амалга ошириш пайига тушасан, киши. Бундай пайтларда бирон киши билан, ҳатто энг яқин дўстинг, қавми-қариндошинг билан ҳам маслаҳат қилишга ўрин қолмайди. Барибир, кимга маслаҳат қилмагин ҳаммаси ҳам бир оғиздан фикрингни маъқуллайдигандай бўй

лди. Шундай бўлиб туюладигина эмас, сен ўзинг фикрингни маъқуллашларига қаттиқ ишонасан-у, янги орзуни амалга ошириш учун дадил қадам ташлайсан. Бу қадаминг, бугун-эрта, бир ойдан кейин эмас, бутун умр бўйи ҳаётингдаги унтилмас воқиа бўлиб қолади.

Зокиржон ҳам бугун, бундан бир неча соатгина тивал ана шундай қадам ташлади. Радиодан янги ҳизиҳабар эшитди-ю, бир зум ўйга толди. Бир лаҳзада очлик чоғлари, «Артек»да ўтказган дамлари, дарс тайёрлаб ўтирганларида отасининг орқа томондан сенкин келиб елкаси узра дафтарига тикилиб туриши, қизил галстугининг учидан «ушлаб әркалашлари, мактабдаги тантанали сборлар, комсомол ташкилотидаги ишлар, кейинчалик студентлик даври, кенг аудиториядаги қувноқ шовқин-суронлар, профессор лекция ўқиётганда дайди хаёл Хайрихон сари етаклаб, тинчлик бермаган пайтларида, доим ёнида ўтирадиган дўсти Аъзамнинг туртиб қўйишларигача кўз олдидан ўтди. Узининг ёш, иммо мазмундор ҳаётини эслар экан, гўзал ватан, йирик саноат, фан марказлари, кенг буғдойзор, пахтаворлар, яйловлар, уни ўстириб, вояга етказган улуғ Ватан кўз олдида намоён бўлди. Шу ўтиришида стол устида турган чертёжларга кўзи тушди. Энди хаёл эмас, мана, шу кабинет, гувиллаб турган цех, қисқаси, заводдаги олти йиллик ҳаёт, институтдан тўғри келиб учрашган киниси, ҳурматли Иван Тимофеевични эслади. У доим Иван Тимофеевич ҳақида ўйлар экан, ўзича «мен ҳаётга етаклаган шу киши» дер ва унга ғойибона миннатдорчилик билдиргандай бўларди. «Мени Ватан чақиради, ўз бағрида тарбиялаган Ватаним, жонажон партиям чақиради. Мен тайёрман».

Зокиржон шу сўзларни бировга гапираётгандек ўзини тикрорлари-ю, қўлига ручка олди. Тўлқин ва ҳаяжон билан уриётгани юрак сўзлари қуолиб келиб, бир ивриқ оқ қозони тўлдириди. Зокиржон қозони авайлаб буклиди-ди, қўйин чўнгатигига солиб ўрнидан турди.

Зокиржон бош инженернинг қабулхонасига кирганида машиника босиб ўтирган секретардан бошқа ҳеч ким ўйқ эди.

— Салом, Елена Николаевна.

— Салом, Зокиржон Алиевич,— секретарь шундай деди-ю, қўлини машинка устига қўйиб, унга тикилди.

Ҳар гал, деярли ҳар сафар қўлида карнай қилиб ўралган чertёjлар, ҳеч бўлмаганда бир-икки деталь билан шу қабулхонада пайдо бўладиган, секретарь билан тез сўрашиб, шошганича, ҳатто ундан рухсат ҳам сўрамай, тўғри бош инженер кабинетига кириб кетадиган Зокиржон бугун унга ғалати кўринди. Унинг қўлида на чertёj ва на бирон деталь бор. Елена Николаевнанинг назарида, отпускада юрган киши «бир кириб чиқай» деб бош инженер ҳузурига келгандай бўлди. Шунинг учунми, Зокиржонга қараб туриб:

— Зокиржон Алиевич, Хайрихон курортдан қайтдиларми? — деб сўради.

Зокиржон «Иван Тимофеевич бормилар» демоқчи бўлиб турганида берилган бу саволга қисқагина қилиб:

— Ҳа, бир ҳафта бўлди, — деди-да, «бормилар» дегандай кўзи билан кабинет эшигини кўрсатди.

— Ҳа, марҳамат, — деди Елена Николаевна ва кабинет эшиги очилиб ёпилгунча ўша томондан кўзини узмади, «Ҳавас қилсанг арзидиган йигит-да. Нима учундир бугун авзойи бошқачароқ» деб қўйди ўзича секретарь.

Ўзун столнинг тўрида газетадан аллақандай мақолалини қирқиб олаётган Иван Тимофеевич эшик очилиши билан кўзойнагининг тепасидан бир қаради-ю, қайчини газета устида қолдириб, ўридан турди. Тўладан келган, сочининг икки чаккаси оқариб кетган Иван Тимофеевич кўзойнагини олатуриб, салмоқли икки қадам ташлади. Гўштдор кўли билан Зокиржоннинг қўлларини қаттиқ сиқиб кўришди.

— Келинг, Зокиржон.

Зокиржон ўнгайсизлапиб юмалоқ стол ёнидаги креслога ўтирди. «Яигиликни эшитдингизми?» демоқчи бўлди-ю, «Иван Тимофеевич бўлади-ю, бехабар қолармиди» деган фикр қайтарди уни. Индамай чўнтағидан тўрт буклоқли қоғозни чиқариб, Иван Тимофеевичга узатди.

Ҳар гал ота-ўғилдек эркин суҳбатлашадиган Иван Тимофеевич Зокиржоннинг ҳозирги ҳолатига тушунолмади. Қоғозни олиб, ўқий бошлади.

Зокиржон ёши элликларга бориб қолган, аммо ўзи серҳаракат, эпчил Иван Тимофеевич бир варақ ҳатни шунчалик узоқ ўқиганини биринчи кўриб туриши эди. Ё фикримни тушунарли қилиб ёзмадиммикин? Наҳотки..

Иван Тимофеевичнинг юзида табассум пайдо бўлди.
У, қозоз устига панжасини қўйиб, креслодан турди.

— Жуда соз, жуда ҳам соз. Мен кафолат берганимда, янгишмаганлигимга ишонган эдим. Коммунист шундай дадил, ҳозиржавоб бўлади. Ватан чақириғига, партиямиз чақириғига худди сиз ёзгандек «мен тибёрман» деб жавоб беради,— Иван Тимофеевич Зокиржоннинг қўлини қаттиқ сиқди.— Хўш, Хайрихон имя деркин?

Зокиржон тез жавоб бермади. Иван Тимофеевич бу воқиадан ҳали хотини хабарсиз эканини сезди.

— Албатта, у ҳам тушунади. Аммо ҳар ҳолда.. Турмуш ўртоғингиз бамаслаҳат бўлгани яхши. Ахир ўзигиз Хайрихонни «менинг ярмим» дейсиз-ку.

Зокиржон кулиб юборди. Хотинини ҳар гал «менинг ярмим» дейиши Иван Тимофеевичга жуда ёқарди. У, қачон Хайрихонни кўрса унга ҳам «сиз Зокиржоннинг ярмими ёки Зокиржон сизнинг ярмингизми» деб ҳизил қиласарди.

Иван Тимофеевич Зокиржонга хатни ҳозироқ райкомпартияга ҳавола қилажагини айтиб, уни эшиккача қунатиб қўйди.

Зокиржон кабинетда бир ўзи ўтирас әкан, қўёш шуъбасининг стол устидаги ойнада кўринган аксига тикилди. Уни қўён ҳам табриклётгандай эди. Ҳали цехда, Каримнинг етапоги ёнида турганида, кенг пахтавор, шўх яллалар, тракторларининг гувиллашлари кўз олдига келиб, Каримга ялланима деб юборай деганидан кулигин қистали. Кейин Иван Тимофеевичнинг гапларини эслади:

— Хайрихон! Ҳа, Хайрихон сира йўқ демайди, сира ҳам. Ахир у...

Гулок садоси завод қўкини ларзага келтиргудай бўлиб юштилди. Биринчи смена тугади.

Зокиржон тўғри уйга келди. Юваниб, нижамасини кийди-ди, электр чойинакки сув тўлгазиб, қайнатишга қўйли. Диванга ёнбошлиб, янги журналини кўздан кечири бошилди. Бир неча саҳифани очди-ю, давом этди-ролмай соатга қариди. Хайрихоннинг келишига ҳали ишим соат бор. Телефон қилимоқчи бўлди-ю, коммутатор орқали чақирини кераклигини эслаб, бу фикридан ҳам қайтди. Ҳали ҳеч нарса аниқ бўлмай туриб, бирорга ийтшини «подадан олдин чанг кўтариш» деб билди. Ка-

ни энди Хайрихон тезроқ келса-ю, бутун воқиані бир-ма-бир, муфассал гапириб берса...

Эшик очилиб коридорда унга таниш бўлган оёқ товушлари эшитилганда, Зокиржон чой дамлаш билан овора эди.

— Шу, бугун вақтлироқ келармикансиз деган эдим,— деди Зокиржон устки кийимини ечаётган Хайрихонга ўгирилиб ва чой дамлаб турган бармоқларига иссиқ буғ тегиб, қўлини тортиб олди.

Хайрихон гапга тушунолмади.

— Кечикканим йўқ. Бугун тўрт соат эди-да. Узи тинчликми?

— Тинчлик. Янгиликдан хабарингиз борми?

— Пленум қарориданми? Эшитдим,— деди Хайрихон сарафанининг катта бўғирсоқдек тугмаларини қадар экан, Зокиржон ёнига келди, ўзи ҳам куни бўйи уйга келиши ҳамона худди шуни сўрамоқчи бўлиб тургандай гапира бошлади,— Зокиржон ака, жуда муҳим қарора. Энди қишлоқ хўжалиги таниб бўлмас даражада юксалади, шундай эмасми?

— Шундай,— деди Зокиржон ва чойнак қопқоғини ёниб, Хайрихоннинг икки қўлидан ушлади, юзига тикилди.

Мана шу кийим, Хайрихоннинг эгнидаги мовий ранг, атлассимон сарафан Зокиржонга жуда ёқарди. Шу хил материалдан фақат сарафан тикиш мумкин, бошқаси унча яхши чиқмаслигини билса ҳамки, баъзи-баъзидаги ўзича «шундан кўйлак тикса бўлмасмикан» деб қўярди. Буни Хайрихонга айтмаган бўлса ҳам, доим уни шу сарафандаги кўришни истарди. У Хайрихонга ёпишиб тураган, баланд бўйи, келишган қоматини яна ҳам бўртдириб кўрсатар, гул япроқлари, эндиғина очилаётган ғуналар эгаси билан қўшилишиб кулиб тургандай бўларди. Қип-қизил чўғдек гулнинг акси Хайрихоннинг юзларида кўринадими ёки юзнинг акси гулдами? Зокиржон буни ажратолмай қолган кезлари ҳам кўп бўлган.

Зокиржон унинг юзига меҳр билан тикилганда зулукдек қошлири чимирилиб, ўнг юзида кулгич пайдо бўлди. Бундан беш йил муқаддам Хайрихон билан биринчи марта учрашганида уни ана шундай ҳолатда кўрганини эслади.

— Хайрихон, яна бир янгилик айтайми?

— Айтинг, нима гал?
— Мени МТСга юборишларини сўраб ариза бердим.
Хайрихоннинг юzlари ўзгарди, кўzlарини катта очиб, сўради:

— А... Нима?!

— Шундай, райкомга ариза бердим.

— Яхши...— Хайрихон Зокиржондан қўllарини секин тортиб олди, бошини қўйи солиб, стол томонга юрди. Зокиржоннинг қўllари ҳавода қолиб, аъзойи бадани бўшашгандай бўлди.

Зокиржон Хайрихонга уйланишидан бир неча ой олдин, шундай воқиа бўлган эди: Зокиржон билан институтни бирга тамомлаган Эътиборхон исмли қиз уни севар эмиш, Зокиржоннинг ҳам унга майли бор эмиши деган гапни Хайрихон кўп эшилди. Анча вақтгача Зокиржонни кузатиб юрди. Бироқ ҳеч нарса сезмади. Шундай бўлишига қарамай, ҳар хил гапларни юрагига сингдира олмаганидан бўлса керак, Хайрихон ўз уйда, Зокиржон билан гаплашиб ўтирганида ундан сўраб қолди:

— Эътиборхонга шайдойи эмишсиз?

Зокиржоннинг кулиб юборгуси келди-ю, ўзини босди, «Нима деркин» дегандай қовогини солиб, «Ҳа, шундай» деб қўйди.

Ани шунда Хайрихоннинг ранги ўчиб, юzlаридаги табиссум қочди. Худди ҳозиргидай, чўзиб «ях-ши» деди-ди, Зокиржон ушлаб турғаи қўllарини секин тортиб, тескари бўрилди. Шунда Зокиржон минг хил далил, ишботлар билан Хайрихонни юпата олган эди. Ҳозир-чи?..

Ҳозир юнатиш эмас, очиқ гаплашиши, қалбига жо бўлгаги орзусини, Ватан олдидағи шарафли бурчни адодини учун отланганини тушунитириши керак. «Наҳотки буни тушумаса? Ӣӯқ, жуда яхши тушунади. Фақат — у бошқа наревни Ҳўлияниятӣ. Якки ўзи кетмоқчи деялти». Зокиржон кўнилидан шуларни ўтказди-да, секин бориб иккни қўли билан Хайрихоннинг елкасини ушлади.

— Хайрихон, аввал эшитеангиз-чи.

— Эшитдим, яхни...

Зокиржон юзини унинг юзига қўйди.

— Ахир...

— Яхни дедим-ку, жуда яхши.— Хайрихоннинг овозидоги йиги оҳангиги Зокиржонни қийнагандай бўлди.

Салкам бир йилча бирга юргани, тўрт йиллик турмуш мобайнида Зокиржон Хайрихоннинг феъл-авторига жуда яхши тушуниб қолгани, ўзининг характеристига мослигидан хурсанд эди. Фақат бир нарса — Хайрихоннинг мана шундай пайтларда рўй-рост гапириш ўрнига чурқ этмай, куйинишининг ҳамма оғирлигини ичига солиши Зокиржонни қийнарди.

Хайрихон секин бориб, диванга ёнбошлиди, бошини қўлига қўйиб юзини бекитиб олди. Зокиржон нима қилишини билмай, унинг ёнига бориб ўтири, қўлини Хайрихоннинг тиззасига қўйди.

— Хайрихон, ахир эшитсангиз-чи, бирга кетамиз.

— Хайрихон...

— Бораберинг, мени нима қиласиз,— деди-ю, кўзиға ёш олди.

Зокиржон яхши биладики, эди ортиқча гапиришнинг нафи йўқ. Яна бир-икки оғиз сўз айтса борми, Хайрихон бадтар хафа бўлади. Бу масала буёқда қолиб, турмушдаги бошқа масала — яна ўша фарзандсизлик ўртага тушади-да, Хайрихон азоб чекабошлайди.

Зокиржон жим қолиб, ўйлай кетди. «Қизиқ, мен-ку бир нарса демасам. Тумайсиз, турмушимиз бўлмайди деган фикр хаёлимга ҳам келмаса, аксийча, ўзи гап очиб қолганида ҳам «қўйинг, ҳали ёшсиз, кўрармиз» деб юпатсам ҳам бўлмайди. Мана, ҳозир ҳам ана шу нарса кўнглидан ўтиб турибди, буни мен сезиб турибман. Ё хаёлида, эрим пайт пойлаб юрган эди деб ўйлаётганмикин?»

— Йўқ, ундаи эмас, ишонинг,— Зокиржон икки қўлини Хайрихоннинг елкасига ташлаб, баланд овоз билан шундай деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Асл муҳаббат, вафодорлик шундай бўлса керак. Зокиржон ўйлаб туриб, қўққисдан айтиб юборган гапи худди шуни кутиб турган қалбнинг айни муддаоси бўлди; Хайрихон бошини кўтариб, қизарган кўзларини артди.

— Ишонаман, Зокиржон ака, ишонаман. Фақат...— сўзини тугатолмай Зокиржоннинг бақувват билакларидан ушлади. Шу пайт, Зокиржон хотинини энди юпатмоқчи бўлиб турганида телефон жиринглади. Бу овоз ошдан тош чиққандек унинг ғашига тегди. Бориб трубкани олди.

— Ҳа, ҳа, мана ҳозир.— У Хайрихонга қаради,— сизни Иван Тимофеевич чақиряптилар,— деб трубкани узатди.

Хайрихон ҳозир худди Иван Тимофеевич билан кўришиадигандай соchlарини орқасига ташлаб, рўмолчаси билан кўзларини артди, овозим сезилмасин дедими, икки марта йўталиб ҳам қўйди.

Зокиржон трубкани бериб, ўзича: «Қойилман, Иван Тимофеевич, худди шундай бўлишини аввалдан сезиб, огоҳлантирган эдингиз, ҳозир бўлса, можаронинг устидан чиқдингиз» деди-ю, креелога бориб ўтириди, бепарво кишидай журнال варақлай бошлади.

— Лаббай. Салом, Иван Тимофеевич. Ҳа, дуруст... Ота деган шундай бўлиши-керак-да. Вақтида эркалайди, лозим бўлса койийди... Ҳа... тушунаман, яхши тушунаман... Мен бир нарса демайман, бораверсинлар... Йўқ, бўшатишмайди, қишлоқда ўқитувчилар етарли, йўқ, ўзлари бораверадилар...

Хайрихон шундай деди-да, трубкани секин қўйди. Бутун хаёли шу сұхбатда бўлган Зокиржоннинг тоқати чидамади, ялт этиб Хайрихонга қаради.

— Хўп, Хайрихон, бормайман,— деб ирғиб ўрнидан турдий.

Хайрихон эрининг авзойи бунчалик ўзгаришини биринчи кўриши эди. У секингина:

Мен нима дёялман, бораберинг,— деди-да, диванга бориб ўтириди, бошни қуини солганича ўйлай кетди: «Гўқ, унди зиррача бўлеа ҳам бошқа фикр йўқ. Бўлмаси мендан сўраб ўтирадими, бир ўзи кетаверади. Ҳозир бўлеа менениз бормайман дёялти. У мени севади, мендек, мендан ҳам ортироқ севади. Сендан бир нағис изкраимайман дейди-ку. Фарзанд... Бу тўғрида ҳам сира-сира оғиз очмайди. Агар севмаганида, ҳар ганини бирида дақки берини турган гап эди. Бу тўғрида фақат мени ўзим қўпроқ ўйлайман. Ўртамиздаги яримигац танини ҳам шунга келтириб тақайман. Шундай ҳам у мени юнатади. Шуларни билиб тураман-у яна иллақиний ваҳималар босади. Тағин бир кунмас, бир купи... Гўқ, йўқ, сира ундай қилмайди.

Зокиржон кийимларини кийиб, индамай эшик томонги юрди.

— Қаёққа?— сўради Хайрихон.

— Райкомга, аризамни...

Хайрихон чўчиб тушгандай бўлди.

— Нима?! Райкомга?! Нима деб борасиз?

— Нима дердим...

— Йўқ бормайсиз. Мен ўзим бораман, аввал Иван Тимофеевичга учрашаман,— Хайрихон ўрнидан туриб кийина бошлади. Зокиржон соатга бир қараб ўзича илжайди. Хайрихон кийинар экан, «майлими» дегандай эрига қараган эди, у «хўп, боринг» деди. Эр-хотин ўртасидаги одатга мувофиқ Зокиржон Хайрихонни эшик-кача кузатиб қўйди. Уйга кириши ҳамона, трубкани олиб, Иван Тимофеевичга телефон қилди.

Хайрихон Иван Тимофеевич, унинг хотини Варвара Тимофеевна билан анчагача гаплашиб ўтири. Суҳбатга уларнинг келини ҳам қўшилди. Хайрихон эрининг кетиш-кетмаслиги эмас, ўзининг бориши ҳақида масла-ҳатлашди. Иван Тимофеевич уйда, эр-хотин ўртасида нима гап бўлиб ўтганидан оғиз ҳам очмади. Хайрихонни мактабдан бўшатиш ҳақида ўзи ёрдам беражагини айтди.

— Мен Зокиржон акамга райкомга ўзим бораман деб чиқиб келувдим. Ҳозир иш соати ҳам тугади. Эртага...

— Ҳа, эртага. Иложи бўлса бирга борамиз. Заводдан яна уч киши ариза бёрди. Парторганизмиз отпускада бўлгани учун ўзим шуғулланишга тўғри келяпти,— Иван Тимофеевич худди совқотгандай кафтларини бир-бирига ишқади,— балки, мен ҳам сизлар билан...

— Вой, шундайми, Иван Тимофеевич,— севиниб кетди Хайрихон,— жуда соз бўлардия.

— Ёмон бўлмас эди,— деди Иван Тимофеевич ва Хайрихонга худди биринчи марта айтиб бераётгандек, урушдан илгари олти йил МТС да механик бўлиб ишлагани, қишлоқ ҳаёти ҳақида гапира кетди.

— Ҳа, Вания ҳам мени ташлаб, янгисига уйланмоқчи,— деди кулги аралаш Варвара Тимофеевна.

— Ҳали маълум эмас, билмадим, жавоб беришар-микин, йўқми.

— Иван Тимофеевич, мен у ерда нима билан шуғулланаман-а?

— Ўзингнинг ўқитувчилик ҳунаринг-чи. Шаҳардан озмунча кишилар қишлоққа, МТСларга кетяптими. Қараб тур, янги посёлкалар, мактаблар очилади. Айниқса сенинг фанинг, биология фани... ўҳӯ.

Орадан бир ҳафта ўтди. Машинасозлик заводининг ҳашаматли клуб биноси тантанали кечалардек тус олди. Заводда чиқадиган кўптиражли газетанинг бир саҳифаси КПСС Марказий Комитети Сентябрь Пленумининг қарорига жавобан МТС ларга бориб ишлаш орзусида бўлган ватанпарвар машинасозларга бағишлиланган эди. Булар орасида инженер Зокиржон Даминовнинг расми ёнида, токарь Сергей Архиповнинг ҳам сурати бор. Ёнида ёшгина қиз билан клубга кириб келган Карим, газетани кўрди-ю кулиб унга қаради:

— Мана, Галя, Серёжани кўрдингми, ўша куни кейин билиб оласан дегани шу эди-да,— деди.

— Вой, сизга айтмабмидим,— деди унга жавобан Галя.— Мен ўшандәёқ билган эдим. Серёжа ўзи илгари тракторчи ҳам бўлиб ишлаган-да.

— Бунисини билардим-а,— деди Карим ва Галянин тантага таклиф қилди.

Клубнинг танца зали машинасоз қиз-йигитлар билан тўла. Бурчакда Иван Тимофеевич билан Зокиржон Алиевич суҳбат қилиб туришибди. Варвара Тимофеевна ҳам шу ерда. Фақат Хайрихон кўринмасди.

— Қани ў?— воқиадан бехабар бўлганларнинг кўпи Зокиржонни якка кўриб, ҳар хил хаёлга ҳам боришли.

Булар беҳуда хаёллар эди. Хайрихон ҳам бугун худди ана шундай тантананинг «гуноҳкорларидан» бири. Фақат у ҳозир, худди шу минутда, бошқа коллективда, ўқитувчиларнинг тантанали йигилишида, қўлида бир даста гул ушлаб ўтириби.

Машинасозлар Иван Тимофеевич, Зокиржон Алиевич, Серёжа ва яна икки кишини, ўқитувчилар Хайрихонни қишлоққа, янги ҳаёт кучогига кузатишар экан, жонажон Ватанимизнинг куч-қудрати, фаровонлигини янада оширишга қўшган ҳиссалари билан фаҳранар-дилар.

ОНА

Почтальон худди ўз уйига кираётгандек бемалол дарвозани очди-да, тўғри ҳовли саҳнида турган стол ёнига борди. Елкасидан сумкасини олмаган ҳам эдикি, равонда дарс тайёрлаб ўтирган болалар олдинма-кетин югуришиб келиб, уни ўраб олишди. Почтальон уларга газеталарни берди-ю, «буниси эгасига» деб хатни яширди. Болаларнинг каттаси почтальоннинг елкасидан бўйнини чўзиб, конвертдаги таниш адресни кўриб олди, севинчини юрагига сифдиролмай, «Ойи, Валидан...» деб қичқириб юборди. Кенг ҳовлининг нариги чеккасида, дарахтлар орасида юрган Мөҳри опа шошиб қолди, қўлидаги чўткани тогорага ташлаб, почтальон ёнига келди. Унинг липпага қистириғлиқ кўйлаги ва юз-қўллари га оҳак саҳраган эди.

— Боққа кириб олиб, салқинда қуртава қиляпсизми Мөҳри опа?— ҳазил қилди почтальон.

— Ҳа, мана бу дарахтларга вақтида қарамасанг бўлмайди, укаларинг бўлса дарсидан ортмаяпти,— де-ди Мөҳри опа, кейин бир нарса эсига тушгандай гапидан тўхтаб, почтальоннинг юзига тикилди.— Ҳой, Назира, менга қара, туф-туф, кўз тегмасин, бирам тўлишибсанки,вой соддалигим қурсин, тушунмабман-а, кўнглинг қуртава тусаётганга ўхшайди-я?

— Йўқ, қўйинг-э, ўзим шундай гапирдим-да,— уялинқиради Назира.

— Яхши. Бўлсин синглим, фарзанд бўлсин,— Мөҳри опа болаларига қаради,— қани, борингларчи, хатни кейин ўқиб бераман,

Меҳри опа Назирани дарвозагача кузатиб қўйди. Кузатди-ю, бир неча қадам босгунча ўтган фурсатда хаёли ўн-ўн беш йилни кезиб чиқди: Назира почтага кирганида ёшгина қиз эди. Сумкаси тўлалигида зўрға кўтариб юарди. Уруш йиллари ҳамманикidan кўп шу уйга қатнаганман деса янглишмайди. Нотаниш шаҳарлар, нотаниш меҳрибонлардан даста-даста хат, посилкаларгача ўзи олиб келарди. Кунига уч-тўрт мартадан қатнаган пайтлари ҳам кўп бўлган. Урушдан кейин у турмушга чиқди. Биринчи марта юзларига доғ оралаб, ҳомиладорликнинг нишонаси сезилган кезларда эшикдан киради-ю, Валини маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўлпиллатиб ўпарди, кейин сира тортинимай: «Меҳри опа, ўғил қўрсам Валидек бўлса, жон-жон дердим» деб қайта-қайта такрорлар эди. Ниятига яраша тўнғичи ўғил бўлди. Мана, тағин бош қоронғи...

Меҳри опа биринчи конвертни очди. Ундан таклифнома чиқди, кечқурун соат еттига, клуబга чақиришибди. Иккинчисини очди-ю хатнинг қатидаги расмга кўзи тушиши билан тўхтаб, унга тикилиб қолди. Кўзларидан беихтиёр оққан ёш томчилари юзидан думалаб, кўкрагига тушди. Равондан қизи Розиянинг йиғлаган товушини эшитмаганида ҳадеганда ўзига келмасди. Дарров расмни яшириб, кўз ёшини артди. Равонга қарамади. Эрининг: «Кўз ёшингни қўй, болалар кўрса, Валичалик эмасмизми, деб ўксишади, яхши эмас, Вали боланг-у, булар ўғайми!» деган гани яна такрорлангандай бўлди. Тўгри богининг ичкарисига, танасини боя оқлаб қўйған ўрник дараҳти тагига бориб ўтириди. Расмни яна қўлига олди: буниси аввалгиларига сира ўҳшамасди. Тўлишган, қоп-қора қуюқ қошлари сал чимирилгандай, кўзлари унга тик қараб турибди. Меҳри опа узоқ тикилди, яна кўзига ёш олди, ёш доналари гоҳ дув-дув тўкилар, гоҳ пастки лабини қимтиб, уни ютиб юборарди. Охири кўз олди хиралашди, суратдаги Валижон эмас, беш ойлик мурғак кўринди. Чақалоқмас, бир ҳовуҷ суюқ, ичичига ботган тим-қора кўзлари, қуюқ қошлардан бўлак, қонсиз, рангиз этнинг ўзи.

...Эр-хотин комиссия ҳузурида узоқ туришди. Врачлар чақалоқни беришга рози бўлишмади. «Ҳали яrim ёнга ҳам тўлган эмас, бунинг устига касал, беролмаймиз» дейишиди. Аллақандай касални айтишиди. Сут ҳам ичмасмиш, ичгани ҳам шундай ўтармиш. Бу сафар

Меҳри опа боланинг бирон кими бор-йўқлигини сўролмади. Бу юракка сифармиди? Уйга келиб эр-хотин бир оғиз ҳам гапиришмади. Кечки овқатни ҳам унтишиди. Меҳри опа туни бўйи осмонга тикилиб, мижжа қоқмай тонг оттирди. Эртаси куни яна борди. Бу гал врачлар «эплай олмайсиз» дейишмади, «эплаб бўлмайди» дейишди. Ҳаммасидан оғири «эмиза оладиган бўлганингизда ҳам бир нав эди» дейишгани бўлди. Хотин кишига бу сўзларни айтиш ҳам, эшитиш ҳам қанчалик оғир бўлмасин, тўғрисини гапирмай илож йўқ эди. Меҳри опа она бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Озмунча боқтиридими ўзини? Меҳри опа ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди, назарида болани фақат ўзи, унинг ўзигина сақлаб қоладигандай бўлар, йиғи аралаш «наҳотки... Ахир гулдай мурғак...» дейишдан бошқани билмади. У, боланинг онаси урушнинг дастлабки ҳафтасидаёқ, бомба тагида қолиб ўлганини эшитиб, қаттиқ эзилди. Эри билан хомуш бўлиб кўчага чиқди, уйга етиб келганини ҳам билмади.

Меҳри опанинг чақалоқни ўз тарбиясига олиш истаги аста-секин унда оналик меҳрини уйғотди. Чақалоқлар уйига ҳар куни борадиган, гоҳида кечгача болага термулиб ўтирадиган бўлиб қолди. Буни эри ҳам сезарди, дардини янгиламаслик учун бу тўғрида оғиз очмасди. Врачлар ҳам кўнишиб қолишиди. Меҳри опа эшикда кўриндими, дарров халат беришар, чақалоқнинг саломатлиги бирдек бўлса ҳам «анча дуруст» деб кўнглини кўтаришар эди. Шу зайлда бир неча кун ўтди. Охири чақалоқни неча хил шарту шароитлар билан Меҳри опа тарбиясига беришиди, врачлар хабар олиб турадиган бўлишиди.

Меҳри опанинг бутун вужуди, фикр-хаёли чақалоқда бўлди. Ҳамширалар ҳар куни хабар олишар, махсус тайёрланган сут келтириб беришарди. Меҳри опанинг эри Маҳкам aka бир ярим сменада ишлашга ўтган, заводдан кеч қайтарди. Чарчаб келган бўлишига қарамай, у ҳам узоқ вақтгача чақалоққа термулиб ўлтиради. Бундай пайтларда у ўзини тутолмас, ҳозир аллакимдан ўч олмоқчидай қўлларини мушт қилиб, разаб ўтида ёнар, хотинига сездирмай секин ўрнидан туриб ҳовлига чиқиб кетарди.

Ёзнинг жазирама иссиги еру кўкни қиздиради. Мевалар шундай қилганки, шохларини синдиргудай

бўлиб ётибди. Меҳри опанинг кўзига ер билан битта бўлиб тагларида тўкилиб ётган олмалар ҳам кўринмасди. Уларни Маҳкам аканинг ўзи ишдан қайтганда челак-челак қилиб териб оларди. Бир дам олиш куни Маҳкам ака дараҳт тагларини тозалаб, мана шу эртапишар кекса ўрик тагига тахтадан кровать ясади, йўғон шохига беланчакни илиб, жой қилиб берди. Меҳри опа эртадан-кечгача чақалоқни бағридан қўймай шу ерда ўтиради.

Орадан бир ойдан мўлроқ вақт ўтди. Бироқ, чақалоқ бирдай, кўзлари борган сари ич-ичига тушиб кетаётгандай эди. Меҳри опа унинг пилтакачдай оёқ-қўлларини авайлаб силар, назариди, соатлаб қилган бу ҳаракатлари гўдакка малҳам бўлаётгандай түюларди. Жавдираган митти кўзлар, қорачиги ёш пардаси билан ювилган умидвор кўзларга тикилиб турарди.

Бир куни сут келтирган ҳамшира Меҳри опани чақалоқни кўкрагига босиб, оғзига эмчак солаётгани устидан чиқиб қолди. Фойдаси борми бунинг, демоқчи бўлди-ю, ўзини босди. Меҳри опа «Зора...» деб оғиз жуфтлаганида, ҳамшира унга далда берди: «Майли, она кўксининг ҳароратини сезар-ку».

Меҳри опа шу куни чақалоқни кўксидан ажратмади. Сут ичириш пайтидагина шишанинг оғзидағи сўрғични тутгани бўлмаса, Маҳкам ака ишдан келгунча шу заълда ўтириди. Эри буни дарров пайқади-ю, унга ҳеч гап айтмай, овқаттга ўзи уншай бошлади.

Меҳри опа шу кечагина ухламай ўтириб чиқди. Унинг қуруқ кўкен чақалоққа дармон бўлаётганини эртаси кечаси, кўзи энди илинай деганда, гўдак тамшаниб алланарсага интилаётганида аниқ сезди. Уйқу талаб кўзлари чарақлаб кетди, болани авайлаб бағрига қаттиқроқ босди. Тонг ёришаётганида, ҳа, худди кумуш тонг билан бирга Меҳри опанинг кўзидан тирқираб ёш, кўксидан сут келди. Уни мана шу тонг бошлаб келдимикин? Йўқ, тонгдай шаффоф, пок онанинг қалби бошлаб келди. Меҳри опанинг аъзойи баданида аллақандай титроқ турди, ҳаяжон босди, юзлари чўғдай қизиди. Пишиллаб эмаётган чақалоқнинг юзларига қон юришдими, ё унга шундай кўринидими, билолмади. Сўрғичдан эмганида бунчалик пишилламаслиги эсига тушди. «Меҳр сути бу. Шуни кутиб турганингни билардим»,— деди ўзича пи chirлаб.

— Ҳой дадаси, турсангизчи,— деб юборди тўсатдан.
У бу сўзни шундай оҳангда айтдики, ҳозирги севинчинг ҳаммаси шу сўзда ифодалангандай бўлди.

Маҳкам ака шошиб бошини кўтарди. Ҳеч нарсага тушунғ олмади. Хотинини, ўн саккиз йиллик хотинини, мана шундай ҳаяжон ичидаги марта кўриши эди. Дам унга, дам болага тикилди. Сўролмади, барибир жавоб ҳам ололмасди. Мехри опа: «Шакарнинг озиширин» дегандек, болани кўкрагидан оҳиста ажратди. Унинг қовжираган лабидаги сут юқини доканинг учи билан артар экан, Маҳкам аканинг кўзлари чақнаб кетди. «Мехри!» деганича, чақалоққа қўл узатди. Чақалоқ уйқуга кетган эди.

— Мана, дада, мени ойим эмиздилар,— деди бола тилидан Мехри опа.

Бу воқиа, ким айтибди экан, бир зумда ҳамма ёқса тарқалди. Қўни-қўшни хотинлар худди Мехрихоннинг кўзи ёригану, уни қутлаш лозимдек, кетма-кет келиб туришди. Чоштоҳга яқин бир эмас, уч врач ва бир ҳамшира кириб келди. Врачлар болани ҳам, Мехри опани ҳам қайта-қайта кўришди. Улардан бири, кўзойнакли кекса хотин ҳаммадан кейин қолиб, узоқ сұхбатлашди. Нуқул, қандай бўлди, йигларидингиз, неча кун ухламадингиз, ҳатто, илгарилари эрингиз турғадинг, деб дакки берармиди, деганга ўхшаш жуда кўп саволлар берди. Охиргиси Мехри опага оғирроқ ботди. Ахир, Маҳкам ака бирон марта бундай гапни хаёлига ҳам келтирмаган-ку. Врач уни юпатди, саволларининг ҳаммаси зарурлигини, бу воқиа медицина учун катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Кейин анча маслаҳатлар бериб, «келиб хабар олиб турман» деб чиқиб кетди.

Чақалоқ уч кунгача нари бориб, бери келди. Врачлар шундай бўлиши мумкин, дейишли. Кейин бола кун сайин эмас, соат сайин тўлишиб борди. Бир яшар бўлганида шундай етилдики, кўрганлар танимайдиган бўлиб қолди. Маҳкам ака ҳар куни эрталаб қўлига олмасдан туролмасди. Мехри опа Валижоннинг оғзидан биринчи дафъя: «ая» деган сўзни эшитган куни назаридага ҳамма азоблари ювилгандай бўлди.

Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари эди. Ўзбекистонга фронтда ҳалок бўлганларнинг болалари келтирилиб турилди. Эр-хотин маслаҳатлашиб шу болалардан яна бир-иккитасини ўз тарбияларига олмоқчи бўлишди.

«Фронтга шу билан ёрдам берайлик, хотин» деди Маҳкам ака. Бир неча ой мобайнида улар — жўжабирдек жон — кўп болалик ота-она бўлишди. Ўн икки ўғилқизли ота-онанинг донғи бутун мамлакат бўйлаб таралди. Сал ўтмай бу ҳовлига фронтдаги жангчилардан хатлар, нотаниш кишилардан совғалар кела бошлади.

Бир куни Назира ўрта ёшлардаги бир жувон билан уйга кириб келди. Жувон Ксения деб ўзини танитди-ю, бесаранжом бўлиб атроф-теваракка қарай бошлади. Кейин Мехри опани қучоқлаб йиғлаб юборди. Бу — Валижоннинг опаси эди... Ксения бир ойча меҳмон бўлди. Бироқ, бирон марта ҳам укамни олиб кетаман, деб оғиз очмади. Буни айтиш қанчалик зарур бўлса, Мехри опага шунчалик оғир бўлишини биларди. Эр-хотин ҳам буни тушунишарди. Ксениянинг эри фронтда ҳалок бўлгани, бир қизи билан ёлғиз қолгани Мехри опада унга нисбатан туғишгандай ҳис уйғотди. Охири улар кўнишиди.

Мана, тўрт йилдирки, Валижон опаси билан бирга, Днепр ёқасидаги шаҳарда яшайди, ҳар йили ёзги каникулда опаси билан Тошкентга келиб, шу ерда дам олиб кетади...

Мехри опа қўлидаги расмии кўкрагига босиб шуларни хаёлидан ўтказаркан, ўрикнинг йўғон шохидаги арқон изига кўзи тушди. Ҳа, беланчак арқонининг изи бу. «Эсингдами, Валижон, унда сен мана шу новдадай ноzik, пимжон эдинг, эиди-чи... эиди?..» У, яна расмга тикилди. Бунисида алланарса камдай. «Ҳа,вой соддалигим қурсин, галстуғи йўқ-ку, бунинг. Вой, мана. Кўкрагидаги... комсомол значогими. Менинг Валижоним комсомол?!»

Мехри опа хатни ўқий бошлади. «...Ойижон, қишида мен мактабимиз йўлидаги музлаган кўлда яхмалак отаётган қизни кўриб қолдим. Қўрдим-у ўтиб кетавердим. Бирдан қиз чинқириб қолди. Ўгрилиб қарасам, муз ёрилиб, чўкиб кетаётибди. Дарров орқамга қайтиб, қорним билан муз устига эмаклаб бориб, қизнинг қўлидан тортдим. Роза қийналдим. Ўзим ҳам сувга тушиб кетишимга сал қолди. Яхшики, уни қутқариб қолдим. Рост-да. Ёрдам бермасам чўкиб кетарди-да, ўзингиз шундай деб эдингиз-ку, буни мен сизга ёзмаган эдим. Яқинда ўша қизнинг дадаси менга, устига отим ёзилган соат мукофот берди. Мукофотни сбор йиғилишида топширишди.

Бўлмасам олмасдим-а. Қаникулга борганимда шу соатни сизга олиб бораман, хўпми, ойижон, оласиз-а?».

— Ҳа, оламан, болам, оламан,— деб юборди Мехри опа.

— Нимани оласан?

Мехри опа ялт этиб ёнига қаради, эрини кўрди.

— Валингиздан хат келди, мана,—деди-да, суратни узатди. Маҳкам ака суратдан кўзини олмай ўзича гапи-рарди.

— Оббо азамат-э, оббо азамат-э...

Мехри опа кечликка барвақтроқ уннади. Овқатни су-заётганида ўғилчасини етаклаб Назира кириб келди, Мехри опа дастурхонга шунча таклиф қиласа ҳам унамади.

Мехри опа кийиниб бўлгунча, Назира ўғлининг қўзи-чоқ билан ўйнашганини томоша қилиб турди.

Улар йўлда кетишар экан, Назира:

— Тайёрландингизми, опа?— сўраб қолди.

— Нимага?— ҳайрон бўлди Мехри опа.

— Сўзлар экансиз-ку?

— Йўқ, ким айтди?

— Клуб мудири айтди-ку.

— Таъба, бир оғиз айтиб қўйишмайдиям-а.

— Ҳа, сиз ўринлатасиз, опа. Москвада сўзлаган одам...

— Шундай дейсан-да. Қўлчиликнинг салобати босади,

Мехри опа гапни хатдан бошлади. Ўғилчасидан биринчи марта «ая» деган сўзни эшитгандан тортиб, сўнгги хатигача ҳаммасини айтиб берди. Одам билан лиқ тўла катта зал пашша учса сезилгудай бўлиб унинг нутқини — онанинг юрак сўзларини тингларди.

...Мен Валижонни ўз кўкрак сутим билан тарбияладим. Йўқ, мен уни юрак-бағримнинг ҳарорати билан вояга етказдим. Бу юрак мана шу қалбимизнинг кучли ҳарорати олдида атом бомбалари ҳам музга айланади. Тинчлик бўлсин деб, қўйилаётган имзолар миллионлаб, юз миллионлаб пок қалбли кишиларнинг имзосидир. Бу шундай зўр кучки, ҳар қандай атом бомбаси ҳам унга бас келолмайди...

Ўтирганларнинг кўз олдида, худди шу саҳнада қизил галстуғини ҳиллериатиб, бир неча марта декломация айтган, ҳамманинг ҳавасини келтирган Валижон намоён бўлди. У ҳозир ҳам саҳнадан қўнғироқдай овозини жаранглатиб шундай деб тургандай:

— Тўри айтдингиз она!

ГУЗАЛ

Нима гўзал?

Баҳорнинг оромбахш, мусаффо шабадаси эсиб турганда, боғлар, яшил майсазор, ранго-ранг товланган гулларнинг манзарасими? Тоғ-тошлар оша ҳайқириб кенг дарёнинг қирғоқларидан тошиб оқаётган зилол сувнинг қуёш нуридаги жилвасими? Тик қомати Ильич нурларида порлаган, чўққиси булат билан ўпишай деб турган муҳташам бинонинг салобатими, қайиқлар сузиб юрган кўл тепасидаги камондек кўпrik ёки танца майдонида янграётган шўх куйнинг садосими? Ёхуд, тўлалигидан бўғинлари кўринмай кетган жажжи бармоқлари билан меҳрибои онасининг кўксини ушлаб, тўйиб-тўйиб ўнаётган гўлакнииг митти кўзлари, кулча юзларидағи кулгими? Ҳали муҳаббат бўсасининг лаззатини тотиб кўрмаган икки ёшнинг, қалблари бир маромда ураётган йигит ва қизнинг ойдин кечада, сув ёқасидаги «сирли» суҳбати, юзларидағи ҳаяжонми?

Ха, ҳаммаси гўзал! Фақат...

Мақсаднинг тоқати чидамади. Узи ўйлаган, йўқ ўйлаган эмас, ўйлашга мажбур қилган саволга шу жавобларни топди-ю, барибир кўнгли тўлмади. Иш устида узоқ ўтириб, қаттиқ чарчаган каби диққинафас бўлди, охирида бирорвга сўзлаётгандек: «Фақат...» деганича, креслодан туриб, диванга бориб ўтирди, гилам нусха жилдли кичик парёстиқни қўлтирига қисиб, ёнбошлади. Яна ўйга толди.

Ижод қилувчи кишининг хаёлидай ўйноқи, ширин ва инжиқ хаёл бўлмаса керак. Бутун вужуди фикрлаш би-

лан банд бўлиб, чиройли бир бадиий воситани пишишиб турганида, арзимаган сўз ёки воқиа эсига тушади-ю, фикрини бузиб юборади. Кўпинча ишнинг белига тепади. Бироқ ҳозир Мақсаднинг хаёлини бўлган — «Нима гўзал» деган савол унинг ижодига халақит бериш эмас, чуқурроқ ўйлаб қараса, бевосита тааллуқли экан. «Рассом — ҳаётнинг бутун икир-чикирларини ипидан-игнаси-гача билиши керак. Бусиз бадиий асар яратиб бўлмай-ди-ку, ахир, нега мен?..»

Мақсад икки ҳафтадан бери бир неча марта ўқиб чиқсан, ҳар галгисида авайлаб, тахини бузмай ўша кўк конвертга солиб қўйган бир парча қоғоздаги сатрларни яна кўздан кечиргуси келди. Саволнинг туғилишига ҳам, Мақсаднинг бош қотиришига ҳам ана шу хат сабаб бўлган эди.

«Чизган расмларингиз жуда гўзал, кишининг баҳри-ви очадиган. Икror бўлайликки, шундай гулли крепде-шиндан кийганмиз, ҳосил тўйимизда ҳаммага кўз-кўз ҳам қилганмиз. Истар эдикки, сиз яна янги нусхалар — гўзал ҳаётимизни яратган асл гўзалликни акс этдира-диган расмлар чизсангиз... Тонг билан баб-баравар гуна-часини очган, шудрингнинг марварид доналари ҳали юзидан тушмаган қизил атир гулни узиб кўрганмисиз? Ўша гул шу ҳолича қиз-жувойларнинг кўксига, ҳарир кўйлакка тақиб қўйилганда кўкрак бурмасига йилтил-лаб тушган шудринг томчисиничи? Билингки, гулнинг гўзаллиги ҳам инсоннинг гўзаллиги туфайлидир. Ижо-дингизда муваффақиятлар тилаймиз. Андижонлик пах-такорлар».

«Пахтакор қизлар,— ўзича такрорлади Мақсад,— худди адиблардек ёзишибди-я. Ҳа, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Эллик, саксон, юз центнерлаб оқ олтин етиштирган санъати қайси бир адебнинг меҳнатидан қолишади? Содда сатрларида бир олам мазмун бор-а. Бу илтимос эмас, ҳақли талаб. Агар Назаровнинг ўша фикрига қулоқ солмаганимда, эҳтимол, бундай хатлар менинг номимга ёзилмаган бўлурмиди».

...Мақсад билим юртини тамомлаб, фабрикага кел-ганида биринчи марта ип-газлама учун чизган расмини эслади: расм бадиий кенгашда анча тортишувларга са-баб бўлди. Бирор ёш авторнинг тўнғич ишини мақтади, бирор камчилигини кўрсатди. Бадиий кенгаш аъзоси рассом Назаров шундай деди: «Расм ёрқин эмас, тутун

орасидан кўриниб турганга ўхшайди. Автор ҳали ёш, у ҳаётни яхши билмайди. Икки-уч йил ўтиб, камолга етганида, камчиликларини ўзи ҳам тушуниб олар». Бу гап унга жуда қаттиқ ботди. Муҳокама сўнгида, қипқизариб, бошини қуий согланича «тўғри» деди-ю, секин жойига ўтирди. Ташқарига чиққанида севгилиси Назмихонга дуч келди. Унинг кулиб туриб: «табриклайман» дегани ҳам мазақ қилаётгандай бўлиб эшитилди. Уша кечаси бамисоли ўт бўлиб ёнди, шипга тикилганича мижжа қоқмай тонг отдириди. Шунда биринчи бўлиб ҳолидан хабар олган Назмихон бўлди. У эрталаб барвакт эшикни тақиллатди.

— Салом, Мақсуд ака, ҳорманг,— Назмихон Мақсуднинг авзойини биринчи қараашдаёқ пайқади-ю, ўзини билмасликка олди, дилхушлик билан кулиб гапира бошлади,— тағин ишладингизми, дам олсангиз бўлмасмиди?

— Энди умр бўйи дам олсан ҳам бўлаверади...

— Тушунмадим,— деди Назмихон ва стол ёнига бориб, бенараво ҳолда альбом кўра бошлади.

— Тушунмаганингиз яна яхши,— терс жавоб қилиди Мақсуд.

— Нималар деяпсиз, Мақсуд ака?

— Рассомликни эпломас эканмиз деяпман, тушунпарлимиси?!— Мақсуд ўрнидан туриб, дераза ёнига борди, кўча томонга тикилди.

— Вой-вой-вой,— Назмихон кўзларини катта очиб, унга яқинлашиди,— ҳали шуига-я?

— Қўйини, Назмихон, энди сиз ҳам кулмоқчимисиз?

— Сиз йигламоқчимисиз бўлмаса. Ким айтади сизни фронтовик, иродаси кучли деб?

— Иродайнинг бунга нима дахли бор?

— Танқидни кўтаролмасликни нима дейиш керак?

— Назмихон?!— Мақсуд жаҳл билан унинг юзига тик қаради, бир нарса демоқчи бўлиб турганида, Назмихон тўхтатди.

— Шошманг, Мақсуд ака, қизишманг,— Назмихон Мақсуднинг феълига аллақачон тушуниб, ўрганиб қолган. Ахир икки йилда... қай вақтда кулгї, ҳазил билан енгиш, қай вақтда нозли аразу, ундан баланд келишини яхши биларди. Билардигина эмас, шунақанги пайтларда Мақсуднинг шаҳд билан сўзлашлари, қизиққонлик

қилишларини ёқтиарди ҳам. Жаҳли чиққанида юзлари оқариб, кўзлари қинидан чиқиб кетай дейдиган, бирорга сўз бермайдиган Мақсуд бўлса қаршисида индамай униг сўзини тинглаб турган Назмихонга қараб қўярди-ю, мўмдай бўшашарди. Бунга ўзи ҳам тушунсламасди. Очиқроғи, шунисига ўзича қойил қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Назмихоннинг «қизишманг» дегани уни тоаткор қилиб қўйди,— мен сизга бир нарсани айтади,— деб сўзини давом эттириди Назмихон,— рассомнинг ижодига баҳо берувчилар фабрикамиздаги гул бо-сувчилар бўлади. Буни яхши биласиз. Мана бугун фабрикага кириб, бир айланиб чиқинг-а, нималар эшитар-кинсиз.

— Нималар бўлиши мумкин?— қизиқиб сўради Мақсуд, айтинг Назмихон.

— Айтмайман, ўзингиз эшитганингиз яхши.

— Назмихон, нима гап ахир?— Мақсуднинг юзлари бундан бир неча дақиқа аввалгисига сира ўхшамасди, бирдан ўзгариб кетган эди.

— Айтмайман дедим, айтмайман,— Назмихон эркаланниб шундай деди-да, Мақсуднинг икки қўлидан ушлаб, юзларига сукланиб тикилди, кулиб туриб хайрлашиб,— ўн минут қолди, кечиринг,— у эшик ёнига бориб, яна қўл силкиди, бармоқларини лабига олиб борди.

Бир нафас қимир этмай қолган Мақсуд ўйчан кўзларини эшик томондан узмади, кейин стол устидаги рамкага, чап елкасига иягини қўйганича ёнига ўгирилиб турган расмга — Назмихоннинг портретига тикилиб қолди. «Мени юпатмоқчими? Йўқ, ундан қиз эмас. У ақлли, дид-фаросати бир рассомницидан қолишмайдиган қиз. У мени алласа, ўзини алдаган деб биладиган вафодор қиз. Мен буни яхши тушунаман. Умр бўйи унга ишонаман». У расм билан сўзлашгандай бўлди...

Барibir Назаров анча вақтгача Мақсуднинг кўзига ёмон кўриниб юрди. Хизмат юзасидангина учрашганларида гаплашмаса, бошқа вақтларда ундан ўзини четга оладиган бўлиб қолди. Шунга қарамай, ижодий командировкаларидан ташқари, меҳнат отпускасини ҳам ижодий ишга — ҳаётни ўрганишга багишилади. Мамлакатимизнинг серманзара шаҳарлари, боғлар, ўрмонлар, кенг пахтазорлар, яйловларда бўлди. Қораденгиз ёқасида, машҳур ботаника боғида салкам уч ой турди. Ҳаммасидан муҳими — табиатни ўзгартирувчилар, совет ки-

шиларининг мазмундор ҳаёти, уларнинг ўсиб бораётган талаб, истакларига кўпроқ қизиқди.

Мана, орадан саккиз йил ўтди. Мақсуд читга эмас, ипак газламаларга мураккаб расмлар чизадиган бўлди. Энди унинг ўзи ҳам бадий кенгаш аъзоси. Рассомларниң ижодий ишлари муҳокама қилинаётганда Мақсуднинг фикрига алоҳида эътибор беришади. Унинг қизил духоба муқовали альбомида ўша биринчи чизган расми, ҳам, шу нусха туширилган газламанинг қийқиндиси ҳам сақланган. Тагига Назаровнинг айтганлари сўзма-сўз ёзиб қўйилган. Мақсуд кўпинча, юқоридаги сингари хатлар олганида, альбомни очади-да, унга тикилиб қолади, худди бирордан уялгандек кулиб қўяди. Афсуски, Назаров шу ерда эмас, Ленинградда. Бўлмаса Мақсуд унинг ёнига борарди-да, бўйнидан гўдаклардек қуchoқлаб «раҳмат сизга, аччиқ танқидларингиз билан ижодий ўсишимга ёрдам бердингиз» деб, юзларидан қайта-қайта ўпарди. Назаров билан хат ёзишиб туради-ю, миннатдорчилигини қозоз юзида тўла ифодалай олмаганидан ачинади. Пахтакор қизларнинг хати унга яна Назаровни эслатди.

Бундай хатлар Мақсудни жуда қувонтиради. Кўпинча у турмуш ўртоғи, читга гул босиш фабрикасининг мастери Назмихон билан бирликда ўқиб чиқар ва унга қараб, «бу гаплар ёлғиз менга эмас, сизга ҳам тегиши, хојим» деб кулиб қўярди. Бироқ бу галгисини — пахтакор қизларнинг хатини нима важдандир Назмихонни кўрсентмади. Баҳор-ёз мавсуми учун мўлжалланган янги нусхали газламалар виставкасидан кейин бадийи кечигани худди шу мактубда кўрсатилгандек расм тайёрланиши Мақсудга топширди. Бир ҳафтадирки, Мақсуд шу иш билан банд. Буни Назмихон билади. Фақат у хатдан бехабар. Эҳтимол, Мақсуд хотиним рашк қилмасин деган хаёл билан ундан яширгандир. Эр-хотин ўртисидаги багъиҳи нозик сирларини билиб олиш жуда қийин-ку, ихир. Ҳар қалай бунинг сабаби бизга ҳозирчи помаълум. Матъуми шуки, Мақсуд ҳамон саволга жавоб тополгани йўқ. Унинг назарида ташқи гўзаллик ҳақида тўла тасаввурга эга экан-у, аммо инсоннинг ҳаётидаги, ички дунёсидаги гўзалликни қалбнинг поклиги, садоқат, муҳаббат, ростгўйлик ва шунга ўхшашлардан иборат деб юрар экан. Хатдаги гапларнинг маъноси бошқачага ўхшайди.

Мақсуд иш столи ёнига ўтириди, конвертни тортмага солиб, папкани очди. Бир ҳафтадан берли чизаётган қизил гулнинг тўққиз хил вариантини ёнма-ён қўйиб тикилди. Узоқ тикилди. У ҳозир ўзини гулзорда туриб, қайси бирини узишни билмаётгандек ҳис қилди. Гулнинг расмини чизиш унчалик қийин эмас, ўзи ҳам неча бор хилма-хил гулларни чизган, бошқа рассомларникини ҳам кўрган. Бу галгиси худди пахтакор қизлар айтганидек, эндиғина очилган, диркиллаган ғунча баргарида шабнам доналари йилтираб турган бўлиши керак. Мана шуниси анчагина меҳнат талаб қиласи.

Очиқ деразадан баҳор оқшомининг манзараси кўзга ташланиб турибди. Кўп қаватли биноларнинг жимжимадор тўрпардалари ҳилпираб турган деразаларидан ёқимли куй, шўх ялла, қаҳқаҳаларнинг садоси таралмоқда. Ҳув узоқда, кенг асфальт кўчада қушдай учиб бораётган қатор машиналар, унинг ортида, яшил ўрмондек қуюқ дарахтзор ичида баҳайбат бинолар, тўқимачилик корхоналари, стол устида турган, битай деб қолган ана шу гул эрта-индин худди шу корхонага тушади. Моҳир қўллар уни металга кўчиради, ундан газламага ўтади. Қарабсизки, баҳтиёр қиз-жувонларимизнинг эгнида баҳорнинг биринчи гули яшнаб кетади.

Майнин шабада столдаги расмларни сийпаб, уларга жон киргизгандай бўлди. Икки қўлини бошига қўйиб ўтирган Мақсуд мийифида кулди, шабада уни «қани бўлинг» деб қистаётганга ўхшарди. Расм-ку тайёр-а, фаяқат алланарса етишмай турибди. У шундай сирли деталки сира тутқич бермайди. Мақсудни роса уч кундан бери қийнайди. Агар у ўз ўринини эгалласа, рассом ўйлагандек бир қарашдаёқ юракни жиз этдириши турган гап...

Тун ярмидан оғди. Рассомнинг энг севган дамлари — жимжитлик ҳукм сурмоқда. Шу пайт, эшик қия очиқ қолган шекилли, қўшни хонадан Умиджоннинг уйқуси сираб айтган гаплари қулоққа чалинди. Мақсуд буни эшилса ҳам, фикрни бўлмаслик учун қайрилиб қарамади. Ўғилча алланималар деб, яна пишиллаб уйқуга кетди.

Эшик очилиб қолмаган экан. Уни Назмихон очибди. Умиджоннинг овозига уйғонганми ё ўзининг уйқуси қочиб, тирқишдан тикилиб ётибдими, билиб бўлмайди. Эшикнинг кичкинагина ёруғидан қоронғи уйга, Назми-

хон ётган ўрин устига мовий ранг шуъла тушиб турибди. Назмихон ўз кроватини, бош томонини атайлаб худди шунга мослагандай. Қизлигиде қорачадан келган, озғин, «мен ҳам семиармиканман» деб юрадиган Назмихон кейинги йилларда анча ўзини қўйди, буғдой ранг юзлари тўлишиб, кўзлари мужгон бўлиб қолди. Ана у тим-қора соchlарини ёстиқ узра ташлаб, кровать билан битта бўлиб ётибди. Мақсаднинг столидаги ҳаво ранг абажурнинг ипак шокилалари орасидан ўтган нур унинг пешонаси тепасидаги ўримга кирмаган жингалак соч толаларида ўйнамоқда. У, мана щундай пайтларда, сочкун кечада, эрининг ишлаб ўтирганини завқ билан кузатар, унга халақит бермаслик учун ётган жойида ҳам қимир этмас, Мақсаднинг хонасига пашша учиб киришинираво кўрмасди. Ўзини эри билан баб-баравар ишлайтгандай ҳис қиласарди. Асар тугаб, ўз қўлига олиб кўрганида Мақсад билан ёнма-ён туриб қувонар, кечалари уйқуси учиб кетганини ҳам унтарди. Ҳар бир янги расм — Мансуровлар оиласининг янги қувончи бўларди. Дугоналари ундан: «Мақсад акам қандай қилиб расм чизадилар!» деб сўраб қолгудай бўлса, щундай завқ билан сўзлаб берардики... юрагига сифдиромасди. У ўзича, қаерда, ким бўлмасин шу тўғрида сўрашини истарди. Фабрикадагилар Мақсад чизган янги нусхани қўлга олишлари ҳамона, дув гап тарқаларди, ўша куни кечқурун Назмихон эри билан парк, кинога чиққанида, бора-боргуича, кела-келигучча бўлган гапларнинг ҳаммасини унга айтиб берарди.

Ана у, бир вақтлар Назмихон кўз ёшлари билан рўмолчасини шалаббо қилиб, фронтга кузатган севгилиси Мақсад. Ўшанда у: «Ийғламанг, ўзингизни тутиш» деган эди. Ийғламай бўлармиди?.. Бирданига олти ой хат келмай қўйди. Назмихон тиқ этса кўзи тўрт бўлиб, неча-неча кечаларни уйқусиз ўтказди. Хат-хабар келишини зориқиб кутар, почтальон эшикни эмас, унинг қалбини тиқиллатарди. Мақсаднинг «тинч яшайдиган, ижод қиласиган кун яқин қолди» деб ёзган бир парча хатини у то Мақсад билан кўришгунча сақлаб юрди.

Назмихон ҳозир шуларни эслади-ю, ўрнидан туриб бориб, эрининг бўйнидан қучоқлаб олгуси келди. Ўзини босди, узун-узун бармоқлари билан қуюқ соchlарини тараб, бошини қўйи солганича энгашиб ўтирган Мақсад

га тикилди, яқиндан буён икки чаккасига оралаган оқ соч толаларини шундокқина кўриб турғандай бўлди. Чарчоқ юзларига ачинди. Ҳалқа-ҳалқа бўлиб кўтарилаётган папирос тутунлари Назмихоннинг хаёлини бўлди. Мақсаднинг «ётоқхонага тутун кирмасин, хоним» дейишлари эсига тушиб, секин ўринидан турди-да, эшикни зичлаб қўйди.

Тонг ёришай деяпти, туни бўйи беғубор осмонда ча рақлаб турган юлдузлар худди шамол учиргандек бирин-кетин сўна бошлади. Мақсад кофе чойнагини пли-тага қўйиб, дераза ёнига борди, дарпардани икки томонга илиб, шаҳарнинг тонг палласидаги манзарасини томоша қила бошлади. Муздек шабада юзларига урилиб, совуқ сувда ювингандай роҳат қилди. Туни бўйи чироқ нурида товланган расмни энди, ёруғда бир кўздан кечирмоқчи бўлди. Стол устидаги бошқа вариантиларни таҳлаб, тайёрини, битказгандан кейиноқ кўздан яшириб қўйганини қўлига олди, дераза рамига қўйиб, бир қадам орқага тисарилди, расмга тикилиб қолди. Юрак уришлари «мана буниси кўнгилдагидек» деб турганини сезди. Дайди шамол миясидаги фикрларни аллақаёқларга олиб қочди, қимир этмай туриб қолди.

Назмихон қаёқдан сезибди экан. Ў эшикни секин очиб, оёқ учида Мақсаднинг ёнига келди. Ўзини сездир-масликка уриниб кўрди-ю, бўлмади.

— Во-ой...— деб юборди, Назмихон ва қўлларини юзларига қўйиб, деразага яқинлашди, кейин расмни қўлига олиб кўра бошлади. Кўрди эмас, гулзордан гул узиб олгандай бўлди. Чўчиб тушган Мақсаднинг севинчи юзларига бўртиб чиққан эди, у ўзини чеккага олиб, хотинини кузата бошлади. Назмихон ўйноқи кўзларини расмдан узмай беихтиёр эрига ташланди, унинг кўксига бошини қўйиб, елкалари, сочи, юзларини силади, унинг, «Мақсад ака, Мақсад ака...» деган майин овози ҳозир жуда ҳам жозибали эди.

Мақсад хотинини креслога ўтқазди, одатдагидек «маъқулми?» дейишнинг ўрни қолмаган эди. У тортмасидан кўк конвертни чиқарди-да, унга узатди. Назмихон шошиб хатни ўқий бошлади.

— Пахтакорлар... бирам чиройли ёзишибдик... Қаҷон келди бу?— сўради Назмихон.

— Уша виставкага келган... Кечиринг, шу вақтгача сизга кўрсатмаган эдим.

— Ҳечқиси йўқ, нима бўпти?

— Ҳечқиси йўқ эмас, борлигидан кўрсатмовдим.

— Тушунолмадим, Мақсад ака, бу нимаси...

— Назмихон,— деди Мақсад ялинган оҳангда ва креслосини унинг ёнига суриб ўтириди,— расмни-ку чиздим, уларнинг илтимосини бажардим...

— Бажарганда ҳам қандоқ...

— Хўп, фақат мана бу жумласига тушунолмадим»...

Гулнинг гўзаллиги ҳам инсоннинг гўзаллиги туфайли-дир...» Шунга ўзим жавоб топмагунча кўрсатмай дегандим.

— Вой-вой-вой, қап-катта одам, бир ўғилнинг отаси,— Назмихон эрининг ҳаяжонли юзларида аллақандай маъно ўқигандай бўлди,— истиола шунчами?

— Назмихон?!

— Вой-вой, ростдан айтяпсизми? Сиз ижод қилма-маъно ўқигандай бўлди,— истиола шунчами?

— Меҳнат денг?

Назмихон Мақсаднинг кўзига ҳеч вақт ҳозиргидай ақлли, меҳрибон бўлиб кўринмаган эди. У хотинининг чақнаб турган кўзларига тикилиб, оҳиста такрорлади:

— Дарҳақиқат, меҳнат...

Идишдаги сут тошиб кетди. Эшикни очиб, яланғоч Умиджон кириб келди. Узоқдан машинанинг сигнали энгитилди,

ҚАИНАНА

Саври хола даладан тўғри болалар боқчасига келди. Атрофи кўк панжарали сердарахт бор қувноқ болаларнинг шўх ашуалари, қўғирчоғини ухлатаётган қизнинг «алла»си, отига миниб олган боланинг «чув-чув»и, орқасига бир неча вагонни тиркаб олган паровознинг «гуп-гуп»и, коптокнинг «тап-тап»и, арғимчоқ учайдаган қизларнинг қийқириги билан тўла. Саври хола ҳар куни даладан қайтишида неварасини олиш учун боқчага келар экан, кўк панжараларга кўзи тушиб, гўдакларнинг шовқинини эшлиши ҳамоно енғил тортгандай, куни бўйи қилган меҳнатининг чарчоғини унугиб, роҳатини сураётгандай бўларди. Шу туфайлими ёхуд келинини ортиқча овора қилишини истамагани учунми, ҳар ҳолда, кекса ҳолига қарамай неварасини боқчага ўзи олиб келиб, ўзи олиб кетарди.

Тарбиячилар баъзида «ҳорманг, Саври хола, ишдан чарчаганингизда сизга анча маҳол-да» дейишса, «Йўқ, болам, ҳеч оғирлиги йўқ, бўлмаса келиним барака топкур ҳам кўп гапиради. Қўявер, ишинг бўлмасин, боқчага борма десанг кўнглимни ранжитасан, дейман. Росгини айтсан, жонгинам, эрталаблари-ку, унча билинмайди-я, айниқса кечки пайт бўқчага келсан мана шу қувноқларни кўриб-чи, бир эт семирман, шундай ҳордифим чиқадики, асти қўяверинг» деб жавоб қайтарарди.

Саври холанинг бу гаплари тарбиячиларга жуда ёқиб тушар ва шунинг учун кўпинча Саври хола келганида у билан суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўришарди. Бир сафар шундай ҳам бўлди:

...Саври хола панжарали эшикдан кирди-ю, ҳовлида югуришиб юрган болалар орасида неварасини ҳадеганда тополмади. У, сув ичмоқ ниятида водопровод крани ёнига борар экан, ўрта ёшлардаги тарбиячи жувон унга графинадан қайнаган муздек сув қўйиб узатди. Саври хола «дид-фаросатингга балле» дегандай кулиб қаради унга ва пиёлани бўшатиб, миннатдорчилик билдириди:

— Барака топ, болам, сувдай тиниқ, пок бўлгин, се-роб бўлгин.

Тарбиячи жувон Саври холани «бир нафас дам олинг» деб стулга таклиф қилди. Саври хола аланг-лаб неварасини қидирар экан, ўйнаётган болаларни кўриб, баҳри очилиб кетди.

— Бахтингдан ўргилай, дўндиқчалар, туф-туф кўз тегмасин... Ҳой, Муборакхон, анави Санталатхоннинг қизими?

— Ҳа, хола,— деб жавоб берди тарбиячи.

— Қаранг, бирам ширинки, дўндиқлигини айтмайсизми, қўғирчоғ-а, қўғирчоқ... Ҳа омон бўлишсин... Гўдаклик, ёшлиқ — умринг олтин даври бўлади. Лекин, биз кексалар мана шундай олтин даврни суролмай ўтдик. Золимнинг замонасида, гўдаклик чоқларимизда кўрган-кечирганиларимиз қаттиқ нонни оқизоқ қилиш-у, бўйра чўпдан қўғирчоқ эди. Ярлақаган хонадонда қиз боланинг қўлида нахтаданми ё эски-туски латтадан ўриб қилининг конток учрамаса, бу ҳам йўқ эди. Буниенни ҳам қўйин-а, ҳомиладор аёлларнинг кўз ёшларини айтмайсизми! Бечоралар фарзанд кўраман деб не-не орзуладар қилиб юрарди-ю, вақти-соати яқинлашганда уйда яна бир нонхўр пайдо бўлса оиланинг аҳволи бундан ҳам мушкўлланиши кўз олдига келиб, ташвишга тушарди. Шўринг қурғур ҳеч нарсага кучи етмай, «фарзанд берсанг ризқи-насибаси билан бер» деб худога ёлборинида бошқани билмасди. Қани ризқу, қани насиба. Эҳе... Тўнгич ўғлимни тукқан куним сира-сира ёдимдан чиқмайди. Ёшим олтмиш бешга бориб қолди-ю, эсласам, ҳали-ҳали хўрлигим келиб, кўзимга ёш оламан...

Тонг қоронғисида кўзим ёриди. Ойим бечора туни бўйи мижжа қоқмай ёнимда ўтириб чиқди, ўзлари доялик қилдилар. Шунаقا саратон ойи эди. У ёқ-бу ёқни йиғиб-териб олгунча алламаҳал бўлди. Ҷамовар қайнаб,

айвонга келтирилгандагина икки пиёлла иссиқ чой ичдим. Ойим шўрлик чўнтағидан уч чақмоқ қанд чиқарип, пиёламга солди. Сал дармон бўлармикан, деди-да. Қайнанам дастурхонга кеча ёпилган зорора нондан олиб чиқди. Бирпасда нонушта қилиб бўлишди. Ойимнинг ҳамон кўзи жовдиарди: «Болам толиқди-да», дегандай гоҳ менга қарап, гоҳ ҳовлига чиқиб, ҳовлидан уйга кираётган эримга тикиларди-ю, бир нарса дея олмасди. Қайнанамга айтишга андиша қиласарди. Айтганда ҳам фойдаси бор дейсизми? Супрани қоқиб, бор зорора ундан бир кун илгари ўзим нон ёпган эдим. Қўвачанинг тагида икки қошиқча жувоз ёғидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Ҷоштгоҳга яқинлашганда жуда ҳолдан тойдим. Бир вақт қарасам, нонуштадан кейин кўчага чиқиб кетган эрим толқон соладиган оқ халтачада бир нарса кўтариб келиб, қайнанамга узатди. Қайнанам ўғлини имлаб уйга олиб кириб кетди. «Оббо, бир балони бошламаса яҳши эди» деб юрагим така-пука бўла бошлади. Худди айтганимдай, уйда бўлди тўполон, бўлди тўполон. Недурки, сен хотинингнинг ғамини ебсан, кеча мен кинначига пул сўрасам «йўқ» девдинг. Ойим менга, мен ойимга қарайман. Қўйингчи, хуллас, ўғлининг сиқмай сувини ичди-да. Эрим бечора тарақ этиб эшикни ёпди-ю, индамай чиқиб кетди. Қовоқ-тумшуғи осилган қайнанам ҳалиги халтачани олиб ошхонага ўтиб кетди. Аллабир вақтда ярим коса атала пишириб келди. Қани энди томоғимдан ўтса. Қейин билсам, эрим олиб келгани бир қадоқ ун экан...— Саври хола уҳ тортиб қўйди,— мана шундок кунлар ҳам бўлган, болам.

— Қайнанангиз шунчалик қаттиқмиди, хола,— сўради тарбиячи жувон ачиниб.

— Вой нимасини айтасан, болам. Ахир уйимизда жанжал бўлмаган кун йўқ эди-да. Ўғлим топиб келганини бошингни буркаб еб ўтирибсан деб бир айтарди, ўғлимни мендан бездиряпсан деб бир айтарди... Уч болалик бўлганимда қайнанам вафот этди. Орадан анча ўтиб, катта ўғлимни ўйлантиридим, ана энди ўзим қайнана бўлиб қолдим. Қейинчалик ўйлаб қарасам, бир ҳисобда қайнанамга ҳам осон тутиб бўлмас экан. Ҳамма гап йўқчиликдан, тушунмасликдан келиб чиқаркан, ҳимм. Мана мен бирамас уч келин кўрдим. Кенжаси ўзимнинг бағримда. Биронтасидан нолимайман, ҳаммасидан ҳам миннатдорман, барака топишсин.

Саври хола «Эзмалик ҳам ўлсин, анча ўтириб қолдим» деб ўрнидан турди.

— Сиздек қайнанаси бўлган келин албатта барака топади, хола,— деб қўйди Муборакхон.

Саври хола боқчага келар экан, тарбиячилар уни ана шундай гапга солар ва кетгани қўйишмасди...

Саври хола боқчанинг ичкарисига ўтиб, серсоя дарахт тагида бир тўп болалар ичида машинасига белкуракчаси билан қум солаётган неварасини кўриб қолди. Қобилжон бувисига кўзи тушиши билан дик этиб ўрнидан турди-да, қум тўла машинасини судраб унинг ёнига келди.

— Ўйга кетамизми, буви?

— Ҳа, бўлақол болам, қўлингни юв.

— Ҳозир, тағин бир машина қум...

— Жон болам, кўй энди, етар шунча ўйнаганинг.

Саври хола Қобилжонни етаклаб, боқчадан чиқиб кетди.

Ўрта бўй, тўладан келган, икки юзи қип-қизил бу аёл шаҳдам-шаҳдам одим ташлаб борар экан, ҳеч ким уни неварасини етаклаб кетяпти, демасди. Саври хола ўз ёнига қараганда анча тетик, эпчил кўринарди. Ботаётган қуёш шуъласи дарахтларнинг соясини чўзилтириб юборган, кенг кўчанинг икки ёқасидаги тераклар тош йўлга кўланка ташлаб турарди. Қаторасига кетган оқ уйлардац қулоққа радио овозлари чалинади. Кечликка барвақтроқ уннаган хонадоиларнинг ҳовлисидан кўтарилаётган тутун дарахтлар орасидан ўтиб, сувга томган ёгдек ҳавога тарқалиб кетмоқда.

Саври хола ўзидан беш-олти қадам олдинда кетаётган неварасининг салмоқли қадам ташлашига маҳлиё бўлиб бораарди. Бу вақт Қобилжоннинг алланималар деб тапирган гаплари ҳам қулогига кирмас, нимаики деса, сўраса, бош силкиб қўяқоларди. Шу зайлда бораркан, ҳайд кенжатой ўглининг гўдаклик чоғига ўтиб кетди. Ўгли Собиржон ҳам тўрт ёшида ҳозирги Қобилжоннинг ўзинаси эди, бир туки ҳам ўзга эмас. Тебраниб юришлари, тўлалиги, зийраклиги — ҳаммаси отасининг ўзи. Уни кичик Собиржон деса ҳам, ёхуд катта бўлганида китти Собиржон деса ҳам бўлади.

...Саври хола тўрт яшар ўғлини қўлига олиб, худди мана шу кўчадан, йўғ-э, у пайтда кўча қаёқда дейсиз, сўқмоқ йўлдан, тизза бўйи лой кечиб, гузарга чиқди.

Эндиғина ташкил этилган «Октябрь қуёши» колхози аъзоларининг биринчи мажлиси шу ерда бўлган эди. Мажлис алламаҳалда тугади. Кўчалар қоп-қоронғи, онда-сонда қўлида фонарь кўтариб бораётган киши учрамаса, юриш жуда маҳол эди. Собиржон ухлаб қолди. Саври хола уни опичиб олганича туртиниб-суртиниб йўл босарди. Йўлнинг ярмига келганда ёмғир шивалади. Қадамини тезлатган Саври хола бир оз юрди-ю, чуқургами ё ариққа оёғи тойиб кетди. Собиржон чинқириб йиғлаб юборди. Саври хола уни дарров ердан кўтарди, хайриятки, бола шикаст еманти. Бир амаллаб уни овутди-да, қоронғида лойларини артабошлиди. Бола уйқу аралаш дудукланиб, оёғини кўрсатарди. Қараса, бир пой калиши тушиб қолибди. Қоронғида уввало қидирди, топиб бўлмади. Тун ярмидан оққанда қишлоққа этиб келди.

Ҳаммаси ҳам бир бўлди-ю, Собиржоннинг бир пой калиши ҳам. Шу кечаси тонг отаргача қайнанаси унга мижжа қоқтирумади. Бир пой калишининг алами сира чиқмади. Дам «ўзинг меҳнат қилиб топмагансанда» деса, дам «эринг ўлиб, сандираклаб қолдинг» дерди. Қайси бирига чидасин. Кучи кўз ёшига етди-ю, тонг оттириди...

Саври хола шуларнинг ҳаммасини ҳозир кўз олдига келтирди. Ўша пайтларда қайнанаси билан ўтказган умрига бир ачинса, қайнанасининг аҳволига икки ачинарди. У, худди бировга гапиравётгандек лабларини қимирлатиб, ўзича пичирлади: «Нима қилсин, у шўрлик ҳам йўқчиликдан кўзи оч эди-да. Бўлмаса беҳудага жанжал кўтаришга орзуманда эдими! Революция бўлди-ю, кўкрагимизга шамол тегди. Колхоз бўлиб яшаганимиздан кейин икки-уч йилдаёқ турмуш яхшиланиб кетди. Шунгача яшаб ўз кўзи билан кўрганида эди, армони қолмасми? Ҳозир ҳаёт бўлса-ку, тушимми-ўнггимми дерди-я...»

Қобилжоннинг сувда оқиб кетаётган олмани оламан деб ариқ лабига югуриб бориши Саври холанинг хаёлини бўлди. Халпиллаб бориб қўлидан ушлаб олди.

Йўлида давом этаркан, ўтган куни Собиржондан келган хат эсига тушди. «Уч ҳафталарда канikuлга бориб қоларман, пахтани биргалашиб терамиз. Москвадан сизга, болаларга нима совға олиб борай», деган эди. Саври хола хатни худди ҳозир эшитгандай бўлди-

да, ҳали ҳам кўнгли бояги олмада бўлган Қобилжонни чилгитишга уринди.

— Қобилжон, даданг нима олиб келади?

— Велосипед. Иннакейин самолёт,— деб эркаланди бола.

Улар уйга етиб келишди. Саври хола неварасининг кийимларини ечди, энди пижамасини кийинтираётганида, эшик очилиб, овсини Рисолат хола кириб келди. Улар ҳовли юзида кўришдилар.

— Келинг, келинг, айланай, овсин, қаёқдан кун чиқди, дарагингиз йўқ.

— Сал ученибманми, мазам йўқ,— деди хушёқмай Рисолат хола.

— Вой, докторга кўрсатмадингизми?

— Кўрсатдим. Тополмади шекилли, касалингиз йўқ,— деди.— Меники киннага ўхшайди, овсин, кинна,— деди ижирғаниб.

— Киннайам ўлсин ҳар ҳафтада кираверса. Кимнинг киннаси экан у, нимангизга кирақопти,— деди энсаси қотиб Саври хола.

— Вой, шундай дейсиз-да.

— Қўйинг-е, мен шу кинна деган нарсанинг нималигини билмадим-бilmадим-да. Қайнанам ҳам камроқ ухлиб, хомуза тортиб қолса борми, «ҳой, менга кинна кирибди» деб нахима қиларди. Киннайам ўлсин, десам, копланни тушарди.

Рисолат хола кўнглидаги режаси нучга чиққандай, ҳифеилиси пир бўлиб, ганини боица томонга бурди.

— Ҳи, бўлди ді, мунча неварангизга оро бердингиз, мартартош қўярмиди.

Саври холанинг бир жаҳли чиқди-ю, тағин ўзини босди.

— Мартартош қўйса ҳам, қўймаса ҳам умри узоқ бўлсин. Боламнинг боласи — болам, овсин. Қарамай ташлаб қўярмидим... Вой, эсим ҳам қурсин, қани чорпояга чиқниг.

Рисолат хола ҳовли ўртасидаги чорпояга чиқиб ўтириди.

Саври хола неварасини кўчага чиқариб юбориб, савоар қўйишга уннаб кетди. Рисолат хола атайнин кўз-кўнглимоқчи бўлгандай тирсагини тиззасига қўйиб, рўмолчаси билан еллина бошлаган эди, атлас қўйлак ининг кенг синги тирсагигача сирғилиб тушиб, қўш билаку-

зугини ярқиratди. «Ўсмамга қара» дегандай ора-сира рўймолчаси билан бир энлик қуюқ ўсмали қош устини ҳам секин артиб қўярди. Овсининг бачканалигини севмаган Саври хола энсаси қотиб, у томонга қайрилиб ҳам қарамади. Ўзоқча олов қўйиб, қозонга ёғ солди-да, уйга қириб кетди. Ясоғлик патнус билан дастурхон кўтариб чиқиб, чорпояга ёзди. «Қани, марҳамат, айланай овсин» деб, ўзи сабзи артишга кириши.

— Ҳой, Гулжаҳон шунақа кеч келадими, овсин?— сўради Рисолат хола, нонни мураббога ботиратуриб.

— Йўқ, жудаяммас. Гоҳида идорасида йиғилиши чиқиб қолмаса, ўшанда ҳам келиб овқатланиб, айтиб кетади. Ўтган ойнинг охиrlарида, мусобақадошлар келишиб, анча уринди. Осон дейсизми ахир, шундан шунга аэропланда учиб келиб, «Ғалаба» колхозининг фўзасини кўрамиз дейишганда, фўзамизнинг ривожи паст бўлса, Бундан ёмони борми! Меҳмоннинг кўнгли очиладими? Хайтовур ишловини кучайтириб, бошқа бригадаларга етказиб олди.

— Етказиб, дейсизми, ўзиб ҳам кетди деяверинг, овсин, келинингизнинг омади баланд.

— Меҳнат бўлмаса, омад осмондан тушармиди, айланай. Ишининг оғири механизаторларда, барака топишин, яхши ишлашди. Келишим имтиҳони билан бир оз овора бўлиб қолди-да.

— Имтиҳон?— ажабланиб сўради Рисолат хола.

— Ҳа, имтиҳон, ҳали хабарингиз йўқми? Мана шунақасиз-да, яхшики колхозимиз қўшни, агар орамизда бир колхоз бўлганида ҳамма нарсадан бехабар қолар эканси.

— Йўқ, эшитувдим-у, мен анави курсдаги ўқиш деб ўйлаган эдим.

— Йўқ, ўнинчини тугатяпти, ўнинчини. Икки йил қолиб кетган эди-да. Шу имтиҳони десангиз анча чарчатди. Ҳа, кўпи кетиб ози қолди, қутулиб ҳам олар. Раис барака топкур ҳам бошқа ишлардан бўшатиб қўйди, ҳозирча бригадага қараб турсангиз, бас,— деди.

— Вой, ҳали бригадирликдан бўшатдими?

— Йўқ. Бошқа ишлардан сал енгиллатди, деяпман. Саври хола шундай деди-ю, чорпоядан тушиб, ошхона томонга кетди. Келганидан берли юрагидаги дардини тўкиб солишга бирон илмоқ тополмаётган Рисолат хола якка қолиб ўйга чўмди.

Эллик беш ёшлардаги бу аёл доим ўсма, упа-элик, турли зеби-зийнатни канда қилмасди. Бирон тўй-ҳашамга борадиган бўлса қўлларига хина, кўзларига сурма қўярди. Лекин буларнинг ҳаммаси ўзи ўйлагандек, уни ёшроқ кўрсатиш ўёқда турсин бадтар бўжмайтириб юборарди. Бу тўғрида ҳеч ким оғиз очмаса ҳам қўпинча Саври хола луқма ташлаб, кун бермасди. Икки гапнинг бирида «кишининг ҳуснига ҳусн қўшадиган зеби-зийнат ўмас, меҳнат» дерди. Ҳатто бир кун хотинлар ўртасида ҳазил аралаш шундай ҳам деди: «агар овсиним сарфлаётган упа-элигу, сурма-хиналарни атторга берса ичагача савдо қиласди». Бўлди кулги, бўлди кулги. Рисолат хола қип-қизарди-ю, ҳеч нарса деёлмади. Ани шундан бўён овсими билан юз кўрмас бўлиб қолишиган эди, тағин нима важдандир борди-келди қилиб юборишиди. Бирон ножӯя иш қилиб қўйса ё гапнириб қолса овсими кўпчилик бор демай, шартта-шартта юзига айтар ва бу гаплар нарёғ-берёғидан ўтиб кетириди-да, шу топдан бошлиб бет кўрмасликка аҳд қиласди. Аммо кейинчалик бўлса, эсидан чиқадими, (йўғе, бундақатиги даккилар эсдан чиқади дейсизми) ҳарқалай иш тутув бўлиб кетаверарди. Шундай бўлишига ўзи сира тушунолмасди.

Рисолат хола юрагига туғиб қўйган гапини ҳозир ҳим нимадаи бошлиш ҳақида узоқ ўлади. Ҳар қандай бўлсан ҳим гапни томдан тараши тушгандек эмас, ётиғи билан бошлиб, ўзини онисоқ қилиб кўрсатинига мўлжаллаб қўйди.

Саври хола чой дамлаб, самовар келтириди, бир пиёла қубиб, овсенинига узатди, «олинг, еб ўтириңг» деб турганиди, ўзиниг очиқ деразасидан телефоннинг жирингланиши ўшистилди. Саври хола «ҳа, кетяпман» деганича уй томонига югурди. Ўзини телефондаги гаплари барада ўшистилб турарди:

— Ҳа, мен... Вой, ахир гурч солай деяпман-а, болам? Толиқиб қолисиз-да. Вой шафтоли? Ўз ташвишини ётмасмиди, шу тоңда шафтоли зарурмиди... Ҳа... Дадил бўлинг, болам, дадил, шунчасига бардош берган, ёни буниенига ҳам... Сизни ким айтади қирқ кишига бош деб... Ҳа, эсон-омон...— Саври хола секин трубкани қўйти ўди, Рисолат хола ўтирган жойидан сўради:

— Ҳа, тинчликми, овсин?

Саври хола ҳовлига тушиб, чорпоя ёнига келгунча индамади. Кейин секин гапира бошлади:

— Гулжаҳон чақирипти. Бугун охирги имтиҳонини топширадиган куни, овқатга боролмайман, дейди. Буни қаранг, овсин,— ўнг қўлини кўкрагига қўйди Саври хола,— имтиҳонни келиним топширади-ю, менинг юрагим уришиничи... Охиргиси оғирроғи деган эди. Унга далда бердим-у, ўзим бўлсам... тавба. Эсингиздами, қайси йили ҳам эди, колхозда биздақалар учун мактаб очилиб, ўқидик-ку... ана ўшанда денг, бир сафар та ёрламай бориб, нақ хижслат бўлганман... Шундан ёмони йўқ экан... ишқилиб, эсон-омон ўтиб келсин. Ҳой овсин, олсангизчи, олинг, мана бу ширалар билан... Қаранг, барака топкур,— Саври холанинг юзларида меҳр тўла табассум пайдо бўлди,— ўзи нима ташвишда-ю, менинг ғамчмни ейди-я. Қаёқдан ҳам шафтолига ўч бўлиб қолганман, ҳайронман, ё онам шафтolinинг тагида туққанаканми дейман. Ёз кирдими, менга шафтоли бўлса бас. Ҳовли-миздаги, бугун уч кун бўлди, тугади. Шунга Гулжаҳонингиз азза-базза колхоз боғидан бир челак шафтоли ёзириб олиби, телефонда шуни айтяпти, ҳозир олиб борганимда, янгилигида ермидингиз деялти. Энди уни эринмасдан мактабига кўтариб боради. Нима қилар экан овора бўлиб дейман...

Бу гап Рисолат холани бир хил қилиб қўйди: Гулжаҳонга ҳаваси келдими ёки ҳасади... ҳарқалай унинг юзида пайдо бўлган хомушликка тушуниб бўлмасди.

Қош қорайиб, салқин шабада эсабошлади. Ҳовлидаги дараҳтларнинг барглари шитирлар, атроф-теваракда кўчани бошига кўтариб юрган болаларнинг шовқини тинган, онда-сонда кўчадан ўтаётган машина овози қулоққа чалинарди. Саври хола чорпоя тепасидаги электр лампочкасини ёқиб, неварасини чақириш учун эшик томонга бораётганида, аэропланчасини кўтариб, Қобилжоннинг ўзи кириб келди. Саври хола ариқ лабида унинг бет-қўлларини ювиб, чорпояга келтириб қўйди. Кейин бориб ошни дамлади.

Боядан бери жим ўтирган Рисолат хола Қобилжонга тикилиб туриб деди:

— Келиндан бахтингиз бор-да, овсин. Қуригандан менинг шўрим қурияпти. Наҳотки икки келин кўриб, биттасидан ёлчимасам-а.

— Нега ёлчимас экансиз, эпчил, ширин сўз, ойдек

келинингиз бор, ношукурчилик ҳам эви билан-да, овсин,— деди Саври хола чорпоя ёнига яқинлашиб.

— Бирордан ўтганини бирор билмас экан да, сиз унинг тилларини эшитсангиз эди, ҳай-ҳай, ҳай ўлмаган менинг жоним.

Саври хола ошни дамлаб, чорпояга чиқди, хархаша қилған неварасига битта конфет тутқазиб, жавоб қилди.

— Бирордан ўтганини бирор билиши қийин — бу тўғри. Аввало мен сизга бирорвасман, яқинроқман — опда-сонда бўлса ҳам учрашиб турамиз. Келинингизни бўлса, қизлигидан биламан. Иккиламчиси шуки, бу гапни сиздан энди эшитаётганим йўқ. Худа-бекудага ким кўринса келиним ундоқ, келиним бундоқ дейиш ҳам айб, айланай овсин.

— Айб, айб деб, ичимга ютавериб адо бўлдим, ахир. Мендан бўлак одам бўлса, аллақачон ҳув деб, уйдан чиқиб кетарди, тарин ҳам...

Овсиннинг уйида бўлиб турадиган ҳангомалардан хабардор бўлган Саври хола ҳар гал айбни унга қўярди. Бугун ҳам ўша одатдаги гаплар деб бепарво ўтирган ёди-ю, аммо Рисолат холанинг ҳозирги сўзидан бирон жилдий воқия бўлганга ўхшайди, деб хўнглидан ўтказди.

— Тагин нима гап ўзи, тинчликими?

Мана эшитинг, айланай овсин. Қариндош-уругчиликку борди-келди билан. Кичик опам Ҳалимнинг овсини келин тунирмоқчи деб эшитдим. Билиб туриб бирроғини бориб келмаелик, кўнгил сўрамаслик айб, ўзини ёни қолар гаш йўқ. Шу бўлди-ю, ўтган куни эрталаб шаҳарга тушиб кетдим. Ошамницида бўлдим, овсини ёни қолинг деб қўйниди, кеча эрталаб нонуштадан кеши қўшиши олиб чиқиб кетди, меҳмондўст одамлар-да. Шундай қилиб десангиз, кеча, қош қорайганда уйга келдим. Узим учинга эмасмидим, устига устак машина ҳам ичча ўринтириб қўйди. Эшикдан кириб келсам келиним ёди овқаттига уннаган экан, мени кўриши билан авзойи бўзилди-ю, «кечига қолдингизми, ойи» деб ошхонага бурилди, кетди.

Хўши, ишнайкейин, нима бўлди? Сиз нима дедингиз? — Унинг ганини бўлди Саври хола.

— Ними десам бўларди, қани ўзингиз ўйланг. Менку ўзиаб келганим йўқ, зарурдан бордим, чарчаб келгац бўлсан...

— Келинингизга нима дедингиз?

— Деганимни дедим-да. Ҳўш, энди сиздан сўраб кўчага чиқаманми, менинг қайнанам ўлиб кетган, дедим. Ҳудди шунинг устига ўғлим келиб қолувди, хўрлигим келиб, йиғладим, ҳаммасини айтиб бердим. Ўғлим иккотишини юзлаштириди. Шундан кейин бости-бэсти бўлди-ю, мен ҳам уйга кириб, ечиндим-да, бир нафас чўзилдим. Бир маҳал қарасам, ўғлим кичкина қизини, «мана буни овутиб туринг» деб менга беряпти. «Обор, обор, тилини беш қарич қилгунча боласини эплаб олсин» дедим. Рост-да, овсин, алам қилмайдими. Можаро ана шундан бошланди. Қарасам, ўғлим қаттиқ-қаттиқ гапириб қолди. Ўғлимдан ҳеч бунаقا гапларни эшитмаган эдим. Ҳаммасини ўша келиним қиласди, ўзи ғапиролмайди-да, эрига тайинлаб, уни йўлдан уради. Менам бўш келмадим. Ҳаммасини тўкиб солдим. Мен сенга хизматкор бўламанми, дедим. Қўшнилар йиғилишди. Ўртага тушиб ажратишди, шунда анави тракторчининг опаси бор-ку, хаҳ, танийсиз, Каромат-чи, ўша ўртага тушиб, «айб сизда, хола» деса бўладими.

— Ҳа, бўлади,— деб жаҳл билан унинг сўзини бўлди Саври хола,— боя «ичимга ютавериб адо бўлдим» деганингизда, қаттиқроқ, кўнгил ранжийдиган ҳодиса рўй берибди-да, деб ачиниб қулоқ бериб турган эдим. Энди билсан, яна ўша-ўша можаро экан.

— Ҳой, ҳой, шошманг, ахир гапимни тутгатай.

— Тутгатсангиз ҳам шу, тутгатмасангиз ҳам. Бу ҳангомаларни энди эшитаётганим йўқ. Мен сизга очиғини гапириб қўяқолай, бетга айтганнинг заҳри йўқ дейдилар: сизнинг бу қилиқларингиз отамнинг замонасидағи қайнаналарнинг қилиқларига ўхшайди. У пайтларда келин шўрлик эридан бир туртки еса, қайнанасидан икки туртки ерди, турмуш шу экан деб ўтаверарди. Бир чеккаси озроқ бўлса ҳам ўзингиз кўргансиз, мени-ку қўяверинг. Келинимга хизматкор бўлмайман эмиш. Ҳа, бўлмаса келинингиз сизга хизматкорлик қилсинми? Хизматкори нимаси? Шуям гап бўлди-ю. Келинингиз ишлаб келса, эри ишлаб келса, сиз на овқатга қарасангиз, на уйга, на болага. Пилладан қутулдим, бошқасига ярамайман, деб соппа-сор одам ўзингизни касалга солиб юрсангиз. Очиги — дарду фикрингиз кинначи бўлса, тугун кўтариб меҳмонга юришга отdexиз. Гап билан бўлса-ку, ўзингизни инқиллаб қолган кампирга чиқариб қўясиз. Ясанишга келганда ўн саккиз яшар бўлгингиз келади,

— Ҳой, овсин, нималар деяпсиз?
— Шошманг, ҳали деганимча йўқ. Агар бизнинг колхозда бўлганингизда бошқачароқ ғапиришардим-а. Қани айтиингчи, мендан неча ёш кичиксиз? Янглишмасам сликкиз-үн ёш-а? Хўш, мен нега ишлайпман. Уй-рўзгорги етказолмаганимданми? Йўқ. Оғзига кучи етмаганлар шундай ҳам дейди. Деса — деяверсин. Буни яхши биласиз. Пахтадан олиб, ошпаз қилиб қўйишганига ниҳояти икки йил бўлди. Шу ҳам раиснинг зўри билан, ҳали кўчим кўп, бақувватман десам ҳам, кексайиб қолдингиз деб қўйишмади. Келинимга қолса-ку, сира ишламай қўя-қолинг дейди. Хўш, нега ишлайпман? Мен тенгилар нега ишлашаяпти? Сиз мана шуни тушунмайсиз. Мехнат деганида, фақат бойлик ортдириш деб ўйлайсиз. Аслида билсангиз, одамни одам қиласидиган, фикрини очадиган, иқлуга ақл қўшадиган меҳнат. Тўғри, пиллачилик ҳам керик. Илло, очигини айтсам, ўшанда ҳам ёлчитиб ишламадингиз. Шуни билингки, қарс икки қўлдан чиқади. Гагин ҳам келинингиз одобли, андишли. Бўлмасачи... Сигни унинг боласини боқиши ёқмаса, нима деган гап! Ҳинтган қулоққа яхшими? Бу ҳаммаси тушунмаганликдан келиб чиқади. Колхозда ўзани етказиб парвариш қиласидиган, авжи иш қизиган пайтида эр-хотин ишдан келса-ди, сиздек она уй-жойга, болага қараш ўрнига, эндо қилиб юрса, инсофданми, ахир?! Турив-турив китоб сиптигинлардан ҳам хафа бўлиб кетаман. Шунақаларни оқини оққи, кўкини кўкка чиқариб, кўпччиликка бўланқ қурентиб қўйсанаку, бўлади-я. Қўлимдан келса саврини бўлиб синни ўзим ёнрдим, — Саври хола кулги шундай шу сўаларни айтди-ю, ср чизиб, хомуш ўтиргай мисинининг юзиги қаради ва бирдан «вой, ош ҳам ланж бўлиб кетди» дей, ўзоқ томонга кетди.

Рисолат ҳоланинг кўзи ерда эди. У, шундай чуқур сабаги толдики, бир нуқтага тикилган кўзлари хирадалиб, ерда овенини очиб ташлаган ҳалиги айблари унга қиқрийиб тургандай кўрийди, сесканиб бошини кўтарди... Саври ҳоланинг «бир колхозда бўлганимизда бошқача ғаплишардим» дегани қулоқлари остидан жаранглиб ўтди, худди ўрта-индин колхозчилар ўртасида шу санин айттиб, уялтираётгандек бўлиб кўринди. Рисолат соли ошхона томонга қаради. Унинг бу қараши энди санлавлайдир ҳижжолат тортаётган кишининг қарашига ўхширади. У терлиб кетди...

Саври хола ошни сузиб келтирди, кичкинә ликопчада Қобилжонга солиб, устига гўшт майдалаб берди. Лагандаги гўшт тўғралгунча икковлари жим ўтириши. Ошнинг ярмигача бўлган суҳбат пойма-пой, бир-бирига сира қовушмади. Саври хола овсинининг хафалигини бир оз ёзиш учун пийпаслаб гапира кетди.

— Шарттакилигим ўлсин, овсин, гапираверман. Аслида ўзи шу яхши. Дўст ачитиб гапирав, душман кулдириб дейдилар. Ахир бир чеккаси сиздан бирор кулса менга ҳам таъсир қиласида, айланай.

— Тўғри айтасиз, мундоқ ўйлаб турсам, ўзим ҳам анча ҳавоий бўлиб қолибман.

— Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз. Ҳойнаҳой, келинингиз билан кечадан бошлаб юз кўрмас бўлгандирсиз.

— Қаёқдан билдингиз,— ҳайрон бўлиб сўради Рисолат хола.

— Энди биляпманми сизни, овсин, ахир азалдан шу одатингиз бор-ку.

— Кўйинг, одатингиз деманг.

Шу пайт эшик тақиллади. Саври хола югуриб бориб очди. Қўлида челак кўтарган Гулжаҳон кирди. Эшикдан кирди-ю, челакни қўйиб, «ойижон, айланай сиздан, ўтиб келдим», деб уни қучоқлаб олди. Саври хола келинини бағридан қўйиб юбормай сўради:

— Яхши ўтдингизми, дарров-а?

— Биринчи бўлиб топширдим. «Беш!»

Гулжаҳон меҳмон борлигини ҳам пайқамаган эди. Саври хола имо билан овсинини кўрсатди.

Қайнана-келин ўтасидаги кишининг ҳавасини келтирадиган иноқлик, меҳр-муҳаббат Рисолат холанинг қалбини жизиллатиб ўтди.

РАЯНИНГ АРЧАСИ

Улар трамвай остановкасида учрашишди.

— Салом уста, бардаммисиз, қани арчани менга берсаңолинг, юкингиз кўп экан, янги йилда жиянларни хурсанд қиласай дебсизда-а?..

— Ҳа..., Ўзинг тинчмисан, Ҳайри саломатми? — рўйхўш бермагандай хомушлик билан сўради уста арчани узититуриб.

Ҳакимжон дарров пайқади. Устанинг авзойи ўзгача-роқ, бир нарсадан қаттиқ хафа бўлганга ўҳшайди. Бўлмасе, ҳир гул кўриниганида босқонининг дастасини икки ғуллиб маҳкам душлагандай қўл сиқиб сўрашарди, илонжини топса қулочини кенг ёзиб қучоқлар, ҳар гапининг бирори «ғулим» деб қўйти-қайта тақрорларди. Ҳозир бўлсан дурустроқ ганиргиси ҳам келмайди. Ҳакимжон шунчаки бир кўз ташини билан учрашиб қолганида-ку, бунга ортиқчи ўтибор бермасди-я. Ҳар каллада ҳар хабр, бирордан ўтганини бирор қаёқдан билади-ю, кўнглини қўнилай кўтара олади, дейсиз? Аммо Ҳакимжон, уетиси Махмуд аканинг кўнглидагини билиши керак. Ахир оамунача меҳнати сицганими Ҳакимжонга. Отаси фриштага кетиб, катти оила онасининг тонганига қараб қолгинла, кекен темирчи катта бошини кичик қилиб, Ҳакимжоннинг олдига борди, онаси билан гаплашди. «Эплесин ўқишини ҳам олиб борарсан, эплолмасанг бир икки йил кечикса ҳечқиси йўқ. Артелга бор, ўзимга шинирга бўл, йигитча бўлиб қолдинг, оиласа қараашманни бўлмайди, ўслим. Тағин буёғини ўйлаб кўринглар» деди.

Етти ёт бегона, аммо шу маҳаллалик Маҳмуд тақачининг бу гаплари ёш Ҳакимжонни ўйлантириб қўйди. Назаридан Маҳмуд ака у билан гўдак билан эмас, катта киши билан гаплашгандай, насиҳат эмас, маслаҳат қилгандай бўлди. Эртасига ёк артелга борди. Қараса, Маҳмуд аканинг ёнида бирамас, учта шогирди бор экан... Босқон қўлидан тушиб кетгани, омбирнинг дастаси шимининг тиззасини йиртиб юборгани ҳали-ҳали ёдиди. Орадан бир йил ҳам ўтмай мустақил ишлашга кўчди. Фронт эҳтиёжлари учун зарур бўлган буюртмаларни бемалол бажара бошлади. Шу зайлда уч йилдан мўлроқ ишлаб, армияга кетди. Ҳарбий хизматни тамомлагач, яна ўз ишига қайтди. Бу сафар артелда эмас, заводда ишлай бошлади. Кечқурунлари ўқиб, техникиумни ҳам тамомлади. Мана бир йилдирки, Чирчиқдаги машинасозлик заводида мастер бўлиб ишлаб турибди. Шундай бўлгач, ота қатори азиз, ҳунар ўргатган устасига ҳамдард бўлмай кимга бўлади?

Трамвайга бирга чиқишиди. Ҳакимжон арчани авайлаб вагоннинг бир чеккасига қўйди-да, Маҳмуд аканинг ёнига ўтириди. Назаридан, кейинги кунларда устасига соч-соқолидаги оқлар кўпайган, рангги синиққанроқ...

— Уста, болалар ўйшаб-кулиб юришибдими, опам саломатмилар?

— Шукур, ҳаммаси саломат,— Маҳмуд ака соқолини силаб, яна сукут қилди,— ҳовлига келай ҳам демайсан, байрамда кутдик, дарагинг бўлмади.

— Уша куни заводда навбатчи бўлиб қолдим, эртасига ҳеч иложини қилолмадим. Ўзим ҳам ўшандан берни Ташкентга энди тушганим.

— Ҳа, омони бўлинглар...

— Уста сал тобингиз қочиб турибдими, дейман?

Маҳмуд ака «йўқ, дурустман» деди-ю, охири дардини яшира олмади, тобора кўнглини ғаш қилаётган воқиани гапириб берди:

— Тобим қочгани йўқ, ўғлим, бир бетамиз таъбими хира қилди.— У ўрнашиброқ ўтириб олди,— магазинда мана шу арчани оламан деб анча овора бўлдим, дурустроги қолмаган экан, танлаб олгунимча хийла фурсат ўтди. Шу пайтда орқа томондан бирор «тақачига арчани ким қўйибди, тағин танлашини-чи» дейди. Ялт этиб орқамга қарасам, очереднинг охирроғида

шави қўйигузарлик Соли жаллоб бор-ку, ўша безра-
йиб турибди. Баданим титраб кетди, оғзимга бир гап
келди-ю, кўпчиликни ўйладим, сотовчи ҳам ҳушёр йи-
гит экан, «Маҳмуд ака ўзингизни босинг» деб мени
тўхтатди. Билмадим, қаёқдан таниркан, шу йигитнинг
райини қайтаролмадим. Танлаган арчамга чек ёзди-
риб, пул тўлагани кетдим. Арчани олгани келсан, Со-
ли жаллоб кўринмади. Сотовчи йигит тағин менга та-
салли берди:

— Маҳмуд ака, у одам билан тенг келиб бўладими,
обрўни тўқади, холос. Кўнглизга олманг,— дейди бара-
ка топкур.

Ҳакимжон бесўнақай гавдали, эртаю кеч маҳалла
чойхонасида ўтириб олиб, текканга тегиб, тегмаганга
кесак отадиган Соли жаллобни дарров кўз олдига кел-
тириди. У, Маҳмуд аканинг шаънига энди бундай гап-
ларни айтатётгани йўқ. Маҳмуд ака катта ўғли Аликни
болалар уйидан ўз тарбиясига олганида ҳам «аввал
ўзини эпласин бу тақачи, етим асраб нима қиласди»
деган эди. Бу гап ўшандаги Маҳмуд аканинг қулоғига
етдими, йўқми-ю, Ҳакимжонга жуда оғир ботган
эди. Мана тағин... Унинг ғазаби қўзғади-ю, ўзини
босди.

— Қўйинг уста,— юпата бошлади у,— диққат бўл-
ганингизга арзимайди.

— Гап ҳаммаси шунда-да, ўғлим. Арзийдиган одам
танирганда алам қилмасди. Хаёлида тақачи десам
орияти келади, деб ўйлар. Билмайдики, хурсанд бўла-
ман. Ахир ўз севгани касбимдан нега ор қиласай! Ундей
бўлса касбимни хор қилган бўламан-ку. Темирчилик —
яхшиими, ёмонми, ҳар қалай касб. Шундай эмасми-а,
ҳамкасб?— кулиб қўйди уста.— Уввало, жаллоб-
лик-даллолик у дунёю, бу дунё касб бўлолмайди.
Ахир биз озми-кўпми эл-юртга хизмат қилиб, нафимиз
тегиб турибди-ку. У-чи? Одамларни алдашдан бўлакни
бilmайди... Мен буисига хафа бўлганим йўқ. Арчага
тил тегизгани менга кор қиляпти. Бу билан у болала-
римга тил тегизди-я... Ота-боболаримиз арча байрамини
билармиди? Ўзиммиз-чи? Мана шу болалар кирди-ю,
хонадонимизга арча кирди, баҳт кирди. Арча байрамини
ўша дўндиқчалар бошлаб берди...

— Уста, болалар ҳалиям Раянинг арчаси дейишади-
ми?— бирдан эсига тушиб сўради Ҳакимжон,

— Ҳа,— Маҳмуд ақанинг чеҳраси очилиб кетди,— эсингда экан-у ўғлим, янги йил яқинлашдими, ҳаммаси Рајанинг арчасини олиб келинг деб хархаша қилишади.

— Эсимда, уста, мен артелга янги кириб ишлай бошлаган пайтим эди-да. Рајани ўзим кўтариб келганман-ку.

— Ҳая, кечагина эди-я...

... Қиши. Қўз очиб юмгунча қош қорайиб қоладиган кунларнинг бири. Булутдан учган ёмғир симлари борган сайин зўр куч билан ерга қадалмоқда. Маҳмуд ака ишни барвактроқ тугаллаб, ташқарига чиқди. Алланарсаннинг устига ташлаб қўйилган қопни олиб, икки буклади-да, бошига ташлаб, йўлга тушди. У ҳозир бир гуруҳ болалар ёнига боради, баъзилари билан гаплашади, хоҳиш-истакларини билади, кейин тарбиячилар билан маслаҳат қиласди. Ундан кейин-чи?.. Кеча район Советининг сессиясида мана шу детдомда ҳар хил устахоналар ташкил этиш масаласи кўрилди. Темирчилик устахонаси депутат Маҳмуд акага топширилди. Болалар бу ҳунарни эплай олармикан? Қиши-қиров кунда улар қийналиб қолмаслиги учун дурустроқ хона керак. Айтишларича, бинолар етишмасмиш... Ҳозир Маҳмуд ақанинг миясига ёмғирдай шиддат билан келаётган фикр-ўйлар ечилмай, бир зумдаёқ ариқдаги сувдай оқиб кетар, ўрнига бошқаси келарди. Шу зайдада детдом дарвозасига етиб қолганини ҳам сезмади. Бошидаги қопни буклаб, этигидаги лойни қоқди, анча туриб қолди. Бироқ бирор кимсан деб сўрамади, болалар бўлса қайрилиб қарамади ҳам.

— Директорларинг қаерда, ўғлим?— сўради Маҳмуд ака эшик ёнида турган павбатчи боладан.

— Мана бу кабинетдалар,— тез жавоб қилди болава ажабланиб қўшиб қўйди,— ийе, амаки, мен сизни ёмғирдан қочиб турибсиз деб ўйлабман, кирақолинг.

Маҳмуд ака ичкари кирап экан, «ҳамма болалар шунаقا одобли бўлса иш ҳам тез юришиб кетади» деб кўнглидан ўтказди. Йўқ, бундай бўлиб чиқмади. Сурункасига бир ҳафта қатнаб, устахонани очган Маҳмуд ака болалар тарбияси нима эканлигини шундагина тушунди. Балли-э, ўша тарбиячиларга. Болаларнинг-ку ёмони йўғ-а, аммо бири-бирига сира ўхшамайди, бири-биридан ўшх, тўполончи, эпчил... Қўйингки, ҳар бири бир олам. Бунинг устига бу ерда детдом ёшидан

Ўтиб қолганлари ҳам бор эди. Устахоналар ҳам кўпроқ шуларга мўлжалланган. Ишни бошлаб юборган дастлабки кезларда ўт-оловдек ёпишиб кетган баъзи болалар сал ишламай тағин сўнди, қолди. Маҳмуд ака эпди ҳунар ўргатишдан ҳам шунақанги болаларнинг ичига кириб, уларни ўрганишга кўпроқ вақт сарф қила бошлади. Шу зайлда кунлар, ҳафталар ўтди. Маҳмуд ака детдомдагиларнинг ҳурматли отахони бўлиб қолганини сезмай қолди. Бу унга шундай завқ берардики, низаридаги ҳар бир бола билан қилган суҳбати уни яшартириб юбораётгандай.

Бир куни, шогирдларга иш топшириб қўйиб, бир чеккага чиқиб ўтириди, дарз кетган қўзойнагини тақиб, газета ўқимоқчи бўлди. Нима учундир ўқиёлмади, хаёл уни бошқа томонга олиб қочди... «Заб болаларми, рус ҳим, қозоқ ҳам, украин ҳам, яхудий ҳам, бири биридан иҳши...» Булар катта бўлганда-да, ўҳӯ, таниб бўлармиди. Йири инженер, бири учувчи, бири ўқитувчи... Мен-чи? Бир темирчиман. Биронтаси ўшанда «Маҳмуд акадан шундай ҳунарни ўрганган эдик-а» деб эслармикан? Ҳа, зелайди. Муз устида ҳам, осмонда бўлса ҳам эслайди. Ахир ёшлини унтиб бўлармиди? Ишқилиб саломаг бўлишисин...

Уч томонни ҳозиргина оловдан олинган ясси бир темирни омбирда қисиб, Маҳмуд аканинг ёнига келган боли унни хиёлини бўлди.

«Уста, дели бола шошилиб,— мана шу яссилиги бўладими?»

Маҳмуд ака бўмайлихотир қўзойнагини оларкан, боли таширчилади, буни у ҳам сезди.

Каёвқад шонишиясан ўғлим, барибир бошқатдан оловга қўймисанг бўлмайди.

Воли ҳифсаласи шир бўлиб, енги билан пешона герлирини артди. Устанинг ганига қулоқ бериб турди.

«Мана бундоқ ўтир, ўғлим, чарчабеан-а.»

«Иш-үқ, уста, чарагачим йўқ.»

Тўғри айтдинг, ҳечният кини севган ишидан чарчимайди... Отиниг Алимиди, ўғлим?

Алик.., бу ердаги ўзбек ўртоқларим Али деб чақиришинади.

Ҳа, ўзи жуда мос экан-да, ўғлим. Хўш, Алик, қани айтчи, сен ўзиниг ким бўлмоқчисан?

Алик ҳадеганда жавоб бермади. Қўлидаги омбирга

тикилганича бошини қуи солди. Маҳмуд ака устахонани янги очган кезларда беш-олти марта келиб, кейин ташлаб кетган болалардан бири Алик эди. У доим ўйчан юрар, болаларга кам аралашар, ўнта гапиргандага зўрга оғзидан бир сўз чиқарди. Шунда ҳам тўрс жавоб қиласди-ю, қовоғини солиб, одамни менсимагандай тескари ўгирилиб кетаверарди. Маҳмуд ака аста-секин ишга қизиқиб кетган бу болани авваллари ўз ҳолига ташлаб кўйди. Лекин шунча пайт пойлаб суҳбатлашишнинг иложини топмаган эди. Мана ҳозир гаплашишга майли бордай. Бўлмаса дик этиб ўрнидан туриб кетарди. Ўйга толдими, бўлди.

— Сен Павликни биласанми? — гапни бошқа томонга бурди Маҳмуд ака.

Бола ялт этиб устасига қаради.

— Қайси Павликни? — ҳайрон бўлиб сўради.

— Ана холос, Морозовни билмайсанми?

— Биламан, нега билмай, — Аликнинг кўзлари катта очилиб кетди. — Сиз қаёқдан биласиз, уста?

— Ийе, ҳали мени саводсиз деб ўйладингми? — жўрттага суҳбатни чўзиш учун деди Маҳмуд ака, — биласанми қандай саводимни чиқарганман? Саводсизликни битириш деган курс бўларди. Ўша курсда, «О.. от. Отга тақа қооқ» дегандан бошлаганман.

Алик беихтиёр кулиб юборди. Омбирда қисилган темир тушиб кетди. Ў ўзини кулгидан тўхтатолмас, Маҳмуд акага бир қараб олиб, яна куларди.

— Ўшанда «Отга тақа қоқ...» деган жойи келганда ҳамма менга қараб куларди.

— Павлик Морозовни ўшанда ўқиганмисиз?

— Йўқ, саводим чиқиб bemalol ўқийдиган бўлганимда.

— Ўзи зап бола бўлган-а, уста, — Аликнинг кўзларида ўт чақнагандай бўлди.

— Островскийни ҳам ўқигандирсан-а, ўғлим.

— Ҳа, бўлмасам-чи... Уста, сиз кўп китоб ўқийсизми?

— Йўқ, ўғлим. Островскийни газетада ўқидим. Қани энди сендача ўғлим бўлсада, кечқурунлари шунақсанги қизиқ китоблардан ўқиб берса...

— Бўпти, уста, ўқиб бераман, — деди шошилиб Алик, — хўп десангиз ҳар куни ўқиб бераман,

Алик гапта тушиб кетган эдики, кечқурун қўйиладиган кинони ҳам унубтиб юборди.

— Бўлмаса, сен менга ўғил бўлақол, Алик, хўп десанг шу бугуноқ уйимга олиб кетаман.

— А?!— Алик шундай деганча Маҳмуд акага тикилиб қолди.— Майли, уста, бораман. Ҳар куни китоб ўқиб бераман...

Шу кундан бошлаб, бефарзанд Маҳмуд аканинг уйида учинчи киши — ўғил пайдо бўлди. Бола оиласа тез кўнииди. Кўнииди-ю, анчагача эр хотининг юрак бағрини ҳам ээди. Куни бўйи бинойидек юрган бола кепаси бўлдими, уйқусида туш кўриб, ўзидан ўзи гапирав, онасининг отини айтиб чақирав, ҳаммасидан ҳам Раини тилидан туширмасди. Авваллар эр хотин қўрқиб юришиди. Кейин билишса, булар ҳаммаси уруш даҳшатларининг болада қолдирган таъсири экан. Аликнинг онаси ўлтани, беш яшар синглиси Рая ярадор бўлиб, госпиталга юборилгани эр хотинга маълум бўлса ҳамки, улар бу ҳақда болага ҳеч гапишимасди. Охири бир куни Маҳмуд aka Аликни ёнига ўтқазиб, ётиғи билан леди:

— Ўғлим, эртадан отпускага чиқяпман, биргалашиб шаҳар детдомларини айлансанак, зора Рая ҳам Тошкентда бўлса?

Алик Маҳмуд акани қучоқлаб олди.

— Дадажон борамиз, жон дада борамиз.

Хўш, ўғлим. Рая саломат бўлса албатта топамиз. Оғиз ўғил тўққиз кун ичидаги бормаган жойлари қолмали. Нидоят, шаҳар ёқасига жойлашган гўдаклар уйидан Раини топишди. Беш били қизчанинг акасига стилганини кўрган Маҳмуд аканинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Қиёчи Аликни шундай қучоқлаб олган эдики, Маҳмуд aka ҳали-ҳали шу ҳолатни эсласа, ўпкаси тўлиб кетади. Улар билан бирга борган Ҳакимжон Раининг қўлига ширинлик бериб, уни кўтариб олди.

— Шола деганинг бунчалик тез ўзгаринини умримдиди биринчи кўриним, леди Маҳмуд aka ўша пайтни ўсалаб,— бир ҳифти деганда шундай етилиб кетди, таниб бўлмай қолди. Ҳаммасидан ҳам акасининг тинчиганини айтмайсизми? Туш кўриш ҳам йўқ, гапириб чиқиши ҳам.

Янги йил арафаси эди. Бир куни Маҳмуд aka ишдан келса, Раининг кўзлари ёш, қовоқлари бўртган. Хотинидан сўраса, у «Ҳайронман», эрталабдан бери йиғлай-

ди, кундуз овқат ҳам емади, ҳадеб суриштираверганимдан кейин, дадам келсалар айтаман, деди. Сўранг-чи, нима деркин деди. Маҳмуд aka кийимларини ҳам ечмай, қизчани қўлига олди, эркалади.

— Оппоқ қизим, нима гап ўзи, кап-катта бола шунақа йиғлар экан-да.

— Дадажон, арча байрами қиламизми? — деди жажжи лабларини чўччайтириб Рая.

— Ха, қизим, албатта қиламиз, сен ашула айтиб берасан.

— Яшасин дадажоним,— Рая Маҳмуд аканинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб, юзларидан ўпа кетди.

— Шуни ойингга айта қолсанг бўлмасмиди, қизим, йиғлаб қўрқитиб юборибсан-ку.

— Хо, дадаси бозордан арча олиб келади-да, ойисимики?

Эр-хотин кулиб юборишиди.

Дам олиш куни Маҳмуд aka ўғил-қизини етаклаб, арча, ўйинчоқлар олгани бозорга жўнашди...

Ҳая, кечагина эди-я.

Орадан сал кам ўнбеш йил ўтиби. Маҳмуд aka ўша йиллари Алик, Раядан кейин яна етти ўғил-қизни ўз тарбиясига олди. Раяга биринчи марта қилиб берилган арчадан буён Маҳмуд акалар уйида арча байрами одат тусига кирди. Болалар ҳозиргача ҳам арчани Раянинг номи билан аташади. Ҳар йили арча атрофига тўпланиб, Раяни ўртага олишади, ўнинчини битираётган кап-катта қизни ашула айтиб беришга мажбур қилишади. Қани айтмай кўрсин-чи. Булар, арча атрофидагилар энди Маҳмуд аканинг ўғил-қизларигина эмас, кўплари неваралари...

Уста билан шогирд сўнгги остановкада тушишди. Ҳакимжон эртага янги йилни Маҳмуд акалар уйида кутишга ваъда бериб, хайрлашди.

Ҳакимжон устасининг уйига қоронғу тушгунча борай деб шунча уринди, бўлмади. Йўлда, чойхонага кириб кетаётган таниши учраб қолди. Бир пиёла чойсиз қутулиб бўлмади. Киргани ҳам яхши бўлибди. Маҳмуд акага янги гап толиб борадиган бўлди.

Эшикдан кирди-ю, гап бошламай кулиб юборди. Маҳмуд aka ҳеч нарсага тушуна олмади.

— Тинчликми, ўзингни бос, ўғлим.

— Тинчлик, уста. Йўлда чойхонага кирувдим. Со-

ли жаллоб улфатлари билан ичкилик ичб ўтирган экан.
Шу пайт бирдан радиодан «Хурматли Маҳмуд ака,
сизга, оиласизга бағишилаб концерт эшитдираимиз!»
деб қолди-ю, жаллоб бир сакраб тушса бўладими, қў-
лидаги ароқ пиёласи билан тушиб, чил-чил бўлди. Чой-
хонада гурр кулги қўтарила бўладими?..

— Ҳа, бўлади, ўғлим. Қани, ичкарига кир.

СУВЧИ

Поезддан тушдим-у, бир озгача станция биноси олдида туриб қолдим. Очиини айтганда, бир қараашда станцияни таниб бўлмади. Вокзал биносига иккинчи қабат қурилибди, атроф-теварак ҳам анча ўзгариб кетибди. Биринчи марта шу районга келганимга ҳисоблаб чиқсам, бор-йўғи тўрт ярим йил бўлган. Қисқа муддатда шунча ўзгариш...

Чемоданни қўлга олиб, вокзал майдонига ўтдим. Кенг гулзор ўртасида И. В. Сталининг катта ҳайкали. Ёш дарахтларнинг салқинидаги скамейкаларда бир нафас ўтириб дам олмоқчи ҳам бўлдим. Фақат вақтни қизғондим. Мана, ўнг ва чап томонга кетадиган кенг кўча. Илгари ё ҳозиргисидан торроқ, тош ётқизилган бўлгани учунми ҳар қалай кўримсиз эдӣ. Ҳозир, ас-фалътланиб, ёни-берига икки қабатли янги бинолар қурилгани, йўлкалар қилингани учун бўлса керак жуда кўркам, кўзга салобатли ташланади. Кетма-кет қатнаб турган машиналар, кўчанинг гавжумлиги кичик бир шаҳарчани эслатади.

Район маркази — ташкилотларнинг идоралари кўчанинг ўнг томонга борадиган қисмига жойлашган. Чап томондан юрилганда Октябрь, Эркин қишлоқларига борилади. «Коммунизм» колхози район марказидан узоғи билан тўрт километр келади. Ўйлаб турмадим. Юким бўлса оғир эмас. Кичик чемодандан бошқа ҳеч нарса йўқ. Машина тўхтатиб ўтиришни эп кўрмай, кўчанинг чеккасидан, сердараҳт ўйлакдан аста юрабошладим. Юз қадамча йўл босгач, кўчани кесиб ўтган жойда бир нар-

са эсимга тушиб, тўхтаб қолдим. «Район газетаси редакциясига кириб чиқишим керак эди-да...» Бир қарорга келмаган ҳам эдим, тўсатдан ёнимга «Победа» машинаси келиб тўхтади. Бирдан тўхтаганидан фидираклари ғичиллаб, бир оз чанг кўтарилди. Мен ўзимни четга олмоқчи бўлганимда машинанинг эшиги очилиб, ўрта ёшлардаги шофер йигит менга қараб кулди.

— Кечирасиз, янгишмасам машина кутаётганга ўхшайсиз, «Коммунизм»га борсангиз керак-а? — сўради шофер.

— Шундай,— дедим шошиб.

— Марҳамат, ўтиринг бўлмаса,— шофер қўлини чўзив, орқа эшикни ўзи очди,— кун иссиғида ўн қадам йўл ҳам кишини чарчатади,— қўшиб қўйди у.

Машинанинг орқа томонида кўринишидан эллик ёшларга бориб қолган, эгнида жужунчадан узун ва ўзига кенгина костюм, бошида синкага босилган қизил ҳошлили дока рўмол ўраган аёл, ҳали оҳори тушмаган оқ чойшабга ўрголик чақалоқни бағрига босиб ўтирибди. Кун иссиғида бўлса керак чиройли гуллар солиб қавилган, жажжигина атлас кўрпачани тахлаб, ёнига ташлаб қўйган. Машинага ўтирас эканман, кампирни сал бўлса ҳам безовта қилганимдан хижолат тортдим. Салом бериб сўрашдим-да, чемоданимни тиззамга қўяқолдим. Шофер жуда зийрак йигит экан, менинг ортиқ даражади ийманинг сеъди шекилли, бошини ўгириб менга қариди.

— Сира тортинманинг, мулла ака, чемоданин оёқ остига қўянеринг, синиди...

— Раҳмат... бир ималлаб чемоданин тикка қилиб икким сўнум орасига олдим.

Минниа сингилгина силкиниб, асфальт ўйлдан визиллаб кетди. Мен ҳамон ўзимни босиб олганимча йўқ. Шоферини ёнида оқ кренденинидан кўкрак бурма кўйляк жийган, тўлиниади келган ён жувон ўтирибди. Жувон ҳам, кимнир ҳим индамай борнимоқда.

Бу воқиадин ҳайрон бўлганимча ўйлайбошладим. «Қандай бўлди. Машина такси эмас. Шунчаки йўловчи машиналарданлар. Аёллар бўлса мен каби йўловчилардир. Аммо шофер ажойиб йигитга ўхшайди. Бўлмаса тапимай-петмай машинасини тўхтатадими? Мана бу хизматига, одамгарчилигига ҳар қанча миннатдорчилик билдирса кам» деб кўнглимдан ўтказдим,

Бир оз йўл босилгач, шофердан секин сўрадим:

— Машина «Коммунизм» колхозига борадими?

— Шундай. Сиз ҳам шу колхозами?

— Ҳа.

— Янглишмасам Тошкентдан бўлсангиз керак, ҳо-
зирги поезддан тушдингизми?

— Ҳа, ҳозир тушдим.

Яна орага жимлик чўқди. Афтидан шофер йигит мен
 билан суҳбатни давом этдиromoқчи-ю, ёнидаги аёл, мен
 билан ўтирган кампир «хўб эзма экан» деб ўйлашма-
 син деган андиша биланми, ҳар қалай ортиқча гапир-
 мади.

Ана, колхоз ерлари ёқалаб кетяпмиз. Икки томон
 кўз илғамас кенг пахтазор. Тўрт қулоқ бўлган ғўзалар
 майсадек кўзга ташланади. Жўяклар орасидан мил-
 тиллаб сув оқиб ётибди. Колхознинг мана шу ерлари
 бундан тўрт ярим йил муқаддам бўлак-бўлак эди, ҳо-
 зир шундай яхлитки, нариги томони кўринмайди.
 Узоқдан оқариб бир текисда тушган қатор уйлар кўзга
 ташланмоқда. Қишлоқ кўчаси ҳам асфальтланган. Ма-
 шина силкинмай, бир текисда учиб бормоқда. Кампир-
 нинг қўлидаги чақалоқнинг енгил нафас олиб, пишил-
 лаб ухлаётгани эшитилиб турибди.

Колхоз идораси катта кўчанинг чап томонида. Унга
 яқинлашганимизда шофер сўраб қолди:

— Сиз, ҳойнаҳой идорага киравсиз?

— Ҳа, идорага, раисни топиб бўлармикан?

— Идорадагилар билишади, мабодо шу ерда бўлма-
 салар телефон орқали топиб олишингиз мумкин.

Машина, олди томони панжара, катта гулзорни ёқа-
 лаб ўтиб, ҳашаматли бинонинг ўртасига, эшик олдига
 бориб тўхтади. Чемоданимни олиб, машинадан тушдим,
 бош силкиб кампир билан ҳайрлашдим. Шофер йигит-
 винг кичик даричасидан қўлимни узатиб, у билан ҳайр-
 лашмоқчи бўлиб турганимда машина жойидан қўзгол-
 ди. «Раҳмат, яхши йигит» дейишга улгурдим холос. Ма-
 шина гулзор ёқалаб ўтаркан, кенг йўлга тушиб, кўздан
 ғойиб бўлгунча қараб қолдим. «Ажойиб йигит экан-да,
 нега унинг ким эканлигини билиб олмадим-а?»

Бинонинг ичкарисига кирдим. Раис кабинетини то-
 пиш учун кенг коридорнинг ўнг томонига юрабошлаган
 эдим, эшигига «бухгалтерия» деб ёзилган кабинетдан
 ёшгина бир жувон чиқиб қолди.

— Кечирасиз,— дедим жувонга,— раис ўз кабинетидами?

— Билмадим,— деди-ю, коридорнинг нариги томонига юрабошлади жувон,— қани юринг-чи, ҳозир биламиз.

Коридорнинг охирида, чап томондаги катта хонага кирдик. Ҳечким йўқ. Бир томондаги эшикка «правление раиси», нариги томондагисига «ҳосилот советининг раиси» деб ёзиб қўйилган. Жувон раис кабинетининг эшигини очди-да, менга қараб: «марҳамат, шу ерда эканлар» деб ўзи чиқиб кетди. Мен чемоданини қабулхонада қолдириб, ичкари кирдим. Устига кўк мовут ёпилган узун стол тўрида колхоз раиси Расулов қалин бир журпалдан алланималарни қофозга кўчириб ёзмоқда. Стол устида варақлари орасига қофоз қистирилган иккита китоб ҳам турибди. Буларнинг бири ўртоқ Сталиннинг асарлар томи.

Мен киришим билан Расулов оқ сурупдан филоф кийгизилган креслосини орқага суриб, ўрнидан турди, кабинетнинг ярмига келиб кўришди. Бир неча минут ҳол-аҳвол сўрашдик, гина-гудурлар ҳам бўлди, кейин мен раиснинг фурсатини билиш учун ундан сўрадим:

— Мен сизга халақит бермадимми?

Раис кулди.

— Башқа одам бўлганда халақит бериши турган гаи ҳди. Толеимга сиз келиб қолдингиз. Очигини айтсанм, ўртоқ Солихов бир оз кўмагингизга ҳам муҳтожмий.

— Мирҳамит, қўлдни келса... Булар ўзи пима, бирон лекцияни деймин?

— Худди ӯзи, Буни қаранг, паҳотки уч кундан бера овора бўлсанм. Материаллар ҳар қанча бой бўлгани биллини ӯшини мундоқ бир чизиққа чизиб ёзиб олиш ҳам аниш қийин-а?

— Ние, сизга пима бўлди. Ўртоқ Расулов, бошқалар шу нэрса да қибилимдан деганда ҳам сиз...

— Тўғри. Аммо, мани бу, ҳабарингиз бўлса керак, сиёсий на илмий билимларни тарқатувчи жамиятга аъзо қилиб қўйишган...

— Жуда соз, табриклаймиз.

— Ҳа, вақти-бевақт районда лекция ўқишига тўғри келянти,— раис вақтини ўтказмай деб ўйлади шекилли, ҳалиги китобдан бирини очиб менга кўрсатди.— Мана шу цитатани шу ерга қўшсам қандай бўларкан?

Ўқиб кўрдим.

— Жуда мос келади. Мана бу иккинчиси ҳам яхши. Расуловнинг лекциясидаги баъзи жойларини масла-ҳат билан ҳал қилиш ярим соат давом этди. Раис ўз ишидан сал қаноат ҳосил қилгандай бўлди. Мен ўз ва-зифамни бажаришим кераклигини айтдим.

— Менга иккита топшириқ берилган: бири — энг тажрибали бир сувчи ҳақида очерк ёзиш, иккинчиси — колхозчиларнинг маданияти ҳақида...

— Жуда соз, жуда соз... Яхшики топшириқ беришибди, бўлмаса йўқламайсиз ҳам. Қани турдик, бир оз дам олинг, кейин...

— Кечирасиз, мен чарчаганим ҳам йўқ, бунинг устига вақт зиқ. Агар иложи бўлса илгор сувчи қайси бригададалигини айтсангиз-у, бориб танишсам.

— Шошманг, ахир нонушта...

— Йўқ, раҳмат.

— Бўлмаса,— деб ўйланиб қолди раис,— ўша бригадага ўзим ҳам бормоқчи эдим, бирга жўнаймиз.

Раис телефон трубкасини олиб, гаражни чақирди. Машина йўқ деган жавобни эшитди шекилли, шундай деб тайнлади:

— Айт, ўн беш минутга қолмай келсин.

Машина келгунча колхоздаги янгиликлар ҳақида сұҳбатлашиб ўтирдик. «Коммунизм» колхозига қўшни «Файрат» колхози қўшилиб, хўжалик иириклишибди. Иириклишган биринчи йилдаёқ колхоз уч ярим миллион сўм даромад қилибди. Пахтакорлардан яна икки кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилибди. Менинг хаёлимни кўпроқ илгор сувчи билан бўладиган сұҳбат чулғаб олган эди. Шу тўғрида сўраб қолдим.

— Ҳа, бу темани жуда яхши ўйлабсиз,— деди раис,— негаки газеталарда ҳам, журнallарда ҳам ми-роб билан сувчилар ҳақида кам ёзилади. Бу бир. Иккиминчлиши шуки, колхозда, айниқса пахтачиликда сувчининг тутган ўрни жуда зўр. Кўринишда арзимас ишга ўхшайди-ю, аммо ҳосилни оширишда миронинг ҳам, сувчининг ҳам ҳиссаси катта. Мана биз ҳозир учрашадиган сувчимиз ўзи ҳали ёш. Аммо ўз ишининг миришкори. Қудрат ака деган кекса миробимиз бор. Мен сизга айтиётганим ана шу кишининг ўғли Иброҳим. Узи икки йилдан бўён ирригация-мелиорация техникумининг сирти қи бўлимида ҳам ўқийди. Янги сугориш системасига ўт-

ганимиздан кейин, мен сизга айтсам, ғўзаларнинг жонини киргизяпти-да. Мана, ерларнинг яхлитлигини кўргандирсиз, янги система билан суворишга жуда қулай. Аммо ер кенг бўлса, сувчининг вазифаси ҳам шунга қараб кенгаяди. Иброҳим мана шу янги сувориш системасига ўтишимизга ҳам ўзи бошчилик қилди, десам ишонаверинг. Ҳосилот билан биргалашиб, сув тармоқларидан тортиб, ерларнинг текислигигача — ҳаммасини кўздан кечириб чиқди. Ўзи ҳозир ўн биринчи бригадада ишляпти...

Эшик очилиб, шофер йигит кириб келди. Суҳбатни бўлиб, ташқарига чиқдик. Мовий ранг «Победа»га ўтириб, бояги катта йўлдан ўн биринчи бригадага жўнадик.

Йўлда кетар эканмиз раис, сувчи Иброҳимнинг ғўзани суворишдаги тажрибаларини майдо-чуйдасигача завқланиб ҳикоя қиласарди. Гоҳо йўл ёқасидаги янги очилган жўякларда милтиллаб оқаётган сувни, чим ётқизиш лозим бўлган жойларни қўли билан кўрсатар эди. Ҳаво борган сайин исимоқда.

Анча йўл юрдик. Қушдек учуб бораётган машина тезлигини шасайтириб, ўнг қўлга бурилди. Машинадан тушиганимизда раис қўли билан Иброҳимни кўрсатди. Биздан тўрт юз қадамча нарида шимиши тиззасигача шимариб олган, эгнига оқ кўйлак кийган йигит ўқариқ ёнида алланима билан машғул эди. У гоҳ кетмонини сал кўтариб туширади, гоҳ энгашиб, қўли билан алланмини босиб қўяр эди. Биз унга яқинлашдик. Дарҳа-қиқит сувчи, раис айтгандек, ўттиз ёшлилар чамасидаги йигит ёкин. Раиснинг орқасидан, ўқариқ бўйлаб борар чалимдан, жўякларга биринчи марта қўйилган сувнинг қўнида ялтирашига, энди қаддини кўтарган мурғак ғўвалирига бир бафас маҳлиё бўлдим.

Сувчининг ёнига бордик. У кетмонини қўйиб, қўлини чайди, дастрўмолчасига артатуриб биз томон келди.

Марҳимат, ўртоқ Солихов, танишининг,— деди раис менга.

Қўнимни узатмай туриб ҳайрон қолдим. Мендан илгарироқ сезгап шекилли у кулиб туриб, деди:

— Келинглар, биз танишмиз, раис ака,— деди кулгисини тўхтатмай Иброҳим,— қани, яна бир кўришсак...— деб қўлини узатди. Кўришдик. Ўзимни ўнғайсизликдан қутқариш учун раисга қарадим. Раис ҳам тушуномлай туар эди.

— Ҳа, мен бу киши билан танишман, ўртоқ Расулов, аслида сизни овора қилмай ўзим келақолсам ҳам бўлар экан-а?

— Ана холос,— деди кулиб раис,— таниш бўлсангиз тағин яхши.

Биз сувчи йигит билан бир оз сұхбатлашдик. Кўп нарсаларни ўзи айтишга ийманди, раис қўшиб турди. Сұхбатнинг бошидан охиригача бирон марта ҳам «мен фалон ишни қилдим» демагани, ҳадеб «кўпчиликмиз, бир-биримизга ўргатамиз-да» дейишларидан, ўзи ҳақида гапиришни ёқтирамайдиганга ўхшаганлиги сезилиб турарди.

Сувчи билан хайрлашдик. Икки қадам ҳам босганимиз йўқ эдиям, Иброҳим раисни тўхтатди.

— Раис ака,— деди у кулимсираб,— бугун кечқурун меҳмонни бизникига олиб борсангиз...

— Меҳмон ҳали бизнида ҳам бўлганлари йўқ. Кеинчалик.

— Йўқ, раис ака, бугун кичкинагина зиёфат қилиб бериш кўнгилда бор эди, ўзим олдингизга ҳам бормоқчи эдим.

— Нима гап ўзи?— сўради раис ажабланиб.

— Янги меҳмонни...

— Ҳа, ҳа, оббо сеней,— деб Иброҳимнинг елкасига қўйини қўйди раис,— Зухрани олиб келдингми? Қалай, ўзи тетикми?

— Ҳа, боя олиб келдим, дуруст.

— Жуда яхши, жуда яхши,— деди раис ва менга қарди,— айтгандай Иброҳимжонни табриклаб, қўйишигиз мумкин. Яқинда хотинининг кўзи ёриган эди. Мана бугун туруқхонадан олиб келибди. Кечқурун бормасак бўлмайди.

Мен қўйл бериб, Иброҳимжонни ўғилча билан табрикладим. Раис хурсанд бўлганича гапини давом эттирди.

— Хотини Зухрахон ҳам шу бригадада тўртинчи звенонинг бошлиғи. Ҳали мен сизга айтган Ленин ордени олган аёлларимизнинг бири шу,— раис Иброҳимга қарди,— хўп ука, кечқурун бирров бориб, янги меҳмонни муборакбод қилиб келармиз.

Хайрлашдик. Машина томон юрар эканмиз, мен ҳамон ўзимни ўнғайсиз сезабошладим. Охири раисдан сўрашга мажбур бўлдим.

— Бу йигит шофер эмасми?
Раис кулди.
— Танишмиз, дедингиз шекилли?
— Танишлигим шуки, ҳали мени машинада шу ерга
келтириб қўйди. Бундан бошқа...
Шу сўзни айтганимда раис кулиб юборди.
— Машина ўзиники,— деди раис ва ҳазиллашиб қў-
шиб қўйди.— Иброҳимдек шоферлар колхозда кўп, эҳ-
тиёт бўлинг, адашиб қолмангъ.

ТОШ ОИНА

Унинг кўзлари чарақлаб очилиб кетди-ю деразага тутилган тўрпарданинг нақшдор гулларига тушди.

Ховлидаги симёроча ёниб турган чироқ тонг тумани билан нурсизланиб, гулларнинг хирагина аксини уй деворига кўчирган эди. Ташқарида ёнгил тонг шабадаси эсаётганга ўхшайди, гуллар титраб турибди.

Қордек тиниқ тўрпарданинг тутилганига бугун роса бир ҳафта бўлди. Роҳатой қанча вақтдан бўён қидириб юриб, худди шу нусхасини ўтган яқшанба куни топди. Кела солиб, тутишга уринди, деразанинг эни-бўйига тўғрилагунча анча овора бўлди, гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан қайта-қайта кўздан кечирди, ховли томондан ҳам чиқиб қаради. Шу пайт худди пойлаб тургандек булат ортидан чиқсан қуёш ўз нурини дераза ойналарига тўқди, биринчи дафъа парданинг жимжимадор гулларини оралаб ичкарига кирди, уйнинг оқланган деворига рассом гул чизиб кетгандек бўлди. Қуёш Роҳатойнинг қалбини ҳам шундай ёритиб, қитиқладики, буни фақат тўй кечасида чалинган, Роҳатой юрагида аллақандай сирли, умр бўйи эсда қоладиган ҳиссиётларни уйғотган музика садосига ўхшатиш мумкин. Назарida, мана шу парда ҳам уйга ҳусн, баҳтига баҳт, қувончига қувонч қўшгандек бўлди. Зангори абажур-чи? Ўтган шу бугун у ҳам магазиннинг шипига осиғлиқ эди-да. Роҳатой узоқ танлади, ипак шокилаларини силкитиб кўрди, абажурнинг саккиз каржли қуббаси уйнинг ҳажмийга мос тушишини кўз олдига келтирди. Охири шунисини ёздириб олди. Шу кезларда уй учун, янги турмуш учун нимаики

ҳарид қилаётгаң бўлса, ҳаммаси ҳаётига мазмун қўшаёт-
гандек бўлар, буюм бўлгани учун эмас, ўзига, севикли
ўртоғига хизмат қиласиган бўлгани учун қувонарди.
«Буюмлар ҳам инсонга вафо қилиши лозим, шу туфайли
улар дилга ёқиши, ҳаётни бойитиши керак,— ўйлади
у,— бироқ, Асқаржон-чи? Ҳа, унга ҳам ёқади. Ёқадики,
индамайди-да, севинганидан ҳар гал кулиб қўяди. Шу
бас-да. Бўлмаса «яхши абажур олибсиз» деб икки била-
гимдан ушлаб, юзларимга кулиб боқсин-у, кўксига бо-
сиб эркалатсинми? Бачканалик бўлмайдими, бу?

Илгари Роҳатой ётоқхонада эканлигида буюмларга
ҳозиргидек ҳавас билан қаармиди? Зарурат учунгина
оларди, холос. Мана, чойнак, ётоқхонадагиси бундан чи-
ройли эмасмиди? Тўғри. Буниси-чи? Буниси бошқача.
Жўмрак ва бандларига ҳал юритилмаган бўлса ҳамки,
олтин юритилгандан аъло. Негаки, бу чойнак янги тур-
муш қурган кезларида олинган, эр-хотин ширин суҳбат
қуриб, чақ-чақлашиб ўтирганида, Роҳатой шу чойнакка
чой дамлайди, гардиши ҳалли кўк пиёлага қўйиб, эрига
узатади... Фақат бир нарсани тополмай юрибди, чойнак
жўмрагига шама тутиб қоладиган элакча олиши керак.
Асқаржон пиёлага шама тушса, чой ичгандек бўлмай-
ман, дейди.

Роҳатой пардага шунчалик қаттиқ тикилдики, кўз-
нинг нури ёргуллик берганида нақшнинг акси ҳовли де-
ворига ҳам тунгани бўлар эди. Тушарди-ю, уйдагидек,
титрамасди. У, қимир этмай ётибди. Қизлик вақтидаги-
дек, уйғониб, кўзи очилиши билан ирғиб ўрнидан туриб
кетадиган пайтлар ўтиб кетди. Энди ундан қиломайди.
Асқаржон бинда-ку. У безовта бўлмайдими? Бир сафар
шундай қилиб уйготиб юборди. «Қўполлик ҳам эви би-
лан-да» деди ўшанда Асқаржон, Роҳатой неча кунгача
ўз қилигидан ўзи ранжиб юрди. «Рост. Ширин уйқуда
ётгаш кинини безовта қилишдан ҳам ёмони борми?»
Шундай бўлса ҳам сира-сира ўрганолмас, турмуш қур-
ганиларига ярим йил бўлай деяпти-ю, ўрганиш қи-
йин бўлянти. Одат деган нарса ҳам қизиқ бўлар экан.
Енлигига онасининг: «Қизим, барвақт туришга одат
қили. Қўзинг очилдими ирғиб тур, эриниб ёта берса,
кини ланж бўлади» дегани қулогига шундоққина қўйи-
либ қолган экан. Шу-шу эсини танибдики, уйғониши би-
лан ўрнидан туриб кетарди, бир минут ҳам ётолмасди.
Қўзлари ҳозиргидай чарақлаб очиларди-да, ухлаган-ух-

ламаганини ҳам, ётгани ёки ўтирганини ҳам билолмасди. Ўйқуга тиниққандан шунаقا бўлармикан? Аҳён-аҳёнда, кеч ётиб қолгандагина кўзлари сал ачишганини сезарди, холос. Йнститутда-ку, бу одат яна авжига минди. Тонг билан баб-баравар уйғонар, зарядка қиласар, ўз ҳаракатларини юзидан бошқа жойини кўрсатолмайдиган кичик ойнага солиб кўрарди. Энди-чи? Энди уйғонганидан кейин бир ўзини эмас, Асқаржонни ҳам ўйлади. У, албатта, бундай пайтда ўйқуда бўлади. Жуда эҳтиётлик билан, ўнг қўлини кроватнинг ёнига тираб, уни ғижирлатмай турмаса бўлмайди, уйғониб кетади. Роҳатой ётар экан, ўзини қушдек енгил ва тетик ҳис қиласар, юзларидан табассум аримасди. У ўнг қўли билан пешонасига тўзғиган соchlарини тўғрилаб туриб, жимжилогини сиқиб турган олтин узукка кўзи тушди. Ёқут кўзининг зиҳи билинар-билинмас кир бўлибди. Чап қўлини қимирлатолса тозалар эди. Бу узукни тўй кечаси Асқаржоннинг ўзи тақиб қўйди. «Ушанда Ҳалима деганларнинг ҳоли нима кечдийкин, ўзим ҳам роса ақлли иш қилдим-да, Асқаржон акам, ҳани энди, қўлимда бўлса-ю, мен сизга кўнглимдаги совғани қилсан, деб хомуш бўлганида кассада йигиб юрган пулимни олдим-у, ювелирторгга бориб, шу узукни ёқтиридим. Асқаржон акам дарров тушуиди, уялиб кетди. Мени қарздор қилдингиз-да деди. Кулишдик. Эр-хотин ўртасида қарз деган гап бўлармиди? Ҳалиманинг олдида юзим ёруғ бўлгани қолди. Мана, турмушимиз ёмон эмас. Асқаржон акам дарс ҳам олдилар. Йкки йил ҳадемай ўтиб кетади. Кандидат бўладилар. Ўзим эрта-индин йнститутни битириб, ишлай бошлайман. Ушанда кўрсин Ҳалимахон, турмушимизни...»

Роҳатойни ширин хаёллар чулгади. У бугун Асқаржон билан бирга бориб, анчадан бери орзу қилиб юрган тош ойнани олади. Кеча онаси ваъда қилган пул ҳам келди. Асқаржондагисини қўшса етиб ортади. Ўйнинг тўрини энди бўй баробар тош ойна безайди.

«Шу бугун кечқуруноқ ўртоқларимни чақираман,— кўнглидан ўтказди у,— Ҳалимахон бир кўрсин».

...Ҳалимахон Роҳатойнинг гўдаклиқдан бирга ўстган дугонаси эди. Улар бошланғич мактабни ҳам, ўн йилликни ҳам бирга битиришди. Ҳалимахон олтин медаль, Роҳатой кумуш медаль олди. Улар бир-бирлари билан шу қадар иноқ эдиларки, мактабда ҳам, маҳаллада ҳам

Фотма-Зуҳра деб чақиришарди. Бу ном қандай қилиб Тошкентга етиб келибди экан. Институтда ўқиш бошлигган биринчи йилиёқ ҳаммага тарқалди-кетди. Унинг ёнига янгиси қўшилди. «Андижонлик қизлар» деб чақириша бошлашди. Бу қизлар бир хил кийинар, ёнма-ён ўтиришар, томошаларга ҳам бирга боришар, ҳатто комсомол комитети ё институт маъмуриятидағ бирон жойга таклифнома беришадиган бўлса, буни ҳисобга олишарди. Ҳалимахон факультет деворий газетаси редколлегиясининг аъзоси эди. Газета чиқариладиган пайтда Роҳатой унинг ёнидан кетмас, редколлегия лозим топган ишга кўмаклашарди. Баъзи шўхроқ студентлар «Фотма-Зуҳраларга Ҳасан-Ҳусан топилмаса, турмушга ҳам чиқишимасмиш» деб ҳазил қилишарди. Бунга дугоналар хафа бўлишмас, эътиroz билдиришса, дўстликка нутур стаётгандек бўларди.

Қизларнинг ички сирини ошкор қилиш яхши эмас-ку, барибир, яшириб ҳам бўлмайди. Очикроқ айтиб қўя қолдиллиқ: дарс тайёрлаб чарчаган кезларида кроватларига чилиқамча ётишарди-да, хонадаги аллақандай нуқтага тикилганиларича орзу дарёсида сузишарди.

«Рост, ўртоқжон, севганимиз иккимиздек иноқ, чироғли, иқлли йигитлар бўлса...» — дерди бири, «уйимиз ҳам бир жойда бўлса...» деб кулиб юборарди иккичи-ен. Шундай найтларда Роҳатой сакраб турарди-да, тумбочка торғимисидан қозогига ўрголиқ раесни олиб, узоқ тикилиб қоларди. Дениз флоти формасидаги забардаст йигит ўткир қўзларини Роҳатоининг кўзлари билан уринтираётгандек бўларди. Бу Роҳатоининг ҳамشاҳри, мікрабини бирга тамомлаган Усмонжон эди.

Усмонжон, Роҳатоилар Тошкентга жўнашаётганда вожаимга кузатгани чиқди-ю, ҳеч нарса айтолмади. Орадан бир ҳафта ўтмасданоқ, Роҳатоига хат келди. Ўдагилардан ҳам олдин Усмонжон ёзибди. «Мен шу вактгача айтишинга ботинолмовдим. Кўнглингизни билмайман-ку!. Лекин.. хат ёзиб турсам майлими?..» Бу сатрларини ўқиган Роҳатой беҳосдан «майли» деб юборганини сезмай қолди. Шундан кейин неча-неча хатлар келди, жавоблар ёзилди. Ўнинчини тамомлаб, токарь бўлиб ишлай бошлаган Усмонжон орадан бир йил ўтиб, прмия хизматига жўнайдиган бўлди. Шунда Усмонжон айтишин Тошкентга келиб икки кун турди, дугоналар биллини кинога тушишди, бирга расм олдиришди. Буни Ҳа-

Халимахонгида эмас, Роҳатойнинг онаси Шаҳодат хола ҳам биларди. Роҳатой ҳар гал Усмонжондан хат келишини орзишиб кутар, ўз тили билан айтганда, хат келгани кун — дам олиш куни ҳисобланарди. Хатни қайта-қайта ўқиб чиқар, ёқиб қолган жойларини Ҳалимахонга кўрсатар, ўзидан-ўзи ашула айтиб, дарс тайёрлатгани қўймас, кейин ўтириб, ўзи институтни, Усмонжон хизматни тугатгандан кейинги режаларини гапириб берар, «Ё мен Кора денгиз флотига бориб тарихдан дарс бераман, ё Усмонжон мени пароходда олиб юради» деб, кулиб юборарди.

Тўртинчи курс охирлаб каникуль яқинлашганида нима бўлди-ю, Усмонжондан хат келмай қолди. Роҳатой буни сезидирмай юрди. Ҳалимахон пайқаган бўлса ҳам ўзини билмасликка олди. Охири у тоқат қилолмади. Бир куни кечқурун тўсатдан сўраб қолди.

— Усмонжондан хат келмаяптими? — «Нега ёзмай» қўйдинг дейиш ўрнига шундай саволни берди у.

— Ҳайронман, ёзмай қўйди, — зўрга жавоб берди Роҳатой. У дугонаси шу ҳақда гап очиб қолишини билуб юради-ю, қандай жавоб қилиш уни тавшишга соларди.

— Сабаби бордир, ахир?
— Қаёқдан билай!
— Бўлмаса мен хат ёзиб билиб берай?
— Ёзсангиз ёза беринг. Мени...
— Ҳа, сизни қўшмайман. Қачондан бери?
— Мунча сўроқ қилиб қолдингиз, ўртоқжон?
— Ана шу «ўртоқжон» деганингиз учун сўроқ қиласман.

— Усмонжон керак бўлса, ўзингиз ёза беринг.
Ҳалимахон гапнинг бундай тус олишини кутмаган, дугонасини ётиғи билан юпатмоқчи, унга қўлидан келганча насиҳат қилмоқчи эди, бўлмади.

— Роҳатой! — деди у шиддат билан, — мен сизни бунчалик енгил табиат деб ўйламаган эдим. Уялмайсизми?

Роҳатой чўчиб тушди.

— Нималар деяпсиз ўзингиз? Ҳали сиздан эшитганим шу бўлдими, Тавба. Уяладиган иш қилиб қўйибманми?

— Кўнглингизда йўқ экан, Усмонжоннинг қўйинини пуч ёнгоқча тўлғазиб нима қилардингиз?
— Мен шундай қиламан депманми? Ўзи-ку!..

— Оҳ-воҳлар, суратларини ёстирингиз тагига кўйиб
ётганингиз бекор экан-да?

— Барibir, у менинг тенгиммас.

— Ҳа, кечагина танишган Асқаржон тенгингизми?
Ҳали кимлигини ҳам билмайсиз-ку!

— Нега билмас эканман, институтни тамомляпти,
шунгенер бўлади. Аспирантурада қолмоқчи.

— Ҳа, буёғига учдим денг, Усмонжон саводсиз бў-
либ қайтади деб ким айтди сизга?

— Йайли, Роҳатой, таъбингиз. «Бу менинг ишим,
фралашманг» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаяпсиз-у, ай-
тишга андиша қиляпсиз, сезиб түрибман. Тўғри, бу сиз-
нинг шахсий ишингиз, бир нарса деёлмайман. Фақат
дўстлингимиз ҳурмати, юрагим ачигандан гапиряпман.—
Ҳалимаҳон шундай деди-да, тескари бурилиб, қўлига
китоб олди.

Роҳатой жим эди. Унинг ташвиши бошқа томонда.
Ишқилиб, Ҳалимаҳон Усмонжон билан муносабатини
Аскирга айтib қўймасида. Ҳозирги гапларни уйдаги-
ларга ёзиб юборгудай бўлса, тагин иш пачава. Роҳа-
той секин ўрнидан туриб, Ҳалимаҳоннинг кроватига
ўтириди. Оҳиста унинг белидан қўлини ўтказди.

Ўртоқжон, қўйниг, сизни ранжитганимга ўзим
ҳам ҳифа бўлиб кетдим.

— Нега ранжитганим. Сиз хурсанд бўлсангиз мен ран-
жирмидим.

— **Вилосинеми**, Ҳалимаҳон, ростини айтсам, ҳақиқий
севги нималигини эди сезянман. Ахир шега тушунмай-
сан. У кўзига ёш олиб, бошини Ҳалимаҳоннинг елка-
сига қўйди.

«Бўлса бордир» деб кўнглидан ўтказди Ҳалимаҳон
дугонасига раҳми келиб ва унинг бошини силай бошла-
ди.

— Ахир кўрмасам, туролмайдиган бўлиб қолдим.—
Тиги аралаш деди Роҳатой,— нима қилай ўртоқжон,
айтиш?

— Нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Бир ой
деганда одамнинг юрагини, кимлигини билиб бўларми-
ки?

— Тагин нимасини билиш керак, қизиқсиз-а! У-ку,
мени бир йилдан бери биларкан.

— Роҳатой, шу гапга ишондингизми?

— Қачон, қаерда, неча марта кўрганларигача айтди-ю, нега ишонмай. Кўргани атайлаб институтингизга борардим-у, гапиришга ботинолмасдим, дейди.

Ҳалимахоннинг кўз олдига бундан бир ой илгари шаҳардаги бадиий ҳаваскорларнинг терма концерти қўйилган зал келди. Томошибинларнинг кўпчилиги студент йигит-қизлар эди. Танаффус вақтида уларнинг ёнига қораҷадан келган, қуюқ қора қошли, яхши кийинган бир йигит келди. У Роҳатойдан тарих ўқитувчисининг келган-келмаганлигини сўради-да, ортиқча гап айтмай узр сўраб, залга кириб кетди. Концерт бошланганида бўлса ёnlарига келиб ўтирди. Шундан бери Ҳалимахон бу йигитни икки марта институт эшиги ёнида учратди. Саломлашиб ўтиб кета берди. Унинг Асқаржон ҳақида билган-кўргани шу.

— Агар чиндан ҳам севиб қолган бўлсангиз, ўзингизни оғир тутинг, кимлигини суриштиринг, феъли-атворини билинг. Бошқа нима ҳам дея олардим,— жавоб қилди совуқнина Ҳалима.

Имтиҳонларга тайёргарлик кўрилаётган қизғин кунлар эди. Асқаржон эса, диплом ишини тугатяпти. Шундай бўлишига қарамай, у тез-тез қизлар ёнига келиб турар, улар билан кино, театрларга борар, кечқурунлари ётоқхонада анча вақтгача сұҳбатлашиб ўтирган, дугоналарнинг дарсига кўмаклашган вақтлари ҳам кўп бўларди. Келишган, гаплари бурро-бурро, ҳаммасидан ҳам хушмуомалалиги Ҳалимахонга ҳам ёқа бошлади. У, турмуш ҳақида, маданият, севги тўғрисида шундай гапларни айтардики, ҳар қандай қизни ҳам ўзига мафтун қиласарди. У енгилтак йигит ва қизларнинг бир-бirlарини яхши билмай турмуш қуришлари оқибатидан мисоллар айтиб берарди. Бирон марта ҳам Роҳатойнинг якка ўзини кино ёки бирон ерга таклиф этмагани Ҳалимахонда унга нисбатан ишончни яна ортдириди.

Ҳалимахон баъзан якка қолиб хаёл сурисиб ўтирганида, «ўртоғимни чакки хафа қилган эканман, бинойидек йигит, бунинг устига қаттиқ севиб қолибди», деб кўнглидан ўтказарди. Бу орада Роҳатой онасига хат ёзди. Асқаржонни фойибона танитди, ёзда уни Андижонга олиб бориб таниширишини айтди.

Уларнинг тўйи Андижонда, Роҳатойларнинг уйида бўлди. Ёзни ўша ерда ўтказишида. Каникуль тугагач Роҳатой бешинчи курсда, Асқаржон аспирантурада

Ўқишини бошлашди. Мана, беш ой бўлдики, Асқаржони айттадек, икки ёшнинг янги, маданий, баҳти ҳаёти бошиланди...

Роҳатой овқат тайёрлаб, плитада чой қайнатаётган пайдада Асқаржон уйғонди. Улар нонуштани қилиб, кўчига чиқишганида соат тўққиз ҳам бўлмаган эди. Маганининг ўнда очилиши икковларининг ҳам эсига келмайди.

— Билганимизда мен бир оз ишлаган бўлардим,— деди Асқаржон соатига қараб,— роса бир соат кутиш керик-а.

Улар магазиннинг яхлит ойнали деразаси ёнида туришарди. Ичкарида ёнма-ён қилиб, қатор тош ойналар, шкифлар қўйилган, ҳаммаси кўриниб турибди.

Сиз кета беринг бўлмаса,— деди эрига ачиниб Роҳатой,— ўзим олиб бораман.

Кийналасиз дейман-да.

— Вой, ўзим кўтарармидим,— у кулиб юборди.— Мудди елкянгизда кўтариб олиб борадиган кишидай гашарасиз-а.

Асқаржоннинг кўзи энг чеккада турган тош ойнада эди. У, қўли билан ўшани кўрсатди.

— Мавд шуниси дурустга ўхшайди, майли, мен кетдим.

Роҳатой қўзи тўрт бўлиб, машина ахтарар, ҳар ўтганини қўлини кўтариб турар экан, бир-пкки яшик ортти машина унинг ёнида тўхтади.

— Қаерга, нима ишингиз бор эди?— леб сўради ўрти ёшлиардаги шофер.

— Жон имаки, яқинга, бигта тош ойна...

Тош ойни ёртилиб бўлгач, шофер Роҳатоини кабинага тақлиф қилди.

— Варико тошинг-эй,— деди, пешонасидан терини ортиб Роҳатой.— Ярим соатдан бери машина ахтарман-и.

— Мен ҳам хуноб бўлиб турганингизни сезиб қолдим. Вўлмаса ишим зарур эди. Шофернинг гапларини, цулаға зарурмасман, дегандай тушунди Роҳатой.

Роҳатой машинада силкиниб бораркан хурсанд эди, тозроқ эта қолса-ю, тош ойнани ўрнатиб, кўнгли тинчили. У ҳозир ўзини шофернинг кичкина ойнасида эмас, шити тиктирган кўйлакда, бўйи баробар тош ойна олдини кўрирди. Унинг хаёлчан кўзлари кабинканинг бурчашади.

года ипга осиб қўйилган жажжи қўғирчоққа тушди.

— Вой амаки, бунча чиройли-а? Қизингизга олдингизми?

Шофер мийигида кулиб қўйди. Унинг бу кулгисидан: «Ҳали ёш, фарзанд кўрмаган экан-да», деган маъниони ўқиши мумкин эди.

— Қизимнинг қизига, неварамга. Ҳар борганимда бирон совға олмасам, кўнглим жойига тушмайди. Бизнинг раймагда бундай қўғирчоқлар камроқ.

Роҳатой шу ондаёқ ўз уйини, онаси билан бирга яшаган, тўйдан кейинги кунларини эслади.

— Куёвингиз сиз билан бирга турадими?

Шофер нима учундир «уф» тортиб қўйди.

— Бирга турарди.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир дейсизми? — у, Роҳатойга бир қараб қўйди, — ҳозир эмас, бир йил бўлди, дом-дараксиз.

Роҳатойнинг кўзлари катта очилиб кетди.

— Вой, қаердА?

— Ўқиб юриби деб эшитаман. Аммо дому дараксиз. Бунақа куёвнинг боридан йўғи яхши. Башараси курсин. Ҳеч нимаси йўқ, етимча эди. Уйлантирдим. Ўқитдим, уй-жой қилиб бердим. Охири келиб ўқитувчилик қилаётган қизимни маданиятсизликда айблади.

— Сира келмайдими? Қизини соғинмасмикан?

— Маданиятли йигит қизни ёқтирилас эмишлар... Охирги марта қизимни уриб тургани устига келиб қолдим. Ғазабим қўзгади-ю, ёнимдагилар ушлаб қолди, Ўша-ӯша қорасини кўрсатмайди...

Роҳатой шу топда яқин бир кишисининг noctor ҳолига ачингандай ҳаяжонга тушди. Машинадан тушиб, уй эшигидаги қўнғироқни босгандагина, ҳаяжони ҳам сал босилгандай бўлди. Шофер машина устидаги киши билан тош ойнани кўтаришиб, уйга олиб киришди. Пижамада ўтирган Асқаржон ёрдамлашаман деб ўрнидан турди-ю, «дада» деб қичқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шофер тош ойнанинг бир томонини ташлаб юборди, разабли кўзлари билан Асқаржонга бир қаради-ю, орқасига ўғирилиб, жадал чиқиб кетди. Тош ойна ёнида қотиб қолган Роҳатой даф-даф титрар, икки қўлини бир мушт қилиб тишлаганича турарди. Унинг кўзи беихтиёр ойнага тушди, унда ўзини эмас, Ҳалимахонни кўрди.

ЕДГОР

Яқинда бир хат олдим. Блокнотдан йиртилган оқоғоз бетидаги ниҳоятда ҳафсала билан ёзилган сатрларга узоқ тикилиб қолдим. Худди меҳрибон ота, ўғлининг елкасига қўлини ташлаб:— Мана шу ишни қўлингдан келганча бажар, назаримда, бу бир оила маңфаати учун эмас, умум маңфаати учун зарур, ахир у замонлар ўтиб кетган-ку...» дёяётгандай бўлди. Хатни ёзган киши — Абдуқаҳҳор aka менга энг қадрдон, уни беҳад ҳурмат қиласдим. Уз ўқитувчисини унута олармиди, киши. Ёшлик чоғларимда, унинг қўлида таълим олганман. Биринчи дафъа лекциясини эшитган куним ширин орзу-хаёллар билан алламаҳалғача ухлаёлмай чикқан эдим. Абдуқаҳҳор аканинг энг яхши фазилатларидан бири шу эдикӣ, лекция ўқигандж шундоққина қулоққа кўйиб, мияга жойлаб қўя қоларди. Фикрини бирам чиройли, «теша тегмаган» иборалар билан содда қилиб тушунтирадики, кишининг сира эсидан чиқмасди. Икки соатлик лекциясидан, атайн пойлаб ўтирган одам ҳам бир оғиз ортиқча ё ўринисиз сўз тополмасди. Бир мен эмас, группамиздаги ҳамма болалар уни ҳурмат-қилишар, қўққисдан тўқнаш келиб қолганимизда салом бериб ўтиб кетгунча, қизариб-бўзариб кетардик. Салобати босар эди.

Орадан йиллар ўтиб Абдуқаҳҳор aka докторлик иммий даражасини олди. Шунда ҳам ўзини катта тутмас, жуда камтар эди. Энг муҳими, инсон деган номга гард юқтирадиган бирон ҳаракатни кўрса қаттиқ ранжириди. Турмушимиздаги эскилил сарқитлари билан сирайм чи-

қишлоғас, «бундай сарқитлардан қанчалик тез халос бўлсак, турмушимиз, маданиятимиз шунчалик тез ри-вож топади» дер эди. Илмий ишлари бошидан ортиб ёт-ганига қарамай, қимматли вақтини сарф қилиб алоҳида хат ёзиб юборганининг боиси ҳам шунда. Ҳатда ўзи син-гари болалар уйида тарбияланиб чиққан бир инже-нернинг оиласида рўй берётган воқиани ёзибди: «Лозим топсангиз ҳикоями, фельетонми ёзарсиз, йўқса, бирон ерда ишлатарсиз. Менимча...»

Ҳикоя мана шу нуқталардан кейинги сатрлар мазму-нини ўз ичига оладиган бўлгани учун мақсадга ўттай-лик. Мен хатни ўқиб бўлдим-у, қадрдон ўқитувчимиз-нинг олдига бордим. У менга воқиани батафсил айтиб берди. Кейин Зуҳуржон билан учрашдим, боғчада бўл-дим. Ҳамма нарса ойдинлашди...

Зуҳуржон оқ батис филофли атлас кўрпачага ихчам-гина қилиб ўралган чақалоқни авайлаб бағрига босар-кан, юраги шув этиб кетди. Назариди, врач унинг қў-лига қуруқ кўрпачанинг ичини ҳавол қилиб ўраб бер-гандай на оғирлигини сезади-ю ва на кўрпачада икки қўллаб ушлашга арзидиган нарсанинг салмоини. Жон ҳолатда йўргакдаги болага қаради. Кўрпача тагидан ўтказган ўнг қўлининг панжасини ёзиб ушлаганди, қу-лайроқ кўринди. Зинадан пастга тушиб сал юргандан кейингина ўзини босиб олди. Шу пайт чақалоқнинг пи-шиллаб ухлашига завқи келдими, ё ўз ҳолати ўзига нашъа қилдими, беихтиёр жилмайиб қўйди. Кетидан чиқиб келган хотини ҳам сезди буни. У секин эрининг қўлтиғидан қўлини ўтказди.

— Ҳа, нимага куляпсиз?

Зуҳуржон хотинининг юзига тикилди.

— Куляпсиз дейсизми, ҳа, йўқ, ўзим...— деди-ю, гап-ни чалғитди,— худди ўзингиз-а, Маъсумахон?

— Қаёқда,— деди хотини бўйини чўзиб, чақалоқ-нинг юзини кўролмаса ҳам,— юзининг кулчалари, бур-ни... тайёр ўзингиз-ку,— унинг лаблари гўдакларники сингари чўччайиб, қошлиари чимирилди, әркаланди...

Нарироқда уларни кутиб турган шофер йигит айт-моқчи бўлган гапини унутдими дудуқланди, алланима деб Маъсумахонни қутлади-да, қип-қизариб кетди. Ёш-да, бундай ишлар ҳали бошига тушмаган. «Эсон-омон

«Кутулдингизми?» дейиши эп кўрмади, қўполга ўҳшади. Бониҷаароқ айтмоқчи эди, уларнинг салобати босди. Эр-хотинни машинада ўтқазиб, эшикни оҳиста ёпиб қўйгунча алланечук бўлиб кетди. У ҳозир одатдагидан ташқари мулојим эди, юзидан кулги аримасди. Машина асфальтга чиқиб юришини теззатганда ҳам, Зуҳуржон шофер тепасидаги кичкина ойнада унинг юзидағи кулгини кўрди.

Қўни-қўшнидан чиқсан аёллар ҳовлининг ўртасидаёқ Маъсумахонни ўраб олишди. «Туф, туф, ёмон кўздан асрасин, Маъсумахон, ўзингизни сирайм олдирмабсиз-а» деса бири, «вой, қайтанга очилиб кетибдилар» дерди иккинчиси. Маъсумахон, агар салгина ранги синиқканлигини айтмагандан, чиндан ҳам очилиб кетган, янги келин вақтидагидек кўзлари ёниб турар, икки юзидағи кулгичи шундоғам ярашиб тушган эдики, «кулгич тўла юзга келишади» дейдиганларнинг гапи бекор экан. Унинг чеҳраси эмас, бутун вужуди кулиб турарди.

Зуҳуржон кўпчилик бўлмаганида чақалоқни қўлидан бермасмиди, кекса қайнанасига узатди-да, орқасидан қараб қолди. Ўй ичи бирпасда хотин-халаж билан тўлган эди. Зуҳуржон шошиб қолган, эшикдан кириб келиб, «қани тўнни ечинг» деб ҳазил қилганларга жавоб беролмай кулиб қўярди. Қутлаётгандарнинг ҳаммаси ҳам «үйнингизга янги меҳмон билан қўшилиб янги баҳт келди, биланисизми?» деяётгандай бўларди. Бу орада Маъсумахон кийимларини алмаштириб дераза пардасини тортар экан, ҳовлида тутантiriқ тайёрлаётган эрига кўзи тушди, кўлиб қўйди. Яхшики, Зуҳуржон пайқамади буни. Хотинининг атлас нусха крепдешин кўйлагини кийганда айтадиган ҳазилини такрорлармиди? У боядан бери ўзини қўйгани жой тополмас, тўй арафасида Маъсумахон билан уч кун кўришмагани, уч йилдек туъолгани сиигари типирчиларди. Қани энди, меҳмонлар тезроқ қўзғала қолса-ю, Маъсумахоннинг ёнига кириб тўйиб гаплашса, чақалоқни ўртага олиб, боягидек кимга ўхшашлигини баҳслашса... Маъсумахонга шунчалик суюнган эканки, бир ҳафтадаёқ ҳеч қаёрга сифмади қолди.

Эртасига ўрнидан туриб, енгил-елпи ишларга уннай бошлаган Маъсумахон тўртинчи куни деганда тўсатдан иситмалаб ётиб олди. Аксига юриб шу бугун заводдан кеч қайтган Зуҳуржон, кровать билан битта бўлиб, бўр-

силлаб ётган хотинини кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. «Телефон қилсангиз бўлмасмиди?» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида, Маъсумахон, қовжираб пўр- силдоқ босган лабларини оҳиста қимирлатди:

— Сув. Муздек сув ичгим келяпти.

Зуҳуржон коржомасини ҳам ечмай сув қуйиб узаткан, шу ёшга келиб, ёлғизликнинг нима эканини ҳозир сезгандай бўлди. Қайнанаси бир-йкки кун туралса нима бўларди! Қўлидан бирон юмуш келмаса ҳам далда эди-ку. «Угайлигини қилди... Менинг ҳеч кимим бўлмаганига яраша лоақал Маъсумахоннинг бирон жигари бўлса нима эди?» Зуҳуржон шу хаёллар билан кафтини хотинининг пешонасига қўйди. Қўйди-ю, узоқ туролмади. Пешонага эмас, чой дамлаган чойнак қорнига қўйгандай бўлди. Маъсумахон кўзларини очолмас, устидаги кўрпани белигача туширган, оғир нафас олиб, ҳарсиллаб ётарди. Кўкракбурма кўйлагининг кўксига ёпишиб турган жойига алланима томибдими, қотиб қолган, оқариброқ турибди. Зуҳуржон узоқ тикилиб энди тушунди. Маъсумахон чақалоқни эмизолмабди ҳам. Секин кўз қири билан йўргакдаги болага қаради. Яхшики, ухлаб ётибди.

— Зуҳуржон ака, ҳеч нарса бўлгани йўқ,— қийнаб либ гапиравди-ю, кулишга ҳаракат қиласарди Маъсумахон. — Фақат, овқатга... ўзингиз уннай қоласиз-да, а?

Зуҳуржон яна пешонасини ушламоқчи бўлиб қўлини узатди, аммо ҳарорати зўрлигини ўзига сездириб қўйишдан қўрқиб, тўзиган соchlарини силай бошлади. «Мендан овқат ўтармиди?» демади-ю, «Кўнглингиз нима тусайди?» деб сўради.

— Ҳеч нарса. Сув.

Хайкалдай қотиб қолган Зуҳуржон, ўзини йўқотиб қўйди. Хийладан кейин ўрнидан туриб, нариги хонага чиқди. Кийимларини алмаштирас экан, кимга хабар қилиб, маслаҳат солишини ўйларди. Кейин телефон трубкасини олиб, қоронғида ҳам адашмай тополадиган номерни айлантира бошлади. Трубкани Рокия опанинг ўзи олди. Зуҳуржон овозини пасайтириб, воқиани тушунтирди.

Уйга қоронғилик туша бошлади. Йўқ, қоронғилик аввал Зуҳуржоннинг қалбига, кейин уйга тушди. Уй ичини ҳам, ташқарини ҳам аллақандай ваҳима босгандай. Эшиқдан Рокия опа кириб келганини ҳам пайқама-

ди Зуҳуржон. Рокия опа коридор чирогини ёққандагина, хошадаги чироқни ёқиши келди.

Рокия опа шошганидан, устидаги халати билан келган эди. У, Маъсумахондан ҳам, эридан ҳам сўраб ўтирумай, тўғри «тез ёрдам»га телефон қилди.

Маъсумахонни касалхонага ётқизиши. Иккинчи куни чақалоқни алоҳида бўлимга ўтқазишганини эшиди, Зуҳуржон.

Кечаги шодлик, баҳтиёрлик ўрнини шундай оғир қайғу босдики, Зуҳуржонни гангитиб қўйди. Дастребки кунлари заводдагиларга сездирмай юди. Эрталаб ишга борар, тўғри конторага кириб, янги ишланадиган деталларнинг чертёжларини кўздан кечирарди-ю, топшириқ бериб чиқиб кетарди. Барибир, цехдагилар билмагани билан завод бошқармасидагилар билишарди. Бош инженер Зоҳидов ўша куниёқ Зуҳуржоннинг ёрдамчисини чақириб, тайинлаб қўйганди. Бўлмаса у Зуҳуржон эрталаб келиши биланоқ:

— Сиз бораверинг, бу ёғини ўзим...— деб, гапни ҳам яримта қилиб, тинчитгани турармиди Зуҳуржон ўз ёрдамчисидаги бу ўзгаришини ҳам пайқамас, бирорвиинг гапи қулогига кирмай, аламини папиросдан оладиган бўлиб қолди. Ишга сира қўли бормас, цехдаги шовқинни «бизнинг симфония», деб юрадиган йигит энди цехга кирса юраги сиқиларди.

Касалхонада кечгача қолиб кетар, уйга қайтганда гина қорни очганлигини, эрталабдан бери туз тотимаганини сезарди-ю, барибир томогидан қуруқ чойдан бўлак нарса ўтмасди. Хаёл аллақандай даҳшатни кўз олдига келтириб қўяр, ўрида ётолмай, папирос тутатиб ҳовлига чиқиб кетарди... Ҳовли-я... Ҳовли деган ҳам шунчалик совуқ бўладими? Шу кунларда кўзига шундай ёмон кўринадиган бўлиб қолдикни... Дераза ёнидаги гул, раёнхонларга сув қуйилмайди, томга чирмашиб чиқкан нечақнинг карнай гуллари тўқилиб ётибди, иврисиган ҳовли юзини папирос қолдиқлари тутган, иккита ғишт устида турган сариқ самоварнинг устини бир энлик чанг босган... Илгарилари шундаймиди? Маъсумахоннинг түргуҳонадан келишини орзиқиб кутган Зуҳуржон ҳар куни ҳовли супурарди, ҳамма нарсани саранжом қилиб ишга жўнарди, ҳозиргидек деразадан туриб, папирос итқитмасди...

Маъсумахон кундан-кун оғирлаша борди. Охири бўл-

мади Хизматдан бир неча кун рухсат олишга тўғри келди. Энди унинг куни ҳам, баъзида туни ҳам касалхонада ўтадиган бўлиб қолди. Кечалар кўпинча навбатчи врач рухсати билан қабулхонада, қуруқ диванда ётиб қоларди. Кундузлари врачлар хотини ёнида узоқ ўтиришта рухсат беришмасди. Шунда у «хўп» деб чиқиб кетарди да, ёш болалардек кўзни шамфалат қилиб, яна палатага кириб ола берарди. Тўғрироғи, унга гап ҳам таъсир қилмас, нима дейишса ҳаммасига кўнарди. Маслаҳат қилмаган врачу, профессори қолмади. Зоҳидов қайси бир илмий-текшириш институтининг профессорини ўзи билан бирга олиб келиб кўрсатди. Аллақандай, кам учрайдиган касалнинг номини айтишар, Зуҳуржон бўлса: «Менинг ҳеч кимим йўқ... Ундан бошқа ҳеч кимим йўқ...» деганга ўхшаш гапларни айтиб, ялинарди.

Шу зайлда ўн етти кун ўтди. Ўн саккизинчи кечаси Маъсумахон, эрининг қўлида жон берди. Зуҳуржон қўшни палаталарда ухлаб ётган bemорлар борлигини ҳам унугиб, ҳўнграб юборди...

Зуҳуржоннинг босиқлиги, кучли иродаси бу мусибатни енгишга ожизлик қилди. У, бир неча кунгача ўзига келолмай юрди. Ҳаммасидан ёмони шу эдикни, ҳар гал эшикни очиб, ҳовлига кириши билан одатдагича «хоним» деб юборарди. Дерди-ю, юраги орқасига тортиб кетарди. Маъсумахондан жудо бўлганига сира-сира ишонгуси келмас эди.

II

Зуҳуржон қисқа муддатли отпускаси тугаб, эртага ишга чиқаман деб турган куни завод бошқармасидан Зоҳидов телефон қилиб қолди. Узоқ гаплашмади. Ишдан қайтишда Зуҳуржонни уйига олиб кетажагини айтиб, трубканни қўйди. «Уйга олиб кетаман,— ўзича такрорлади Зуҳуржон,— нима иши бор экан. Ё биронта меҳмон келмоқчи бўлса шунга таклиф қиляптими? Меҳмондорчилик татирмиди ҳозир менга... Очиқроқ айтса бўлмасмиди...» У, трубканни олиб, Зоҳидовга телефон қилмоқчи бўлиб турганида, эшикдан худди ўз уйига кириб келаётгандек, Марфа Ильинична кирди. Зуҳуржон трубканни қўйди.

— Салом, келинг, Марфа Ильинична, хизмат?

— Бардаммисиз, болам, ҳа, кўп ўйлайверманг, фойдаси йўқ... Мен сизга катта бир хизмат билан келдим. Сиз бирпас кўчага чиқиб айланиб келинг, мен уйга бир қараб қўйяй. Сизга қолсà ўзингиз айтмайсиз ҳам.

Зуҳуржон дарров тушунди.

— Йўқ, овора бўлманг, ўзим эплаяпман, Марфа Ильинична.

— Бу сафар сўзимга кирмасангиз хафа бўламан, болам. Мен бегона эмасман.

— Шундай топшириқ беришдими, сизга?

— Ҳа.

— Ким?

— Ўзимга ўзим.

Зуҳуржон гап қайтаролмади. Марфа Ильиничнанинг ажинлар оралаган юзига, кумушдек сийрак соchlарига меҳр билан тикилди-да, дераза ёнига борди. Кўзи плитка устида турган, оғзи, жўмрагининг гардишлари чой қўйқумидан сарғайган чойнакка тушди. Марфа Ильиничнага тайёр чойни қўймаганидан хижолат бўлди. Чойнакни келтириб стол устига қўяркан, Марфа Ильинична унга қаради.

— Ҳожати йўқ. Керак бўлса ўзим қўйиб ичаман, болам.

Завод боқшармасида хат ташувчи бўлиб ишлайдиган Марфа Ильиничнани колективда танимаган одам йўқ эди. Ҳамма уни хурмат қиласарди. Зуҳуржон институтдан заводга келиб, механика ўёхиди ишлай бошлагандан бери танийди. Эр-хотин унга жуда ўрганиб қолишган эди. Маъсумахон «она» деб чақираарди, уйга меҳмон келгудек бўлса Марфа Ильиничнани албатта топиб келарди. Ҳозир Марфа Ильинична Зуҳуржонга яна хотинини эслатди. У бўлганида топган-тутганини, аллақандай тансиқ нарсаларни тўкиб ташлаб, қўярда-қўймай меҳмон қиласарди. Зуҳуржон бошқа сўз айтмай, ҳовлига чиқди. Чиқди-ю, машина овозини эшилди. Зоҳидов кириб келди.

— Нима гап, ичкарига кирайлик, Тоҳир ака.

— Ҳеч гап йўқ. Ўзимиз гаплашиб ўтирамиз,— у дезраздан Марфа Ильиничнага кўзи тушди.— Ийи, ҳорманг Ильинична, жуда боплабсиз, яшанг-эй. Қани кетдик Зуҳуржон, Марфа Ильиничнага ҳалақит берманг.

Зуҳуржон машинадан тушиб ичкарига кирди, шля-

пасини илаётганида қўшни хонадан чақалоқнинг йигисини эшитиб, ранги қув ўчиб кетди. Макиитошини ечмай, диванга ташланди. Зоҳидов дарров пайқади.

— Ҳа, Зуҳуржон?

— Тоҳир ака... — у шундай деб, хўрсинди, иргиб ўрнидан туриб кетди, шляпасини қўлига олди.

— Нима гап, қаёқقا?

— Тоҳир ака, мен виждонсизман. Эсимни еб қолман,— у титроқ овоз билан гапиради,— ахир ўғлим бор эди-ку... Беш кун бўлса-ю, хабар олиш у ёқда турсин, эсимга ҳам келмаса-я... Йўқ, кечиринг мени, мен ҳозир бориб билишим керак,— у шляпасини ғижимлаганича коридорга отилди.

Зоҳидов бунчалик бўлишини кутмаган эди, кетидан чикиб қўлидан ушлаб қолди. Чақалоқ овози эшитилган хонадан Зоҳидовнинг хотини Рокия опа чиқди. Зуҳуржон чопиб чарчаган кишидек ҳарсиллар, Рокия опа билан сўрашишни ҳам унугиб қўйган эди. Эр-хотин уни зўрлаб уйга олиб киришди.

— Йўқ, Тоҳир ака, барибир татимайди. Ҳеч бўлмаса телефон қилиб билайлик.

— Хўп, биламиз. Ўзингизни босинг, гап бор.

— Буни қаранг-... Наҳот эсимга келмаса. Ҳеч киммим йўқлиги-да. Маъсумахонининг кими бор эди. Саксон беш яшар ўғай онаси... У шўрликнинг қўлидан нима иш келарди.

— Бу гаплар ўринсиз, Зуҳуржон,— деб гапга аралашди Рокия опа,— бизлар бегонамизми?

«Шундай экан, мен аҳмоққа бир оғиз айтиб қўймай-сизларми» деб юбормоқчи бўлди-ю, томогига бир нарса тиқилгандек гапиролмай қолди. Бошини қўйи солиб, икки қўли орасига олди. Шу пайт Рокия опа эрига қараган эди, «айта бер» деган имони қилди у. Рокия опа оҳиста сўзлай бошлади:

— Зуҳуржон, менга қаранг, ука. Биз сиздан бемаслаҳат бир иш қилиб қўйтганимиз...

Зуҳуржон ҳайрон бўлиб, бошини кўтарди. Рокия опа сўзида давом этди:

— Агар кечирсангиз, айтаман.

— Нима? Айтинг опа.

— Ўша куннинг эртасигаёқ Тоҳир акангиз билан бориб, чақалоқни олиб келганмиз.

— А?! Ростданми?— Зуҳуржоннинг кўзлари катта

очилиб кетди. У гоҳ Рокияга, гоҳ Зоҳидовга қаарарди,— шу ердами?

— Ҳа, шу ерда,— деди қулиб Рокия опа,— аввали беришмади, эмизикли болалар уйига ўтказамиз дейишиди. Мен кўнмадим. Сизнинг номингиздан тилхат бериб олиб келдим. Ўзиям бизнинг Ҳамидга ўҳшаб кетади. Ҳасан-Хусан бўлишди,— деб қулиб қўйди у.— Мана бугун исм қўйиб беришингиз керак, дадаси.

— Рокия опа, Тоҳир ака...— кўзларини катта очиб қараганича, бошқа сўз айтольмади Зуҳуржон.

Улар ўринларидан туришиб, нариги хонага чиқишиди. Зуҳуржон ўғилласини қўлига олди, чақалоқ тим-қора муниchoқдай кўзларини дадасига тикди. Исл қўйишда Зуҳуржон ўйланиб қолди. Зоҳидовнинг ҳам, хотинининг ҳам таклифлари унга ёқмади.

— Маъсумахондан менга нима қолдий?— деди у эрхстинга қараб,— мана шу ўғилча. Уни ўзим катта қиламан, фақат эмизикли даврида...

— Бу ёғини ўйламанг, Зуҳуржон,— деб унинг гапини бўлди Рокия опа.

— Раҳмат сизга... Унинг номини Ёдгор қўямиз. Маъсумахондан менга ёдгор...

Бу ном эр-хотинга ҳам маъқул тушди.

Улар узоқ сұхбатлашиб ўтиришиди. Зуҳуржон овқат устида Зоҳидовга тикилар, унинг буғдой ранг юзи, ўйчай кўзлари, икки чаккасига оралаган оқ соchlari — унга меҳрибон қадрдан бўлиб кўринди. Рокия опа-чи? У, биргина Зуҳуржонга эмас, Маъсумахонга ҳам шунчалик яқин, эгачисидек эди. Улар икковлари бир мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашарди... Зуҳуржон ҳозир ўзини туғишганлари ёнида ўтиргандай ҳис қилди.

III

Чақалоқ беш ойгача Рокия опанинг қўлида бўлди. Зуҳуржон энди бу уйга тез-тез келиб турар, Рокия опа «хафа бўламан» дейишига қарамай, турли ширинликлар, ўйинчоқлар олиб келарди. Барibir, ҳар келганида ийманар, назариди, шу оиласга малол келтираётгандай бўларди. Олтинчи ойга қадам қўйгаんだ, Ёдгорни завод ҳузуридаги кечакундуз ишладиган яслига жойлаштириди. Шунда Рокия опа: «Урганиб қолади деб қўрқдингиз-а, Зуҳуржон» деб ҳазил қилди, Зуҳуржон хаҳолаб қулиб юборди, чиндан ҳам Рокия опа ҳазил-

лашди деб ўйлаган эди. Рокия опа шу гапни айтди-ю, аммо қалбининг аллақаери жиз этиб кетди, кўзига келгани ёши сездирмади. Яслига тез-тез кириб турадиган Зуҳуржон бир куни Рокия опа яслининг равонида Ёдгорни бағрига босиб, кўз ёши қилиб тургани устидан чиқиб қолди. Ёдгорга ўрганиб қолганидан шундай қиляптими ёки Маъсумахонни эслабми, бунисига тұшунолмади.

Орадан икки йил ўтиб, Ёдгор тилга кириб, чопқиллаб юриб кетганда, Рокия опа Зуҳуржонга жиддий маслаҳат берди:

— Уйланишингиз шунинг учун ҳам зарурки,— деди у меҳрибон кўзларини Зуҳуржонга тикиб,— бола ҳали ёш, ўз онасидек ўрганиб кетади.

Зуҳуржон шу вақтгача уйланиш тўғрисида кимки гап очса қисқагина: «бу ҳақда ўйлаб кўрганим ҳам йўқ» деб жавоб қиласди. Зоҳидов ҳам бир неча бор гапириб кўрди, бўлмади. Ҳозир Ёдгорнинг тарбияси ҳақидаги гап уни ўйлантириб қўйди, индаёлмай қолди. Рокия опанинг ўша ҳазили ҳам, яслига бориб Ёдгорни кўриб юргани ҳам кўз олдига келди, энди тушунди: «Ёдгорга яхшигина ўрганиб қолган экан, унинг тарбиясини ўйлаб, жон куйдираётгани ҳам шундан. Она!..» кўнглидан ўтказди у.

— Нега ўй суриб қолдингиз, Зуҳуржон?

— Ростимни айтсан, ҳеч кўнглим бўлмаяпти.

— Сизга шу маслаҳатни беришга кўнглим боради, дейсизми? Ахир Маъсумахонки мен ҳам...

— Тўғри айтасиз. Ҳали бола ёш... Кейинчалик...

Улар жим қолишиди. Зуҳуржонга бу ҳақда гап очиш — ярасини янгилаш эканлигини Рокия опа яхши тушунарди. Шу туфайли ўзига ташлашга, ўзи бир нима демагунча ортиқча гап айтмасликка уринарди. Зуҳуржон папиросининг чўфи билан кулдондаги гугурт донасини саситишдан бўлак иши йўқдек, ўшанга тикилганча узоқ сукут сақлади, Рокия опа қадаган тугмасининг орқасидан тугун солиб қатимни узди-да, жимликни бузди.

— Ўзиям таниб қопти, кўрди, югуриб келади.

— Сизгами?

— Йў-қ.

— Кимга деяпсиз?

— Зарофатга.

— Зарофат?!

— Ҳа. Ҳали хабарингиз йўқми?

— Нимадан?

— Зарофатниң бориб юрганидан.

— Яслига-я?

— Ҳа.

— Ҳабарим йўқ... Нега боради у?

— Вой, ростдан билмайсизми?— Рокия опа шундай деди-ю, Зуҳуржоннинг юзидағи ҳайронликни кўриб, гапни бошқа томонга бурди. Яхшики, «топишиб олибсизлар-ку» деб ҳазил қилмагани. Рона ранжир экан-да. Кўриниб турибдики, Зарофатнинг бориб юрганини ўшигандага ҳам ўшамайди.— Бир гал Ёдгорни қўлига олиб, эркалатиб тургани устига бориб қолдим. «Келинг Зарофатхон, бор экансиз-ку» десам, «вой, тез-тез келиб тураман, мана ўзидан сўранг» девди. Ёдгор ҳам ҳадегандай дудуқланди. Шуни айтяпман-да. Кўргандир-сиз девдим.

— Йўқ, яслида кўрганим йўқ.

Унинг кўз олдига Зарофат келди. Йўқ, аввал ёнида, кроватда ётган Маъсумахон намоён бўлди. Кейин, елкасига халатни қийшиқ ташлаган, ранги оқариб чўчиған Зарофатнинг палатага кириб келиши, ўтиrsa стул синиб кетадигандай бир чеккасидан секин жой олгани кўз олдига келди. Маъсумахон касалхонада шунча кун ётди-ю, Зарофатнинг боргани шу бўлди. Азасига келдими, йўқми, бунци эслолмайди. Зуҳуржон шундан кейни Зарофатни кўни учратди. Аммо нима учундир ҳар галигисида ҳам ўрталарида «эсон-омондан» бўлак гап бўймас, Зарофат уялибми, ё дугонаси Маъсумахон эсига тушиб кўнгли бузилганиданми, ҳар қалай, Зуҳуржонга тик қаролмай, бош эгигб хайрлашарди. Илгарилари ўйларига келганида Маъсумахон билан чақчақлашиб ўтирадиган, Зуҳуржон билан ҳам бемалол гаплашадиган Зарофатнинг ҳозирги куйи уни ажаблантирмас, буни фақат Маъсумахонга бўлган дўстлик ҳурмати деб биларди. Ҳар кўрганида Зарофат қалбида ҳам ўзидағи сингари аламни сезарди, бу ҳақда гап очмасди. Ёшликтан бирга катта бўлган жонажон дугонасидан ажралиш осонми, ахир.

Кечагина эди. Эшикдан кириб келарди-да, Маъсумахон билан худди ёш болалардек қаттиқ қучоқлашарди. Кейин учовлари гаплашиб ўтиришарди. Бироқ бу гап

узоққа чўзилмасди, Зарофат Маъсумани имлаб, нариги хонага олиб кириб кетарди. Дугоналарнинг орқасидан кулиб қараб Зуҳуржон «хотинларнинг хуфя гапи сира тугамас экан-да» деб ҳазил қиласарди. Баъзида иккала ўртоқ ичкаридан хомуш чиқиб келишарди да, Зарофат шу заҳотиёқ жўнаб қоларди. Баъзида икковлари хахолашиб чиқиб, доира стол ёнига ўтиришар, ўн йиллик, кейин институтни тамомлашгандаги суратлари борми, яна аллақандай расмларни кўриб ўтиришарди.

Зарофат, Маъсумахондан икки йил аввал турмуш курган эди. Бироқ, нима бўлди-ю, эр-хотиннинг оралари келишмади. Зарофат Маъсумахонга ҳасрат қиласиган, эрининг ичкилик ичиб келиб, уйда тўполоң қилишларини йиглаб гапирадиган бўлиб қолди. Бир гал эри калтаклаганида Маъсумахонникига келиб ётгани Зуҳуржоннинг ҳали эсидан чиқмайди. Ҳатто, бу сирни яшириб индинига айтгани учун Зуҳуржон Маъсумахондан хафа бўлган, «чакки қилибсиз, адабини бериб қўярдик» деб ачинган ҳам эди. Улар уч йилча яшаб, ажрашиб кетишди. Бу орада Зарофат кечки мактабда гарс беришга кўчди. Уларникига кам келадиган бўлиб қолди...

Зуҳуржон иккита папиросни чекиб, кулдонда эзгила-гунча шуларни хаёлидан ўтказди-ю, бир хил бўлиб кетди. Назаридা, Зарофатга розилик берса катта хиёнат қилган, гуноҳга ботиб, кўпчилик олдида юзи шувут бўлаётгандай. Рокия опа ҳам, Заҳидов ҳам бундан аввал Зарофатни тилга олишганда эътибор бермаган эканми, қозиргидек бўлмади. У, яна папирос тутатиб, Рокия опага қаради.

— Демак, Зарофатни демоқчимисиз?

— Зуҳуржон, демоқчилигим фақат Ёдгор туфайли. Бу ёғини тағин ўзингиз биласиз.

— Мен ҳам болани ўйлаяпман. Бўлмаса ҳали-бери уйланиш хаёлимда йўқ эди. Шунда ҳам очиқчасига гаплашаман.

— Шарт қўяман деңг? Аммо ётиғи билан айтинг, хотин кишининг кўнгли нозик бўлади.

— Менини ундан ҳам нозик, Рокия опа. Бор ганини айтсан гуноҳ бўладими? Севардим, бутун вужудим билан севардим, ундан менга мана шу Ёдгор қолди, дейман.

— Демасангиз ҳам билади, Зуҳуржон.

Рокия опа шу гапни айтиб, ўрнидан туар экан, «шунақанги эрнинг хотини ўлмаса нима қиласди», деб кўнглидан ўтказди-да, уҳ тортиб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

IV

Тўйнинг эртасига эрталаб Зарофат: «Мен бирров Рокия опанинг олдига бориб қеламан» деб уйдан чиқиб кетди. Очиғи, унинг бу қилиғи Зуҳуржонга ёқмади, энсаси қотганидан, нима ишингиз бор эди, деб сўрамади ҳам. Почтальон келтирган газеталарни кўздан кечирар экан, ўзича ўй суріб кетди: «Бу қанақаси бўлди... Ҳар қандай зарур иши бўлганда ҳам бир оғиз айтиши керак эди-ку. Бугун дам олиш куни, бирон меҳмон келиб қолиши мумкин... тушунолмай қолдим-ку». У, газеталарни йигиб, радионинг қулогини буради. «Оққушлар рақси» музикаси яна Маъсумахонни эслатди. Бу балетни эр-хотини бир эмас, уч марта кўришган эди. Маъсумахонга жуда ёқарди. У, музика садосига халақит бермаслик учун оёқ учида юриб, стол ёнига борди, тортмадан кичик рамкага солинган портретни олиб, узоқ тикилиб қолди. Назарида, театрнинг ложасида ўтиргандай бўлди.

Эшикда оёқ товуши эшитилиши билан расмни тортмага содиб, диванга ёшибоплади. Журнални варақлаб, эшикка ён ўтириб олди. Зарофатнинг кириб келганини пайқаса ҳам қарамади. Кўз очиб юмгунчалик вақт ўтмайёқ «нана» деган жарапнли овоз уйни янгратди. Зуҳуржон журналини ташлаб, ўрнидан туриб кетди. У кўзларини катта очиб кулиб турган Зарофатта қарап экан, Ёдгор югуриб келиб, дадасининг оёқларини қучоқлаб олди. Зуҳуржон уни кўтармоқчи бўлганида, Ёдгор икки оёгини айри қилиб дадасининг қорнига чиқди, қўллари билан бўйнидан маҳкам қучоқлади.

— Дадажон, энди аям телдилар-а, энди тетмайдилами?

— Иўқ, кетмайди, ўғлим.

Зуҳуржон ўғлини диванга қўйиб, худди шу ҳолатни Зарофат билан такрорламоқчи, миннатдорчилик, йўқ, аччайки миннатдорчилик билдириш камлик қиласди ҳозир, дилидагини алланима деб айтмоқчи бўлди-ю, қилюлмади. Бояги, Зарофат кетиданоқ ҳаёлига келган, унинг «қилиғи»дан ранжигани эсига тушиб қаттиқ хи-

жолатда қолди. Кулиб туриб, «Раҳмат, Зарофатхон» деди. Деди-ю, назарида дилидагини айттолмагандай бўлди. Ўғилчаси билан диванга ўтириди. Ёдгорнинг эгнида бошдан-оёқ янги кийим эди. «Демак, Зарофатхон буларни илгаридан ўйлаб қўйган экан... Нега менга айтмаган-а?»—Кўнглидан ўтказди Зуҳуржон. У, шундай бўлишини ўйламаган, Ёдгорни уйга олиб келишни биринки кун ўтгач, тайёрлик кўриб, кейин хотини билан маслаҳатлашмоқчи бўлган эди. Ўёли билан ўйнар экан, ҳамон бояги хижолат кўнглини тирнар, Зарофатга тик қарашга хижолат бўларди. У трубкани олиб, Зоҳидовга телефон қилди, воқиани айтиб берди. Улар ҳам бундай бўлишидан бехабар экан. Рокия опа фақат Ёдгорга кийим тикираётганини биларкан, холос. Зуҳуржон буни эшитгач, қувончини сира ичига сифдиролмади.

— Тоҳир ака,— деди у, Зарофат ҳовлига чиқаб кетган пайтни пойлаб,— ҳақиқий тўй мана бугун, келмасаларингиз хафа бўламан... кутаман...

Ёдгор трубкага ёпишди. Зуҳуржон унинг қулоғига тутиб турди.

— Аям телдила...— деди бола лабларини чўччайтириб.

Мевалар ғарқ пишган, тўкин-сочин ёз кунларидан бири. Зуҳуржон отпуска олиб, хотини, ўғли билан курортга бориш тараддудини кўриб юрган кезларда, уни завод бошқармасига чақириб делегацияга бош қилиб тайинлашди. Харьковдаги машинасозлик заводи колективи билан тузилган мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш анчагина тайёрлик кўришни талаб этарди. Инженер-техник ходимлар йиғилишида ҳам бунга катта эътибор беришди.

«Энг муҳими — мусобақадошларнинг илғор иш методларини ўрганиб қайтиш керак» дейилди. Зуҳуржон бу топшириқни бажону дил қабул қилди. Зарофат канкулда, Ёдгор бўлса уч ёшга тўлган, бурро-бурро гапирадиган бўлиб қолган. Бу жиҳатдан кўнгли тўқ эди. Бироқ Зарофат рўйхуш бермади, бунга.

— Ахир, отпускага чиқишим, дам олишим керак демадингизми? — деди Зарофат унинг юзига тик қараб, — курортга борамиз деб тил учида айтган эканиз-да.

— Зарофатхон, ўйласангиз-чи, ахир бу бутун колективнинг иши-ку,—куйиб-пишиб тушунтира бошлади

Зуҳуржон,— курортга сал кечикиброк борсак ҳечқиси йўқ.

— Сизга шундай-да... Хотин эсингизга келармиди,— Зарофат шу гапни айтиб, эшикка чиқди, даҳлизда ҳовлидан алланима деб ҳархаша қилиб келган Ёдгорга дуч келди. Зуҳуржон бирдан ўғлининг чинқириб йиғлаганини эшилди-ю, зинғиллаб ҳовлига чиққанини очиқ дeraзадан қўриб қолди.

— Ёдгор,— чақирди у,— нима қилди?

Бола ялт этиб дадасига қаради-да, мушти билан кўзини ишқаб кўчага чиқиб кетди. Зуҳуржон нималигини тушунолмай қараб қолди.

— Ўғлингиз мен ҳам бораман деяпти,— деди Зарофат жилмайиб уйга киаркан,— ҳа, бир гап бўлдими, кўзларингиз бежо. Товба, хотин бўлиб, шу гапни ҳам айтольмайман, шекилли.

— Ҳеч гап бўлгани йўқ, Зарофатхон,— деди кулимсираб Зуҳуржон,— Ёдгорни бир нарса чақиб олдими дебман.

— Ҳали шунга шунча қовоқ-димоғми... қоқилиб туниди...

Зуҳуржон бунга эътибор бермади. Хотинининг эътирозини бўлса, ҳазил деб билди, топшириқнинг муҳимлигига яхши тӯшуниб турибди-ю, фақат ёлғиз қолаётганидан шундай деяпти деб ўйларди. Учинчи куни Зарофат Ёдгорни олиб аэроромга чиққани, очиқ чеҳра билан кузатиб қўйганида ўз фикрининг тўғрилигига сира шубҳа қилмади.

Зуҳуржон ўн бир кун деганда, қайтиб келди. Бу гал делагацияни кутиб олгани аэроромга заводдан ҳам кўичилик чиқди. Зуҳуржон улар билан, Зарофат билан сўрашар экан, ўғли қўринмади. Бўлғанида қўлига тутқазиш учун чўнтағига солиб қўйган ўйинчоқни бериб, севинтиарди. Зарофатдан сўрамоқчи бўлиб турганида, ўзи бошчилик қилаётган цехнинг илғор рандаловчи-токари, бир ўйла иккита станокда ишлаётган Сайдов уни гапга тутиб қолди.

— Ростми, ўртоқ инженер, учта рандаловчи станокка кўчгани?

— Ҳа, бир киши эмас, тўққиз киши.

— Ана, айтмабидим: энди рухсат берасизми?

— Рухсат бериш осон. Пухта ўйлаш керак.

— Расчетини қилиб чиқдим.

Сайдов орқали етиб келган Зоҳидовдан сал уялди шекилли, жимиб қолди. Ўзига қолса, йўлда, машина нинг ўзидаёқ ҳамма нарсани ҳал қилиб олармиди!

Зуҳуржон уйга келганидагина Ёдгорнинг касалхонада эканлигини эшитди. Йиқилиб қўлининг суюги лат ебди. Мехмонлар, аҳволи яхши деб шунча юпатишса ҳамки кўнгли тинчимади. Одамлар тарқагач, бирров, бориб, кўриб келмоқчи бўлди.

— Маъсумахон...

— А?!

— Ие, хех, Зарофатхон, сиз дастурхонларни йигиб бўлгунингизча бориб келаман,— деб ўрнидан турди.

— Қаёққа?— ўзини билмасликка олиб сўради Зарофат!

— Ёдгорнинг олдига, соғинибман-а, Зарофатхон,— кулиб гапирди Зуҳуржон,— тез қайтаман.

— Бораверинг, мендан сўраб нима қиласиз,— зарда билан шундай деб тескари бурилиб олди Зарофат,— мени соғинармидингиз, тирноқдек болангизни соғинган сиз...

— Зарофатхон, ахир...

— Бораверинг, дедим-ку,вой, тавба-ей...— чимирилди у.

Зуҳуржон макинтошининг бир енгини кийганича, остона ёнида қотиб турарди. У гап тополмай қолди. Ҳозир нимаики демасин, бир оғиз сўзнинг ўзи жанжалга сабаб бўлишини биларди. Йўқ деса ҳам шу, хўп деса ҳам. У кийимларини оҳиста ечиб, нариги хонага кирди, иш столи ёнига ўтириб, беихтиёр ўйланиб қолди. «Никоҳ кунининг эртасигаёқ ўзи бориб олиб келган Ёдгорни, энди нега ёқтирмай қолди?..» Зарофат қўлида олиб кирган кулдонни стол устига қўя туриб гапирди:

— Борадиган одам тағин нима қилиб бу ёққа кирдингиз?

— Чарчаганга ўҳшайман.. Вақт ҳам кеч бўлиб қолди, Зарофатхон,— деди ётиғи билан Зуҳуржон. У хотинининг боягидан кўра сал ёришганини кўриб, бир оз тинчиди, стол устида тўпланиб қолган газеталарни титкилаш билан ўзини овута бошлади.

Зуҳуржон аллақандай хаёлларга олиб борган бу дили хиравликни бутунлай кўнглидан чиқариб юбормаган ҳам эдики, ёнига иккинчиси қўшилди. Эртаси куни заводдан келиб иш столининг тортмасидан ниманидир

ахтарар экан, рамкадаги расмни кўрмади. Қидиргани нарсаси бу ёқда қолиб, расмни ахтара бошлади. Нима қилсинки, йўқ. Ҳайрон бўлди. Ҳамма нарса жойида-ку, фақат... Ёдгор-ку ололмайди, ким олиши мумкин? Хотинидан сўрамоқчи бўлди-ю, тағин ўзини босди. «Мени синамоқ учун бошқа жойга яшириб қўйгандир, сабр қилай-чи...» деди-да, «металл технологияси» китобининг қоғоз қистирилган саҳифасини очди. Узоқ ўтирди, барibir, хаёл минг ёқда олиб қочиб, похол ичидан игна қидиргандай алланималарни қидиришга мажбур этарди. Мана, қидирганидан биттасини топди. Қишида бўлган воқиа эсига тушди: Зарофат Маъсумахоннинг янги бастон юбкасини буздириб Ёдгорга костюм тиктириб берди. Зуҳуржон буни эртасига билди. Үглининг эгнида бежирим костюмни кўриб севинди. «Жуда яхши қилибсиз» деб хотинидан миннатдор ҳам бўлди. Ӯшанда хаёлига ҳеч нарса келмаган эди. Энди бўлса бу ҳам расм ёнига қўшилди, дили хиралик бадтарлашди. «Ӯзи кийса бўлмасмиди?.. Наҳот ҳазар қилса?..» Дилидан ўтказди у...

Зарофат мактабга кетди. Зуҳуржон анчагача Ёдгорни ёнига олиб расмли китобларни кўрсатиб ўтирди. Үшининг қўли варақлар, оғзи гапиради-ю, хаёли аллақадўларда эди. Худди бирор унга: «Хотининг ўзи ўқитувчи бўлса ҳам, болангга ўғайлигини қиляпти, биляпсанми?» дейинти-ю. Зуҳуржон бунга сира-сира ишонгуси келмасди. «Наҳотки.., йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!..»

V

Эртага байрам дейдиган кечаси Зарофатнинг кўзи ёриди. Алламаҳалгача туғруқхонада қолиб кетган Зуҳуржон кўнгли тинчиб уйига қайтганида, Ёдгор пухфагини кроватга боғлаб, байроқчасини қучоқлаганича, пишиллаб ухлаб ётарди. «Вой, болам, ўзим чиқиб ўтираман, ишиқилиб эсон-омон қутулсии, болангдан кўнглинг тўқ бўлсин» деб уйга чиқиб ўтирган қўшнилари Сойибхон хола мудроқ босиб, диванда ёнбошлаб ётарди. Зуҳуржон эшикдан кириши билан ўрнидан туриб, шошиб сўрай кетди:

— Келдингми, болам, қалай тинчликми, ҳаяллаб қолдинг?

— Эри ёнида бўлса, осон туғади дейишади-ку, мен ҳам ёнида далда бериб турдим-да.

— Вой, туғдими?

— Ҳа.

— Ўзим ҳам айтдим-а, пишиб турувди деб, нима туғди?

— Қиз.

— Жуда яхши, тўнгичи қиз бўлса давлат дейдилар, болам, жуда яхши, омон бўлсин... Менам чиқа қолай, уйинг ўзингга буюрсин, болам.

— Шу ерда ёта қолинг-да, хола.

— Йўқ, болам, чиқай,— кампир коридор томон юрган эди, Зуҳуржон унинг қўлига аллақандай қутича туtkизди.

— Бу нимаси, болам?

— Суюнчи, хола, янги меҳмон суюнчиси.— Зуҳуржон кампирни уйига олиб чиқиб қўйди. Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай, Зуҳуржоннинг уйқуси келмади. Форточекдан кираётган баҳор шабадасидан ҳузур қилиб узоқ туриб қолди. Кроватда ётган ўғлининг кийимидан тортиб байроқчасигача ҳали бошланмаган байрамдан дарак бериб турарди. Уғилчаси эрталаб шошиб қоламан деб, ботинкасини ҳам кийиб ухлаб қолибди. Зуҳуржон диванга ёнбошлаганича ширин хаёллар билан кўзи илинганини билмади.

Эрталаб, ўғлини етаклаб, бир даста гул билан туғруқхонага борди. Қайтишида байрам шодиёнасига ғарқ кўчадан келар экан, боядан бери индамаётган Ёдгор, қўзларини катта очиб дадасининг қўлидан тортди.

— Дада, ойим ниннини урмайдиларми?

Зуҳуржон аввалига бепарво кулди, кейин ўйланиб қолди.

— Нега уради, ўғлим?

— Урсалар ўлиб қолади-а, дада, иннайкейин қаттан оламиз, а?

— Урмайди ўғлим, урмайди.

— Кичкина уйга қамаб қўймайдиларми?

Зуҳуржон нималарни эшитяпти-ю, кимдан эшитяпти? Тўрт яшар ўғли бу гапларни қаердан топяпти?

— Қайси уйни айтяпсан, Ёдгор,— зўрма-зўраки кулиб сўради у.

— Хув, ош пиширадиган уй-чи, ўшани-де.

— Кимни қамайди?

— Чақалоқниям қамасалар ўли-иб қолмайдими?

Кўчанинг ўртасидан ҳам, йўлкадан ҳам юриб бўл-

масди. Сурнайчаларни минг оҳангда чалиб, қулоқни гаранг қилаётган сурнайфурушнинг пайдо бўлиши гапнинг белига тепди. Ёдгор олиб берасан деб хархаша қилди. Қўлига олди-ю, кучи борича чала кетди. Ундан энди гап олиб бўлармиди? Нарироқса боришганда тартаракнинг овози эшитилди. Ундан ҳам олиб берди. Мороженое еяётганида пуфаги учиб кетиб, бўлди ҳангама. Қани энди гапга кўндириб бўлса. Аксига юриб яқин орада пуфак сатаётганлар ҳам кўринмасди.

Бир амаллаб Ёдгорни овутди. Бироқ ўзини босолмади. «Урди, қамади...»—бу сўзлар сира тиним бермасди. Охири, ўзига-ўзи тасалли бера бошлади. «Она бўлгандан кейин эркалайди ҳам, кези келса уради ҳам. Эҳтимол, жаҳли чиққанида «қамаб қўяман» деб пўписа қилгандир. Эсли-ҳушли хотин, педагог бўлса...»

Зуҳуржон уйга келгандагина анча чарчаганини сезди. Ёдгор бўлса кийимларини ечмасданоқ диванда ухлаб қолди. Зуҳуржон унинг ботинкасини ўйқусида ечиб олди. Кроватга ёнбошлаб, ўзи ҳам уйқуга кетди.

Зуҳуржоннинг цех бошлиғидан бошқарма аппара-тига ўтиши ўзига ҳам ёқмай юрди. У стол ёнида, турли чёртёжларни титкилаб, нуқул сводкага ўхшаш ёзишмалар билан ўралишиб ўтиришни ёқтирамасди. Қўп марта илтимос қилди, бўлмади. Зоҳидовдан кўмак кутган эди, «дўстингдан топ» деганларидек, у дабдурустдан «ийе, шу бўлимга худди сиздақалар керак-да» деб цехга қайтиришга кўнимади. Шу-шу бўлди-ю, Зуҳуржоннинг боши командировкадан чиқмай қолди. Ҳар икки-уч ойда бир ҳафта, баъзида иккى ҳафтага командировкага жўнарди.

Ез кунларининг бирида, эртага сафарга жўнайдиган куни. Ёдгор боғчадан келди-ю, олазарак бўлиб ҳовлига қаради, уйларга бирма-бир кириб чиқди.

— Дада, ойим қанилар?— шошиб сўради у.

— Магазинга чиқиб кетди. Нима қиласан?

Ёдгор югуриб келиб, дадасини қучоқлаб олди.

— Дадажон, жо-он дада, ҳозир боқчамизга бориб келасизми?

— Нима қиласман, ўғлим?

— Опам билан гаплашиб беринг, жо-он дада.

— Нимани?

— Кечасиям ётишимни.

— Қаерда?

— Боғчамизда-да. Кўп ўртоқларим шундай қилишади-ку, келинг, жо-он дада.

— Ўғлим, мен командировкага жўнаяпман, ойинг ёлғиз қолса, майлими?

— Ойинг, ойинг, дейдилар-а, ман... ма-ан... — Ёдгор лудуқланди, кейин ҳўнграб юборди.

— Нега йиғлајапсан, ўғлим, менга қара, нима гап, қани, йиғламай гапир-чи?

Зуҳуржон уни бағрига босиб уввало уринди, овутолмади. Юрагига аллақандай ғашлик тушди. У илдам кийиниб, ўғлининг қўлидан етаклаб олди.

— Қани, юрчи, боғчангга,— деганидагина бола кўз ёшларини артди.

Зуҳуржон ўғлини етаклаб бир оз юргач, уни алдаб гапга солди.

— Уйда ётганинг яхшимасми, ўғлим, ойингни, укангни, соғиниб қолмайсанми?

— Ойим ётқизадиларми, нуқул урадилар, нонам бермайдилар-у.

— Нима дединг?!— Зуҳуржон титраб кетди.

— Йўқ, айтмайман, жо-он дада, сизам гапирмайсиз-а, хўпми? Бўлмаса ўлдириб қўядилар, ойим жа-а зўр, гапирмайсизми, дада?

— Нимани гапирмай?

— Мани қамаб қўйишларини-де, Сойибхон бувим ҳеч кимга айтмайдилар, айтсалар у кишиниям ўлдираман деган.

— Сойибхон бувим дейсанми?

— Ҳа, анави бир оёғини мана бунақа қилиб юрадиган Сойибхон буви бор-ку,— у оқсоқланиб кўрсатди,— ўша-да, жа яхши бувида ўзи. Ман жа яхши кўраман.

Зуҳуржон боғчага етгунча ҳеч нарса сўрамай, ўғлини ўз ҳолига қўйиб берди. Ёдгор бора-боргунча шутахлитда пойма-пой галириб борди. Зуҳуржоннинг миаси шундай гангиб қолдики, Ёдгорнинг тарбиячиси билан худди маст кишилардек сўрашди. Гапирмоқчи бўлган сўzlари қовушмай, оғзидан тушиб кетаётганга ўхшарди.

— Опачи, опа, дадам хўп дедилар,— деди бидиллаб Ёдгор.

Тарбиячи Ёдгорнинг бошини силади-да, «бор сен ўйнайвер» деб уни болалар ёнига юборди.

— Ўғлингизга боғча жуда ёқиб қолган,— тарбиячи воқиадан хабардор бўлса керакки, шундай гап бошлиди,— кечасиям қоламан деб жанжал қилгани-қилган. Бўлмаса дадангни олиб кел деб мен юборувдим.

Зуҳуржон шу гапдан кейингина сал эс-ҳушини йиғиб олди.

— Раҳмат, йўқлатганингиз учун,— деди у мамнунлик билан,— агар ўзи хоҳласа, қолдиришнинг иложи бўлса, мен розиман. Бунинг учун нима керак бўлади?

— Ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ, фақат қўшимча ҳақ тўланади, холос.

— Албатта, албатта,— деди шошиб Зуҳуржон,— сиздан мен бир нарсани сўрамоқчи эдим...— у гапни нишадан бошлишини билмай турганида, тарбиячининг ўзи гапириб қолди.

— Кечирасиз. Сўрамоқчи бўлган нарсангизни мен айтиб беролмайман. Буни фақат бош тарбиячи билади. У киши ҳозир бетоб. Мен бир нарсани айтишим мумкини, кеча-кундуз ишлайдиган бўлимда бўш жой бўлмаслигига қарамай, ўғлингизни қабул қиляпмиз. Бош тарбиячи шундай деб тайинлаган.

— Раҳмат сизга. У киши ҳаливери ишга чиқмас-а?

— Бир-икки кунда чиқиб қолар, тумов бўлган экан.

Зуҳуржон гапни чўзмай, у билан хайрлашди. Кейин Ёдгорни маҳкам бағрига босганича қўйиб юборолмади. Қўзидан чиққан бир-икки томчи ёшни тескари қараб зўрға ўглидан яшиrolди. Уйга келиб хотинига айтган гапи шу бўлди:

— Боғча жуда ёқиб қопти. Кеча-кундузгисига ўтказиб келдим.

Зарофатнинг ранги қув ўчиб кетди. Бошқа пайтда бундай гапларга жудаям бефарқ қарамайдиган Зарофат мум тишлагандай, индамай қолди, полда эмаклаб юрган қизини кўтариб, коридорга чиқди.

Зуҳуржоннинг бу сафарги командировкаси командировка бўлмади. Уч кун олдин қайтиб келди. Одатдаги дек Зарофатга телеграмма ҳам бермади. Уйга келиб, қизи билан бирпас ўйнашиб ўтириди-да, овқатни кутмай тўғри боғчага борди. Ёроч панжара орасидан дадасини кўрган Ёдгор ютуриб келиб, Зуҳуржонга отилди, юзларидан чўпиллатиб ўпа кетди. Зуҳуржон ўғлини ерга қўяётганида қараса, шу тўққиз кунда шундай ўзгариб кетибдики, юzlари йилтиллайди.

— Дада-чи, дада,— дёди шошиб битта шоколадни очаркан,— мана бу менинг ўртогим. Унинг оти ҳам Ёдгор.

Бир чеккада ийманиб турган, бўйи Ёдгордан тикроқ олти яшар бола Зуҳуржонга қўл узатди. Зуҳуржон ўғлининг қўлидаги шоколаддан биттасини олиб унга берди.

Зуҳуржон:

— Ўғлим, ойингни соғинмадингми? — деб сўради.

— Укамниям соғиндим, энди сиз командировкага бормасангиз уйга борардим.

Шу пайт равонлик айвондан бош тарбиячи Ҳалима опа кўринди. Зуҳуржон узоқдан бу аёлни таниганга ўхшади, яқинроқ келиб кўришгандагина эсига тушди.

— Мен сизни болалар клиникасида кўрувдим.

— Тўғри. Ёдгорингизни қўли лат еганда борган эдингиз. Қани, марҳамат, ичкарига кирайлик. Сизлар ўйнанглар, болалар.

Улар бош тарбиячининг кабинетига киришди. Ҳалима опа олдин ҳол-аҳвол сўрагач, кейин бутун гапни айтиб берди.

— Умримда ёмон кўрган ишим, эр-хотин ўртасига низо тушириш. Зинҳор бу мақсадда гаплашмоқчи эмасман. Мен ўзим бир эмас, учта етимни тарбиялайман. Биламан. Сиз босиқ йигитсиз, буни мен орқаворотдан яхши билиб олдим. Ишонаманки, бу гаплардан кейин баъзи эркакларга ўхшаб...

— Йўқ, йўқ, хотиржам бўлинг...

— Ёдгор ийқилибмас, бирор қўлидан ушлаб тортган ёки отиб юборганидан қўл суяги лат еган эди...

— А? Отиб юборган?!

— ...Шундай. Ундан кейин нима бўлганини билмайман. Аммо, мен шу ерга келганимга икки йил бўлган бўлса, шу даврда бир-икки ҳодисани сезиб қолдим. Сиз борингизда бола тинчроқ. Икки кун бўлмадингизми, бас, боланинг ҳаловати бузилади. Гоҳ қарасам ранги заъфарон бўлиб келади, гоҳ кўзлари ич-ичига тушиб кетган бўлади. Яна шуниси ҳайратда қоларлики, бола бир оғиз гапирмайди. Шу ёшдаги болаларда бунақангисини сира учратмаганман. Гапга солиб олгунча озмунча қийналганим йўқ. Аста-секин ҳаммасини билиб олдим. Бир сафар командировкага кетганингизда ошхонага қамаб, ўзи меҳмонга кетибди. Бола оч қолиб, йиғлай бергац,

қўшнингиз Сойибхонъ камипир девор ошиб ҳовлига тушиб, форточкадан нон, қанд узатибди. Хотинингиз ҳомила-дорлик пайтида мен уни чақириб гаплашдим. Такрор-ланадиган бўлса судга берамиз дедим. Ҳеч кимга айтманг деб ялиниб чиқиб кетди-ю, барибир, калтакламаса ҳам ундан бадтарроғини қилиб юрибди. Кўпинча оч қўйса керак, боланинг авзойидан шуларни сезаман. Шундай қиладики, ушлаб ҳам ололмайсан, суришириб билолмайсан ҳам... Мен, яқинликларингиздан хабардор бўлганим учун Рокияхон билан гаплашиб кўрдим. Бечора эшитиб, жуда ғазабланди. Илтимоси шу бўлдикси, сизга ётиғи билан тушунириш-у, Зарофатнинг ўзини йўлга солиши... Кеча-кундузликка жойлаштириб яхши қилдингиз. Қани энди бу ёғи нима бўларкин... Фақат бу гаплар орамизда қолишини илтимос қиласман.

— Хотиржам бўлинг, Ҳалима опа. Тушунаман.

— Ҳайронман,— деди икки қўлини ёзиб Ҳалима опа,— бизда худди шунга ўхшаган отаси ўгай бир бола бор. Қарангки, унинг исми ҳам Ёдгор. Онасининг қорнидалигида отаси ўлган экан. Мана ҳозир ёши олтидан еттига қараб кетяпти. Икки ёшидан ўгай отанинг тарбиясида. Отаси оддий бир ишчи. Бола шу вақтгача ўгайлигини билмайди. Ўзимнинг дадам дейди. Ҳар куни ўзи олиб келиб, ўзи олиб кетади. Хотини ҳар замонда келади. У яслидагиси билан овора. Ўйларида ҳам бўлдийм, қизиқдим. Йўқ, йўқ, йўқ, на боланинг етимлигини сезасиз-у, на отанинг ўгайлигини. Қараб туриб, ҳайрон қоламан. Икки Ёдгорининг бир-биридан фарқини қаранг. Зарофат тушуммаган бўлганда айтардингизки, ҳа энди, ўқимаган-да деб. Бинойидек ўқитувчи бўлса. Ана, қаранг, ўша боланинг дадаси келди.

Ҳалима опа Зуҳуржонни дераза ёнига чақирди.

Эшикдан қўпол этикларини гурсиллатиб баланд бўйли киши кириб келди. Қўлида корзинка. Эгнида кўк сатиндан халат. Кирди-ю, скамейкага ўтириди. Боя Зуҳуржон шоколад берган Ёдгор югуриб келиб, дадасининг бўйнига осилди, соқол босиб кетган юзларидан ўпди. Ота-чи? Ўғлининг шимидаги чангни қоқиб, кейин ботин-касининг ипини боғлаб қўйди. Улар етаклашиб дарвозадан чиқиб кетишаркан, Зуҳуржоннинг ўлкаси тўлиб кетди.

У дарди-дунёси қоронги бўлиб, боқчадан чиқди. Уйира қайтаркан «нима қилсан экан?» деган савол мияси-

да ҳукмрон эди. «Ҳозироқ Зарофат билан орани очди қилсаммикин? Йўқ. Буни мен қилолмайман. Иккинчи сини етимча қилиш бундан ҳам оғир. Ялиниб кўрайми? Ялинишнинг ўзи нимаси? Эр-хотиннинг бир-бирига са-мимийлиги, ҳурмати, ҳар қандай ялинишдан юксак эмасми? Ёки... Йўқ. Аёл кишига қўл кўтариш эркакнинг иши эмас. Ҳақорат қилишга тил бормайди. Ҳовлингдаги гулзорни босиб ўтгинг келадими, ахир? Қанийди Зарофат шуларни тушунса, Маъсумахондек демайман, лоа-қал унинг ярмисича тушунса». Бу савол шундай мушкул эдики, назарида, сира жавоб тополмайдигандай.

Магазин ёнидан ўта туриб, йўлкада, мороженое будкаси ёнида ўгай ота билан Ёдгорни кўриб қолди. Бола мороженое ушлаган қўлини чўзиб дадасига Зуҳуржонни кўрсатди.

— Дада, анави амаки-чи, ўртоғим Ёдгорнинг дадаси, инженер...

Зуҳуржон билмасликка олиб ўтиб кетди. Эшигига яқинлашганда папирос тутатиб, ўзини босишга ҳаракат қилди.

Зарофат ошхонада эди. Уйда қизи Латофат йиғларди. Зуҳуржон болани қўлига олди, дастрўмолчаси билан оғзи, бурнини артиб, ойнага қаратди.

— Ана, оппоқ қиз, яхши қиз бўлди.

— Кўнглингиз жойига тушдими? — деди Зарофат орасидан келиб.

Зуҳуржон ўзини зўрга гапдан тўхтатиб қолодди. Жавоб бермай, қиёчаси билан ўйнай берди.

— Эс-ҳушингизни ўша Ёдгор оларди, энди тилингизни ҳам олдими?

— Зарофат! Гапирма! — Зуҳуржон хотинини биринчи марта сансираши эди. У чўчиб тушган қизчасини бағрига босиб, нариги хонага кирди.

— Гапирма-я,— Зарофат шундай деди-да, хонанинг эшигини очди,— нега гапирмас эканман, ердан чиқибманми мен, қани айтинг-чи?

— Бўлди деялман... Қилғиликни қилиб қўйиб, тағин баланд келасиз-а.

— Нима, нима?! Қанақа қилғилик? Ғарлик, ўғирлик қипманми, қани айтинг-чи. Ўша Ҳалима чақма-чақар гапиргандир-да. Ўзим ҳам айтувдим-а, қовоғингиздан қор ёғинти деб. Шум етимчани катта қилиб, кўрган куним шу бўлдими. Бола эмас, бало бўлди у. Туғилиши билан

онасининг бошини еган бола, энди менинг бошимга етмоқчими?

— Бас, қўшнилар эшитади. Бола чўчияпти.

— Эшитсан. Билиб қўйисин, қўшнилар ҳам. Тирноқдек етимча деб не-не азобларни тортяпман.

Хотинининг хулқига тушуниб қолган Зуҳуржон бундай пайтларда тишини-тишига қўйиб туришдан бошқасини билмасди.

Хой десанг қарғади дейишса, пўписа қилсанг калтакладига чиқаришса, умримнинг эгови бўлди-ку, бу етимча. Рокия мактабимга хабар қиласмиш. Ана, жонажон опангиздан келгани. Айтаверсан, қўрқармидим, қўлидан келса қўйдириб юборади-да, нима қиласди.

Зуҳуржон қўлида ухлаб қолган болани кроватига ётқизиб иш кабинетига кирди, эшикни бекитиб олди. Шундай пайтларда ўқиш учун эмас, бирон ергатикилиб, хаёл суриш учунгина қўлга китоб ё журнал олинади. Зуҳуржон ҳам шундай қилиб ўтирибди. Анчагача гоҳ нариги хонадан, гоҳ ҳовлидан хотинининг ўзича жовораётгани эшитилиб турарди.

* * *

Ҳикояни шу ерга келтириб қўйдим-у, бошқа иш чиқиб, давом этдиролмадим. Орадан икки ойча ўтди. Шу орада Зуҳуржонни учратиб қолдим. Ўғлини етаклаб, қизини қўтариб келаётган экан. Иқрор бўлайки, қўрқиб кетдим. Наҳот ажралишгап бўлса? Шошиб Зарофатни сўровдим, «Раҳмат, садомат юрибди!» деб кулди-да, қўшиб қўйди:

— Яна бир ўғил кўрдик.

Шу топда ўғил кўрганидан ҳам тинчлигига севиндим. Янги меҳмон билан табрикладим. Бўлиб ўтган ҳангомалар ҳақида эшитишни истасам ҳам, бу тўғрида ҳозир гап очишини сира ўйламовдим. Ўзи гапириб қолди.

— Аҳволимиз ҳали ҳам эскича. Янгилиги шуки, Зарофат Рокия опани қаттиқ беҳурмат қиласди. Юз қўрмас бўлишди. Үзим командировкага жўнайдиган бўлсам, Ёдгор ҳам жўнайди.

— Ийе, бирга-я?

— Йўқ, биз хизмат командировкасига, Ёдгорвой кечакундуз ишлайдиган боғчага. Билмадим, мактабга борадиган бўлганида нима қиласкинман. Үзим етим ўсиб, ота-онасизликнинг нималигини яхши тушуниб олувдим.

Аммо бунақангү ўгайлар бўлишини билмас эканман.
Қаранг-а?

Хайрлашдик. Кечқурун Абдуқаҳдор аканинг уйига
бордим.

— Зуҳуржонга қойилман. Шунчаям сабр-тоқатли
бўладими, киши десам, Абдуқаҳдор aka оғир уҳ тортиб
олди:

— Шу сабр-тоқат ҳам етмасмикин деб қўрқаман-да.

Ўйланиб қолдим. Ҳикояни давом этдириш керак-
микан?

ТУГОНБОИННИГ ҚИЗИ

Тонг талаш пайт. Туни бўйи кўк юзининг ҳокими бўлган ой ётоғига отланётган, қуёш пар ёстиқдан ноз билан бош кўтариб, заррин кокилларини тараётган ана шу палладаги салқин, мусаффо шабада бутун борлиқни яшнатиб, роҳат баҳш этарди. Кундузлари саратон қуёши тиккадан тиф уриб, еру кўкни қиздирганда энтиқиб, кўз юмолмаган гўдак тонг шабадасига тўйиб-тўйиб пишиллаб ухлаб ётибди. Жазирамага бардош беролмай шалпайиб қолган ўт-ўланлар, қаддини ростломмаган яшил япроқлар диркиллаб турибди. Кундузги қуёш ҳарорати меваларга шарбат бўлиб қуйила ётибди. Бениёси чўлда чаңг-губор ерга чўкиб, тиниқлик кўкка кўчган.

Пахтакорнинг шойи белбоғидек чўлни беллаган, унинг кўрки бўлиб турган канал кундузгидек ланж эмас, совлат тўкиб мағрур оқади. Худди ҳозир тонг отиши кумушдек ялтираб турган шу каналдан бошланадигандай. Ҳа, чиндан ҳам шундай эмасми? Мирзачўлнинг тонги, ҳаёти ана шу каналдан бошланган эмасми? Сувсиз саҳронинг тонги қаёқда-ю, баҳори қаёқда эди бўлмаса, ўша тўлин ой ҳам тонг отаргача бий даланинг янтоғ-у, қурт-қумурсқаларини томоша қилас, қуёш нури сув бетида жилоланмас, шўрхок юзида синарди-ку.

Станциядан оҳиста қўзғалган паровознинг кучли овози тонг пардасини йиртиб, чўл бағрига сингиб кетди. Бир нафас ўтмай той-той пахта ортган катта эшелон канал тепасидаги кўприкдан ўтиб, кўздан фойиб бўлди. Ҳавода қолган узун қорамтири туутун эрий бошлади.

Қия қирғоқ тепасида, сув тақсимловчи түғоннинг төмөр дарвозаси ёнида турган жувон паровоз овози чиққан томонга қараганича, то поезд кўприқдан ўтиб кетгунча кўзини олмади. Унинг тиниқ, кундузги қўёш бўсасининг ҳарорати аримаган юзларида ғуур аралаш табассум балқиди. Чўғдек порлаган кўзлари ҳаводаги тутун изларини кузатар экан, хаёлини бояги поезд узоқ-узоқларга олиб кетди: «Мамлакатнинг қайси шаҳари га олиб бораркан, Ивановогами? Ё Москванинг ўзигами? Қайси бир чевар қиз биринчи бўлиб газмол тўқишига киришаркин? Шу тола Мирзачўл ерида етиширилган ҳосилнинг тўнгич чаноқларидан олинганини билармикин?» Унинг қалби қувончга тўлди, назарида, ҳозир шу эшелонни ўзи жўнатгандай, қабул қилиб олувчилар ҳам буни биладигандай.

Каналдан эсаётган ёқимли шабада кенг, кўкрак бурма оқ батис кўйлагини баданига ёпишириб, ўрта бўй келишган қоматини бутун борлифика намоён қилди, дуррачадан чиқиб қолган соч толаларини сийпай бошлиди. У ҳамон ширин ҳаёлларга фарқ экан, алламаҳалгача уйқу бермаган кечаги воқия эсига тушиб, кўнглини ғаш қила бошлиди.

— Колхоз раисининг ёнига эртаниги сув учун талабни билмоқчи бўлиб кирди-ю, бригадирларга наряд берилаётгани устидан чиқиб қолди.

— Ий-а, ана Нодирахоннинг ўzlари келиб қолдилар,— деди кимdir.

Нодира гап нима тўғрида бораётганини дарров пайқади.

— Эртага қанча сув олишимиз мумкин? — деди тўсатдан ҳосилот советининг раиси, Нодира стулга ўтирасданоқ.

— Уч юз...

— Етмайди,— деди ҳосилот советининг раиси,— ўша нариги, кечиккан участкани охирги марта сугорамиз, тушуняпсизми?

— Тушуняпман,— деди Нодира,— шу уч юзни ҳам эплаб олсаларинг яхши. Бундан кўли барибир исроф бўлади.

— Истроф қилсак жавобини биз берамиз, ташвиш қилманг,— ҳосилот советининг раиси ривожи кечиккан ғўзанинг аламини Нодирадан олмоқчидай қаттиқ-қаттиқ галирарди. Нодира дастлаб бунга парво қилмади.

— Йўқ, мен ҳам жавоб бераман. Билишимча, ўша участка кечикиб сугорилаётганга ўхшайди.

— Қачондан бери пахтага ақлингиз етадиган бўлиб қолди, сув ўлчашни билсангиз-чи, Тўғонбойнинг қизлари,— деди ҳосилот қўйини пахса қилиб,— ёзиб қўйинг, тўрт юздан кам бўлмасин.

Нодиранинг этлари жимирилашиб, ранги оқарди, томогига данакдек бир нарса тиқилгандай бўлди, гапиролмади. Ҳосилотнинг «Тўғонбойнинг қизлари» деган сўзларни камситиш, менсимаслик оҳангига айтиши шундай хўрлигини келтирдики, онаси ўлиб ҳали эгнидан кўки тушмаган кезлари «етим» деган сўзини эшитганда ўпкасини тутолмай йиғлаб юборганидай бўлди. Бошини қуий солиб, қўлидаги дафтарга тикилиб қолди. Йўқ, узоқ ўтиrolмади, дафтарини карнай қилиб ўради-ю, сенин чиқиб кетди. Олдинги хонада ўтирган секретарь қизнинг: «Нодира опа, сизга телефон қилишувди» деганига ҳам қулоқ солмади. Идора эшиги олдида ёниб турган электр чироғининг нури ой ёруғи билан қўшилиб кетган, кенг кўча юзини дараҳтлар сояси қоплаб ётарди. Бинонинг нарироғида магазин қоровули — кекса ҷол аллақандай кўйни хиргойи қилиб ўтирибди. Ундан нарида мактаб, касалхона... Нодира кўчанинг ўртасида бораракан, номус кучлилик қилиб, ўзини босди. Қаттиқроқ уф тортиб юборса бирор сешиб қоладигандай одимни теззлатди. Ялангликка чиқди-ю, косадаги сув қалқигандай ҳўиграб йиғлаб юборди... «Қачонгacha хўрлайди у мени... Нима ёмонлик қилдим, ахир?..» Ўзича шу сўзларни тақрорлар, кўё ўшини тўхтатолмасди.

Чипдан ҳам Нодиранинг гуноҳи нима? Нега энди ҳосилот советининг раиси Шоғулом ака, қизи тенги кела-дигац Нодирани кўпчилик орасида беобрў қиласди? Ахир, Шоғулом ака бир колхознинг битта участкасига ҳосилот бўлса, Нодира бирамас икки колхозга қарайди-ку. Бунинг ўстига колхоз ҳисобида туриш тугул, қўшни колхоз териториясида яшайди-ку.

Гап бунда эмас, бошқа томонда. Шоғулом аканинг битта-ю битта ўели Шомаъруф еттинчи синфини битирганича ўқимай қўйди. Эрка ўсган ўрил ҳеч қаерда ишламади ҳам. Ялтироқ велосипеднинг қизил духоба тутилган ўтиргичига ипак шокила осилтириб, қишлоқма-қишлоқ санқиб юришдан бошқани билмади. Унинг бу юришлари отани завқлантирса завқлантирадики, сира

ташвишга солмасди. Эркатой кўнглига келганини кўксига ураг, аста-секин ўзидан катталарга қўшилиб, район марказига борадиган, биноидек маст қайтадиган бўлиб қолди. Шоғулом ака шунда ҳам индамас, бу тўрида гап очиб қолганларга «бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмагандан кейин...» деб жавоб қайтарадиган бўлиб қолди. Бир неча бор мактабга чақиришди, отоналар мажлисига қўйиши. Фойдаси бўлмади. Охири мактаб директорига шундай жавоб қилди: «Келинг домла, ўзининг хоҳиши бўлмагандан кейин... Ўқиб нима қилиб берарди. Ақли бўлсин. Ўзимиз ҳам камсавод эдикку, сал-пал ёзадиган бўлдик... Мана кам бўлаётганимиз йўқ. Ўғлимиз ҳам бир кун эсини йиғиб олар...»

Эсини йиғиб олиши керак бўлган Шомаъруф тўсатдан Нодирани яхши кўриб қолди. Бир куни колхоз клубига маст ҳолича келиб, қизларга тегажоқлик қила бошлади. Дугоналари орасида турган Нодиранинг ёнига келиб чапанича гап ташлаган эди, Нодира «қадаминги билиб ташла» деди. Яна бир сафар дала ёқасида унга дуч келиб, «қани юр, районга олиб бориб, ўйната-ман, таксида қайтамиз» деганида Нодира қаттиқроқ жавоб қилди: «Йўлингдан қолма, билдингми, иккинчи марта менинг номимни атама». Шомаъруфга Нодиранинг бу гаплари кор қилмади. У «майли, сўкканингиз сўқ оши, урганингиз ун оши» деб илжайиб йўлига тушди. Нодира беихтиёр кулиб юборди. Шу-шу Шомаъруф Нодирани қаттиқ «севиб» қолди ва бу севгисини ҳаммага, ошна-офайниларига керилиб гапириб юрди. Гапиргани етмагандай, ичиб маст бўлган кезларида, қишлоқ кўчаларида дўриллаган бесўнақай овозини барада қўйиб, ашулага унинг номини қўшиб айтадиган бўлди. Аввалига парво қилмаган Нодира, кейинчалик гап-сўзлардан уяладиган бўлиб қолди. Аммо на чора, кимга бориб айтади. Онаси бўлса ўз қулоғи билан эшитмагани учунми, ҳар қалай, қизини юпатишдан бошқани билмасди.

Орадан сал ўтмай Нодираларнига совчи келиб қолди. Ўшандан, «ошиқу беқарор»дан. Шоғулом аканинг ўзи юборганмиш. «Битта-ю битта ўғлим... Нодирани яхши кўриб қолибди. Бошқани олмайман, йўқ деса ўзимни нобуд қиласман деяпти. Нодира ҳам ўзимизники, етимча бечоранинг баҳтини ўйлайман. Фотиҳа қилиб келинглар, тўйни бошлаб юборайлик» деб тайинлаб юборибди.

Яхшики бу гап устида Нодиранинг ўзи бўлмади. Бўлганида совчиларнинг паттасини қўлига бериб, қадам қўймайдиган қилиб юборарди-я. Онаси бундай қиломади. Одоб доирасида жавоб қилди: «Қизим ҳали ёш... тағин ўзи билади».

Совчилар уч топқир келишди. Охири Нодира гапсўзлардан қутуларман деган умидда шартта шундай деди: «Агар ўшанга тегадиган бўлсанм ўзимни сувга ташлайман». Бу гап Шоғулом аканинг қулоғига етиб, разабини қўзғатди. Қишлоқда юзи шувит бўлган Шоғулом ака энди «ўзи менинг tengimmas... дадаси ким эди-ю, боласи нима бўларди. Эси паст чиқибди. Отасига тортибди, ўзини сувга ташлар эмиш» деган гап тарқатди.

Шу кезларда техникумга кириш тараддуудида юргаз Нодира шаҳарга ўқишига кетди-ю, қулоғи тииди. Биринчи йили каникулда бир ҳафтагина онаси ёнида бўлди. Қолган вақтини техникумда қийналган фанларини тақрорлаш билан ўтказди. Ўқиш тугаб, Нодира ирригатор дипломи билан қишлоғига қайтди. Район сув хўжалигий уни шу участкага ишга тайинлади. Бу орада Шомаъруф уйланиб, бир боласи билан хотинини қўйиб юборибди. Иккинчи хотинидан ҳам бир бола бор экан. Саёқ юриб маст ҳолича аллаким билан муштлашган экан, судга тунибди. Ҳозир қамоқда эмиш. Нодира келган куниёқ нақ тоғ отаргача онаси шуларни гапириб берди. «Ақлинигдан ўргилай қизим,— деб Подиранинг пешонасидан ўнди она,— агар ўшанда Шоғуломга қуда бўлганимда сенинг ҳам, менинг ҳам пешонамиз шўр бўлар экан-да, дополик қилдинг-у, бу фалокатдан қутулиб қолдик. Ана энди, ўша, яхши кўрганинг билан қўша қаригин, мен рози, болам, тўйингни қила бер».

Кузакқа бориб Нодиранинг тўйи бўлди. Тракторчи Сотволди билан ирригатор Нодирахоннинг ҳоли қурдат ўтказмоқчи бўлган тўйлари шундай данғиллама бўлдики, қишлоқдагилар ҳали-ҳали гапиришади. Шунда Сотволди Нодирага маслаҳат ташлади:

— Нодирахон, биз ёшмиз. Гина-гудур қилишимиз ярамайди. Бир вақт бўлган гапларни унутайлик. Ҳарна қиласа ҳам қишлоқнинг кексаси ҳосилотни тўйга айтайлик,— деди.

Подира кўнмасди-ю, Сотволди кўндириди. Ўзи бориб Шоғулом акани тўйга айтиб келди.

— Бизнинг ҳам қўмимиз бор. Ўзингиз бош бўлиб турасиз-да, ота,— деди Сотволди қўлини қовуштириб.

Шоғулом ака тўйга келди дейсизми? Йўқ, ўзи ҳам келмади, хотини, келинини ҳам юбормади...

Нодира икки ёни пахтазор кенг кўчадан борар экан, шуларни бирма-бир хаёлидан ўтказди.

— Садқаи одам кетсин-еъ, тўйга айтишга арзирмиди? Сотволди акам қўймади-да... бўлмасам...— худди бирога гапираётгандек шундай деб юборди Нодира.— «Қилмиш — қидирмиш дейишади. Ўғлининг аламини олмоқчими мендан. Нега заҳарини сочади. Қачон қараса ўдагайлаб гапиради, оёғининг остидан чиқибманми, мен...»

Нодира кўчанинг ўнг томонига ўтиб, ариқ ёқалаб кетди. Шу зайлда юз қадамча юрдими-йўқми, дараҳтлар орасидан, олатароқ ой нури тушиб турган ердан ўтаркан, оёғи балчиққа ботиб кетди. Жон ҳолатда ёчверига қаради. Ўзидан ўн қадамча нарида сувнинг шалдираб оқаётганини эшилди. Ҳозиргина тўлиғидан ботгани, бир оёғини лойдан сугуриб олганини ҳам унутди. Ариқдан сакраб ўтиб бўлмайди, сув босган ернинг этагидан айланиб ўтгунча анча вақт кетади. Ўйлаб турмай ҳалқоб сувни кечиб олдинга интилди. Қараса, тўрт кетмонча жойдан сув уриб, далага шариллаб оқиб ётибди. Нодира шошиб қолди. Яқин-атрофда хонаёнлар ҳам, шийпон ҳам йўқ. У қўлини карнай қилиб, кучи борича далага овоз берди. «Оууу...» Кейин қўлига дуч келган ҳамма нарса билан сувни тўсишга уринди. Ариқ лабидаги ўтларни илдизи билан сувурди, лойдан лўмбоз қилди. Охири бўлмагач дараҳт шохларидан синдириб, ўчоққа қалагандек буклаб, боса бошлиди. У шуидай илдам ҳаракат қиласреки, қора терга тушиб кетгани, қўйлагининг этаклари шалаббо бўлиб, юзигача лой саҷрагани, шохларни бостираман деб оёғи тилиниб кетгани — ҳеч қайсисини сезмасди. Оёғи билан шохни босиб турар, энгашиб қўллари билан лой-тупроқ қиртишларди. Нодира ярим соатча уннаб, зўрга сувни тўхтатолди. Барibir, шунда ҳам, тагидан жилдираб турар, агар оёғи билан дам-бадам шиббалаб турмаса, бир оздан кейин ўпириб кетиши турган гап эди. Шу топда битта кетмоннинг қадри шундай ўтдики... бўлганда ўн-ўн беш кетмон тупроқ билан мустаҳкамлаб хотиржам бўлиши мумкин эди. Энди ни-

ма қилиш керак? Тонг отгунча шу ерда ўтириб чиқадими? Кета берса-чи? Эрталабгача озмунча сув нобуд бўладими. Экинлар-чи? Бу оқиша ҳар қандай гўзанинг ҳам илдизини ўририб юбормайдими?

Нодира қаттиқ чарчаб ҳолдан тойганини энди пайқади. Терларини артган дуррачаси шалаббо бўлди. Туфлисини қаёққа иргитганини эслолмади. Гўё буларнинг аҳамияти йўқдек, оёқлари билан шиббалаб турган жойга ўтириб олди. Унинг ҳозирги ҳолатини, бундан бир соат илгариги, болалардек хўрлиги келиб кўзига ёш олгандаги ҳолатига сира ўхшатиб бўлмасди. Бояги Нодира бошқа-ю, ҳозиргиси бошқа. У ҳозир мана шу иши билан, сувни тўса олгани билан катта қаҳрамонлик кўрсатгандай ўзидан мамнун, ич-ичидан хурсанд эди. Шу топда ўнг оёғининг бош бармоғи ачиша бошлади. Пийпаслаб қоронғида кўролмади-ю, ҳар қалай бир нарса тилиб кетиб, қон оқаётганини сеёди, ёнгоқдек лойни бармоғи устига босди.

Кўкда сузиб бораётган ой дарахт панасидан ўтиб, Нодира ўтирган жойни, ариқ лабини ёритди. Қаергача сув босганилиги энди яққол кўринди. Нодира ойга ти килиб туриб, кучи борича қичқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Умрида ёмон кўргани аёл кишининг узоқдан туриб бирор билан гаплашиши эди. Даладами ёки ўз ҳовлисидами овози борича қичқирган аёлни кўрса-ку, «мунча ҳам оламни бошингга кўтарасан?» деб бўйтгуси келарди. Энди бўлса... «Ициқилиб, бирор ёнишмаган бўлсан-да,— ўзига тасалли бера бошлади,— мана, қўлимда ҳеч нарса бўлмаса ҳам бир ўзим сувни тўсдим-ку...»

Шу пайт узоқдан чироқ шуъласи кўринди, кейин мотоциклнинг патиллаши эшитилди. Мотоцикл яқинлашганда Нодира ўрнидан туриб, қўл кўтарди. Кўчани қоплаган чанг-тупроқ орасида мотоциклдан тушган одами кўриб бўлмади. Аллаким ариқдан сакраб ўтди.

— Нодира?

Нодира ўгрилиб, ёнида МТС директари Стрельцовни кўрди. Стрельцовнинг ранги оқариб аъзойи бадани титраб кетди. У, ўзини босиб, Нодиранинг бошидан оёғигача қараб чиқди.

— Нима гап, тинчликми?

Нодира жавоб ўрнига кулди, кейин Стрельцовни йўлдан қолдирганига узр сўраб, воқиани айтиб берди.

— Мана, туфлингизни кийинг,— деди Стрельцов иккى пойи икки томонда ётган туфлини топиб,— кетдик. Бу ишингиз учун сизни жазолаш керак, ҳа, ҳа, кулманг, ўртоқ ирригатор, жазолаш керак.

Нодира ҳамон куларди. Стрельцовнинг оталардек меҳрибон ҳазили ҳам, дўқи ҳам Нодирага билдирилаётган миннатдорчиликдек туюларди.

Сергей Васильевич, ахир, биз кетсак, яна ўприб кетади.

— Бўлмаса шу ерда тунамоқчимисиз? Кетдик. Мен ўзим ҳозир хабар қиласман. Мустаҳкамлаб қўйишади.— Стрельцов шундай деди-да, сув ўпирган жойни этиги билан қаттиқроқ бостириб қўйди...

Нодира эшикка чиқиб кетиши билан полда чордана қуриб ўтирган Нурмат ота иргиб ўрнидан турди.

— Ҳой, ука,— деди у ҳосилот советининг раисига тик қараб,— қўполлиқ ҳам эви билан-да. Ўтган сафар бостириб суғориб, қанча сувни пастга оқизиб қўйганингни унутдингми? Энди нега Нодирага ёпишасан. «Йироф қилсак жавобини берамиз-а», жавобини бермагин-у, орқа-ўнгингга қараб иш тутгин. Давлат шу ишга атайин одам ажратиб қўйса, талабингга қараб тегирмон-тегирмон сув бериб турса-ю, сен хоҳлаганимча оламан, билганимни қиласман деб туриб олсанг. Ўзинг қаерликсан? Эсингдан чиқдими? Ота-боболаринг-ку кафтдек ерини суғоролмай ўтганидан қишлоғининг номини «чала» деб аташган экан. Сен бўлсанг... Кўпам нон тепқилик қиласверма. Иннайкейин Нодирага тил тегизма. У пахтани сендан кам билмайди. Ўқишига кетишидан олдин звенога бошлилик қилганини унутдингми? Шу келди-ю, сув олишимиз ҳам тартибга тушиб қолди. Еш бўлсаям барака топсин.— Нурмат ота яна нимадир демоқчи бўлди-ю, ўтиалиб секин жойига ўтирди.

Нурмат отанинг даккиси раисга ҳам маъқул тушди шекилли, унинг сўзларига эътиroz билдиromoқчи бўлиб, икки марта ўрнидан қўғалган Шоғулом акани имо билан тўхтатди. Наряд охирлаб қолганида телефон жиринглаб қолди. Раис трубкани олиб эшитаркан ранги ўзгарди, ўқрайиб Шоғулом акага қараб қўйдӣ, кейин трубканинг оғзини кафти билан бекитиб, Шоғулом акага деди:— Нариги хонага чиқиб трубкани олинг, машинага ўтириб, ҳозироқ ўзингиз ўша ерга етиб боринг,

Раис яхши қилди. Стрельцов телефон қилганини ҳозир ўтирганлар эшитса шов-шув бўлиши аниқ эди.

...Колхоз боғи ёnidаги кўчадан айланиб чиққан машина каналга етиб, Нодиранинг хаёлини бўлди. Шофер йигит кабинадан қўл силкаб, Нодира билан саломлашида-да, канал ёқасидаги йўлдан станция томонга юриб кетди. Бурқсиб кўтарилиган чанг анчадан кейин босилди.

Нодира соатига қараб, сув тақсимловчи темир дарвозанинг мурватини энди бурамоқчи бўлиб турганида, орқасидан «ҳорма, қизим» деган овоз эшитилди. Угирилиб, елкасига кетмон ташлаган Нурмат отани кўрди.

— Келинг, ота, жуда вақтли чиқибсиз-а?

— Одатим ўшу, она қизим, фира-шира тонгдаёқ уйқум қочади.

Нурмат ота шундай деди-да, кетмонини тол тагига қўйиб, канал қирғоғига чўккалади, худди сув юзидан бир нарса қидираётгандек тикилиб қолди. Канал шу қадар тинч оқардики, унда сув эмас, яхлит ойна тургандай.

— Ота,— деди кулиб Нодира,— сувдан бир нарса топдингизми, тикилиб қолдингиз?

— Хо қизим, сувнинг нимасини айтасан. Ундан бутун ҳаётимизни топганмиз. Оби ҳаёт бу. Бир қатра сув бўлса-ю, ундан қуёш жилва қилиб турса, ўша ерда ҳаёт бор деявер. Оқишини қара, тикилиб тураверсам кўзимга пур қўшилавергандай...

Нодира Нурмат отани эсини танигандан бўён биларди. Мирзачўлга ҳам бирга келишган. Нодира гўдаклигида ўлиб кетган ўз отаси Тўғонбой ҳақида, Нурмат отадан жуда кўп нареаларни эшитарди. Ота шундай гапириб берардики, Нодира худди ҳозир дадасини тирик кўргандай бўларди. Нурмат отанинг айтишича, улар жуда қалин дўст бўлишган экан, қишлоқдагиларнинг кўпи оға-ини деб ҷақиришар экан. Нурмат ота ҳар гал ҳикоя қилганида ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш келар, «кеексалик-да» деб артиб оларди-да, яна кетидан «даданг сенинг шундай бўлганингни кўрса борми, юраги ёрилиб кетарди» деб қўшиб қўярди.

Нодира турмушга чиққан йили онаси вафот этди. Орадан бир йил ўтиб, фарзанд кўрди. Шундан бўён у айниқса, Нурмат отага суюниб қолди. Мана ҳозир уч болалик бўлибдики, отасини кўргандай, у борса, қизини қўмсагандай ота келиб туради.

Нодира соатига бир қараб олди-да, дарвоза мурватини яна бураб қўйди, қўлидаги карнай қилиб ўралган газетани ёзиб, отанинг ёнига ўтириди. Унинг фикри-хаёли кечаги воқиада.

— Ота, мунча ўдағайламаса, тўнини тескари кийиб олганини қаранг!

— Эй, қизим, битта аҳмоқ гапирди, қўйди-да. Аламини кимдан олишни билмай юрибди. Бериги участкада эрта-индин теримга тушилади-ю, унинг участкаси ҳалигача сугорилади... Парво қилма... Бунинг устига-устак, кечаги сув тошиб кетганини айтмайсанми! Ҳой, Нодира, тағин гап билан бўлиб, сувни кўп очиб юборма, қизим.

— Йўқ, хавотир қилманг.

— Сувни қара-я... Бай-бай-бай... Ўзинг кимсан? Биласанми, қизим?

— Бу нима деганингиз, ота?

— Оҳо, илгари вақтларда бунақангги сувга беш-олтита бой ҳам хўжайн бўлолмасди. Ҳар сафар сени канал ёқасида кўрсам шу эсимга тушади. Мана энди қара, сув кимники деб бирор сўрамайди ҳам, кимники деганинг ўзиники... Ерга уруғ тушди дегандан бошлаб, кузаккача деҳқоннинг ташвиши сув бўларди, сув бошидагилар билан, этакдагилар ўртасида доим тўпалон, уришжанжал эди. Бойнинг ерига ўтган ариқдан бир хўплам олиб кўр-чи, авлодинг билан ё кўчириб юборади, ё ундан қаттиқроқ жазоингни берарди.

— Ота, ўсмасини юваётган қизни урган ким эди?

— Ҳе, қаёқдан эшитувдинг буни, қизим?

— Ойим айттардилар-у, кимлигини эслолмас эдилар.

Нурмат ота оғир хўрсиниб олди.

— Мирзакарим деган бой эди. Ўз қўлида чорикор бўлиб ишлайдиган Абдухалил тонг отарда ҳовлисидаги раҳён, кашичларини сугораман деб сув боғлаб иелибди. Бой эрталаб шу кўчадан ўта туриб қараса, Абдухалилнинг эшиги олдидаги ариқчада сув оқяпти, етти яшар қизи ариқ лабида ўтириб, ўсмасини юваётган экан, бой кела солиб бола бечоранинг белига қамчи билан туширибди-да. Қизча шўрлик қўрққанидан йиғини ҳам унутиб, дағ-дағ титрармиш. Устига дод солиб онаси чиқса, ноинсоф бой «сувни ким бойлади» деб уни қаттиқ ҳақорат қилибди. Эй, нимасини айтасан...

Ота яна хўрсиниб олди.

— Қизим, сендан яширган бир гапим бор эди. Бир мен эмас, раҳматлик онанг ҳам қизимга айтмай қўя қолинг деб тайнинларди. Энди ёш бола эмассан, айтишим керак.

— Нимани?!— қўрқиб сўради Нодира.

— Э қизим, не иложим бор, оғир бўлса ҳам гапираман. Кеча, ҳосилотнинг авзойини кўриб, жаҳл устида айтиб, кўнглини ранжитадими, деб хавотир қилувдим. Унинг шунаقا ярамас одатлари ҳам бор. Қаердандир эщитиб қолган, билмайман, тунови куни гап очганда койиб берган эдим...

— Нима ўзи, ота?

— Отанг, сувга чўкиб ўлган эмас, қизим. Ҳалиги бераҳм бой уни тўғонга бостириб юборган.

— А?! — Нодира беихтиёр қичқириб юборди, кейин икки қўли билан юзини бекитиб ҳўнграб йиғлай бошлиди.

— Йиғлама, қизим. Айтсам яранг янгиланади, билардим, на чора... Ҳосилотга ўхшаш бирортасидан эшишиб қолсанг, бундан ҳам ёмон бўларди, деган хаёлга бордим.

Нодира анчагача шу алпозда ўтирди. Кейин кўзидағи ёшни артиб, зўрға сўради:

— Тириклийн-а?

Нурмат ота индамади.

Нодира сакраб ўринидан турди-да, тўғон дарвозаси мурватини шиддат билан буради.

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

Баҳри хола ёйилган хамирни кесиб бўлиб, тахта-ўқ-логини қоқди, урвоқни ўртага тўплаб, супрани йиғиштириб олди.

— Ҳорманг, хола, анча уриндингиз-да? — деди стол ёнида тик туриб, манти тугаётган Ҳалимахон.

— Ҳориганимча йўқ, болам. Шу ҳам иш бўлибдими. Анча-мунча юмушларни ойдинда обёғим бажариб қўяди, — Баҳри хола шу гапни айтиб, ҷарчаганим сезилмасин дегандай даст ўрнидан турди, — асли қайнанангни олиб келаверсанг бўларди-да, Ҳалима, чақ-чақлашиб ўтирадик. Чакки қилибсан.

— Узлари унамадилар. Боланг уйқудан қолади дедилар, — Ҳалимахон тоғорадаги қиймани аралашти-рар экан, Баҳри холага кулиб қаради, — нима, зерикиб қоламан деяпсизми?

— Эй, болам, қарининг тилига қари тушунади, сен билмайсан. Ҳали замон йиғилишиб, стол атрофига ўтирасанлар, шишалар очилиб, ҳаммангга жон киради, «Ўртоқ кампирнинг соғлиги учун» деб биринг айтарсан, — Баҳри хола худди рюмка ушлагандек, қўлини баланд кўтарган эди, Ҳалимахон кулиб юборди, — «кампирвой омон бўлсин» деб биринг ичарсан. Ана шундан кейин кампирнинг ҳам саногини йўқотиб, уйни бошларингга кўтарасанлар, эрларингнинг бағрига қириб, мана бундоқ қилиб, — Баҳри хола қошларини сузиб илжайди, икки қўлини чўзиб, бирорнинг елкасига қўйиб олгандай бўлди. — ўйинга тушиб кетасанлар. Мен

билан ишларинг бўлармиди? Бир чеккада оғзимни очиб ўтиравераман.

Ҳалимахон Баҳри холанинг қилиғидан қотиб-қотиб куларди. Ичкари уйда стол-стулларни тақиллатиб алланима қилаётган Наима онасининг гапларини эшитиб, турган жойидан:

— Ҳа, бошландими,— деб қўйди.

— Шу яхши-да, ўртоқжон, зериқтирмайдилар,— деди Ҳалимахон,— хола, бувам тирик бўлганларида сиз ҳам ўйинга тушармидингиз-а?

— Ҳа, бир камим шу эди! Қайнананг келганида икки кампир ўтган-кетганлардан гаплашиб, дардлашардик дейман-да. Барака топкур, яхши, хушмуомала хотин. Бир марта, қайси йил ҳам эди-я, ҳа, мен янги паранжи ташлаган пайтларим эди, ўшанда десанг менинг тоғамникуга келин тушарга бирга борганимиз. Ажойибу гаройиб ҳангома бўлган-да,— Баҳри хола ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Паранжи ташлаганингизни биламан, хола,— деди Ҳалимахон унинг сўзини бўлиб,— уйдан ёпиниб чиқиб, артелнинг эшигига борганингизда тахлаб, рўмолга ўраб олар экансиз,— кулиб қўйди Ҳалимахон. Қамирнинг авзойи ўзгаргандай бўлди.

Шу гапни айтиб нима қиласди. Ҳозир ҳамманинг ёдидан кўтарилган, бир вақтлар бутун маҳаллада, артелдагилар орасида гап бўлган воқиани унинг эсига солди-ю, эски ярани янги қилгандек Баҳри холани ранжитди, қўйди. Ўша пайтларда уйдан паранжи ёпиниб чиқиб кетарди-да, артелнинг эшигига яқинлашганда рўмолга тугиб, билинтирмай қўлтиғига қисиб оларди, ё бўлмаса шу орадаги хонадонлардан бириникига қўйиб кириб кетарди. Буни бирор сезарди, бирор сезмасди. Баҳри хола артелга бир йилча шу зайлда қатнаб юрди. Бир куни артелнинг филоф цехида мажлис бўлди. Шунда кимдир «ичимизда номига паранжи ташлаганлар ҳам йўқ эмас» деб қолди. Баҳри холанинг устидан бир чеклак совуқ сув қўйгандай ранги учиб кетди. Хайриятки, иотиқ унинг номини тилга олмади. Шу куни кечқурун уйга келиб бутун воқиани эрига айтиб берди. «Хўжа кўрсинга паранжи ташлайдиган бўлсан, ишга ҳам бормайман, паранжини қайта ёпиниб оламан» деди.

Пахта заводининг ишчиси Зокир aka хотинининг гапига тезда жавоб бера қолмади. Салкам ўн йилдан

буён заводда ишлаб, обрў ортдирган, кейинги йилларда заводда ҳам ўзбек хотин-қизлари ишлай бошлагани, маъмурият уларга алоҳида шароит туғдириб берадигани кўз олдидан ўтди. Фақат маҳалладаги бир-иккита тақвodor кексаларнинг эртаю кеч гузардаги мачит ёнида ўтириб олиб, фалончининг хотини паранжи ташлабди, фалончининг келини «ундоқ-мундоқ» деб шама қилишлари уни бир оз ўйлантириб қўйди. Баҳри хола хомушлигича ҳамон эридан жавоб кутар экан, шундай деди: «Ҳамма гап маҳалла активларида. Беш-олтига аёл паранжи ташлади деб қўл қовуштириб ўтиришади. Агар ҳамма бирдан ташласа бунақа бўлмасди». Зокир ака ялт этиб хотинига қаради. «Тўғри айтасан, хотин. Аммо шуниси ҳам борки, эркаклар эмас, хотин-қизлардан тузилган актив яхши ишлаши керак. Биттаси сен бўлганингдан кейин...» Зокир ака маслаҳат ўрнига унга пичинг қилгани Баҳри холанинг сал жигига тегди. «Энди сиз ҳам танқид қилмоқчимисиз. Мана бўлмасам, мендан кўринг, комиссияга ўзим чиқиб гапираман» деди-да, худди ҳозир чиқмоқчи бўлгандай ўрнидан турди.

Шу-шу бу рўдапони қўлга олмайдиган бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин паранжисини сўқди-да, ичига эски тускиларни тиқиб, тандир устига ёпиб қўядиган тўқим ясад олди.

Баҳри хола, қаерда паранжидан гап очилиб қолса, ҳаммасини худди кеча бўлгандек кўз олдига келтириб, аллакимдан андиша қилгандай бир хил бўлиб кетарди.

Бирор унга: «Ийе, ҳали шунақами, кимсан раҳматлик Зокирвой мастернинг хотини. Тоҳир докторнинг онаси бўлсангиз, йигирма беш йил ишладим деб ҳукуматдан жарақ-жарақ пенсия ҳам олиб турсангиз... Ӯша вақтда артелга паранжига... Э, қўйинг-э...» деб қўл силтаётгандай бўларди.

Баҳри хола ҳозир қизимнинг жонажон ўртоғини хафа қилмай дедими, ҳар қалай, ётири билан:

— Бўлган бўлса бордир, Ӯша пайтларда... Танқид қилмаган энди сен қолибмидинг,— деди-да, ёш жувонлардек, бошидан тушиб кетаётган рўмоли билан сочини ўраб қўйди.

— Йўқ, танқид эмас, хола, эсимга тушиб қолди-да. Қани, келин тушарда нима бўлди?

Стулга ўтириб, манти тугабошлаган Баҳри хола индамаган эди, Ҳадимахон эркаланиб, ялина бошлади.

— Айта қолинг, жон хола.

Кексалик қизиқ-да. Бир нарсадан сал тегиб қолса ранжиши ҳам ҳеч гап эмас. Бир оғиз ширин сўз билан қувониши ҳам. Баҳри холанинг раъий бир оз ўзгаргандай бўлди.

— Ушанда дегин, кеч қоронғусида тўйхонага кириб бордик. Ана келади, мана келади деб келин кутиб туришган экан. Ровонлик айвонга энди ўтирганимизни биламан. Ҳали нафасимизни ростлаганимиз ҳам йўқ эди. Бирдан ҳовлининг ўртасида тўполон бўлиб қолди. Тоғамнинг хотини, ҳой, тўйбоши-я, келин тушираётган одам-а, шу десангиз рўмолга ўроғлик бир таванни ариқ ёнидаги чорпояга улоқтириб юборса бўладими. Патнус бир ёққа, ичидаги жийдалари бир ёққа, бир кийимлик газмол бор экан, униси ерга тушди. Ҳамма ҳайрон. У бўлса соchlарини юлиб овози борича дод сола кетди: «Не ҳасратда кўрган тўйимни бўз билан қуртлагаң жийдага тенг қилдими-а, кўпчилик ўртасида мени шарманда қилмоқчи эдими-а, мен шу ният билан тўйга айтибмидим-а».

Хотин-халаж уввалоки ялинишди, сира бўлмада. Худди безгаги тутгандек титрайди. «Ҳой, сизга нима бўлди. Айб ахир... Ҳали замон келин келади, қўйсангизчи» деб ҳовуридан туширмоқчи бўлганларни нақ еб қўй яй дерди. Мен ҳам ўрнимдан туриб, олдига бордим: «Ҳой келинойи, ўзингизни босинг, юринг уйга киринг» деярманми, қолдим балога. «Ҳамма иш сиздан келган. Мени шарманда қилмоқчимидингиз-а. Мен унга қўрққанимдан ҳар бири баржашдай келадиган қатлама билан бир кийимлик бориб турган чидалганга чиқарган қилгачидим-а. Менга қайтаргани шуми, ҳали-а. Ош авлиё-ю, нон пайғамбар бўлдими-а. Таванхонада кўпчилик ўртасида ер ёрилмади-ю, ёрга кириб кетмадим. Ё менда қасд-масди бормиди-а» деб менга ёпишиб кетди.

Қани энди уни жаврашдан тўхтатиб, гап уқдиришнинг иложи бўлса. Ҳеч кимга оғиз очгани қўймайди. Нима гаплигига ҳам тушуниб бўлмасди. Шу туришда мундоқ қарасам, ҳалиги таван ўралган ҳошияли рўмол кўзимга иссиқ кўринди. Вой ўлмасам, қаёқдан ҳам келинойимни юпатаман деб, ҳовлига тушдим, дердим. Ҳалиги таван қайнананг Ойпошшаники экан,— Баҳри хола қотиб-қотиб кулди, қўлидаги қиймани товоққа ташлаб, сал ёшланган кўзларини артди.

— Нима гап экан ўзи? — ҳайрон бўлиб сўради Ҳалимахон.

— Нима дейсанми, қайнананг шўрлик таваннинг устига бир кийимлик хом сурпдан бўлак нарса тополмадим, борим шу экан эгачи, нима қиласман девди. Мен ҳам бўлаверади деган эдим. Шуни қилиб борган экан-да, ўзи ҳам жудаям бўзга ўҳшамайди-ю, бундайроқ хом сурп экан. Шуни кўриб жони-мони чиқиб кетибди-да.

Баҳри холанинг афти башарасини бужмайтириб, қўлини пахса қилиб, худди ўзи жанжаллашётгандек ҳаракат қилиши Ҳалимахонни кулгидан тўхтатолмади. Суҳбат охирида эса уни ўйлантириб қўйди. Шу пайтгacha бу воқиани на қайнанасидан ва на бошқа одамдан эшитмагани сабабли Баҳри холанинг гапига жудаям ишонгуси келмади. Борди-ю шу гап рост бўлса-чи? Унда жуда уятли, бирор эшитса кўнгли қоладиган иш бўлган экан-да. Ҳалимахон шуларни хаёлидан ўтказиб, бир оз ўзини босди. Синовчан назар билан Баҳри холага қаради. Тағин ҳазил қилаётган бўлмасин.

— Хола,— деди Ҳалимахон,— гапингизга қараганда тоғангизнинг хотини ҳам анчагина зиқна, енгил эканда. Бўлмаса...

— Ҳа, хасисликда ундан ўтадигани бўлмагандир. Қаҳратон қишида қорни қизғанадиган одам шу эди. Беандишилагини айтмайсанми! Вой, вой,вой... Тоғам шўрлик ҳам ўлиб кетди. Ўша гўйни ҳам кўролмади. Тўйдан бир йил кейин келинойим ҳам вафот этди. Мана йигирма беш йил бўлибди, шунга.

— Тоғангизнинг хотини ойимга ким бўларди, хола? — қизиқиб сўради Ҳалимахон.

— Холасининг овсини эди-да.. Тағин бу гапни Ой-пошшага айти кўрма, зинҳор. Ҳафа бўлади. Ўзим ҳам ҳеч кимга оғзимни очмаган эдим. Ҳозир бир гап келиб қолди-да.

— Оғиз очмаган одам. Менга айтгансиз-ку,— деди ичкаридан Наима.

— Ҳа, сен ўзимникисан, нима бўпти.

— Хола, ойим атай шундай қилганмилар?

— Вой болам, ойинг унақа хотинлардан эмас. Бир айби соддароқ, холос. Ўзи ҳам ўшандан кейин анчагача хижолат торттиб, баъзи тўй-ҳашамларга боролмай юрди,— Баҳри хола иккита мантини туккунча индама-

ди,— ҳамма гап биз хотинларнинг эскича расми-русмийизда. «Олинг қуда, беринг қуда» расми ўлсин. Мана мен...

Устма-уст қўнгироқ жириングлади. Яна алланима демоқчи бўлиб турган Баҳри хола шошиб қўлини сочиққа артди.

— Ҳой Наима, келиб қолишди шекилли, чиқасанми?

Ичкари уйдан Наима чиққунча эшик томондан машинанинг сигнали ҳам эшитилди.

— Овози бизникига ўхшамайди-ю,— деб қўйди Баҳри хола.

— Вой, овозидан танийсизми?— Ҳалимахон ажабланди.

— Ҳа, менга нима бўлибди. Қўчада юзта машина «ду-ду» лаганда ҳам ичидан ажратиб оламан.

Наима чиқиб дарвозани очаётган пайтда ичкари уйда телефон жириングлаб қолди.

— Ана айтмабмидим, янги йил меҳмонлари биринсирин эмас, бирваракай кириб келиб, одамни шошириб қўйишиади деб,— у ичкари уйга кириб, телефон трубкасини олди,— ҳа, ҳа... вой, мантини нимага қиляпмиз, болам, йўқ, қўйинг, ҳой тезроқ келинг, соат тўққиз бўлди-я.

Эшик очилиб, олдинда тўлачадан келган, беш ёшлар чамасидаги болани етаклаб олган ёшгина жувон билан ўрта ёшлардаги йигит кириб келди. Баҳри хола уларга пешвуз чиқди.

— Вой бўйларингдан ўргилай, Санобархон, кел, эсонмисан, омонмисан,— у ўғилчанинг юзларидан ўпди,— қани, қани, пальтонги менга берақол,— Баҳри хола пальтони илмай йигитга қаради,— кел айланай, Воҳиджон, барвақтроқ келсаларинг бўлмасмиди?— Ҳой, бу нима ўзи?— Баҳри хола Воҳиджон узатган катта, оғир тугунни зўрға кўтариб, ҳайрон бўлди.— Ахир нима қилиб шунча нарсани кўтариб юрибсизлар?

— Ҳеч нарса эмас, хола, арзимаган... Наимахоннинг туққанига ўша бирров келиб кетганимдан берли, фурсат тополмадим. Вақти-соати шу бугун битган экан...— деди Санобар Ҳалимахонга боқишлоқчи бўлгандай соchlарини чамбарак қилатуриб.

— Янги йилга қолдирмай дебсиз-да,— кулди Ҳалимахон.

Воҳиджон ечиниб, шляпасини қозиққа илди-да, стулга ўтириди. Баҳри холанинг гаплари унга хотини билан уйда бир соатча қилган жанжалининг давоми-дек туюлди. Бўлган гапни ҳозир ўртага ташламоқчи ҳам бўлди-ю, ўзини босди.

— Аъзам қани, хола?— сўради Воҳиджон ўғлининг ёқасини тўғриларкан.

— Дарров келаман девди, ҳаяллаб қолди. Ҳалиги,— Баҳри хола томоғини чертиб кўрсатди,— ҳа, ўшангга кетувди. Ҳозир телефон қилди. Ҳом чучвара олиб борайми, дейди. Мантини ким ейди дедим, ҳай Ботиржон, югур болам, ўртоқларинг нариги уйда, ўйин қилишя-ти, борақол.

Ботиржон севиниб нариги уйга кириб кетди.

— Ойи, Воҳиджон акам бу ёққа кириб ўтирсинглар,— деди Наима ичкаридан чиқиб.

— Йўқ, йўқ, меҳмонлар келишсин, бирга ўтирамиз, Наимахон.

— Ахир, сиз меҳмон эмасми? Юринг.

Воҳиджон таклифни қайтаролмади. Ичкарига, стол ясатиғлик уйга кириб ўтирмади-ю, нариги хонага, арча атрофида ашула айтаётган болалар ёнига кириб кетди. Наиманинг катта қизи Матлуба укалари Бўстон, Гул-баҳор, Бахтиёрни, ҳозир келиб қўшилган Ботирни тўп-лаб, уларга озарбайжонча «Жўжалар» қўшиғини ўрга-тиш билан овора эди. Пианинода чалинаётган кўй гоҳ бузилар, гоҳ такрорланар, ашулага қараб яна бошдан-сёқ қайтадан чалинарди. Воҳиджон болаларни бир-бир бағрига босиб, кўришиб чиққач, ўзи ҳам уларга қўши-либ кетди, уларнинг қистови билан ашуланинг сўзла-рини билмаса ҳам, нақоратини биргалашиб айта бош-лади.

Воҳиджон болалар орасида анчагача ўтириб қолди. Буни ўзи ҳам сезмасди. Агар меҳмонхонадан кулги овозлари эшитилмаганида яна қай вақтгача ўтиради, буни билиб бўлмайди. У эшикни очиб, бир гурӯҳ эрқак ва аёлларга дуч келди. Янги йил кечасини Аъзамнинг уйида ўтказишга таклиф этилган меҳмонлар эндигина ечиниб, уйга киришган, ҳали ўтиришга улгурмаган ҳам эдилар. Воҳиджон улар билан кўришиб чиқди, худди уй эгасидек меҳмонларни стол атрофига таклиф қилди. Бироқ ҳеч ким ўтирмади. Бирор диванга, бирор кресло-

га, яна бири стулни суреб, чеккароққа ўтириб олди. Сұхбат бошланиб кетди.

Воҳиджон меҳмонларга чой олиб кириш учун манти тугилаётган хонага чиқиб, кутилмаган воқиага дуч келди: хотини Санобар бир чеккада жуда хомуш ўтиради. Башқалар ҳам жим. Воҳиджон фақат Наиманинг «ҳеч шу одатингиз қолмади-да, ойи, жим ўтирасигиз бўлмайдими» деб жеркиб берганини эшитиб қолди, холос. «Булар ўртасида бирон гап ўтганга ўхшайди, аралашмай қўяқолай» деган хаёл билансликка олди.

— Қани, ўртоқ кампир, меҳмонларга чой берасизми?— деб, Баҳри холанинг яқинроғига борди,— манти деган жуда майди иш-да, анча чарчатиб қўйгандир-а, хола?

Баҳри хола орада ҳеч гап ўтмагандай, кулиб жавоб берди:

— Мана бунақа музхона, чанг ютадиган машина чиқарган заводлар нима бўлармишки, мантини ўзи туғиб, ўзи пиширадиган машинани ҳам чиқарса.

Воҳиджон кулиб юборди. «Оббо кампир-е, бўлиб қолар» деб қўйди. Аммо бу кулгига Наима ҳам, Ҳалимахон ҳам қўшилмади. Санобар ҳамон бошини қуийи солганича мовий ранг жемперининг тугмасини ўйнарди. Унинг оппоқ юзлари қизариб, терлаб кетгандай йилтиилларди. Воҳиджон Наима узатган чойнакни қўлни олиб, эшик тутқучини ушлаганида, Санобарнинг:

— Ботир қани, олиб чиқинг, Воҳиджон ака,— деган овозини эшитиб қолди. Воҳиджон ҳайрон бўлиб, хотинига ўгирилди.

— Вой, сизга нима бўлди, ўртоқжон,— деган Наима «кириб кетаверинг» дегандай Воҳиджонга имо қилди.

— Ростимми айтсам, Санобар.— деди Ҳалимахон Воҳиджон кириб кетгач,— холам жуда тўғри айтадилар. У кишининг мана шундай маслаҳатларини эшитганимда, район советига билиб депутат қилиб сайлаган эканмиз деб қўяман. Ахир, сиз билан биз ўзимиз тушуниб олишимиз керак-ку. Бизки, «эскича расм шу экан» деб индамай кетаверсак, тағин кимдан гина қиласа бўлади. Қачонгача патнусга туршак солиб, бир сават ионни бошимизда кўтариб меҳмонга юрамиз. Ярашмай

қолди шу, ўртоқжон. Худди меҳмонга чақирган одамнинг уйида нони ё меваси йўқдай, уни ҳақорат қилаётгандай бўлиб кўринади, билсангиз,— Ҳалимахон Баҳри холага қараб, яна нимадир демоқчи бўлиб турганида ичкаридан Воҳиджон чиқиб қолди.

— Нега Аъзамдан дарак йўқ-а? Машинасида кетибмиди?— сўради у Наимадан.

— Ҳа, келиб қолар,— жавоб қилди Баҳри хола.

Боядан бери хомуш ўтирган Санобар ўрнидан турди. Эрига қаради— Ботирни олиб чиқинг.

— Ҳа, нима гап ўзи, тинчликми?— ҳайрон бўлди Воҳиджон.— Кетаман.

Мантини қасқонга тераётган Наиманинг қўли ишга бормай қолди. Яхши гапириб, ялиниб кўрди, бўлмади. Авжи меҳмонлар йиғилиб, ўйин-кулги бошланадиган пайтда Санобар кетиб қолса... Воҳиджон ҳам хотини билан кетади-да, онасининг «қўполлиги»дан бир хафа бўлса, дугонасининг арзимаган нарсага ўшшайиб, тутган ерини кесишидан бадтар хафа бўла бошлади. Ўрта мактабда ҳам, кейин билим юртида бирга ўқишганда ҳам Санобарнинг шу одатлари қолмаган эди. Тўғри гапни ҳам ўзича тескари тушуниб аразлар, бир неча кун дугоналари билан гаплашмай юрарди. Қўпинча «менинг билганим билган» деб ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасди. Санобар тўнғич қизини туққанда «бешикка солиш» ҳангомасини айтмайсизми? Гапириб берса бутун бир қисса. Воҳиджон жажжи кроватча олиб келди, бўлмади. Наима неча бор гапирди, тушунтирди, эплаёлмади. Үнга «хўп» деди-ю, тағин онасининг «бешиксиз бўлармишми, қийналасан» дейишига лакқа тушшиб, бешик тўйи қилмоқчи бўлди. Наима ҳам бўш келмади. Дугоналари билан Санобарнинг уйига бориб, обдон гапирди. Наиманинг кеннойиси врач. Кимёхон бешикнинг бола тарбиясига катта зарарини айтиб бергандан кейингина Санобар ҳам, оналари ҳам бир оз тушунишди. Бешик тўйи эмас, чақалоқнинг туғилганига катта зиёфат қилиб беришди. Санобар кейинчалик ўзи ҳам тушунди. Ў кейинги боласи Ботирни туққанда дугоналари ўртасида «Бешикка солмайман, бола яйраб ётмаса ўсармишми» дегани ҳали Наиманинг эсидан чиққани йўқ. Мана бугун ҳам худди бешик воқиасига ўхшаб, ҳеч кимга қулоқ солмай ўтирибди. «Ҳамма ка-софат ишламай уйда ўтириб қолганида» деб кўнглидан

ўтказди Наима. Санобарга бир-икки оғиз қаттиқроқ гапиришни ҳам мўлжаллади-ю, ўз уйда бўлгани учун индамай қўя қолди.

— Воҳиджон ака, Санобар, қани туринглар, уйга киринглар,— деди Наима Санобарнинг қўлидан ушлаб.

— Йўқ, кирмайман. Ботир қани?

Воҳиджоннинг кайфи бузилди. Хотинига бир нарса демади-ю, Баҳри холадан сўради.

— Кампир, нима гап ўзи? Айтсангиз-чи?

— Нима гап дейсанми? Ноҳақ гап эмас, иннайке-йин, мендан чиққан гап. Хотинингни мен бир оз ранжи-тиб қўйдим. Ўзи ранжийдиган гап эмас-ку, билмаган одамга... Сенларни ким айтади тушунган, культурний ёшлар деб. Сен инженер бўлсанг, Санобар ҳам ўқи-ган... Тагларингда «Победа»ю, қўлларингда қопдек тугун. Қаёққа? Меҳмондорчилликка, инженер Аъзам Азизовниги,— Баҳри холанинг гап пайрови келгандা отасини ҳам аямайдиган, ҳаммасини очиб гапиради-ган одати бор. Буни Наиманинг дугоналари ҳам, Аъзамнинг ўртоқлари ҳам, қариндош-уруғлар ҳам яхши билишарди. Ҳозир худди шу зайлда қўлини пахса қилиб сўзлай кетди,— тағин ҳам машина айбингни бекитибди. Бўлмаса тугунни шляпа устидан бошингга қўйиб келармидинг?

Воҳиджон гапнинг тагига тушунди. Кулиб юборишига сал қолди. Бу ерга келишдан олдин, уйда хотини билан худди шундай гап бўлгани, Санобарнинг «бўлмаса бормайман» деб туриб олганидан кейин ноилож тугунни машинага ўзи кўтариб чиққанини айтиб юборгуси келди. Хотинини яккалатиб қўймаслик учун ўзини босди,

— Чақалоқни йўқлаганим йўқ девди-да, хола,— Санобарнинг ёнини олди Воҳиджон,

— Ийе, келиб-келиб мен сенга тушунтиromoқчиманми, баракалла-э...

— Йўқ, йўқ,— деди кулимсираб Воҳиджон,— мен тушунаман, фақат...

— Ҳа, нимасига тушунолмайсан?

— Оббо, кампирей, хўп, хўп, биз айбли, шуларни қилмасинми?— ҳеч нарса билмагандек сўради у.

— Ҳеч ким қилмасин деяётгани йўқ. Мана Санобаринг ҳам олам жаҳон нарса қилибди, ҳимматига балли,— Баҳри хола бармоқлари билан санай бошла-

ди,— чақалоққа кўйлак, туфли, жуда яхши. Устига бир кийимлик хонатлас ҳам қўйибди. Хўп, бунисига ҳам майли. Аммо, ростимни айтсан, боя Санобарнинг кўнглига келади деб гапирмовдим, энди айта қолай, мана шу атлас ҳам кўрманага қилинган нарса, негаки, бир кунмас бир кун Наима ҳам худди шунақасидан қайтариши керак. Қани, қайтармай кўрсинчи...

Ҳамма кулиб юборди. Санобар тескарига қаради. Ҳалимахон бўлса Баҳри хола бояги келин тушардаги жанжални айтиб қўймасин, гап бадтарчувалашиб кетади деб юраги така-пуга бўлабошлади.— Воҳиджон Баҳри холанинг даккисидан ич-ичидан завқланаётган бўлса ҳам, ўртадаги ноқулайликни йўқотишга уринарди.

— Қайтармаса-чи?— кулиб туриб сўради у.

— Бўлиб бўпти,— деди Баҳри хола,— «бор товоғим, кел товоғим, келишингда қуруқ бўлсанг ўрта ерда син товоғим» дегани эшитмаганмисан. Мана, мен сенга бир нарсани айтай бўлмаса. Бир йили тоғамникига, буни қара, сен келмасингдан аввал Ҳалимахонга худди шу тўйни гапириб турган эдим, тавақ қилиб, устига бир кийимлик сатинга ўхшаш кул ранг газмол қўйиб борувдим. У менга шунга ўхшаш бир кийимлик қайтарди. Шу-шу бояги сатин эсимдан чиқиб кетди. Йўғе, эсдан чиқиш қаёқда дейсан, ўзим ўшани кўйлакликка мўлжаллаб қўйган эдим, уч-тўрт йилгача ачиниб ҳам юрдим.

Яна кулги кўтарилди. Стулга ўтириб олган Санобар ҳам ўзини тутолмади.

— Ҳа, куласанлар-да. Нима қиламан бекитиб, ростини айтаман-да. Кейин буткул эсимдан чиқиб кетди. Бир вақт қарасам, ҳой, орадан роса тўққиз йил ўтгандан кейин-а, шу десанг, уйимизда қандайдир йифин бўлди-ю, холамнинг қизи худди ўшанақа газмол қилиб келса бўладими. «Меникининг ўзгинаси-я, дедим-у, айри бошлаб уни сандиққа солдим. Орадан сал вақт ўтмай, ҳалиги газмолни олиб, ичини очиб қарасам, ўша-ўша ўзим қилиб борган кийимлик. Қаердан билдинг десангиз, бир чеккасига ўсма тўкилиб, икки қаватига синтиб кетган эди. Ҳайрон қолдим. Тўққиз йил-а, энди кўйлакка бўлмайди-ю, кўрпачага авра қиламан деб, бундоқ ёзиб кўрарманми, тахлоқли турган жойла-ридан узилиб тушса бўладими. Вой ордона қолсин,

дедим-у, ҳафсалам пир бўлди, бўлиб-бўлиб рўмолча дейсанми, сочиқ дейсанми — шунақаларга ишлатдим. Кейинчалик ундан-бундан суриштириб билсам, ҳалиги кийимлик тўққиз йил ичидан бирамас, роса ўн еттита тўй-ҳашамни кўрибди. Шу-шу «олинг қуда, беринг қуда»дан қўлимни ювиг, қўлтиғимга артганман.

— Қойилман, кампир. Гап гапирганда ҳам михлайдиган қиласиз-да,— деб қўйди Воҳиджон.

— Хўш, гапга келайлик. Майли, Санобар атлас қилиб келибди. Буниси ҳам ёмон эмас. Энди мана бу бир дастурхон нони нимаси эди. Ошнинг қуруғи-чи. Гуру чи-ю, ёғидан тортиб, сабзи, пиёзу тузигача. Бу нимаси? Сочки деб олган меваларини гапираётганим йўқ. Қани ўзинг ўйла, айланай Воҳиджон. Мана мен шунисини гапирдим. Борадиган жойимда ошга масаллиқ йўқ, бизни кутиб ололмайди легани бўлади-да. Йўқ, ундей эмас. Турмушимиз мана сўйнадай равшан. Ҳеч нарсага муҳтоҷлигимиз йўқ. Саватда нону ошнинг хомини қутариб юриш ярашимай қолди. Бу ҳам бояги кийимликдай боради, келади. Үрта ерда дастурхон-у одам оворэ, трамвайдаги туртки еганинг ортиқча... Ҳафа бўлсаларинг ҳам, бўлмасаларинг ҳам мен шунга қаршиман.

— Хўп, кампир, хўп дедик-ку,— деди ялингансимон Воҳиджон,— ошнинг хомини қайтариб олиб кетамиз,— у кулиб Санобарга қаради,— ҳали шунга шунчаликми, қўяверинг Санобархон, ёнимизга қоладиган бўлди.

— Ёниңгга-ку қолмайдия, келган нарсани олиб бўпсан-ку, деди ҳазил тоифа Баҳри хола,— сирасини гапирдим-да. Қўйинглар шу одатни. Ярашмай қолди, болаларим.

Эшикдан почтальон кириб келди. Наимага қўл қўйдириб, учта телеграмма ташлаб кетди.

— Қани, ўқи, Воҳиджон!— деди Баҳри хола телеграммаларни унга узатиб,— буни қара, кўзим учебтурвидя.

— Оҳо, иккитаси сизга хола, бири Москвадан, келинингиз Кимёхон, ўғлингиз Тоҳирдан, иккинчиси район Советидан. Мана бу Наималарга алоҳида юборибди, Тоҳир.

— Барака топишсин. Ўзлари ҳам янги йил, янги ойларга ўйнаб-кулиб етишсин,— деди кампир ғуур билин, қошларини чимириб. Унинг бу сўzlари ўтирган-

ларга «кўриб, қўйинглар, хизмат ҳам қилдик, роҳатини ҳам кўряпмиз» дегандай бўлиб эшитилди.

Аъзамнинг кириб келганини ҳеч ким севмай қолди. Қўлидаги оғир сумкаларни қўяр экан, Наимага:

— Машинадагиларни олиб келинг,— деди.

Аъзам олдин Санобархонга қўл узатди. Воҳиджон ҳам, «ҳа энди қалайсан» демоқчи бўлиб турган Баҳри хола ҳам Санобарнинг юзида иссиқ табассумни кўриб, гапни бошқа томонга буришиди. Аъзам сумка ичидан бир пакетни олиб стол устига қўйган эди, Баҳри хола «вой-дод» деб қичқириб юборди. Ичкаридагилар ҳам югўриб чиқишиди. Пакетдаги иккита катта балиқ сувга ўнғигандек шалопплаб полга тушиб, сакрай бошлиди. Баҳри хола қўрққанидан ранги қув ўчиб кетган эди. Анчагача шу ҳолатда ўтириди. Ўйни жаранглатиб юборган кулги арча атрофидаги болаларни ҳам ўзига тортиди.

— Қаёқдан тутдингиз буни, болам?— сўради Баҳри хола Аъзамдан.

— Магазиндан.

Ҳамма ичкари уйга кириб, ясатиғлик стол атрофига жойлашди. Соат 12. Матлуба арчани ёқиб юборди. Унинг учидаги шинга тегай деб турган юлдуздай нур сочиб янги йил кириб келди. Ҳамма ўша томонга бир қараб олиб, қадаҳ кўтарди, бир-бирларини қучоқлаб кўриша кетди. Кечаги бадавлат турмуш, бундан ҳам тўкин-чинлик, фаровонлик, нурли келажакни яққол кўриб турган Баҳри холанинг қўзида севинч ёшлари пайдо бўлди. Билинтирмай секин артиб олди. Худди Баҳри хола айтгандай, «ўртоқ кампирнинг соғлиғи учун» деб қайта-қайта ичишди. Радиола устидаги пластинка тез-тез ўзгарар, стол бир чеккага йиғиштирилиб, ҳамма жуфт-жуфт ўйинга тушиб кетди. Бир рюмка шампанскoe ичиб, қўзи жимирлаб ўтирган Баҳри хола, Ҳалимaxonга деди:

— Айтмабмидим, қайнанангни олиб келганингда анча ёзилиб, баҳри очиларди.

ШОҲИ ДАРПАРДА

Үйингга меҳмон чақириб қўйсанг-у, меҳмондан ҳам зарур ишинг чиқиб қолса, бундан ҳам оғир хижолатлик борми? Тағин келиб-келиб янги йил кечасида-я. Сидиқжон шундайлигини билганда икки кун овора бўлиб, ҳозирлик кўрмасди, ўртоқларини чақирмай қўя қоларди. Маҳбубаҳон-чи? Икки кундан бери овсини билан синглисини ёнига олиб, пиширган нарсаси қолмади. Баъзи аёлларнинг ўринсиз андишаси мана шунақанг пайтда ишнинг белига тепади-да. Бўлмаса ўз эридан андиша қиласидими? Утган куни, жилла бўлмаганда, ке-ча айта қолса бўлмасмиди? Унинг дардини Сидиқжон қаердан билсин? Мана энди нима бўлди. Меҳмонлар авжи бирин-сирин кириб келиб, уйни тўлдирадиган пайтда мезбонлар ҳув этиб қочиб қолса. Билмаганлар нима деб ўйлаши мумкин, ахир.

Янги йил киришига сал кам икки соат қолганида безатиғлик хона, ясатиғлик стол, ҳатто пробкалари очилган шишалар Сидиқжоннинг янгаси Мастура опага қолдирилди-ю, эр-хотин машинага ўтириб жўнашди, кетди. Мастура опа, келадиган меҳмонлар билан таниш бўлганда ҳам бир нави эди. Ҳали замон келиб қолишиади. Уларга нима жавоб қиласиди? «Ўтира туринглар, ҳозир келишади» дейдими? Ҳеч бўлмаса Сидиқжон вақтлироқ келса майлийди-я. Меҳмонларнинг кўнглига бошқа нарса келиб, «кетамиз» деб туриб олишса-я. «Овсиним тушмагур-эй, менга айтса бўлмасмиди. Ёшида, ёшлиқ қилди, Маҳбубаҳон...» Ҳа, энди эсига тушди. Абдукаримнинг хотини Раҳбархонга секин шипшитиб

қўяди, ўзи овқатга қараса, Раҳбархон меҳмонларни эйлаб туради. Шуни бояроқ ўйлаганда-ку, Раҳбархонни айтдириб юборади... Нима қилсин, унинг ҳам боши гангид қолди-да...

Мастура опа ана шу хаёллар билан уйга кириб, коридорга чиқар, яна қайтиб кирар, нима излаб кирганини билмас, ҳар галгисида ё тарелканинг ўрнини алмаштирас, ё стулни тузатиб қўярди. Қийматахта ёнида турган мурҷонни қидириб неча марта уйга кириб чиқди. Шундагина хаёли паришонлигини сезди, ўзига-ўзи тасалли берди: «Вой, эсимни еб қўйдимми, нима, ташвишли ишмиди, бу...»

Ховлидан ғовур-ғувур товуш эшитилди. Мастура опа коридорга чиқмаган ҳам эдики, совға-салом кўтариб меҳмонлар кириб келишди. Боядан бери хувиллаб қолган, фақат самовардаги сувнинг бақиллаши-ю, радионинг паст овозигина сукунатни бузиб турган хонада, меҳмонларнинг суҳбати, кулгилари янграб кетди. Меҳмонлар ҳозирча ҳеч нарса билишмайди. Улар Mastura опа билан кўришаётганда, «Маҳбубаҳон қанилар», «Сидиқжон қани» деб сўрашганича туришибди. Mastura опа ҳаммаларига ҳам, «шу ерда, ҳозир киришади» дан бошқа гап айтмади. У энди ўзини босиб олган, юзларидаги бояги қўрқувга ўхшаган хомушлик қолмаган эди.

Ташқарида эри билан Раҳбархон кўринди. Mastura шошиб коридорга чиқди-да, улар билан кўришди. Раҳбархонни имлаб олиб қолди, коридорнинг чеккарофига етаклаб, қулоғига алланарсани пичирлади. Раҳбархоннинг кўзлари катта очилиб, ранги ўчиб кетди, анчадан кейин ўзига келди.

— Қўрқманг, Masturahon, сиз бу ёғини эплаштира беринг, меҳмонларга ўзим қарайман,— деди-да ичкарига кирди.

Вақт ўтган сари меҳмонлар безовталана бошлишди. Уртага хафалик бўлиб хафаликка, хурсандчилик бўлиб хурсандчиликка ўхшамайдиган ғалати бир жимлик чўқди... Баъзилар кетиш тараддудига ҳам тушиб қолишлишди. Хотинлар бўлса эркаклардан яширинча ўзаро пичирлашишар, алланарсани маслаҳат қилишарди. Бу ноқулайликни Раҳбархон бузди.

— Ҳай, нега чекка-чеккага чиқиб олдинглар, стол атрофиға ўтиринглар, чорак соат қолди-я,

— Тўғрисини айтинг, Раҳбархон, Сидиқжонлар қаёқча кетишган? — сўради меҳмонлардан бири.

— Ростини айтайми,— деди кулиб Раҳбархон,— қани дастурхонга яқинроқ ўтиргилар, ўзларингизга маълумки, ўтган йили янги йилни кутиб олганимизда Сидиқжон билан Маҳбубаҳон ҳали турмуш қурмаган ёшуқ-маъшуқлар эди. Ўша ўлтиришда, бу сафар янги йил кечасини бизникida ўтказамиз, деб тақлиф қилувди. Бундан ҳабарларинг бор. Шундан кейин менга ажойиб бир сир айтган эди. Кечани шундай ўтказамизки, ҳамманинг эсида қолсин, совғани худди ўн иккига занг урганда эшикдан кўтариб кираман, девди. Ҳали замон келиб қолади, жуда антиқа совға ўзи... Энди қутулдими, кўнгилларинг тинчидими?

Раҳбархоннинг шундай гап тўқиб, меҳмонларни ишонтирганига Мастура опа ҳайрон қолди. Бундан ҳабардор баъзи аёллар кулиб юборай дейишиди.

Беш минути кам ўп икки, Раҳбархон қадаҳларга вино, шампанское қуийиб чиқди. Қани, ўзингиз бошланг, дегандай эрига қараганди, у қадаҳни қўлига олди.

— Икки минут... қани, дўстлар, марҳамат,— деди Абдукарим.

— Шошманлар,— деди яна йыгитлардан бири,— мен тушунолмаяпман, ҳазил бўлиб ҳазилга ўхшамаяпти, чин бўлиб чинга... Бир минут қолди-ю, Сидиқжондан ҳам, Маҳбубаҳондан ҳам дарак йўқ. Раҳбархоннинг гапларига ишонгим келмай қолди.

— Ҳазил бўлганда ҳам, унақа-бунақа ҳазил эмас, хурсанд қиласидиган ҳазил, мана қараб туринглар, ҳозир кириб келади, Раҳбархоннинг юзидан кулги ари масди.

— Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, ўртоқлар!

Радионинг овозига қаҳқаҳа кулги билан қадаҳларнинг жаранги қўшилиб кетди.

— Маҳбубаҳон билан Сидиқжоннинг баҳтли ҳаётга учун!

Худди шу минутда Сидиқжон сув солинган стаканинг графинага уриштириди.

— Янги йил, янги меҳмон учун! — деб сувни ичиб юборди.

— Сал ўзингизни босинг, йигит,—диванда боядан бери пинагини бузмай газета ўқиб ўтирган кўзойнакли кишининг бу луқмаси Сидиқжонга оғирроқ тегди. Иссиқ,

озода хонада кийимларини, лойли галошини ҳам ечмай, шляпада ўтирган бу одамнинг кўриниши ёқ, Сидиқжоннинг ғашини келтирган эди. Энди бўлса... У ҳам бўш келмади.

— Кечирасиз,— деди мулойимгина,— бу ер азахона эмас, мулла ака.

— Бўлмаса, ашула айтиб, ўйинга тушадиган жойми?

— Ҳа, энди топдингиз, ака, худди шунаقا қилса арзийдиган жой. Болали уй бозор, деб эшитмаганмисиз? Ана, қулоқ солинг-а,— у қўли билан чақалоқларнинг йифиси эшитилиб турган томонни кўрсатди.

Кўзойнакли киши чақалоқларнинг овозидан қўрқандай тескари бурилиб олди. Унинг бу қиёфасига ғижиниб ўтирган йигит ҳам Сидиқжонга «Бопладингиз» дегандек жилмайиб қўйди.

Шу орада коридор томондан кекса ҳамшира кўринди. Сидиқжон келганидан бери неча марта учрашган бу кампирни яна ўз ҳолига қўймади.

— Янги йилингиз билан табриклайман,— деди шошиб,— нима гап, қаҷон, айтсангиз-чи!

Кампир кулиб юборди. Бу йигит боядан бери на врачни қўяди, на ҳамширани. Қаттиқ гапирмайди ю, ширин сўзлар билан ялийгани-ялииган. Ҳамширани ҳам, акушерни ҳам доктор деб чақиради. «Олов-а, олов» деб кўнглидан ўтказди кампир.

— Яхши йигит, аввало мен доктор эмас, иккиласи ҳар кириб чиққанимда айтипманки, аҳволи жуда яхши, дарди енгил, кўз ёриши осон бўлади... Сабр қилинг,— деди-да, яқиндаги хоналардан бирига кириб кетди.

— Уф,— Сидиқжон бояги йигитнинг ёнига бориб ўтириди,—бюрократ дейдими шуларни?

Йигит беихтиёр кулиб юборди. Гапирган гапи ўзига наша қилдими, Сидиқжон ҳам қўшилишиб кулди. Кўзойнакли киши буларга қараб бир хўмрайиб қўйди.

— Кечирасиз,— деди йигитта ёндашиброқ Сидиқжон,— сизники... кўзи ёриганми?

— Йўқ,— оғир уф тортди у,— операция қилишяпти.

— А?— Сидиқжон чўчиб тушди. Ҳеч гап айттолмади. Шу топда, тўғридан оғзини дока билан ўраган врач кўринди. Йигит иргиб ўрнидан турди.

— Табриклайман, ўртоқ Салимов, операциядан жуда яхши чиқди, хотинингиз ҳам, ўғлингиз ҳам тетик.

Салимовнинг кўзлари чақнаб кетди, врачнинг қўлини маҳкам сиқиб, миннатдорлик билдириди. Сидиқжонни қулоқлаб олганини ҳам сезмай қолди.

— Ўғил муборак энди, оғайни?

— Раҳмат.

Салимов чиқиб кетди. Ўртага думалоқ стол, атрофида стул, диванлар қўйилган хонада кўзойнакли киши-ю Сидиқжон қолди. У беозвота бўлар, дам-бадам соатига қараб, ўзини қўйгани жой тополмасди. Ўйдаги меҳмонлар эсига тушиб, бир оз ўйланиб турарди-да, яна хаёл ичкарига, Маҳбубаҳон ётган томонга олиб қочарди. Қани энди иложини топса-ю, секин коридордан бориб, эшик тирқишидан бўлса ҳам кўриниб, ҳол сўраса. Мана, янги йилнинг ҳам йигирма минути ўтди. Ўтган йилнинг худди шу вақтида қаерда эди. Раҳбар опаларникида ўзбекча вальсга танца тушаётган эди. Ҳозир-чи? Ўз саволидан чўчиб тушди Сидиқжон. «Йўқ, ҳозир ҳам биргаман. Ҳамма вақт бирга бўламан». Бир зумда хаёли оламни кезиб чиқди. Институтни бирга тамомлаганлари, ёздаги практикалар, Маҳбубаҳонни институтда ишлашга қолдириб, уни тўқимачилик фабрикасига юборишганда, «ё бирга институтда қоламиз, ё бирга фабрикага бора-миз» деб туриб олгани, кейин бу гапни ҳазилкаш ўртоқлари «бир-биридан бир қарич ажрамасликка аҳд қилишган» деб асқия қилишиб юргани — ҳаммаси кўз олдидан бирма-бир ўтди.

— Ўртоқ Иноятов!— овозни эшитиб, сакраб ўрнидан туриб кетди Сидиқжон,— ўғил билан табриклаймиз,— деди врач.

— А? Ўғил? Раҳмат сизга доктор. Ўзи қалай?

— Раҳматни хотинингизга айтасиз. Соғлиги жуда яхши.

Сидиқжон шошганидан кўкрак чўнтағидаги ручкасини икки топқир қўлига олиб, яна ўрнига қўйди. У бир парча қоғоз ахтарарди.

Маҳбубаҳондан чиққан жавобни такрор ўқиб чиқдида, ўқдек ташқарига отилди, мудраб қолган шоферни уйротиб, юзларидан ўпид олди.

— Ҳайда, оғайни, учир!

Уйга келганида Абдукарим «Роҳат»га ўйнаётган эди. Сидиқжон эшикдан кирди-ю, қулоч ёзиб ўйинга тушиб кетди. Аммо меҳмонлар ўйнатгани қўйишмади.

— Сал кечиксанг, боплаб хат ёзардиг-у, жўнаб қолардик,—деди ўртоқларидан бири.

Сидиқжон билдики, меҳмонлар воқиадан бехабар. У, ётири билан сўз бошлаган эди, барибир, гапиргани ҳам қўйишмади. Гинахонликлар бирпасда унутилди, янги меҳмон шарафига қадаҳлар жаранглаб кетди.

— Ҳаммаси ҳам майли-я,—деди Сидиқжон, ғовур босилгач,— мен борганимда диванда, жуда олифта кийинган, қирқ ёшлар чамасидаги бир одам ўтирувди. Менга ўхшаганларданdir-да деб эътибор бермадим. Мен ҳам, ёнимдаги йигит ҳам оқ ҳалатли ким кўринса, худди оғзидан хотинингиз туғди, деган гап эшиштагандай дик этиб ўриндан турамиз. Қўйингки, ғалати бўларкан-да, Гоҳ севиниб кетасан, гоҳ хаёл хунук ҳодисаларни кўз олдингга келтириб қўяркан. Ҳалиги одам-чи? Парвойи палак, бирор билан иши ҳам йўқ, газетадан кўз узмайди. Шу пайт соат ўн икки бўлиб қолди. Ёнимдаги йигит менга қараб, қатордан қолмайлик, дегандай стаканга сув қўйди, мен ҳам қўйдим. Янги меҳмон учун деб ичдик-да, кулиб юбордик. Шунда ҳалиги одам: «Ўзингизни босинг, йигит» дейди. Бу гап ёнимдаги йигитга ҳам ёқмади. Мен-ку боплаб жавоб бердим. Бир оздан кейин гап орасида бу ким деб ҳамширадан сўрасам, «Эй, бу одам бизнинг тез-тез келиб турадиган мижозимиз» деб қўл силтади. Тушунолмай елкамни қисган эдим, ҳамшира секин қулоғимга шивирлади:

— Бола кўрса хотинларининг қомати бузилармиш, ўзларининг ишларига ҳалақит берармиш,— деди кулиб. Шу гапдан кейин бу одам кўзимга бадтар ёмон кўриниб кетди. Қаранг, одамлар у ерга фарзанд деб борса, у киши... Эй, садқаи...

...Меҳмонлар янги йилнинг биринчи тоңгини шу ерда қарши олишди. Улар Сидиқжондан яшириқча бўлган маслаҳатга кўра, ўринларидан туриб, вазалардаги гулларни қофозга ўрашди.

— Қани юр, Маҳбубаҳонни табриклаб келамиз.

— Эй, кўрсатмайди, барибир.

— Бугун кўрсатса ҳам кўрсатади, кўрсатмаса ҳам,— деди Абдукарим,— қани, юр!

Меҳмонлар навбатчи врачни ўз ҳолига қўйишмади. Бундай пайтларда Абдукаримдан эпчили йўқ. Гул дастанинг биттасини дарров врачга тутқазиб, уни янги йил билан табриклади. Кейин мақсадини айтди. Врач ҳаде-

гандада кўна қолмади. Ичкарига кириб кетди. Хийла вақт ўтгач, қайтиб чиқди.

— Сира иложи йўқ эди-ю, толеларингга жуда тетик экан, ҳув анови деразадан кўрасизлар.

Маҳбубаҳоннинг кровати деразанинг таккинасида экан. У шундай бошини кўтарди-ю, ҳаво ранг шоҳи дарпардан тортди. Ҳозиргина киритилган гулни қўлида силкиб, саломлашди. Меҳмонлар имо-ишоралар қилиб, уни янги йил, янги меҳмон билан қутлашди.

Улар хайрлашар экан, янги йилнинг биринчи қуёши заррин зиёларини шоҳи дарпардага тўқди, Маҳбубаҳоннинг юзларига соғди. Энди Сидиқжон ҳув бўйдоқлик вақтидаги сингари, дераза тагига келади-да, секин ойнани чертади, шунда шоҳи дарпарда тортилиб, ўғилчасини бағрига босиб турган Маҳбубаҳон кулиб боқади:

— Келинг, дадаси.

БИРИНЧИ ХАТ

— Гулбаҳор, ҳо Гулбаҳор!

Шунақа пайтда ҳеч ким халақит бермаса-да, ўзим хатни нимадан бошлашни билмай диққатман-ку, тагин... жаҳлим чиқиб: «Келавермайсанми, Ёқут» деб юборишимға сал қолди. Ўйлаб тургандарим дарров эсимдан чиқди. Ручкани ташлаб, деразага қарадим-у, худди бирордан уялгандай, ғалати бўлиб кетдим. Агар: «Келавер, Ёқут» деганимда ҳам қизик бўларди-да. Ахир мен бошка уйдаман-ку, бу ерда Ёқут нима қилсин? Аммо овози худди ўшаникига ўхшайди.

Чақирган қиз ўзи ким экан? Мени бу ерда ҳали ҳеч ким танимаса?

Бориб дарпардани очсам, кўча эшик ёнида икки қиз турибди. Уларга: «Хозир» дедим-да, шошиб ҳовлига чиқдим. Уйнинг ёнидаги ғишт ётқизилган йўлкадан борар эканман, нуқул: «Нима деб кўришаман-а?» деб ўйлардим. Худди уй топширигини бажармаган боладек, миямга ҳеч нарса келмасди. Эшикка яқинлашганимда қизлардан бири:

— Биз сизни безовта қилмадикми, ўртоқжон? — деди кулиб.

— Йўқ, қани юринглар, уйга кирамиз,—дедим уларга яқинлашиб.

Қизлар индамай бир-бирларига қараб олишди. Кейин паст бўйли, тўладан келган қиз қўлини узатди:

— Келинг, танишайлик, ўртоқжон. Менинг исмим Лолаҳон,—деди у.

Мен ҳам қўлимни узатдим.

Кейин менинг исмим Мукара́м деб иккинчи қиз ҳам қўлини узатди. Ўзлари таништиргани жуда яхши бўлдида. Мен исмимни айтсаммикан? Йўқ, айтмайман. Боя ўзлари Гулбаҳор деб чақиришди-ку, тагин нима қила-ман тақрорлаб.

Шу туришда Мукаррам кўзимга жуда иссиқ кўриниди. Ҳа, топдим. Эрталаб ўқитувчи мёни синфга олиб кирганида биринчи партада ўтирган эди. Иннайкейин Мукаррам шаҳардаги синфдош ўртоғим Ёқутга жуда ўҳшарди. Баланд бўйи, хипчалиги, қораочалиги худди ўзи. Қошлари ҳам ўсган, қуюқ. Кўзлари ҳам қоп-қора. Бурнининг ўнг томонида битта холи бор экан. Ёқутнинг ҳоли йўқ эди. Иннайкейин кийимлари ўхшамасди. Бўлмаса Ёқутнинг ўзгинаси-я. Овозлари ҳам ўхшаб кетади. Мени чақириган шу бўлса керак. Лолаҳонни эслолмай турибман.

Рост-да, жуда ғалати бўларкан. Уялдимми, қўрқдимми, шошиб қолдимми — билмайман. Ўқитувчи мени синфга олиб қириб, болаларга таништираётганида худди печкаси қизиб турган уйда терлаб кетаётгандай бўлдим. Юзларим ўшанда қизариб кетгандир. Ўқитувчи мени турғизиб қўйиб, анча гапирди:

— Болалар, бугун мактабимизга шаҳардан яна бир ўқувчи келди, нега «яна бир» деди экан? Мендан бошқа ҳам янги ўқувчи келганмикан-а? — Мана танишиб олинглар — Гулбаҳор Пўлатова. Гулбаҳорнинг дадаси шаҳарда машинасозлик заводида инженер бўлиб ишлар эди. Энди бизнинг иккинчи МТСга бош инженер бўлиб тайинланди. Кўчиб келамиз деб, Гулбаҳор тўрт кун ўқишдан қолган. Баъзи дарслардан зарур бўлса ёрдам беринглар, хўпми?

Болалар олдинма-кетин: «Ёрдам берамиз. Хадича Алиевна, ёрдам берамиз!» деб юборишиди. Шунда бадланларим титраганга ўхшаб кетди. Хадича Алиевна менга ўрта қатордаги парталарнинг орқа томонини кўрсатди. Бориб бўш партага ўтиредим. Портфелимни секингина парта ичига қўйдим. Биринчи дарс она тили экан, Хадича Алиевнанинг ўзлари дарс бердилар. Барibir қулоғимга ҳеч нарса кирмади. Ўзим зўрға ўтирганим устига, ҳамма болалар бир-бир шу томонга қараб олишарди. Мен бадтар уялардим. Шуниси менга ёқмади. Синфга янги келган болага шунақа қарай бериб, уялтириш яхшими? Ана шунда Муккамар икки марта

қараб қўювди. Кейин уни танаффус вақтларида ҳам кўрган эдим-у, Лолаҳонни кўрмовдим. Ё кўрган бўлсам ҳам эсимда йўқми. Ҳамма болаларни дарров эслаб олиш осонмики?

— Қани, юринглар, уйга кирайлик,— деб таклиф қилсан, Лолаҳон сўраб қолди:

— Йўқ, сизга халақит берамиз, хатни ёзиб бўлдингизми?

Мен ҳайрон қолдим. Хат ёзмоқчи бўлганимни қаёқдан билишибди экан? Қизиқ-а.

Мен иккинчи синфдалигимда, уйга берилган вазифани доим овозимни чиқарип ўқирдим. Баъзида дарсхонамда ўтириб, китобдан энди икки-уч йўлини ўқий бошлаганимда нариги уйда ўтирган ойим айrim сўзларни нотўғри ўқиётганимни эшишиб қоларди-да, ўшатдан туриб: «Қизим, тўғри ўқи!» дерди. Шу сўзни бошқатдан синчилаб қарасам, хато қилганимни билиб олардим. Китоб менинг қўлимда бўлса, ойим нариги уйдан туриб қандай билдилар-а, деб ўйлардим. Ҳозир ҳам ана шу эсимга тушди. Ўртоқларим хат ёзишимни қаёқдан билишибди экан?

— Йўқ, ҳали ёзганим йўқ. Сизларга ким айтди? — деб сўрадим.

Лолаҳон Мукаррамга қараб кулди.

— Билдик-да,— деб қўйди.

— Айта қолинглар.

— Айтайми?— деди Мукаррам Лолаҳонга қараб ва жавоб ҳам кутмай гапира бошлади:— Биз йўлда, қишлоқ советига кирдик. Опам секретарь бўлиб ишлайдилар. Кирсак, опамнинг ёнида бир жувон гаплашиб ўтирган экан. Опам дарров: «Танишинг, менинг синглим» дедилар. Мен исмимни айтдим, Лолаҳон ҳам. Кейин опам бизларга ҳалиги хотинни таништиридилар. Биласизми ким экан?— деб яна овози борича кулиб, Лолаҳоннинг қўлларини ушлади,— у киши сизнинг ойингиз Мастура опа эканлар.

— Вой... шундайми?

— Ҳа. Кейин биз қизингиз бугун бизнинг тўртинчи «В» синfiga ўқишга борди. Биз ҳозир унинг олдига кетяпмиз, тагин зерикib қолмасин, дедик. Гулбаҳор ҳозир уйдами деб сўрасак, «ҳа, ўртоқларига хат ёзмоқчи бўлиб турувди»— дедилар. Биласизми Гулбаҳор, ойингизни мана шу «Коммунизм» колхозига кутубхона

мудири қилиб тайинлашмоқчи. Маза бўларди-я. Янги китобларни биринчи бўлиб ўқирдик. Ўзиям учта колхоз бирлашгандан кейин кутубхона анча катта бўлиб қолган.

— Катталикка каттаку-я, аммо, китобларни биринчи галда колхозчиларга беришади. Бизнинг мактаб кутубхонамиз бор.

— Борликка бор. Фақат китоблари камроқ.

Мен ойимнинг шаҳарда ҳам кутубхонада ишлаганинг айтмоқчи бўлдим-у, тағин «ойисини мақтар экан» дейишмасин деб индамадим.

— Нима қилиб турибмиз бу ерда, юринглар, уйга кирайлик, гаплашиб ўтирамиз.

Улар рози бўлишиди. Ичкари киришга, икки хонанинг ҳам томоша қилиб чиқишиди. Шу уйга жойлашган куни миз кечқурун МТСдан икки киши келиб, худди ҳозирги дик иккала уйни кўриб чиқишиган эди. Улардан бири — Йўлдош ака деган киши ойимдан: «Уй маъқулми?» деб сўради. Ойим: «Жуда яхши» девдилар, кейин менинг елкамга қўлларини қўйиб: «Хўш, қизчага қаерни дарсхона қилиб берасиз?» деб сўрадилар. Ойим мана шу катта хонанинг бурчагини кўрсатдилар. Жуда яхши киши экан. Кейин ойимдан сўрасам, МТС директори дедилар.

Нариги уйдан иккита стул олиб чиқаётганимда, Лолаҳон: «Дарсхонангиз шу ерми?» деб сўраб қолди.

— Ҳа, шу уйда тайёрлайман. Аммо ҳали дарсхонамни тартибга согланим йўқ, қани ўтиринглар.

— Биласизми, Гулбаҳор,— деди Мукаррам,— хўн дессангиз биргаллашиб дарсхонангизни ясатамиз, майлими?

— Овара бўлманглар, ўзим...— дегунимча бўлмай, Лолаҳон китобларни тартиби билан тахтай кетди. Мукаррам бўлса четлари йиртилган, эскиб қолган қоғозлар ўрнига китоб муқоваларини газета билан яхшилаб ўрай бошлади. Янги ўртоқларимнинг бу иши мени жуда хурсанд қилди. Дадам қишлоққа кетамиз деганингарида Ёқутга ўшаган ўртоқларимдан ажралиб, зерикиб қоламан деб хафа бўлган эдим. Бекорга хафа бўлган эканман. Мана, қаранг, бирга ўсган ўртоқлардай ёрдам беришяпти. Шуларни ўзим ҳам қиласар эдим-ку, фақат нарити уйга жой солишида ойимга қарашиб, қўлим

бўшамади-да. Буни ўртоқларим ҳам билиб туришибди, Эшик тақиллаб, ойим кириб келди. Қизларни кўриб жуда севинди. Дарсхонам энди чиройли бўлиб, кўзга ташланиб турарди. Бу ҳам ойимга ёқди. Фақат бир нарса эсимдан чиқибди. Ўртоқларимнинг келганига анча бўлди-ю, чой қўйиб юборишни ўйламабман. Ойим плитага чойнакни қўя туриб, «эсинг қурсин» дегандай менга лабларини тишлиб қараб қўйдила.

Ўртоқларим ойим келтандан кейин уялишдими, билмайман, «энди сиз хатингизни ёзинг, биз кетамиз» дейишиди. Ойим қўймай нариги уйга таклиф қилди. Улар зўрға бир пиёладан чой ичиб, ўринларидан туришиди. «Нега шошиляпсизлар, бугун уйга берилган вазифа кўп эмас-ку» десам, Лолаҳон: «Биз пахта терамиз» деб қолди.

— Пахта терамиз?!— қизиқиб сўрадим.

— Ҳа, далада эмас, мана бу йўлда тўкилганларини терамиз.

— Мактабимиз пионерлари бўш вақтларида тўкилган пахталарни теришади,— деб кулиб қўйди Мукаррам,— хатингиз бўлмаганда, бирга чиқардик.

— Йўқ. Хатни кечқурун ёзаман, мен ҳам чиқаман, майлими, ойи?

— Бора қол қизим,— деди ойим.

Жуда севиниб кетдим. Ўзим шу вақтгача ҳеч пахта терган эмасман-да.

Учаламиз кўчага чиқдик. Пахта пунктига борадиган кенг тош йўлга қайрилишимиз билан, кетма-кет келаётган машиналарни кўрдим. Вой-бўй, катта юқ машиналарига шунча кўп пахта ортилар эканки, ваҳминг келади. Арқон билан боғланган қанорлар лапанглаб, тушиб кетай дейди. Аравалар-чи, уларга ҳам баланд қилиб қоплар ортилган.

Кўчанинг икки ёнига қаторасига экилган тераклар яшил деворга ўхшайди. Даражатлар орасидан, чап томонда ҳам, ўнг томонда ҳам кенг пахтазорда юрган машиналар кўринди. Мен теракларнинг нариги томонига ўтдим. Лолаҳон: «қаёқقا» деб сўровди, «Хозир, мана бу пахта териш машинасини бир кўриб олай» дедим. Улар ҳам ёнимга келишди. Қарасак, пахтазор жудаям чиройли, нарёғи кўринмайди. Бешта машина бир томонга бориб, кейин орқасига қайтиб пахта териб юрибди. Бир машина даланинг биз турган чеккасига

келганды, катта қопқоғини очиб юборувди, әнча пахта дув этиб ерга тўкилди.

Дадамнинг МТСга келгани жуда яхши бўлди. Мана энди ҳаммасини, пахта териш машинасини ҳам, тракторларни, кўсак чувийдиган машиналарни, ғўзанинг ўсишини, ҳаммасини билиб оламан. Маза!

Мен анчагача шу ерда тўхтаб тургим келди-ю, ўртоқларим кутиб қолишади-да.

Кўчанинг бир чеккасидан пахта пункти томонга юрдик. Шунда тош йўлнинг ўртасида бир сиқим пахтага кўзим тушди. Югуриб бориб биринчи бўлиб олдим. Ўртоқларим менга қараб, кулиб қўйиши. Қарасам ҳалиги пахтанинг ярми чанг а булғонибди. Пуфловдим, чанг кетди. Аммо бир томони озроқ лой бўлиб қолган экан. Нима қилишимни билмай, ариқ томонга бораётган эдим, Лолаҳон кулиб, қўлимдан ушлади.

— Вой, ювмоқчимисиз? Ҳаммаси хўл бўлиб қола-ди-ку. Қўя беринг, ўзи бир зумда қурийди, чанг тушиб кетади,— деди.

Яхшиям айтди. Бўлмаса бир сиқим пахтани ювмоқчи эдим. Шу пайт яна бир машина ўтиб қолди. Худди бизнинг ёнимизга келганды машина тепасидаги қон оғзидан бир сиқимча пахта учиб тушди. Кўриб туриб, илиб олгим келди. Жуда ачиндим. Ерга тушса, тағин боягидай тупроқ бўлади-да.

Пахта пунктигача бир ўзим уч сиқимча пахта тердим. Кейин уни катта дараҳтга қоқиб қўйилган яшикка солдим. Тўкилган пахталарни теришга шундай қизиқиб кетдимки, Лолаҳон билан Мукаррамнинг Тошкент театрлари, мактабимиз, пионерлар саройи ҳақида сўраганларига ҳам чалакам-чатти гапириб бера қолдим. Нима, кейинчалик ҳаммасини айтиб берарман. Ҳозир ишим ундан ҳам зарур-ку.

Пахта пунктига бир неча марта бориб келганимиздан кейин, уйга қайтдик. Йўлда мен Лолаҳочдан:

— Икки килоча тердимми?— деб сўрасам, икковлари хоҳолаб кулиб юбориши. Менинг жаҳлим чиқди. Рост-да, мазақ қилишяптими, мени?

— Ярим кило чиқсаям,— деди Мукаррам.

— Шунча пахта-я?

— Ҳа, пахта ёнгил бўлади,— деди Лолаҳон.

Индамай қўя қолдим. Майли, ярим кило бўлса ҳам яхши. Бўлмаса то бирор териб олгунча ерда чанг босиб ётса, яхши бўлармиди?

Ўртоқларим бизнинг эшигимиз ёнидан ўтиб, уйлагида кетишиди, эрталаб мактабга чақириб ўтадиган бўлишиди.

Ўйга кирдим-у, севинганимдан ойимни қучоқлаб олдим.

— Ойи-чи, оий, ярим килограмм пахта тердим, ярим килограмм!

— Жуда соз, қизим. Яхши қилибсан. Дарсингни тайёрладингми?

— Дарсим озгина. Ҳозир тайёрлайман. Хатни ҳам ёзаман. Шуларнинг ҳаммасини ёзаман, майлими, оий?

— Майли, қизим.

Она тилидан берилган вазифани тайёрлаб бўлиб, хат ёзишга ўтиредим. Кечадан бери миямга ҳеч нарса келмаётган эди. Ҳозир шунча кўпки... қайсисини ёзишмни билмай қолдим. Ҳаммасидан ҳам биринчи марта пахта терганим... ана энди, минг, юз минг тоиниаб оқ олтин ичидан мен терган ярим килограмм пахта ҳам бор. Пионер шундай бўлиши керак-да.

Отряд советининг раиси ўртоғим Ёқутга юборадиган биринчи хатимда ҳозир ҳикоя қилганларимнинг ҳаммасини ёздим.

Ўринга ётиб, анчагача уйқум келмади. Шу кеча тез тонг ота қолса дердим.

...Эрталаб турман, кийиниб нонушта қилиб ўтирганимда, эшикдан янги ўртоқларимнинг ёқимли овозини эшитаман:

— Гулбаҳор, ҳо Гулбаҳор!

БАХОР НАФАСИ

Тонг отиб, атроф-теварак ёришди. Тоғлар орқасидан секин-секин кўтарилиб келаётган қуёш ҳаммадан аввал осмонга қаради. Бугун унинг юзида жиндаккина ҳам булут кўринмайди-ю, фақат салгина чанг ўтириб қолганга ўхшайди. Тўғри-да, ҳали осмон юзини ювганий йўқ, ахир энди тонг отяпти-ку. Мана ҳозир қуёш чиқиб, унинг юзини ювганда қарасанг, бирам чиройли бўлиб кетадики... Кўм-кўк ҳуснига томоша қилиб турсанг кўзинг қамашади. Мана ҳозир... ҳозир шундай бўлади...

— Ака, ҳой ака, турсангчи-э...

Фахриддин худди шуни кутиб тургандек, кўзини очди-ю, сакраб ўрнидён турди, укаси Насибага қаради.

— Эй, чатоқ қилдинг-да.

— Ҳа, турмайсанми, ўзинг мени қанақа уйғатардинг, кўрпамни очиб юборардинг-ку...

— Кўрпамни, кўрпамни...— Фахриддиннинг жаҳли чиққандай бўлди,— ўзим ғалати туш кўраётган эдим, бирпас жим турганингда-ку...— У эринчоқлик билан пайпогини кияр экан, кўрган тушининг нима билан тугашини ўйлай бошлади. Барibir охирига ета олмади. Фикрлари чувалашиб кета берди.

— Қанақа туш кўрдинг, ака?— сўради Насиба.

Фахриддиннинг хаёли бўлинди. «Ҳаммасиа сен сабабчисан» деб укасини уришиб бермоқчи эди-ю, фойдаси йўқлигини ўйлаб қолди.

— Энди поездга чиққан эдим, билдингми...— деди у.

— Поездга?— ҳайрон бўлди Насиба.— Вой, қандай яхши-я.— У бир нарсадан севингандек, кўзларини катта

очиб, деразага, ундан ҳовлига, томларга, осмонга, жуда жуда узоққа тикилди, худди акаси Фахриддин поездга тушиб, узоқ шаҳарга кетяпти-ю, Насиба унинг орқасидан кузатиб қолгандай бўлди. Шу турганича гапира бошлади:

— Нега мен шунақа тушлар кўрмайман-а, ака? Кўрганларим ҳам аралашиб кетади, дарров эсимдан чиқиб қолади. Нега, а, ака?

— Қаёқдан биламан-э... Қани, юр!

Улар ҳовлига чиқишиди. Эртанги шабада, топ-тоза ҳаво Фахриддиннинг юзига гуп этиб урилди-да, бояги кўрган тушларини йиғишириб, осмонга олиб чиқиб кетгандай бўлди. Насиба шунча ялиниб сўраса ҳам, акаси унга кўрган тушини айтиб бермади. Насиба сал аразлагандай бўлди. Акасининг тўғрисига турди-ю, қовоғини солиб олди. Фахриддиннинг командаси билан зарядка қила бошлади.

— Би-р, ик-ки, уч...

Фахриддин оёқ учларида туриб, икки қўлини кўтарди, кўкрагини тўлатиб нафас олди. Шунда у, бугунги ҳавонинг жуда ҳам бошқачалиги, ёқимли эканини сезда. Тўйиб-тўйиб нафас олсанг ҳам, барибир, тўймаётганга ўхшарди, киши? Фахриддин зарядкани давом этдирад экан, «Ана, баҳор нафаси келаяпти...» деган сўзлар эсига тушиб қолди. Ким айтган эди буни-а? Ёки бирон китобда ўқиганмиди? Аммо ўзи миясига жуда яхши жойлашиб олган эди. Сўзларнинг чиройлилиги учунми ёки.. ўйлаб-ўйлаб тополмади.

Зарядкани тамомлаб, ювинди. Нонуштага ўтираётганидагина эсига тушди.

...Ўтган йилнинг худди шунақанги эрта баҳор пайти эди. Ернинг у ер-бу ерида қолган қорлар ҳам эриб кетмоқда. Осмон тип-тиниқ! Биринчи дарсга кирган она тили ўқитувчиси деразанинг бир тавақасини очиб юборди, ҳовли томонга бир қараб қўйди-да шундай деди:

— Ана, болалар, баҳор нафаси келаяпти... Бу йил сизлар биринчи марта йиллик имтиҳон топширасизлар. Бунга ҳозирдан, мана шу учинчи чоракдан пухта тайёрланиб бориш керак...

Биринчи марта йиллик имтиҳон топширишни эшитган Фахриддиннинг юзлари қизариб кетди. Худди унга бирор минглаб киши қатнашадиган йиғилишида доклад қиласан деяётгандай бўлди. То имтиҳонларни топшириб

олгунча, ўқитувчининг бояги сўзлари ҳар куни тақрорлангандаи бўлиб юрди. Ҳозир ўйлаб қараса, бир йил ўтибди-ю, шундай бўлса ҳам бу сўзлар эсидан чиқмабди. Бугунги ҳаво ҳам худди ўшангага ўхшарди. «Энди кун тартибини бошқатдан тузиб, ўтган темаларни тақрорлашга вакт ажратишм керак, деб кўнглидан ўтказди Фахриддин.

У, ана шундай ширин хаёллар билан кўчага чиқди. Мактабга борар экан, яна кўрган тушини эслади. Нима эди-я? Ҳа, вокзал... одамлар жуда кўп, кўлида гулдаста кўтарғанлар-чи,вой-бў... Бир ерда музыка, бир ерда ашула... Поездга чиққанлар ҳаммаси янги ерларни ўзлаштиришга кетаётган йигитлар, қизлар... Фахриддин ҳам шулар билан бирга кетиши керак. Ана у чопиб бориб вагон зинасига оёғини қўйди... Худди шу пайтда ўйғониб кетган эди.

— Эҳ...— деб юборди ўзича,— тағин озгина...

— Салом, Фахри.

Фахриддин ёнига ўғирилиб, Баҳтиёрни кўрди.

— Биласанми, Фахри,— чопганидан нафаси оғзига тиқилиб гапира бошлади Баҳтиёр,— сал бўлмаса дарсдан кеч қолар эканман-а.

— Нега?

— Ухлаб қолибман. Ҳеч ўрнимдан тургим келмайди... Қеча ўзим жуда чарчадим-да.

Фахриддин Баҳтиёрнинг акаси комсомол ўртоқлари билан Қозогистонга, янги срларни ўзлаштиришга боришини эшитган эди-ю, эсидан чиқарган ёкан. Ўртоғининг гапига эндй тушуниди.

— Ийе, вокзалга чиқдингми?— қизиқиб сўради у.

— Ҳа, чиқмайманми. Вокзалнинг ўртасида роса ўйин бўлди-да. Мен ҳам шеър ўқиб бердим... Жуда ҳавасим келди, ўртоқ, тағин икки ёш катта бўлганимда...

— Икки ёш?! Комсомол эмассан-ку?

— Ўшандада комсомолга ҳам ўтардим-да.

— Бўлиб бўпти, ўқишни тамомламай юборишармиди?

Фахриддин шундай деб, энди кўрган тушини айтиб бермоқчи бўлиб турганида, мактаб эшигига етиб қолишиди. Бир зумда улар баҳордай қувноқ болаларнинг тўлқинига қўшилиб кетишиди.

Бир неча кун ўтди. Бу орада неча марталаб «...киришга» ва неча марталаб «... чиқишга» звонок чалинди.

Мактабнинг пионер хонаси. Бу ерда Фахриддин бошлиқ звено пионерлари дарс тайёрлаб ўтиришибди. Бирор китоб ўқиши билан овора, нариги столдаги икки бола бир-бири билан пичирлашиб ниманидир муҳокама қилмоқда. Яна бири китобнинг ўртасига бармоғини сўқиб, уни бекитганича алланарсани ёдлаб олмоқчи. Звено учинчи чоракдаёқ ўтган дарсларни такрорлашга киришган.

Мана, отряд советининг раиси Бахтиёр ҳам шу ерда. Ўрта бўй, қораҷадан келган, думалоқ юзли бу боланинг ўйноқи, ўткир кўзлари ҳозир аллақандай рўйхатга тикилган. Шундай қараганда болаларнинг исми, фамилиялари ёзилган оддий бир дафтар. Аслида, бундай эмас. Қайси фандан ким қачон «2» олгани, қайсисининг дарсга кечикиб келгани, кимнинг ахлоқи қанақалигини мана шу дафтарга қараб айтиб бера олади.

Учинчи чоракнинг бошларида шундай бўлди: пионер Файрат чет тилдан «2» баҳо олиб қолди. Звено пионерлари уни муҳокама қилишди, бўлмади. Шунда Фахриддин Бахтиёр билан маслаҳатлашиб, Файратнинг уйига бормоқчи бўлишди. Звено пионерлари ҳам буни маъқуллашди. Пионерлар Файратнинг отаси, онаси билан сұхбатлашишганда маълум бўлдикни, Файрат «ўртоғимникида дарс тайёрлайман» деб уйдан чиқиб кетар экан-да, кечқурун келар экан. У, ота-онаси, ўртоқлари олдида олдин уялиб гапира олмай турди, кейин ҳаммасини айтиб, «2»сини йўқотишга сўз берди. Натижада, учинчи чорак охирига келиб ҳамма дарслардан ўзлаштирадиган бўлиб қолди. Мана шу воқия ҳам Бахтиёрнинг ҳозир тикилиб ўтирган дафтарида бор.

Бахтиёр алланарсани ёзиб, бошини кўтарди, кулиб турган Фахриддинга қаради. Қаради-ю, ёниверидагиларга сездирмай, хўмрайганга ўшнатиб, имо қилиб қўйди. Фахриддин буни сезиб, дарров қўлини яширди. Нега денг? У, қўлининг устига сиёҳ билан ўз исмини ёзиб қўйибди. Бахтиёрнинг маъноли қараши ҳам, «Ўзинг звено бошлиғи бўлсанг-ку, шундай қилиб юрсанг, яхшими?» дегани экан.

Фахриддин бундай пайтларда ўртоғидан сира хафа бўлмайди. Дарров ўз камчилигини йўқотишга, пионерларга ўрнак бўлишга ҳаракат қиласди. «Аълочиман, шунинг ўзи етади», деб керилмайди. Ахир Бахтиёр ҳам аълочи-ку. У, ҳеч шунаقا қилмайди, Фахриддин ўртоқ-

ларига ёрдам беришда ҳам Бахтиёрга ўхшаб вақтини аямай, билганларини ўргатади. Звено бошлиғи шундай бўлиши керак-да.

...Пионер Собир икки йилдан бери шу бешинчи синфда қолади. Иккинчи чоракда у арифметикадан яна ўзлаштира олмади. Агар шундай давом эта берса, Собир бошқа фанлардан ҳам орқада қолиб кетиши мумкин эди. Буни сезган Фахриддин бир куни дарсдан кейин қолиб ўртоғи билан гаплашди.

— Ростингни айт, ўртоқ, нега арифметикадан ўзлаштира олмайсан? — деб сўради у.

Собир нима дейишини билмади. У, ўзини худди ўқитувчининг саволига жавоб бера олмагандай ҳис-қилди. Кейин секин гапирди.

— Дарсни-ку, тайёрлайман-а, фақат масала ечишга келганда, ҳеч миям ишламайди, жавобига тўғри чиқара олмайман.

— Хўп десанг бирга тайёрлаймиз, майлими? — сўради Фахриддин.

Собир хаёл суриб қолди. «Барибир ўшанда ҳам тушина олмайман» демоқчи ҳам бўлди-ю, уялиб, айтмади. «Майли, бўлмаса» деб жавоб қилди.

Эртаси куни Фахриддиннинг уйида икки ўртоқ бирга дарс тайёрлашди. Фахриддин аввал ўртоғи тушуна олмаган масалани овозини чиқариб ўқиди, китобни қўяр экан, «Жуда осоп-ку» деб юборишига сал қолди. Ўнга осон кўринингни билан Собирга қийин эди-да. Шу пайт ўқитувчининг: «Ўртогингга ўргатастганингда қайта-қайта тушунтири, амалда кўрсат. Шунда ҳам қийналса, сен ўзинг ҳеч нарса билмас экансан, деб уни қизартирма» дегани гапини эслаб қолди. Китобни олиб, масалани яна ўқиди. Собирга қаради. У индамай ўтиради.

— Мана, қараб тур: аввал нимани аниқлашимиз керак? — сўради Фахриддин.

— Алавалми?.. Ав-вал...

— Ҳаммаси бўлиб бочкадаги сувнинг қанчаси тўқилигини аниқлаш керак,— деб ўзи жавоб берди ва ёза бошлади.

— Энди нимани аниқлашимиз керак?

— Эндими?.. — Яна ўйланиб қолди Собир.

— Шошма, оғайни,— деди Фахриддин,— аввалгисига тушундингми ўзинг?

Собир индамаган эди, Фахриддин биринчи саволни

қандай ҳал қилганини яна тақрорлади. Собир «ха, бўлди» деганидан кейингина давом эттири.

— Бочкада қанча сув қолганини аниқлаймиз. Мана,— деди ю, ёзib кўрсата бошлади Фахриддин,— ана энди, асосий саволга жавоб бера оламиз... Демак, бочкада қанча сув бўлган экан? 30 чеълак. Қани жавобига қарайлик-чи... мана, кўрдингми, тўғри экан...

Шу бир масалани қайта қайта тақрорлаб тушунтиргунча анча вақт ўтди. Фахриддин чарчагандай бўлди. Ўртоғига: «Қани, юр, бир шамоллаб келамиз» демоқчи бўлиб турувди, қарасаки, ҳозиргача хомуш ўтирган Собир дафтарга тикилганича, бирдан: «Мана бўйисини ўзим ҳал қилиб кўрай-чи» деб қолди. Фахриддин ўртоғининг юзида даёвлик аломатларини сезиб, индамади. «Майли, жиндак чарчасак ҳам, ўрганиб олса бўлгани» деб қўйди ичида. Барибир, масалани Собир бир ўзи еча олмади. Яна Фахриддин ёрдамлашди.

Авваллари уялиб юрадиган Собир шу кундан бошлаб Фахриддин билан жуда иноқлашиб қолди. Улар ҳар куни бирга дарс тайёрлай бошлашди. Орадан анча ўтгандан кейин Собир биринчи марта арифметикадан «З» баҳо олганида, Фахриддин ҳам севиниб кетди. Бу Собирнинг ҳам, Фахриддиннинг ҳам дастлабки ютуғи эди. Ҳозир у Собирга «уч» баҳоларини «тўрт»га чиқаришда ёрдам бермоқда.

Мана бу гал Собир географиядан ўтилган темаларни биргалашиб тақрорлашни илтимос қилган эди. Фахриддин мактабда, кўргазмали материаллар асосида тақрорламоқчи бўлди. Кейин билса, звенодаги бошиқа пионерлар ҳам кўргазмали материалларни фильмоскопда биргалашиб кўришни хоҳлашибди. Бугун звено аъзоларининг йиғилишгани ҳам шундан экан.

Болалар аввал географиядан ўтилган темани китобдан ўқиб чиқишиди. Кейин деразаларга қора пардалар тортишди. Чироқ ўчирилиб, экранда табиий географиянинг «дарёлар» темасида картина кўрсатила бошланди. Мана, чўққилари оппоқ қор билан қопланган баланд тоғлар этагида тез оқар дарё... бу дарёларнинг суви ёз ойларида кўпайиб, қирғоқларга тошиб оқади... Мана, тоғ шалоласи... Қаникуль пайтлари ана шундай муздек шалола тагида чўмилиш қандай яхши! Виктория шалоласининг чиройлилигини қаранг-а. Мана, буюк рус дарёси Волга... Бу дарёни қайси пионер билмайди дейсиз? Қан-

чадан-қанча ашулалар, китоблар, кинокартиналарда
куйланган қудратли Волга!..

Экранда, бири кетидан иккинчиси кўрсатилган сайн
ўтилган тема мияга жуда-қуюлиб қолаётгандай бў-
ларди.

Баҳор. Ҳа демай, мана шундай дарёлар ёқасида яй-
раб дам оладиган, унинг муздек сувларида маза қилиб
чўмиладиган пайтлар келиб қолади. Ўшанда Фахриддин
ҳам, ўртоқлари ҳам «Яхши ўқидик, яхши дам оламиз»
деб айта оладилар. Баҳор нафаси шундан дарак бериб
турибди.

ХИРМОН ЭТАК

Мактабдан кеја солиб, олган китобларимни бошқатдан кўра бошладим. Кўрган сарим кўргим келарди. Нега бундай бўлишига ўзим ҳам тушунолмасдим. Бирам севинардимки, сакраб туриб ўйинга тушгим келарди-ю, сўрининг тагида кўрпа қавиб ўтирган бувимдан уялардим-да. Тағин ҳув аваби куни қўғирчоқ ўйнаганимда уялтирганлари синғари «ажамми» десалар, ҳамма хурсандчилигим бир пул бўлиб кетади. Рост-да, энди кичкина бўлармидим. Бу йил тўртинчи синфга бораман-а. Энди мана бу китобларнинг ҳаммасини портфелимга солсам борми, юқори синфдагиларникига ўхшаб қаппайиб туради, кўчада ҳамма ҳавас билан қарайдиган бўлади. Ушанда мен ҳеч нарса билмагандай ўтиб кета бераман. Маза... Каникуль жудаям узайиб кетдики..: Қачон мактаб очиларкин-а?..

Шуларни ўйлаб ўтирганимда, эшикдан ойим кириб келиб қолдилар. Айвонга ҳам етмай, «Ҳалима, дазмолни қўйиб юбор» дедилар. Нега бунча шошяптилар экан? Узлари даладан вақтли келдилар-у, тағин шошиладилар-а.

Дазмолнинг вилкасини штепселга тиқиб қўйдим-да, иши зарур одамдай билмаган киши бўлиб, китобларимни кўра бердим. Ойим бўлса менга қайрилиб ҳам қарамай, тўғри кириб шкафдан кийимларини олиб, дазмоллай бошладилар. Ростимни айтсам, менга жуда алам қилди. Боядан бери ойим келсалар китобларимни кўрсатаман деб турсам-у, «нима қилияпсан» деб сўрамасалар ҳам. Кўриб турибдилар-у, парво қилмайдилар-а. Мен қандай севинаётганимни билсалар эди, ҳозир.

Хафа бўлиб, китобларимни тахладим, стол устига қўя туриб мундоқ қарасам, ойим пушти ранг гулдор крепдешин кўйлакларини дазмол қиласпилар. Бу кўйлакни яқинда тиктирганлар, ҳали ҳеч кийганлари йўқ. Пахта байрамида кияман деб қўювдилар. Энди бўлса... Ҳеч тушунолмадим. Сўрагим қеларди-ю, мендан «китоблар олдингми?» деб сўрамаганларидан хафа эдим. Индамай ҳовлига чиқиб кетяпсам, «Ҳалима, ма қизим, уканнинг кўйлакларини дазмоллаб қўй» деб қолдилар.

— Ойи, бу кўйлакни пахта байрамида кияман девдингиз-ку? — деб бирдан гапириб юборганимни билмай қолдим.

— Эртага байрам, қизим,— дедилар-да, кўйлакни илтакка илиб, шкафга қўйдилар.

— Ийе, қанақасига, байрамга ҳали тўрт кун бору, ойи.

— Эртага илғор теримчиларнинг область кенгаши бўлади, ўшанга кетяпман,— деганларича ҳовлига чиқиб кетдилар.

Ҳа, энди билдим, эртага шаҳарга борараканлар. Шунни эшийтдим-у, бояги хафа бўлганим ҳам эсимдан чиқиб кетди. Укамнинг иккита кўйлагини ҳам тез-тез дазмолладим.

— Ойижон, мени ҳам олиб борасизми? — ялиниб сўрадим.

— Кенгашда нима қиласан?

— Шаҳарга борсан олиб бораман девдингиз-ку... Ишайкейин, янги портфелини қачон олиб берасиз?

Ойим дарров кўна қолдилар.

— Бўлмаса, анави ҳаво ранг кўйлагингни дазмолла, — дедилар. Ҳамманинг ойиси ҳам шунаقا бўлсайкан! Севинганимдан бўйниларидан қучоқлаб, ўпиб олдим. Маза, эртага шаҳарга борамиз.

Кенгаш бўладиган катта бинонинг эшиги олдида одамлар жуда кўп эди. Вой-бў, ойим шу ерда турганларини ҳаммаси билан танишга ўхшайдилар-а. Жуда кўп киши билан сўрашдилар. Уларнинг баъзилари менга «ҳа, жажжи теримчи» деб ҳазиллашишарди. Кўкрагида Олтин Юлдузи ялтираб турган бир хотин «сен ҳам кўн мингчими?» деб сўровди, жавоб беролмай қизариб кетдим. Секин бўйимни чўзиб, ойимнинг қулоғига пичирлаб: «Бу ким?» деб сўрасам, Мунисхон опанг дедилар.

Биз бинонинг ичкарисига кираётганимизда, эшикда

турган киши мени киргизмовди, ейимдан олдин шу Мунисхон опам «бизни ўйлайсиз-у, шогирдларни ўйламайсизми?» деб боплаб жавоб бердилар. Кейин индамай қўлимдан етаклаб, олиб кириб кетдилар. Бўлмаса киргизмасди ҳам, унда нима қиласдим?

Кенгаш очилиб, илгор теримчилар чиқиб сўзлай бошлашди. Навбат ойимга келганда — сўз Нури Рихсиева га дегани эшитганимда, худди мен чиқиб гапирадигандай этларим жимири этиб кетди. Ойим жуда қисқа гапирдилар. Мавсумда ўн беш тонна пахта теришга сўз бериб, ҳалиги Мунисхон опани мусобақага чақирдилар.

Шундан кейин минбарга ёшгина бир хотин чиқди. Қараб турсам жуда танишга ўхшайди. Эҳ, отини эълон қилганда эшитолмай қолдимда. Шу хотин «Мен, мавсумда юз тонна пахта териб бераман» девди, одамлар бирар кучли чапак чалиб юборишдик... зал гуриллаб турганга ўхшаб кетди. Юз тонна деганини эшитиб ҳайрон бўлиб қолдим. Шу хотинга ҳозир шундай ҳавасим келдики... Рост-да, бир ўзи юз тонна териб берса, осин гапми? Гапларига қулоқ солиб, тикилиб турган эдим, бирдан бизнинг қаторда ўтирган, ўзимизнинг колхоздаги Пирмат бобо бор-ку, ўша, овозининг борича:

— Гапир-э, хирмон этак,— деб юборса бўладими. Қўпчилик кулиб юборди. Минбардаги опа эса сўзидан янгилишиб кетай деди. Шу пайтда Пирмат бобо қўзимга шундай ёмон кўринидики... Ахир бирор гапираётганда янгилишириш яхшими? «Хирмон этак» эмиш-а! Тағин мазақ қилиб кулишларини қаранг. Ўзлари унинг ўндан бирини тера олармиканлар? Яна масхара қиладилар-а. Нега ҳеч ким индамади. Пирмат бобога: «Жим ўтиринг» дейишса бўлмасмиди.

Ойим ёнимга келиб ўтирганларида, шуларни айтувдим, «жим ўтир» деб қўя қолдилар.

— Ойи, бу хотин ким, танийсизми?

— Ҳа. Механик-ҳайдовчи Муслима опанг-да, билмайсанмий?

Ҳа, топдим. Қизлари етти йилликда ўқийди. Эй, энди билдим.

— Муслима опам машинада юз тонна тераман дедиларми, ойи?

— Бўлмаса-чи,— деб кулди ойим.

Юз тонна-я? Вой-бой. Қанча пахта бўлади ўзи? Машинани ҳам, унинг пахта теришини ҳам кўрувдим-у, юз

тонна теришини ҳеч ҳам эшитмагандим. Барибир ақлим ҳам етмасди да. Мана, энди биляпман ҳаммасини.

Муслима опа сўзини тугатганда яна чапаклар чалинди, мен ҳам чалдим. Муслима опа жойига ўтиаркан орқасидан қараб қолдим. Бўйлари ўртача, озғин, сочла-ри узун хотин экан. Қараган ёарим ҳавасим кела берди. Бир ўзи ойимдан олти-етти баравар кўп пахта териб берса кимнинг ҳаваси келмайди дейсиз! Қани энди менинг ойим ҳам шунаقا механик-ҳайдовчи бўлсалар. Муслима опанинг қизи қўшни колхоздаги етти йилликда ўқиди. Ўзини танийман-у, ўртоқмасман-да. Борганимдан кейин у билан албатта дўстлашиб оламан.

Ганаффус бўлиб, ташқарига чиқдик. Шунда қарасам Муслима ола бизнинг олдимизга келянти, келди-ю, ойим билан қучоқлашиб кўриша кетди. Шунчалик таниш эканлар-у, ойим айтмайдилар-а.

— Бу ким, Нури опа? — деб мени сўради Муслима опа.

— Қизим. Боядан бери фикри-хаёли сизда. Қандай қилиб юз тонна терадилар деб миямни қоқиб қўлимга берди.

Муслима опа менинг пешонамдан ўпди.

— Қандай қилиб бўларди, машина омон бўлса ундан ҳам кўпини терамиз, қизим, — деди.

— Муслима опа бир кунда қанча терасиз?

— Яхши очилган, барги тўкилган бўлса, беш-олти тоинагача терса бўлади, қизим.

— Ўҳӯ, ойим терадиганларини иқки кунда бажариб қўяркансиз-да.

— Ҳа... Мунча қизиқиб қолдинг, Ҳалимаҳон?

— Катта бўлганимда мен ҳам механик-ҳайдовчи бўлсан бўладими?

— Нега бўлмасин, ундан ҳам каттаси бўласан, — деб мени бағрига босди Муслима опа, — хўп десанг, ҳозироқ ўргатаман.

— Ростданми?

— Ростдан, қизим. Бу йил сизларнинг колхозингизда пахта тераман. Бўш вақтингда кел.

Кўнғироқ чалиниб қолди-да, бўлмаса тағин анча гаплашардик-а.

Кечқурун қишлоқда қайтдик. Йўлда, машинада кел-япмиз-у, Муслима опам ҳеч-ҳеч кўз олдимдан кетмасди. Уйга келғачимда қарасам, бутун эс-хушим Муслима

опада бўлиб ойимга янги портфель олиб беришларини айтиш ҳам эсимдан чиқибди, ойим ҳам айтмабдилар-а. Ҳа, майли, кейин бўлса ҳам бўла беради. Ҳаммасидан ҳам Муслима опа билан танишиб олганимни айтмайизми?

Эртаси куни газетада Муслима опанинг кечада минбарда сўзлаб турган расми босилиб чиқди. Расм тепасига катта ҳарфлар билан «100 тонна» деб ёзиб қўйилган эди.

Каникуль тугаб, ўқиш бошланганига ўн икки кун бўлганда, мактабимизнинг пастидаги бригада устида самолёт учиб, фўза баргларини тўқадиган дори сепа бошлади. Ўзи шунаقا бўлади-да. Машина билан териладиган бўлса, олдин фўза баргларини тўкиш керак. Буни бир мен эмас, ҳамма болалар яхши билишади. Жуда томоша бўлади-да, ўзи. Самолёт пастлаб, қаноти дарахт шохларига тегай-тегай деб учади-да, пастдан тўриб, байроқча билан сигнал берилишига қараб, худди шаҳар кўчаларига машинада сув сепгандай, дори сепиб кетади.

Шу куни Муслима опамнинг қизи Лоланинг мактабига бордим. У билан ўша каникулдаёқ танишиб олувдим. Ҳозир жуда яхши ўртоқмиз. Үндан ойиси қайси бригадада теримга тушишини сўрадим.

— Вой, биласанми, Ҳалима,— деди Лола кулиб,— мактабларингга яқин жойдаги бригадада эмиш. Келаси ҳафтадан теримга тушадилар. Сенга ўргатаман деган эканлар-а?

— Сенга ўргатмай, менга ўргатармидилар ойинг?

— Тўртинчи синфга ўтсан менга ҳам ўргатадилар,— деди Лола.

Кўнфироқ чалиниб, Лола синфга кириб кетди. Мен уйга келарканман, жуда-жуда хурсанд эдим. Муслима опам ўзлари айтибдилар-ку, хурсанд бўлмайманми, ахир?

Худди Лола айтгандек бўлди. Олти кундан кейин Муслима опам ўша дориланган бригадада пахта тера бошладилар. Шуниси ёмон бўлдики, биринчи куни кўролмай қолдим-да. Мактабдан бориб, касал бувимга доктор чақириб келдим, кейин ёнларида ўтириб қолдим. Ўзи-ку, машинани кўрганман-ку, Муслима опам тераётганини кўрмоқчиман-да. Иннайкейин ўргатаман ҳам деганлар-да.

Эртасига мактабдан келдим-да, бувимдаи сўраб ўша бригадага бордим. Қарасам, бригада хирмони олдида Пирмат бобо турибдилар. Салом бердим-у, яна ҳов ўша Муслима опамни мазақ қылғанлари эсимга тушиб, хафа бўлиб кетдим. «Кел қизим» девди Пирмат бобо, «Муслима опамда ишим бор» деб қўя қолдим.

Машина даланинг нариги бетида кичкинагина бўлиб кўринарди. «Шумикин ё бошқами» деб турганимда, бурилиб, шу томонга кела бошлади. Қарасам худди ўзлари. Бошларидаги кўк шойи рўмолдан танидим. Машина эгат бошига келиб тўхтади. Муслима опам аввалига мени кўрмадилар, машинанинг бункерини очиб юборудилар, бир талай пахта дув этиб ёрга тўкилди. Шу тўкилганининг ўзи йигирма-йигирма беш этак чиқар. Мен аърайиб турганимда бирор орқамдан кўзимни бекитди. Ким экан дейсизми? Муслима опамнинг ўзлари. Машинадан қачон тушганларини билмай қолибман-а.

— Қани механик-ҳайдовчи, машинага ўтиринг,— дедилар-да,— қўлимдан ушлаб чиқариб қўйдилар, ўзлари ўтирадиган жойга ўтқаздилар. Ростимни айтсан, йиқилиб кетаман деб сал қўрқдим. Ўзи анча баланд экан-да, кейин Муслима опа ғўзалардаги пахтани ўзига тортиб оладиган шпинделларни, пахтани бункерга ўtkазиб берадиган камерани кўрсатдилар. Бункерни қандай очиб-ёпишини тушунтирудилар. Шундан кейин бағриларига босиб туриб бундай дедилар:

— Механик-ҳайдовчи бўламан дессанг, яхши ўқи! Үқища аълочи бўлсанг, аъло механик бўласан. Хўпми? Қани энди, тушинг, ишдан қолмайлик.

Машина эгатга тушиб юриб кетди. У, пахтаси гуж-фуж ғўзаларни худди бағрига олгандай бўларди-да, яп-ялонғоч қилиб кетарди. Анчагина томоша қилиб турдим. Машина даланинг нариги бошига бир бориб қайтишида, бункери тўлиб кетади. Дала четида бункерлардан бўшатилган пахта хирмон-хирмон бўлиб ётарди. Кечаки Муслима опам тўрт ярим тонна терган эканлар, бугун ундан ҳам оширатмишлар.

Шу кундан бошлаб ҳар гал пахта терими машинасини кўрганимда Муслима опамнинг «аъло ўқисанг — аъло механик бўлсан» деганлари эсимга тушади. Албатта, айтганларини қиласман. Иннайкейин Пирмат бобо Муслима опани масхара қилди деб бекорга хафа

бўлган эканман. Бобо жуда тўғри айтган экан. Муслима опамнинг ҳар этак пахтаси битта хирмон бўлганидан бобо шундай деяркан. Мен машина ҳайдайдиган бўлганимда, Пирмат бобо мени ҳам —«хирмон этак» десалар ҳеч хафа бўлмасдим, қайтанга жон-жон дердим.

НИ ХАО

Гўзал ўзи шунаقا қиз: ҳар куни эрталаб зарядка қилиб бўлади-да, яхшилаб ювинади. Йинайкейин дадаси, ойиси, акаларига салом беради. Кейин нонушта қилиб, мактабга отланади. Ҳамма ўқувчилар ҳам шундай қиласди-ку, бунинг нима қизиги бор, дерсизлар. Тўғри, ҳамма ўқувчилар ҳам шундайку-я, аммо ҳаммалари ҳам эрталаб ювиниб бўлгач, уйдаги катталарага салом беради деб бўлмайди. Ё эсидан чиқиб қолади, ёки шуга одатланмаган, салом бермайдиганлар ҳам йўқ эмас. Ростми шу? Рост бўлса, ўшанақалар ҳам ўрганиб олишсин.

Гўзал ўзидан катталарага салом беринни ҳув боқчадалигида ўрганиган. Ўзи-ку, боқчадан аввалари ҳам салом берарди-ю, аммо у найтларда тез-тез эсидан чиқиб қолади, ё бўлмаса бир одамни кунига ўн марта кўрса, ҳар гал салом бераверарди. Куласиз-а. Ахир унда ҳали жуда кичкина эди-да. Саломлашиш тартибларини боқчада жудаям ўрганиб олди, кейин мактабга ўқишига борганида ҳам шундай қилиб юрди. Мана ҳозир ҳам шундай қиласди. Ўзидан каттага салом беришни ҳеч-ҳеч эсидан чиқармайди. Ўзи шунаقا бўлади-да. Яхши одам ҳеч эсадан чиқмайди.

Гўзал ўзи пионер. Иккинчидан учинчига ўтди. Аълочи. У ҳозир ҳам эрталаб ювениб бўлгандан кейин уйдаги катталарага салом беради. Мактабдан қайтиб келганида ҳам эшикдан ҳовлига кириши билан дадасини кўрадими, ойисиними дарров салом беради. Уйдагилар ҳам бунга одатланиб қолишган. Айниқса у мактабдан

келадиган пайтда ҳамиша уйда бўладиган Замира опа жуда ҳам ўрганиб қолган.

Бир куни қизиқ бўлди. Гўзал мактабидан келиб, ҳовлида кир юваётган ойисини кўрди-ю, индамай уйга кириб кетди. Йўқ, индамай эмас, алланима деди-ю, салом бермай ўтди. Замира опа юваётган киридан қўлинни олиб, панжаларидаги кўпикни сидирганича, қизи кетидан аърайиб қолди. Рост-да. Ҳеч бунақа одати бўлмаган эди-да. Энди бўлса... Бу орада Гўзал ечиниб, уй кийимини кийиб, ҳовлига чиқди, симга ёйилган кирлар тагидан энгашиб ўтиб, ойисининг ёнига борди.

— Ҳорманг, ойижон. Галстугимни ўзим ювардим. Ҳа, майли, чарчамадингизми?— деди жомошов ёнига ўтириб.

Замира опа индамай, қўлларидағи кўпикни сидира берди. У икки кўзини қизидан олмасди.

— Ҳой, менга қара, қизим,— деди у қовоғини солиб,— бу хунар қаёқдан чиқди?

— Нима, ойи?

— Нима дейди-я, тағин. Салом қани?

Гўзал кулиб юборди. Замира опанинг жаҳли чиқа бошлади.

— Салом бердим-ку, ойи?— деди Гўзал кулги араплаш.

— Вой товба-эй, ҳали қулоқдан қолганим йўқ-ку, Ёлрон гапирищни ҳам ўргандингми?

— Салом бердим, ойи, фақат биласизми, ўзбекчамас хитойча салом бердим.

— Хитойча? Бу нима деганинг?

— Ни хао дедим-ку, шу хитойча салом деганим бўлади. Энди ҳар куни шундай дейман. Бўлмаса эсимдан чиқиб қолади.

Жаҳли чиқиб, қовоғини солиб турган Замира опанинг юzlари бирдан ўзгарди, худди бир нарсадан севингана ўхшаб кетди.

— Қаёқдан ўргандинг буни?— сўради у қизидан.

— Хитой тили ўқитувчимиз ўргатдилар, энди биз хитой тилини ҳам ўрганамиз.

Замира опа хурсанд бўлиб кетди. Назарида қизи каттакон бўлиб, хитойча гапиришаётгандай кўринди.

— Нима дединг?

— Ни хао,— деди кулиб Гўзал.

Замира опа тили келишмай бир-икки такрорлади, кейин ўзидан-ўзи кулиб юборди.

— Бор, қизим. Овқатинг совиб қолади, мен ҳам бў-
либ қолдим,— деди қизига.

Орадан бир ойча ўтдими, йўқми, бир куни кечқурун
дадаси эшикдан бир меҳмон билан кириб келди. Гўзал
уйда дарс тайёрлаб ўтиради. Ҳовлида иш қилиб юрган
ойиси меҳмонга салом берди. Шунда дадаси меҳмонни
таништирди. «Бу хитойли дўстим Цинь Лунь. Заводи-
мизга ҳунар ўргангани келибди», деди. Замира опа
Цинь Лунга қўл узатди, уни уйга таклиф қилди. Шу
пайт Гўзал ҳовли юзига чиқди-да, Цинь Лунь амакига
«Ни хао» деди. Шунда жуда ғалати бўлди, Цинь Лунь
амакининг юзлари аввалига қизариб кетди, кейин кулиб
юборди, беихтиёр Гўзални қучоқлаб, кўтариб олди. Эр-
хотин ҳайрон бўлиб қараб туришар эди. Цинь Лунь
амаки Гўзални оҳиста қўлидан туширас экан, сўради:

— Қаёқдан ўргандинг, қизим?

— Мактабда хитой тилини ҳам ўрганамиз, опамиз
ўргатади,— деди.

Ҳаммалари уйга киришди. Цинь Лунь амаки Гўзал-
ни тиззасига ўтқазиб олди. Кейин у ўзининг худди шундай
қизи борлигини, ҳозир у бўлан кўришиб, унинг
жажжи тилларидан «Ни хао»ни эшитгандай бўлганини
гапириб берди.

Цинь Лунь амаки кетаётганида Гўзал китобининг
ичидаги қизил атир гул суратли открытиасининг орқа-
сига «Ни хао» деб ёзиб, унга берди. «Ўртоғимга бериб
қўйин!» деди.

Мана шунга ҳозир бир йилча бўйди. Цинь Лунь ама-
ки ҳозир ҳам дадасининг заводида ишлайди. Шу орада
у Гўзаллариникуга бир печа марта келди. Ҳар келганида
шириплликми, ё суратли китобми, совға олиб келади.
Гўзил бўлса Цинь Лунь амакига ҳар келганида янги-ян-
ги хитойча сўзларни айтиб, у ҳам совға бергандай бў-
лади.

Гўзил ўзи шунаقا қиз.

ЭНГ КАТТА АРЧА

Қаҳратон қиши. Ҳамма ёқни қор қоплаган. Катта ар-
чазор ўрмондан пастлиқда бўлганидан, шу ердан туриб
қаралса худди қор тагида қолиб кетганга ўхшайди. Ўр-
мон ёқасига тушилғандагина арчаларнинг йўғон тана-
лари қорайиб кўринади-да, бу ерда дараҳтлар ўсаётга-
нини кўриб қоласан, киши. Қор роса гупиллаб ёққанида
ҳамма ёқ шунаقا бўлади. Атрофга қараб биттаям қо-
райган нарсани тополмайсан. Ҳув узоқда, ўрмоннинг
нариги томонида поезд йўлининг иккита изи узун қора
чизиқ бўлиб кўринади, холос. Доим қоп-қора бўлиб ту-
радиган катта анҳор сувининг юзи ҳам қор билан қоп-
ланган.

Серёжа билан Воваларнинг уйлари шу ерда, баланд-
ликда, ёнма-ён жойлашган. Воваларнинг ёғоч панжара
билан ўралган ҳовлисидан Серёжаларнинг уйи, дарсхо-
насининг кичкинагина деразаси кўриниб туради. Бу
деразанинг ойналари ҳозир аёз гуллари билан қоплан-
ган. Ҳамма ойналар ҳам шундай. Ич томондан туриб
кучинг борича куҳласанг, зўрға бир кўз билан кўради-
ган жой очилади.

Серёжа ойнадаги арча япроқларига ўхашаш гулларни
куҳлаб эритди-да, ташқарига қаради. Барibir, оппоқ
қордан бўлак ҳеч нарса кўринмади. Шу топда, пастлиқ-
да, ўрмон ёнида турган жуда катта машинага ўхашаш
нарсага кўзи тушиб қолди. «Ийе, бу нима ўзи-а?» деб
юборди, худди ёнида бирор бордай. У, шошилиб қийин-
ди-да, ҳовлига чиқди. Қўпол қўлқопли қўлларини оғзига
карнай қилиб, овози борича қичқирди:

— Во-ооо-ва, Во-ооо-ва...

Үтингхонада ченасига мих қоқаётган Вова шошиб панжара ёнига келиб:

— Ҳа, мунча бақирасан,— деди ҳайрон бўлиб.

Бу орада Серёжа унга яқинлашиб олган эди. У қўли билан ўрмон томонни кўрсатди.

— Анави машинани кўрдингми?

— Ийе, машинамас,— деди Вова,— жуда узун-ку, шунаقا машинаям бўлармишми!..

— Э, сен нимани билардинг, бу ёғоч, хода ташийдиган машина, орқасидаги тиркагичини қара.

— Ёғоч ташиса, бу ерда нима қиласди?

— Шунга ҳайронман-да.

— Ҳа, билдим,— деди Вова кулиб,— арча олгани келган, тушундингми?

— Фу, арча эмиш, бобом кестириб бўтилар, эсингдами, ёзда аргамчи қиламан деб битта арчага мих қокканимда бобом қандай уришиб берганлар.

— Сени албатта уришадилар-да, булар ўрмончилик идорасидан келишган бўлса-чи?

— Барибир,— деди Серёжа яна ўша томонга қараб,— бобом рухсат бермайдилар. Бу дараҳтларга тегишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, дейдилар доим.

— Бобом, бобом дейсан, ким бўпти бобонг. Ўрмон қоровули-да,— деди мэнсимагандай Вова.

Серёжанинг жаҳли чиқди. Ўзидан кичкина бола унинг бобоси ҳақида шундай деса жаҳли чиқмайдими, ахир. Кичкиналиқка кичкина. Уч ярим бўйлик кичкина. Ёши баравар бўлганида биринчи синфга бирга бормасмиди? Уч ярим ой етмагани учун олишмаган. Энди иккинчида ўқияпти. Вова Серёжадан бир синф пастда. Буну Серёжа ҳеч ўйламайди-ку. Баъзи-базида, Вова билғонлик қилиб қолганида дарров унинг ёши эсига тушиб, ўзини катта оларди.

— Қоровул бўлганда ҳам унақа-мунақа қоровул эмас, ўрмон қоровули-я, билдингми? Шунча дараҳтларга, каттакон ўрмонга қоровуллик қилиш осонми?.. Сенинг дадангга ўхшаб, будкада ўтириб, ҳар замонда ўтагётган поездга байроқча қўтариб туришми бу?

— Ўша байроқча сигнал бўлади, нотўғри сигнал бериб қўйса нима бўлишини биласанми?

— Сигнал бериш осонми ё шунча ўрмонга қараш?.
Қани айт-чи?

Икки ўртөқ талашишар экан, бу орада машина жоийдан қўзғалди, оҳиста юриб, ўрмоннинг шундоққина биқининг бориб тўхтади. Машинанинг олдида узун пўстин кийган, баланд бўйли киши қўли билан йўл кўрсатиб турарди.

— Ана бобонг, қара,— деб юборди бехосдан Вова.

— Юр, пастига тушамиз.

Бир-бирлари билан аразлашай деб қолган икки ўртөқ шу заҳотиёқ баҳсни унтишиди. Икковлари Вованинг ченасига ўтириб, тепадан пастига визиллаб сирғаниб кетишиди.

Машина ёнида ҳеч ким қолмаган эди. Улар ғилдирагининг баландлиги Вованинг бўйидек келадиган бу автомобилни қизиқиб кўра бошлишди. Агар бошқа юқ машинаси бўлганда-ку, устига ҳам чиқишарди-я, бунисига чиқиб бўлмайди-да.

Улар ўрмон ичидан бир неча кишининг шовқинини эшитиб қолишиди. «Қани юр-чи, нима қилишяптикин?» деди Серёжа ўрмон томонга қараб. Улар ўрмоннинг ичкариогига киришмаган ҳам эдики, бир неча кишининг сершоҳ, катта бир арчани авайлаб кўтаришиб келаётганини кўришиди.

— Ана, гапим рост чиқдими, арча кесгани келишган эканми?— деди бирдан Вова.— Тағин ўрмоннинг энг катта арчасини олишибди-я.

Серёжа енгилгандай индамай қараб турарди. Унинг ҳозирги туриши худди ҳовлисидаги бир туп мева дарахтини бегона одамлар келиб сугириб кетяпти-ю, юраги ачишаётгандай эди. «Бобом бу ўрмондан арча кесиб олишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ дер эдилар-ку» деб кўнгилидан ўтказди.

— Нима қилишаркин, Вова?— сўради ўртоғидан.

— Нима бўларди,— деди Вова кеккайиб,— шуни билмадингми? Янги йил арчаси бўлади-да.

— Олинг-а, янги йил арчаси эмиш. Ахир бу осмон баробар арчани қаёққа сифдиришади.

— Москвада осмон баробар уйлар тўлиб ётибди-ю, ўшангана-да.

Серёжа кулиб юборди.

— Осмон баробар уйлар қават-қават бўлгани учун баланд-да. Ҳар бир уйнинг шипи осмон баробар эмас-ку... Эй, сен нимага тушунардинг,— деди яна билагон-

лик қилиб Серёжа. Шу топда Вованинг ўзидан сал кичиклиги тағин эсига тушган эди.

Арчани кўпчилик бўлиб жуда авайлаб машинага олиб чиқишиди. Жуда ҳам узунлигидан уч томони тиркағичнинг орқасидан чиқиб туради. Мана шу тиркағичга сиғмай қолганининг ўзини ҳам битта арча байрамига қўйса бўлади.

Машина ўрмон ёни бағирлаб секин юриб келди. У кўздан ғойиб бўлгач, ён томондан Серёжанинг бобоси кўринди. У, одатдагидан ташқари кулиб, унинг елкасига қўлини ташлади, чап қўли билан Вованинг бошини си-лаб туриб деди:

— Шунаقا денглар-а, сариғвой,— у Серёжани эрка-лаб шундай деб чақиравди,— шунаقا гаплар...— бобо шундай деб машина филдиракларидан қолган ариқчаларга тикилди, юзидағи кулги, хурсандчилиги борган сайнин ошиб бораради,— шунчадан-шунча ўрмон турганда, менинг ўрмонимни, тағин фалончини деб, қидириб келибди-я,— бобо қўлидаги буклоқлик қофозни очиб унга тикилди.

Болалар ҳеч нарсага тушунишмасди. Серёжа сўради.

— Нима деяпсиз, бобо?

Бобо Серёжани худди энди кўргандай, унга тикилди-ю, анчагача ҳеч нарса демай кулиб турди.

— Нима деяётган бўлсан ҳаммаси сизлар туфайли, ҳа, ҳа, сизлар туфайли, сариғвой,— деб Серёжанинг бурнини чимшиб қўйди.

— Нимага куляпсиз, бобо? Дарахтни ҳеч ким кеса олмайди дер эдингиз-ку?

— Ҳа, ҳеч ким кеса олмайди. Лекин мана шунаقا ўртоқлар келса,— у қўлидаги қофозга қаради,— битта эмас ўнтасини, энг аслларини, ҳа, ҳа, сал кам қирқ йилдан бўён қадрдан бўлиб қолган энг катталарини ҳам кесиб беришга тайёрман, болаларим. Ҳа, шундай... Қани бир чена учинглар-чи, мен мана бу асбобларни йиғиб олай.

Серёжа Вовага, Вова Серёжага қараб, ҳеч нарсага тушуниша олмасди. Бобо бўлса пўстинини ҳалпиллатиб ўрмон ичкарисига кириб кетди.

— Ана,— деди Вова баланд келиб,— айтмабмидим, бобонг қирқ йил қоровул бўлиб асррагани билан, барibir идорадагилар айтса, кесиб бериши керак-да.

— Бобом ҳеч кимга дарахт кесиб бермаганлар, билдингми,

— Ҳозир-чи, ҳозир.

Серёжа индай олмай қолди. Рост-да, ҳатто ёз кунлари, болалар ўрмон ичидаги йиғанларидаги ҳам бобоси доим «болаларим, ўйнанглар, кулинглар-у, дарахтларга зарар етказманглар» деб тайинларди. Энди бўлса...

Вова чена учамиз деб таклиф қилган эди, Серёжага ёқмади. Вова ялинса ҳам кўнмай, хомуш бўлиб уйига кириб кетди.

...Янги йил. Қишки каникулнинг учинчи куни. Мактабда ўтказиладиган арча байрамида Серёжа билан Вова бир неча кундан буён ёдлаб, тайёрлаб юрган декламациясини айттиб беришди. Жуда яхши чиқди. Серёжанинг баланд овози билан Вованинг қўнгироқдай ингичка товуши галма-гал жаранглагандаги арча ёнида ёш артистлар декламация ўқиётгандай бўлиб кўринди, ҳамма қарсак чалди.

Арча байрами тугаб, ҳамма тарқалаётгандаги бош пионер вожатий Серёжа билан Вовани ўз кабинетига ҳақириди.

— Эртага соат ўнга етиб келинглар. Мактабимизнинг аълочи ўқувчиларидан ўигирма бола Москвага, катта арча байрамига боради. Шулар қаторида сизлар ҳам бор.

Серёжа «Яшасин!» деб юборганини сезмай қолди. Ўзига кулиб қараб турған пионер вожатийдан уялиб кетди. Икки ўртоқнинг қувончи ичига сифмас, гаплари тугамас эди. Рост-да, Москвадаги арча байрамида бўлиш ҳазилакам гапми! Серёжа ҳам, Вова ҳам бир неча марта Москвада бўлишган. Ахир улар Москва областида яшашади-да. Аммо Москвадаги арча байрамини кўришмаган эди.

Катта автобус Москва кўчаларидан ўтиб Кремль дарвозаси ёнида тўхтагандаги, Серёжа ҳайрон бўлиб қолди. Йўлда, болалардан бир-иккитаси «Кремлга кирамиз, вожатий айтди» дейишгандаги сира ишонмаган эди. Энди-чи, мана Кремль юлдузларининг таккинасида тўрибди-я...

Улар саф бўлиб, дарвозадан ичкарига кириб боришди...

— Ана, Царь-пушка,— деб қичқириб юборди бир бола.

Кремль саройи пионер-ўқувчилар билан тўла эда.

Чекка-чеккалардан қувноқ ашула, барабанларнинг овозлари эшитиларди.

Орадан сал ўтмай улар тартиб билан арча ўрнатиленган катта залга киришдай. Вой-бўй, арчанинг баландлигини-чи. Ўйинчоқларнинг хилма-хил, кўплигини айтмайсизми, ўн минг, йўғ-э, йигирма мингдан ошар. Лампочкалари-чи, мингдан кўпdir. Залнинг чиройлидиги арчанинг чиройлидиги билан қўшилиб, кўзни қамаштиради.

Қорбобо ҳаммани янги йил билан табриклади. Ўйин бошланди. Пайтахтнинг отоқли артистлари жуда катта концерт қўйиб беришди. Охирида, Қорбобо ҳаммага совға улашди. Шунда Серёжа Қорбободан совға олар экан, нима бўлди-ю, арчанинг танасига тикилиб қолди. Арчанинг учи катта қандилларга тегиб турарди. Вова Серёжанинг ёнига келди.

— Ҳа, Серёжа, нимага аърайиб қолдинг?

— Биласанми?.. Шунақасан-да, мана бу арчани танимадингми?

— Ийе,— деб юборди кўзларини ўйнатиб Вова,— бизнинг ўрмондан-ку, яшасин...

У арчага тикилиб туриб, яна сўради:

— Қаёқдан билдинг, Серёжа?

— Катталигини... бўйига қарасам, худди ўшанинг ўзи.

— Рост, худди ўзи-я, Серёжа. Ҳа... энди эсимга тушди, бобонг ўшанида жуда хурсанд бўлган эдилар-а.

— Бўлмасам-чи, Кремлда бўладиган байрамга ўзлари ўстирган арчани кесиб берадилар-у, хурсанд бўлмайдиларми!

Серёжа ҳам, Вова ҳам Кремлдан олган таасуротларини ичларига сифдиролмасдилар. Ўзлари ўйнаб юрган, боболари қўриқлайдиган ўрмоннинг арчаси Кремлга қўйилгани катта воқия эди. Энди бутун қишлоққа шуған тарқалади:

— «Бобом ўстирган арча Кремлга қўйилган...»

ҲАЁТ СОДИҚОВ ҲАҚИДА ҲИҚОЯЛАР

1. ҲАЁТНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Бугун мактабдан жуда хурсанд бўлиб қайтдим. Ахир нега хурсанд бўлмай? Эртага биз ҳам парадга чиқамиз-а. Буни мен неча кундан бери соғиниб кутар эдим, биласизми? Кичкиналигимда икки марта дадам парадга олиб чиқсанлар. Ўшанда аввал етаклаб бордилар, Қизил майдонга, Ленин бобо ҳайкали турган минбарга яқинлашганимизда мени елкаларига кўтариб олдилар. Иннайкейин ҳамма ёқ кўриниб кетди. Қўлимдаги байроқчани силкитиб, мен ҳам чапак чалдим. Ўша байроқча ҳозир Гўзал ўйнаб юрган байроқчадай чиройли эди. Қизил майдондан ўтганимизда парад бўлиб келаётган мактаб болаларини кўриб, бирам ҳавасим келдики... Шу топда каттакан бўлсам-у, мен ҳам гурс-гурс қадам ташлаб, парад бўлиб ўтсам дердим.

Ана, энди катта бўлдим, эртага парадга чиқаман... Эҳ, қандай яхши... Минбар ёнидан саф тортиб бир хил кийимда, баравар қадам ташлаб ўтамиш... Шундоқ бўлгандан кейин нега севинмай!

Ўйга келсам, ойим дераза ойналарини артаётган экан.

— Ойчи, ойи, биласизми,— дедим-у, севинганимдан гапимдан янглишиб қолишимга сал қолди,— эртага парадга чиқадиган бўлдик.

Ойим ялт этиб менга қаради.

— Нима, парадга?!

— Ҳа, парадга чиқамиз.

— Сен ҳали ёшсан-ку, келаси йилдан чиқасан,

Ойимни қаранг, ишонмайдилар-а. Ҳозир ўзим севиниб турганимда ойим шундоқ девдилар, дарров хафа бўлдим.

— Нега кичкинаман. Учинчи синф ўқувчиси, пионер кичкина бўларканми? Бўлиб-бўпти... Ўқитувчимиз айтдилар. Биз ёш физкультурачилар билан гимнастика ўйинлари қилиб, Қизил майдондан ўтармишмиз.

Ойим энди ишонди шекилли:

— Ростданми?— деб сўради.

— Чин пионерлик сўзим. Ахир ўзимиз неча кундан бери тайёрлик кўряпмиз-ку.

— Жуда яхши,— деди ойим.

Мен уйга кириб, папкани столга қўйдим. Ечиниб, уй кийимларимни кия бошлаган эдим, ташқаридан ойимнинг товушини эшидим.

— Ҳаётжон, дадангдан телеграмма келди.

— Қани,— деганимча ичкари уйга кирдим. Ойим даразадан туриб приёмник устини кўрсатди. Бориб телеграммани олдим. Дадам бизларни байрам билан табриклабди. Мени бўлса ўн ёшга тўлганим билан табриклиб: «Ўғлимни қучоқлаб, ўпаман» депти. Телеграммани ўқиб, яна севиниб кетдим. Буни қаранг, бугун менинг туғилган куним. Ўзим қанчадан бери бунга тайёрланиб юрувдим-а, ҳали, кечқурунга ўртоқларимни меҳмонга ҳам чақирганман. Ойим шунга тайёрлик кўрятпилар. Кеча кечаси: «ойим менга нима совфа қиласкин» деб ётиб, тушимга ҳам кириб чиқсан эди. Бугун бўлса, йўқ бугун эмас, ахир эрталаб ҳам эсимда бор эди-ку, ҳали ўқитувчимиз парадга чиқишимизни айтгандан кейин, туғилган куним ҳам, ўртоқларимни меҳмон қилиш ҳам эсимдан чиқиб кетибди. Ҳозир, телеграммани ўқиганимда эсимга тушди. Иннайкейин дадамга табрик телеграмма бериш ҳам эсимга тушди.

— Ойи, дадамга телеграмма бермадик-ку?— деб сўрадим ойимдан.

— Ҳа, қўлим тегмади. Сени кутиб турувдим. Телеграммани ёзиб таҳт қилиб қўйибман. Анави жавонда, олгин-да, чопқиллаб почтага чиқиб, топшириб кела қол, жон болам.

— Хўп бўлади, почтага эмас, мана шу кўччанинг ўзида стол қўйиб, алоқачи формасини кийган бир қиз ўтирибди. Байрам телеграммаларини қабул қиляпти. Ўшанга топшира қоламан,— дедим.

Бора қол, жон болам, ҳаяллама, бир ўзим шошиб қоляпман.

Мен телеграммани олиб, кӯчага чиқиб кетдим. Қаранг, ҳалиги телеграфчи қизнинг олдида бирпасда бираром одам кўпайиб кетибди-ки... Вой-бўй..

Очередда анча туриб қолдим. Телеграммани топшириб, уйга келсам, ойим тандирдан патир узаётган экан, айвонда бўлса бир хотин синмайдиган ойнадан қилинган елпугич билан елпиниб ўтирибди. Дарров бориб салом бердим. У ўрнидан туриб, қўл узатиб қўришиди: «Яхшимисиз, кичкина Содиқов» деган эди, уялиб кетдим. Шу пайт эшикдан укам Гўзал йиғлаб кириб келди. Жуда соз бўлди. Бўлмаса уялганимча нима дейишимни билмай турувдим. Дарров Гўзалнинг ёнига бордим.

— Ким урди? — деб сўрадим ундан.

— Хеч ким.

— Бўлмаса нега йиғлаляпсан?

— Хо, эртага парадга чиқасиз.

Сен ҳам чиқасан, бокча болаларини машинада олиб чиқишидди-ку.

— Машина парадми? Хо, алдаманг.

Гўзални парадга бирга олиб чиқаман деб зўрга овутдим. Шу пайт ойим чақириб қолди. Саватга узилган патирни уйга олиб кириб қўйдим. Ойим бўлса ҳалиги хотинни қўймай уйга таклиф қилди. Бу хотинни мен аввал танимадим. Узини яхши биламан-у, таниёлмай турибман-да. Ойимнинг ишхонасидан келганмикан-а? Ҳа, энди топдим. Ўтган йили дадам мени идораларига арча байрамига олиб борганларида бизга совфа берган эди. Энди танидим. Отлари Лена хола. У нимага келибди экан? Кетаман деб шошиляпти. Ойим бўлса: «Қаттиқ хафа бўламан» деб, уйга олиб кирди. Гўзал ҳам уйга кириб келди.

Ҳовли юзи сал ифлос эди. Ойимнинг айтишини кутмай, чангни босиш учун аввал сув сепиб чиқдим, кейин ўчоқ бошидаги супургини олиб, ҳовлини супура бошладим. Нима бўити. Супуравераман. Баъзи болалар менинг ҳовли супуришимни масхара қилишади. Қилса қила берсин. Шунақанги пайтларда онасига ёрдам бериш керакми? Керак! Ойимнинг мендан бошқа қўлидан иш қеладиган дастёри бўлмагандан кейин, мен қарашаманда. Ахир ойим менинг ўртоқларимни меҳмон қилишга

шунча тайёрлик кўряпти-ку. Яхшики, ойим отпускада. Бўлмаса қўли тегмасди, анча қийналарди.

Ҳовлини супуриб бўлиб, гулларга сув қуяётганимда, ойим чиқиб қолди.

— Вой бўйларингдан ўргулай, Ҳаётжон, сенек дастёrim бор, менинг сира ғамим йўқ,—ойим топ-тоза ҳовли, гулзорни кўриб, жуда хурсанд бўлди,—ҳой, Ҳаётжон, соат ҳам тўрт бўлай деб қолди, ўртоқларингдан дарак йўғ-а?

— Келиб қолишади, ойи, улар маслаҳатлашиб бирга келишса керак.

— Ҳа, ундаи бўлса тузук,— ойим ёнимга келиб, се-кин пицирлади:— Лена холангни танидингми?— деб сў-ради.

— Ҳа, танидим.

— Атайин, дадангнинг ўртоқлари номидан сени табриклишга келибди. Гулларнинг энг яхшиларидан узиб, чиройли гулдаста тайёрлаб бергин!

— Хўп бўлади.

Лена хола мени табриклиш учун келибди. Эшитиб жуда севиниб кетдим. Тўғри-да. Катта одам, фан кандидати, мени кичкина бир пионерни табриклишга келса, севинмайдими киши:

Гулзорнинг ичкариогига кириб, гулларни танлаб-танлаб уза бошладим. Гулдаста қилиш майли-я, Лена холамга нима деб узатсам экан?.. «Раҳмат» дейман. Йўғ-э, бўлмайди. Ҳа, топдим. «Байрамингиз билан табриклиман» дейман. Шу яхши чиқади.

Гулдаста тайср бўлди. Чиройли қилиб боғладим. Шу пайт ошхона томондан яна ойим сўраб қолди:

— Вақт кетяпти-ку, нега дараклари йўқ?

— Билмасам,— ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Рост-да, ўртоқ бўлгандан кейин айтган вақтида келса-да. Мана энди... тўпланиб, бирга борамиз, деб Эркин айтган эдида. Қачон қарасанг, шунақа ғалати ишларни топиб юради. Битта-битта келишавергандага яхши бўларди-я.

Хафа бўла бошладим. Қўлимдаги гулдастага қараб ҳайрон бўлиб турган эдим, бирдан дарвоза ланг очилиб, олдинда Эркин бошлиқ ўртоқларим саф тортиб кириб келишди. Шунда жуда қизиқ бўлди. Ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Ойим ошхонадан, Лена холам уйдан ҳовли юзига чиқишиди. Эркин сафдан чиқиб, нуқул: «раз, два», «раз, два» деб команда берарди. Болалар сафни бузмай

турган жойларида марш қилишарди. Гўзал ҳам қўлидаги байроқчасини баланд кўтариб, сафнинг охирига туриб олган эди. Эркин бирдан: «стой!» деб команда берди. Оёқ уриши тўхтади. Эркин яна: «раз, два, три» деб команда берган эди, биринчи бўлиб турган Файрат баланд овоз билан:— «Ўртоғимиз» деди, ундан кейин Собир:— «Ҳаётни» деди, кейин Дилшод:— «Ўн» деди, Анвар:— «ёшга» деди, Адҳам:— «тўлиши» деди, Сиддик:— «билан» деди, охирида ҳаммалари бирдан:— «табриклиймиз!» деб қичқириб юбориши. Ҳаммасидан ҳам Гўзалнинг «ура» деб ҳовли юзида ўйинга тушиб кетгани қизиқ. Ҳаммамиз анчагача кулишдик. Үзим айтмовдими, бунақа иш Эркиндан келади деб. Худди шундай. Кечикишганлари ҳам шундан экан. Эркин бояги сўзларнинг ҳаммасини машқ қилдирибди-да.

Ойим, Лена хола ўртоқларим билан бирма-бир кўришиб, уларни уйга таклиф қилишиди.

Ҳаммамиз уйга кирдик. Мен бўлсам ҳозир, ўзим ҳам билмай қолдим. Севинганимданми, ўртоқларим билан қўшилишиб кетиб, ўзимнинг уйим эканлигини эсимдан чиқариб қўйибман. Худди ўртоғимниги маҳмонга боргандай, столнинг тўрига ўтириб олибман. Ҳаммамиз ўрнашиб олгач, ойим келиб стол устига ёпиб қўйилган катта дастурхонни очиб юборди. Столда ҳамма нарса бор эди: тандирсомса, ёғлиқ патир, пирожное, ҳар хил печенье, мармелад, шоколад конфетлар. Бошқа вақтда бўлгандা Гўзал дарров: «шоколаддан ёйман» деб жанжал қиласади. Ҳозир бўлса стол атрофида байроқчасини кўтариб айланиб юрибди-ю, шоколад конфет ҳам демайди. Ҳа, ўртоқларимдан уялаётганга ўхшайди. Бўлмасачи... У ким гапирса ўшанинг олдига бориб, аърайиб кулиб туради.

Болалар бўлса худди мендан яширган сирлари бордай, бир-бирлари билан имо қилишади, қулоқларига гапириб кулиб қўйишади. Нега шундай қилишаркин? Лена холамдан уялдим, бўлмаса сўраб, билиб олардим.

Шу топда ойим эшикдан имлаб, мени чақирди. Бўлмасам-чи, худди маҳмондай bemalol ўтирувдим.

— Сен ўтираверасанми, ўртоқларингга чой олиб кир,— деди ойим.

Буни қаранг, ахир шу ишни ўзим қилишим керак

эди-ку. Дарров чойнакдан стаканларга чой қўйиб ўртоқларимга узата бошладим. «Олинглар, ийе, қараб ўтирасизларми» деб уларни еб-ичиб ўтиришга таклиф қилдим.

Ҳа, энди билдим, ўртоқларим Лена холадан уялишаётган бўлишса керак. Нега уялишади, ахир Лена хола ҳам меҳмон-ку. Шу пайтда Лена хола худди мен ўйлаган гапни билгандай ўрнидан туриб, шундай деди:

— Болалар, мен ҳам сизлар сингари Ҳаётжонни ўн ёшга тўлиши билан табриклиш учун келган эдим. Келганимга анча бўлди. Ишим зарур, кечқурун тантанали йирилишга боришим керак. Мен Ҳаётжоннинг дадаси билан бир институтда ишлайман. Институт ходимлари менга Содиковлар оиласини байрам билан, Ҳаётжонни туғилган куни билан табриклаб, мана бу,— Лена хола гапини яримта қилиб, стол орқасида турган ўроғлиқ бир нарсани қўлига олди,— совғани топширишни илтинос қилди.

Лена хола қўлидаги қутичага ўхшаган нарсани менга узатди. Мен уялиб кетдим. «Раҳмат сизга, институтга... раҳмат...» деганимни ўзим ҳам билмайман. Совғани стол устига қўйлим. Ўртоқларим чапак чалиб юборишиди.

Шуниси ёмон бўлдики, Лена хола шу заҳоти кетаман, деб ўридиан қўзгалди. Ҳаммамиз бир бўлиб ялинсак ҳам, бўлмади. Кечикаман деб шошибиди. Лена холани ойим билан ўзим кузатмоқчи эдик, ўртоқларим ҳам эшиккача чиқишиди. Мен боя тайёrlаб қўиган гулдастани Лена холага бердим. Жуда хурсанд бўлди.

Ўйга кирдик. Ҳалиги совғани тезроқ очиб қўргим келарди. Ичida нима бор экан? Автомат ручка, чиройли қаламлар бўлса-я. Маза. Очмоқчи бўлдим-у, очолмадим. Нега шунаقا бўларкин? Ўтирганлар ҳаммаси синфдош ўртоқларим-у, очгани уяламан-а. Эркин жуда уста-да. Менинг очишга шошилиб турганимни билгандай, «Ҳаёт, кўрсак майлими?» девди, «майли» деб юбордим.

Вой-бўй, ичидан анча нарса чиқди. Иккита шоколад, матросча костюм, ўзи жуда чиройли тикилган, менга албатта ярашади, иннайкейин, сариқ чарм портфель, ичидан анча дафтар, қизиқ китоблари билан, кетидан ёш физкультурачи-пионернинг чиройли ҳайкалчаси чиқди. Ҳаммасини бирма-бир кўриб чиқдик, ҳайкалчани бўлса

дарров Гўзал қўлига олиб, кўчага югуриб кетди. Синдириб қўймаса майли-я... кетидан Эркин қалин қофозли муқова орасига қўйилган, машинкада босилган хатни ўқиб берди. Бу табрик хати дадамнинг институтидан менинг номимга ёзилган экан. Ўртоқларим яна чапак чалиб юборишиди.

Кейин, қўлидаги чойини ҳам ичиб бўлмай, Эркин ўрнидан турди.

— Ўртоқлар,— деди у, билмадим яна нима қизиқчилик қилмоқчи, ўзи жуда ғалати бола-да,— мана бу — ўртоғум Ҳаётга мендан совға,— деб қўйнидан бир варақ расм дафтарнинг қофозини чиқарди. Мундоқ қарасак.. жуда боплабди. Ўзи расм чизишга жуда уста-да, ҳалиги оқ қофознинг бир четига менинг расмимни чиройли қилиб чизипти, ёнига нима қилипти денг, униси ҳам менинг расмим-ку, лекин бошқачароқ... Кўкрагимгacha оппоқ соқол, бошимда сира соч қолмаган, ойнага ўхшайди, икки қўлимда даста-даста китоблар... Китоблардаги авторнинг номи ўрнига ҳам, расмнинг тепасига ҳам академик «Ҳ. Содиқов» деб ёзиб қўйипти. Жуда боплабди. Ҳаммамиз, ойим ҳам, анчагача кулдик.

Бирдан телефон жиринглаб қолди. Трубкани олсам, ойимнинг ишхонасидан экан. Местком раиси Умар амаки мени дарров таниди. У ҳам табриклагани чақирибди, ўйга келинг десам, вақтим йўқ, кейинчалик борарман дедилар. Кейин трубкани ойимга бердим.

Шундан кейин тағин қизиқ бўлди. Сабир ўрнидан турди: «Мана бу менинг совғам» деб қўйнидан бир расм чиқарди. Мундоқ қарасам, ҳув эсингиздами, ўтган иили мен отряд сборида пионерга ўтганим... Худди ўшандা олинган фотосурат. Отряд пионерлари саф тортиб туришибди. Мен тантанали ваъда беряпман. Буни қаранг, Сабир ўзи жуда билағон фотограф-да. Фото газетага ҳам суратлар олади. Нега бу суратни шу вақтгача ўзимга кўрсатмаган экан? Қизиқ. Тағин каттакон қилиб олипти-я.

Иннайкейин Дилшод, муқовасининг орқасига номим ёзилган қалин китоб берди. Аркадий Гайдарнинг китоби экан.

Ҳамма ўртоқларим совға олиб келишибди. Шуниси ғалатики, боя эшикдан келишаётганида қўлларида ҳеч нарса йўқ эди. Ҳа, буни ҳам Эркин ўйлаб топгач. Бир ерга бекитиб қўйишган-да. Бўлмаса китобга ўх-

шаган нарса чўнтақка сиғадими, расмлар эзилмайдими?

Ўртоқларим ойим берган совғани жуда ҳаваслари келиб кўришди. Рост-да, ўзи жуда яхши совға. Чиройли қутича. Атрофлари ўйиб ишланган. Қопқоғида чиройли расми бор. Ўртоқларим бир-бир қўлларига олиб кўришиди.

Яна телефон жиринглаб қолди. Узоқ жиринглади. Ойим трубкани олиб, ҳадеб қаттиқ овоз билан: «Ало!», «Ало!» дея бердилар. Кейин жим қолдилар. Яна: «Ало» дедилар. Бирдан қарасам, ойим дадам билан гаплашитилар. Мен жуда шошиб қолдим. Трубкани дарров олиб, дадам билан гаплашгим келарди.

Ойим, трубкани менинг қўлимга берди. Дадамнинг гаплари секин эшитиларди. «Дада, салом, байрам билан... ҳа, ҳа, мана ўртоқларим... Хўп, ҳаммасига айтиман... Ўртоқлар! Ёзёвондан... Дадамдан салом!.. Иўқ, дада, буни ўртоқларимга гапирдим... Хўп, хўп...»

Қўлимдан трубкани Гўзал олиб қўйди. Шунаقا вақтда нуқул ҳалақит беради-да. Иўқ десанг ийғлайди, қичкина бола нимага тушунаркин... Бўлмаса кўп нарсаларни сўраб олмоқчи эдим. Экспедиция... Қум саҳролари... Қадамловчи экскаватор.. Шулар жуда қизиқ эди-да.

Ўртоқларимга дадамдан эшигандаримни айтиб бердим. Улар ҳам хурсанд бўлишиди.

Ойим оини сузуб келгунча радиодан концерт эҳитдик. Гўзални ўйнатдик. Боя уялиб туруувди. Энди ўйинга ҳам тушиди. Шоколад конфетларни ҳеч уялмай маза қилиб олиб ся бошлади. Кейин Файрат, Анварлар шеър ўқиб беришиди.

Они ся бошлаганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Уидан кейин яна бирпас ўтирдик. Ўртоқларим мени ҳеч қўйишмади. Пианино чалиб бердим. Ҳаммамиз бир бўлиб, қўшиқ айтдик. Ойим ҳам жуда хурсанд эдилар. Биз билан биргалашиб ашула айтдилар, жуда яхши чиқди.

Кейин ўртоқларим кетамиз дейишиди. Рост-да, эртага парадга вақтли туришимиз керак!

Ойим, Гўзал — ҳаммамиз уларни эшиккача кузатиб қўйдик.

Уйга кириб совғаларни яна бир кўриб чиқдим. Қандай яхини совғалар...

Ўринга ётдим-у, уйқум кела бермади. Нуқул парад эсимга туша берарди. Мана, мен оқ кўйлак, қора шим кийиб, шойи галстукни ҳилпиллатиб Қизил майдондан, Ленин бобо ҳайкали ёнidan ўтиб кетяпман. Ҳамма бизга қараб турибди... Ҳозир шуларни ўйлаб туриб, Москва Қизил майдонидан ўтаётгандай бўлдим... Ана, Ленин ва Сталин боболар мавзолейи... Партия ва ҳукумат раҳбарлари бизларни Улуг байрам билан табриклияди.

2 ЭКСКУРСИЯ

Мана энди ўқишилар ҳам тугади, каникулга чиққа-
нимизга бўгун беш кун бўлди. Ҳали бир отидҳ ҳам ўт-
гани йўқ-ку, дарров зерикиб қолдим. Ўртоқларим би-
лан ўйнасам ҳам, мактабга ҳар куни чиқиб турсам ҳам
ҳеч бўлмабди-я. Эрталаб зарядкадан кейин нонушта
қилиб бўламан-да, кийина бошлайман. Галстуғимни
қўлимга олганимда бирдан каникуль эсимга тушиб қо-
лади. Икки марта шунаقا бўлди. Кундузлари бўлса
ўйнаб юраман-да, бирдан мактаб эсимга тушиб қола-
ди. Шунда дарсга бормай, лақиллаб юрган боладай
бўлиб кетаман. Худди ўқитувчимиз Мукамбар опам
менни турғизиб қўйиб: «Ҳаёт, кеча нега келмадинг?»
Леб тўрабтагига ухшайди. Нега шунаقا бўларкин?

Отрядимиздан олти бола биринчи галда лагерга
кетишади. Файрат, Адҳам, Дилшод ҳам кетади. Қол-
ган болалар билан мактаб майдончасида ҳар хил ўйин-
лар қиласми, экскурсияларга борамиз, колхозга ҳам
чиқмоқчимиз, пионерлар саройидаги тўгаракларга қат-
ишамиз.

Мен лагерга иккинчи сменада борадиган бўлдим.
Биринчилар қатори боришни жуда хоҳлаган эдим-ку,
бўлмади-да. Ахир қандай қилиб бораман. Уйда ойим-
ниң мэндан бошқа дастёри бўлмаса, Гўзал ҳали кич-
кина. Бувим жуда қариб қолганлар. Шунинг учун
ойим: «Қўятур, болам» дедилар. Жуда чатоқ бўлди-да.
Мана, беш кунда шунча зерикиб қолдим. Буни ойим
билисалар эди! Июннинг охирида дадам отпуска олиб
келидилар. Ўшанда мен лагерга бораман. Унгача ка-

никулни шуерда ўтказаман. Ойим ҳар отдиҳ кунлари мени ҳам, Гўзални ҳам ўзларининг клубларида қўйиладиган кино-театрларга олиб бораман дедилар.

Эртага отрядимиз пионерлари билан Тошкент тўкимачилик комбинатига экспурсияга борадиган бўлдик. Ўқитувчимиз Мукамбар опанинг ўзлари олиб борадилар. Мен яхши дафтар билан чиройли қалам тайёрлаб қўйдим. Дафтарга каникулда қилган ишларимнинг ҳаммасини ҳеч қолдирмай ёзиб бормоқчиман. Отрядимиз йигилишида албатта эсадалик тутамиз деб ваъда бердик. Пионерлик ваъдаси-я! Эртага эсадаликнинг биринчи варагига «Сталин номидаги тўкимачилик комбинатга кетяпмиз» деб ёза бошлайман. Кўрганларимнинг ҳаммасини ёзаман, биттасили ҳам қолдирмайман.

Эрталаб нонушта қилиб бўлгач, шошилиб кийина бошладим. Қарасам, ойим шошилмай ўтирибдилар. «Ойи, ишингизга кеч қолмайсизми?» деб сўрашимга сал қолди. Дарс бор вақтида отдиҳни ҳеч унумасдимку, бугун отдиҳлиги эсимдан чиқибди.

Кийиниб ҳовли юзига тушганимда, Гўзал эргашди. Ойим «Аканг ҳозир келади» деб зўрға алдадилар. Шу пайт эшикдан ўртогим Эркин кириб келди. Ойим билан сўрашди-да, кейин худди бирордан хафа бўлгандек ёнимга келиб, секин гапира бошлади:

- Ҳаёт, билдингми нима?
- Йўқ,— дедим ҳайрон бўлиб.
- Комбинатга бормас эканмиз.
- Нега? Ким айтди?
- Ҳеч ким, ўзим айтяпман.
- Қаёқдан билдинг?
- Қаёқдан бўларди, бугун отдиҳ-ку, комбинат ишлайдими?
- Рост-а. Бугун отдиҳ-ку. Мукамбар опанинг ҳам эсларига келмабди-да, а, Эркин.
- Билмадим.

Мен жуда хафа бўлиб кетдим. Комбинатни кўрамиз деб шунча севиниб юрганимизда, бирдан...

Бу гапларни ойим ҳам эшишиб турган эканлар, олдимизга келдилар.

— Бугун дам олиш куни, комбинатга боришларингдан мен ҳам ҳайрон бўлган эдим. Майли, ҳечқиси йўқ,

бораверинглар; комбинатнинг ичига кирмасаларинг шаҳарчани кўриб келарсизлар,— деди ойим.

— Ийе, шу ҳам экспурсия бўлдими?

Эркин билан бирга чиқиб кетдик. Мактабга яқинлашганимизда аллақачон автобусга ўтириб олган болаларнинг шовқинини эшилдиқ. Болалар бизга қараб қичқиришиди:

— Юринглар, тезроқ...

— Тез кел, Ҳаёт, жой олиб қўйибман.

Шошиб автобусга чиқдик. Мукамбар опам шофернинг ёнига ўтириди. Машина катта асфальт кўчадан юриб кетди. Бир оздан кейин Анвар: «Биз баҳтиёр пионерлармиз» ашуласини бошлади. Ҳаммамиз бир бўлиб айтдик.

Машинамиз Бешёғочдан ўтиб, Театральная кўчасига чиққанида Мукамбар опам бизга дараҳтзорлар орасидаги икки қаватли катта бинони кўрсатди. Бу — тўкувчиларнинг Маданият саройи экан. Шота Руставели кўчаси — жуда кенг, тўғри, икки томонида кўп қаватли бинолар, магазин, аптека, мактаб, боқчалар бор.

Машинамиз баланд бино ўртасида иккита катта дарвазаси, кейин катта фонтани бор жойда тўхтади. «Ана, келдик» деди болалардан бири. Қизиқ. Худди илгари ҳам келганга ўхшайди-я.

Машинадан тушиб, ҳаммамиз фонтан атрофига тўпландик. Суви тўлиб тўрибди, типиқ. Қўлимни узатувдим, егли, муздек экан. Шу иссиқда бир чўмилгим келди. Мази бўларди-я. Лекин ҳозир комбинатга кирамиз да, бўлмаса ку... Бониқа болаларнинг ҳам ҳозир чўмилигуси келгандир. Эркин бўлса лип этиб, фонтан ҳовузининг гардишига чиқиб олган эди, бошқа болалар ҳам чиқинди. Ҳа, энди билдим, Собир айтган экан. Ҳаммамизни шу туришда суратга олди.

Мукимбар опам чап томондаги эшикдан кўк китель киғиғи бир кини билан чиқиб қолдилар. Ҳаммамиз даррои бир жойга тўпландик. Бу киши инженер Сергей Васильевич экан. Ҳаммамиз билан бир-бир кўришиб чиқдач, болаларни ўнг томондаги кичик эшикдан ишқари бошлаб кирди.

Комбинатнинг ишқариси худди каттакон боқقا ўхшайди. Икки томонга асфальт йўл кетган. Атрофлари дараҳтзор, гулзор. Биз каттакон «Ҳурмат тахтаси» ёнида тўхтадик. Бунда комбинат стахановчиларининг

фотосуратлар йўйилган экан. Биз яқинроқ бориб, кўра бошладик. Мен энди стахановчи Нурия Маҳсумованинг суратини топган эдим, инженер Сергей Васильевич гап бошлаб қолди:

— Комбинатнинг биринчи навбати қурила бошлаганига йигирма йилдан ошди. Унинг пойдеворига биринчи гиштни ҳурматли Йўлдош Охунбобоев ўз қўли билан қўйган эди.

Инженер шу гапни айтганида болалар ҳаммаси бирбирларига қараб олиши.

— Мен биламан. «Ленин учқуни» да ҳам «Ўзбек халқининг содик фарзанди» деган мақолани ўқиганман. Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биринчи Раиси бўлган. Ёш томошабинлар театри ҳам шу кишининг номида-ку. Дильтаджонинг акаси ўқийдиган мактаб ҳам Охунбобоев номида. Энди билдим, комбинат пойдеворига биринчи гиштни Йўлдош Охунбобоев қўйган экан! Буни албатта дафтаримга ёзиб қўяман.

Сергей Васильевич бизга комбинат қурилгандан бўён бунда ишлаб донг чиқарган кишилар ҳақида, улардан кўплари ҳозир раҳбарлик ўринларда ишлаётгани тўғрисида гапириб берди. Кейин биз асфальт йўлдан бориб, катта бинога кирдик. Бу тўқув фабрикаси экан. Вой-бўй, катталигини-чи... жудаям кенг-а! Йўқ, энди топдим, усти ойна билан ёпилган стадионга ўхшайди. Тўқув машиналари шунча кўпки, кўзни қамаштиради.

Сергей Васильевич бизларни қаторасига тизилган станокларнинг орасидан бошлаб бориб, ўртада тўхтади. Шуниси чатоқ бўлдики, у кишининг гапларини яхшилаб эшитиб бўлмасди. Станокларнинг овози халақит берарди-да. Кейин машиналарнинг нариги томонидан ип улаётган бир аёл бизнинг яқинимизга келиб, кулиб қўйди. Муқамбар опам билан қўл сиқиб қўришиди. Бу — машҳур туқувчи, ССР Олий Советининг депутати Евдокия Визгалова экан. Мен биринчи кўришимда ёк дарров таниб олдим. Суратларини кўрган эдим-да.

Сергей Васильевич қўли билан имо қилган эди, ҳаммамиз ўша томонга қараб кетдик. Мен икки марта, орқамга ўгирилиб, Евдокия Визгаловага қараб олдим. Бирнис шу ерда тўхтаб тургим келди-ю, бўлмади-да. Боя Сергей Васильевич машиналар ёнидан жуда эҳти-

Ет бўлиб ўтишимиз, иннайкейин ишлаб турган кишиларни гапга тутмаслигимиз кераклигини айтган эдилар. Ишларига халақит берамиз-да.

Станоклар орасидан чиққанимизда Сергей Васильевич машҳур тўқувчи ҳақида гапириб берди:

— Евдокия Бизгалова ҳозир бир ўзи қирқ саккиз станокда ишлаб, аъло сифатли маҳсулот чиқармоқда.

Қирқ саккизта-я. Кўплигини қаранг. Буни ҳам дафтаримга албатта ёзиб оламан. Шуниси ёмон бўляптики, типпа-тик турганда дафтарга ёзолмаяпман. Ёзаман-ку, жуда хунук чиқади-да. Ҳаммасини кейин ёзиб қўяман десам-чи, баъзилари эсимдан чиқиб қолиши мумкин. Ҳа, топдим. Бошқа бир қоғозга тез-тез ёзиб оламан-да, уйга боргандা бирма-бир ажратиб, тартибли қилиб кўчириб қўяман. Чўнтағимни қидириб оқ қоғоз топдим. Ана шунга ёзаман.

Тўқув фабрикасидан чиққанимизда Сергей Васильевич яна бир худди шундай тўқув фабрикаси борлигини айтдилар. Бу фабрикага кирмадик, ташқарисидан кўрдик. Сергей Васильевич энди бизни йигирув фабрикасига бошлаб кирдилар, бу ҳам худди боягидек жуда катта экан. Йигирув машиналари ҳам боягига ўхшаб бир қаторасига қўйилган. Бу станоклар шундай қарангда жуда чиройли кўринади. Катта-катта дугларнинг иш ўрашини узоқ томоша қилиб тургим келди. Бу ерда ҳам стахановчи йигирувчилар кўп-кўп станокларда ишланир экан. Бир зумда анча дугга иш ўралиб, тайёр бўлганини кўрдик.

Ташқарига чиқишимиз билан станокларнинг гувиллаб турган овози жимиб қолди. Шуниси қизиқки, катта-катта фабрикаларнинг ичидаги шунчадан-шунча машиналар бор-ку, ташқаридан овози эшитилмайди-я. Қун жуда иссиқ бўлса ҳам комбинатнинг ичи салқин. У ерда киши дараҳтзор боғда, соя-салқинда дам олиб юргаига ўхшайди. Йўллар ёқасига скамейкалар қўйилгани, фонтан бор, газли сув будкалари, ларёк — ҳаммаси бор. Комбинатнинг ичи яшил шаҳарчанинг ўзи. Боя биринчи кирган фабрикамизда Собир ҳаммамизни станоклар ёнида суратга олган эди. Ҳозир дараҳтлар тигида ҳам суратга олди. Олдинги қаторга Сергей Васильевични ўтқаздик. Фотогазетага бирталай расм тўлди-да. Собир бугун жуда ҳам хурсанд.

Читта гул босиш фабрикасига киришдан олдин.

иккинчи қаватга чиқдик. Сергей Васильевич бизни аввал читга ҳар хил гул расмларини чизадиган рассомларнинг иши билан таништиromoқчи бўлди. Бу гапни эшириб, Эркин севиниб кетди, ўзи расм чизишни жуда яхши кўради-да. «Яшасин» деганича мени қучоқлаб олда,

Узун каридорнинг ўнг томонида қаторасига кетган хоналардан бирига кирдик. Икки киши стол ёнида ўтириб, расм чизишмоқда. Бу ерда бемалол гаплашса бўлади, фабрикалардагига ўхшаш шовқин эмас.

Сергей Васильевич рассомларнинг иши тўғрисида гапира бошлади. Биз энди бу инженерга шундай ўрганиб қолдикки, Мукамбар опам билан қандай гапиришсак, ўзи киши билан ҳам шундай гаплашадиган бўлиб қолдик. Мен бўлсан икки марта: «Дядя Серёжа, дядя Серёжа» дедим, хафа бўлмадилар, елкамга қўлларини ташлаб: «Синок» дедилар, кейин саволимни тушунтириб бердилар.

Сергей Васильевич, бу йил комбинат рассомлари газламалар учун юз хилдан кўпроқ янги нусха гул тайёрлаб беришлари керак, деди. Шундан кейин бизга иккита катта альбом беришди. Болалар иккига бўлиниб, варақлаб кўра бошладик. Мен фотоальбом деб ўйловдим. Ундоқ эмас экан. Бунда ҳар хил гулли газламалардан қирқиб ёпиштириб қўйилган экан, альбомнинг ярмичасини кўрган эдик, жуда қизиқ бўлди. Ичидан, Гўзалнинг енгиз кўйлаги бор-ку, худди ўшандан чиқиб қолди. «Ийе, анавини» деб қичқириб юборман, ҳамма кулди, ўзим ҳам уялиб кетдим. Жуда ғалати бўларкан, Гўзалнинг кўйлагидан қолганини шу альбомга қўйгандек бўлиб кетди-да. Худди ўзи-я.

Альбомнинг иккинчисини кўраётган эдик, Эркин ҳам худди шундай бўлди. «Ана, чидаганга чиқарган» деб юборди. Ўзи ҳам билмай қолди. Болалар кулишди. Мен ҳам уни секин тутиб: «Ҳа, боя менгаям кулувдинг-ку» дедим. Бизнинг ёнимизда турган рассом шу гапни эшилди-ю, яқинроқ келиб сўради:

— Қайсибири «чидаганга чиқарган?»

Эркин дарров живир-живир расмли кўк газламанинг қийқиндисини кўрсатди.

— Сиз қаердан биласиз: «чидаганга чиқарган» лигини?— деб сўраб қолди рассом.

Эркин тез жавоб бера олмай, қизарди. Кейин секин гапирди.

— Бувимнинг худди шунақадан кўйлаклари бор.
Шуни «чидаганга чиқарган» дейдилар.

Рассом кулиб қўйди-да, гапира бошлади.

— Болалар, бу: «чидаганга чиқарган» эмас. Бу — оддий чит, агар гули бошқачароқ бўлса, кўрпага ҳам ишлатилади. Энди мен сизларга «чидаганга чиқарган» нинг тарихини айтиб берай. Буни яхши эсимга туширдинглар. Илгари вақтда, Октябрь революциясидан авваллари бой, савдогарлар бошқа шаҳарлардан газлама келтириб сотишарди. Камбағаллар қиммат баҳоли бу газламалардан ололмас, бўздан бошқасига қурби етмас эди. Худди мана шунга ўхшаш, юпқа газламадан бойларнинг хотинлари, қизларигина кўйлак кийишарди. Шунинг учун ҳам одамлар бу газламага «чидаганга чиқарган» — яъни «пулига чидаганга чиқарган» деб ном қўйган. Энди бўлса халқимиз шойисини кийяпти. Мана ўзларингизнинг эгнингизда ҳам шойи кўйлак. Тушунарлимис? — деб Эркинга қаради рассом: — Бувингиздан бориб сўранг, айтиб берадилар.

Буни мен ҳам бувимдан сўраб оламан, билсалар керак,

Рассомлар хонасидан чиқиб, пастга тушдик. Читга гул босиши фабрикасига кирдик. Ҳаммамиз каттакон машина орасидан худди тўғонга сув тушаётгандек бўлиб чиқиб турган газламани кўриб аърайиб қолдик. Кейин газламани сортларга ажратиш, тахлашни кўрдик. Бу ерда ҳам отоқли стахановчилар билан танишдик.

Читга гул босини фабрикасидан чиққанимизда соат иккидан ошган эди. Сергей Васильевич бизга комбинатда булардан ташқари яна ҳар хил корхоналар борлигини, уларнинг ишини айтиб берди. Кейин Сергей Васильевич болаларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Комбинат кечака, бир суткада пландан ташқари иккимактабнинг ўқувчиларига кўйлак тикса етадиган газла ма тўқиб чиқарибди.

Саволларимизга берилган жавобларнинг ҳаммасини ёзил олдик. Кейин Мукамбар опам ҳаммамизнинг номимиздан Сергей Васильевичга раҳмат айтдилар.

Үйга келганимда соат учдан ошган эди. Эшикдан киришим билан ойим:

— Ҳа, Ҳаётжон, комбинат бугун ишлар эканми? — деб сўради.

— Ҳа, ойи, ишлар экан.

— Якшанба куни-я?

— Э, аттанг. Шуни сўраш эсимдан чиқибди.

З ЯНГИ ЎРТОҚЛАР

Кўзимни шундоқ очиб, «қачон подъём бўларкин» деб ўйлаб ётудим, бирдан горннинг янгроқ овози эши-тилиб қолди. Иргиб ўрнимдан турдим. Қарасам, ҳам-мадан олдин уйғонибман. Авваллари, лагерга келган кунларимда ҳеч вақтли тура олмасдим. Билмайман, горннинг овозини эшитмай қолармидим. Ўзим ҳам ҳай-ронман. Нуқул болалар ўринларидан туриб, шовқий-лашганида уйғонардим. Шундаям кўзларим ачишардӣ, уйқуга тўймаганга ўхшаб ҳеч ёстиқдан бошимни кўтар-гим келмасди. Бир марта отряд вожатимиз Кўчкор акамнинг ўзи кроватим ёнига келиб:

— Ҳаёт, турмайсанми? — дедилар.

Шошилиб ўрнимдан турдим-у, жуда уялиб кетдим. Бир марта шундоқ бўлди-да. Кейин ўртоқларим билан баравар уйғонадиган бўлиб қолдим. Шу кунларда бўлса, горн чалинишидан бир минут, икки минутча ол-дин кўзим очилиб кетади, иннайкейин аввалгидай ачишмайди ҳам.

Лагерда менга энг ёқсан нарса маёна шу горннинг эрталабки овози бўлди. Тонг отиб, қўёш энди уйқуси-дан турганда бирам ёқимли эшитиладики... Салқин шабада унинг овозини узоқ-узоқларга олиб кетади, қушлар ҳам худди ўйинга тушаётганга ўхшаб, дараҳт-лардан-дараҳтларга қўнишади.

Мана шу катта анҳор ёқасига бешта лагерь жой-лашган. Бизники ўртасида. Чўмилгани борганимизда қўшни лагердаги болалар бизни нуқул «ўртанчалар» деб гапиришади. Олдинлари мен тушунмасдим. Лаге-римизнинг ҳамма болалари ўртанча ёшдагилар бўлса

керак, деб ўйлардим. Ундоқ эмас экан. Тўртта лагерь ўртасида бўлганимиз учун шундай деб чақиришаркан. Шунинг учун бўлса керақ, эрталабки горн овози қўшни лагердагиларнинг овози билан қўшилиб кетади-да, ҳаммаси худди бизнинг лагерда чалинаётганга ўхшайди.

Ана шундай пайтда, ҳамма ёқ жимжитлигида, уй-қудан туриб бирпастгина горн овозини маза қилиб эшигим келади. Музика асбоблари орасида энг овози ёқимлиси шумикин деб қўйдим.

Горн овозини мактабда ҳам, экскурсияларга борганимизда ҳам, радиода «Пионер эрталиги» берилганда ҳам эшитардим, иннайкейин ўзим ҳам, бир неча марта чағланман-ку, шундай бўлса ҳам лагердагиси, айниқса мана шу эрталаб чалиниши жудаям менга ёқади.

Горн овози тиниб, ҳаммамиз физкультура майдон-часига тўпландик.

— Зарядкага сафланинг! — деган команда эшитилди.

Икки юз бола сафга туриб, зарядка қила бошладик. Шунда охириги машқни қилаётганимизда, боядан бери хурсанд бўлиб турганим ҳаммаси ҳавога учиб кетгандай бўлди. Ҳозир бориб, койкани тузатиш эсимга тушиб, хафа бўлиб кетдим. Ҳеч ўрганолмадим, ўрганолмадим да. Ҳар ким ўз билганича тузата берса бўлмасмикин? Ҳар сафар койкани тузаткунимча қийналиб, терлаб кетаман, ўчи ўртоқларимникига ўхшатолмайман. Шунинг ўринига арифметикадан энг қийин бешта масалани ечиб беринига ҳам рози ёдим. Икки марта Кўчкорикам келиб, тузатиб қўйганимни бузиб ташладилар. Бир мартасида чойниганин конверт шаклида қилишни кўрсатдилар. Баридир шундаям ўрганолмадим.

Зарядка тамом бўлиб, палатага келдик. Мен одеялни ҳам, ёстиқни ҳам тумбочка устига қўйиб, олдин чойшабларни яхшилаб қоқдим, кейин секин авайлаб ёзи бошладим. Мен ҳали ён томонларини буклаб, текисламишисимданоқ, ёнимдагилар тузатиб бўлиб ювенишга кетинди.

Тагин ҳаммадан кейин қоладиган бўлдим деб хафа бўлиб турганимда, Саша ёнимга келди:

— Шошма, Ҳаёт,— деди у ва қўлимдан одеялни олди,— буни энига тўрт букла, буклаганда ҳар томони баравар бўлсин, иннайкейин устидан чойшапнинг икки ёнини қайриб, одеялонинг устига тахла... .

— Бунисини биламан, фақат текис чиқмайди-да.

— Текис бўлиши учун тахлагандан кейин, тараңг қилиб торт. Ундан кейин боши ва оёқ томонларини конвертга ўхшатиб букла.

Саша жуда уста-да, бирпасда текис қилиб, тузатиб берди. Ёстиқни ҳам кўрсатаётган эди, «ўзим биламан» дедим. Сашадан жуда хурсанд бўлдим. Шунаقا ўртоғинг бўлса!

Ўзи яхши бола-да. Илгари мен уни танимас эдим. Шу ерда ўртоқ бўлиб қолдик. Отдих куни ойим келгандарига вожатиймиздан рухсат олиб, анҳор лабига тушиб кетдик. Ойим, укам Гўзал билан дараҳтлар тагида гаплашиб ўтирасак, бирдан отаси билан Саша келиб қолди. Шунда отаси ойим билан қуюқ сўрашди. Кейин билсам, Дмитрий амаким ҳам ойимнинг фабрикасида ишлар эканлар. Анҳор лабига ҳаммамиз анчагача гаплашиб ўтирдик. Дмитрий амаким лагердан қайтганимиздан кейин, уйларига меҳмонга таклиф қилдилар. Ойим: «Аввал бизларникига борасизлар» дедилар. Ана шу кундан бошлаб Саша билан жуда ҳам қалин бўлиб қолдик.

Икковимиз ҳам шахмат тўғарагига ёзилганмиз. Саша шахматга жуда уста. Ҳозир лагерда иккинчи ўринда боряпти. Мен учинчиман. Саша шахматдан ҳам ўргатиб туради. Саёҳатга чиққанимизда ҳам доим бирга юрамиз.

Лагернинг яна шуниси яхшики, дарров янги ўртоқлар топиб, худди бир синфда ўқийдигандай таниш бўлиб қоласан. Мен лагерга келмасдан олдин: «Ўртоқларимдан ҳеч ким бормаса зерикиб қоларман» девдим. Мен ўйлагандай бўлмади. Икки-уч кундаёқ отрядимиздаги пионерларнинг ҳаммаси билан танишиб олдим.

Иккинчи звенодаги Сайдни кўрсам синфдошим Собирни кўргандай бўламан. У ҳам Собирга ўхшаб фотопрасмга жуда ишқивоз экан. Доим қарасангиз «любитель» фотоаппаратини елкасида осиб олиб юради. Поҳодларда бўлса, ҳаммадан олдин манзарали жойни топиб, ўша ерда бизларни суратга олади. Ўзи жуда ҳазилвон бола.

Аммо, барибир ҳазилвонликда Суръатга етолмайди. Суръат биласизми қандоқ? Эҳе, ўзи паканадан келган, бақ-бақалоқ, кулганида кўзлари юмилиб кетай дейди. У ҳам худди Эркинга ўхшаб, шундай қизиқчилик қила-

дики, кулдира-кулдира одамни чарчатади. Ўзи ҳозир драм тўғарагига қатнашяпти. Билмадим, қайси ролни ўйнаркин, қайсисини бўлса ҳам роса кулдиради-да.

Фақат менга Карим ёқмади. Ўзи ёмон бола эмас-ку, менга сира ёқмай қолди. Шундайлигини илгари билсан отряд совети аъзолигига сайлаётганимиизда қўл кўтартмасдим-а. Ўзи доим қовоғини солиб юради. Ҳеч кимга ёмон гапирмайди, бирор билан уришмайди-ку, аммо худди хафа бўлганга ўхшаб юради. Унинг ойиси ҳам менинг ойим билан бирга ишларкан. Ишласа нима бўпти. Ўзи менга ёқмагандан кейин...

Нега ёқмайди дейми? Мен-ку койкани тузатишни ҳеч ўрганолмадим. Лагерга келганимизга ўн бир кун бўлган бўлса ҳам ҳозиргача қийналаман. Бир марта ҳеч тўғри тузатолмадим-де, Каримга айтдим. Йўқ демади, тузатиб берди. Иккинчи марта айтувдим, бундай «хўп» деди-ю, койкамнинг олдига келгандан кейин:

— Ўзинг кичкинамисан, бир марта кўрсатгандан кейин ўрганиб олмайсанми?— деди қовоғини солиб.

Менинг ҳам жаҳлим чиқиб кетди.

— Мен сенга ўхшаб ўтган йили лагерда бўлганим йўқ, биринчи келишим,— дедим.

— Биринчи келганлар жуда кўп. Бу баҳона эмас, Бўлмаса уйингда нима қиласдинг?

— Ўйимда?! Ўйимда койкамни ойим йиғишириб қўярди.

— Қойилман сенга, кап-катта бола, жагин тўртинчи сиифга ўтдим дейсан, койкангни ўзинг тузатолмасанг. Ойингга қарашганингми, бу. Пионерсан-а.

— Ойимга доим ёрдамлашаман. Ҳатто қиз боламни, деб турмай сув сепиб, ҳовли супураман-ку...

— Қўйсанг-чи,— деб қўлини силтади Карим.

— Ишонмасанг ойимдан сўрай қол,— дедим.

Қаранг, ишонмайди-я. Кейин чойшапнинг икки бозини конверт қилиш қолганида «қани, бунисини ўзинг қилиб кўр-чи» деди. Ўзим кўп уннадим, бўлмади, бир томонини Карим тузатиб берди.

— Бунисини ўзинг қил, қачонгача...— деб, орқасига қайрилган эди, ялина бошладим:

— Кел, оғайни, бунисиням... иннайкейин «спорт» деган шоколадим бор, бўлиб еймиз,— десам, Карим менга хўмрайиб:

— Нима?! Мен сенга кичкина боламанми, алдайсан.

Ўзинг тузат, бошқа ўргатмайман,— деб, койкаси ёнига кетди.

Кетгани майли-я, «ўзи тузатмайди, доим бошқа болаларга ялинади» деб вожатийга айтибди. Ана ўшанда Қўчкор акам келиб, ўзлари кўрсатган эдилар. Ўртоқ деган ҳам шундай бўладими, ахир. Шундан буён менга ёқмайдиган бўлиб қолди.

Бугун ҳам Саша билан ювингани кетятсак «ҳа, койкангни бировга тузатдиришга роса ўрганиб қолдинг-а» дейди. Мен ҳам: «Ишинг нима, йўлингга юравер» дедим. Рост-да, бироннинг ишига нимага аралашиди, бўлмаса.

Нонушта қилиб бўлганимиздан кейин шахмат павильонига бордим. Бугун мен Фарид билан ўйнашим керак. У ҳам жуда билағон. Олдин худди ҳеч нарсани билмагандай ўйнаб келади-да, кейин бирдан ҳужумга ўтади. Шу пайтда одамни адаштириб қўяди. Шуниси ёмон. Бўлмаса-ку... Қани бугун нима бўларкин. Агар шу сафар ҳам ютсан, очком олтига бўлади. Иннай-кейин разряд беришади. Қўшни лагерь билан бўладиган мусобақада ҳам қатнашамац. Маза бўларди-я...

Павильонга борсам, болалар жуда кам. Бизнинг отряддан мендан бўлак ҳеч ким йўқ. Ҳайрон бўлдим. Ё балиқ овига кетишганмикин? Йўғе, балиқ овлашга эртага бормоқчи эдик-ку. Шундай ўйлаб турувдим линейка ўтказадиган жойдан аллакимнинг овозини эшигдим.

— Ҳаёт, ҳо Ҳаёт, бу ёқقا кел!

Ўша томонга қарадим-у, ким чақирганини билолмадим. Фарид, Суръат, Саша — ҳаммалари бирга эди. Югуриб борсам, Фарид менга деворий газеталар илинадиган таҳтани кўрсатиб, кулди. «Тағин битта қизиқ мақола чиқсанга ўҳшайди» деб югуриб борсам...

Бордим-у, газетани кўриб жуда хафа бўлиб кетдим. Каракатурага қараб, йиглаб юборишимга сал қолди. Рост-да. Алам қилмайдими. Қачон менинг чойшапларим одеялим ерга тушиб қолган, қачон мен ёстиқнинг устига чиқибман. Қани, исботлаб берсин-чи ўша рассом. Расм тагидаги мақолани зўрга ўқиб чиқдим. Нима депти дeng: мен доим койкамни бировларга тузаттирас эмишман. Ўзим тузатишни истамас, дангаса эмишман. Шунинг учун отрядимиз бир очко ютқизибди. Буларни ёзиш Каримдан бошқанинг қўлидан келмайди.

Ўзим зўрға турган эдим, учинчи отряддаги болалардан бир нечтаси келиб газетани кўра бошлашди. Мен сал орқага силжиганимда хохолаб кулиб юборишиди. Шуниси жудаям алам қилди. Орқамга қарамай чоп-қиллаганимча анҳор лабига кетдим. Даражат тагига ўтиридим-у, хафалигим тағин ошиб кетди. Ҳозир ҳеч кимга айтмай, лагердан қочиб кетгим келди. Энди турмоқчи бўлганимда болалар кўриб қолишини ўйлаб, тағин ўтириб олдим.

Нима қилсан экан? Шу ҳолатда анчагача ўтиридим. Ўйлай бериб йиғлаб юборганимни ҳам билмайман. Ҷўмилгани бораётган болаларни кўриб, кўзимнинг ёшини секин артиб олдим. Кўриб қолишса яхшими?

Ярим соатлардан кейин аллаким орқамдан келиб, қўллари билан кўзимни бекитди. Кимлигини ҳеч тополмадим. Кейин бир неча боланинг «вож» деган овозини эшитиб чўчиб тушувдим, кўзимни бекитган бола қўлини олди. Қарасам, ёнимда Фарид, Саша, Карим, Суръат турибди. Ҳеч нарса деёлмай, ерга қараганимча жим қолдим. Суръат ўзидан-ўзи:

— Бир бор экан, бир йўқ экан...— девди, ўзимни тутолмай кўлиб юбордим. Улар ҳам хохолаб кулишди. Суръат ўзи шунаقا-да. Тўғри гапирса ҳам кулдириб юборади. Шундан кейин Суръат қўлидаги иккита қармоқни бирланшириб, худди милтиққа ўхшатиб, менга ўхталди:

— Қани тур! Тур лейман, бўлмача, балиқ қилиб, илиб оламаи,— деди. Болалар яна кулишди. Ўрнимдан туришим билан Суръат битта қармоқни менга берди. Қарасам ўзимники. Суръат жуда қойил бола-да. Менини ҳам олиб келибди-я.

Ҳаммамиз балиқ тутишга кетдик. Йўлда ҳеч ким, мендан ҳеч нарса сўрамагани, деворий газетадан гап очмаганидан жуда хурсанд эдим. Қайтаётганимизда ҳам ҳеч ким шу тўғрида гапирмади. Бўлмаса ҳамма билади.Faқат мени хафа бўлмасин дейишяпти-да.

Тушки овқатгача деворий газета анча эсимдан чиқ-қан эди. Овқатдан келиб, дам олиш учун койкам ёнига борганимда яна эсимга тушиб кетди. Дам олиб, ўрнимдан турганимдан кейин, тағин койкани тузатиш керакда, ахир.

Ҳар куни шу пайтда озроқ ухлар эдим. Бугун сира ухласлмадим. Турганимдан кейин бўлса койкамни ҳам-

маникидан яхши тузатаман деб, жуда қийналдим, анча свора бўлдим. Барибир бир ери қийшиқ бўлиб қола берди. Шу пайтда вожатийиз Қўчқор aka келиб, мени ўзлари турадиган палатага олиб бордилар. Мен тушунолмадим. «Тагин бир гап әшитадиган бўлдим-да» деб кўрқувдим, мен ўйлагандай бўлмади.

Қўчқор акам мендан бошқа нарсаларни — ойим, дадам, ҳатто Гўзални, уйимизни, ўртоқларимни сўрадилар. Ҳудди оғайнилардек гаплашдилар. Суҳбатнинг охирида койкани, газетадаги каррикатурани гапирудилар, жуда уялиб кетдим. «Танқиддан кўрқиш пионернинг иши эмас!» дедилар. Кейин Қаримни чақирдилар. Мен ҳайрон бўлдим, «тагин шу Карим...» деб ўйлаб турганимда, унинг ўзи келиб қолди. Кейин Қўчқор акам шундай дедилар:

— Пионер Карим Аҳмедов! Сизга топчириқ: эртадан бошлаб, уч кун мобайнида, пионер Ҳаёт Содиқовга койкани қандай тузатишни ўргатасиз! Натижасини менга айтасиз. Тушунарликми?

— Тушунарлик.

Мен «Каримдан бошқа болани...» демоқчи бўлдим-у, айттолмадим.

Вожатий «Сизларга рухсат» дегандан кейин чиқиб кетдик. Палатага бирга кирдик-ку, аммо бир-биримизга сира гапирмас эдик.

Эртаси куни эрталаб зарядкадан кейин Карим ёнимга келди. Олдин ўзи кўрсатиб, кейин мени тузатишга мажбур қилди. Кундузги уйқудан турганимизда бўлса, койкани бирамас уч марта тузатиб чиқдим.

Ҳар сафар ана шундай қилган эдик, учинчи куни эрталаб, вожатийиз ўзлари кўриб қолдилар.

— Ким тузатди? — деб сўрадилар.

Мен индамадим. Шунда Карим:

— Бунисини ўзи тузатди, — деди.

Вожатий индамай, кулиб қўйди.

Шундан бошлаб, койкамни ўзим жуда чиройли, текис, ёнимдаги койкаларга тўғрилаб тузатадиган бўлдим.

Карим жуда яхши бола экан. Энди билдим. Отряд совети аъзолигига сайлаганимизда қўл кўтариб яхши қилган эканман. Битта Карим эмас, лагерда танишган янги ўртоқларимнинг ҳаммаси ҳам яхши!

4 «АҚЛХОНА»

Бу йил каникулда тутган эсдалик дафтаримга «Ақлхона» деган сўзни ёзиб қўйдим. Унинг маъносини ҳам, қаочон, ким айтганини ҳам, бўлган воқиани ҳам ёзмадим. Ўзим билганимдан кейин ёзиб нима қиласман! Барибир қаочон шу сўзни ўқисам, ҳаммаси эсимга туша беради. Катта бўлганимда ҳам сира эсимдан чиқмайди.

Шу сўзни нега ёзиб қўйдим дейми? Мана эшитинг:

Укам Гўзал иккі йилдан берли боқчада тарбияланади. Бу йил энди олти ёшга қадам қўйди. Ҳали беш ярим ёшга ҳам киргани йўқ-ку, худди биринчи синфда ўқнйдиган болаларга ўхшаб ҳамма ҳарфларни билади. Ўзининг отини ҳам бемалол ёзади. Боқчада тарбиялангандан кейин шунақа бўлади-да! Буни ҳамма ҳам билади. Ўртоқларимнинг боқчадаги укалари ҳам шундай-ку. Битта Гўзалмики. Бўлиб бўпти. Буни мен жуда яхши биламан. Фақат бувим ишонмайдилар-да. Нуқул қарасангиз, Гўзални шу тенгги қизларнинг энг ақллиси, энг бурроси дейдилар. Сўзларини эшитиб, «сендан қўрқаман-е, ёмон кўздан асрасин-да, мунча ҳам зеҳнинг ўти-кир-а» деб, ўлиб қўядилар. Мен ҳайрон бўламан. «Буви, битта бу эмас, боқчадаги болаларнинг ҳаммаси ҳам шунақа» десам, «йўқ, сен билмайсан» деб мени уришиб берадилар.

Бир куни шундай бўлди: Гўзал боқчасидан янги ашула ўрганиб келди. Кечқурун шу ашуулани якка ўзи айтиб берди. Шунда қарасам, бувимнинг кўзлари ёшланиб, йиглаб юборай деяптилар. «Ҳа, буви, нега?..» деб гапимни тামомламаган ҳам эдим, Гўзални ҷуchoқлаб, бағ-

риларига босдилар. Қайта-қайта ўпид, «туф-туф, кўз тегмасин боламга, ўлмай катта бўлса авлодимиздан битта чиқади-да» дедилар. Шунда мен сўрадим:

— Буви, нега би та дейсиз, кўпчиликмиз-ку.

— Тушунмайсан, болам, укангнинг зеҳни ўткир, унда тўртта боланинг ақли бор. Бу ўзи бошқача чиқди.

— Ҳеч бошқача өмас, боқчадаги болаларнинг ҳаммаси ҳам шунаقا-да.

— Ҳаҳ, сенга ҳеч гап айтиб бўлмайди-да, тирранча. Мен ҳам бир нарсани билиб гапираман-да. Шу ёшга кириб, бунақангги ўткир болани кўрмаганман, ҳимм болам.

— Буви, сиз кичкиналигингизда шунаقا ашуласарни билмасмидингиз?

— Ким ўргатарди, болам. У вақтларда ҳозиргига ўхшаб боқча, мактаб йўқ эди-да. Катта-кatta қизлар бўйра чўпдан қўғирчоқ ясад, чочпопук қилишдан бошқани билмасдик...

— Ҳа, ана энди тушундингиз, буви, Гўзалнинг ақлли бўлгани ҳам шу боқчада тарбияланганидан.

— Бўлса бордир, болам. Ишқилиб умри узун бўлсин.

Бувимга тушинтиrolганимга жуда хурсанд бўлдим. Рост-да. Биз пионерлар кекса боболаримизга, бувила-римизга билмаганларини тушинтиришимиз керак-да.

Ийе, мен «Ақлхона»ни айтиб бермоқчи эдим-а. Эсимдан чиқай депти. Мана ҳозир айтаман:

Бир куни кечқурун бувим ҳовлидаги тахта кроватдан тушаётганларида оёқлари кровать ёнидаги михга тегиб, қонаб кетди. Шунда укам Гўзал югуриб келиб «шошманг, шошманг» деди. Кейин қарасам уйдан ойманинг эски, учбурчак рўмолчасини обчиқиб, бувимниг оёғини тizzасидан пастроқ жойидан боғлаб қўйди. Бунга бувим тушунмаган бўлсалар ҳам, Гўзалнинг кўнглига қараб индамай турдилар. Боғлаб бўлганидан кейин сўрадилар:

— Бу нима қилганинг, болам?

— Шундоқ қилса, қон тўхтаб қолади, билдингизми? — деб жавоб берди Гўзал.

— Буни ким ўргатди?

— Опам. Боқчада ўзим докторман-ку. Биламан-да.

Ойим йод келтириб, бувимниг оёғига суртиб қўюзи, қон тўхтади. Бувим бўлса, Гўзалга тикилганларича

яна ҳайрои бўлдилар. «Ҳар куни яиги бир ҳунарни ўрганади-я» деб қўйдилар.

Эртаси куни кечқурун. Гўзални олиб келиш учун боқчага кетяпсам бувим мени чақириб қолдилар:

— Ҳаётжон, бери кел, болам,— қарасам бувим ясанаб ўтирибдилар,— мана мен тайёрман, мени етаклаб, ўша боқчага олиб бор. Гўзалнинг боқчасини бир кўрмасам, армоним ичимда кетади.

Мен нима дейишимни билмай қолдим.

— Ахир буви...— деб энди тушунтираман десам:

— Йўқ, йўқ. Етаклаб олиб борасан. Битта-битта юриб борсам чарчамайман, жон болам, қани ҳассамни олиб бер-чи,— дедилар.

Олиб бораман-а, ахир чарчаб қолмасмиканлар? Саксон беш яшар кампирга юриб бориш қийин-да. Боқчаси узоқ эмас-ку, шундай бўлса ҳам...

Бувим гапимга қулоқ солмай, зинадан пастга тушдилар.

Буни қаранг. Қўрқмасам ҳам бўларкан. Боқчага се-кин-секин юриб, ҳеч тўхтамай етиб бордилар. Дарвоза ёнига етганларида «нафасимни ростлай» деб скамейка-га ўтирдилар.

Мен боқчанинг дарвозасига яқинлашганимда ўртоғим Эркин келиб қолди. У ҳам укасини олгани келган экан. Шу ерда иккаламиз гаплашиб қолдик. Бир оздан кейин бундоқ ёнимга қарасам скамейкада бувим йўқ. Нарироқ юриб борсам бувим панжаранинг тагига ўтириб, бута шохлари орасидан боқчанинг ҳовлисини томо-ша қиляптилар. Қараб туриб, кулиб юбордим.

— Буви нима қилиб ўтирибсиз, юринг ичкари кирзимиз, дедим.

Бувим бўлса менга қараб:

— Йўқ, секин гапир, уканг эшитса югуриб чиқади. Мана бу ерга ўтириб, анавини қара, уканг доктор-а, доктор. Бошидаги қалпоғини-чи... Вой болагинамдан...

Мен бувимнинг кўнглига қараб, тиз чўкиб ўтирдим. Бувим бўлса кўзларини узмай ўша томонига тикилганлар.

Боқча ҳовлисининг ўртасида устига оқ чойшап ёпилган стол ёнида Гўзал ўтирибди. Эгнида оқ халат, бошида оқ қалпоқ. Қалпоғининг олди томонига қизил билан ГСО белгиси ёзилган. Чал қўли билан катта қў-ғирчоқнинг белидан ушлаб, ўнг қўли билан стетаскопни

унинг қорнига қўйған. Стетаскопнинг резинка трубкалари иккала қулоғида. Столнинг орқа томонидан учта қиз қўғирчоқларини бағрига босиб, кичик стулларда врачга навбат кутиб ўтиришибди.

Гўзал, қўғирчоқнинг нафас олишини эшитиб, кейин унинг қўлтиғига термометр суқиб қўйди.

Шу пайт бувимнинг ўтиришларини кўрсангиз. Кўзлари олайиб, оғзилари катта очилиб кетган. Пастки лаблари осилиб ётибди. Кулиб юборишинга сал қолди. Рост-да, ҳеч кўрмаган одамга шунаقا ғалати кўрина-дия-да.

Ҳовлининг ўнг томонидаги дарахтнинг тагида бешолтита бола уй қуриш билан овора. Иккита бола машиначасида қум ташиб бериб турибди, иккитаси тахта ташияпти. Нарироқда бундан ҳам қизиқ. Икки томонга ораси тўрт метрча келадиган қилиб иккита стол қўйилган. Иккаласида ҳам телефон бор. Орасида ҳеч қандай телефон сими йўқ-ку, икки бола икки ёқдан бир-бирлари билан сўзлашиб туришибди. Чап томондаги дарахтнинг тагида стол устига кичкина тарозу қўйилган. Баланд бўйли бола худди гастрономдаги сотувчиларникига ўхшаш халат билан бошига оқ шапка кийиб, бир қизга балиқ тортиб беряпти.

Каттакон қўзиқорин шаклидаги соябон тагида, айланма скамейкада бир тўда қиз ва ўғил болалар ўтиришибди. Тарбиячи уларга китобдан алланарсани ўқиб берялти.

Бувимга яна қарадим. Пастки лаблари боягидан ҳам осилиб, оғзилари катта очилиб кетибди.

— Ҳа буви,— деган эдим, худди чўчиб тушгандай, менга қарадилар.

— Ҳали бундоқ томошалар бор экан-у, тағин мени олиб келмайман дейсан-а... Ҳой, анавилар нима қилиш япти, Ҳаёт?

— Қайси?

— Анави қўлида байроқ кўтарған, қизил шапкали бола-чи?

— Ҳа, улар темир йўлчилар. Кўрдингизми, поездни жўнатганда шунаقا байроқ кўтариб туришади,— дедим.

— Вой, тавба-ей.

— Қани буви, туринг энди, деган эдим:

— Шошма, болам, анавилар ашула бошлашди, эшитай,— деб ўринларидан турмадилар.

Мен секин ичкари кирдим. Гўзал ҳам қасал қўғир-
чоқларни қабул қилиб, тамомлаган экан. Ҳадатини
ешиб, югуриб ёнимга келди. Мен унга бувимнинг шу ер-
далигини секин айтиб, ўзларини кўрсатиб қўйдим. У
бўлса орқаларидан бориб, бувимнинг кўзларини бекит-
ди. Бувим уни таниб, қучоқлаб олдилар. Юзларидан
қайта-қайта ўпиб, «докторимдан айланай, ўзим ўрги-
лай» дердилар.

Йўлда келар эканмиз, Гўзал бувимдан сўраб қолди:

— Буви боқчамиз яхшими?

— Жуда яхши, болам, жуда ҳам яхши. Илло, бу
боқча эмас, ақлхона болам, ҳимм, ақлхонанинг ўзгина-
си,— дедилар.

Бувим жуда топиб айтдилар. Шунинг учун ҳам мен
бу сўзни эсдалик дафтаримга ёзиб қўйдим.

5 БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ

Эрталаб жуда вақтли уйғониб кетдим. Қарасам, соат олти ҳам бўлмапти. Ойим ҳали ухлаб ётибдилар, жажжи кроватчасида Гўзал ҳам пишиллаб ухлаб ётибди. Деразадан фир-фир шабада кириб турибди. Гўзалнинг устидаги одеяли пастга тушиб кетган экан, полдан олиб секин устига ёпиб қўйдим. Тағин шамоллаб қолмасин дедим-да, ўзи жуда ёмон ётади, бир қарасангиз, бир оёғи кроватдан осилиб қолади, бир қарасангиз, худди варракнинг қулоқ чўпига ўхшаб қия ётиб қолади. Одеялини нуқул тушириб юборади. Ойим шунчагапирсалар ҳам бўлмайди. Менинг галимга ҳам сира ишонмайди. «Ўзиз шунаقا ётасиз, мен жуда яхши ётаман» дейди. Лекин кроватдан ҳеч йиқилиб тушмаганига ҳайронман.

Одеялини ёпиб, оёғимнинг учи билан секин юра бошлаган эдим, Гўзал бир ағанаб, чап томонга ёнбошлаб олди. Мен қўрқиб кетдим. Рост-да. Агар ҳозир уйғониб қолса-чи, жуда ёмон бўлади. Ҳеч кимга қулоқ солмай, дарров кийиниб, «қани, юр мактабга» деб тўполон қиласди. Кеча ўзи ҳамма нарсасини тайёрлаб қўйган. Менинг эски портфелимни олиб, ичига боғчасида ўйнайдиган ўйинчоқларини ҳам, расмли китоблар, бўёқ қаламларни ҳам солиб, столга қўйибди. Қизил байроқчасини ҳам шу ерга қўйган. Мактабга боришингга ҳали икки йил бор десангиз ҳеч кўнмайди. Ўртоғим Эркиннинг укаси бу йил боғчадан мактабга боради. Уша билан бирга мен ҳам мактабга бораман деб неча кундан бўён жанжал қилиб юрибди. Кеча

ўрнига ётаётганида ҳам эрталаб вақтли туриб, мен билан бирга мактабга боришга аҳд қилиб қўйган. Мен ҳам овунсин деб «Хўп, бирга борасан» девдим. Бўлмаса тўполон қилади-да. Шунинг учун уйғониб қолишидан қўрқиб кетдим.

Секин бориб, стулга ўтиридим. Нима қилишимни билмай қолдим. Худди ҳозир ҳеч кимни уйғотмай кийиниб мактабга чопиб боргим келарди. Агар, ҳозир борсам-ку, жуда маза бўларди-я. Ҳаммадан олдин мактабни, ўзимизникини ҳам, бошқа синфларни ҳам томоша қилиб чиқардим-а. Аммо, қоровул амаки мактабга қўймайди-да. «Шу маҳалда нима қилиб юрибсан, тинмаган» деб уришиб беради. Иннайкейин ойимга айтмай чиқиб кетсам ҳам бўлмайди, ҳали зарядка ҳам қилганим йўқ...

Бирпастгина шундай ўтирган эдим, очиқ турган иккита деразадан кираётган салқин шабада худди вентилятор шамолидек юзим, баданимга урила бошлади. Совқотганим йўғ-у, аммо, муздаккина, худди лагердаги эрталабки шабадага ўхшарди. Жудаям одамга ёқимли.

Нима қилсам экан? Яна бир оз ёта қолай десам барабир уйқум келмайди. Ўзим бўлсам аллақаёққа шошилаётганга ўхшайман. Үриндан турганимга шунча вақт бўлди-ю, энди ўн минут ўтиби-я. Вақт жуда секин ўтаётганга ўхшайди. Ўҳӯ, ҳали зарядкагача қанча бор.

Секин юриб, нариги уйга чиқдим. Стол устида портфелим турибди. Ҳув ўша портфел-да, мен ўн ёшга тўлган кунимда Лена холам совғага олиб келган сариқ чармли портфел-чи. Ўша. Ичига янги китоблар, дафтар, қалам, ручка, ўчирғич, чизғич— ҳаммасини солиб таҳт қилиб қўйган эдим. Ҳозир яна очиб кўрдим. Ҳаммаси жойида. Эгнимда кийимим йўқ-ку, қўлимга портфелни ушлаб, ойнага қарадим, жуда ғалати кўринаркан.

Шу пайтда бир пианино чалгим келди. Агар ойим билан Гўзал уйғоқ бўлишганда, чалаверар эдим, лагерда бир ой бўлсам ҳам «Биз бахтиёр пионерлармиз» ашуласининг куйини яхшилаб ўрганолмадим, ўзи осонку, чалишга қийналяпман-да.

Девордаги календарь олдига бориб, унга тикилиб турганимда ойим чиқиб қолди.

— Ҳа, Ҳаётжон, нима қиляпсан?

— Ҳеч нарса,— ледим шошиб.

— Нега бунча вақтлик турдинг, ҳали...

— Тес ойи, Гўзал уйғонмасин.

— Ҳали вақт эрта, бир оз ётатур.

Ойимни қаранг, ўзимнинг уйқум келмаса нима қиласай. Шунақанги кунда одамнинг уйқуси келадими? Бугун ҳамма ўқувчиларнинг жуда катта байрами-ку, ахир. Ойим ўзи ўқувчи эмас-да, бўлмаса у кишининг ҳам уйқулари келмасди.

— Ҳозир,— дедиму, ойим ташқарига чиқиб кетга календарнинг 1 сентябрь деб ёзилган варагидаги хатларни ўқий бердим.

Ўқиб туриб, ўртоқларим эсимга тушиб кетди. Ҳозир Эркин ҳам ўрнидан тургандир-а. Дилшод-чи? У ҳам тургандир. Саша-чи? У лагерда ҳам вақтли турарди. Ҳозир ўрнидан турган бўлса, мени ҳам ўйлаётгандир-а! У ҳам бугун тўртинчи синфга боради. Ўзи жуда сузагон-да. Эртага ўқиш бошлиганимизни хатда ёзив юборман. Хайрлашаётгандан шундай ваъдалашгай эдик.

Дадам кечаги хатларида биринчи сентябрдан чўлда яна бир янги мактаб очилади деган эдилар. У ердаги болалар ҳам ҳозир ўрнидан туришгандир. Москвада-чи, Ленинград, иннайкейин Сталинградда, Фарғонада... Үҳў, ҳамма шаҳарда ҳам шундай. Ҳамма болалар бугун вақтли туришади...

Ойим бўлса менга нега вақтли турдинг дейдилар-а? Ҳаммаси майли-я, ишқилиб Гўзал уйғониб қолмасинда. Бўлмаса мени жуда-жуда овора қилиб қўяди.

Ойим қайтиб уйга кирдилар-у, менга ҳеч нарса демадилар. «Вақт ҳам бўлиб қолди» деб ўйлаган бўлсалар керак-да. Мен ҳам индамай пижамамни кийдим-у ҳовлига чиқдим. Кичкина гул қайчини олиб, гулзорга кирдим. Ўзим шу гул қайчини жуда яхши кўраман. Уни дадамга бир ботаник ўртоқлари совфа қилиб берган. Жуда чиройли. Мен уни ҳар гал гул узиб бўлганимдан кейин қуруқ латта билан яхшилаб артиб, тозалаб қўяман. Бўлмаса занг босиб, ёмон бўлиб қоладида. Буни дадам ўргатган эдилар.

Яхши-яхши гуллардан узиб иккита чиройли гулдаста қўлдим. Буни қаранг, кеча кечқурун узганимда худди қушнинг тухумидек бўлиб турган ғунчалар бугун эрталаб очилиби-я. Кечаям анча гул узган эдим. Шундай бўлса ҳам етмади. Барибир Сиддиқ билан Дилшод ҳам уйларидан гул олиб келишди. Вожатий-

миз Тўлқин акам жуда яхши-да. Бўлмаса у киши ўргатиб турмаганларида анча қийналардик. Гулдан ҳарф ясаш жуда қийин бўларкан. «Хуш келибсиз!» деган сўзларни ёзамиз деб кечгача овора бўлдик. Ўзи шу иш бизнинг звенога топширилган эди-да. Фақат Собир бу ишга қатнашмади. У, мактаб деворий газетасига фоторасмлар тайёrlаш билан овора бўлди.

Мана, ҳозир мактабга келган болалар «Хуш келибсизлар» деб гулчамбарлардан ёзилган сўзларни кўриб ҳайрон бўлишади. Кўп болалар уни кўрмаган. Фақат ҳўй бундан анча кун илгари қизил алвонга оқ билан ёзилиб, мактабнинг эшиги тепасига қўйилганини ўқишган. Гулдан бўлганини биз кеча кечқурун иккинчи қатнинг деразалари ўртасига илиб қўйдик.

Гулдасталарни яхшилаб боғлаб, водопровод кранида энди юваётган эдим, бирдан радио гапириб қолди. Ойим қўйиб юборган бўлсалар керак. Мен ўзим боядан берли Гўзал уйғонмасин деб турибман-у, ойимни қаранг. Энди барибир фойдаси йўқ. Ҳозир уйғониб кетади. Худди айтганимдай бўлди. Ҳар куни ҳархаша қилиб ўрнидан турадиган Гўзал бугун индамай туриб олибди.

Деразадан мени кўрди-ю, югуриб чиқди.

— Акахон, ҳо биз ҳам гул олиб чиқамиз,— деди-да, ғимга қаради,— ойи, менга ҳам гул узиб беринг.

— Ана, ўзим айтмовдимми? Ҳархаша бошланди.

Ойим ҳам уйдан туриб: «Ўзинг уза қол» деган эдилар, «ҳо, тиконлари қўлимга киради», деб менга ялина бошлади. Нима қилиш керак. Агар йўқ десам, йифлайди. Унга ҳам кичикроқ гулдаста қилиб бериб қутулдим.

Радиода физзарядка бошланди. Шуниси яхшики, Гўзал ҳар куни мен билан бирга физзарядка қиласди. Фақат охирида чопишда орқада қолиб,чувагини тушиб қўяди-да, иннайкейин йифлайди. Шуниси бўлмаса, мен билан баравар зарядка қиласди.

Физзарядкадан кейин ювиниб, нонуштага ўтиридик. Ойим ҳам вақтли чой қўйган эдилар. Шуниси қизиқки, нонушта вақтида нуқул шошилардим. Ҳеч нарса ебичмай, тезроқ мактабга боргим келаверарди. Нега шунақа қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Мактабимиз бўлса узоқ эмас, чопиб борганимда уч-тўрт минутда, агар секин юриб борсам-чи, беш-олти минутда етаман; катта танаффус вақтларида ҳам уйга келиб, чой ичиб

кетардим-ку, ҳеч кечга қолмасдим. Ҳозир нега шошил-япман-а?

Барибир бўлмади. Ҳаммадан олдин туриб кийинз бошлаган эдим, Гўзал ҳам чойини ташлаб югуриб уйга кирди. Ҳали кийинмай туриб, бир қўлида чой қошиғи билан байроқчасини олди, кейин портфелини оламан деган эди, ичига ҳар нарса солинганидан оғирлик қилиб, қўлидан тушиб кетди. Мен тескари қараб кулиб юбордим.

Кулдим-у, аммо Гўзални олиб чиқиш эсимга тушиб, яна ҳайрон бўлиб қолдим. Рост-да. Мен билан бирга чиқса линейка вақтида қаерда туради? Биз синфга кириб кетганда-чи? Шунисини ўйлаяпман-да.

Кийиниб бўлиб, галстугумни боғлагунимча ойим ҳам дастурхонни йиғиб, Гўзални кийинтира бошладилар. Мен бир қўлимга портфелни олиб, ҳовли юзига чиқдим, энди гулдасталарни қўлимга олаётганимда яна Гўзал қичқириб қолди.

— Шошманг, шошмасангиз-чи, ака, мен бўлай..

Нима қилиш керак дегандай ойимга қаровдим, «шошма, Ҳаётжон, бирга кетамиз, мен ҳам бораман» дедилар.

Шунда севинганимдан «айланай ойимдан» деб юбо-ришимга сал қолди. Энди Гўзал чиқса ҳам майли. Ойим билан бирга бўлади.

Учаловимиз кўчага чиқдик. Ойим жуда яхши қилибдилар. Гўзални алдаб, унга ўзининг кичкина, қизил чармдан бўлган сумкачасини берибдилар. Бўлмаса катта портфелни кўтариб чиққанида ҳамма куларди-да. Кўчанинг бошига етганимизда Эркин ҳам укаси билан энди эшигидан чиқаётган экан. Мен у билан салют бериб саломлашдим. Қаранг, бўйнидаги галстуғи йўғ-у, Гўзал ҳам салют берди. Уртоғим кулиб юборди.

Шу кетища биринчи марта мактабга келган куним эсимга тушди. Худди ҳозиргидай ойим мени етаклаб олиб борган эди. Ӯшанда ҳам эрталаб вақтли туриб кетган эдим. Энди бўлса, катта бўлиб қолдим, тўртинчи синфга кетяпман-а.

Ана мактаб. Вой-бўй, худди байрамга, жуда каттаён байрамга ўхшайди. Биз кеча гулдан ҳарф ясаб ёзган «Хуш келибсизлар!» сўзлари узоқдан жуда чиройли кўриниб турибди. Болалар ҳаммаси тўп-тўп бўлиб гаплашиб туришибди. Мен Анвар, Адҳам билан салом-

лашаётган эдим, лип этиб Собир пайдо бўлиб қолди, чиқ этиб суратга ҳам олди.

Ҳамма болалар келган, Бизнинг синфдагилардан фақат Талъат йўқ. У даладан келади-да, шунинг учун кечиккандир.

Синфга кириб, гулдастани ўқитувчимиз столидаги гулдонга қўймоқчи эдим, қарасам гулдонга мендан аввал кимдир гул қўйибди. Мен столга қўя қолдим.

Синфимиз худди янги қурилган бинога энди қадам қўйиб киргандай кўринди. Ҳамма ёфи яппа-янги. Дера-за рамлари ва полдан бўёқ ҳидлари келиб турибди. Кеча куни бўйи ўзимизнинг синфи ҳам, бошқа синфларни ҳам маза қилиб кўриб олган эдим-ку, тағин тикилиб қолдим. Портфелимни қўйиб, коридорга чиқаётганимда, яна эшикка қараб қўйдим. Чиройли қилиб IV «В» деб ёзиб қўйилган. Шу пайтда худди анча катта бўлиб қолганга ўхшаб кетдим. Кеча шунақалиги билинмовди, бугун шундай бўлди-я.

Бир оздан кейин ҳовлида линейка бўлди. Ҳамма болалар сафга тизилишди. Сафнинг олдида директоримиз, ўқитувчиларимиз, вожатиймиз — ҳаммалари туришибди.

Бир чеккада ота-оналар ҳам бор. Гўзал бўлса ҳайрон бўлганича оймнинг ёнида турибди.

Директоримиз ўртоқ Назаров ҳаммамизни янги ўқув йили билан табриклаб, нутқ сўзлади.

— Болалар, бугун, Совет Йиттифоқининг барча шаҳар ва қишлоқларида — Москвада ҳам, Ленинградда ҳам, Сахалинда ҳам, Мурманскда ҳам, Волга-Донда ҳам — ҳамма ерда янги ўқув йили бошланди: Бахтиёр совет ўқувчилари, бугун жонажон Коммунистик партиямиз, Совет ҳукуматимизни, севимли ўқитувчиларини чин қалбларидан табриклайдилар.

Ҳаммамиз қарсак чалиб юбордик. Шунда Гўзал югуриб келиб, қўлидаги гулдастани директоримизга бермоқчи бўлди-ю, адашиб қолдими, билмадим, она тили ўқитувчисига бериб қўйди. Буни ҳам ойим тайинлаган бўлсалар керак. Линейка тамом бўлиши билан биринчи дарсга қўнғироқ чалинди. Ҳаммамиз синфларга кириб кетдик.

Эҳ, биринчи сентябрнинг биринчи қўнғироғи қандай ёқимли эшитилади-я!

6 РОСТИНИ АЙТДИМ

Учинчи чоракнинг бошлари эди. Она тили дарсида ўқитувчи Нурмат Аҳмедович биринчи бўлиб Турғундан сўраб қолди.

— Қўшма отларни айтиб бер-чи.

Турғун ўрнидан турди. Анчагача ҳеч нарса гапиролмади. Нуқул деразадан ташқарига қааради. Ҳудди гупиллаб ёғаётган қор унга бир нарса айтиб берадигандай эди. Анчагача шундай туриб қолди. Кейин:

— Қўшма от деб... қўшма отлар... — Турғун бошқа нарса деёлмай дудуқланди.

Бир-иккита бола қўл кўтарди. Мен дарров китобнинг ўша бетини очиб, энди қараб олмоқчи бўлиб турувдим, ўқитувчи:

— Ўтири! Қани, Ҳаёт, сен айт-чи! — деб қолди.

Жуда чатоқ бўлди-да. Уйга берилган машқни ҳам ёзганман-ку, фақат... секин ўрнимдан туриб, жавоб берча бошладим:

— Иккита ёки бир нечта отдан иборат отга қўшма отлар дейилади.

Болалар «нотўғри» деб юборишиди. Нега нотўғри экан?

— Жим болалар... қани мисол келтир-чи,— деди Нурмат Аҳмедович.

— Масалан... масалан... нима эди-я, эҳ, ташқаридан ёғаётган қор ҳам ҳозир ғашимга тегарди, эсимга тушақолса-чи.

— Ўтири! Ҳаёт, тайёрланмабсан.

Мен ҳеч шунаقا бўлмаган эдим. Йил бошидан берли грамматикадан доим «5» га жавоб берардим. Ҳозир

шундай изза бўлдимки... Секин ўтириб қолдим. Жуда хафа бўлиб кетдим. Ўқитувчига ҳам, болаларга ҳам қарай олмадим.

— Турғунга ёрдам бериш кимга топширилган эди?— сўраб қолди Нурмат Аҳмедович класскомдан.

— Ҳаётга!— деди у ўрнидан туриб.

— Ёрдамлашаман деб ўзи ёрдамга муҳтож бўлиб қолиби-ку.

Ўқитувчининг бу гапидан кейин йиглаб юборай дедим. Бошимни ҳеч кўтаролмадим. Нега ахир?.. Эҳ... Кеча тайёрлаганимда-ку, бўларди-я. Турғун-да, ҳеч қўймади. Мана энди нима бўлди?

Кейинги дарсларда ҳам қандай ўтирганимни билмайман. Танаффусларда ҳеч ким билан гаплашгим келмади. Икки марта Турғун менга яқинлашувди, гапирмадим ҳам, «бор-е», деб юбордим. Рост-да, ўша сабабчи бўлди. Ўзи доим битта-иккита фандан «2» олиб юради. Энди менга ҳам буни юқтироқчи. Айтдим-ку, сира бунаقا бўлган эмасдим.

Шу куни дарсдан кейин отряд советининг йиғилиши бўлди. Турғунни ҳам олиб қолишиди. Биз энди тўпланиб турганимизда Нурмат Аҳмедович кириб келдилар. Ўзим ҳам худди шундай бўлар деб ўйловдим. Чунки мени ҳам советнинг аъзосиман-ку. Нима дейман-а? Ҳаммасини айтиб берсам... Ўз сиримни ҳам очиб қўяман-ку. Лайтасам-чи?.. Ҳеч бир фикрга келолмадим.

Ҳаёт отрядимизнинг аълочи юонери бўлгани учун Турғунга дарсдан ёрдам беришни унга топширган эдик. Натижка нима бўлди,— отряд советининг раиси Ҳошим Рустамов шундай деб, менга тикилди. Ўқитувчимиз ҳам, бошқа болалар ҳам менга қараб қолишиди.

— Сабабини айтиб берсин.

— Очиқ галирсин.

— Нега бундай бўлди?

Ўрнимдан туришга турдим-у, тилимга ҳеч гап келмасди.

— Айб ўзимда,— дедим секин.

— Буни биламиз, сабабини айтиб бер,— Ҳошим ўзи шунаقا пайтларда жуда қаттиқ туради-да.

Нима қилсан экан? Турғунга бир қараб қўйдим. Нега қараганимга ўзим ҳам тушунолмадим. Билмаганлар «қўрққанидан қаради» деб ҳам ўйлашар. Ҳеч-да, Мана, ростини айтиб бераман.

— Турғунга ёрдамлашаман деб ўртоқларим олдида ваъда берганман. Бу — рост. Ёрдам бера олмаганинг сабаби шу: ўша ваъдалашган кунимиз Турғун уйимизга келди. Қўлида дафттар ҳам, китоб ҳам йўқ. У: «Бизнинг уйга бориб тайёрлаймиз» деди. Мен ҳам кўнди. Бориб бирпасгина дарс қилдик. Кейин Турғун «юр театрға борамиз» деди. Яна бир оз ўтирайлик десам, кўнмади. Нима қилишимни билмай қолдим. Ойимдан сўраганим йўқ, пул олишим керак, десам ҳам бўлмади. «Юра бер, текинга олиб кираман, театрга мен ҳеч дадамдан пул олмайман. Ундан кейин, ҳеч ким кўрматанларни кўраман, биласанми, юргин, сенга ҳам кўрсатаман» деди. Мен ҳам кўнди. Айтганидай театр эшиги олдида турган бир киши билан саломлашида, «қани юр» деб мени ҳам олиб кириб кетди.

Биз томоша залига кирмадик. Узун коридордан ўтиб, саҳнанинг орқа томонига чиқиб қолдик. Қарасак, бугун спектакль қўйилмас экан. Концерт бўларкан. Шунда Турғун менга «Эҳ, оғайни, чатоқ бўлди-да, концертигини билмовдим, бўлмаса-чи... Ҳа, майли, эртага кўрсатарман» деди. Биз концерти томоша қилиб қайтидик.

Эртасига бўлса, яна театрға бошлиди. Йўқ десам, қўймади: «Мен сенга саҳнани, артистларни, костюмлар, декорацияларни кўрсатмоқчи эдим» деди. Ростини айтсан, шу декорацияларни жуда кўргим келди. Театрга бордик. Бугун ҳам Турғун лип этиб, орқа эшикдан ичкари кириб кетди. Бирпастдан кейин мени чақириди. Биз катта хонага кирдик. Қўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Ҳамма артистлар шу ерда экан. Сал нарироқ борувдик, чиройли бир уй кўринди. Ойналарига пардалар тортилган, стол-стуллар қўйилган, шкаф устида глобус ҳам турибди. Бу ер директорнинг кабинети бўлса керак, деб ўйладим. Кейин Турғундан сўрасам, кабинет эмас, тахталарни бўяб ясалган уй декорацияси экан. Орқа томонидан қарасам, қоқ қуруқ тахталарнинг ўзи. Кейин Турғун деворга тираб қўйилган катта дараҳтлар, чиройли арчани кўрсатди. Булар ҳам тахтадан ишланган экан. Шу арчани мен каникуль кунлари қўйилган спектаклда кўрувдим. Худди ростакам арчанинг ўзгинаси. Мен аввалига қўрқдим: бизнинг бунақа қилиб юрганимизни бирор кўриб қолса, «беруҳсат бу ерда нима қилиб юрибсизлар» демайдими, деб ўйладим.

Турғунга шундай десам, «хозир залга кирамиз» деди. Шу пайтда бу ерга қандай қилиб кирганимиз эсимга тушди. Турғундан сўрасам, «Текинга томоша кўришигни билсанг-чи, сўраб нима қиласан», деб яна уришиб берди. Ахир дарс нима бўлади, менга ҳам гап тегизиб қўясан, ўртоқ. «2»инг бор-а, десам, «ҳа, қўрқма, чоракка ҳали анча бор-ку» деди. Шу пайт Турғун саҳнанинг орқа томонидан тахта кўтариб келаётган бир кишини кўриб қолди-ю, «юр тез, Ҳаёт, залга тушамиз» деб шошиб, мени судраб кетди. Биз саҳнанинг ёнидаги эшикдан залга кирдик.

Спектаклни кўриб уйга келдик. Турғунларницида дарс тайёрлаяпмиз деганим учун ойим қаерда бўлдинг демадилар...

Боядан бери Турғунга қарамай гапираётган эдим. Ҳозир бундоқ кўзимни ташласам, бир хўмрайдики.. ўшнанда: «ҳеч кимга айтмайсан» деган эди-да. Нима, ҳозир отряд советида ҳам яшираманими. Бўлиб бўпти...

— Кейин нима бўлди?— деб сўраб қолди Нурмат Аҳмедович.

— Ҳар куни шундай бўлаверди. Мен ҳам вақт ўтиб кетганини билмай қолибман. Турғунга ўргатиш ҳам, ўз дарсларимни тайёрлаш ҳам эсимдан чиқиб кетинти. Кейин жуда ачиндим...

— Сизларни ким театрга киритиб юборар экан?— деб сўраб қолди Эркин.

— Турғуннинг амакиси ўша театрда дурадгор бўлиб ишларкан,— деб жавоб бердим,— бир-икки марта Турғунни театрга ўzlари бирга олиб кириб жетган эканлар. Шунда эшикдаги киши, залга кирадиган эмас, орқа томондаги эшикда турадиган қоровул таниб қолган экан. Ўша киши индамай киритиб юбораркан... Мен энди сира бундай қилмайман. Агар Турғун ҳам шундай сўз берса, биргалашив дарс тайёрлаймиз,— деб, жойимга ўтирдим.

— Қани сен нима дейсан?— Турғундан сўради Ҳошим.

Турғун индамади. Бир оздан кейин секин гапирди:

— Энди такрорламасликка сўз бераман.

Отряд советининг аъзоларидан Эркин, Талъат ҳам сўзлашди. Улар мени қаттиқ танқид қилишди. Кейин Ҳошим гапирди:

— Ҳаёт катта хато қилган. Пионерлик ваъдасини бажармаган. Ўзини ҳам, ўртоғини ҳам алдаган. Аммо бу

ерда ҳаммасини очиқ айтиб бергани учун унга ишонсак бўлади. Менинг фикрим шу.

— Тўғри,— деди Эркин.

Ўқитувчимиз индамади. Ўзим ҳам жуда хафа эдим. Шу топда худди кўтариб келаётган оғир юқимни ерга ташлагандай бўлдим. Турғуннинг уйига бориб, ота-онаси, амакиси билан гаплашмоқчи бўлишди. Кейин унга Эркин, Талъат, мени ҳам биркитиб қўйишиди. Коллектив бўлиб дарс тайёрлашга, Турғунга биргалашиб ёрдамлашишга сўз бердик.

Шундан буён бир ойча ўтди. Ҳар куни Турғуларни-кида бирга дарс тайёрладик. Киноларга ҳам бирга бордик. Бир галгисида, ўша театрга тушганимизда, Турғуннинг амакиси Холмат акани ҳам кўриб қолдик. У киши ёнимизга келиб, бизлар билан кўришди, кейин Турғуннинг елкасига қўлини қўйиб: «Мана ука, иш деган мана бундай бўлади. Сал бўлмаса мени уялтириб қўяй, де-динг-а?» девдилар, Турғун қип-қизариб кетди.

Ҳозир Турғуннинг битта ҳам «2» баҳоси қолмади. «3» ларини «4» га чиқарди. Мен ҳам аввалгидек «5» ола бошладим.

Яқинда Турғуннинг уйида ўтириб, кун тартибини бошқатдан тузиб чиқдик. Ахир, учинчи чоракда йиллик имтиҳонларга тайёрлик кўра бошлаш керак-да. Кун тартибини ҳам шунга мосладик. Ана шунда, Турғуннинг бир гапи менга ҳам, ўртоқларимга ҳам жуда ёқди:

— Ўшанда ростини айтганинг яхши бўлди, ўртоқ.

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР

КАЛОШ БИЛАН БОТИНКА

Калошжон билан Ботинкахон катта универмагнинг резинка буюмлар сотадиган бўлимида, прилавка устида танишишди.

Ўрта бўйли, тўлачадан келган киши — харидор қўлидаги соябонини прилавка устига қўйиб, кўк халат кийган сотувчига деди:

— Менга анави калошни кўрсатинг.
— Нечанчи номерини? — сўради сотувчи.
— Номери эсимда йўқ, ўн яшар болага, мана ботинкасини ҳам олиб кедгандман,— деб чўнтағидан бир нойи ботинка чиқарди харидор.

Ачомланишиб ётган бир жуфт калош гижир этиб, бирбиридан ажралиниди. Унг нойи ботиikkага кийгизиб кўрилганда, лопна-лопниқ келди. Ана шуида севиниб кетган Ботинкахон Калошжон билан қучоқлашиб, оғизбурун ўнишиб кўриша кетди.

— Бормисиз Калошжон, мен сизни кута бериб...
— Вой, нега кута бериб дейсиз,— деди унинг сўзини бўлиб Калошжон,— ахир мен сизни кутаётган эдим-ку. Магазинга келиб, мана бу тахталарда шерикларим билан қатор саф тортиб турганимга уч кун бўлди. Кеча кечқурун ёмғир шивалай бошлаши билан келиб қоларсиз девдим.

— Ҳечқиси йўқ, мана бугун келдим-ку,— деди Ботинкахон, вой, мунча ҳам иссиқсиз Калошжон, мана бу қизил пахмоққа ўхшаш кўйлакларингиз бир зумда мени иситиб юборди-я. Кеча ёмғирда қолиб бир оз иамиққан эдим, ҳозир қуриб қолдим.

— Ана энди иккимиз дўст бўламиз, мен сизга сира ҳам нам юқтирумайман,—деди Калошjon керилиб.

— Яхши. Дўст бўламиз. Қани, хўш, қаерлардан сўраймиз, ким сизни бизларга тайёрлаб берди?—деб сўради Ботинкахон.

— Ўхў, мен кўп жойларни кўрдим. Мени энг яхши бригада, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган бригадани биласизми?

— Ҳа эшитганман,—деди Ботинкахон.

— Ҳудди шунаقا бригада тайёрлаб чиқарди. Бутун мамлакат танийдиган донгдор ишчилар ҳамма ёғимни келиштириб, чидамли қилиб ишлашибди. Мен уларнинг ишончини албатта оқлайман,—деди Калошjon ва алланимага тегиб, аввал ўзини ўраб турган шалдироқ қоғоз, кейин унинг тумшуғи фижирлади.

— Шундай бўлиш керак,—деб унинг сўзини маъқуллади Ботинкахон,— иннайкейин қаёқларда бўлдингиз?

— Иннайкейин, мени яхшилаб ўраб-чирмаб, машинага ортишди. Шофер жуда тез ҳайдар экан, маза қилдим-да. Кейин вокзалда бир кун туриб, поездга чиқдим. Машинист ҳам сиз билан учрашишга шошилаётганимни билгандай жуда тез ҳайдади. Нечачча шаҳарлар, далалар, ўрмоилар, темир йўл станицяларини кўриб, Тошкентга келдим. Бу ерда ҳам жуда яхши кутиб олишди. Вокзалда бир сутка ҳам турмадим. Бўлмаса зерикиб қолардим-а. Дарров магазинга олиб келишди. Мана ҳозир бўлса сиз билан танишиб олдим.

Анча йўл юриб келаётганилари учун Ботинкахон одоб юзасидан сўради:

— Калошjon, мен сизни эзаётганим йўқми?

— Ҳеч,—деди Калошjon.— Неча кундан берли ўроғлиқ бўлганимдан бурним жиндек пучук бўлиб қолувди. Сиз билан учрашдим-у, тузалдим. Мен сизни сиқаётганим йўқми ўзи?

— Ҳеч. Мен жуда ҳузур-ҳаловатдаман. Мана, уйга ҳам яқинлашиб қолдик. Ҳозир мени қийиб юрадиган бола билан танишасиз. Сизни кўриб жуда хурсанд бўлади.

— Ким ўзи?—деб сўради Калошjon.

— Ислим Ботир.

— А?! Жуда зўравон болами?—деди бир нарсадан ғўчигандай Калошjon.

— Унақа зўравон эмас,— деди осойинталик билан Ботинкахон,— ўзи жуда яхши пионер. Аълочи. Битта ҳам «тўрт» ийўқ. Деворий⁴ газетада сурати ҳам чиқкан-ку, фақат...

- Нима фақат?!— ажабланиб сўради Калошjon.
- Кўйинг, айтмайман.
- Нега ахир?— тажанг бўлди Калошjon.
- Чакимчилик қилишни ёмон кўраман. Кейинчалик ўзингиз билиб оларсиз,— деди қовоғини осилтириб Ботинкахон, Калошjon ҳеч нарсага тушуна олмади.

Улар уйга келишди. Ботир севиниб кетди, полнинг устида ботинка билан калошни кийиб, ўёқ-буёққа юриб кўрди, шунда ғичир-ғичир қилган Калошjon ўзича: «Ботир жуда яхши бола экан-ку» деб қўйди.

Орадан уч кун ўтди. Мактабда биринчи смена туғаб, ҳамма болалар кийиниш учун кийим ечиб қўйила-диган жойга чиқишидди. Шунда калошлар орасидан битасининг «войдод» деган овози эшитилди.

— Нима бўлди, Калошjon,— ачиниб сўради Ботинкахон. Жавоб ўрнига яна:

- Дод, войдод, войдод,— деб қичқирди Калошjon.
- Ахир айтсангизчи, нима бўлди?
- Тагин нима эмиш, қилтиликини қилиб қўйиб. Белим синай деди-ку, секирроқ-да. Пошнанг билан теп-масанг ҳам сиғаман-ку, ахир.

Ҳозиргица икковлари бир-бирларини сизлашиб юриб, бирдани бүгун Калошжоннинг сенсираб қолгани Ботинкахонга алам қилди.

— Нима,— деди у ҳам ўшишайиб,— менга нега дўқ қиласаи? Пошнам билан мени тепдимми? Ўзимнинг ҳам жоним ачийди. Менгá осон дейсанми? Шошма, ҳали бу ҳалвоси.

— Ҳалвоси?! Ҳали бундан бадтари борми?

— Бор бўлганда қандоқ,— деди ҳасратидан чантчиқиб Ботинкахон,— сен келмасингдан авваллари бутун қалтак менинг бошимда синарди. Копток дейсанми, кўчада ётган тошми, темир-терсакми — дуч келганини менинг тумшуғим билан тепарди. Бир куни эски консерва банкасини тепган эди, башарам тилиниб кетди. Мана кўр, ишонмасанг. Ҳаммаси ҳам майли-я, уйда ҳам, мактабда ҳам, театрларга боргандা ҳам нуқул мен ёниқдан қалтак ейман, эшик мендан.

- Нега?— ачиниб сўради Калошjon.

— Нега бўларди. Эшикнинг ушлайдигани қолиб тагидан мей телиб кираман. Тумшуқларим бирам зириллайдики... Мен ўзимга ачинмайман, эшикка раҳмим келади. Яхши, мойли бўёқ билан чиройли қилиб безаб қўйилган эшиклар ҳам ифлос бўлади, ҳам калтак ейди. Ахир ҳамма болалар шунаقا қила берса эшик чидайдими?

— Тўғри, чидамайди.

— Ланкани айтмайсанми. Тагига қўрғошимдан қилинган бир ланка бор... Ҳар текканда жағим ёрилиб кетай дейди,— қўшиб қўйди Ботинкахон.

Кунлар ўтаверди. Калошжон ҳар куни икки-уч мартадан тепки остида қолиб, калтак еяверди.

Бир куни эрталаб, оғриғига сира чидолмай, овози борича қичқирди. Ботинкахон унинг аҳволига чидаб туролмади.

— Ҳа, тағинми?— деб ҳол сўради.

— Мана, мен ишдан чиқдим. Белим синиб, беланги бўлиб қолдим.

Ботинкахон қараса, Калошжоннинг бели синиб, икки қават териси шилинибди, ярим белигача сидирилиб тушибди.

— Қийин, фақат қўлимдан ҳеч ёрдам келмайди, нима қиласай?

— Келганимдан бери тозароқ сувда ювиниб роҳат қилганимни билмайман. Ҳув эсингдами, қизил паҳмоқ қўйлагинг иссиқ экан девдинг. Ҳозир қара. Ранги, лой бўлавериб, қорайди. Муз устида сирғонавериб, тишларим дув тўқилиб кетди. Афти-башарамга қараб бўлмайди. Мени кўрган одам қариб қолган, икки-уч қишини кўрган дейди. Алам қилмайдими, ахир?

— Ҳамма калош-ботинкаларнинг ҳам аҳволи шумикан?— деб сўради Ботинкахон.

— Ҳеч-да. Мен ҳар сафар мактабдаги кийим ечадиган жойда турганимда ёниверимдаги калошларга қараб ҳавасим келади. Бирам тоза, ҳеч қаери тирналмаган. Кўплари афти-башараси оқариб қолган, кекса калошлар бўлса ҳам тишлари бут-бутун, иннайкейин беллари ҳам бақувват. Ич кўйлаклари топ-тоза.— Калошжон уҳ тортиб қўйди,— ҳаммаси ҳам майли-я, кечаги сиртмоқдан кейин жуда безиллаб қолдим.

— Сиртмоқ?!— ажабланди Ботинкахон.

— Ҳали, ҳали хабаринг йўқми? Тўғри, мен сени беки-

тиб турганимдан кейин қаёқдан билардинг? Ахир ўзинг ўйла. Конъкини ҳам қалошга боғлайдими? Боглаганда ҳам қандай қилиб дегин. Чийратма сим бор-ку, ана ўша билан ҳам түмшүғимдан, ҳам белимдан боғлади. Бўлмагандан кейин яна устидан шундай чамбарчас қилиб ташладики, жоним чиқиб, тилка-пора бўлиб кетай дедим. Шу яхшими, ахир. Конъки деганин ботинканинг тагига ўтказмайдими.

— Тўғри, сизга ҳам жавр, Калошжон,— энди чинакам раҳми келиб, яна сизлайбошлади Ботинкахон,— нима қилсак экан-а?

— Менинг тоқатим қолмади. Шундай қилмоқчиман: агар белимни даволамаса, яна тепки еяверсан, кечагидай конъкини боғлаш учун сим билан сиртмовлансан, лойроқ жой келгаңда шартта йиртиламан-у, ўша ерда қолиб кетаман. Гап шу.

Ботинкахоннинг хўрлиги келиб, йиғлаб юборай деди.

— Унда мен нима қиласман? Мен ҳам икки кундан кейин сизнинг ҳолингизга тушаман-да.

Калошлар сұҳбати тугамаган ҳам эдики, эшикдан ҳовлиқиб Ботир чиқиб қолди. У, пальтосининг тутмаларини солмай, шарфини қўлида ушлаганича қалошни киябошлади. Йўқ, кийгани йўқ, ботинкасининг учларини қалошга тиқди-ю, шошилиб ҳовлига чиқди. Ташқарида қораралаш ёмғир ёғиб турибди. Ботир бўлса шу ҳолатда ҳадеб тошоплари билан тепинар, ҳар галгисида спрографиб кетар, шимларига лой сачарарди. Калошжоннинг дастаклари бўлса худди пружинага ўхшаб эгиларди. Шарфини боғлаб, олишга ҳам тоқати чидамаган Ботир анча жойгача ёғоч оёқда юргандек борди-да, бир амаллаб чап оёғи билан тепина бошлаганида, қалошнинг дастаги тарс этиб ёрилиб кетди.

Эк...— деди-ю, бирордан чўчиғандек атрофга қараб олди Ботир,— энди нима қиласман? Репитиция бошланишига ўн минут қолди-я...

Ботирнинг ҳозирги пушаймонидан не фойда?

ЧҮНТАК

— Ийе, келиб-келиб чўнтақ ҳам гапирап эканми? Гапириб бўпти.

— Ҳеч-да. Роса жонига текса чўнтақ эмас, ундаги нарсалар ҳам тилга кирар экан. Мана эшитинг:

Нурматнинг дадаси Илҳом ака дераза пардаларини тортиб қўйди-да, диванга ёнбошлаб, китоб ўқий бошлади. Ҳаво очиқ. Баҳор қуёши ҳамма ёқни илитиб, тарновларга осилиб ётган узун-узун сумалакларни, ерда қолган қорни эритмоқда. Қўчада болалар ўйин қилиб юришибди. Ҳар замонда уларнинг шовқини қулоққа чалиниб қолади. Уй ичи шунчалик тинчки, пашиша учса сезилгудай. Қуёш шуъласи стол устидаги графина, стакан, шкафнинг ойналарида жилваланиб турибди. Илҳом аканинг ҳар янги саҳифани очиши каттакон қалин қофозга нарса ўралаётгандек бўлиб шалдиради.

Мана шу жимликда, уйнинг тўридаги шкаф томондан алланарсанинг «чиш... чиш...» деган овози эшитилди. Илҳом ака қулоқ солиб, нималигига тушунолмади, тағин ўқий бошлади. Анча вакът ўтгач яна «чиш» этиб қўйди. Нима бўлиши мумкин? Сичқонмикин? Уйда сичқон йўқ эди-ку. Илҳом ака кўзойнагини китоб устига қўйиб, ўрнидан турди, бориб шкафни очди. Қаторасига осиғлиқ турган кийимлардан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Шу пайтда, шкаф ичида чўнтакларнинг ўзаро суҳбати давом этар эди. Кийимларнинг энг кичиги — Нурматнинг костюми, чиройли симдан ясалган илгакни эгиг юборай деб турарди. Унинг икки ён чўнтағи биттадан коптокни зўрлаб тиқиб қўйгандай дўпплайган,

Чапдагисига қараганда ўн чўнтак оғир бўлганидан, ўша томони қийшайиб ётиди.

— Шерик бўлганингдан кейин юкни баравар кўтаргин-да. Аҳволимни қара, узилиб тушай деяпман,— деди ўнг чўнтак.

— Менга нима, ҳар нарсани тиқаверганда индамай тургансан-да, ўзингдан кўр,— жавоб қилди чап чўнтак.

Иккала чўнтакда аралаш-қуралаш бўлиб ётган ҳар хил нарсалар гапга тушиб кетди.

— Яхшики мен найзамни мана бу ўчирғичга тиқиб олдим. Бўлмаса чўнтакни тешиб, Нурматнинг биқинига кириб кетардим,— деди циркуль.

— Мен нима қиласман,— гапира бошлади лезвие,— биласанми, дамим қандай ўткир, сал тегсам шир этиб кесиб юбораман. Буни ҳамма яхши билади. Шундай бўлсаям мана ҳозир ораларингда яланғоч ўтирибман. Силлик, юпқа қофоздан, унинг устидан яна бир қават қалинидан кўйлагим бўлганда, унча қўрқмасаларинг ҳам бўларди-я, афсуски...

— Тағин афсуски эмиш,— жаҳл билан деди кино-плёнка, мени қай аҳволга солдинг, ҳали бир марта ҳам аппаратга тушмай туриб, қийма-қийма қилиб юбординг. Энди ишга ярайманми? Турадиган жойимиз бу ер бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда болаларга керакли буюммиз. Сенчи? Нимага керагинг бор? Нурматнинг соқоли ўсганда келарсан. Ўшина ҳам ўз қутичангда яшашинг керак. Тўшинигдинми?

Атрофдан изазелини қутиси, ошиқ, синиқ тароқ, пеницилини шищаси, ғалтак ип бир бўлиб «тўғри» деб юборниди. Бир чеккада ётган бўёқ қалам бунга қўшилмади.

— Қанақасига?— деди у,— орамизда фақат лезвие ортиқча-ю, бошқалар кераклими? Ҳозир «тўғри» деганларининг ўзлари ҳам бу ерни бўшатиб қўйишлари керак. Энг зарури мен бўламан. Мени чўнтакда олиб юрса яратади.

— Мен-чи?— сўради перо,— саксон олтинчи бўламан-а, биласизми?

— Черчениени менсиз ишлаб бўлти,— кеккайиб гапиди ўчирғич.

— Нима, нима? Қаёққа борар эканмиз,— ланканинг сочлари тиккайиб кетди,— менсиз Нурмат зерикиб қолади-ку.

Бу гаплар чап чўнтақда ётган майдада михлар, автомат ручканинг синиқлари, тўғноғич, зар, скрепка, бура-ма михга жуда таъсир қилди.

— Бизлар ҳам ўзимизга яраша обрўга эгамиз,— деди ўксиниб бурама мих,— зарур жойда ишлатилмай, чўнтақка тушиб, занглаb ётишни хоҳламаймиз. Энди шундай бўлаверса, бориб-бориб чўнтақни тешиб, кетамиз-қоламиз.

— Мени айтмайсизми, шу вақтгача қанчадан-қанча нарсани тикиб, йиртиқларни ямашга ярадим,— деди қора ғалтак ип,— бунииг ўрнига қатим-қатим узиламанда, бир қарасаңгиз «биз-бизак» даман, бир қарасангиз ошиққа боғланиб ланка бўламан. Ингичкалигимга қарамасдан варракни осмонга олиб чиқаман. Сал шамол қаттироқ турса, узилиб, дараҳт шохларига илиниб қоламан. Шу яхшими?

Ҳаммадан кўп нарсани юклаб олган ўнг чўнтақнинг тоқати чидамади.

— Бўлди-э, мунча гап сотасанлар,— деди у жер-киб,— ҳаммангга бир оғиздан сўз берилса эрталабгача ҳам тугатмайсанлар. Агар хилма-хил этиқеткалар, кино-театр билетлари, календарь варәқлари гапирадиган бўлса-ку, қулоқ-мияни ейди. Буёқда тугма жим туармиди? Танга, чақалар-чи? Бир юмалаб зўлдир ҳам сўз беринг деб қолади. Эҳе, қўйинглар...

— Шошманг, менга сўз беринг!— деб қолди муло-йим, нотаниш овоз.

— Кимсан?— деб сўради ўнг чўнтақ.

— Мен қўшини хонадаги кийимлар орасида тахлоқли турган, озода, бежирим, жуда чиройли дастрўмолча бўламан. Менинг хизматимга, қадримга етмайдиганлардан хафаман. Аслида билсаларинг чўнтақни менга бўшатиб беришларинг керак. Нурмат бўлса мени чўнтағига ҳам солмайди, қўлига ҳам олмайди. Қани, сенлар нима дейсанлар?

— Тўғри, агар сен келсанг биз жойларимизни бўша-тиб берамиз,— дейишди ҳаммалари.

Шу пайтда чап чўнтақ хурсанд бўлганиданми, бирдан «апшу» деб аксириб юборди.

— Бу қанақаси бўлди?— деб сўради ўнг чўнтақ.

— Нима бўларди, бурнимга тамаки кириб кетди.

— Мана бу яхши эмас, ҳали папиросим ҳам бор де-гин?

— Папирос-ку йўқ-а, кеча ичида тамакиси бор папирос қутисини олиб юрган эдим, ўшандай тўкилиб қолгандир.

Ўнг чўнтак индамади. Айтмоқчи бўлган гапини ҳам унутиб қўйди. Костюмнинг устига ўтказилган чўнтак бўлгани учун кўп юкни сиғдиролмай, чоклари тирсилларди. Бунинг устига энг тепада турган магнитли темир ўз оғирлиги билан бошқа нарсаларни эзиб, тагидаги паккини тишлаб олишга интиларди. Ҳар ҳаракатида «чип», «чип» деган овоз чиқарди.

Боядан бери эшитилаётган товуш шу экан.

Шунда Нурмат кўчадан келиб, дадасининг олдига кирмади-да, нариги хонада дарс тайёрлашга ўтирди. Илҳом ака ҳамон китоб ўқирди. «Чип... чип»га эътибор ҳам бермай қўйган эди.

Бирдан шкаф ичидан бир ҳовуч шағал тўкилгандек, шарақлаган овоз эшитилиб қолди. Илҳом ака иргиб ўрнидан турди, шкафни очди.

Нурмат ҳам ҳайрон бўлиб уйга кирди. Қарасалар, чўнтак сўқилиб кетибди, юқорида суҳбат қилган буюмлар ҳаммаси сочилиб ётарди. Илҳом ака ялт этиб орқасига ўгирилди, Нурматга тикилиб қолди.

Нурматнинг юзлари қизариб кетди. Бошини қуийи согланича индамай турарди. Илҳом ака ўз одатича сўзсиз, ундан жавоб кутарди. Нурмат буни сезиб турибди-ю, фақат тилига ҳеч гап келмасди. Анчадан кейин:


Энди бундай қилмайман, — деганидагина дадаси жойинга бориб ўтирди. Нурмат шкаф томонга ўтди.

Ана, чўнтакнииг ганиргани.



Ўзга садор Келди

ПОВЕСТЬ



I

Раҳим ота чўчиб уйғонди. Катта очилиб кетган кўзлари шипга тикилганича бир неча дақиқа афрайиб турди-да, кейин ёстиқдан аста бошини кўтарди. Ярим кеча. Тиниқ осмонда сувиз бораётган тўлини ой шуъласи деразадаш уйга ёйлиб бўйрадек жойни ёритиб турибди.

Худди шу жойда, дераза тагида эса ўрин билан битта бўлиб ўғли Муҳиддин ётибди. Ота ҳайрон бўлди: «Нега бунчалик вақтли уйғондим-а, туш-пуш кўрганим йўқ, бирон жойга бормайман, уйқу бўлса қочди... Ё тонг ёришиб қолганмикан-а?».

Узоқдан шалдираб оқаётган сойнинг овози келиб турибди. Бу товуш кундузлари ё қулоққа чалинмас, ё ота бунга разм солмас экан. Ҳозир эса баралла эшитилмоқда. Уйдаги сукунатни Муҳиддиннинг салмоқли пишиллаши ва яна алланиманинг чиқиллаган овози бузмоқда. Раҳим отанинг назарида, иккинчисининг товуши қулоққа борган сайн тез ва аниқ чалинаётгандай бўлди. «Тавба, нима экан, супада эмасманки, турли ҳашаротлар бўлса?» Ота, товуш чиқаётган томонга эгилиб, узоқ қулоқ солди. Кейин кўрпани секин қайирди-да, ўнг қў-

лини ерга тираб, ўрнидан турди. Панжа бўғинларидан қирсиллаб чиқсан товуш токчадан чинни асбоб тушиб сингандай бўлиб эшитилди. Ота-де, ўғлининг ўйқусини бузолмади, эҳтиётлик билан ўрнидан турмоқчи эди, бўлмади. Ўз уйи, ўз фарзанди. Бемалол тураверса нима қиласарди. Ў Муҳиддинга бир оз тикилиб қолди. Кейин хотиржам бўлиб, ой ёруғида барага кўриниб турган кичик стол ёнига борди. Китоб устида ялтираб ётган чўнтақ соатга кўзи тушиб, нотаниш овозни пайқади. Соатни қулоғига тутди, чиқиллаши яна зўрайди. Аммо тикилиб, неча бўлганини билолмади. Секин дeraza ёнига бориб ташқарига қаради. Ҳали тонг ёришишига хийла бор эди. Ўрнига келиб ўтироди. Соат ҳадеб чиқилларди. Муҳиддин ётган ўринга бир қараб қўйди-ю, аммо қоронғида унинг афтини кўра олмади. Шу пайт катта ўғли Нажмиддин эсига тушиб кетди.

...Худди ана шунақанги ойдин кечаси эди. Ҳозиргидек гўзал эмас, юлдузлари ҳам, ойи ҳам ғамгин кўринарди. Қор босган қишлоқ кўчаси одамлар билан тўлган, раис ўзи миниб юрадиган отни етаклаб Нажмиддиннинг олдига олиб келди. Жиловни унга тутқизар экан, алланималар деди. Шунда Раҳим ота ҳам, кампирни ҳам беихтиёр йиглаб юборишиди. Тонг ёришай деб қолганда улар станцияга келдилар, ота ўзи бош бўлиб вагонга чиқди. Нажмиддинни сўнгги дафъя қаттиқ қучоқлаб пешонасадан ўпди-ю, «Ой бориб, омон қайт, ўғлим» деганича ўпкасини тутолмай йиглаб юборди. Нажмиддин фронтга жўнади...

Раҳим ота шу ўтирганича хаёл сурисиб кетди. Ўшандан буён етти йил ўтибди. Ҳозир бўлганида йигирма еттига кирап экан. Ота қирқ бешинчи йил баҳорида қисм командиридан ўғлининг қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида олган хатни эслади-ю, ўзини тутиб ололмади. «Мингдан-минг розиман, ўғлим, Юрт учун, ҳалқ учун ҳалок бўлдинг. Отангнинг юзини ерга қаратмадинг...»

Ой шуъласи уйнинг ўртасига келиб, Муҳиддин ётган ўриннинг ярмини ёритди. Раҳим ота унга тикилди. Бирдан авзойи ўзгариб, кўзлари чақнаб кетди. «Йўқ, асло. Биттасидан айрилдим, доро ҳали юрагимдан кетгани йўқ. Энди бунисини ҳеч қаёққа юбормайман. Бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда. Муҳиддин мени ўз қўли билан кўмиши керак. Тонг отсин, тўғри исполкомга, бўл-

маса райкомга бориб, Назаровнинг ўзига арз қила-
ман...»

Раҳим ота иргиб ўрнидан түриб, ташқарига чиқиб
кетди...

Район ижроия комитетининг раиси уч кундан бери
қишлоқда экан, Раҳим ота ўйлаб-нетиб турмай, тўғри
райком партия биносига кириб борди.

Райком секретарининг қабулхонасида секретарь қиз-
дан бошқа ҳеч ким йўқ. Раҳим ота у билан сўрашиб
бўлиб, ичкари кирмоқчи эди, қиз тўхтатди, бир оз кутуб
туришини айтди. Раҳим ота юмшоқ креслога ўтириб,
қўлларини ҳассасининг дастасига устма-уст қўйганича
нимадан гап бошлашини ўйлаб кетди. Нимани хаёлига
келтирмасин, барибир ҳаяжони босиб, фикрлари чува-
лашиб кетарди. Аксига машинканинг чиқиллашини ай-
ting. Отанинг ҳадди сифса «қизим; бир нафас тўхта-
тинг» дер эди. Йиқилиб, бирор кириб қолиб, гапи чала
қолмасин-да. Раҳим ота шуни ўйлаб ўтирибди.

Қўнғироқ чалиниб, секретарь қиз ичкари кирди. Ора-
дан бир оз ўтгач, қўлида икки варақ қофоз кўтариб чи-
қиб, машинка ёнига ўтираётганида, кабинет эшиги очи-
либ, Назаровнинг ўзи чиқиб қолди.

— Салом, Раҳим ота, келинг, бардаммисиз,— дея
ота билан қўл олишиб сўрашди,— хизмат, отахон.

— Ҳа, шундай, бир-икки оғиз гапим бор эди.

— Марҳамат, марҳамат, қани ичкари кирайлик,—
деди да, Назаров секретарь қизига қарали,— отамии кут-
дириб қўйибениз да, бир оғиз айтмабсан ҳам... Колхоздан
кемайдиганлар ҳақида ўша заҳотиёқ мени хабардор қи-
линг, унутманг...

Секретарь қиз ўнғайсизланаб, бир нима демоқчи
бўлди-ю, гапиролмай қолди, чунки улар ичкари кириб
кетишганди.

— Оббо Раҳим ота-э, қаёқдан кун чиқди, биз томон-
ларга ҳам келар экансиз-а?..

— Ҳай бир кўрай дедим, бир томони, пича зарурат
ҳам тугилиб қолди,— ота соқолини силаб қўйди.

— Қани эшитайлик, нима гап экан?

Раҳим ота бир оз ўнғайсизланди, салмоқлаб сўзлай
бошилади:

— Ўзингизга маълум... катта ўғлимиз Нажмиддин...

Назаров отанинг авзойи ўзгарганини сезиб, уни юпа-
тишга уринди.

— Хафа бўлманг, жанг қурбонсиз бўлмайди, лекин азамат йигит эди.

— Ўтган йили кампирдан ҳам айрилдик. Ҳозир биттаю битта суюнчиғим мана шу Мұхиддин, барака топкур, ука, Назаров сиздан сўровим шуки, кексайиб қолганимда шу ўғлим бағримда бўлсин, кўзим очиғида бир бошини икки қилиб қўяй.

Назаров бошини столга энгаштириб, чаккасини ушлаганичча отанинг сўзини диққат билан тинглади. Аммо вима демоқчи бўлганига яхши тушунолмади.

— Ийе, олдингизда бўлмай, қаёққа борарди.

— Ахир, Мирзачўлга юбораётган эмишсизлар-ку.

— Ким юбораётган эмиш?

— Райком юборяпти, деди-ку.

Назаров воқиага тушунди-да, кулиб қўйди. Чойнакдаги охирги чойни қўйиб отага узатди.

— Мирзачўлга бориш мажбурий эмас, Раҳим ота. Ҳар кимнинг хоҳиши.

— Ҳа-ҳа, ҳали шундай денг. Ўзбошимчалик қилиб, мени алдабдида, тавба,— ота қўлинин соқолига олиб борди-да, бир нарса эсига тушгандай Назаровга қарди,— ҳай, ука, айбга санаманғ, кексалик-да, гапнинг тагига тушунмай олдингизга келиб сизни ҳам ишдан қўйдим,— ота қўзғалмоқчи бўлди.

— Йўқ, Раҳим ота, ўтиринг, сиз билан суҳбатлашиш ҳам муҳим ишлардан ҳисобланади,— Назаров папирос ёндириди ва гапини бошқа томонга бурди,— анча кексайиб қолибсиз-а, Раҳим ота, қанчага бордингиз?

— Олтмиш олтига қадам қўйдим.

— Шундай денг, энди ишламай дам олиб ётсангиз ҳам бўлар экан.

Раҳим ота тушунолмади. «Ўғлимни юбормайман деганидан, боқадиган ҳеч кимим йўқ, қийналаман деяпти» деб ўйлади шекилли, деган фикр ўтди кўнглидан.

— Рўзгор ташвиши деб ишлаётганим йўқ, ука, ҳали ўнта ўғил-қизни бокишига қурбим етади.

— Биламан. Дам олинг деяпман-да, отахон.

— Ука, мен тушунолмай қолдим-ку. Нима, кексаларнинг ишлашга ҳақи йўқми,— ота бир оз тезлашди, қонуний ҳақ-ҳуқуқини даъво қилаётгандай дадил гапира бошлади,— ҳали ҳам икки кишининг ишини қилишга қодирман... Сиз дам олинг дейсиз. Билган кишига, ҳозирги замонда меҳнат қилиш дам олиш деган гап. Мен сизга

айтсам, меҳнат оғир эмас. Меҳнатнинг зос кетгани оғир. Меҳнат — роҳат дейдилар. Бу гап эски замонлардан бор-у, аммо ўз қадрини энди төпди. Нима учун, ким учун меҳнат қиласётганинг билсанг, бундан яхши роҳат борми дунёда!

Назаров қўлларини орқасига қилиб кабинетнинг у бошидан бу бошига юрар, Раҳим отанинг гапларини завқланиб эшитарди. Ўтган йили район колхозчилари-нинг слётида «Ота, сиз ҳам чиқиб сўзланг, звенонинг қандай қилиб юқори ҳосил етиштирганини айтиб беринг» деганида, «ука, шу ташвишдан мени холироқ қўйинг, ваъз айтишга тил келишмайди» деган эди. Ҳозирги гаплари Назаровни ҳайратда қолдирди. У, ўзича: «Оммага ўргат, ундан ўрган!» деб такрорлади-да, стол ёнига келиб ўтири.

— Шундай қилиб, ҳалол меҳнат билан давлатли турмуш кечириш, қишлоқни обод қилиш ўзи катта роҳат дейсиз-да? Тўғри айтдингиз, Раҳим ота. Шуниси ҳам борки, биз қишлоқларни обод қилиш билан хотиржам бўлиб қолишимиз ярамайди. Ҳали мамлакатимизда бекор ётган ерлар озмунча эмас. Ӯшаларни ҳам обод қилишимиз керак. Боя ўзингиз айтган Мирзачўлни биларсиз-а?

— Ҳа, билмай-чи, Фарҳодда салкам бир йил ишладик-ку.

Назаров мийнгида кулиб қўйди. У, хулди тугуннинг учини тоғандай, яна сўради.

— Раҳим ота, Фарҳодга сизни ким юборган эди? Ота бир оз ўйланиб жавоб қилди.

— Ука, ўғини асти сўраманг. Мени кекса деб юборнишмади. Раис билан аччиқ-тиризиққа ҳам бориб қолдик. Ахир мамлакатда шундай улуғ иш олиб борилаётгани бир пайтда ундан чистда қолиб бўладими? Охири, ишлаётгандарга озиқ-овқат ортиб, ўзим бордим. Қўлимиздан келганча бир йил ишладик.

Назаров «Нажмиддинни фронтга ўз қўлингиз билан узатганингиз, душманни енгмагунча қайтма, деб насиҳат қилганингиз ҳам эсингиздами?» деб сўрамоқчи бўлдию, отанинг ярасини янгилагиси келмади.

— Ана шу сиз кўрган чўлнинг жуда кўп қисми нечаче йиллардан бери бекор ётибди.

— Ҳа, жуда ҳам азм чўл, уни ўзлаштириш учун озмунча куч керак эмас-да. Эсимда бор, ёшлигимда гапи-

риб юришар эди. Бу чўлга золимнинг замонасида кўп уннаб кўришган, барибир ҳеч натижа чиқмаган. Сабаби, боя мен айтгандай, сув чиқарилганда ҳам деҳқонларга фойдаси тегмас эди-да.

— Тўғри, чўлни обод қилишга кўп куч керак. Аммо Сирдарёнинг сувини бўғиб, бошқа томонга оқизиб юборган сиз билан бизларми, ахир?

Ота ўйланиб қолди. Олтмиш минг кишининг Фарҳод ГЭС га чиқиб ишлагани кўз олдига келди. Ўйлаб қараса, шу ёшга кириб бунақанги азамат ишни сира кўрмаган экан.

— Дарвоқе, жуда катта иш қилинди,— деди ота,— халқ ўз меҳнатидан баҳраманд бўлишга ишонса, бир ниятни кўзласа, ҳамжиҳат бўлиб бир ёқадан бош чиқарса, бундан кучли нарса бўлмайди. Ахир шундай оғир уруш пайтида Фарҳод қурилди-я...

Назаров стол устидаги даста китоблар орасидан бирини олиб, варақлади.

— Мана,— деди у, отага китобни кўрсатиб,— Владимир Ильич Ленин Октябрь революциясининг биринчи йилидаёқ «Туркистонда сугориш ишларини уюштириш ҳақида» Халқ Комиссарларй Советининг декретига қўйган ва бунинг учун эллик миллион сўм ажратган.

Ота, кўзларини катта очиб, Назаровга қаради.

— Ўртоқ Ленин дейсизми, ука?

— Ха, Владимир Ильич Ленин.

— Ҳа-ҳа, бу ерда шунақанги азм чўллар борлигини ўртоқ Ленин билган эканми-а?

— Билган экан-да.

— Худди деҳқонларнинг юрагига қўл солиб, дардини билгандай каромат қилиб айтишини қаранг-а, Ленинки чизиб, йўл-йўриқ кўрсатиб берган экан, албатта бажарилади. Ахир халқимиз унинг васиятларини бажариб, бахтини топяпти-ку,— ота бир оз ўйланиб қолди,— қани энди ҳозир ёшлиқ пайтим бўлса-ю, бир оз илм олсан, мана шунақанги улуф кишилар кўрсатган буюк ишларни бажариб мен ҳам ўз улишимни қўшсам, э аттанг, ёшлиқ бекор ўтиб кетди-да.

— Зарари йўқ. Раҳим ота, ҳозирги хизматингиз ҳам ёшларни кидан қолишимайди.

Шу пайт кабинет эшиги тақиллади. Назаров «марҳамат» деган эди, район газетасининг муҳаррири кириб кедди. У дастлаб ота билан, сўнг Назаров билан қўл

олишиб сўрашди-да, стулга ўтирди. Раҳим ота йигитга қаради.

— Келинг, мухбир, бизнинг колхозларга бормай қўйдингиз?

— Иш кўп, отахон. Айтгандай, Раҳим ота, Муҳиддинни қаердан топсам бўлади?

— Яна нима гап?

— Мирзачўлга борадиган ёшлар ҳақида газетамизда мақола босмоқчи эдик, бир оз суҳбатлашиб олиш керак эди.

Муҳаррир кириши билан газета учун ёзган мақоласининг баъзи ваарақларини кўздан кечира бошлаган Назаров шу гапни эшилди-ю, жиддий вазиятда муҳаррирга деди:

— Бошқалар ҳақида ёзатуринг. Муҳиддинни кейинчалик...

Раҳим ота, стол устидаги қоғозларга бошини эгиб, тикилиб турган Назаровга қаради. Бир нима демоқчи бўлди-ю, ўртадаги гап ошкора бўлмасин деган хаёл билан ўзини босди, чуқур ўйга чўмди. Бу орада Назаров мақолани кўриб бўлиб, муҳаррирга узатди. У хайрлашиб чиқиб кетгач, Раҳим ота эшик томондан кўзини олиб, Назаровга қаради.

— Ука, ҳарна қилса ҳам кексалик, тушунмаслик, ўртамиздаги гап шу ерда қолсин... Ҳалиги... Муҳиддин борашверсан, ахир мен бошқача тушунибман-да, ука; ўзбонимчалик қилиб, бир-икки ўртоги билан кетяпти дебман. Бу қадар улуг, Ленин кўрсатиб берган иш экан, у бормай ким борсан. Мен бошқа нарсани сўрамоқчи эдим: иложи йўқмикин, шу ёшлар орасида битта-иккита мендақанги кексалар ҳам борса?

Назаров кулиб юборди.

— Ахир ҳеч бўлмаганда кексаликда битта-яримта ниҳол ўтқазсак ҳам ҳарна эди-да.

— Ўёғи энди колхоз правлениесининг иши. Ҳали билмадим. Муҳиддинни ҳам правление юборадими, йўқми?

— Эй, жон ука, шундоқ телефон қоқиб қўйсангиз бас-ку...

— Телефон қилиш осон. Аммо колхознинг ички ишига правление аъзолари хўжайн. Уставдан четга чиқиб бўлмайди.

Назаров Раҳим отани машинасига тушириб, колхозга

келтириб қўйди. Ўзи қўшни қишлоққа ўтиб кетди. Отасининг райком машинасида келгани аллақачон Муҳиддиннинг қулоғига етган эди. Кечқурун у ўйга қайтганида, Раҳим отанинг гапирган гапи шу бўлди:

— Барака топсин Назаров, анча суҳбатлашиб ўтириди... Лениннинг сўзларини ўқиб маъносини тушунтириб берди. Ўша вақтда Ленин Мирзачўли обод қилиш керак деган экан. Бу жуда улуғ иш, ўғлим. Бу ишдан четда қолиш — халқдан четда қолиш деган гап, жон ўғлим.

II

— Сен ошпаз бўласан, уй-жойга қарайсан, сигир ҳам соғасан, қўйларни бўлса, подага бериб юборамиз.

— Ҳа, ҳа, мен сенларнинг хизматкоринг бўламанми, аравангни торт, шуни билиб қўй, оч қолсам қоламанки, бунақа ишларни қилмайман.

— Бўлмаса нима қиласан, сенга дарров секретарликни бериб қўйишади-ю, қалам-қофоз олиб, давом этдира берасанми. Кетмонга ярамаганингдан қейин мана шундақанги енгилроқ ишни бажарасан-да.

Купеда ўтирган йигитлардан Солижон билан Риза ўртасида аввал асқия тарзида бошланган суҳбат, охири чинга айланиб кетди. Поездга чиққанларидан бери Ризани бўш, қўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ҳазиллашэтган Солижоннинг дабдурустдан «сен ошпаз бўласан» деган гапи Ризага қаттиқ тегди. Рангиз, ҳамма вақт ихчам, хушбичим кийим киоҷи, иложини топса уст-бошига гард юқтирмайдиган бу хипча йигит узун-узён бармоқли қўлини пахса қилиб, қаттиқ гапира бошлади:

— Бир йилгина звенога бош бўлиб, дурустроқ ҳосил олганинг сени шунча кеккайтириб юборган бўлса дейман, бригадир қилиб қўйишса ҳеч кимни танимай қолар экансан-да. Мана, борайлик, сен билан бир беллашганим бўлсин.

— Ҳе-ҳе, мен биланми,— деди киноя аралаш Солижон қўзларини чақчайтириб,— беллашиб бўпсан, белдан айрилиб қоласан, оғайни. А, лаббай...

Купеда кулги кўтарилди. Дераза ёнида ташқарига қараб ўтирган, қорамагиз юзли, баланд бўйли йигит — Собир бурчакка тираб қўйилган дуторни олиб, икки ўртоқ ўртасидаги баҳсни тўхтатишга уринди.

— Солижон,— деди у,— ҳазил деган бундай бўлмайди, эшитганлар нима дейди, ахир. Биз сайилга кетаётганимиз йўқ. Фаргоналик пахтакор деган номимиз бор. Агар биримиз ошпаз, биримиз дутор чалиб, биримиз ашула айтадиган бўлсак, ҳали ҳам вақт ғанимат, қайтиб кетганимиз мъқул. Қани, шунақа бемаза ҳазилдан бир шингил ашула яхши.

Ҳамма жим қолди. Собир дуторни созлаб, ашула нинг бир бандини айтиши билан Солижон унга жўр бўлди. Ёқимли садо дераза ойналарини ларзага келтираётгандай жаранглаб кетди. Вагондагилар ҳам кечадан бери бу йигитларнинг ашуласини бир неча марта эшишидди. Баъзилар «Орамизда дурустгина ашулачилар ҳам бор экан-а» дейишганини Собирнинг ўзи ҳам эшитди. Мана ҳозир ҳам қўшни купедагилар бирин-кетин коридорга тўплана бошладилар.

Риза бошини қўйи солиб ўйланиб қолди. Ўртоғининг кўпчилик ўртасида шу гапларни ўртага ташлаганидан хафа бўлди. «Шу қылганига, ўзимни бир кўрсатайки, Солижон деганлар ип ечолмай қолсин», дея кўнглидан ўтқазиб, ўртоғини яниб қўйди. Кейин бошини кўтариб, юқорига қаради. Иккинчи полкада кўкрагини тахтага бериб Муҳиддин ётибди. У, пешонасини тириштириб, чуқур ўйга толган, ойнага тикилган кўзлари уни тешиб юбораётгандай. Риза бир нима демоқчи бўлиб, унга қараб турди-ю, гапирмади. Зийрак, юз ўйлаб, бир сўзлайдиган, пиёладаги чой совигунча ҳамсуҳбатининг юрак дардини пайқаб оладиган Риза Муҳиддиннинг хәлини бузишга ботинмади.

Басавлат, ўрта бўйли, кенг ва гўштдор юzlари қўёш иссиғидан тўқ магиз раңѓга кирган бу йигит чалқанча тушганича ҳамон ойнадан кўзини узмайди. Унинг ҳозирги ётиши полканинг тахтасини эгиб юбораётгандай. У, қўлидаги қаламни тоғ тишига, тоғ ияигига тираб хаёл сурмоқда. Ойнадан сўмёғочлар виз-виз ўтиб турибди, ҳаво булат, қўёш қофозга тушган бир томчи ёғдай кўринади. Бепоён чўлда на одам ва на ҳайвон бор. Қаҳратон қишида ҳам бездек бўлиб ётадиган тиканлар, янтоқ... ерлар худди оҳак тўкиб қўйгандай оппоқ. Муҳиддиннинг назарида, вагон бир жойда тўхтаб турибдию, ер гир айланаётгандай. Юраги орқасига тортиб кетди.

Осон эмас. Фаргона водийсининг энг баҳаво, гўзал манзарали қишлоғи — тўрт фаслининг биридан ях-

ши, ўзига хос нашъу навоси бўлган, боғу бўстони, тоғу тошлар оша шалдираб тушаётган зилол сувининг ёқимли шовқини ҳали қулоқлари остидан кетмаган ўша сой, кафтдек, бепаён пахтазор, булар қаёқда-ю, мана бу тақир чўл қаёқда! Уч хонали дангиллама иморат, орқаси токзор, боғ. Ана шу уйда ота ва ўғил яшар эди. Муҳиддин иморат қуришни, ҳовлининг саҳнини гулзор қилиб безашни яхши кўрарди. Ўй битган йили ўз қўли билан ариқ лабига эккан атиргуллари, гулсавсрлар ўтган бахорда гунча қилди. Мана бу йил ҳовлининг ўзига атиргўйи анқийди. Кечқурунлари ишдан қайтгач, ариқ лабидаги гулларни бир силкитиб қўйиб, кроватда китоб ўқиб ётиш, радиони тинглаш қандай завқли!

Муҳиддин ўтган йили ўрта мактабни кумуш медаль билан битирди. У, Тошкентга бориб, қишлоқ ҳўжалик институтига кирмоқчи бўлганида, отаси ўғлидан шундай илтимос қилиб қолди:

— Мен кексайиб қолдим. Қўзим очиғида бир бошингни иккита қылсан деган орзум бор, бунинг устига раис мени чақириб, ўғлингизга айтсангиз, шу ерда кечки агрономлик мактаби очилди. Шунга кирса, агрономларимиз ўзимиздан чиқса яхши бўларди, ўқиши учун ҳамма шароитни яратиб берамиз, деди.

Шу бўлди-ю, Муҳиддин кечқурунлари агрономия мактабида ўқий бошлади. Мана энди бўлса ҳаммаси ўзгарди: «Мен Мирзачўлга бориб, чўлни ўзлаштиришга ўз ҳиссамни қўшиш орзусидамац. Илтимосимни қондиришингизни сўрайман» деб район комсомолга ариза берди. Бу иш унга шу қадар улуғ, шарафли бўлиб туъюлди-ки, бутун орзу истаги, қалбида ўйлаб юрган режаларининг ҳаммаси гўё фақат шу туфайли рўёбга чиқадиган, ҳаётнинг мазмуни шу билан ўлчанадигандай. Аризага жавоб олгунча ўтган уч кун — уч йилдек чўзилди, «юборишармикан?» деган хомхаёл уни кўпчиликдан яккалатиб қўяётганга ўхшарди. Бу орада отасининг рўйхуш бермагани ҳам кўнглини анча фаш қилиб юрди.

Комсомол-ёшлар сафарга чиқишлиаридан бир кун илгари уни район комсомол комитетига чақириши. Мирзачўлга кўнгилли бўлиб кетаётган ана шу тўрт йигитга бошлиқ қилиб тайинлашди. Муҳиддин бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ўз мақсадига эришганидан қувонгани учунми, ҳарқалай, командиридан буйруқ олаётган солдатдек бу таклифни эътироозсиз, бажонидил

қабул қилди. Фақат поездга чиқиб, станциядан узоқлашди-ю, кўнгли алланечук бўлганини сезди. Нималиги га тушунолмади. Ана у ўртоқлари билан Мирзачўлга келаётир, энди умрбод шу ерда қолиб кетади, Водилга бормайди. Бу — оғир, албатта.

Муҳиддин буни жуда яхши ҳис этарди. Чўлни обод қилишдек катта ишга отланаркан, кўп ўйлади, акаси Нажмиддиннинг фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлганини эслади. Ундан келган ва ўзи ҳаммасини авайлаб, алоҳида папкага солиб қўйган хатларнинг ҳар бири Нажмиддин ҳаётининг мазмунидан бир лавҳадек бўлиб кўринарди. «Дадажон, Ленинградни ҳимоя қилиш билан киндик қоним тўкилган Фарғонамнинг осойишталигини ҳимоя қилаётганимни тушунаман. Мендан хотиржам бўлинг, душман тўпининг оғзини гавдам билан бекитиб, овозини ўчираманки, Ватанимнинг бир қадамини ҳам душман оёқ-ости қилишига йўл қўймайман. Ҳаммамизнинг, ёру дўстлар, қардошларнинг аҳди бу!». Ана шундай мазмундаги хат сатрлари устига қорамтирип тупроқ тўкилиб, бир ерига лой сарагани шундоққина сезилиб турибди. Шу қадар оғир кунларда акаси Нажмиддин, комсомол вояга етказган йигитнинг қайноқ қалби Ватан муҳаббати билан жўш ургани Муҳиддинни ҳаяжонлантириб юборди. Сўнгги хатларидан бирида ёзганди: «Дадажон, укам яхши ўқисин, қийинчиликлардан сира юз ўгирмасин. Ахир ўзингиз шундай дер эдингиз-ку. Энг оғир пайтларда, «мени ким тарбиялаб стиштирган?» деб ўзига ўзи савол берса, ана шунда ҳаммасини тушуниб олади». Хатларни бир неча бор кўздан кечириб, расмларига узоқ тикилиб қоладиган Муҳиддин бу гал чуқур ўйга толди. Ўзича бир нарсани қайта-қайта такрорлади: «Водил-ку — менини, Мирзачўл-чи? Нина Алексеевна (у, қишлоқдаги севимли ўқитувчисини эсларди) Водил менини эмас, менинг Ватаним Вязьма демайди-ку? — Муҳиддин Ватан сўзини такрорлар экан, унинг мағрур жаранглашидан шунчалик фахрландики, кўз ўнгига улуғвор, бепоён қудратли Совет Ватани, жаҳонга тинчлик ва баҳт нурини сочиб турган гўзал Ватан намоён бўлди,— демак, Ватанимнинг бир қисми Мирзачўл. Нега у чўллигича қолсин? Бўлмаган гап!»

Муҳиддин оқ қоғозга алланималарни чизди. Қаламнинг орқаси билан бошини қашиб, унга узоқ тикилди.

Кейин чап томонга сал сурилиб, пастга қаради. Ашула тугаб асия бошланган, кулги кетидан кулги кўтарилаётир. Муҳиддиннинг хаёли бошқа томонда бўлгани учун қулоғига кулги овозлари эшитилди-ю, асиянинг қайси пайровда бораётганини ҳам яхши пайқамади.

Риза четлари гажим, бурчагига ҳар хил ипак билан гул тикилиб «Р. М.» ҳарфи ёзилган оқ шойи рўмолчани чўнтагидан олиб юзини артган эди, ундаги атири ҳиди Муҳиддиннинг димогигача келиб етди. Солижон Ризага қараб яна ҳазил қилди:

— Билдик, яхши йигит, Мехрихоннинг роса юракларидан урган экан, гул тикканлари майли-я, атири ҳам сепганини қаранг.

— Олдинга артиниб ҳам бўлмайди-я, сенга ҳадя қилинган дўпинини гапираётганим йўқ-ку,— деди Риза рўмолчани чўнтагига сола туриб.

— Қойилман дидинга, Риза, ўзлари ҳам исмларига яраша меҳр қўйиб тикибдилар-да, қани гулини ҳам кўрсат-чи.

— Қўлингни торт, ҳазиллашма, чамадонингни очиб, дўппингни кўриб қўяқол.

Яна кулги кўтарили. У гапларни эшитиб, Ризанинг қўлидаги рўмолчани кўриб турган Муҳиддин секин бoshини четга олди. Унинг хаёли бузилди. Ўзича: «Севмадим, севмас эканман, севилмадим, севилмас эканман» деб оғир уҳ тортиб қўйди.

Серғайрат, меҳнатда чарчашни билмайдиган бу йигит жуда уятчанг, кўпчилик ўртасида гап-сўзга нўноқ бўлгани учун «мени табиат шундай кўримсиз қилиб яратганки, қизларга сира ёқмайман» деб ўйларди. У, ҳозиргача биронта қиз билан юзма-юз гаплашиб, биронтасини севган ҳам эмас, ёки бирон қизнинг шу назар билан қарагани, гапирганини ҳам эслолмайди.

Ахир ҳаётда шундай бўлиши мумкин-ку. Йўқ, Муҳиддинни ташвишга солган бошқа нарса. У, ўзича бирон қизни кўзлаб, гапиришмоқчи бўлади-ю, нима учундир ботинолмайди. Борди-ю, ўша қиз, мен сизни... деб қолгудай бўлса, нима жавоб қиласман, деб ўйлаб юраги орқасига тортиб кетади, дарров миясидан бу хаёлларни чиқариб ташлашга уринади. Муҳиддин ўз қишлоғида бу ҳақда унча ўйламаса ҳам, кеча станцияда бир хил бўлиб кетди.

Мирзачўлга кетаётган комсомол ёшларни кузатиш учун бутун район кўчиб чиқди деса бўлади. Ҳар кимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, қариндош-уруги, комсомол ўртоқлари бор. Шулар қаторида Муҳиддиннинг кекса отаси ҳам чиққан. Шунда Риза билан Солижон кўпчилик орасидан олдинма-кейин секин чеккароқ-қа чиқиб кетишиди. Риза дараҳтлар тагида турган уч қиз ёнига борди. Булар орасида Мехрихон бор эди. Со лижон бўлса ўзидан икки қадам нарида, колхоз раиси ёнида турган сариг атлас кўйлакли қизга яқинлашиди. Сўнг у билан бирга, алланималар ҳақида сұхбатлашиб, панжарали гулзор томонга кетишиди. Фақат Муҳиддин ёлғиз, холос, отаси ёнидан нари кетмайди. Ер тагидангоҳ Солижонга, гоҳ Ризага қараб қўяди. Уларнинг бир бирларига кулиб боқишилари Муҳиддинга ғалати туюлар, ҳаваси келаётганини ҳам, рашки келаётганини ҳам билмас эди. Ана шундан бери ўзича: «Водилда-ки севолмадим, бу ерда нима бўлардим...» дея бир неча бор такрорлади.

Муҳиддин поезднинг кичик станцияга келиб тўхтаганини сезмай қолди. У отасининг пешонасидан ўпиб хайрлашгани, «яхши ният билан уздим, чўлда ҳам гулзор яратгин, ўғлим» деб, тувакда уй ичидагулистан икки донасини тутқизганини эслади.

«...Ўғлим, ўртоқларингдан сира айрилма. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» дейдилар, ўзингни дадил тут. Кичкини ишга кетаётганини ўйқ. Шуни эсингда туткинки, ҳар қандай дараҳтии ҳам илдизига заха теккизмай бир ердан олиб, иккинчи ерга ўтқазилса, парвариш қилиб турилса, аслидан ҳам яхши ўсиб кетаверади. Борди-ю, дараҳт эгилса, шохидан бир-иккиси синдирилса, албатта қуриб қолади. Одам ҳам бамисоли шундай! Жон ўғлим, дадил бўл, азм саҳро, чўлни гулистон қилиш энди сизларнинг қўлингизда, хайр болам, саломат бўл...»

Муҳиддин қулоқлари остида отасининг «Азм чўлни гулистон қилиш энди сизларнинг қўлингизда» деган сўзлари ҳозир айтилгандай бўлди.

Боядан бери тикилиб ўлтирган Риза Муҳиддиннинг оёқ томонидан секин полкага кўтарилди. Муҳиддин буни сезмади, ҳамон чизиш билан овора. Риза бошини чўзизиб, Муҳиддиннинг қофозига қарамоқчи бўлганида у иайқаб қолди.

— Ийе, сенмисан, сезмапман-а, айтгандай, яқинлашиб қолган бўлса керак-а?

— Яна бир станция қолибди, нима қиляпсан? Муҳиддин қоғозни икки буклаб беркитди.

— Ҳеч нарса.

Риза кўнмади, кўрсатишни илтимос қилди.

— Мана, нима бўлар эди, ўзим шундай чизиб ўлтирибман.

Риза яқинроқ бориб тикилди.

— Бу нима ўзи?

— Нимага ўхшайди.

— Ўзимизнинг қишлоқми?

— Йўқ.

— Худди ўзини чизибсан-ку, тағин йўқ дейсан-а?

— Бу янги қишлоқ, мана қара. Мана бу ер клуб, колхоз идораси, чойхона, кутубхона... Булар уйлар... Мана сенинг уйинг, буниси Солижонники, бу Собирники, наригиси Аъзамга...

— Сеники-чи?

Муҳиддин ўйланиб жавоб қайтарди:

— Меники, бир гап бўлар, бундай улуғ ишга бел боғлаган одам дастлаб ўзи тўғрисида ўйласа иш битадими, дўстим...

Риза ўртоғининг феълига яхши тушунса ҳамки, ўзи-ча: «Яша оғайнини, ана шунақанги ишларингга қойилманда» деб кўнглидан ўтказди.

— Яна шуниси ҳам борки,—сўзида давом этди Муҳиддин,— бир ўзимга уй нима керак. Сизлар уйланасизлар... Мен бўлсам... Ҳали ҳеч кимни... ке, қўй бу гапларни,— деб қўй сильтаган эди, Риза унинг авзойини сезиб, гапини бошқа томонга бурди.

— Хўп,— деди у, Муҳиддинга тикилиб,— қишлоқ шундай обод бўлса-ю, электр бўлмаса.

— Дидингга қойилман, тўғри айтдинг. Аммо қаердан сув келишини билмай туриб, электро станцияни қоғозга чизолмадим-да. Бунисини қишлоққа борганимизда бирга ҳал қиласиз...

— ...Эшитингиз, эшелон радиоузелидан гапирамиз. Қуйидаги ўртоқларнинг штабга келишини сўраймиз.

Вагондаги шов-шув тиниб, ҳамма рўйхатни эшила бошлиди. Репродукторни энди кўраётгандек кўзларини катта очиб, унга тикилиб қолган Солижон Муҳиддиннинг фамилияси ўқилганда ўзини босиб туролмади, «а, лаб-

бай» деб ўртоқларига жилмайиб қўйди. Муҳиддин секин пастига тушиб, гимнастёркаси устидан камарини тортиб боғлади. Ёқа-тумгалирини қадар экан, Солижон чамадонидан ойнак чиқариб унга тўғрилаб турди. Муҳиддининг кулгиси қистади.

— Ҳеч тинмадинг-да, ошна.

— Ийе, кичкина жоймики, штабга боряпсан-а, тагин «кру-гом» деб қайтариб юборишмасин дейман-да.

Муҳиддин ёстиғи тагидан блокнотини олиб, купедан чиқиб кетди.

Штаб составнинг охирроғидаги вагонлардан бирига жойлашган. Муҳиддин борар экан, коридорларда тўдатўда бўлиб турган йигит-қизларни безовта қилишини истамагандек, баъзи жойларда бироз тўхтаб қолар, кейин қиялаб ўтиб кетарди. Қўшни вагонда, девордаги «Жашговар варақа»ни ўқиб турган ёшлар ёнида анча туриб қолди. У ҳам варақага тикилди. Боплашипти: шу вагондаги йигитлардан бири маст бўлиб, оғзидан биринки ножӯя гаплар ҳам чиққан экан. Варақага унинг карикатурасини жуда кулгили қилиб чизиб, бир қўлига шиша, бир қўлига трактор рулини тутқазиб қўйишибди. Муҳиддин мақолани ўқий олмади-ю, суратига қараб кулиб юборди. Икки қадам ташлаб бир нарса эсига тушгандай бўлди... «Бизнинг группада... Йўқ, бундай бўлишига йўл қўймаймиз» деб кўнглидан ўтказди. Нарироқда, коридорнинг икки деворига волёйбол тўри тортиб қўйилишибди. Бу қанақаси бўлди? Муҳиддин яқин бориб, икки қизнинг ҳафсаля билан тўрнинг сўқилган жойларини тўқишаётганини кўрди. Ўзича «роса ишқивоз эканда, қишида ҳам...» деди-да, тўрнинг тагидан энгашиб ўтиб кетди.

Бундан кейинги вагоннинг коридори бўм-бўш. Одамларнинг кўпчилиги бир купёга тўпланиб олиб, аллақандай хорни машқ қилишмоқда. Ҷап қўлида дафтар, ўнг қўлида линейка ушлаган йигит елка аралаш бошини силкитиб дирижёрлик қилиб турибди. Ҳамманинг кўзи ўшанда. Юқори полкадагилар ҳам энгашиб пастига тикилишган. Муҳиддин тепадаги полкада, бошини шипга теккизиб ўтирган йигитга кўзи тушди. Аллаким ҳам кечга унга шу йигитни кўрсатиб: «Райком комсомолда, навбатдаги эшелон бир ҳафтадан кейин жўнайди, ўшанда кестасиз, дейишса хафа бўлибди, хўп дебди-ю, кечқурун тўғри юкини кўтариб ҳаммадан өлдин поездга чи-

қиб олибди, билети ҳам бўлмаса керак...» деганини эслади. Ана ўҳозир қўлидаги бир варақ қорозга тикилиб, овози борича хорга қўшилмоқда.

Муҳиддин вагонлардан ўтиб борар экан, ўз одатича, ҳамма нарсага разм солар, ҳар биридан ўзича хулоса чиқарар, одамларнинг хатти-ҳаракатлари, муомалалари, ҳулқлари, ҳатто кийинишларигача,— ҳаммасини солишиб тириб кўрар. Кейин худди гуручнинг курмагини териб ташлаган сингари ўз ҳаётидаги курмакни — кўпчилик ўртасида маъқул бўлмайдиган нуқсонларини тугатишга тиришарди. Унингча, кўпчилик билан бирга бўлиш онгини ошириб, фикрини бойитаётганга ўхшарди. Дастандаста китоблар қаторида ярқираб турган кетмон, футбол тўпи ёнидаги руҳ чойнак, патефон устидаги чўт, устига дуррача ташлаб қўйилган бекасам тўн, бурчакдаги дуторнинг туриши Муҳиддинга ҳар бир вагон серфарзанд катта оиласининг ўғил-қизлари яшайдиган хонадондай кўринди. «Кўп миллионли комсомоллар оиласининг бир бўлаги. Мен-чи? Шу оиласининг бир ўғлимсан... Қечадан бери меҳмонга кетаётган одамдай ётаверибман-да. Бундоқ вагонларни айлансан-ку, бўларди-я. Қаёқдаги «севмадим, севилмадим... эҳ, ўша...» Муҳиддин нариги вагонга ўтди. Биринчи купеда яна бир таниш кишини — вокзалдаги йигинда чиқиб сўзлаган баланд бўйли, янги бекасам тўни гавдасига ёпишиб турган тракторчи йигитни кўриб қолди. Унинг бурро-бурро гапиришларига Муҳиддиннинг жуда ҳаваси келган эди. Кўзи тушди-ю, беихтиёр бош силкиб саломлашди. Йигит иргиб ўрнидан туриб «Жалолхон» дея қўл узатди. Муҳиддин бундай бўлишини кутмаган эди, у ўз исмини айтиб бўлмай Жалолхон: «танишинг, ўртоғим Солияхон» деб ёнидаги ёшгина жувонни кўрсатди. Кейин Муҳиддин купедаги бошқа йигит-қизлар билан кўриша бошлади. Жалолхон сермулозимат, сўзамол йигит кўринади, у дарров жойини бўшатиб Муҳиддинни таклиф қилди, ўзи чамадон устига ўлтириди, пичоқнинг дамини қофоз билан артиб, ярим коса қовунни тилимлаб ташлади:

— Қани Муҳиддин ака, юрагингиз ҳам куйгандир, қовунга марҳамат,—деди Жалолхон ва яна қўшиб қўйди,— ака, айбга санамайсиз, қовунга шундай ўчманки, қаҳратон қишида ҳам тракторимнинг фиддираги ёнида қовун думалаб ётса дейман.

Муҳиддин ноилож ингичка бир тилимни олиб тишилади. Оғзига муз солгандай сесканиб кетди. Буни Жалолхон пайқади шекилли, яна гап қотди.

— Вагоннинг тафтида сал илиб қолибдими-а, ака? Муҳиддин кулди.

— Жудаям совуқ эмас,— деди у,— Асаканинг қовунидан бўлса керак-а?

— Оғзингизга новвот-эй,— Жалолхоннинг чеҳрасида ғурурлик аломати пайдо бўлди.

— Вой, қаёқдан билдингиз?— қизиқиб сўради Солияхон.

Жалолхон Муҳиддиннинг жавобини ҳам кутмай, қовуни мақтаб кетди:

— Ўз қўлим билан экканман, ака, уруғидан ҳам олиб келяпман. Бу йил чўлда шундан экмоқчиман. Жазира-ма исенқуда трактордан лип этиб сакраб, югуриб бориб битасини чирт этиб узиб, жўякнинг ичидаги ёриб емасам армондан чиқмайман, ака... Албатта қовун сайилига борасиз.

— Раҳмат,— деди Муҳиддин иссиқ чеҳра билан.

— Ўзинг ҳам роса олиб қочасан-да,— гапга қўшилди чуст дўпписини қўлида ушлаб ўтирган йигит,— олинмаган бузоққа қозиқ қоқишингни-чи.

— Нима, нима,— унга тикилиб қаради Жалолхон,— ўшанда ширинак ўйнаганим бўлсин...— у, Муҳиддинга ўтилди,— парво қилманг, ака, гоҳо мана шунаقا ҳазил қилиб турдимиз... Сўрасак айбга санамайдилар-да, ўзлари қайси райондан?

— Водилдан.

— Э, ҳа, якка ўзларими?

— Йўқ, беш кишимиз.

Жалолхон «хотини бормикин» деган маънода сўраган эди, саволига жавоб ололмади, қайта сўрашни эп кўрмади.

Муҳиддин штабга боражагини айтиб, узр сўраб ўрнидан қўзғалди. Жалолхон уни тўхтатди.

— Ие, шошманг бўлмаса, бирга борамиз, биз ҳам ҳалигидек... бошлиқлардан, деб кулди.

Улар олдинма-кетин коридорга чиқишиди.

Вагоннинг эшигидан кираверишдаги икки купе штаб учун ажратилган. Буларнинг бири радиоузел. Иккинчи сининг полкалари йиғилиб, ўртага стол қўйилган. Эгнидаги спорт костюми ўзига ярашиб турган, соchlарини чам-

барак қилиб олган қиз бирин-кетин келаётган одамлар билан сұхбатлашиб, аллақандай рўйхат тузиш билан овора. Бурчакда дераза баравар тахлаб қўйилган «Жанговар варақа» бланкалари турибди. Унинг ёнида карнай қилиб ўралган картон. Учлари таранг боғланган шойи қийиқча. Қийиқнинг очиқ қолган тўрт томонидан тахлоқлик қоғозлар, папкаларнинг учи кўриниб турибди.

Муҳиддин буларга бир разм солиб чиқди-да, қизга тикилди. Унинг ручка ушлаган бармоқлари сиёҳ ранги га бўялган, авзойидан анча чарчаганлиги сезилиб турарди. Муҳиддинга навбат келганда чўнтағидан блокнотини олди. Қизнинг саволларига жавоб бериб, ўз группасидаги ёшларнинг фамилияларини айта бошлади.

— Собир Ҳошимов?! Бу, ҳалиги хотинини ташлаб келган йигитми?— бирдан сўраб қолди қиз.

Муҳиддин ҳайрон бўлди.

— Ҳа, ўша,— деди у оҳиста,— у ташлаб келгани йўқ, хотинининг ўзи хоҳламади.

— Гапингизга қараганда эрини ҳам хоҳламас эканда?

Муҳиддин индамади. «Бу — уларнинг ўз иши» демоқчи бўлди-ю, ўйланиб қолди. Қиз икки юз саксон учинчи рақам қаторига Собирнинг фамилиясини ёзар экан, «яхши бўлмапти» деб қўйди. Бу гап Муҳиддинга «эпломапсизлар-да» дегандек бўлиб эшитилди.

Муҳиддин Жалолхон билан бирга штабдан чиқишиган пайтда поезд кичик бир станцияда тўхтади. Шу заҳоти-ёқ станцияда турган, очиқ вагонларга турли машиналар ортилиб, усти брезент билан ёпилган состав жойидан қўзгалди. Ойнадан ташқарига қараб турган Жалолхон Муҳиддиннинг қўлидан ушлаб унга кўрсатди.

— Қаранг, «Андижанеп-13» дизеллари биздан илгари етиб келибди-я. Орамизда Сергей Ватулин деган дизелчи ҳам бор. Кўрса, роса қувонади-да,— деди Жалолхон севиниб.

— Мирзачўлгамикан?

— Ҳа, бўлмаса-чи.

Жалолхоннинг кейинги сўzlари Муҳиддиннинг қулоғига кирмади. Унинг ҳаёлини Собирнинг хотини ҳақидаги фикр чулғаб олди. «Борганимизда ҳам шу гап очилса нима қиласиз?» деган ўй билан ўртоқлари ёнига келди-ю, бу ҳақда ҳеч гап очмади,

Кўкрагига комсомол значоги тақиб олган, вагонларига «Биз Мирзачўлга кетаётимиз!» деб ёзилган қизил алвон боғланган паровоз Мирзачўлга кириб келди.

Эрталабдан бери худди қуёш билан ўйнашаётгандек, гоҳ унинг юзини бекитиб, гоҳ кўрсатиб турган булутлар қуюқлашиб, қор учқунлай бошлади. Меҳмонларни кутиб олишга пешвоз чиққан ёшу қари, эркагу аёл,— ҳамма станция биносининг икки қаноти узра тарқалиб, вагонларга яқинлашишиди. Атроф-теваракда тўхтаган машина, араваларининг эгалари чойхонада ўлтирганларгача югуриб келинди. Соч олаётган сартарош устарасини қайишга теккизганича шу томонга тикилиб қолди. Олдидан одам аримай турган магазинчи, буфетчилар прилавка устига тиражакларини тираб тикилиб қолишиди. Перронининг ўртасида чалинаётган оркестрнинг ёқимли садоси шовқин-сурон билан қўшилиб, кларнет устида эриган қордек чўл бағрига сингиб кетмоқда. Югуршишиб юрган фотографлар қуёш чиқмаганидан хуноб. Гоҳ тикка туришиб суратга олишар, ён томондан келиб кўришар, чамадон кўтарганиларни бир нафас тўхтатиб тиз чўкишар, ҳар галгисида ҳам бошларини кўтариб ҳаводан иолишарди.

Музика тўхтаб, ҳамма станция биноси олдидаги трибуна атрофига тўпланди. Райком партия секретари меҳмонларни қутлаб нутқ сўзлади.

Муҳиддин бошлиқ группа янги келаётганиларни рўйхатга оладиган штабга кириб келди. Муҳиддин штаб бошлиғига мурожаат қилди...

— Биз, Фарғонадан, беш кишимиз. Илтимосимиз шуки, бир жойга юборсангиз.

— Илтимосингизни бажо келтирамиз. Қайси колхозга бормоқчисизлар?

Муҳиддин қайси колхозга бўлса ҳам барибир демоқчи бўлиб турганида, Солижон жавоб бериб қолди.

— Мулла ака, бизни чўлга юборинг, ўзимиз колхоз тузамиз.

Штаб бошлиғи ялт этиб, баланд бўйли, чаккасига қулоғи аралаш қийиқ танғиб олган, сийрак қопларини чимириб турган Солижонга қараб кулиб қўйди. Унинг ёнида турган ўрта ёшлардаги, мўйлабли йигит Солижоннинг елкасига қўлини ташлади.

— Нияtingиз яхши. Аммо, кўп шошилманг, йигит. Беш киши колхоз тузганини эшитганимиз йўқ.

— Ие,— деди Солижон,— колхозда ишлайдиган бўл-
сак Фарғонада ҳам бор. Биз чўлда ўзимиз янги колхоз
тузамиз деб келямиз-ку.

Муҳиддин «кўп эзма бўлма» дегандек Солижонга
хўмрайиб қаради, у ўзини билиб-бilmасликка олди.

Қоплардаги дон-дун, қуруқ мева, икки қўй чамадон-
лар катта машинага ортилди. Фақат сигирни машинага
чиқариш анча қийин бўлди. Боядан буён асқия қилиб
келаётган Солижон, машинада туриб сигирнинг бошидан
тортаман деб, қора терга тушди. Пастдан беш кишила-
шиб зўрға кўтаришиб қўйишиди. Шунда Ризанинг кийим-
ларини лой қилиб астойдил кўтаришганини кўрган Со-
лижон «бормисан, нимжон» деб яна ҳаммани кулдирди.

III

Машина катта йўлга чиқиб, станция кўздан ғойиб
бўлганда шамол яна кучайди. Бўралаб ёғаётган қор ос-
мондан ерга тушяптими ёки ердаги қорни шамол учириб,
ўйнатяптими,— билиб бўлмасди. Баҳайбат машина зарб
билин силкинар, сигир маст бўлгандек гандирақларди.
Йигитлар қулоқчинларини тушириб, юзларини шамолга
тескари қилиб олишган. Қоп устига ўтириб, сигирнинг
арқонини ушлаб бораётган Солижон ҳар силкигандан
«ҳозир ташлаб юборади, ушла «Риза» деб қўярди. Ҳамма
ўзи билан ўзи сервор бўлганидан Солижоннинг қизиқчи-
лиги ҳам ёқмасди. Анча юрилгач Солижон чарчади ше-
килли, ўрнидан турди. Ўтирганлардан бирига, «ма, бир-
оз ушлаб тур арқонни» демоқчи бўлди-ю индамади. Ка-
бинка тепасидан уриб турган шамол қулоқчинни учириб
юборгудай бўлди. Бир қўллаб, боғичини боғлаб олди,
яна жойига ўтириди. Бўрон борган сайин кучайиб, стол-
балар, уларга тортилган симлардан ҳуштак овози эши-
тила бошлади. Солижоннинг назарида шамол баҳайбат,
тез оқар дарёнинг шарпасидай бўлиб кўринди. Машина
ана шу шаршарни ёриб, юқори кўтариляпти. Қулоқла-
рини шойи қийиқ билан ўраб олган, пальтосининг ёқаси
бошга чиққан Аъзам машинанинг бир четида чўққайиб
ўтиради. Солижон унинг бу ўтиришини коптокка ўх-
шатди, сал туртиб юборса шаршараға тушади-ю, гоҳ чў-
киб, гоҳ кўриниб сузиб кетаверади. «Ҳой, мени тутиб
олинглар» дейишга ҳам ҳоли қолмайди.

Машина тош ётқизилган кенг кўчадан шағал тўкил-
ган ўйлга чиқди. Боя бир-икки марта «бу ернинг қори

ҳам шакарга ўхшаркан-а» деб қўйған Солижоннинг юзи-га энди шағал майдалари урилди, у бошини яна пасайтириб олди. Машинанинг борти, зиналарига шағал урилар, худди аллаким кўчанинг чеккасида туриб, битталаб тош отаётганга ўхшарди. Солижоннинг ўнг ёнида йўл-йўл шарфини қулоқчини устидан бурнигача ўраб ўтирган Риза увишган оёғини узатиб, Солижонга қаради. Унинг арқонни билакларига ўраб олганидан кулгиси қистади. «Бир болламайманми» деган хаёл билан:

— Ҳа, қалайсан,— деди-ю, юзини бекитиб олди. Унинг бу гапи Солижонга «кетмонга ярайдиган одам, энди ҳолинг қалай?» дегандай эшитилди.

— Сичқоннинг иини минг танга қилиб юбордиларинг-ку, тағин мендан ҳол сўрайсанми. Уялинглар-е,— ҳамма эшиксин деб атайн баланд овоз билан гапирди Солижон.

Собир эшитиб, эшитмасликка олди. Риза ўзича кулди-ю, жавоб тополмади. Аъзам бўлса гап эшитиш ўёқда турсин, ҳозир машинани тўхтатиб «қани туш, келдик» дейилса ҳам қўзғаладиган ҳоли йўққа ўхшарди. Ҳар машина силкингандан учиб кетаётгандай бўлар, шағал майдалари бортга тегиб чарақлагандан чўчиб тушарди. Ўнг ва чап тиззасига худди муз қўйилгандай тез-тез си-лаб қўяр, навбат тирсакларига келгандা, нима қилишини билмай сонига ишқарди. Совуқ, ўз найзасини келиб-келиб фақат тизза-ю, тирсакка ураётгандай бўларди. Вокзалда, машинага ўтираётгандарида Мұхиддин «сен кабинкага чиқақол» деганида унамаганидан минг пушаймон қилиб чурқ этмай ўтирибди. Мұхиддиннинг гапи унга онасининг «болам, керакли тошнинг оғирлиги йўқ. Қулоқчинингни кийиб ол» деганини эслатди. Бу гапга қулоқ солмаганидан ўзини койиб бошлади.

Шу хаёллар билан ҳар замонда секин бошини кўта-риб, атрофга қараб қўяр, ҳар қараганида қандайдир ваҳима босарди. Боя атроф-теваракдан кўзга ташланиб турган дарахтлар, иморатлар ҳам кўринмай қолди. Ҳамма ёқ бўм-бўш. Еру кўк қор билан қопланган. Шамол кўз очиргани қўймайди. Машина бепоён чўл бағрида тез-тез силкиниб, баъзан эса ағдарилиб кетаётгандай қийшайиб боряпти. Аъзамнинг назарида гўё машинада унинг якка ўзи-ю, шофер қор бўронида йўлдан адашиб, поёни йўқ чўлнинг ўртасида кетяпти, бу борища бирон чуқурликка тушиб, ағдарилиб кетиши муқаррардай.

«Ойим айтарди-я: соғ бошимни савдога қўйдим деб, мен ҳам худди шунинг ўзини қилдим-да», — ўйлади у ўзича. Нима учундир машинага чиққанидан, совуқ таъсир қила бошлаганидан буён кўпроқ онаси хаёлига келадиган бўлиб қолди. Уйдалигида «болам, толиққандирсан, овқатингни еб олгин» деб ялинган пайтларида ҳам жеркиб берадиган Аъзам энди унинг насиҳатларини, даккиларини ҳам бирин-кетин эслай бошлади. Баданига совуқ ўтган сари онаси кўз ўнгидан ўтар, нега шундай бўлаётганига ақли етмасди.

Машина таққа тўхтади, озгина тисарилгандай бўлди. Сигир ўзини тутолмай, Солижонни ўрнидан турғазиб юборди. Аъзам ўйлагандай машина катта жар ёқасига келиб қолди-ю, шофер хушёрлик қилиб тўхтатди. У, ҳовлиққанича, пальтосини бошидан тушириб, секин юзини, очди. Ўрнидан турса шамол учириб кетадигандай жойидан қимирламади. Солижон арқонни қўйиб, кабинка тепасидан олдинга қаради-да, шофер пастга тушиб машинанинг тагига энгашганини кўргач, ҳеч нарса сўрлмади. Ёқа ва енгларидаги қорни қоқар экан, Ризани туртиб қўйди.

— Тур, томингни кураб ол,— деди тегажаклик қилиб.

Риза бир нарса демоқчи бўлиб ўрнидан турди-ю, машинанинг ичини кўриб ҳайрон бўлди.

— Вой-бўй, роса қор босибди-ю, айтганингдай курайдиган бўлибди, Соли,— дея кийимларини қоқа бошлади,— ҳа, Аъзам, нега рангинг оқариб кетди, роса совқотганга ўхшайсан-а?

Аъзам индамади. Ўртоқларим сезмасин дегандай секин рўмолчасини чиқариб, бурни учидаги томчини артиб олди. Қўлида алланарсани авайлаб ушлаб келаётган Собир гапга қўшилди.

— Ўзимнинг совқотганим ҳам билинмайди-я, дутордан хавотирдаман.

— Э, эҳтиёт қил, оғайни,— ачинган бўлиб гапирди Риза,— асли Муҳиддинга берсанг бўларди.

Бу гап Аъзамнинг ғашига тегди. «Шу топда дуторни гапиради-я, кўзга кўринадими, бу бўронга одам чидомаяти-ку, ўлгудек аҳмоқ экансанлар-да» деб юборишига сал қолди. Бу пайт Солижон дуторни қўлига олиб, филофи устидан қорнига чертиб кўрди, «сал нам ўтибди», деди у. Буни кўрган Аъзамнинг яна жаҳли чиқди, энсаси қотиб, пальто ёқасини бошигача кўтариб олди.

Муҳиддин кабинкадан тушиб, борт ёнига келди.

— Қалай, совқотмадингларми? — сўради бошини чўзиди.

— Совқотганимиз йўқ-ку, фақат Аъзамнинг бурнидан сумалак осилиб қолди,— деди қўли билан уни кўрсатиб Солижон.

Муҳиддин бурканиб ўтирган Аъзамга қўлини узатган эди, у секин бошини кўтарди. Муҳиддин дарров пайқади. «Қани туш бүёққа, кабинкада кетасан» деди у шартта. Аъзам эринчоқлик билан ўридан турди, пастга сакраган эди, шамол зўриданми, ё оёқлари увишганиданми чўккалақ тушди. Солижон кафтина оғзига қилиб, ўзини кулгидан тўхтатиб қолди.

Муҳиддин машинага чиқиб ҳайрон бўлди. Ҳамма ёқни қор босган. Қоп қаерда-ю, чамадон қаерда — билиб бўлмасди. Собир қўлидаги дуторни кўрсатди.

— Яхши қилмабсан,— деди Муҳиддин дуторни олиб,— менинг ҳам эсимга келмапти-я,— у кабинкага бошини чўзиди, дуторни Аъзамга узатди,— ма, мана буни ол, намиқиб қолади.

Шофер машинанинг «касалини» тузатиб, мойли қўлларини латта билан артар экан, «машинамиз гоҳо шунака эркалик қилиб туради», дегандай йигитларга қаради.

— Ўзи ҳам роса бўралаяпти-да,— деди у шапкасини бостириб.

— Осилсанг одамии кўтарадиган шамол бўляпти,— деди Солижон.

Машина жойидан қўзғалди. Аъзам ҳамон тиззасини ишқалар экан, гапирмасди. Қўлидаги дутор кўзига шундай ёмон кўриниб кетдики, ўзиники бўлганида кабинка деразасидан ташлаб юбориши турган гап эди. Тик қилиб ўтиrsa бўлмайди, ёндамасига қўйса шоферга халақит беради. Бунинг устига оёғи остидаги темир яшикни айтмайсизми! Шофер ҳам бортда жой қуриб қолгандай шу ерга қўйибди. Совуқ бўлмаганда ҳам бир нав эди. Ойнаси синик. Суриштирмай қор уриб турибди.

Шофер дуторга ҳавас билан бир-икки қараб қўйида, орадаги жимликни бузди.

— Ишқибозлик ҳам ғалати-да, а? — деди у кулиб.

Бутун вужуди, фикру хаёли кўз бўлиб, қишлоқ шарпаси кўринармикан дегандай олдинга тикилиб ўтирган Аъзам бу гапга эътибор ҳам бермади, аниқроғи, тушун-

мади. «Етиб қолдикми?» демоқчи бўлиб турганида шофернинг гап ташлагани унинг энсасини қотирди.

— Яқинда мен якка дуторда «Дил қуий»ни эшилдим,— завқ билан сўзини давом эттири шофер,— роҳат қилдим-да. Ўзи ҳам роса машқини олган экан, дуторни гапиртириб юборди-е. Ҳамма қойил қолди,— у юзини сал ўгириб Аъзамга қаради,— борганимиздан кейин ўзларидан ҳам бир эшитар эканмиз-да?

Умрида дутор чөртмаган Аъзам нима деб жавоб қайтаришини билмасди. Шофер уни мазақ қиляптими ёки ўзи музикага шунчалик мукка тушганки, дуторни кўриб, юраги чапак чалаётганидан шу ганин айтаяптими? Аъзам «аравангни тортсанг-чи, шу тоңда...» деб жеркиб беришига сал қолди.

— Саломатлик бўлса эшитармиз,— деб қўяқолди совуққина.

— Ийе, кечирасиз, сал тобингиз қочиб турибди дейман-а?— шофер бир нарсани сезғандай энгашиб, унинг юзига тикилди.

— Унчалик эмас, мана бу совуқ...

— Ҳа, ҳа, совуқ баланд, шамол ҳам роса авжига чиқяпти... ҳа мана етиб қолдик,—унга тасалли бердий шофер.

— Сиз шу ерлиkmисиз?— худди уни чўчитиб юбормай дегандай секин сўради Аъзам.

— Йўқ, Намангандан. Келганимизга ниҳояти бир ой бўлди.

— Сиз ҳам...

Худди шундай савол тушишини кутган шофер Аъзамнинг гапини бўлди.

— Ҳа, ҳа, сизларга ўхшаб... буни қарангки ўхшатмай учратмас дегандек, бизлар ҳам беш киши эдик-а.

— Ҳаммаларингиз шу колхоздамисизлар?

— Ҳа, ҳа, бешаламиз шу колхозга жойлашдик. Битта мен ҳозирча бетайнроқман,— кулиб қўйди шофер,— ҳа нега дейсизми, ўзим асли тракторчи эдим. Раис менга машинани бериб қўйди. Орага эмтес механизги аралашив, йўқ, сиз трактор ҳайдашингиз керак деб қўймаяпти. Ўзим ҳам шунга мойилман-ку, раис унамай турибдида, ҳозирча машина ҳайдаб тур, ука, деб қўймаяпти. Бетайнроқ деганим шу. Барибир тракторга ўтаман.

Боядан бери «биз бир янгишиб келиб қолибмиз-да, бўлмаса одам келадиган жойларга ўхшамайди» деб

ўтирган Аъзам, шофернинг гапидан кейин вокзалдаги шовқин-сурон, музика, одамлар тўлқинини кўз олдига келтирди. Шофернинг айтишига қараганда, бундан бир ой бурун ҳам худди бугунгидай бир эшелон одамлар келган. Балки шундай поездлар ҳар куни келиб тургандир. Чўл шунчалик кенг эканки, қанча одам келгани ҳам сезилмайди. Аъзам ўзини ана шу ҳар куни ёки ҳафтада келиб турган минг-минглаб кишиларнинг бири, энг кичкинаси, ҳеч ким назари илмайдигаңдай ҳис қилди: «мен келдим нима бўлди-ю, келмаганимда нима бўларди. Тогни уриб, талқон қиласмиш. «Хом калла» дер эди-я ойим».

— Туар жойларингиз?..

Бу сафар ҳам шофер Аъзамнинг саволини ярмидан илиб олди.

— Ҳа. Яхши уйга жойлашганимиз. Сизларга ҳам алоҳида уй ажратилишиб қўйишибди. Боқчада ишлайдиган Хосият холанинг ёнидаги уй эмиш, бу томонлардан хотиржамлик, ҳа, ҳамма колхозлар ҳам яхши кутиб оляпти,— деди шофер.

Йўлнинг икки томонидан ҳаккам-дуккам уйлар, чироқлар кўзга кўринди. Қишлоқ марказида иморатлар қуюқлашиб, кўча ёни беридаги дараҳтлар шамолнинг кучини сал кесгандай бўлди. Қишлоқдан чиқилгач, машина тор кўчага қайрилди. Хосият холанинг уйи шу ерда бўлса керак.

IV

Нонуштадан кейин икки ўртоқ худди маслаҳатлашгандек далага чиқиб кетишди. Улар аста юриб, кузда шудгор қилиб, қўйилган ердан ўтишгач, Солижон Мұхиддиндан сўради:

— Қаёқقا кетяпмиз, бу томонда нима бор?

— Юравер-чи, чўлни ҳам бир томоша қилайлик, кейин идорага борармиз.

Улар шудгорланган ердан ўтиб, пастлийка тушиб боришди. Колхоз идораси, қатор уйлар орқада қолиб кетди. Чўлнинг чегараси йўқдек.

Январнинг охирги кунлари бўлишига қарамай, ерда қор қолмаган. Оёқ босган жойлардаги шўр ерлар қор сингари фирчиллайди, намлик тузларни эритиб юборган. Баъзи селгиганроқ жойларда ернинг шўри ошланмаган терий парчасидек палахса-палахса бўлиб ажраб ётиби.

Мұхиддин гапирмай, ўйланиб, бормоқда. Үртоқлари қатори у ҳам чүлни энди кўраётгани. Ҳозиргача «чўл — бўшлиқ текис ер» деб ўйлаб юради. Ундай эмас экан. Тиканак, янтоқ ва қамишзор, ери шўр ва баъзи жойларида шағал бўлар экан. Мұхиддин буларни кўриб, аҳён-аҳёнда синовчан назар билан ўртоғига қарайди. Солижон бўлса худди виставкага кирган кишидек диққат билан атрофни кузатиб бормоқда. Унинг бу ҳолати Мұхиддинни қувонтиарди, «дурустсан, ғайратинг бор» деб қўярди у ўзича.

Солижон тўп-тўп бўлиб ётган самбит-қамишдан бирини синдириб олдида, Мұхиддинга қаради.

— Мирзачўл деганича бор экан, озмунча ерми, ўҳӯ, мана бу томонга қара,— деди чўлнинг уфққа туташган томонини кўрсатиб.

Мұхиддин индамади. Улар ариққа етишмаган ҳам эди, орқадан бир отлиқ кўринди, у яқинроққа келганида дастлаб «ҳорманглар, йигитлар» деб саломлашди. Солижоннинг ўнг томонидан ўтиб кетатуриб, унга кўзи тушди-да, «ҳа, йигит, колхоз тузамизми?» деб яна гап ташлаганича, жавоб ҳам кутмай, илжайиб отига қамчи берди. Икки ўртоқ бир нафас индамай, бир-бирларига маъноли қараб олишиб.

— Бу қандай гап бўлди, Мұхиддин?— сўради Солижон.

— Билганга калтак, билмаганга ҳавоий гап-да, нима бўларди. Ўзини танидингми?

— Йўқ, афтига яхши қаролмадим, ким?

— Ўша куни вокзалда, штаб бошлиғи ёнида турган йигит-да.

Солижон индамади.

— Оғайнин,— деди Мұхиддин,— кўп катта кетаверма. Подадан аввал чанг кўтариш яхши эмас. Мана энди, ҳар кўрганида пичинг қиласверади.

— Нимани пичинг қиласади. У киши хаёлида чўлни ўзлаштириш осон эмас демоқчидир-да. Бизни чўлни кўриб, ҳанг-манги учеб кетди, деб ўйлаётгандир, янгилашиди, агар сўзимизнинг устидан чиқмасак комсомол эмасмиз.

— Шундай экан, нега Аъзамга бир оғиз гапирмадинг,

— Кўрмайсанми, бир гапирсанг, тўрттани қўндириб ташлаяпти, тагин ҳам Риза дуруст экан, мен унинг шунчалик дадил эканлигига ишонмас эдим, ҳали эрталаб,

сен ташқарига чиқиб кетганингда, Аъзамни бирам болладики...

— Нима деди? — қизиқиб сўради Муҳиддин.

— Мен, дейди Риза, Муҳиддининг ўрнида сенларга бошлиқ бўлганимда, Аъзамни шу бугуноқ жўнатиб юборардим. Нима деган гап, ҳали иш бошламай туриб ваҳимаси учяпти. Жойи ёқмас эмиш, ҳамма ёқ чўл-биёбон эмиш, деб қаттиқ-қаттиқ гапираётган эди, сен кириб келдинг-у жим бўлди.

Муҳиддин гапирмади. Икковлари у ер, бу ерда ўсиб ётган самбит-қамишлар оралаб ўтишди. Узоқдан шу томонга келаётган трактор, нарироқда беш-олти киши кўринди. Улар ҳар қаерда кетмон билан илдиз кавлаётгандай ишлашмоқда. У ерларда қамиш ҳам, янтоқ ҳам қолмаган. Даланинг чап томонидаги қисми, кул билан қопланибди. Енгил шамол уни учириб, баъзан кишининг юзига келтириб уради. Кечакечаси Муҳиддин узоқда, чўлнинг пастида кўтарилилган алланга ва ҳавони қоплаган қора тутунни кўриб, ҳайрон бўлган эди. Энди билсаки, бу ерлардаги қамиш, янтоқлар куйдирилган экан. Трактор ҳам шу ерии ҳайдашга тушибди.

— Узи қишлоқда эканимизда ҳам менга унча ёқмас эди, — деди сўзини давом этдириб Солижон, — қачон қарасанг енгил-елпи ишнинг пайида, кўпчиликдан ажралиб юрарди, азбаройи ҳафсаласи. Йўқлигидан ўқишни ҳам ташлаб кетди. Кейинчалик колхозга келиб дўкон мудири бўлиб олди. Хуллас, соя-салқиндан бери келмайдиган бола-да.

Муҳиддин ялт этиб Солижонга қаради.

— Мени билмайди дейсанми? Гапни қисқа қил! Нима демоқчисан, бу ерда ҳам ишламайди демоқчимисан? Тўрт комсомол бир Аъзамга қараб, қўл қовуштириб турмизми? Бўлмаган гап. Истамаса қайтиб кетаверсинмиш? Биз комсомоллар ўртоқларимизни шундай тарбиялашимиз керакми?

Солижон гапирганига пушаймон бўлди. Муҳиддининг «Аъзамни қайтариб юбориш эмас, тарбиялаш бизнинг вазифамиз» деган сўzlари унга қаттиқ ботди. Трактор яқинлашиб, унинг овози гапни-гапга қовуштирмай қўйди, икковлари ўша томонга қаравади. Трактор шу ердан қайрилиб, яна тўғрига қараб йўл олди-да, плугининг гиши дамгирни кўтариб кафгир билан ошни ағдараётгандай ерни ағдариб кетаверди.

Йўл иккига бўлингандада Муҳиддин правление томонга қараб юрди. Солижон ҳам индамай ўша тарафга бурилди...

Узунасига кетган коридорда ғовур-ғувур. Ўртада бир тўда йигит-қизлар алланима ҳақида баҳслашиб туришибди. Тепасига «правление раиси» деб ёзилган кабинет тўғрисидаги скамейкада бир чол ўтиради. Муҳиддин эшикдан кириши ҳамона унга салом берди-да, сал нари борди. Тўдадаги йиғитлар орасида вагондаги «билетсиз йўловчи»га кўзи тушди. «Булар ҳам шу колхозга келишибди-да» демоқчи бўлиб орқасига қараган эди, Солижонни кўрмади. У, эшикдан кираверишдаги деворга ёпиширилган аллақандай плакатга тикилиб турарди. Муҳиддин скамейкада ўтирган чол ҳойнаҳои раиснинг олдига кирса керак деган хаёл билан унинг ёнидан ўрин олди.

— Муҳиддин,— Солижон турган жойидан баралла, чақириб, кўпчиликни ўзига қаратгани Муҳиддинга ёқмади, «секин-эй» деб юборишига сал қолди. Жўрттага қилаётгандай Солижон яна чақирди:

— Бери келсанг-чи.

Муҳиддин ўнидан туриб, икки қадам қўймаган ҳам эдики, тўдалашиб турган ёшлар эшик томонга юришди. Булар ичида тракторчи Жалолхоннинг хотини Солияхонни кўриб қолди.

— Салом, ийе, бир колхозга тушибмиз-ку, яхши жойлашдингларми?— сўради Муҳиддин.

Солияхон кулиб туриб, «ҳа, дуруст» деди-да, ёнидаги ларни унга танишира кетди.

- Алижон...
- Геннадий...
- Клара...
- Хуршид...

— Жўда яхши,— деди Муҳиддин ҳаммалари билан кўришиб чиққач,— ишни бошлаб юборганга ўҳшайсизлар-а?

— Йўқ. Ҳавони кўрмайсизми, келганимиздан бери тинмайди,— жавоб берди Хуршид деган пакана йигит.

— Жалолхон акам бугун тракторни миниб далага чиқдилар, биздан ўзиб кетдилар,— деди ҳамон табассумла Солияхон.

Солижон ҳеч нарсага парво қилмай, талқон тиқилиб, сув сўраётгандек ғулдирлаб яна чақирди. Муҳиддин ўша

томонга қаради, имо билан уни тинчтитгунча бўлмай линги ўртоқлар «кўришармиз» дейишида, чиқиб кетишиди. Муҳиддин булај билан дурустроқ гаплашолмаганидан хуноб бўлганича Солижоннинг ёнига борди.

— Гапни гапга қовуштирамайсан-а, сал секироқ-да, кўча эмас-ку бу ер сенга.

Солижон пинагини ҳам бузмади, «а, лаббай, хўп» деди-да «Хурмат тахтаси» даги расмлардан бирини кўрсатди:

— Хосият холам керилганларича бор, кўриб қўй.

Муҳиддин индамай, расмга тикилиб қолди. Ҳозир у Солижоннинг ўринсиз қилиқларини ҳам, янги танишган йигит-қизларни ҳам, қаерга нима учун келганини ҳам унутди. Қараган сари расмга жон кириб, кўзларидан нур ёғилаётгандай бўлди. Унда аллақандай бир сирли жозиба яширган-у, Муҳиддин шуни қидиряпти. Узоқ боқди, барibir тополмади, охири расм гавдаланиб, кўз ўнгida намоён бўлди...

...Кеч қоронфиси. Қичкинагина, бир табақали эшик ёнига келиб тўхтаган машинани одамлар ўраб олди. Муҳиддин ерга сакраб тушиб, улар билан энди кўриша бошлаганида ўрта бўйли бир қиз қўлида чироқ кўтариб чиқди. Муҳиддин ёруғ тушган томонга қаради-ю, бир хил бўлиб кетди, ёнига бориб у билан сўрашишини ҳам, сўрашмаслигини ҳам билмай қолди. Басавлат бир аёл худди онасидек «эсои-омон келдингларми» дея қучоқлаб кўришаркан, унинг сликаси узра яна чироқ томонга қараб қўйди. Юклар тунирилиб, ҳаммалари ичкари киришди.

Йигитлар шинамгина уйнинг теварак-атрофига ёзилган кўрпачаларга ўтиришаркан, қўлида дастурхон кўтариб боя Муҳиддин билан кўришган аёл — Хосият хола кирди, «Хуш келибсизлар» деди-да, ўртага хонтахта қўйди. Унинг кетидан патнис қирраси билан эшикни очиб, қанд-қурс кўтарган қиз кўринди. У қўлидагини қўйиб, йигитлар билан бирма-бир кўриша бошлади:

— Юлдуз, хуш келибсизлар.

Муҳиддин бу гал тик қаролмади. Сал бошини эгиб кўришган Юлдузхоннинг нимчасидаги комсомол значоги, медалига кўзи тушди-ю, оҳиста «раҳмат» дея олди, холос. Момиқдай қўл унинг кафтига тушганда, аллақа-ери жиз этиб, энтиккандай бўлди. Шу вақтга қадар қизлар билан кўришганда ҳозиргидай бўлганини сира эслай олмайди. Бундан кейин ҳам шундай бўлишига

ақли етмасди. Кейин Юлдузхон самовар олиб кирди, ўз қўли билан чой қўйиб узатди. Муҳиддин бирон мартасида ҳам қизнинг юзига рўй-рост боқолмади. Худди бирордан қўрқаётганга ўхшаб, ён томонига ўғирилгандагина чамбарак қилинган сочи ва қоматига қараб қўярди. Келганидан берли Юлдузхонни бир неча марта кўрди, бугун эрталаб ҳам учрашди. Бироқ икки оғизигина бўлса ҳам гаплаша олгани йўқ. Кўзи тушдими, бўшашгандай бўлади-ю, зўрға салом бериб қутилади, шу ҳам катта ташвишдай қийнайди. Ҳаётида биринчи марта шундай воқиа рўй бериши. Ҳали бунинг нималигига тушуна олганича йўқ...

— Юлдузхон колхознинг эркатоий экан-да, а, Муҳиддин? — Солижоннинг бу гапи унинг хаёлини бўлди.

— Шу ердаки салкам олтмиш центнердан пахта олибди, эпчил қиз экан,— деди Муҳиддин расмдан кўзи-ни олиб.

Эшик очилиб, ҳалиги чол раиснинг кабинетидан чиқиб кетди. Муҳиддин билан Солижон руҳсат сўраб, секин ичкари киришди. Узун столнинг тўрида тўлданан келган, анча ёшларга бориб қолган киши — колхоз раиси, диванда эса эгнидаги рангсиз, аммо танасига ёпишиб турган ҳарбий костюми устидан тортиб камар боғлаган, ўтгиз ёшлар чамасидаги йигит ўтиради.

— Келинглар,— деди раис ўридан туриб кўришар-кан ва,— партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тошпўлатов,— дея дивандаги йигитни танишириб, уларни ўтиришга таклиф қилди.

Икки йигит секин стулга ўтиришди. Муҳиддин аввал раисга, кейин Тошпўлатовга қараб олгач, сўзлай бошлади:

— Биз Фарғонадан.

— Хабаримиз бор,— деди раис,— қалай, янги жой-лар ёқадими?

Йигитлар жавоб қилишмади. Тошпўлатов секин ўрнидан туриб, стол ёнига келиб гапирди:

— Ёқмаса, ёқадиган қилгани келишган-да.

— Худди шундай, раис ака,— деди Солижон,— ўртоқ Тошпўлатов тўғри айтдилар.

Раис кулди. У, бирнма демоқчи бўлиб турганида, яна Тошпўлатов гап бошлади:

— Улуғ ғайрат улуғ мақсад туфайли вужудга кела-ди. Қиласиган ишингиз, мақсадингиз қанчаки улуғвор

бўлса, ғайратингиз шунча қайнайверади. Сизларнинг биринчи бўлиб ташаббус кўрсатганларингиз, ҳаммадаи илгари етиб келганларингиз, бизни, бутун ўзбек халқини хурсанд қилди. Ҳақиқатан ҳам комсомол ўз номига яраша улуг ишга йўл бошлади. Ўзларингиз ўйланг: киши учун билмагани билди олиш, кўрмагани кўриш, яратмагани яратишдан ҳам завқлироқ иш борми? Биз совет кишиларимиз. Тарих билмаган, қила олмаган ишларни бажара оламиз.

Муҳиддин ҳам, Солижон ҳам индамай ўтиришди. Қип-қизил юзлари оловдек ёниб турган раис аллақандай қоғозларга имзо чекиш билан овора. Муҳиддин сенин гапирди:

— Раис ака, биз иш бошласак деб...

Раис ўрнидан туриб кетди.

Шошманг, шошманг, йигитлар,— у стол ёнидан дераза томонга юрди,— аввал ҳол-аҳвол сўрашайлик. Қалай, яхши жойлашдингизларми, баъзи камчиликлар бўлса ҳозирчалик айбга қўшмайсизлар-да.

— Раҳмат, раис ака, жуда яхши кутиб олишди. Бундан ортиқ бўлмайди,— деди Муҳиддин,— энди иш билан танишсан деб келдик.

— Хўп бўлади,— раис стол ойнаси тагидан бир қоғоз чиқарди,— сизларни... тўртинчи бригадага мўлжаллаган эканмиз.

Муҳиддин Солижонга бир қараб олди.

Янги таникил этилган бригадами?— сўради Солижон.

— Йўқ,— деди раис,— бу колхознинг энг илғор бригадаси, салкам олтмиш гектарга пахта экади.

— Раис ака, битта илтимосимиз бор,— деди Муҳиддин,— янги ердан берсангиз қандай бўлар экан, келишимизда янги ер очиб пахта экамиз, деб ваъда берган эдик.

Раис нима дейишини билмай қолди. Ўйланиб жавоб қилди:

— Йигитлар, мен бир нарсани айтайки, бу ерларнинг хусусияти жуда бошқача. Янги ўзлаштирилган ерга биринчи йили чигит эккан билан анча меҳнатbekор кетади. Ҳозирча мана шу бригадада ишласаларингиз ҳам дуруст бўлар,— раис бу сўзлардан қаноат ҳосил қилмай хомуни ўтирган йигитларга яна бир қараб олди,— мен ҳам янги ер ўзлаштириш тарафдориман, аммо сиз меҳ-

монларни тўсатдан янги ер очишга қўйсак, бир томони айб ҳам бўлар, а нима дейсиз?— раис Тошпўлатовга қараган эди, у жавоб қўлмади,— мен сизларни тўртингчи бригадага мўлжалладим, ери ҳам ёмон эмас, ўзлаширилганига икки йил бўлди...

Муҳиддин ёнига ўгирилиб, Солижонга қаради Бу қаравидаин раиснинг сўзлари ёқмаганлиги сезилиб турарди. У раис билан биринчи учрашишдаёқ баҳслашишга ийманиб турди-да, охири гапиришга мажбур бўлди.

— Раис ака, комсомоллар йифилишида берган ваъдамиз шу эди-да, бўлмаса...

— Бўлмаса ўз колхозимизда ҳам иш топиларди, демоқчисизлар-да, оббо, азаматлар-эй...— деб кулиб юборди раис.

Муҳиддин ҳам, Солижон ҳам «худди шундай» деганидай кулгига қўшилишди. Раис стол ёнига борар экан, Солижон ярим кулги аралаш сўради:

— Раис ака, колхозда ишли кучи камчилроқми дейман?

— Энди, укалар, мен сизларга айтсан, камчил деб бўлмайди, планни ошириб бажарив турибмиз, аммо иш деган нарса топилаверади. Мен ўйлаганим, ҳалиги айтганимдай, янги меҳмонларни оғир ишга, янги ер очишга қўйишга кўнглимиз бормаяти-да,— бир оз ўйланиб олди раис,— хайр майли, бўлмаса яна бир фикрлашиб кўрармиз.

— Ўзи бугун ҳам аниқласа бўладиган гап шекили,— деди Муҳиддин,— ахир, колхозда куч етарли бўлса, бизнинг келиб қўшилишимиз уларга янги имкониятларни қидиришга халақит бермасмикан?

— Мен тушуна олмадим?— деди раис.

— Мен тушундим,— деди Тошпўлатов ва ўрнидан турди,— нариги, янги участка...— У ялт этиб раисга қаради ва йигитларга деди:— сизлар эрталабгача сабр қилингиз, биз шу масалани раис билан муҳокама қилиб олсак. Эртага учрашамиз.

— Яхши,— деди Муҳиддин ва Тошпўлатовга қўл берди.

— Ана, кўрдингизми,— деди Тошпўлатов йигитлар чиқиб кетишгач раисга тикилиб,— агар биз қилмасак, кўпчиликнинг ўзи қўзимизни очиб қўяди.

Раис баҳсада ютқазгандек ўйланиб қолди.

Муҳиддин коридордан чиқиб кетаётгандан ёнига ўғирилиб девордаги «Ҳурмат тахтаси»га яна бир қараб қўйди. Бир қадам олдинда бораётган Солижон буни сезмади. Улар ташқарига чиқиб, ўнг томонга бурилишди.

Қишинг қор, ёмғир ва шамолидан чарчаган қишлоқ очиқ ҳавода яйраб, бағрини қуёшга товлаётгандай. Ўйларнинг томларидан енгил буғ кўтарилимоқда. Кўчанинг икки ёни анча селгиб қолган. Шу ердан бошланган пахта даласининг кўз илғамас нариги чеккасига маҳаллий ўғит тўкилмоқда. Муҳиддин боя идорага келаётганида қишлоқнинг кўринишига унча разм солмаган экан. Ҳозир унга жуда бошқача бўлиб кўринди. Бинолар ҳам, шу атрофга жойлашган уйлар ҳам режасиз қурилган. Баъзилари анча эскиб, бўғотлари осилиб ётибди. Муҳиддининг кўз олдида ўз қишлоғи гавдаланди. У ўзича ҳар икки қишлоқни бир-бирига таққослаб кўрди. «Энди бу менинг қишлоғим, унинг кўрки, ободлиги учун бошқалар қаторида мен ҳам ташвишланишим керак».

Анчагача индамай, атроф-теваракни кўздан кечириб борган Солижон Муҳиддинга қаради.

— Раис дуруст одам кўринади-я, колхозда ишли кучи етишмайдими деб қўйдим-у, кейин ножӯя гапирганимни ўзим ҳам пайқаб, уялган эдим, бошқа одам бўлса...

— Тўғри гапирдинг. Нимаси ёмои. Аммо парторг ундан ҳам яхши кишига ўҳшайди,— деди Муҳиддин,— гапларини эшитдингми, улуғ ғайрат улуғ мақсад туфайли туғилади деди. Улуғ мақсад билан келибсизларми, асти бўшашманглар, дегани бўлади. Айтгандай, Тошпўлатов янги участка тўғрисида гап бошлади-ю, айтгами-я...

Солижон ҳам шу гапни эшитди, лекин унга эътибор бермапти, Муҳиддиндай мағзини чақмапти. Шунинг учун гапни бошқа томонга бурди:

— Нонушта қилиб олсак бўларди, Муҳиддин, қорин ҳам пиёзнинг пўстидек бўлиб кетди.

Улар чойхонага кириб боришли. Самоварчи, йигитларнинг қишлоққа янги келган меҳмонлар эжанини пайқади шекилли, самимий кутиб олди. Катта бинонинг тўрида бир чол якка ўзи чойхўрлик қилиб ўтирибди. Бошқа ҳеч ким йўқ. Муҳиддин чолга кўз қирини таш-

лади. Унинг ҳар бир ҳаракати, қарашлари, қаддини ростлаб чордона қуриб ўтиришидан бардамлиги сезилиб турарди. Оқ яктақ устидаги тўн, белини сиқиб турган қўш қийиқ унга салобат берар, ҳар замонда оппоқ соқолини тутамлаб силаганича атрофга хотиржамлик билан маъноли кўз ташлаб қўярди. Бир қарашнинг ўзидаёқ отанинг ҳаётда кўпни кўрганлигини пайқаб олиш қийин эмас эди. Йигитлар чолга салом бериб, ундан берироққа ўтиришди.

Муҳиддин самоварчи келтирган патнисдаги нонни синдириб, отанинг ёнига суреб қўйди:

— Қани, отахон, марҳамат.

— Бемалол олаверинглар,— ота зифирдек нонни оғзига солиб патнисни суреб қўйди,— қаердан сўраймиз, йигитлар?

— Водилдан,— деди Муҳиддин.

— Яхши... кўп яхши, кечак келдингларми?

— Йўқ, ўтган куни.

— Иёе, ҳа, кечаси келганлар билан бирга денг?

— Шундай,— деди Муҳиддин ва отага чой узатди.

У, пиёлани олатуриб, Муҳиддинга тикилиб қаради.

— Водилдан дедингиз-а, химм, аллакимга ўхшатяпман-да, отангизнинг исмлари?..

— Раҳим.

— Эй... омон бўлинг, ўғлим, Раҳимполвоннинг ўғлиман денг?

Муҳиддин «ҳа» дегандай, бош силкиди.

— Баракалла, баракалла, исмингиз?..

— Муҳиддин,— деди ва бир оз тўхтаб отадан сўради.

— Дадамни қаердан танийсиз?

— Эй ўғлим, дадангиши кўп одам танийди. Ахир биз у киши билан Фарҳода бирга бўлдик, шу-шу кўришмай юрар эдик, ўтган йили Тошкентда, қурултойда кўришдик, қалай, ўзлари бақувватмилар?

— Дурустлар, дастлаб мени юбормайдиган бўлиб юрдилар, кейин бирдан қарасам райком секретарига бориб, мен ҳам борсам бўлмайдими, деб илтимос қилиб қолибдилар.

Ота кулиб юборди.

— Қизиқ одам-да, отангиз, гайрати қўзиб кетиб, бўраман деган-да. Аслида келаверсалар ҳам бўларди.

— Шундай эди-ку, тағин раисимизнинг раъйига қарадилар.

Ота чойни ерга қўйиб, ўрнашиброқ олди. Йигитларга меҳрибонлик билан тикилиб, мулоим сўзлай бошлади:

— Жуда яхши қилибсизлар, азаматлар, сиздағани ёшлардан кўпроқ келса, ҳадемай Мирзачўл Мирзагулистой бўлиб кетади, ҳимм.

Боятдан бери ийманиб турган Муҳиддин секин сўради:

— Айбга қўшмайсиз, отахон, сиз асли шу ерликмисиз?

Ота кулди, пиёланинг гардишини енгига артиб, Муҳиддинга узатди.

— Йўқ, болам, асли Тошкентданман, бу қишлоқликлар орасида асл Мирзачўлликлар йўқ деса бўлади, қишлоқ ҳам янги...

— Янги дедингизми,— ажабланди Муҳиддин,— неча йил бўлди?

— Бўлган бўлса ўн беш-ўн олти йил-да, мен келганимга ўн тўрт йилдан ошди, ўшанда бор-йўғи тўқиз хўжалик кapa тикиб ўтирганини биламан.

Муҳиддин яна чой чақириди. У худди излаб юрган кишисини топгандек, отанинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ сола бошлади. Муҳиддиннинг бу ҳаракатлари Солижонга ёқмади шекилли, суҳбатга аралашмади, ғижиниб, бетоқат бўла бошлади. «Мунча эзмалик қилади-я, чойни жуда мириқиб ичдик, кеч бўлиб қоляпти, тезроқ қўзгалсан-чи». У, узатидган чойни ҳам олмади. Муҳиддин бунга парво қилмай, суҳбатни давом этдираверди.

— Кўриниши ўн бешийиллик қишлоққа ўхшамайди-ку.

— Тўғри,— деди ота,— ўхшамаслигининг боиси шуки, ўша биз янги кўчиб келган пайтимида ким қандай хоҳласа ўшандай иморат соловерган, бу бир. Иккинчиши шуки, хўжалик кам бўлгани учун ҳамма бир-бирига яқин қилиб иморат солган. Ҳозир ғужанак бўлиб қолгани ҳам шундан. Энди, ўғлим, мен сизга айтсам, қишлоқнинг бу кўриниши четдан келганларга эмас, ўзимизга ҳам ёқмай қолди. Энди янги, фиштин иморатлар, кенг кўчаларни қумсаб қолдик. Кўргандирсиз, электр станциямиз ҳам битди... сим тортишяпти... Бўлмасам-чи, отабоболаримиз, қолаверса, ўзимиз ҳам илгарилари бундан бадтар уйларда яшаб келганимиз-у, аммо ҳозир замон бошқача бўлиб кетди. Ҳақиқий яшайдиган замон, ҳа,

бизнинг ҳам сира қаригимиз келмайди, ҳимм,— ота кулиб қўйди,— энди ажаб эмас, қишлоқни ҳам шу яқинорада обод қилиб юборсак. Мана уч йилдан буён плани ҳам сурункасига ошириб бажаряпмиз. Ҳозир аъзоларнинг турмушлари жуда яхши. Колхоз бойиб қолди.

Колхоз яна кенгаяди, обод бўлади... Анави каналнинг юқорисидан жой ажратиб, ўша ерни ўзлаштиришга мўлжаллаб қўйишибди. Билмадим, яна ҳар хил гаплар чиқаяпти...

Солижон гап шу ерга келганда, Муҳиддиннинг ўнг тиззасини қўли билан босиб, мен ташқарига чиқиб келаман, деб ўрнидан турди.

— Каналнинг юқориси деганингиз узоқми? — сўради Муҳиддин.

— Саккиз-ўн километр келар, ўзи яхши, кўкрак, кунгай ер. Кузакда трактор билан ҳайдалганича ётибди. Бу йил ҳам экilmай қолади, деган гап бор.

— Нега бўш қолдиришиди, яхши ер бўлса?

— Мен ҳам ҳайронман, ўғлим. Ҳосилотимиз чиқиб, ўша ерни кўрибди, аввало, узоқ дебди, иккиламчиси, паҳта битиши жуда маҳол, беш-олти йил ишлов талаб қилади, дебди. Шу-шу кузакда ағдариб қўйилгани учун меҳнат бекор кетмасин деб жўхори эктиromoқчи эмиш. Билмадим, яна...

— Шуларни колхозчилар ҳам билишадими?

— Ҳа, иёе, ҳамма билади.

— Билса нега индамайди?

— Индаш дейсизми, янги ер очиш, ўтган йили кузакда умумий мажлисда ҳам кўрилган. Бизларнинг индамаслигимиз правление аъзоларининг бошқа фикрлари бордир, деб юрибмиз-да. Аммо, парторгимиз бир иш бошласа керак. Жуда файрати бошқача. Бўлмасам колхоз бадавлат, районда ҳар йиғинда биринчилар қатори тилга олинадиган бўлиб қолди. Фақат ҳосилот Рихсибой тумшуғининг тагидаги ерни кўради-ю, бор кучни шу ер учун берилган планни бажаришга сарфлайди. Узоқни кўрмайди. Шунаقا одам... мен келган йилим бу ерда ҳар гектаридан 460 килодан паҳта олган эдик. Мана ҳозир ўрта ҳисобда йигирма уч центнердан олдик. Бу ҳазилакам гапми?

Солижон келиб ўтириши билан суҳбат тўхтади. Муҳиддин яна чой чақирмоқчи бўлганида, ота чойнакнинг қопқоғини кафти билан босди.

— Бас ўғлим, эзмалик қилиб, мияларингизни қотирдим.

— Ҳеч,— деди Муҳиддин,— фақат отахон, ўша сиз айтган каналнинг юқорисидаги ерни бир кўргим келиб қолди-да.

— Ҳе-ҳе,— кулди ота,— нимаси қизиқтириди, қуруқ ер-да.

— Қуруқку-я, айтишингиздан баҳаво бўлса керак?

— Ҳа, анча баҳаво, ўзим ҳам ҳайронман. Мен икки марта ўша кузакда бориб кўрганимча ёқиб қолган. Фақат у томонга на йўл бор-у, на бир сўқмоқ.

— Қайси томондан борилади?

Ота яна кулди:

— Ҳа, нега бунчалик қизиқдингиз, ўғлим,— у яна шу саволни берди-ю, ерга қараб индамай қолган Муҳиддинга тикилди. Отанинг назарида бу ўтирган йигит колхозчи эмас-у, район ёки областдан янги ер очиш иши билан келган кишидай бўлиб туюлди,— агар жуда кўргингиз келса, ўзим олиб бораман. Тошпўлатов билан ҳам чиққанман.

Муҳиддин худди шуни кутиб турган эди.

— Ўндан бўлса, жуда яхши бўларди-я, сизни ишдан қўйисак...

— Бунисини ўйламанг, ўғлим, кўнгил буюрган ишдан зарури бўлмайди. Хўп десангиз, ҳозир ҳам боришимиз мумкин.

Муҳиддин севиниб кетди. Кулиб турган отага тикилиб, нима деб миннатдорчилик изҳор қилишини билмай қолди. У билан эртага учрашишга ваъдалашиб, ўрнидан турди. Икки ўртоқ отани ташқаригача кузатиб чиқишиди. Аравадан чиқарилган отни қўшишда Муҳиддин кўмаклашиб юборди. Ота йигитларни уйга олиб кетаман деб кўп қистади. Муҳиддин, «идорага учрайдиган ишимиз бор», деб узр айтди. Уни кузатгач, чойхонага кириб, самоварчидан сўради:

— Отанинг исмлари нима?

— Абдуғафур.

VI

Колхоз раиси Исмоилжон Акрамов кабинетда бир ўзи қолди. Бундай пайтлар камдан-кам бўларди. Кўпинча раис шу ердалигида бир неча кишини, ҳеч бўлмагандага ҳозир қўшни хонада чўт қоқиб ўтирган бухгалтерни

учратиш мумкин эди. Эрталабдан бери ташқарига чиқмай, азлақандай ҳужжатларни кўздан кечириш, баъзиларига имзо чекиши билан овора бўлган раис ҳозир ўзини эгаси кўчиди кетган ҳовлида якка қолгандай ҳис қилиди. Бир неча соат босим ўтириб қолиши неча кундан бўён беиш юргандай бўлиб туюлди. «Куни бўйи идорада ўтирувчи хизматчиларга балли-е, агар мендақанги одам икки кун сурункасига ўтириб қолса дейман, юрагим тарс ёрилиб кетса керак», деб ўйлади. У ўрнидан туриб, дераза ёнига борди, икки қўлини камарига тираганича ташқарига тикилди. Уч кун бурун оппоқ қорга беланиб ётган дарахтлар яланғоч, ҳатто ўнқир-чўнқир ерларда ҳам қор қолмаган.

У, қуёш тифидан кўзи қамашиб, пастга қаради: «қиши деб қишига ўхшамайди, баҳор деб баҳорга. Оро йўлда...» деб қўйди кўнглида.

Шу пайт Тошпўлатов билан бўлган суҳбат эсига тушди. Раис ўзи ҳақида ўйлади: «Ўзим-чи? Ўзим ҳам худди шундай оро йўлда эмасманми? На Тошпўлатовнинг, на Рихсибойнинг гапини маъқуллайман».

Муҳиддинлар кабинетдан чиқиб кетишгандан кейин, Тошпўлатов янги кучлар келганидан фойдаланиб, янги ер очиш, ташлаб қўйилган нариги участкада ишни бошлаб юбориш кераклигини яна гапирди. Раис эса Рихсибойнинг гапларини далил келтириб, ҳозир кучни янги ер очишга эмас, планни бажаришга қаратиш кераклигини исбот қилмоқчи бўлди.

— Планни бажаришимизни уч йилдан бери исбот қиласмиз,— деди Тошпўлатов,— лекин шу план билан кетаверамизми? План йил сайин кенгайиши лозим, ахир. Бунинг учун эса ер керак. Атрофимизда шунча ер тура-да, ер озлигидан зорлансан...

Тошпўлатов ҳақ. У, эртани ўйлади. Эрта эса баҳор...

Раис ҳозир Рихсибойнинг гапларини Тошпўлатовнинг фикрига солиштириб кўрди. Шунда Рихсибойнинг сўзи баҳор келаётганини кўратуриб, «қиши доимо қолади» дегандай ўжар, бемаъни гап бўлиб кўринди. Ташқарида эса қуёш қизитяпти. Баҳордан дарак беряпти...

Эшик тақиллади. Тошпўлатов бўлса керак. У, «менинг гапим шу, мустақил фикрингиз бўлса яна ўйлаб кўринг...» деб чиқиб кетган эди.

Эшик очилиб, Тошпўлатов эмас, ҳосилот советининг раиси Рихсибой ака кириб келди.

— Сиздан рангларининг чиройлилигини сўраётганим йўқ. Бўладими, маъқуллайсизми, демоқчиман,— раис. Рихсибайдан кўз олмай жавоб кутди.

— Ҳа, бўлади....— деди Рихсибой ўзига-ўзи ишонмагандай.

Раиснинг ҳафсаласи пир бўлди. У индамай яна анчагача деразага қараб турди.

— Сизга ҳамма нарса маъқул бўлаверар экан-да, Рихсибой ака, мустақил фикрингиз борми ўзи?

— Ҳа, бунинг нимаси кам?

— Нариги участка қани буңда?

— Энди, еrimиз бўлса бор, биздан планни талаб қилишади, планини...

— План колхозимизда ҳозир бор кучга мўлжаллаб берилган, демак, уни шу куч билан бажарамиғ. Янги келаётган кучдан келгусида шу планни кенгайтириш учун фойдаланишимиз керак. Янги одамлар келяпти! Бугун яна ўн саккиз киши келади.

— Улар бу ерни Фаргонанинг тупроғига тенглаштиришапти, аввал тузини тотиб кўришсин-чи.

— Улар Мирзачўлга деб келган. Демак, ишнинг оғирлигини билишади.

— Билиш бошқа, бошдан кечириш бошқа.

Раис тutoқиб кетди.

— Ахир улар бизни қолоқ деб ёрдамга келаётганлари йўқ, Рихсибой ака, айтинг, агар планни эпламаётган бўлсак, шатакка олишади.

— Нега эпламас эканмиз?

— Ана, демак улар янги ерга чиқиши керак.

— Ҳа, чиқса чиқар, беш-олтитаси чиқадими?

— Ана холос, энди улардан қўл силтаяпсизми?

Рихсибой бу гапдан чўчиб тушди, бир нарса демоқчи эди, раис давом этди:

— Улар чиқадиган бўлишса, шубҳасиз, биз ҳам чиқамиз. Улар бизнинг колхоз аъзолари.

— Ана шу-да. Энди ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, чўлга чиқиб кетишимиш керак. План нима бўлади, илан? Мен ҳосилотман, планни мендан сўрайсиз. Хўш, ё сўрамайсизми?

— Сўраймиз. Планни ҳам, янги ерни ҳам, ҳосилни ҳам сўраймиз.

— Тилкалаб ташланг-э, Исломилжон, мени...

— Бу ишларни коллектив бажаради. Сиз фақат ўзингизни пеш қилманг.

— Хўп, мана, чеккага чиқдик, ана.

— Чеккага чиқмайсиз, кўпчиликка бошлилик қиласиз! Гап тамом.

Раис Рихсибой ака билан сира бундай гаплашган эмас эди. Ҳозир бунга ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Улар бир-бирларига тикилганларича қолдилар.

VII

Абдуғафур ота, Муҳиддин, Солижонлар бу ерга, нонушта пайтида етиб келишди. Ҳаво очиқ. Мовий осмонда сув юзига тарқалган парча-парча булатлар сузиб юрибди-ю, енгил шабада эсмоқда. Уфқача бориб туташган бепоён чўл қиши бўйи намиқиб чиқади-да, баҳор нафаси билан селгийди, ёввойи ўт-ўланларга жон киради-ю, кўкара бошлайди. Ёзинг жазирама иссирида ҳаммаси сарғайиб қовжираб кетади. Чўлнинг башараси шундай бир ҳунук тусга кирадики... фаррандалар ҳам ҳазар қилади. Шунақанг пайтларда чўл гўё қуёшнинг яллиғидан нолиди-ю, беғубор осмон айбни унинг ўзига қўяди. Шу тариқа чўлнинг ҳаёти у баҳордан бу баҳоргача ер қаърида ўтади. Барibir асрларни кўрган бу чўл қанчалик кўримсиз, тақир бўлмасин, унинг бутун борлиғи, улуғвор салобати ўзига хос ғурур билан кўзга ташланиб турарди. Ана у ҳансираб ухламоқда. Фақат у, ҳаёт уйқусида эмас, Абдуғафур отанинг ибораси билан айтганда, гафлат уйқусида. У, ухлар экан, ўз қучогида, мағиз-мағизида олам-олам бойлик, дурригавҳар борлигини ҳам билмас. Асрлар бўйи ғафлатда ётган ана шу азм чўлни уйғотиш, унинг томирларига қон бериш, танасига жон киргизиш керак, токи у қаддини ростлаб, «мен хизматингиздаман» десин. Шундай дейди ҳам!

Улар бир жойда тўхташи, сўзсиз, узоқ-узоқларга тикилишди. Чиндан ҳам ажойиб манзара. Ўнгда, анча нарироқда канал, юқори ва чап томони бўшлиқ. Пастда, узоқдан қишлоқ кўзга ташланади. Муҳиддин назарида минора тепасидан атрофни кўздан кечираётгандай бўлди. Отанинг орқа томонида тургани учун унга сездивмай, ердан бир сиқим нам тупроқни олиб кўрди. Олди-ю, ғижимлаб яна ташлади. «Туз аралашганга ўхшайди-я, аммо роса кучли бўлса керак» ўйлади у.

Абдуғафур ота орқасига қайрилиб Мұхиддиннинг елкасига қўлини ташлади. Ўнг қўли билан пастликни кўрсатди.

— Мана, кўрдингизми, ўғлим, қишлоқ bemalol кўриниб турибди. Энди бу ёқса қаранг. Бу томон ҳам анча паст, сал юрсак, кеча мен сизга айтган эллик гектарча ағдариб қўйилган ерга борилади, бу томони бўлса,— у, юқорини кўрсатди,— бу ёғи яна яхши, мана ёнимизда канал... Ана энди, бир чеккаси деҳқоннинг ўғлисиз, ўзингиз бир мўлжаллаб кўринг-а, кунгайлигини айтмайсизми?

— Тўғри,— деди Мұхиддин,— жуда яхши жой, агар қишлоқ маркази шу ерда бўлса-чи, бунақанги қишлоқни Фарғона водийсида ҳам топиб бўлмайди.

— Ҳа балли, бунисини қўйинг-а, агар шу ер ўзлаштирилса-чи, мен сизга айтсан, мана бу ўртадаги ер ўз-ўзидан обод бўлиб, паҳтазорга айланиб кетади, ахир бу оралиқда озмунча ер бор дейсизми, сабабки, бу ёғи баландлик, сувни шу томондан тушириш мумкин.

Боядан бери сухбатга аралашмай турган Солижонга ҳам бу жойлар ёқиб тушди. Отадан сўради:

— Мана бу юқори томонда бирон қишлоқ борми?

— Йўқ, болам, бу томон чўл-биёбон, нарёғи яйлов. Ҳу анави тепалик ёнида бир вақтлар катта жанг бўлган экан.

Солижон ҳайрон бўлиб сўради:

— Бу ерда қандай жанг бўлган, қуруқ чўл-ку?

— Бунинг қиссаси узоқ, мулла Солижон.

— Абдуғафур ота, йўлимиз ҳам яқин эмас, айтиб берсангиз...

Абдуғафур ота ўтган кузакда Тошпўлатов билан бирга шу томонларга келганини эслади. У ҳам худди мана шу йигитларга ўхшаб ҳар нарсани сўпар, кетма-кет саволлар берарди. Улар икковлаб узоқларгача боришли, кеч кириб қолганини ҳам пайқашмади. Қишлоқ-қа қайтишар экан, Тошпўлатов отага бундан салкам юз юйл муқаддам худди шу жойларда машҳур олим ва сай-ёҳ Федченко ўз хотини, биринчи рус ботаниги Ольга Александровна билан бирликда текшириш олиб борганини ҳикоя қилиб берди. Ўша вақтда бу олим, агар Сирдарё сувлари билан чўлни суғорилса, бу ерларда ажойиб экинзорлар бунёдга келишини орзу қилган эди.

Ҳаммасидан ҳам инсон қадами тегмаган жойларда бундан бир аср илгари аёл кишининг саёҳат қўилгани, тажриба ўтказгани Абдуғафур отани жуда ҳайратда қолдирди. Шу-шу у, Тошпўлатовни холи учратса, ундан шу ҳақда билганларини айтиб беришини сўрарди.

Ота шу хаёллар билан йигитларга тикилди, дўпписини орқасига суреб, бошини қашиди. Жағ томонларигача ўсиб кетган оппоқ соқолини силади. Кейин тўнини ечиб, елкасига ташлади. «Қўймадиларинг-да» дегандай кулиб, Мухиддин ва Солижонга қараганида, юзидағи култичлари яна чуқурлашиб кетди.

— Илгари бу ерларда на одам яшаган-у ва на қишлоқ бўлган,— аста сўзлай бошлади ота,— фақат ана ўша тепа ёнидан ҳар замонда савдо карвонлари ўтиб турган. Бир куни, ҳа, куппа-кундуз куни икки томондан — бири Тошкентдан, бири Самарқанддан чиқиб келаётган карвон худди шу тепа ёнида тўқнашади. Тошкентлик карвонбоши таъзим билан самарқандлик карвонбошининг ёнига келиб, у билан сўрашади.

— Мұхтарам карвонбоши, илоҳи сафарингиз бехатар бўлсин, савдонгизнинг ривожини берсин, ҳузурингизга катта илтимос билан келдим.

— Марҳамат, қўлимиздан келганча кўмаклашамиз, айтинг.

Тошкентлик карвонбошининг томоқлари қақраб, лаблари қовжираган, юзлари жазирама офтобда қорайиб кетган, у зўрга гапира бошлайди.

— Сафарга чиққанимизнинг учинчи куни бир фалокат рўй берди,— у гапиролмай, кўзларини катта очиб жовдирааб, атрофга қараб олади,— сув тўлдирилган меш ортилган туямиз бирдан ўзини ташлаб юборса бўладими, наҳотки учта мешдан биттаси ҳам қолмаса, ёрилиди-ю, бир қултум ҳам суви қолмади.

Самарқандлик карвонбоши воқиага тушунди. Мўйлабларини силаб, бошини қуйи солди.

— Ҳар қанча олсангиз олинг, ҳеч бўлмаганда биринки пиёла сув беринг, хизматкорлардан тўрттаси ҳушидан кетиб ётибди,— деди тошкентлик карвонбоши.

— Дўстим, аҳволингизга ачинаман, аммо уддасидан чиқолмайман. Озтина сувимиз бор, ўзимизга ҳам етадими-йўқми, ҳайронман, бўлмаса жоним билан...

— Ахир, жилла бўлмаса ўзим учун бир пиёла беринг, мана, ҳар қанча пул десангиз берай.

— Гап пулда эмас, биродар, ахир таги камчил деяпман, камчил...

Тошкентлик түякашлар карвонбошининг натижа чиқаролмаганини билишгач, унга таъна қилишган.

— Хўжайин, ахир, айтинг, олтии олса олсин, бир хўпламдан сув берсин, одамдан сув азиз эмас-ку.

Лоақал ўзи учун бир қултум сув ундиrolмаган карвонбоши хизматкорларини жеркиб берибди.

— Боринглар, сенлар ҳам кўзимга кўринмай қолдиларинг...

Шунда түякашлардан бири секин самарқандлик түякаш ёнига бориб, уни қўндирибди. Ҳарна қиласа ҳам тўякашнинг тилини түякаш билади-да. Самарқандлик түякаш энди мешнинг оғзини очаётганида хўжайин пайқаб қолиб, у шўрликни қамчи билан тушираверибди. Бундан ғазабланган бошқа түякашлар ҳам карвонбоши билан олишиб кетишибди. Ўзидан қўрқдан карвонбоши тошкентлик савдогарга бир пиёла сув берган экан, у, бир ўзи ичиб қўйибди. Қарабисзки, түякашлар ўз хўжайнлари ва уларнинг ҳамтавоқлари билан олишиб кетишибди. Ишичноқбозликка борибди. Ана шу жанжалдан бир неча түякаш яраланиб, икки кишини беҳушлигича Самарқандга келтиришган экан.

Муҳиддин ҳам, Солижон ҳам отанинг ҳикоясини диққат билан тинглашди. Абдуғафур отанинг худди адаблардек, воқиани ўз кўзи билан кўрган киши бўлиб ҳикоя қилиб бериши Муҳиддинни қойил қолдирди. У, ҳикоя сўнгига отадан сўради:

— Бу воқиага қанча бўлган?

— Бунга тахминан чоракам бир аср бўлгандир. Тошкентлик савдогарнинг карвонида бизнинг Қурбонали деган бир отахонимиз түякаш бўлиб ишлар эди. Ярадор бўлганларнинг бири Қурбонали эди. Бечора ўла-ўлгунча шу воқиани айтиб юрди. Қоши аралаш урилган пи-чиқнинг ўрни ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди. Агар ҳозир, Қурбонали ҳаёт бўлиб ҷўлга сув чиқарилганини, мана бунданги қишлоқларни кўрса, «тушимми» деб ишонмаслиги турган гап эди. Қаранг, бир вақтлар сув олтиндан ҳам қиммат бўлган. Ерларни биз обод қилаёттирмиз-а? Бу жуда улуғ иш, болаларим.

Улар бир оз юриб тўхташди. Ота кўрсатган ўша тепаликка яна бир қараб олишибди.

— Мана келиб қолимиз,— деди Абдуғафур ота ҳай-

далган ерни кўрсатиб,— шу ерга жўхори экишни мўлжалашяпти.

— Нега жўхори экилади?— сўради Солижон.

— Хосилотимизнинг фикрича, бир-икки йил бошқа экин экиб, сўнг пахтага айлантириш керак эмиш.

Солижон ҳайдалган ернинг ўртарофига тушмоқчи бўлган эди, ботиб кетди; турган жойида бир ҳовуч нам тупроқни олиб отага кўрсатди.

— Айтарлик шўрхокка ўхшамайди шекилли.

— Шўрликка шўр, нам бўлгани учун сезилмаяпти. Мен сизга айтсан, ўғлим Муҳиддин, ернинг ёмони йўқ, ҳамма гап одамда, фақат чидам, ғайрат керак...

Абдуғафур ота бир қадам наридаги тўнгакка тўрт булоқлик тўнини ташлади.

— Қани, ўғилларим, пича дам олинглар, сизларни билмадим-ку, кексаликданми, мен бир оз чарчадим.

Улар ўлтиришди, Абдуғафур ота Муҳиддиндан сўради:

— Мен-ку шунча ҳикояни айтиб бердим, энди сизлардан эшитай, қани, бу ерларни кўришга нима қизиқтирди? Узим сўрамасам айтмайдиганга ўхтайсизлар.

Муҳиддин иккиланиб, Солижонга қаради. У бўлса «айтавер» дегандай имо қилди.

— Биз комсомоллар ўртасида катта мажбурият олиб қўйган эдик,— сўзлай бошлади Муҳиддин,— ваъдамиз шу йилданоқ янги ўзлаширилган ерга пахта экиб, кўп ҳосил олини, иккинчидан, ҳеч бўлмадгана ўзимиз ишлайтигап жойни обод қилиш эди. Мен раисга учрашиб, шуларни айтдим. У киши дудмалроқ жавоб қилдилар. Билмадим, яна нима дер эканлар. Агар йўқ десалар, парторг билан маслаҳат қилиб кўриш хаёлимиз бор.

— Жуда тўғри ўлабсиз, ўғлим. Тошпўлатов бунақангি фикрларни дарров маъқуллайди. Иннайкейин ўзијам худди шу ишни бошлаб юрибди, чамамда.

— Бу ерларни кўриш ҳам шу мақсад билан. Агар уддасидан чиқсан..

— Ийе, нима деяпсиз, гап ёшда эмас, ўғлим, бошда. Дадил бўлинг, сизларнинг бу ҳаракатингиз мени ҳам гайратлантириб юборди.

Улар туш пайтида қишлоқقا қайтишли.

— Айтмадимми, Риза, ошпаз бўласан деб. Ҳали ҳам кўниб қўяқол, оғайни, штатний қилиб қўямиз,— ҳазиллашди Солижон эшикдан кириши билан.

— Ошпаз бўлсам, сен оч қоласан-да, шунисига ачинаман,— деди Риза катта лагандаги шовлани дастурхон устига қўяркан,— гапирсанг-чи, қаёққа йўқолиб кетдиларинг, Муҳиддин қани?

— Келяпти. Аммо, оғайнilar, ажойиб-у, гаройиб жойларни кўрдик-да, ер шунча кўпки, трактор деганинг сира қийналмасдан ишлайди-да.

Эшикдан Муҳиддин кириб келди. Ҳаммалари дастурхон атрофига ўтириши.

— Бугун комсомол мажлиси экан,— деди Риза Муҳиддинга қараб.

— Ким айтди?

— Юлдузхон кириб айтиб кетди.

Муҳиддин индамади. Колхоз комсомолларининг мажлисида биринчи марта қатнашадиган бўлгани учун мажлиснинг қай тарзда ўтиши, нима масалалар муҳокама қилинишини ўйлаб кетди. Юлдузхон билан қандай учрашиш ташвишлантира бошлади.

Дастурхон йигилиб, икки чойнакда чой киритилди. Солижон чойни қайтариб, яна Ризага пичинг қилди:

— Чой солганда мунча қўлинг титрамаса, ё растрата қиламан деб қўрқяпсанми?

— Сенга ҳам аччиқ чойми, ўзинг мазасига тушунасанми?

Солижон иргиб ўрнидан турди, токчадаги чойдан бир кафт олиб чойнакка ташлади.

Риза индамай ўтирган Муҳиддинга қаради.

— Қаерга бордиларинг, оғайни, кеча индамаган эдиларинг, бугун ҳам чурқ этмайсизлар-а?

— Нега бунчалик қизиқиб қолдинг. Дам олиб ётибсанлар-у, тағин нима керак?

— Ҳазилни қўй, Муҳиддин сен бошлиқсан, галлашиб келишингни кутиб турибмиз-да.

— Солижон, Аъзам билан Собирни чақир-чи,— деди Муҳиддин ва Ризага қаради,— ростингни айт, дўстим, катта бир ишни бошласак, йўқ демайсанми, ёки сен ҳам Аъзамга қўшилиб...

Бу гап Ризанинг ғашига тегди.

— Мени ҳақиқатан ҳам дала ишига ярамайди деб ўйлайсанми? Янглишасан. Мен комсомолман. Бу ерга ялло қилиб юргани келган эмасман. Солижоннинг ҳазилларига сен ишонмассан деган эдим, ё у менинг тўримда бошқа бирон нарса дедими?

Ризанинг юрагига қўл солиб кўрган Муҳиддин, унинг жавобидан хурсанд бўлди.

— Ўзим ҳам сени яхши биламан. Солижон айтишининг ҳожати йўқ. Уялиб қолмайлик деяиман-да. Чакана ишга қўл ураётганимиз йўғ-а, биляпсанми.

Эшикдан Солижон, Аъзам, Собирлар кириб келди. Аъзамнинг авзойи бузуқ. У, индамай уйнинг бурчагидаги кўрпачага ўтириб, чамадонга ёнбошлади. Собир Муҳиддиннинг ёнидан жой олди.

— Мирзачўлдаги биринчи мажлисимиzioni очиқ деб эълон қиласман,— деди иргиб туриб Солижон.

Муҳиддин «аскиянинг пайти әмас» дегандай унга хўмрайиб қаради.

— Гап шундай. Расмий мажлис бўлмаса ҳам, бир оз маслаҳатлашиб олсак. Келганимизга уч кун бўлди. Ҳаво ҳам юришиб кетди. Иzzатимиз битди. Мен бир маслаҳатни ўртага ташламоқчиман. Кеча раиснинг олдида бўлдим. У бизни тўртинчи бригадага биркитмоқчи. Мен кўнмадим. Янги ерда ишламоқчимиз, ваъдамиз шундай эди,— дедим.

— Ахир райкомда берган ваъдамиз шу-ку,— деди Собир.

— Аммо, шуни ҳисобга олиш керакки,— сўзида давом этди Муҳиддин,— янги ер очиш ҳазилакам иш әмас, айниқса бу ерда. Мен сизларга ишонсан-у...

— Ишонавер, сўз битта!

— Риза тўгри айтди. Ваъдамизининг устидаи чиқмасак, ҳамқишлоқларга қайси юз билан қараймиз.

Ҳаммага маъқул тушган бу маслаҳат ерга қараб ўтирган Аъзамга ёқмади шекилли, у индамади. Муҳиддин ундан сўради:

— Нега сен индамайсан, ёки бошқа фикринг борми?

— Йўқ, менга ҳам барибир. Бир оз тобим қочиб турибди.

— Гапни бурма,— жаҳл билан гапирди Муҳиддин,— бошингни кўтар, очиқ айт. Ишлайсанми, ё..

— Яхши, бўлмаса бир парча қофозга ёз: «Мен Мирзачўлга ўз хоҳишим билан келиб, ўз хоҳишим билан кетдим» деб. Шу бугуноқ туни поездга ўзимиз кузатиб қўямиз.

Ўртага жимлик чўкди. Муҳиддиннинг ҳозирги сўзи раҳбар ходимнинг муҳим топшириқни бажармаган ўз хизматчисини ҳақли суратда койиётгандай бўлиб эши-

тилди. Бу гаплар бошқаларга ҳам қатғиқ таъсир қилди. Мұхиддин қоатига бир қараб олди.

— Вақт бўлиб қолибди, қани турдик, мен ҳали идорага ҳам кириб чиқишим керак.

Улар ўринларидан туриб, ташқарига чиқиб кетишиди. Ўйда хомуш ўтирганича Аъзамнинг бир ўзи қолди. Мұхиддиннинг сўзидан кейин, ўртоқларидан биронтасининг ҳам бир оғиз гапирмагани унга оғир таъсир қилди. У анчагача кўрпачанинг гулига тикилиб, бошини қуий солиб ўтириди. Сўнг Мұхиддинга бирон гап айтмоқчи бўлди-ми, ҳар қалай, унинг аллақачон кетиб қолгани, ярим йўлга етганини унубиб, эшикка чиқди. Қаёққа боришини билмай турганида қўшни уйнинг эшигидан чиқиб қолган Юлдузхонга кўзи тушди. Сездирмай ичкари кириб кетмоқчи бўлди-ю, эплайолмади. Юлдузхон сўраб қолди:

— Ҳали кетганларинг йўқми?

— Боя кетишган.

Юлдузхон тушунолмади. «Сиз бормайсизми» деб сўрамоқчи бўлди-ю, ёпиқ комсомол мажлиси бўлгани учун индамай қўяқолди. «Эҳтимол комсомолда йўқдир», ўйлади у. Сўнг «бўлмаса мен кечикмай» дегандай Аъзамга кулиб қаради-да, кўчанинг нариги ёнидан юриб идора томонга кетди.

Аъзам қайтиб ичкари кирди. Кўримсизгина уй, бурчакдаги самовар, токчадаги тунука чойнак, пиёла, дераза тагидаги устига кўрпа-ёстиқ тахлоқлик катта сандиқ, бир чироқдан бошқа жиҳоз йўқ. Аъзам эшик ёнида бир оз тўхтаб, хонага тикилди. Унинг кўзига кўчиб кетган уйда сўнгги жиҳоз, буюмлар қолгандай, булар ўз эгасига вафо қилмагандай бўлиб кўринди. Секин жойига бориб ўтириди. Боши берк кўчага кириб қолган, гангиган, кимга нима дейишини, қаерга боришини билмасди. Ўз қишлоғида тўлиқсиз ўрта мактабни битирмай, дўкон мудири бўлиб ишлаган Аъзам шу пайтгacha бирон марта бундай узоқ сафарга чиқмаган эди. Унинг учун Мирзачўлга келиш катта бир воқиа бўлди. У зерикишни ҳам, диққат бўлишни ҳам билмасди. Шу ерга келганидан бери, сал нарсага диққинафас бўладиган, уйдагиларни, ота-онасини, укаларини эсласа худди улардан умр бўйи жудо бўлгандай ҳис қила бошлади. Бу ерга келгандан бери меҳнат қилиш, оғир ишларни бажариш ташвиши ҳам бошланди. Ўртоқлари, бирга

ўисиб, бирга катта бўлган дўстларчнинг гапи, маслаҳатлари ҳам қулогига кирмайди. Ўзи яккаланиб қолди. «Кетаман дедим кетаман». Унинг фикри-хаёли шу. Учкун ҳам бир бўлди-ю, ҳозирги бир соат ҳам. Мажлисга жўнаш олдидан Муҳиддиннинг айтган гапи ҳамон қулоқлари тагида. «Қишлоғимда-ку, роҳат қилиб юрган эдим, бир одам қатори ишлардим, бирор менга шу пайтгача «ношудсан, иш билмайсан» деганича йўқ. Шундай бўлгач, ўзимни-ўзим қийнаб нега бу ерга келдим?» Тағин ўзим, ўз хоҳишм билан келдим-а, худди қишлоқда иш қуриб қолгандай... Йўқ, кетаман дедим, кетаман.» У, ана шу хаёл билан чамадонини очди, ичидан дафтарини олиб, биринчи варағига ёза бошлади: «Ўз хоҳишм билан келдим, ўз хоҳишм билан...» Жумла шу ерга келганида тўхтаб қолди, қаламнинг орқа томонини тишлиганича чамадон қопқоғига икки тирсагини тираб хатга тикилди. «Бу нима деганим бўлди. Нега Муҳиддин шу хатни ёз-у, кетавер деди. Буни нима қилади у, ё ўртоқларим ўртасида «ўзи келган ёр-ёр, ўзи кетган ёр-ёр» деб кулги қилиб юрмоқчимикан-а...»

Турмушнинг ачиқ-чучугини кўриш учун уйланиш, бола-чақа ортдириш шарт эмас. Мустақил ҳаёт кечиришга кўниши ҳам турмушни ўргатади. Аъзам ҳозир худди ана шундай мустақил ҳаёт кечириш остонасида турибди. У қишлоғига қайтиб кетаверса, ишсиз ҳам қолмайди, жони ҳам койимайди. Бу срда қолса-чи? Бунда анча оғир бўлади, кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келади. Энг муҳими ўртоқларидан, улуғ ишдан четда қолмайди.

Кеч кириб уйни қоронғилик босди. Деразадан тушиб турган ёруғлик ҳам ғойиб бўлди. Ҳамма ёқ жимжит. Чукур хаёлга чўмиб ўтирган Аъзам уй ичи ва ташқаридаги қоронғиликни кўриб турибди-ю, хаёли бошқа томонда бўлгани учун буни сезмаётир. Ҳозир унинг юраги тун қоронғусидек қоронғи. Орадан хийла вақт ўтди, узун иягини кафтига қўйиб катта-катта кўзлари билан деразага тикилган, тирсаклари тагидаги ҳофозни ҳам унутиб қимирламай ўтирганида, кўчадан аллакимнинг чақирган овозини эшитди, қулоқлари тагида занг урилгандай бўлди, бошини кўтариб қулоқ солди, жимжитлик... Фақат унга шундай туюлди.

Кеч кириб, колхоз қишлоғи жимиди. Йўқ, бундай дейиш хато бўлур, қишлоқ ташқи кўринишда жимигани билан унинг ҳаёт томирлари кундузгидек зарб билан уриб турибди. Ўрта мактабнинг ҳамма синфлари ёруғ, бугун кечки мактабда машғулот бўлмаса ҳам йигит-қизлар билан гавжум. Правление жойлашган бинодаги хоналарнинг бирида ғовур-ғовур. Бухгалтер кабинетининг ёнидаги қироатхонанинг деразасидан аллакимнинг деворга осиғлиқ харитага узун калтакни чўзиб, алланимані кўрсатаётган сояси ташқарига тушиб турибди. Бу ерда колхоз коммунистлари павбатдаги сиёсий ўқиши машғулотида банд. Қизил чойхонадан радиода берилаётган концерт ва аҳён-аҳёнда беш-олти кишининг кулгї товушлари эшик очилганда гул этиб урилган буғ аралаш ташқарига чиқиб қолади.

Ҳаво очиқ. Биноларнинг томларидаги печка трубалардан, мўрилардан чиқаётган қуюқ тутун қишлоқ осмонини қопламоқчи бўлгандай чарақлаб турган юлдузларни ҳиралаштириб кўрсатади. Изгирин баданни ачитади. Арава фиддираклари, отларнинг туёқлари изида тўпланиб қолган сувларнинг юзи музлаган. Тинч кўчада пиёзнинг пўстидек юпқа музларнинг ёрилгандаги овози ҳам қулоққа чалинади. Бундай пайтларда узоқдан павровознинг ҳайқириғи ҳам поезднинг гурсиллаб кетаётгани ҳам бемалол эшитилиб турарди.

Лекция тугаб, правление биносининг коридори одамлар билан тўлди. Бирпасда кичик коридорни папирос ва маҳорка тутунлари қоплади. Қироатхонадан ҳаммадан кейин чиқиб келган Тошпўлатов, Акрамов билан алланима ҳақида сўзлашиб, тўғри партия ташкилоти секретарининг кабинети — коридорнинг нариги бурчагидаги хонага кириб тетишиди.

Тошпўлатов устига қизил алвон тўшалган узун стол устидаги лампани ёқди. Ён ва кўкрак чўнтаклари, ёқтисининг раҳи, енгининг учига сариқ клеёнкадан магиз қилинган пуфайкасини ечиб қозиққа илди, чўнтағидан папирос ва гугуртни олиб, столнинг тўрига бориб ўтириди. Стол ёнида, анча ўшларга бориб қолган, соқол-мўйлобларини доим қирдириб юрганидан ўшроқ кўринувчи Акрамов абажурнинг ипак шокиласини панжалари билан тараб, папирос тутатаётган Тошпўлатовга қаради:

— Яхши лекция бўлди-да. Ўзи ҳам роса тайёрланган кўринади, бирон марта дафтарига қарамади-я.

— Ҳа, лекцияни жуда жонли ўтказди,— деди Тошпўлатов ва бармоқлари орасига папирос қистирилган чап қўлини юзига қўйганича бир оз ўйланиб қолди. Унинг думалоқдан келган гавдаси столга тирсаклари билан тиранниб ўтирганида, бўйи худди стул билан баравардек кўринарди. Чироғ ёруғида сергўшт юзлари, пешонаси ялтираб кетди. У ҳозир, раиснинг лекциядан гап очиб қолганидан хурсанд бўлди. Айтмоқчи бўлган сўзини бошлаб юбориш учун қулай пайт топилган эди.

— Шундай, Исимоилжон ака, танқид ва ўз-ўзини танқид ҳақида лектор жуда қизиқ мисолларни келтирди. Аммо, бизнинг колхоз раҳбарларини мисолга олганда бормиди...

Раис тушуна олмади.

— Нима бўларди?— деб сўради у.

— Ишимиздаги камчиликларимизни пайқаб олардик демоқчиман-да.

Акрамов яна ҳайрон бўлди. Ҳар қандай ишнинг ҳам саранжом-саришта, пишиқ қилинишини кўзлайдиган, бир масаланинг мағзини чақматунча ўз фикрини айтмайдиган тадбирли бу одам нима учундир ўзини ғалати ҳис қила бошлади, юраги таталаб, алланарса кўнглига ғашлик солаёттагита ўҳшади, ўрнашиброқ ўтироқчи бўлғанида стул ғижирлаб, яна асабига тегди, ўнгайсизланиш авжига минди. Аммо, Тошпўлатовнинг сўзига тушуна олмаганига иқор бўлишини эп кўрмади. Лекция бошланмасдан илғариёқ Тошпўлатовнинг «бир масала бор, шу бугун албатта ҳал қилиб олайлик» деган гапининг тагига энди етди. «Бу ўшанинг муқаддимаси бўлса керак» деб кўнглидан ўтказди.

Улуғ Ватан урушидан кейин армия сафидан қайтиб келган Тошпўлатов колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Орадан сал ўтмай уни партия ташкилотининг секретари қилиб сайлашди. Акрамов ўшанда Тошпўлатовнинг елкасига қўлини ташлаб: «бир чеккаси фронтовиксиз, ука, оғирликларни кўриб, бардош бергансиз, бир ёқадан бош чиқариб ишласак...» деди. Партия ишида унча тажрибага эга бўлмаган Тошпўлатов: «ўзингиз ёрдам берасиз-да» деди-ю, эплай олармиқаман, деб ўйланиб қолди. Авваллари бир оз қийналди, тез-тезрайкомга бориб турди, кейинчалик ишни анча йўлга

қўйди. Правлениеда ҳам, партия ташкилотида ҳам колхозчиларнинг ўзлари унга кўмаклаша бошладилар. Бу нарса Тошпўлатовнинг ишга бўлган муҳаббатини тағин ҳам ошириб юборди. Омма билан бамаслаҳат иш кўришнинг нақадар зўр куч эканлигини ўша кезлардаёқ тушуниб олган эди. Орадан анча вақт ўтди. Тошпўлатов ўқишига жўнади. Икки йил мобайнида бир ойгина қишлоққа келиб турганини айтмагандা, колхоз ишлаб чиқаришидан анча узоқлашиб қолди. Ўқиши тугаб, янги куч ва билим билан қайтиб келар экан, ўз колхозининг йириклишиб, анча илгарилаб кетгани, унга худди ўн йилча бу ерларда бўлмагандай туюлди. Бу сафар уни қурилиш бригадасининг бошлиги қилиб тайинлашди. Электростанцияни битказиш, жамоат бинолари қуриш — бу ишга уддабурро, эпчилик кишининг бошчилик қилишини талаб этарди. ГЭС қурилиб, ишга туширилган кезларда коммунистлар уни яна партия ташкилотига секретарь қилиб сайлашди. Мана, уч ойдан ошдики Тошпўлатов фақат қурилиш ишлари эмас, колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларига раҳбарлик қилмоқда. Бу даврда у чорвачилик фермаларида, яйловларда, галлачилик, боғдорчилик, пахтачилик бригадаларида бўлиб, бир ҳанча камчиликларни аниқлади, коммунистларнинг ёрдами билан уларни бартараф қилди. Аммо баъзи йирик камчиликлар ҳам борки, уларни аста-секин, бамаслаҳат ҳал қилиш талаб этиларди. Янги ер очиши Тошпўлатов икки марта правлениега қўйди. Бироқ, Акрамов ҳосилот советининг раиси Рихсибой аканинг вожларини рўкач қилиб, шу ерга ҳам бошқа экин экдирмоқчи. Тошпўлатов ҳамон ўз фикрида қаттиқ турибди.

— Исмоилжон ака,— оғир сўз бошлади Тошпўлатов,— агар уйга кириб олиб, эшик ва деразаларни маҳкамлаб, бир кун ўтирилса, уйнинг ҳавоси бузилади. Бу оддий ҳақиқат. Ана шунақангি пайтда деразани очиб юборилса, ичкарига янги ҳаво киради-ю, бир онда ҳамма ёқни тозалайди. Бунинг учун фақат деразанинг бир табақасини очиш кифоя. Танқид деган нарса ҳам худди шунинг ўзгинаси. Иғдаги камчиликларни бартараф қизлишда танқид ҳам ҳалиги деразадан кирган соғ ҳаводек зарур. Биз бўлсак, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ишдаги камчиликларни йўқотиш ўрнига бир-бири мизни юз-хотир қилиш йўлига ўтиб олдик.

Раис ялт этиб Тошпўлатовга қаради.

— Камчилигимиз бўлса, танқид ўз-ўзидан келиб чиқди, ахир иланин сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ошириб бажараёттирмиз-ку, тағин...

— Ана шу тағин нима керак, дейишимиш ёмон. Исмоилжон ака, қайси бир ютуғимиз билан шундай дея оламиш. Янги ер очиш, ҳосилни яна оширишга нега аҳамият бермаймиз, ҳеч тушунолмайман. Қачон қараса иланин бажараётганимиз билан ўзимизни юпатамиз. Эртани ўйламай яшаб бўладими? Агар биз шу бугунги ўйлар эканмиз, ва бугунги ишимиш билан қаноатланиб қолар эканмиз, эртага ҳам худди шу бугунги иш такрорланаверади, на силжиш бўлади-ю, на ўзгариш.

Тошпўлатов бир нафас жим қолди. Раис унинг гапларига қулоқ солиб, бир қатор сабабларни келтирмоқчи эди-ю, лекин фойдаси йўқлигини биларди. «Ҳаммани қўйиди-қилди ҳосилот қилди, мен хом калла ўшанинг айтгани-айтган деб юрсам-а. Эртани ўйламай бўладмишми? Тошпўлатов ҳақ. Ҳосилотга қўйиб берса... Кечаги гапи ҳам бетайнин... Қачондан бери у, «мен» деб кўкрагига урадиган бўлиб қолди?..» Раис ҳозир Тошпўлатовнинг ана шу камчиликларини яккама-якка ўтиришда ўртага ташлаётганидан ачиниб, куюниб гапирайтганидан хурсанд эди. Гоҳо «Райком партияда яна бирон гап бўлганга ўҳшайди» деб кўнглидан ўтказарди. Аммо, ҳамма касал шундаки, раис ача шу камчиликларни бирдан бартараф қилишга, очиги, ожизлик қилмоқда. Бу ҳақда Тошпўлатовга ҳам айтиб юборишни мўлжаллади, у бир нима демоқчи бўлиб турганида яна Тошпўлатов гап бошлаб қолди.

— Кечаги йигитлар нима бўлди?

— Қайси, янги келганларми?

— Ҳа, ўшалар.

— Ҳали менга учрашган эди, ҳозирча тўртинчи бригадада ишлаб туринглар, дедим.

— Ана шу бизнинг катта камчилигимиз. Ўзимиз-ку, кузакдан бўён шу масалани ҳал қилолмадик,— сизнинг қайсарлигингиз билан деёлмади у,— энди нима бўлди? Ё янги келганларнинг ҳам қулогини Тошпўлатов бураб қўйганмикин?..

Тошпўлатовнинг пичинги Акрамовга оғир ботди, унга правление, партия бюросида Тошпўлатовнинг янги ер очиш ҳақидаги гапларини эслатди, хижолат бўлди.

Иигитларимизнинг қулоғини әмас, Риҳсибай ака менинг қулогимни бураб қўйганга ўхшайди. Шунча тажрибага эга бўлган одамга мукка тушибман-у, унинг бир жойда тўхтаб қолаётганини ўйламабман. Гапнинг ўғил боласи шу. Энди тушундим.

Тошпўлатов Акрамовдаги бу ўзгаришни кўриб ҳайрон бўлди, «тушунибди» деб кўнглидан ўтказди-ю, унга сездирмади.

— Хўш, фикрингизча...

— Фикримча... бир бригада тузамиз, кузакда ҳайдалгани озлик қилас, ҳозирданоқ яна қўшимча ер ҳайдаш керак.Faқат бригадир ташлашда маслаҳат билан иш кўрсак...

— Менинг режам ҳам шу эди. Янги келган йигитларга қўшилиб, анови отахонимиз бор-ку, Абдуғофур-чи, у киши ҳам чиқмоқчи.

— А-а?.. Абдуғофур?!—кўзларини чақчайтириди раис,— ўзи шундай дедими?

— Ха, нега бунчалик ажабландингиз, ўша кузакдаёқ айтувди, кечя яна гапирди.

Кекса пахтакор Абдуғофур отанинг янги ерга чиқиш хоҳиши борлиги Акрамовни жуда таажжубда қолдирди. Унга ҳозир Тошпўлатов: «Ана шу-да, одамларни билмайсиз, юрагига қўл солиб кўрмайсиз, раис!» деб юбораётгандай бўлди.

— Бу анча оғир,— сўзлай бошлади Тошпўлатов,— шунинг учун эртага кенгайтирилган партия мажлиси чақириб, атрофлича муҳокама қилсак, балки яна янги таклифлар чиқиб қолар.

— Маъқул,— деди-ю бир оз ўйланиб, гапира бошлади раис,— мен сизга айтсам, ука, ўзимиз ҳам анча ҳай баракаллачи бўлиб қолибмиз. Шу топда сездим. Ахир, шунча вақтдан бўён, ҳо раис, мана бу қадам ташлашинг ножъя, деб бугунгидек тийиб турсангиз бўлмаесмиди? Бунчалик ўткир гапларингизга... эй, қойилман-е,— у хурсанд бўлганича, ўзини суянчиққа ташлаган эди, стул гижиirlади. — Бу сафарги ғижиirlашдан ҳузур қилгандай бўлди.

— Энди, курсни нима қилдик?— сўради Тошпўлатов.

Раис ўйланиб қолди:

— Мен курс тўғрисида тушунолмай турибман, мактаб директори саводсизликни битириш курси дейди, ахир, колхозда саводсиз одамнинг ўзи йўқ-ку?

Тошпўлатов кулди.

— Тўгри, сиз хат ёзиш ё ўқиши билмаган киши йўқ демоққисиз. Фақат шу кифоя қилмайди. Қолхозчиларнинг кексасидан то ёшигача ҳаммасини, биринчи галда, агротехника билими билан таништиришимиз керак. Социалистик деҳқончилик шуни талаб қиласди.

Раис стол устидаги газетани суриб қўйди-да:

— Ҳа, шундай демайсизм,— деб кулди.

— Агротехникадан лоақал бошлангич заводи бўлмаган деҳқонни заводсиз деса бўлади-да.

Тошпўлатов раис билан колхоздаги агротехника кабинетини кенгайтириш, мактаб ҳузурида курс учун маҳсус жой ажратиш режалари ҳақида узоқ сұхбатлашди. Тошпўлатов телефон қоқиб, мактаб директорини тополмагач, бу масалани эртадан қолдирмай узил-кесил ҳал қилиш ва шу ҳафта ичиде ўқишини бошлаб юборишни мўлжал қилиб қўйди.

Тошпўлатов ўрнидан турди, стол устидаги қофозларни йиғиб, тортмага, аллақандай ҳужжатни сейфга солиб қулфлади.

Улар олдинмә-кетин кабинетдан чиқишар экан, Муҳиддинга дуч келишиди.

IX

Риза эшикдан ташқарига чиққанида, тонг энди ёришиб келаётган, қиншлоқ кўчаларижимжит эди. Эрталабки совуқ бир оз жунжитгац, тўнига яхшироқ ўралиб олганича, колхоз отхонасига қараб тез юриб кетди.

Ўйда ғовур-ғувур. Риза аравага кетиши билан ҳамма зарур нарса йигила, бошланди. Бешта кетмон, болта, катта бир қозон, бир ўрам арқон ва яна алланималар дарвоза ёнига чиқариб қўйилди. Йигитлар хозир уйда, ўз чамадонларини кавлаб, энг зарур нарсаларини ажраттаётирлар. Ҳаммадан олдин Муҳиддин йиғишириб бўлди. Бир сидра ички кийим, совун, сочиқни ҳарбийча буюм халтасига солиб, эшик ёнига қўйди-да, ўртоқларини кузата бошлиди.

У кўпроқ Аъзамни диққат билан кўздан кечирмоқда...

Ўша куни кечқурунги сұхбатдан кейин Аъзам худди ўртоқларидан ажralиб, танҳо қолгандай бўлди. Улар ҳам Аъзамга ортиқча эътибор беришмасди. Буни Хосият холагача сезди. У, Аъзамга ўз фарзандига насиҳат

қилгандай* бир-икки гапириб ҳам қўрди. Аммо, Аъзам гўё ҳеч нарса билмагандай Ҳосият холани чалғитди, бир марта унинг гапини бошқа томонга буриб, уйдан чиқиб ҳам кетди. Ҳосият хола бошини қимирлатиб, ҳайрон бўлганича қолаверди.

Аъзам ҳозир эринчоқлик билан, истар-истамас чамадонини титиб, алланималарни ажратмоқда. У, клеёнкадан ясалган буюм сумкасини қўлига олди, унга жуда эҳтиётлик билан бир нечта ички кўйлак, иккита сочиқ, совун, ҳавфсиз устара (лезвие, чўткалари билан), ойна, бир шиша атирни жойлади. Яна бир даста ҳар хил расмли открыткаларни ҳам солди. Чамадондан жуда олифта тикилган, ҳали ер босмаган бир жуфт туфлини қўлига олди-ю, нима учундир ўйланиб қолди.

Аъзамнинг бу ҳолатини Собир дарров пайқади. Турган жойидан гапириди:

— Ҳали ҳозирча лойгарчилик, бу туфлини далада кийиб бўладими?

Аъзам жавоб бермади. Дўстининг бу ҳолига ачиндими ё жаҳли чиққаниданми, Собир секин унинг ёнига келди, елкасига қўлини ташлаб, қўнгилчанлик билан яна сўради:

— Ахир зарур нарсаларни ола қолсанг нима қилади, оғайни, керак бўлганида қайтиб тушиш қочмайди-ку. Ҳаво юришиб кетсин, биз ҳам ёзлик кийимларни олиб чиқамиз. Мунча ўжар бўлмасанг.

Аъзам елкасини силкиб, Собирнинг қўлини тушириб юборди. Унинг юзига ҳам қарамай, туфлини сумкага жойлади. Буни кўриб турган Муҳиддин Собирга деди:

— Қўй, ишинг бўлмасин, истаган нарсасини олаверсин, атир ҳам керак, туфли ҳам...

— Атирнинг ҳам қанақасини дегин, катта шишадагисини оләтирлар,— деб сўзга аралашди Солижон,— кошкى эди кетмоннинг ҳам каттасини олсалар...

— Кўчимга қараб оламан, тушундингми,— қовоғи солинганча жавоб қилди Аъзам.

— Бормай қўяқолсанг нима қиласди, оғайни,— сўзида давом этди Солижон,— соғлиғингга зарар бўлмасин тагин.

Бу гапларга Аъзамнинг тоқати чидамади.

— Сендан соғлиғимни сўраётганим йўқ,— баланд ва титроқ овоз билан гапира бошлиди у,— агар бормасам мени зўрлай олмайсанлар ҳам, тушундингми?

— Биз сени зўрлаётганимиз йўқ,— гапга аралашини мажбур бўлди Муҳиддин,— лекин сен, истаганимни қиласман, деб қаттиқ янгишаётиран. Мен сенга айтдим. Яна қайтараман; истамасанг хоҳишинг, ариза ёзиб бер-у кетавер, ҳеч ким сени ушламайди. Аммо, буни ҳозирнинг ўзида қил. Чўлга чиққандан кейин... У ерда бизга қочоқлар керак эмас.

Аъзам қип-қизариб кетди. Қўлини секин костюмининг чўнтағига олиб бориб, майдә қилиб хат ёзилган қозони олди, Муҳиддинга узатди.

— Мана, аризам,— деди у,— фақат бу сен айтганингdek ёзилган эмас. Ўйлама, мени майна қилолмайсанлар.

Ҳамма ҳайрон қолди. Муҳиддин аризани ўқиб чиқди. Аъзам Муҳиддин айтгандек эмас, бошқачароқ ёзибди: уйда фақат ота-онаси қолганлиги ва яна аллақандай арзимас сабабларни кўрсатибди. Собир ва Солижон Муҳиддиннинг ёнига келиб, аризага қарай бошлиди.

— Жуда яхши,— деди Муҳиддин аризани буклай туриб,— усиз ишлайверамиз!

— Буниси қандоқ бўлди энди,— бирдан гапириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди Собир,— беш кишига мўлжаллаб ер ажратилган бўлса-де, тўрт киши ишласак?

— Ишлаймиз, барибир унинг фойдаси кам тегади,— яна тегажоқлик қилди Солижон,— ўзи аслида Аъзам янгилишиб дўппи кийиб юрибди-да...

— Албатта, қийин бўлади,— деди Муҳиддин,— қийин, аммо биз бу оғирликни енгишимиш керак. Колхоздан одам сўраймизми?... Уят... Ўзимиз янги ер талаб қилсак-да, яна... Колхозчилар нима дейди?...

— Мени мажбур қилолмайсанлар,— зарда билан гапирди Аъзам.

— Бўлди, бўлди-е, кимлигингни энди билдим,— деди жиддий вазиятда Солижон ва қўлини силтаб, бир қадам нарига силжиди. Аъзам яна бир нарса демоқчи бўлиб турганида эшикдан Ризанинг овози эшитилиб қолди.

— Тез бўлинглар-ў, қани юкларни олиб чиқинглар!

Бир оздан кейин Риза ичкарига кирди, очиқ чамадон ёнида хомуш ўтирган Аъзамни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Нега ҳалигача ўйғиштирмадинг? Бўл тез, отни узоқ ушлаб турмайлик!

— Кетавер, мен сенлар билан бормайман,— тўнғиллади Аъзам.

Риза ўртоқларининг авзойидан ўзи йўқлигида бирон гап бўлганини дарров пайқади. Ураб қўйган буюмларни олиб, индамай ташқарига чиқди. Ҳамма нарса аравага ортиб бўлингач, йигитлар чамадонларини қолдириш учун Хосият холанинг уйига киришиди.

Орадан бир оз ўтга, йигитлар Хосият хола билан кўчага чиқишиди. Солижоннинг қаймоқ пайровидаги ас-киясидан Хосият хола ўз фарзандларини узоқ сафарга кузатаётган онадек, уларни яхшилаб меҳмон қилганлиги сезилиб турарди. Уйда бир ўзи қолган Аъзам ўртоқларининг шўх кулгилари, Хосият хола билан хайрлашиларини эшитиб турса ҳам, унчалик эътибор бермади. Фақат Ризанинг овози борича «чу» деб отга қамчи бергани ва арава фиддиратининг ғижирлагани баданини жи-мирлатиб юборди, юраги шув этди...

Мана, Хосият хола ҳам уйига кириб кетди, унинг эшиги шарақ этиб ёпилди-ю, жимлик тушди. Кўча ҳам, уй ҳам жимжит. Аъзам танҳо ўзи ўтирибди...

У, очиқ чамадон ёнида, оғзи ёпилмаган сумканинг бандини ушлаганича хаёлга чўмган. Кўнгли жуда ғаш, қизиқонлик билан айтган бояги сўзлари, ўртоқларининг маслаҳатларини менсимаганлиги ҳозир ўзига ҳам қаттиқ таъсир қила бошлади. У бошқача ўйлаган эди, тамом бошқача бўлиб чиқди. «Ҳозир правлениега бораман... Хўш, Акрамовга нима дейман? У нима дейди?.. Тошпўлатов, Рихсибой, Юлдузхон — буларчи... Нега ўртоқларингдан қолдинг деса...» Аъзам сумкага бошини қўйиб, ўйга ботди. Ўзининг оғир аҳволда қолганини энди қаттиқ сеза бошлади. Қандай қилиб бундай ҳолатга тушди? Ўртоқлари уни қочоқ дейишди-я? Қанчалик даҳшат, қанчалик оғир буни эшитиш? Фронтда қочоқларни трибунал суд қиласди... Аъзам ана шуларни кўнглидан ўтказиб турганида, аёл қишининг овозини эшитиб, бошини кўтарди.

— Қайтиб кетмоқчимисан?— Хосият хола шу гапни айтди-ю-ичкари кирмай оstonада туриб қолди. Холанинг бу ҳолати Аъзамга бадтарроқ таъсир қилди, худди у ҳам, ичкари кирмайман, сен билан гаплашишни истамайман, деяётгандай бўлди.

— Хўп, кетавер, билмадим, уйингга қайси юз билан кириб бораркансан? Ҳамқишлоқларингга нима деркансан? Ўйлайсанми? Ўзинг талабгор бўлиб келмаганингда ҳам бир навъи эди,— Хосият хола жим қолди,

Аъзам бошини қуий солганича чурқ этмай, холаминг гапларини эшилди. Бу аёл, бегона йигитларга шунчалик меҳрибон бўлган она, Аъзамнинг қалбини ойнада кўргандек гапиради. Аъзам ҳозир ўз онаси олдида гуноҳкор, оғир ҳижолатда қолгандек сезди. Хосият хола осто-надан қадамини ташқарига ташлаб, қўли билан кўчани кўрсатди.

— Югур, уларга етиб ол!— Хосият холанинг шиддатли қўл силташи ва қаттиқ овози Аъзамни чўчитиб юборгандай бўлди, у ялт этиб эшик томонга қаради,— етиб ол! Ўртоқларингдан узр сўра... Яхши ишлайман де!

Аъзам чап қўли билан ушлаб турган чамадон қопқо-гини беихтиёр ёғанича, сумкани ҳам унутиб, ирғиб ўринидан турди, ҳеч нарса демай югуриб ўзини ташқарига отди. Эшик олдида турган, боя Солижон ўйинчоқ деб мазақ қилган кетмонни олди-ю, улоқтириб ташлади. Тўғри, Хосият холанинг уйига кириб, девор ёнида турган кетмонни олганича кўчага чиқди, тез юриб кетди...

Хосият хола уни кузатар экан, назарида, ҳозирги на-қоп-қўронғи бўлган уйга чироқ ёққандай бўлди. Қалби ошилик меҳри билаи тўлди.

— Аъзам, Аъзамжон,— қичқирди унинг кетидан чи-киб,— тўхта, болам...—Хосият хола қадамини тезлаштириб, унга етиб олди,— ма, сумкани ол, ҳамма кераклигини жойладим. Ана энди, югур, етиб ол, жон болам...— у ачнагача шу ҳолатда туриб қолди,— зора шу билан кўшиниб кетса...

X

Эрта баҳор қуёши кеча ёғиб ўтган ёмғирнинг намини ердан суғуриб оляпти. Унда-бунда эндиғина кўкариб чиқаётган кўм-кўк ўтлар ажиб бир манзара ҳосил қилиган.

Бепоён чўл. Бу томонларда на йўл бор-у на тураржой. Мана шу ерда тепаси шоҳ билан ёпилган кичик бир шийпон кўзга ташланади. Унинг қад кўтарганига бутгун уч кун бўлди.

— Асрлар бўйи бирон ерига ҳатто қозиқ қоқилмаган чўл ана шу чайлани кўриб ҳам севинаётгандир. Чўл деган помининг ўзгаришига катта умид боғлаётгандир — Муҳиддин биринчи куни бепоён чўлга тикилиб туриб, Солижонга худди шу гапларни айтган эди. У Муҳиддин-

га кулиб қаради-ю, индамади. Зарб билан қоққан қозиги ярим метрча ерга кириб кетди.

Колхоз партия ташкилоти, правление ана шу ерни экинзорга айлантириб, бу йил пахта экишга қарор қилди.

Бу ерда янги бригада ташкил этилиб, унга ишчан, ёш коммунист Комилжон Рисқиев бошлиқ қилиб тайинланди. Үн бир гектар ер Мұхиддин бошчилигидаги звенога ўлчаб берилди. Бу звено аъзолари чўлга биринчи бўлиб кўчиб циқишиди ва бутун мавсум бўйи шу ерда қолиб ишлашга қарор қилишди. Бунинг учун ҳозирчалик чайла қурилди.

Гимнастёркасининг елкаси тердан памиққан, енгларини шимариб олган Мұхиддин бўғзигача урилган кетмандаги нам тупроқни кўтариб марзага босди, кетмон орқаси билан устидан шиббалаб, ёнига, ўзи томон келаётган бригадир Комилжон ва ҳосилотга қаради.

— Ҳорманг, Мұхиддин, оҳо тугатай деб қолибсизлар-ку,— деди Комилжон узоққа чўзилиб кетган пол ва марзаларни ҳосилотга кўрсатиб,— шу бугуноқ сув қўйишга мўлжаллаганга ўҳшайсиз-а?— Мұхиддин ҳурматни бажо келтирай, деди шекилли, дастлаб ҳосилот, кейин Комилжонга қараб жавоб қилди:

— Бизнинг мўлжалимиз шундай. Тағия Ҳосилот ота нима маслаҳат берадилар, мана ўзлари биладилар.

Мұхиддин яктақ устидан тўн кийиб, иккита қийик боғлаган бу кишининг исмини билмагани учун, ҳосилот деяётганий ўйқ. У, бир неча йилдан берли колхоз ҳосилот советининг раиси. Уни катта ҳам, кичик ҳам Ҳосилот aka, Ҳосилот ота, деб ўрганиб қолган. Тунови куни Мұхиддин бошлиқ шу звенога ер ажратилаётганида, аллаким ҳам ҳосилот раиси тўғрисида гап очиб қолган эди, шунда ўша одамнинг бетига тик қараб «ҳа, ҳосилот деса арзимаймизми, амалимизга яраша планни бажаришда бир ҳосилотчалик ҳиссамиз ҳам бор», деди. Шундан маълум бўлдики, ҳосилот советининг раиси исмини айтиб чақиришдан кўра, ҳосилот, деб аташни ёқтирас экан. Ҳар кимнинг кўнгли-да. Шу-шу Мұхиддин ҳам Ҳосилот ота дейдиган бўлиб қолди.

Ҳосилот ота белборидан носқовоқни олиб, бурнаки исқади. Кетма-кет акса уриб, гапира бошлади:

— Кўрдим, яхши, поллари унча катта эмас. Аммо, йигитча мен ҳали ҳам ачинаяпман-да.

— Нимага, отахон!
— Бу янги ер, шўр тупроқ. Ўн бир гектар сизларга оғирлик қиласди.

Муҳиддин кетмонинг юзидаги тупроқни оёғи билан қиришилаб туриб, оҳиста гапирди:

— Ҳосилот ота, тўғри, Фарғонанинг ери бошқа, аммо, ўша ерда ҳам киши бошига икки-уч гектардан келган пайти кўп бўлган. Бу ҳам майли. Мен яқинда газетада бир мақола ўқидим. Украинадаги бир колхозда ҳар кишига ўн икки гектардан тўғри келганида ҳам бир яirim баробар ошиқ ҳосил олинибди.

— Ахир, дон билан паҳта ўртасида фарқ бор-да,— жаҳл билан деди ҳосилот ва Комилжонга қаради,— агар бошқа звеноларга ҳам шунчадан ер тўғри келса, эплаб бўлмайди, Комилжон, бу янги ер ахир, ўйлаб иш қилиш керак. Саккиз гектардан қолдирилса, бас.

Отанинг феълига тушунган Комилжон жавоб бермади. Муҳиддин гапни бошқа томонга бурди:

— Агар электр тракторлар юра бошласа, бир кишига беҳ-олти гектар ҳам ҳеч гап бўлмай қолади. Бундай бўлиши жуда яқин.

Ота яна тажанг бўлди, соқолини тутамлаб деди:

— Ўғлим, ҳосил учун сиз эмас, мен жавобгарман, мен. Бир киши неча гектарни ишлай олишини сиздан кўра мен яхшироқ биламан. Ортиқча дедимми, бир нарсани ўйлаб гапиряпман,— ота «кўп ўзбилармандлик қилаверма» дегандай ёнига қайрилиб, икки қадам нари ташлади.

— Сувни полма-пол қўйинг,— буйруқ берди у,— узоқ сақлаб турманг, аслида ювилмаса ҳам бўларди, ўша кузги афдаришдан кейин ювилгани кифоя қиласди. Сизот суви кўпайиб кетади.

— Албатта,— деди Муҳиддин,— бунинг учун зовур қазимоқчимиз.

Ота ўз гапини тушунтира олмаётгандай яна тажанг бўлди.

— Бунга ҳам куч керакми?! Бу ерларни ишлашни ҳазил фаҳмляяпсиз дейман?

— Нима бўлса ҳам шўри ювилсин, зовурни кечалари чиқиб кавлаймиз. Агар раис ваъда қилгандай канавокопатель берилса-ку, яна иш ўнгидан келади-я, аммо, йигитларимизни ишдан қочиролмайсиз. Файратимиз зўр, отахон.

— Кўрармиз, кейин аттанг демасангиз бўлгани.
— Айтгандай,— деди Муҳиддин,— Ҳосилот ота, полга сув қўйиб, ювилиб бўлгач яна оқизиб юбор дедингизми?
— Ҳа, шундай.

— Ахир, агротехника бу усулни қоралаган эди-ку? Ҳосилотнинг «менга ақл ўргатма, ўғлим тенгисан-у, яна айтишасан-а», деб Муҳиддинни койиб юборишига сал қолди. Янги ерни очиши масаласида партия йиғилишида ҳам правлениеда бўлган тортишувлар эсига тушиб, ўзини босди. Ўйланиб жавоб қилди:

— Кўп йиллик тажриба шуни исбот қиляпти.

Муҳиддин нима дейишини билмай қолди. Қаттиқ гапирса Ҳосилот отанинг жаҳли чиқиши мумкин. Гапирмаса, агротехникага хилоф ишни қилиши керак.

— Ҳосилот ота,— деди у,— ахир, бу оддий ҳақиқат. Полга сув қўйилганда ернинг шўри эрийди. Туз деган нарса сувдан оғир бўлгани учун юзага чиқмайди, аксинча, чўкади. Шундай бўлгандан кейин полдаги сувни яна очиб юборишнинг қандай нафи бор?

Ҳосилот индамай тескари қаради. Муҳиддин тузнинг чўкиб кетишини айтгандан кейин, нима дейишини билмай қолди. Тажрибалик пахтакор, ҳосилот советининг раиси бўлса ҳам шу вақтгача ернинг шўрини ювиши назар-писанд қилмай, яхши эътибор бермаган экан.

— Хўш, бўлмаса нима қиласиз?— энсаси қотиб сўради у.

— Етарли миқдорда сув қўйиб юборамиз, ўзи сингиб кетади. Аммо, сиз айтгандай зовур қазимасак бўлмайди.

Ҳосилот белбогидан носқовоқни олиб, тиқинини очмади-ю, бармоғи билан черта бошлади. Унинг бу туриши «бильганингни қил» деган маънони англатарди.

Рихсибой aka шу индамаганича бригадир билан қўшини звенода ишлаётганлар ёнига кетди.

Муҳиддин кафтига туфлаб, кетмонни олди, ишини давом этдира бошлади. Солижон ҳосилот билан бригадирнинг узоқлашганини кўргач, секин унинг ёнига келди.

— Отахон нима дедилар, койидиларми?

Муҳиддин бошини кўтарди-да, ҳар нарсага аралашаверма дегандай гапирди:

— Солижон дурустроқ ишласин, камгап бўлсин дедилар,

Солижон ҳам бўш келмади.

— Ҳа-ҳа,— деди у,— айниган мусалласдай миялари ачиб қолибди-ю, менга шундай дейдиларми.

Муҳиддин унга ҳўмрайиб қаради.

— Аския эви билан, Солижон, Ҳосилотнинг ўзи эшитса яхши бўлмайди.

Шу пайтда аравадаги гўнг устига санчилган белкуракнинг дастасини ушлаганича, тик туриб келаётган Риза кўринди. У Муҳиддинга яқинроқ келганда сакраб ерга тушди.

— Янгиликни эшитдингларми,— деди у ҳовлиқиб,— сигиримиз туғибди, сигиримиз туғибди.

— Тузук, Риза, оғзинг оқариб қолибди,— деди Солижон ва кетмонини олиб, марза босаётган жойига кетди.

— Нега бунча ҳаяллаб қолдинг десам, туғди-туғди билан овора экансан-да, сендан бошқа доя топилмадими?— ҳазиллашди Муҳиддин.

Ҳамма кулиб юборди. Ризанинг ўзи ҳам аравадаги белкуракни ола туриб, тескари қараб кулиб қўйди.

— Ўйга киролмадим,— деди у бир оздан сўнг,— йўлда Юлдузхонни учратдим, ўша айтди.

— Юлдузхон!

Бу сўз кимга қандай таъсир қилганини айтиб бўлмайди. Эҳтимол бошқалар эътибор ҳам бермагандир. Муҳиддин бўлса шу тобда бўшашиб кетгандай бўлди. Кўтарган кетмони ўз оғирлиги билан ерга тушди, кейингиларини қай ҳолда кўтариб, қандай тушираётганини пайқамасди. Буни бошқаларга сездирмади, ўзидан ўтди, ўзи билди.

Кейинги кунларда ишда ҳам, юриш-туришда ҳам Юлдузхон ҳақида ўйлаши ҳозир ўзига қаттиқ билинди. Унинг қалби ҳар дақиқада ана шу қиз билан суҳбатлашаётгандай бўларди. Хаёл шу онда комсомоллар йифилишини кўз олдига келтирди...

...Муҳиддин ва унинг ўртоқлари олдинги қатордан ўрин олишган. Президиум столи ёнида икки йигит ва Юлдузхон ўтирибди. Юлдузхон бугун жуда ҳам очилиб кетибди. У, стол устидаги блокнотига ҳар замонда алланималарни ёзив қўяди, бошини энгаштирганида елкасига тушган соchlарини орқасига ташлайди. Худди ана шу нақанги пайтларда боши аралаш кўкраклари силкиниб,

нимчасидаги медаль чироқ ёруғида товланиб кетади, Президиум столининг ўнг томонида туриб сўзлаётган йигитга бошини салгина эгиб тикилиб турганида ингичка, қуюқ қошларининг ўртаси бирлашиб кетгандай бўлади. Тўрт карчли «Қаҳрамон» нусха, чакма гули дўпли бошида турмайди, тез-тез уни ўнг қўли билан кўтариб, соchlарини бостириб қайта кийиб олади.

Муҳиддин ер тагидан унга тикилиб ўтирибди. Қизнинг ҳар бир ҳаракати, ингичка бир ўрим сочининг қимирлашидан тортиб, нозик бармоқлари орасидаги қаламнинг блокнот устида сайр қилишигача — ҳаммаси Муҳиддин қалбининг нозик ерларига ёдек сингиб кетарди. Бу ҳаракатларнинг бариси Юлдузхоннинг ўзига ярашиб турибди, ортиқчаси йўқдай.

Муҳиддиннинг кўз нигоҳи икки марта Юлдузхонга тўқнаш келди. У дарров бошини энгаштирди, назарида, бу тўқнашувни залдагиларнинг ҳаммаси, айниқса президиумдагилар пайқаб қолгандай бўлди. «Энди сира қарамайман», деди ўзича. Яна бўлмади. Бир дақиқадан сўнг ўз аҳдини унитиб, боягидек ер остидан тикилиб ўтираверди.

Мажлис раиси, эгнига мазут саҳраган калта пахталик кийган ёш тракторчи йигит, Кароматхон Алиевага сўз берди. Стол ёнида худди тракторчиники сингари, аммо озода, хушбичим, калта пахталик кийган, бошига тивит рўмол ўраган баланд бўйли қиз пайдо бўлди. У, қўлидаги қоғозга бир қараб олиб, гапира бошлаганида, Юлдузхоннинг кўзи Муҳиддинга тикилиб қолди. Нутқ тамом бўлгунча у, Муҳиддиндан кўзини узмади.

— Юлдузхон Каримова бошлиқ бизнинг звено,— деди Кароматхон сўзининг охирида Муҳиддин томонга қараб,— ўтган йили гектаридан эллик беш центнердан ҳосил етиштириди. Бу йил биз гектаридан олтмиш центнердан ҳосил олишга аҳд қилдик. Мен звеномиз аъзолари номидан колхозимизга янги кўчиб келган комсомоллар звеносини социалистик мусабақага чақираман.

Залдагилар чапак чалиб юборишиди. Юлдузхон ҳамон Муҳиддинга қараб ўтиради. Бунинг сабабини Муҳиддин энди тушунди. У шунча уринса ҳам ҳаяжонини босолмади, нима қилишини билмай турганида ёнида ўтирган Солижон ҳам, бу томондан Риза ҳам «Тур, жавоб бер, чақириқни қабул қиласиз», деб туртиб қўйишмади. «Мен-ку чиқаман-а, аммо Юлдузхон ёнига бориш

қандай бўлди...», — ўйлай — бошлади у. Муҳиддин сёкин ўрнидан туриб столнинг чеккасига келди. Унга ҳозир залдагиларнинг кўз тикиб туриши ҳам бир бўляпти-ю, Юлдузхоннинг саловати ҳам. Муҳиддин салмоқ билан сўз бошлади:

— Янги ерлар очиб чўлни обод қилишдек улуг ишда сизлар билан бирга бўлишимиз бизни қувонтиради. Уртоқ Каримова бошлиқ,— нима учундир Юлдузхон дея олмади,— звено аъзоларининг чақиригини бизга бўлган самимий ишонч деб биламиз. Бу таклифни тўла қувватлаймиз, янги ерга чигит экиб, ўттиз центнердан ҳосил олиш мажбуриятини қабул қиласиз.

Залда яна қарсак кўтарилиди. Муҳиддин жойига келиб ўтирганида кўзи президиум столига тушган эди, Юлдузхон унга қараб енгилгина бош силкidi ва бир кулиб қарадиқи, Муҳиддин шу вақтгача қизлар кулгисининг бу қадар жозибали, чироили, иссиқ бўлишини сира учратмаган эди. Учратиш қаёда, эсига ҳам келмаган.

Муҳиддиннинг кетмон уруши анча сустлашганини бошқалар билдими, йўқми, аммо Риза пайқади. Аравадаги гўнгни тушириб бўлиб, тахтасини белкурак билан қиритишлаетганда Муҳиддиннинг кўзи тушиб қолувди, Риза ўзини билмасликка олди. Муҳиддин ўзига келгандай бўлди. Икки марта зарб билан кетмон солиб, нам тупроқни марзага босди. Боядан бери чуқур ўйга ботиб, кўз олдига келган мажлисдаги воқиаларни унутди-ю, фақат Юлдузхоннинг ҳалиги кулгисини унутолмади. «Қизиқ,— ўзича гапира бошлади у,— нега бундай бўляптия... Муҳаббат деган нарса шумикан? Шунчалик катта ишга бел боғлаган, кўпчиликка сўз берган йигит бўлсан-у, муҳаббат олди-да... Йўқ. Бундай бўлмайди, энди уни сира ўйламайман...»

Ризанинг аравадан чиқарилган отни яна қўшатуриб айтган гапи Муҳиддиннинг хаёлини бўлди.

— Мен кетдим, Муҳиддин, бирон гапинг йўқми?

— Илдамроқ ҳаракат қил,— деди-да, пешонасидаги терни сидиратуриб қўшиб қўйди,— ҳозир тайёр полларга сув қўя бошлаймиз.

XI

— Бу йигитингиз анча ўжар кўринади,— деди Рихсибой Комилжоннинг ёнида борар экан,— янги ер устида биз қанча бош қотирдик, ахир, осон иш эмас, улар бўлса

келишлари билан янги ерни очишга киришишди. Шу билан тинчib туришлари керак эди. Йўқ, бунга ҳам қониқ қилишмайди. Ахир, тажрибаси бор, ўзидан катта одам бир нарса дегандан кейин қулоқ солиш керакми? Саккиз гектар олинглар дедим, бўлмади, ўн бир гектар олишди. Энди нима бўлади? Бу ер планга киритилди, бу йил давлатга қўшимча ҳосилот топшириш керак. Ҳосилга ким жавобгар, менни ахир,— Ҳосилот отанинг нафаси тиқилгандай бўлди,— йўқ, асло йўл қўймайман. Мен правлениега арз қиласман, агар кўнишмаса, мана янги участкага бошқа ҳосилот қўйиша қолсин, гарданимга бўндай ишни ололмайман.

Комилжон индамади. Агар иш правлениегача борса, у ҳам бўш келмаслигини ўйлаб қўйди. Шу пайт узоқдан келаётган икки арава кўринди. Ҳосилот ота тўхтади. Қўлини пешонасига соябон қилиб, узоққа тикилди.

— Комилжон, нима ортиб келяпти?

— Шоҳ. Кенқурунлари шабаданинг анча таъсири бор. Ҳозирча чайладек қилиб ўраб олмасак бўлмайди.

Ҳосилот ота бу воқиадан бехабар бўлгани учун бир нарса айта олмади. «Авжи далага ўғит чиқарадиган пайтда бир эмас, икки аравани банд қилибсан, ука, кимдан сўрадинг?», деб койиб бермоқчи ҳам бўлди, тағин раис бу воқиадан хабардордир, деган мулоҳаза билан индамади. Бир оздан кейин ачингансимон вазиятда сўзлай бошлади:

— Комилжон, ука, жуда оғир-да. Ўзи эллик гектар ер-у, даҳмазаси беш юз гектарга татийди. Мана, арзимайдиган беш-олти боғ шоҳ келтириш учун икки арава эрталабдан бери овора кўринади. Ҳали озмунча нарса ташиш керакми, эҳ-ҳе? Тағин бунинг устига дараҳт кўчати ўтқазамиз деганларингга ҳайронман. Бу ҳам ўша янги меҳмонлардан чиқсан ақл бўлса керак-да.

Комилжон «ҳа» дегандай, бошини қимирлатиб жавоб қилди.

— Биламан, улар ҳазил фаҳмлашіпти. Дараҳт ўстриш бўёқчининг нили эмас. Бўлмаса шунча вақтдан бери, ота-боболаримиз шу ерларни ҳеч бўлмаганда дараҳтзор қилиб юборишмасмиди?

Комилжон отанинг феълига яхши тушунарди. У ҳозиргача жим туриб, қулоқ солаётганининг сабаби ҳам шунда. Ҳосилот ота ҳар қандай жаҳл устида гапирганида унинг сўзларини бўлмай қунт билан тинглаш-у, сўнг

ётиғи билан тушунтириш. Ана шундай қилган киши унинг раъйига тўғри келади. Комилжон сухбат охирида отани нариги звенога, ернинг чеккасига бошлади. Йўлда кетатуриб аста гапирди:

— Ҳосилот ота, тўғри айтасиз, бу ерни обод қилиш осон эмас, ўзи бўлмайди,— Ҳосилот ота ўз фикрини кўпчилик ўртасида маъқуллатгандай бир оз чеҳраси очилди, аммо сир бой бермади,— лекин шу ерларни биз обод қилмасак, ким қиласди. Биз янги одамлармиз, Коммунистлар партиясининг таълимини олган совет кишиларимиз-а. Бунинг маъноси катта! Ҳаммасини кўзингиз билан кўриб турибсиз-ку. Сирдарёни бўғиб, бошқа изга оқизишни ким эплай олди? Биз совет кишилари. Мирзачўлдаги, биз яшаб турган қишлоқ ўн беш йил муқаддам шундай ермиди? Ҳозир пахта экилаётган ерларда илгарилари одам қадам босмаганлигини ўзингиз ҳам бир неча марта айтгансиз-ку. Мен сизга ақл ўргатмоқчи эмасман. Ўзингиз яхши биласиз. Партия ташкилоти мени шу ерни обод қилишга боли бўлинг, деб лозим топганини эшишиб, жуда хурсанд бўлдим.

Комилжон ўнг қўлини кўтариб, ҳавони кесди ва шундай деб сўзини тамомлади:

— Эндиликда сиздан катта илтимос шуки, бу ердаги ёшларнинг ишидан тез-тез боҳабар бўлиб турсангиз, гоҳо «ҳорманглар, барака топинглар!» деб турish ҳам катта мадад.

Ҳосилот ота, Комилжон худди унинг олдига катта ойна келтириб қўйган-у, у ўз камчиликларини ойнада кўраётгандай бўлди.

— Ука,— деди у оҳиста,— менинг ҳам бир оз ақлим этади, жудаям замондан орқада қолиб кетяпти деб ўйламанг. Ахир шу ишларни бир варакайига қилиб бўладими? Мен бу йилча жўхори экиб турайлик, аста-секин ўзлаштирамиз, дейишнимнинг боиси ҳам шу эди-да...

Шоҳ ортилган икки арава учинчи звено ерининг ёқасидан ўтиб юқорига қараб йўл олди. Комилжон қўли билан араванинг тўхташ жойини кўрсатди. Ҳосилот ота яна сўзида давом этди:

— Хўш, бу звеноларнинг ҳам ерларини ювишга роzi бўлдингизми?

— Шундай, ҳаво яхши, вақт етарли, сув ариғини ҳалиги ердан давом этдириб қазиймиз, сизот сувни қочириш чорасини ҳам кўрамиз.

Ҳосилот ота яна алланима демоқчи бўлиб турганида, ўрта бўйли аравакаш йигит отни чиқариб, бригадирнинг ёнига келди.

— Комилжон ака,— деб сўзлай бошлади у,— йўлда раис акам кўриб қолдилар. Илдамроқ боринглар, шу бугуноқ озроқ кўчатни ташиб олиш керак, Комилジョンга тайинлаб қўйинг, дараҳт кўчатини етарли миқдорда олиши гаплашиб келдим, дедилар.

— Жуда яхши, тезроқ бўшатинглар бўлмаса.

Йигит арава томонга кетди. Ҳосилот ота Комилジョンга қаради:

— Хайр, майли, ука, ишқилиб толеингга ҳаво айнимай турса, бас. Энди, мен ҳам тушиб кетай, шу аравадан қолмай.

— Шундайми, бўлмаса энди буёғига ҳам ўзингиз бошчилик қиласиз-да,— деб Ҳосилот отанинг кўнглини кўтариб қўйди Комилжон.

Аравалар жўнади. Унинг орқасидан қараб қолган Комилжон ўзича сўзлай бошлади. «Зап қизиқ одам-да. Бирпаста ўт бўлиб ёнади, шу топдаёқ сув сепгандек сўнади. Аммо ҳаливери ўз фикридан қайтадиганга ўхшамайди. Майли, яна тортишиб кўрармиз.»

Тушки овқатга занг урилиб, даланинг чекка-чеккасида ишлаётгандар қозон қурилган жойга тўплана бошлишди. Ҳа, катта қозон қурилган жойга тўпланишди. Ҳозирчалик шундай дейишдан бошқа илож йўқ. Тўрт звено — йигирма икки кишидан иборат янги тузилган бу бригаданинг дала шийпони ҳам, ошхона — чойхонаси ҳам, ётоқ жойи ҳам ана шу ерга жойлашган. Бундан икки кун муқаддам омонатгина қилиб қазилган ертўла-ю, катта қозон осилган ўчоқдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ахир бригаданинг шу ерга, чўлнинг қоқ белига кўчиб чиққанига бор-йўғи уч кун бўлди. Уч кундирки, асрлар бўйи қовжираб ётган чўлда ҳаёт қайнамоқда. Биринчи куни, катта қозон қурилиб, овқат пиширилаётганида Абдуғафур ота «чўлда бугун тўй», деб ҳаммани кулдирган эди. У жуда тўғри айтди. Соқов чўл тилга кирмоқда.

Елкасига оқ сочиқ ташлаб олган Абдуғафур ота бир даста руҳланган қошиқни келтириб, дастурхон устига ташлаётганида, кимдир ҳазил қилди:

— Абдуғафур ота, янги рўзформиз дейсиз-у, бугундан бошлаб рух қошиқлар-у, товоқларга бой бўлиб қолибсиз?

— Ҳа, отам ҳам винонинг пулига шуларни харид қилибдилар,— деди иккинчиси.

Кулги кўтарилди. Вино пулига товоқ-қошиқ харид қилиш воқиасидан ўтирганларнинг кўпчилиги хабардор бўлса ҳам, Муҳиддин ва унинг ўртоқлари бехабар эдилар. Солижон ёнида ўтирган йигитдан сўраган эди, у кулиб қўйди-да, «мен ҳам бирордан эшитганман, яхшиси, Абдуғафур отамдан сўранг», деди. Солижон овқат пайтида ўзига ҳам бир товоқ ош сузиб, шу ерга келиб ўлтирган Абдуғафур отадан воқиани сўради. Ота бир илжайиб, ҳикоя қила бошлади:

— Қайси йили ҳам эди, бир куни тўртинчи бригада бошлиғи Ҳамдам уйига мөҳмон чақирди. Хотинининг кўзи ёригани шарофатига. Ҳаммамиз бордик. Чамаси ўн беш киши эдик. Колхозимизнинг ашулачилари хиргойи қилиб ўтиришиди. Шунда чой ичиб бўлингач, стол устига бир неча тарслекда закуска, лаганларда қоврилган гўшт қўйилди, яна аллақандай хилма-хил овқат, ширинликлар дастурхонни қоплади. Кетидан олти шиша вино ҳам келтирилди. Ўтирганлар қўярда-қўймай кося гули вазифасини ўқитувчи Зўннуновга топширишди. У аввал унамай кейин қуя бошлади. Янги мөҳмоннинг соғлиғига деб ҳамма кўтарди. Қарасак, Ҳамдамнинг ўзи яна тўртта шишани келтириб, Зўннунов ёнига қўйди. Мен ўзим ичмасам ҳам Ҳамдамга қараб: «Нима қилмоқчисан ҳамма нарсанинг ҳам ози соз» десам, сал қўнглига келди шекилли, жавоб қилмай чиқиб кетди. Зўннунов ҳалиги янги келтирилган винони кўрди-ю, қўлидаги гўштини ташлаб, секин менга ўғрилди. Қулоғимга пиҷирлаб, қаранг ота, инсофданми шу, шишалар кўпми, дастурхон даги қошиқлар?» деб қолди. Мен тушунолмай турдим Қейин ўйлаб қарасам, «шунча винога қурби етибди-ю, қошиқ олиш эсига келмапти-да» дегани экан. Роса кул гим қистади-ю, зўрга ўзимни босдим. Зўннунов шиша ларга яна кўз югуртириб чиқди. Мен Ҳамдамнинг ўзига айтиб қўйса, хафа бўлади дедим-да, дарров, қулоғига тайинладим: «Тўғри айтдингиз, аммо ўзи сезиб қолмасин, гап очмай қўяқолинг» дедим-у, иргиб туриб, ташқарига чиқдим, бир-иккита қошиқ топиб кирдим, бариб ҳаммага етмади. Қаранг, бу гап-ку Зўннунов билан иккимиз ўртамиизда ими-жимида бўлиб ўтувди-я, худди шу гап уйнинг нариги чеккасида ўтирганлар орасида ҳам бўлиб ўтибди-да, Буни мен Ҳамдам ташқарига чиқкан

Ҳосилот ота яна алланима демоқчи бўлиб турганида, ўрта бўйли аравакаш йигит отни чиқариб, бригадирнинг ёнига келди.

— Комилжон ака,— деб сўзлай бошлади у,— йўлда раис акам кўриб қолдилар. Илдамроқ боринглар, шу бугуноқ озроқ кўчатни ташиб олиш керак, Комилжонга тайинлаб қўйинг, дараҳт кўчатини етарли миқдорда олишни гаплашиб келдим, дедилар.

— Жуда яхши, тезроқ бўшатинглар бўлмаса.

Йигит арава томонга кетди. Ҳосилот ота Комилжонга қаради:

— Хайр, майли, ука, ишқилиб толеингга ҳаво айнимай турса, бас. Энди, мен ҳам тушиб кетай, шу аравадан қолмай.

— Шундайми, бўлмаса энди буёғига ҳам ўзингиз бошчилик қиласиз-да,— деб Ҳосилот отанинг кўнглини кўтариб қўйди Комилжон.

Аравалар жўнади. Уининг орқасидан қараб қолган Комилжон ўзича сўзлай бошлади. «Зап қизиқ одам-да. Бирпастда ўт бўлиб ёнади, шу топдаёқ сув сепгандек сўнади. Аммо ҳаливери ўз фикридан қайтадиганга ўхшамайди. Майли, яна тортишиб кўрармиз.»

Тушки овқатга ҳанг урилиб, даланинг чекка-чеккасида ишлаётганлар қозон қурилган жойга тўплана бошлишди. Ҳа, катта қозон қурилган жойга тўпланишди. Ҳозирчалик шундай дейишдан бошқа илож йўқ. Тўрт звено — йигирма икки кишидан иборат янги тузилган бу бригаданинг дала шийпони ҳам, ошхона — чойхонаси ҳам, ётоқ жойи ҳам ана шу ерга жойлашган. Бундан икки кун муқаддам омонатгина қилиб қазилган ертўла-ю, катта қозон осилган ўчоқдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ахир бригаданинг шу ерга, чўлнинг қоқ белига кўчиб чиққанига бор-йўғи уч кун бўлди. Уч кундирки, асрлар бўйи қовжираб ётган чўлда ҳаёт қайнамоқда. Биринчи куни, катта қозон қурилиб, овқат пиширилаётганида Абдуфафур ота «чўлда бугун тўй», деб ҳаммани кулдирган эди. У жуда тўғри айтди. Соқов чўл тилга кирмоқда.

Елкасига оқ сочиқ ташлаб олган Абдуфафур ота бир даста руҳланган қошиқни келтириб, дастурхон устига ташлаётганида, кимдир ҳазил қилди:

— Абдуфафур ота, янги рўзформиз дейсиз-у, бугундан бошлаб рух қошиқлар-у, товоқларга бой бўлиб қолибсиз?

— Ҳа, отам ҳам винонинг пулига шуларни ҳарид қилибдилар,— деди иккинчиси.

Кулги кўтарилиди. Вино пулига товоқ-қошиқ ҳарид қилиш воқиасидан ўтирганларнинг кўпчилиги хабардор бўлса ҳам, Муҳиддин ва унинг ўртоқлари бехабар эдилар. Солижон ёнида ўтирган йигитдан сўраган эди, у кулиб қўйди-да, «мен ҳам бирордан эшитганман, яхшиси, Абдуғафур отамдан сўранг», деди. Солижон овқат пайтида ўзига ҳам бир товоқ ош сузуб, шу ерга келиб ўлтирган Абдуғафур отадан воқиани сўради. Ота бир илжайиб, ҳикоя қила бошлади:

— Қайси йили ҳам эди, бир куни тўртинчи бригада бошлиғи Ҳамдам уйига меҳмон чақириди. Хотинининг кўзи ёригани шарофатига. Ҳаммамиз бордик. Чамаси ўн беш киши эдик. Колхозимизнинг ашулачилари хиргойи қилиб ўтиришди. Шунда чой ичиб бўлингач, стол устига бир неча тарелкада закуска, лаганларда қоврилган гўшт қўйилди, яна аллақандай хилма-хил овқат, ширикликлар дастурхонни қоплади. Кетидан олти шиша вино ҳам келтирилди. Ўтирганлар қўярда-қўймай коса гули вазифасини ўқитувчи Зуннуновга топширишди. У аввал унамай кейин қуя бошлади. Янги меҳмоннинг соғлирига деб ҳамма кўтарди. Қарасак, Ҳамдамнинг ўзи яна тўртта шишани келтириб, Зуннунов ёнига қўйди. Мен ўзим ичмасам ҳам Ҳамдамга қараб: «Нима қилмоқчисан ҳамма нарсанинг ҳам ози соз» десам, сал кўнглига келди шекилли, жавоб қилмай чиқиб кетди. Зуннунов ҳалиги янги келтирилган винони кўрди-ю, қўлидаги гўштини ташлаб, секин менга ўгрилди. Қулоғимга пи chirlab, қаранг ота, инсоғданми шу, шишалар кўпми, дастурхон даги қошиқлар?» деб қолди. Мен тушунолмай турдим. Қейин ўйлаб қарасам, «шунча винога қурби етибди-ю, қошиқ олиш эсига келмапти-да» дегани экан. Роса кул гим қистади-ю, зўрға ўзимни босдим. Зуннунов шиша ларга яна кўз югуртириб чиқди. Мен Ҳамдамнинг ўзига айтиб қўйса, хафа бўлади дедим-да, дарров, қулоғига тайинладим: «Тўғри айтдингиз, аммо ўзи сезиб қолмасин, гап очмай қўяқолинг» дедим-у, иргиб туриб, ташқарига чиқдим, бир-иккита қошиқ топиб кирдим, бариб ҳаммага етмади. Қаранг, бу гап-ку Зуннунов билан иккимиз ўртамиизда ими-жимида бўлиб ўтувди-я, худди шу гап уйнинг нариги чеккасида ўтирганлар орасида ҳам бўлиб ўтибди-да, Буни мен Ҳамдам ташқарига чиқкан

пайтларида кўтарилиган кулгидан фаҳмладим. Ўзимиз ҳам алламаҳалгача ўтирик. Барибир ичкилигидан ярми қолди. Бир чеккаси коса гулининг усталигида. «Шакарнинг ози яхши» деб оз-оз қуйиб ўтириди. Ҳаммамиз гур этиб кўчага чиқдиг-у, сал юрганимиздан кейин бояги пайровда асия бошланса бўладими! Бўлди кулги, бўлди кулги. Бири шунча вино олгандан кўра қошиқ харид қилса бўлмайдими деса, бири қўлда ош ейишни асияга олди. Шуниси қизиқ бўлдики, одамлар аввалига роса кулишди-ю, охири ўйланиб қолишиди. Бадавлат турмуш кечираётган, уй-жойда ҳеч камчилиги бўлмаган Ҳамдамвойга эмас, бошқаларга ҳам тегди бу гап. Қарангки, ҳаммага шу фикр маъқул тушса бўладими! Фақат бир одам — ҳалиги ҳосилотимиз бор-ку, ўшанга ёқинқирамади. «Ота-боболаримиз қўлда еб ўрганган, ҳечқиси йўқ» деса бўладими. У ўзи шунақа, тани соғлиқ ёқмайдиган одам... Ҳақиқатан ҳам ўша винолардан ярмисининг пуллига-чи, бундоқ оиланинг тўрттасига етадиган қошиқ олса бўлади-я. Ҳам озода, ҳам қулай. Кўринишда ареимаган нарса-ю, аммо соғлиққа жуда фойдали-да, ўғлим.

— Мана қаранг қандоқ яхши,— қошиқни кўрсатди Абдуғафур ота,— Рихсибойга ўхшаганларнинг кўпи қўлда ош ейиш мазалик бўлади дейишади, аслида бу бўлмаган гап. Золимнинг замонида қошиқ йўқлигидан, қўлда ясаган ёғоч қошиқлар етишмаслигидан келиб чиқкан гап бу. Мен сизларга айтсам, шу бўлди-ю, бу гап бутун колхозга тарқалиб, ҳамманинг уйида қарабсизки, қошиғу, мана бунақанги, у панжасини кўрсатди,— вилкалар расм бўлиб кетди. Маданият, ўғлим, маданият яхши нарса... Шу-шу рух қошиқ кўринса винонинг пуллига келган деб кулишади.

Солижон ва бошқалар дам кулиб, дам ўйланиб, отанинг гапига қулоқ солар эдилар. Ота: «Барака топсин-еї, шу қошиқларни чиқарган» деб ўрнидан турди.

Комилjon келтирган шохларни кўздан кечириб, чайла учун жой мўлжаллади. Шу пайтда бригада аъзоларининг қозон атрофига тўпланиб қилаётган гурунги уни жуда завқлантириб юборди.

Баланд бўй, қотмадан келган, чўзинчоқ юзли бу йигит паҳтачиликда анча тажриба ортдирган, пешқадам бригадирлардан бири эди. Янги ерда бригадир қилиб тайинлангандан кейин, анча ўйланиб қолди. Қийинчиликларни кўз олдига келтирди, бунинг устига ҳосилот

советининг раиси ҳам уни чўчитарди, бу ишга рўйхуш бермасди.

Комилжон ўз режаларини тузиб, раис ёнига кирди, машина-эсковатор станциясининг ёрдами бўлмаса, бу ишни эплаш қийинлигини айтди. Раис «бу томонини менга қўйиб беринг» деб уни ишонтирди. Шундай бўлишига қарамай, янги одамлар билан янги жойда ишни йўлга қўйиб юбориш анча оғир бўлар деб ўйларди. Бу орада, қишлоқда дув гап тарқалди. Бирор «янги ерни обод қилса, қандини урсин» деса, яна бирор «бу ерда иш топилмайдими» дейди. Қўшни бир аёл ҳатто «ўзи хотини билан аччиқ-чучук бўлиб юриб эди, ташлаб кетаётир», дебди. Бу гапларнинг ҳаммаси Комилжонга етди. У, парво ҳам қилмай, Муҳиддин бошлиқ звено аъзолари билан бирга чўлга биринчи бўлиб чиқиб келди. Эртаси куни колхоз комсомол ёшлиаридан яна тўқиз киши, янги кўчиб келганлардан уч киши чиқди. Мана бугун, қозон атрофида йигирма икки киши давра олиб ўтирибди. Комилжонни қувонтирган нарса ана шу эди. Кексадарга бош бўлиб келган Абдугафур ота икки гапнинг бирида «тоққа чиқмасанг дўлона қайд, азоб чекмасанг жонона қайд!» деб ҳамманинг кўнглини кўтариб қўярди.

Комилжон Муҳиддиннинг ёнига ўтираётганида Абдугафур ота унга гап ташлади:

— Комилжон, менинг бир арзим бор.

Ҳамма унга қаради.

— Тинчликми? — сўради Комилжон.

— Арзим шуки, мен ошпаз бўлмайман.

— Нега?

— Нега дейсанми, ошпаз бўлсан қарилигим ўзимга ҳам билинаётганга ўхшайди.

Ўлтирганлар кулиб юборишиди.

— Ийе, ҳа,— деди кимдир,— қарилигинизни бўйнингизга олмайсизми?

— Йўқ, ундоқ эмас, мен ҳам ишласам дейман. Ҳали ўтин ёриш, ҳали гуруч ювиш, картошка артиш... э, қўй, ука бошқа бирорга ўтказ.

Комилжон дастлаб индамай ўлтирди, сўнг жавоб қилди.

— Абдугафур ота, сизни мен ошпаз қилиб тайинлаганим йўқ, бригада аъзолари сайлаб қўйган. Мана, кўпчилик нима деса, мен қарши эмасман.

— Тўғри, жуда тўғри айтдилар, Комилжон акам,— деди кимдир.

Пайтдан фойдаланган Солижон икки марта Ризани туртиб қўйди. «Ҳозир, кўпчилик ўртасига ташлаб, тайёр ошпазимиз бор деб юборайми» дея, унинг қитиғига тега бошлади.

— Асли ўчоқ кавлашдан, кетмон маъқул экан,— деди Абдуғафур ота.

— Бўлмаса, унинг йўлини топамиз,— деди Комилжон,— кечга томон кўчат ҳам келиб қолади. Эрта-индиндан ўтқазмасак вақт кетяпти. Ана шунда ошпазликка қўшиб, кўчат ўтқазишда ҳам ишларсиз.

— Ундай бўлса, Комилжон,— ўйланиб жавоб қилди Абдуғафур ота,— ҳақиқатан иш кўпаяди. Кечалари бир оз шабада бўлса ҳамки, ойдин. Демоқчиманки, шу ерни обод қилиш мақсадида келдикми, юзимиз ерга қарамасин. Беш-тўрт кунлик оғирликни гардонимизга олиб, ойдинда кўчат ўтқазсак, қандай бўларки? Нима дейсизлар, йигитлар.

— Тўғри, тўғри...

— Абдуғафур отамга қийин бўлар дейман, ойдинда ҳам овқат пиширар эканлар-да...

Кулги кўтарилиди. Қозон четини капкир билан қиртишлаётган Абдуғафур ота ҳам ўзини босолмади.

Комилжон хурсанд бўлиб кетди. Муҳиддиннинг зўрлашига қарамай, овқатдан қўлини артди. «Тунда, ойдинда ҳам ишлаймиз!» Қандай яхши фикр. Ахир ҳозир Ҳосилот ота бўлганида, эҳтимол, яна бир пичинг қилган бўлармиди. Комилжон Муҳиддинга қаради:

— Нима дейсиз?

— Нимага, тунда ишлашгами? Звеномизнинг ҳам аҳди шу.

— Яхши, жуда яхши, оғайнilar.

Қуёш гарбга томон оғабошлади. Колхозчилар ўртасида ошлас пайровида бошланган асиянинг давомидалага кўчирилди. Қора мовут гимнастёркасининг ёқасини ечиб, камарини бўшатаётган Комилжон Абдуғафур отага қаради:

— Ота, ажойиб фикрни айтдингиз-да, қаранг, ҳаммага маъқул тушибди-я.

— Үғлим кўпчиликнинг юрагидаги дардни топсанг ҳаммага маъқул бўлаверади. Уч-тўрт кун оғирлик қил-

гани билан, охири роҳат-у буни ким билмайди, дейсан. Партия сенга, бизларга ишониб шу ишни топширибди, албатта бажо келтирилади.

XII

Қаттиқ чарчаганидан ёки эсиб турган совуқ шабада таъсириданми, ҳадеганда Собирнинг уйқуси кела-вермади. Ўртоқлари ёстиққа бош қўйиб, бирпастин гурнглашиб ётишди-да, олдинма-кетин уйқуга кетишиди. Чеккада ётган Солижон «ўйқумда ҳам тинчимайман» демоқчидек, шийпонни бошига кўтариб хуррак тортмоқда, бошқаларнинг ентилгина пишиллаши қулоққа зўрга чалиниб турибди. Собир бир неча марта ёнларига ўгирилди, ёстиқни қучоқлаб, қорнини ерга қилиб кўрди, ўринда ётганида чекишга одатланмаган одам папирос ҳам тутатди. Кейин боши аралаш кўрпага бурканди, барibir бўлмади. Юқори синфларда эканлигига, йиллик имтиҳонларга тайёргарлик кўраётган кезларида шундай бўларди: ўртоқлари билан алламаҳалгача дарс тайёрлаб чарчаб ётарди-да, анчагача ухлолмасди. Ҳозиргиси ундан ҳам ўтиб кетди. Тун ярмидан оққунча уйқу келмади. Қай вақтда кўзи кетганини билмай қўлди.

Гурсиллаган овоз уни уйғотиб юборди. Бошини кўтариб қаради. Ҳа, энди эсига тушди, бу ҳам Солижоннинг иши бўлса керак. У жуда бесўнақай ётар экан. Ҳар гал ёнига ағдарилганида, оёғи ҳам кўтарилиб, гурсиллаб ерга тушарди. Буни Собир поездда сезган эди. Ярим кечада ана шундай ағдарилиб, полкадан йиқилиб тушай деди. Собир ушлаб қолмагандан роса кулги бўларди. Эрталаб ўзига айтувди, Солижон минг хил турланиб, буни ҳам, хуррак тортишини ҳам бўйнига олмади.

Собир бошини ёстиққа қўйди-да тағин уйқуси қочди. У уч томони ёпиқ шийпоннинг шипига осиғлиқ фонарга тикилганича, Мирзачўлга келадиган куни, худди шунақангি пайтда, кроватда ўтириб олиб, хотини Нафиса билан қилган суҳбатини эслади.

Кишининг ҳаётида шундай ширин, унтутилмас дақиқалар бўладики, уни бутун умр бўйи эсдан чиқармайсан. Ўзингни сал ҳоли қолгандай ҳис қилдингми, бўлди, ўша дақиқани фикран кўз олдингга келтириб, жонлантиришга ҳаракат қиласан. Вокия қаерда, қай ва-

зиятда, қандай бўлганини эслайсан, бирон жойи қовушмаса, ўшаниси аллақаёқда яшириниб, тутқич бермаётгандай, уни узоқ ўйлаб топиб келмоқчи бўласан, сал ёдан кўтарилиб қолган бўлса ҳуноб бўлиб кетасан-да бошқатдан такрорлайсан. Бундай дақиқаларни қанча кўп эсга олмагин, барибир эскирмайди, жонга тегмайди. Аксинча, роҳатланиб, дам олгандай бўласан, киши.

Шу билан бирга ҳаётда бошқа бир хил дақиқалар ҳам бўладики, уни атайин эслаш ўёқда турсин, қўққисдан ҳаёлинга келиб қолганда ҳам юрагинг арзиқиб тушади, увищади. Кишининг таъби шундай тирриқ бўладики, пешонангга қўнмоқчи бўлиб ғўнгиллаб турган арини қувгандай икки қўлингни силкитганингни билмай қоласан. Аллақандай нарсаларни эслаб, бу хунук воқиани хаёлдан чиқариб ташлашга уринасан-у, барибир, булар фойда бермайди, миянгга ўрнашиб олади. Ана шундан кейинги ноҳушликни айтинг.

Ўринда ётган Собир ҳозир шундай ҳолатда. Хотини билан бўлган тонгдаги суҳбатни эсламасликка, ўзини босишга кўп уринди-ю, эплолмади. Шунчалик кўнгилсиз суҳбатмидики, орадан шунча кун ўтса ҳам унга қўрқинчли бўлиб туюлса? Ҳа, юзаки қараганда бир-икки оғиз гап бўлгани билан Собирга жуда даҳшатли кўринди. Суҳбатнинг ҳар бир жумласи уни қўрқувга солар, энг яқин бирдан-бир қимматли кишисидан бир умрга ажralиб қолаётгандай бўларди. Ахир, севимли хотини, унинг неча йиллик соф муҳаббатини ҳис этолмаса, бир оғиз сўз бўлан уни йўққа чиқармоқчи бўлса бундан ёмони борми? Собир учун ана шуниси оғир кўринарди, бу даҳшатни у тушида ҳам, ўнгига ҳам кўз олдига келтиришни, унинг оқибати ҳақида ўйлаб кўришни истамасди.

...Гўдакликда етим қолиб, болалар уйида тарбияланган Собир ёшлик чоғлариданоқ экин экиб, парвариши қилишга жуда қизиқарди, болалар уйи боғидаги мева-лиқ дараҳтлар, сабзавотларнинг гуллашидан тортиб, мева пишгунча боғбон отанинг ёнида гирди-капалак бўлиб юрарди. Ота ҳам уни эркалар, «агар дутор чалиб бермасанг, ҳеч нарса ўргатмайман» дея тегажоқлик қиласарди. Эндинга музика тўгарагига қатнаша бошлаган Собир лабларини чўччайтириб: «Олдин ўрганиб олай, иннайкейин чалиб бераман» деб жавоб қиласарди-да, яна алаҳсиб кетарди, Дам олиш кунларини кўпинча кўшини

колхозда ўтказар, болалар чўмилиш, балиқ овлашга кетса, у, тўғри пахтазорга қараб йўл оларди. Колхозда унга ғўза чопиги ёки сугориш каби ишларни бериш масди. У, кўпроқ химизаторларга кўмаклашарди. Зарарли ҳашарот оралаган участкани аниқлаш, химизаторга хабар қилиш унинг энг севган иши эди. Бунга ҳам қониқ қилмагандай тажрибали пахтакорлар ёнига бориб, ғўзанинг парваришига доир саволлар берар, баъзан тушумай қолса агрономгача борарди. Юқори ҳосил устаси Фулом ака қачон Собирни далада кўриб қолса, «ана, кичкина пахтакор келяпти» деб кулиб қўярди. Фулом ака унга иш буюриб қолгудай бўлса, боши осмонга етар, севинганидан чопқиллаб бориб, дастёрчиликни ўрнига қўярди у, ўзича пахта терими кангуль ойларига тўғри келмаганидан хафа эди. Бир сафар Фулом ака: «Пахтанинг тез пишадиган сорти чиқса яхши бўларди-да» деб қолди. Фулом ака «Нима қиласардинг?» деб сўраса, «маза қилиб терардим-да» деб жавоб қилди. Фулом ака кулиб туриб деди: «Мана сен ўқиб олим бўлсанг, шундайини, топасан-да, ўғлим». Собир жуда севиниб кетди, анча вақтгача уста пахтакорнинг бу сўзларини мағрурланиб, такрорлаб юрди. Орадан бир йил ўтгач, худди шу гапни мактабдоши Нафисадан эшилди: «Дадам, Собир яхши пахтакор бўлади» деяптилар. Бу галгиси унга ғалати туюлди. Худди бир неча йил кўришмаган меҳрибон кишиси уни йўқлаб, салом айтиб юборгандай бўлди. Шу баҳона Нафиса билан тез-тез гаплашиб турадиган, кейинчалик унинг уйига борадиган бўлиб қолди, Фулом ака ҳам, онаси Тожи хола ҳам ҳар гал «ўғлим» деб кутиб олишар, ҳали уни, ҳали буни олдига қўйиб меҳмон қилишарди. Фулом ака Собирга ўз отасидай меҳрибон бўлиб қолди. Бир сафар, тут пишиги вақтида Нафиса билан Собир ариқ лабида ўтириб дарс тайёрлашди. Шу топда уйда ҳеч ким йўқ бўлганидан Собир тутнинг устига чиқиб тўйиб егуси келди. Нафисага айтган эди, у, «яхвиси, қоқиб еймиз» деди-да оппоқ чодир кўтариб чиқиб, тут тагига ёзди. Собир кўз очиб юмгунча дараҳтанинг тепасига чиқиб кетди, бир-икки дона тутни оғзига солиб, кейин шохларини силкита бошлади. Чодирга тушяниими, деб пастга қарамоқчи бўлганида, оёғи тойиб, йиқилиб тушди. Нафиса додлаб юборди. Чўккалаб тушган Собир ҳам қўрқиб кетди, кўз олди қоронғилашиб,

бир оз ўтириб қолди. Унинг ўнг чаккаси, шохга текканми, ғурра бўлиб, қон талашиб турарди. Нафиса жон ҳолатда унинг бошини қўллари орасига олиб, силай бошлади, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Собир ўзиға келиб иргиб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, ранги ўчиб, йиглаб турган Нафисага тикилганича, жим қолди. Унинг қўлларини секин пастга тушириб, чўғдек юзига босди. «Қўрқманг, ҳеч нарса бўлгани йўқ» деди-да, ўрнидан турди. Ўнг оёғи қоқилгандаги сингари зирқиради. У буни Нафисага сездирмади. Шу туришда, оқ чодир устида, ҳар бири бош бармоқдай тут доналари оёқ остида эзилаётганини ҳам унтишди бир-бирларига узоқ тикилиб қолишли...

Собирнинг миясидаги бояги хунук хаёлининг акси ўлароқ мана бу воқиа, бир неча дақиқали кўз қарашлар сира-сира унинг эсидан чиқмайди. Ҳатто тўй кунининг эртасига ҳам шу ҳақда завқланиб гапирган эди: «Нафисахон, агар расм бўлганда мен туғилган куними эмас, сизга мұҳаббатимнинг туғилган кунини ҳар йили нишонлар эдим». Нафиса хандон отиб кулди, «қайси кунни айтаяпсиз?» деб сўради у. «Уша, тутдан йиқилган кунимни» деб, Нафисанинг қўлидан тортган эди.

... Шу-шу Нафисани кўрмаса босган қадами орқага кетиб, қилган ишининг маъноси йўқдай бўлаверди. Ўрта мактабни битиргач уни қишлоқдаги бошланғич мактабда ўқитувчиликка қолдиришди. Орадан бир йил ўтиб, Нафиса ҳам ўн йилликни тугатди. «Тўй»дан кейин Собир алоҳида уйга чиқиб яшамоқчи бўлганида, Ғулом aka кўнмади, «сизлардан бошқа кимим бор, уй етарли» деб икки хонани ажратиб берди. Нафиса қишлоқ советининг секретари бўлиб ишлай бошлади. Улар шундай аҳил, ширин турмуш кечиришардик, қишлоқдагиларнинг кўпи ҳавас билан: «бир-бирларини тўтисар қилишади-я» дейишарди. Собир комсомолларнинг чақириғига қўшилиб Мирзачўлга бормоқчи бўлди-ю, аввал бирга жўнашга розилик берган Нафиса, орадан уч кун ўтгач, йўқ деб оёғини тираб олди. «Комсомол мажлисида сўзга чиқишдан олдин маслаҳат сўрасам хўп девдингизку» деса ҳам бўлмади. Нафисанинг жавоби Собирнинг қувончини ҳам, оргусини ҳам шамолдек учирив юборди, у шундай боши берк кўчага кириб қолдики, ҳасратини кимга айтиб, кимдан кўмак сўрашни билмасди. «Онаси-ку уни йўлдан урди, наҳотки Ғулом aka ҳам тушунмаса-а?

Комсомол комитетига кириб, ўртоқларимдан масла-
ҳат сўрасаммикин? Ахир улар ўзлари хабардор-ку, нега
инدامай туришибди. Ҳа, билдим. Бу — икки ёшнинг шах-
сий иши, Мирзачўлга бориш бўлса, мажбурий эмас деб
ўйлашгандир. Бунинг устига мен кириб ёрдам сўрасам,
албатта, аризасини қайтариб олмоқчи деб ўйлашади.
Яхшиси, индамайман. Нафисахондан ажралиш мен
учун жуда оғир, бир умр оғир бўлади, буни билиб ту-
рибман. Аммо ўз сўзимдан, комсомоллик сўзимдан қай-
тиш, бутун ҳаётимнинг мазмунидан маҳрум бўлиш билан
баб-баравар».

Собир эртага жўнайдиган кечаси ухламай чиқди.
Қараса, Нафиса ҳам уйғоқ. Тонг палласида у билан
яна гаплашди, бўлмади. Ҳаммасидан ҳам «майли, пе-
шонамдагини кўраман» дегани Собирга қаттиқ таъсир
қилди. «Бу сиздан эмас, ойингиздан чиқсан гап» демоқ-
чи бўлди-ю, хафа қилгуси келмади. Эсини таниб, кўзи-
дан ёш чиққанини шунда сезди, Нафисага сездирмай
артиб олди-да, секин ўриидан турди..

Собир иягини билаклари устига қўйиб ётганича тонг
отдириди. Унинг катта-катта кўзлари, уйқусизликдан
ич-ичига тушиб кетган, қизорган, сепкилдор юзлари,
сўлғин, рангиздай. У, поездда келаётганида ҳам шу ҳақ-
да кўп ўйлади, охирида то Нафисанинг ўзидан хат-
хабар келмагунча унга хат ёзмасликка аҳд қилиб қўй-
ган эди. Кейинчалик бу шахтидан қайтди.

Саломат етиб келгани, яхши жойлашгани ҳақида бир
марта ёзиб юбордию, ҳали жавоб хати олганича йўқ.
Энди у «саломат келдим» дебгина қўяқолмайди. Ҳам-
масини, ўзи қандай азоб чекаётганини, пок ишқи ҳақо-
ратланганини ёзди. Шуларни ўйлар экан, яна ўзига
ишенмас, Нафисадан ажралиб қолиш ваҳимаси ғолиб
чиқарди-да, «ўйлаб гапирдимикан?» деб қўярди.

Собир ҳаммадан олдин ўрнидан туриб, шийпондан
пастга тушди. Муздек ҳаво гуп этиб юзларига урилди,
ўчиқ ёнида тўхтаб, сокин далага разм солди. Бу энди
азм тут дараҳтининг шохлари тунука томгача ёпирилиб
тушган, токларнинг новдалари тутга улашиб кетган,
шафтоли, ўрик дараҳтлари ёз кунларида тангадек қўёш
туширмайдиган кенг ҳовли эмас. Уйнинг эшигидан чи-
қилгач узун коридор ҳам, бурчакда мармар деворига
тошойна ўтказилган умивальник ҳам йўқ. Жўмрагининг
икки томонида иккита совун қутиси турарди. Бирй —

мана ҳозир Собир қўлида ушлаб турган, мовий ранг, сув тўлқинига ўхшаш гули бор оддий қутича. Иккинчи си бошқача. Металлдан ишланиб, қопқоғига жажжи бир қизнинг юзларидаги совун кўпиги орасидан кўзини катта очганича кулиб турган пайти ўйиб туширилган қутича. Буни Собир Нафисанинг түғилган куни бошқа совғалар қаторида унга тақдим қилган эди. Нафиса бу қутичани жуда ёқтиар, фақат суратдагига ўхшатиб юзлари совун ҳолида кўзини очишга ўрганолмасди. Собир шундай пайтни пойлаб турарди-да, сёкин орқасидан келиб иккала билагидан маҳкам ушлаб оларди. Кўпикдан кўзини очолмаган Нафиса йиглаган бўларди, ялиниб кўрарди. Собир ўзига ёқиб қолган аллақандай сўзини айтдирмагунча унинг қўлларини қўйиб юбормасди. Эр-хотиннинг бундай ҳангомасини кўриб қолган Тожи хола ҳавас биланми ё ҳasad биланми ўз айвонида туриб узоқ томоша қиласди...

Собир чўян обдастани олиб, наридан-бери ювиндида, шийпонга келди. Ҳали ҳам ҳеч ким турмабди. У, чамадонидан қоғоз, конверт олиб, супанинг лабига ўтириди. Автомат ручкасини очар экан, ёзган билан адо бўлмайдиган хатни нимадан бошлишини билмади. Оппоқ қоғоз устига «Азизим Нафисам...» деган сўз тушди-ю, узоқ ўйланиб қолди.

XIII

Қиши чиқиб, баҳор кирадиган кезлардаги совуқ шабада ҳам чакана бўлмайди. Айниқса чўлу биёбонда. Қечки пайтлари баданни ачитувчи бундай изғирин чўл бағрида кезиб қолар, Аъзамга ўхшаганларни жунжитиб, табини анча тирриқ қиласди. Бугун ҳам шундай бўлди.

Аъзам куни бўйи Муҳиддинни холироқ учратишга кўп уриниб кўрди, бўлмади. Тушки овқатдан кейин Муҳиддин, Риза, ўзи ҳам келган хатларни ўқиш, жавоб ёзиш билан овора бўлишиди. Аъзам уйидан келган хатни икки марта ўқиб чиқди, бироқ жавоб ёзмади. Қечадан берли бир сабаб топиб якка ўзи қишлоққа тушишини мўлжаллаб қўйган эди. Хатни ўқигач яна шошилди. Конвертдаги бир варақ қоғоз унга: «қани бўл, ўзингни дадилроқ тут» деяётгандай юрагини таталайверди. Хатни ўқиётганида Муҳиддиннинг «уйлар тинчликми?» деган саволига «ҳа, ҳаммаларингга салом ёзишибди» деб қўяқолди. Буни бошқа ўртоқлари ҳам эшилди.

Муҳиддин шийлон ёнида Комилжон билан анча сухбатлашди. Уларнинг ёнида ўтирган Аъзам Комилжоннинг туришини сабрсизланиб кутди. Ниҳоят, Муҳиддин якка қолгач, секин ёнига келди:

— Дўстим, мен бир қишлоққа тушиб чиқсан,— у аллақаери оғриётгандек, пешонасини тиришириди, ижирганиб, зўрға гапира бошлади,— эрталабдан берли бошим зирқираб оғрияпти.

— Бошим?— ажабланди Муҳиддин унинг юзига тикилиб қааркан.

— Ҳа, куни бўйи аъзойи-баданим увишиб, лохас бўлиб юрдим.

Муҳиддин Аъзамнинг эрталаб ҳам, далада ҳам ланжроқ кўринганини, ишга ҳам қўли бормаганини сезган эди. Ҳозир унинг аҳволига ачинди.

— Қизиқ одатинг бор-да. Нега бу ерга келиб камгап, ичимдагини топ дейдиган бўлиб қолдинг, ҳайронман. Шунаقا экан, кундузи айтмайсанми, ҳалиги машинада тушиб чиқардинг.

— Босилиб қолар девдим-да.

Муҳиддиннинг кўзига Аъзамнинг ранги оқариб кетгандай бўлиб кўринди.

— Ҳаммасидан ҳам саломатлик керак,— деди Муҳиддин ва ўйланиб қолди,— шошма бўлмаса, мен ўзим бирга олиб тушаман,— у ўрнидан турган эди, Аъзам қўлидан ушлаб тўхтатди:

— Йўқ, дўстим, ҳожати йўқ. Ўзим кичкина бола эмасман, бошим ҳам қаттиқ оғриётгани йўқ, овора бўлма.

— Овораси борми, бирга тушиб чиқамиз,— қаттиқ туриб олди Муҳиддин.

— Йўқ, йўқ, жон оғайнини, бўлмаса тушмайман.

— Ахир...

— Йўқ... Йўл олисмас, вақт эрта.

Муҳиддин Аъзамга тикилиб, ўйланиб қолди.

— Дуруст. Медпунктга кириб, кўрсат. Мабодо ма занг қочса, қайтиб чиқма. Ҳосият холамникида қолавер, тузукми?

— Хўп,— деди Аъзам. У фақат бир нарсани: «болаларга айтмай қўяқол» дейишни гапиролмади. Бу мумкин эмас, ахир. Барибир билишади.

Аъзам ертўла томон юрганида кетидан Муҳиддин шундай деб қолди:

— Дурустроқ кийиниб ол, шамол бўлиб турибди.

Аъзам шу бир оғиз сузни эшитди-ю бир хил бўлиб кетди, қадами сустлаши.

Саёҳатга ёки дам олиш учун бошқа бир шаҳарга борганингда, орадан сал вақт ўтмай уйингни, ойлангдагиларни соғинасан, киши. Конвертдаги бир парча хат, телефон, телеграммалар анча тасалли беради-ю, шунда ҳам бўлмайди. Соғинасан. Қайтиб кетиш пайтини зориқиб кутасан. Бу табиий. Вақти соати келиб, чамадонни қўлингга олиб, йўлга чиққанингда-чи? Бир неча ҳафта ми, ойми сен яшаган ана шу жойда алланарсанг қолгандай бўлади. Аллақаеринг жиз этиб кетади. Шунда қалбингнинг кичик бир бўлакчасини қолдиргандай ҳис қиласан. Ўша ерлик кициларнинг меҳри-муҳаббатими, жойнинг манзарасими, қайси бири сени ўзига мафтун қилганини билолмайсан.

Аъзам ҳам ҳозир худди шундай ҳолатда маъюс қадам ташлаб бораради. Кечадан берли миясини чулғаб олган хаёл рўёбга чиқаётганидан хурсанддай кўринади-ю, аммо, қовжираган ер билан кўқдан бўлак ҳеч қаери қизиқтирмайдиган ана шу жойда алланарсаси қолгандай бўларди. Чамадоними? Йўқ. Бу нарса хаёлига ҳам келмайди. Тенгқур ёру дўстлари, ҳамқишлоқларими ёки бригададаги бошқа ёшу қариларми? Бунга ўзи ҳам тушунолмасди. Йўлнинг ярмига борганида қоронги тушди. Бироқ у гисиллатиб турган чўл шамолини ҳам, қоронеиликни ҳам сезмасди. Ўйидан келган хатдаги икки камима сўз эсига тушди: «Тоғангнинг ўғли Каримжон келаси ҳафта уйланяпти. Катта тўй қилишса керак. Сен бўлганингда...»

Ҳа тўйнинг бош-қошида бўларди. Елиб-югуриб хизмат қиларди. Тенгдош ўртоғи-ку. Каримжон албатта янгича, маданий тўй қилади. Қишлоқнинг бутун йигит қизлари бўлади. Ўйин-кулги қизийди, қадаҳлар кўтарилади. Шунда Аъзамни тилга олишармикин? Муҳиддинларни-чи? Ҳали улар тўйдан бехабар. Бўлмаса Солижон деганлар жар солиб юбормасмиди. «Мирза — чўлликларнинг соғлири учун ўзим қадаҳ кўтараман» деб қўйди қатъий қарорга келиб Аъзам.

Шу зайлда борар экан, қаёққа кетаётганини, қишлоққа боргач, нима қилади-ю, ундан кейин қаерга бораради, танишлар учраб қолса нима дейди, машина тоپилса тузук, тоپилмаса станциягача пиёда чиқадими? Билмасди. Бу саволларчувалашиб кетар, Аъзам унинг

учини топиб ололмасди. Узоқда чироқлар милтиллади, қишлоқ қораси кўринди. Шундагина Аъзам медпунктга киражагини эслади. Муҳиддиннинг «дурустроқ кийиниб ол» деган сўзи қулоқлари тагида жаранглади. Муҳиддиннинг меҳрибончилигиданми ёки уни алдаганиданми хижолат тортгандай бўлди.

Қишлоқ марказидаги кўчли репродуктордан эшитилаётган «ўзбекча вальс» унга яна тўйни эслатди. Қизил чойхона ёнидан ўтиб, клуб биноси олдида тўхтади. Катта ҳарфлар билан ёзилган афишага — «Москвадан узоқда» деган лавҳага кўзи тушди. Соатига қаради. Кино бошланганига ярим соатча бўлибди. Таниш кишиларга учраб қолмаслигидан хотиржам бўлиб, шу атрофда бир оз айланиб юрди. Беш-олти марта кўзига тушган ҳалиги лавҳа кинофильми эслатди. Аъзам уни бир эмас, уч марта кўрган эди. Дераза орқали зўра эшитилаётгани овозларга қулоқ бериб ҳозир, қайси воқия бўлаётганини дарров эслади. Эслади-ю, биринчи куни машинада келган пайти кўз ўнгидан памоён бўлди.

Машина учрамаганидан бирон қарорга келолмас, хаёл дам у ёққа, дам бу ёққа олиб қочар, тиним бермасди. Бир дақиқа ўзига-ўзи сўз бериб, тўғри станцияга жўнамоқчи бўлиб туар, сал ўтгач, яна бўшашиб қоларди.

Кўчанинг нариги бетидаги кичкина дўконча ёнида ҳеч ким йўқ. Оқ халат кийган сотувчи йигит газета ўқиб ўтирибди. Аъзам мени таҳимайди-ку, деган хаёл билан дўкон томонга юрди. То у яқинлашгунча газетадан кўзини олмаган сотувчи, прилавка ёнида Аъзамни кўриб, ўрнидан турди.

— Келинг,— деди хушмуомалалик билан.

Аъзам ҳам ноҳушгина сўрашди. Бир нарса олишни мўлжаллагандай полкаларга кўз югуртди.

— Битта «Беломор» беринг,— деди у анчадан кейин чўнтағидан пул чиқариб.

Сотувчи папирос устига гугурт қўйиб узатди. Прилавка тортмасидан қайтариш учун пул олар экан, Аъзамга бир-икки қараб қўйди. Аъзам папиросни очатуриб:

— Бир стакан портвейнингиздан ҳам берсангиз,— деди.

Сотувчи қўлидаги пулни санайтуриб, афсуслангандай бўлди, очик вино йўқлигини айтди.

- Балки, ярим литрлитаини олиб қўяқоларсиз.
- Йўқ. Бир стакани кифоя. Шунчаки совуқдан бироз,— деди ийманиб Аъзам.
- Тушунаман. Фақат бизда... ўйланиб қолди сотувчи,— шошманг, мана бу ёққа киринг,— у эшикни очиб Аъзамни ичкарига таклиф қилди,— бир стаканини сиз иссангиз, қолганини бир гап қиласмиз.

Аъзам шуни кутиб тургандай, лил этиб ўзини ичкари олди, таклифни кутиб турмай, бўш яшик устига ўтирилган Сельпода ўзи ишлаган дўкон ҳам шундай ихчам, бир томонида мол турадиган кичкинагина хонаси бўлиб, баъзи-баъзиде у ҳам ҳозиргидай кўз қиймас ўртоқлари, танишларини ана шу хонага таклиф қиласди. Сотувчининг хушмуомаласи унга жуда ёқиб тушди. Шунинг учунми, ёки уни-буни кўриб, ҳеч нарса харид қилмайдиган ха-ридорларни ўзи ёқтиргмагани учунми, папирос сотиб, олди. Ўтириши билан бир донасини чиқариб чекди, бир эмас, тўрт жойидан қайчилади. Тутуни ичига кетиб, ўтталиб ҳам олди. Кашандা одам унинг ҳозирги ҳолини кўриб, умрида папирос чекмаганлигини пайқаб оларди.

Сотувчи шишани очиб, бир стакан вино қўйиб берди. Прилавка тагидан битта ёғлиқ патир олиб, тарелкага ушатди, унинг ёнига қўйди. Аъзам винонинг ярмини зўрга ичди, сесканди, сотувчига сездирмай лабларини артиб, бир тишлам нонни оғзига солди.

Шу пайт кўча томондан қизларнинг кулгиси эши-тилди. Аъзам уларнинг бирини Юлдўзхоннинг овозига ўкшатиб, ўзини ичкарироққа олди. Қизлар шу томонга келишаётган экан, сотувчи йигит Аъзамни ҳам унутиб, халатининг тугмаларини солди, прилавка устини тозалаб, ўша томонга кулиб қаради.

— Қани, қани, марҳамат, хизматларида миз,— дея икки қўлини кўксига қўйди. Қизлар прилавка ёнига келишганда қўл узатди.

— Бормисиз, Кароматхон, камнамосиз,— кўришиб бўлиб, ёнидагисига қўл узатганида, у қиз: «Вой, бир кунда неча марталаб кўришасиз» деб кулиб юборди. «Буниси кечки салом, Нелаҳон» деди-да, ахир унинг қўлини олишга муваффақ бўлди, сотувчи.

Аъзам ўзини пана қилиб, қизларга тикилганида Нелаҳоннинг кўзи унга тушиб қолди. Аъзам буни кейин пайқади.

— Қани, Адҳамжон ака, энг яхши атирларинингиздан кўрсатингчى,— деди Кароматхон.

— Ҳўп бўлади, жоним билан,— Адҳам полкалардаги атирларнинг ҳамма туридан биттадан олиб, прилавка устига йўйиб ташлади. Неля билан Каромат атирларни кўздан кечирав әкан, Аъзам виноли стаканни секин орқасига олиб яшириб қўйди. Ярми ҳам чекилмаган пашироғни эзғилаб ўчирди. Ер тагидан харидорларни кузатса бошлади.

Адҳамнинг тўлачадан келган юзлари қизариб кетган, қизлар олдида ўзини маданиятли, ширин сўз қилиб кўрсатишга уринаётгани сезилиб туради. Буни Аъзам ҳам пайқади. Кароматхон сариқ қутичадаги «Подарочный»ни ажратиб, ёқармикан дегандай дугонасига кўрсатган эди, у, «жуда яхши, мен мана бу «Жди меня» ни оламан, деди. Аъзам бу атирнинг ўзидан ҳам номини жуда ёқтишар рэди. Шу туфайлими, Неля шундай деганида жуда яхшисини танладингиз деб юборишга сал қолди.

— Кимга оляпсизлар?— сўради Адҳам.

— Билиш шартми?— деди Кароматхон қошларини чимириб,— барибир айтсан ишонмайсиз?

— Нега?! Сизларга ишонмасам...

— Йигитларга,— деди Неля ва Кароматхоннинг елкасига кўлини ташлаб, кулиб юборди.

— Йигитларга?!— Адҳам кўзларини катта очиб уларга тикилди,— қанақангги бағри тош йигитлар әканки, сизларни атир олишга мажбур қилса.

— Ийе, ҳа, шунақалари йўқ демоқчимисиз, Адҳамжон?— деди Неля, атирни ҳидлай туриб,— қани, шуни ўраб беринг-чи.

— Шунақаси бўлса менга кўрсатиб қўйинг, бир адабини...

— Хоро,— кулиб юборди Кароматхон,— катта кетиб юбормадингизми?

Адҳам ўйланиб қолди.

— Бўлса битта-яримта кавакда қолиб, пўпанак босгани бордир-да.

— Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз,— Қароматхон Адҳамга аллақандай сирли тикилгандай бўлди,— бугун Турсунойнинг туғилган куни, шунга кетяпмиз.

— Үзимизнинг Турсунойнинг-а?— қизиқиб сўради Адҳам.

— Ҳа, ўзингизнинг Турсуной,— деди Кароматхон.

— Неча ёшга?..

— Буниси ҳарбий сир, Адҳамжон,— жавоб қилди Неля.

Адҳам шошилиб ноўрин савол бериб қўйганини энди пайқади. Сир бой бермай, атиrlарни олиб, жойига қўя бошлади.

— Роса ўйин қилар экансизларда-а? Бизни айтмабди ҳам,— гинахонлик қилди Адҳам.

Қизлар хоҳолаб кулиб юбориши.

— Туғилган кун зиёфатига таклиф қилиш шарт эмас. Ўша кунни эсида тутган одамлар ўзлари боришаверади,— деди Неля.

— Ўзингизнинг Турсуной-ку, бораверинг-да,— Кароматхон бу гал ҳам атайи «ўзингизнинг» сўзини чертиб айтиб, пичинг қилди, кейин юзини тескари бурди.

— Қани юр, Неля, кетдик,— деди-да, дугонасининг қўлидан ушлаб олди.

Улар бир неча қадам юришгач, «хайр» деган овоз эшишилди. Кароматхон айтдими ёки Нелянинг овозими — буни Адҳам фаҳмлай олмади. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапираман деб аҳд қилиб қўйган Адҳам шунча уринса ҳамки, барибир, яна қўполлик қилиб қўйди.

Адҳам Мирзачўлга келганидан буен Кароматхон билан бир неча марта учрашди. Нима учундир ҳар галгиси унга янгидан-янги завқ бағишларди. Ҳамма ишда, клубда ҳам, колектив бўлиб театрга боришганда ҳам қизлар орасида Кароматхон алоҳида ажralиб турарди. Унинг дугонаси Турсуной Кароматга қараганда чиройли, ҳозиржавоб қиз эди. Адҳам билан учрашганида ҳам «яхши мол келса кўзингизни шира босади» деганга ўхшаш гапларни айтиб, тегажоқлик қилар, буни эшигтан Каромат энсаси қотгандай ё тескари бурилар, ё қовоғини солиб оларди. Шундай бўлишига қарамай Адҳамга кўпроқ Кароматхон ёқарди. Адҳамнинг фикрича, қишлоқда Кароматхондан ўтадиган қиз йўқдай.

«Энди нима бўлди?» Ҳамон қизлар кетган томонга тикилганича шу саволни берарди. Турсунойни қайта-қайта сўради, бу етмагандай ёшини ҳам аниқлаб олмоқчи бўлди-я. «Эҳ, чакки қилдим-да» деб, мушти билан прилавкани уриб қўйди. Шундагина дўконда одам борлиги өсига тушди.

— Ҳҳ, кечирасиз,— Аъзамга қараб қизариб кетди у.

— Нимаси чакқи бўлди, иккови ҳам дурустга ўхшай-ди-ю,— деди кулиб Аъзам.

Адҳамнинг бутун ҳаракатларини кўриб, орада сир борлингини пайқаб олган Аъзам Мирзачўлдаги қандай-лир дўконда, нотаниш йигит ёнида эканини унутиб қўйған эди. Хатдаги Қаримжоннинг тўйи ўрнини энди қизиларининг ўйин-кулгуси, ҳозир шу ерда Турсуной деган қизнинг уйида айтилаётган ашула, пластинка овозлари эгаллади. Адҳамнинг прилавкани муштлаши унинг ҳаёлини бўлди. Бироқ Адҳам Аъзамга тез жавоб қайтара қоладиган бўлди-да... Агар танигандা-ку, ҳаммасини айтиб, дардлашарди-я. Афсуски, бунақанги сирлар ҳаммага айтилавермайди.

— Мен буларни айтиётганим йўқ,— деди гапни бошқа томонга буриб Адҳам,— кутубхонадан бир китоб олмоқчи эдим, унутибман, шу эсимга тушди. Дарс тайёрлаш эртага қоладиган бўлди-да... Вино ёқдими?— яна қуйиб берайми дегани эди бу.

— Ҳали ярми турибди,— Аъзам стаканни қўлига олди,— дарс дедингизми? Шу ерда ўқийсизми?

— Йўқ. Тошкентда. Сиртдан ўқийман,— Адҳам ҳозир якка ўзи қолишини истарди. Шундай қисқа-қисқа жавоб қилсан, харидордан қутилармиканман деди-ю, бўлмади. Аъзам винони ичиб, яна қўйишни илтимос қилда.

— Кечирасиз, ўзингиз Мирзачўлликми?— сўради у.

— Ҳа, йўқ, э, яқинда келганимиз, уч ойча бўлди... Яиглишмасам ўзлари шу ерлик бўйсалар керак-а?

— Ҳа, райондан. Бир танишимизникига қелиб эдим,— деди Аъзам.

— Ийе, мен сизни ҳосилотимизнинг ўхшатибман. Яқинда каникулга қелиб қолар дейишган эди.

Аъзам бу гапга эътибор ҳам бермади. Тўсатдан юрагига ғулгула тушди. Бирор унга: «Нега ёлғон гапирдинг қочоқ, бу ерда нима қилиб ўтирибсан» деяётгандай бўлди. Стаканни кўтариб, винони шимирди-да, қўлига бир бурда патир олиб, Адҳамга пул узатди. «Хайр, раҳмат» деб чиқиб кетди.

Ҳаво очиқ. Совуқ яна кучайган. Аъзам эшикни очиши билан муздек сувга шўнгигб олгандай бўлди-ю, ёқаларини кўтарди. Қўчанинг четидан борар экан, кулиб турган, қизлар келганида юзлари қизариб кетган Адҳамни эслади: Ким у? Аъзамга ўхшаган савдо ҳодими, тағин сиртдан ўқир экан-а. Неля-чи? Ким бўлиб ишлар экан у?

Кароматхон-чи. Қор-бўронни писанд қилмайдиган хушчақчақ, дуторга ишқибоз шофёр-чи? Машинасига ўтирганида қўирчоқдек бўлиб кўринадиган эксковаторчи йигит-чи. Исли нима эди-я? Аллаким ҳам уни митти деб чақирганида аччиғланган эди. Балки ҳозир дала томондан гувиллаб эшитилаётган овоз ўшанинг машинасинидир. Сменалаб ишлаяпмиз деган эди.

Боя икки стакан сувдай бўлиб кўринган вино ўз таъсирини ўтказа бошлиди. Аъзамнинг кўзлари жимирилашиб, клуб қаторидаги бинолар бирлашиб кетгандай бўлди. Шу пайт узоқдан келаётган машина чироғи кўчани ёритиб юборди. Мабода машина учрамаса станцияга пиёда чиқиб кетишга аҳд қилиб қўйган. Аъзам, беихтиёр, худди бирордан яширигандек чап томондаги кўчага бурилди. Машина клуб ёнига бориб тўхтади. Кимdir ўша ердан овозининг борича «қани станцияга чиқадиган одам борми?» деб чақиргандай бўлди. Чақирганда ҳам ким дэнг? Худди ўша дуторга ишқибоз йигитнинг овозига ўхшаб кетди. Аъзам қадамини тезлатди...

— Кўнгли тоза-ю, кўйлаги кирроқقا ўхшайди!

— Жим, ойи.

Кўзларини очолмай ётган Аъзам ўзига келганда, шу сўзларни эшитиб қолди. Кимdir пешонасини ушлаб турарди. Уйдаги ғовур-ғувурдан билдики, уч-тўрт киши борга ўхшайди. Ўзини ухлаётгандек қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Бироқ, устидаги кўрпа оғирлик қилди, исиб кетди. Кўзини очиб, ёнида ўтирган Неляни кўрди. «Мен қаердаман» дегандай атрофга қаради. Хосият хола яқинлашди.

— Дурустмисан, болам?— деди у пешонасини ушлаб,— нима бўлди?

— Сал тобим қочиб...— Аъзам галини тугатөлмай, бошини кўтарди, кроватдан тушмоқчи бўлганида Неля унинг қўлидан ушлади.

— Ётатуринг,— деди секин. Аъзам қизнинг юзига қаролмади.

Эшикдан қўлида чойнак, пиёла ушлаган Юлдузхон кириб келди. Бир пиёла чой қуйиб Аъзамга узатди.

— Дурустмисиз, Аъзам ака? Ойим қўрқиб кетибдилар.

— Кечирасизлар, мен сизларни безовта қилдим.

— Ҳечқиси йўқ, қани иссиқ-иссиқ ичгин,— тарелка-да қанд узатди Хосият хола.

Ҳар хўплам чой ичакни ачитар, ҳасипга сув сола-
ётгандек овоз чиқаарди. Аъзам қорни оч эканлигини
чили сезди. Кўзини пиёладан олмас, чой тугамаса-ю
ёнидагиларга қарамаса. Ҳозир фақат шуни истарди.
Қасрдалиги, нега келиб қолганини эслади.—Фақат бир
шарса уни қийнарди. Неля нега бу ерда? Демак мага-
зинда ўтирганини ҳам буларга айтиб берган, демак
ҳаммалари билишади, Йўқ. Ичганини у кўрмаган эди-
ку, Турсунойларникига кетган эди-ку. Ундан кейин
Аъзам магазинда анча ўтирди. Қандай қилиб...

Аъзамнинг боши бош эмас, одам кўтаролмайдиган
чўяндек оғир эди. Қимирлатса зирқирайди. Умрида би-
риичи марта шундай бўлаётганидан қўрқиб кетди.
Ҳамон бошини қуи солиб ўтиради. Хосият хола ташқа-
ри чиқди. Кетидан чойнак қопқоғи шарақлади. Юлдуз-
хон ҳам чиқиб кетди. Аъзам ҳозир Неля ҳам чиқиб ке-
тар деб турганида, у гапириб қолди.

— Зарари йўқ. Гоҳо киши қоқилади. Хотиржам бў-
линг, ҳеч ким билмайди.

Аъзам яйт этиб Неляга қаради. Кўзига тикилма-
ди-ю, пешонасидан тушиб турган қўнғир соchlарига қа-
раб қолди.

— Раҳмат... Юлдузхон ҳам...

— Сезди-ю, мен уни чалғитдим, уялманг дедим,—
у сумкасидан бир-икки хил таблетка чиқарди,— бо-
шингиз оғриса мана буни ичарсиз,— Неля ўрнидан
турди.

— Раҳмат сизга... зиёфатдан қолдириб, безовта
қилдим.

— Зарари йўқ. Вазифам шундай. Зиёфатни яна да-
вом этдираверамиз.

— Фақат...

— Хотиржам бўлинг, ҳеч ким билгани йўқ. Хайр.

Неля эшикни очиб, Хосият холага дуч келди. Улар
чиқиб кетишиди. Аъзам совиб қолган чойдан бир хўпла-
ди. У ҳозир якка қолишини, ҳеч кимга кўринмасликни ис-
тарди. Қозиқдаги пальтосига кўзи тушди. Бир енгги иф-
лосроқ кўринди. Қайт қилганини сира эслолмасди. Ўй-
лаб қараса, ўша машинадан ўзини яширгандан кейин-
гисини билмасди. Шунча уриниб кўрди, бўлмади. Ўзини
кроватга отди. Мияси ёрилгудай бўлиб кетди. Ҳўнграб
йиғлагуси, бошини деворга уриб, дод солгуси келарди.
Нихоят қулоқлари тагида «Кўнгли тоза-ю, кўйлаги

кир» деган сўзлар тақрорлангандай бўлди. Ким айтди буни? Хосият хола. Ушанинг овози эди.

У анчагача ухлай олмади. «Демак кўйлакни тозалаш керак» — ўзича пицирлади-да, ёнбошлаб олди.

XIV

Боронадан чиқарилган, майин тупроқлари юза селгиган ерлар қиши либосини ташлаганича, бағрини кенг очиб, баҳорнинг ҳаётбахиш ҳавосида тўйиб-тўйиб нафас олмоқда, ўз кўркини бутун чўлга кўз-кўз қилмоқда. Бу манзара кеч кузакда хас-чўплар, қуриган новдалар, сапсариқ барглар билан ифлосланиб ётган катта, чегарасиз майдоннинг бир чеккасини супуриб, сув сепиб қўйгандек кўзга ташланади. Дала атрофига ўтказилган, қаддини ростлаб олган дарахт кўчатлари эртаниги шамолда бир маромда эгилиб, читирлаган овоз чиқариб турибди. Янги қазилган, дарахтлар тагидан ўтган ариқчанинг ўртарогига чигитни ивitiш учун ҳовузча қилинган. Бу ариқча ҳали кенгаяди, янги ернинг катта, росмана ариғи шу ердан ўтади. Ҳувана, даланинг канал томонида гулдирлаб, акс садо бериб турган баҳайбат экскаватор, канавокопатель худди шу иш билан банд.

Чўл қучоғида янги куннинг бошланганини билдиришмоқчидаи тонг билан баробар ишга тушадиган бу машиналар шийпондагиларнинг кўпчилигини бир вақт уйғотиб юборарди. Солижон ўйлаб-ўйлаб, шунга ҳам гап топибди. Экскаваторчиларни «бизнинг гудогимиз» деб атайди. Бир куни эрталаб шу гапни айтиб турганида, экскаваторчи йигит эшитиб қолиб, хафа бўлди. Солижон бунга парво ҳам қилмади, дарров жавоб топди:

— Гудок деганимга хафа бўлдингизми? Ҳе-е. Ахир катта-катта машина чиқарадиган заводлар гудоксиз, ишламайди-ку. Даланинг заводи нима? Эм-те-эс, эм-те-эсми, ахир? Щундай бўлгач гудоксиз, яъни масалан, машиналарсиз ишлай олмайди... Қачонгача занг урамиз?.. А, лаббай...

Экскаваторчи йигит соддароқ экан, хафа бўлиш қаёқда дейсиз, қайтанга хурсанд бўлиб, машинаси ёнига кетди.

Муҳиддин ҳам шу овоз билан ўрнидан туриб кетди, ариқ лабига бориб, дорилаб қўйилган чигитни кўздан ке-

чирап экан, шилдирлаб оқаётган тиниқ сувга тикилиб қолди. Гадир-будир жойларида ўзига хос тўлқин ҳосил қилиб, кўпириб, аллақаёқларга ошиқаётган сув табиагнинг нақадар гўзаллигини акс этдираётгандай бўлди. «Кизиқ, мунча шошилади?— деди-ю, мийифида кулиб қўйди Мұхиддин,— ҳаёт ҳам худди шундай, олдинга интилади, бир ерда тўхтаб турмайди, доим ҳаракатда». У, ёнига ўгрилиб, далага қаради, ундан нарига, уфққача кўз югуртди. «Нега бу чўл қимир этмай турибди. Ҳали озмунча ер борми бу ёқларда... Йўқ, энди у қўзғалади, биз уни худди мана шу сувдек ҳаракатга келтирамиз, жонлантирамиз».

Мұхиддин қўлида бир ҳовуч сув олиб ўрнидан турди, шу томонга келаётган Комилжонга кўзи тушиб тўхтаб қолди.

— Ҳа, ука,— Комилжон табассум билан кўришди,— эрталабдан йўлини тўсаман дебсиз-да.

— Йўғ-эй, шу вақтгача қимир этмай турганига ҳайронман,— деди Мұхиддин тракторни кўрсатиб.

Комилжон «ҳозир бирга борамиз» дегандай кулиб қаради-да, энгашиб чигитдан бир сиқимини олди.

— Қалай, дурустми?

— Яхши, тобида,— деди Мұхиддин.

Улар трактор турган звено ерига яқинлашишганда, тракторчининг ерга ётиб олиб алланима қилаётганини кўришди, Комилжон Мұхиддинни тўхтатди.

— Сиз бораверинг, ҳозир сизнинг ерингизга тушади, шу бугун тугатиши керак, аммо сеялкага ўзингиз ўти-ринг, жон ука,— деди-да, ўша томонга кетди.

Ишни пишиқ қилиш Комилжоннинг энг яхши одатларидан бири эди. Мұхиддин буни жуда ёқтиради. Дастррабки кунлари унча сезмади-ю, ерни ҳайдаш пайтида айниқса билиб олди. Ҳайдовнинг сифатини шундай текшириб бордики, ҳар гектарга деярли бир неча марта-лаб чўп тиқиб, кавлаб кўрди деса бўлади. Бу сафар Мұхиддинга: «Тракторчиларга бу иш ёқмайди-ю, лекин бошқа иложимиз йўқ. Мен уларга ишонмаганимдан эмас, янги ер бўлганидан шундай қиляпман. Жон ука, сиз ҳам эринманг, қайта-қайта кўздан кечираверинг, шу пайтда сал бўшаштирасак, кейин қўлдан бериб қўямиз» деб тайинлади. Шу гапни айтганидан кейин ҳеч вақт ўтмай туриб, ниманидир баҳона қилди-да, яна звено ерига келиб қолди, қадам босган жойига чўп тиқиб кўрди.

Комилжоннинг ҳаракатлари Муҳиддинга ўз отасини эслатарди. У ҳам худди шундай қилас, колхозда баъзилар Раҳим отани шу ишдан ютади деб юришганини ҳам эшиштган эди.

Звено ери шўри ювилгандан кейин сифатли қилиб ҳайдалди. Бригадир айтганидек икки кун мобайнида Муҳиддиннинг ўзи ҳайдовнинг сифатини текшириб турди, тракторчи тажангроқ йигит экан, унга яхши гапириб, тушунтириди:

— Биродар, иш пухта бўлса, хирмон кўтарганда иккимизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

Муҳиддин шийлонга борди, бирин-сирин ювинаётган кишилар орасидан Солижонни топиб, унга чигит етказиб бериб туришини топширди, қолганлар ернинг чеккалари, трактор бурилганда қолиб кетадиган жойларига қараб туришлари кераклигини гапирав экан, Аъзам уларга яқинлашиди. Ўша кунги воқиадан кейин у анча сўлиб қолган, ҳеч ким ҳеч нарса демаса ҳам ўзича ўртоқларининг юзига тик қаролмасди. Ҳозир ҳам маъюс, кўзлари киртайган. У Муҳиддинни чеккароққа чақирди-да, ялингансимон гапира бошлади:

— Жон дўстим, пичноқ суюкка бориб тақалди, бу кечча ҳам ухламай чиқдим. Бўлар энди, менга ишонавер.

— Бўлди дедим-ку, бирор бир нарса деяптими?

— Мажлисга қўйманглар, жуда оғир бўлади, мана шу деворий газетадагиси ҳам нарёғ-берёғимдан ўтиб кетди, жон дўстим.

Трактор овози суҳбатни бўлди. Муҳиддин Аъзамнинг елкасидан қўлини олиб, «хўп» дегандай уни юпатди-да, ўзи югуриб трактор ёнига кетди. Солижон сеялкага чигитни солиб, тракторчига қўлини пахса қилиб гапириб турарди:

— Бугунги кун чўлнинг тарихида жуда улуғ кун. Вақти келиб, ундан ҳаётинг қачон бошланган деб сўралганда, шу кунни кўрсатади, ким бошловди деса, азamat йигитлар, ичида Солижон ҳам бор эди дейди. Бу ҳазилакам гап эмас... А, лаббай... Ана ўzlари келдилар.

Муҳиддин сеялкага чиқди. Унинг юзидаги табассум ҳам, Солижон айтган гапларни эшишмаган бўлса-да, шу маънени англатарди.

Трактор жойидан қўзгалди. Самоварга олов ташлаётган Абдуғафур ота алланималар деб, қўлини баланд

кўтарди, шийпон ёнидан Қомилжон ҳам шуидай қилди. Уларнинг яхши ният тиләётганларини сезган Мұхиддин ҳам, тракторчи ҳам кўл кўтариб, жавоб беришди. Ҷаланинг ҳар қаер-ҳар қаерида ишлаётган колхозчилар ҳам бир нафас тик туриб қолдилар, тракторнинг бир бориб келишини узоқлардан туриб кузатдилар. Уларнинг ҳозирги қувончи Абдуғафур отанинг қалбидаги аллақандай ҳис ўйғотди, ялт этиб Қатта Фарғона каналини кўз олдига келтириб қўйди. Ана, кечагина битказилиб, таҳт қилинган каналга сув қўйилди. Колхозчилар канал ўртасида ютуриб келаётган сувнинг олдига тушиб, ўйин қилишяпти, янги ерларга ҳаёт бошлаб келишяпти. Ҳозир-чи? Бунинг маъноси ҳам ўша каналга сув қўйилгандан қолишмайди. Янги ерга биринчи чигит донаси тушди. Бу пахта чигити эмас, ҳаёт чигити! Ўз-ўзидан бир нафаслик шодликка айланган, одамларнинг юраги севинчга тўлган, кўзларида катта орзу-умид чақнаган шу дақиқалар улуғ мақсад йўлидаги олижаноб ишнинг тантанали муқаддимасидир...

Кўёш кўтарилиб, ўт-ўланлар, дарахтлар ер юзидағи шудринг доналарини осмонга учирди. Эрталабданоқ баданинг қизиши ҳавонинг иссиқ бўлишидан дарак берарди. Мұхиддин икки кўзи чигит тушаётган агрегатда бўлиб, ортиқча гапирмасди. Трактор дала ёқасидан қайрилгач, нафасини ростлагандай тўғрига қараб юрганида тракторчига деди:

— Кечгача тамомласак яхши бўларди-да.

Тракторчи орқасига ўгрилди;

— Мунча шошиласиз, фарқи бир-икки соат-да.

Мұхиддин «қани бўшашманг» дегандай қўлини силтаб, трактор шовқини орасида қаттиқ овоз билан гапирди:

— Фарқи жуда катта, оғайни. Пахтачиликни биласиз-ку, бир соат ҳам кечиктириб бўлмаслигини.

Тракторчи индамади. «Бригадирдан ҳам ўтади-я, биринчи бўлиб, экяпти-ю, тағин нози нима» деб кўнглидан ўтказди-да, бир қўллаб папирос тутатди.

Кун тиккага келганда Мұхиддин Солижонни чақирди, сеялкадан тушиб, ўрнига уни ўтказди.

— Яхшилаб қара, ола-тароқ бўлиб тушмасин, узоқ қа чўзмайман, тез келаман,— деб шийпон томонга кетди.

— Тракторчи тушунолмай, орқасига қаради.

— Нима бўлди, звеновой қаёқса кетди?

— Афтидан,— деди Солижон,— овқатга занг урадиган вақт бўлиб қолганга ўхшайди.

Тракторчи қотиб кулди. «Сеялкага Солижоннинг ўтиргани бир жиҳатдан яхши бўлди, мени зериктирмайди» — деб ўйлар эди у.

— Демак овқатга кетди денг.

— Йўқ. Комсомол комитети уни бригадага агитатор қилиб қўйган. Шунга шошиляпти. Мана ҳозир колхозчилар овқатга йиғилиши билан газета ўқиб беради. Зневноводимиз чакана эмас. Хабарингиз борми, уни агротехника кабинетига ҳам бошлиқ қилиб қўйишиди. Келган кунларимизда раис мендан ичларингизда агроном ҳам бор экан, деб сўраган эди, мен агроном-ку, йўғ-а, аммо, салқам агроном бор, дедим, эртасигаёқ агротехника кабинетига раҳбар қилиб қўйишиди.

— Яхши,— деди тракторчи, машина қулоғини чапга бура туриб,— ўзи ҳам анча-мунча биладиган, эпчил йигит экан, бўлмаса кўп звено, бригада бошлиқларини кўрдим, бунақасини учратмадим. Аммо менинг фикримча, чигит экишда бир оз шошилди. Ҳосилот отанинг маслаҳатига кўниши керак эди. Ахир, у киши чакана тажрибага эга эмас. Чигит экишга роса бир ҳафта бор дейдилар.

Солижон тракторчининг гапларини бўлмай тинглади.

— Оғайнин,— деди у баланд овоз билан,— бу масала сиз билан мендан бошқаларнинг ҳам миясини ҳийла қотирди. Ҳосилот ота, бригадиримиз, Муҳиддин, анави Абдурафур отам кўп тортишиди. Муҳиддин ўз фикрини далил билан тушунтириб бергандан кейин, ҳамма кўнди, фақат Ҳосилот кўнмадилар. Кечга томон раис келди. Мен йўқ эдим. Эшитишмча, раис ҳам Муҳиддиннинг фикрига қўшилган, шунда ҳам Ҳосилот ота «ҳали вақт бор. Ер нам, тупроқнинг ҳарорати паст, ҳозир экилса ғўза нимжон бўлиб ўсади», деб сўз бермалти, ҳатто раис билан нари бери этишиб қолиб, жаҳл билан қишлоққа тушиб кетибди.

Тракторчи ҳайрон бўлди.

— Ҳа-ҳа, ҳали шунча гап бўлди денг, мен яхши ҳабардор эмас эканман,— деди у,— айтгандай, Муҳиддин агротехника кабинетига ҳар куни бориб турадими?

— Йўқ, ишдан кейин, ҳафтада икки марта, Комилjon акам ҳали бошқа нарсани айтдилар. Агротехника

курси ҳам очилармиш, қишлоқда икки жойда, бу ерда битта. Бу ердагисига Мұхиддин тайнланибди.

Овқатга занг урилди. Тракторчи машинани тұхтатмоқчи бўлди-ю, Солижон индамагани учун ишни давом этдираверди. Даланинг чекка-чеккасида ернинг трактор ўтолмайдиган жойларига чигит экаётган Собир, Риза, Аъзамлар овқатга ўтиб кетишиди. Тракторчининг икки марта орқага қараганини билди, билмасликка олган Солижон унга ҳазиллашибди.

— Оғайни дейман, овқат деган нарса ҳам кўп вақтни олади-да, бизлар суткасига бир маҳал тунда овқатланишга одатланганмиз, сиз-чи?

Тракторчи кулди, жавоб бермади.

Мұхиддин уч кишилик овқат келтирди. Устки кийимлар ечилган жойга қийифини ёзиб, тоғарадаги овқатни қўйди-да, Солижонни чақириди.

— Қани тушинглар, совиб қолмасин.

Трактор товуши тинди. Колхозчилар билан бир вақтда кенг дала ҳам дам олаётгандек жим эди. Кун ярмидан оққанда қишлоқдан МТС агрономи билан трактор бригадасининг бошлiği чиқиб келишибди. Улар Комилжон билан биргаликда трактор босиб ўтган ерга тушиб, чигитнинг қанча чуқурликка экилаётганини текшира бошлишибди, анча ерни кўздан кечиришибди. Комилжон экишнинг сифатидан мамнунлигини айтиб, ўз фикрини тасдиқламоқчидай агрономга қаради:

— Ернинг тоби бундан ортиқ бўлмайди,— деди у синовчан назар билан ёнидагиларга қараб.

— Жуда яхши, сиз тўғри қилдингиз. Анави звеноводингиз ҳам анча нарсага ақли етаркан,— деди агроном қўли билан тракторни кўрсатиб.

Иш қизиб кетган пайтда қишлоқ томондан кўчани чангитиб келаётган машина кўринди. У даланинг чап томонидаги ўйлдан ўтиб, шийпон ёнида тўхтади. Мұхиддин машинадан тушган нотаниш кишига сеялка устидан бир қараб қўйди. Узоқдан кимлигини таниёлмади. Орадан бир оз ўтгач, звено ернинг ёқасида Комилжон билан ўрта ёшлардаги бир йигит пайдо бўлди. У трактор бир айланиб келганида сеялкада ўтирган Мұхиддин билан сўрашиб, бир оз тўхтатишни илтимос қилиб қолди. Мұхиддин тушунолмай «хўп» деди-ю, Солижонни чақириб, ўрнига ўтқазди, ўзи пастга тушиб, уларнинг олдига борди.

— Бу киши Тошкентдан махсус топшириқ билан келибдилар,— деди Комилжон,— сизни тракторчи билан бирга суратга олмоқчилар.

— Кўп яхши, аммо нимага керак бу ўзи?

— Газетага. Сизнинг звенонгиз биринчи бўлиб чигит экиб бўлар экан,— деди фотограф «лейка» аппаратининг винтларини бурай туриб.

— Ҳа, фақат менинг звеном, аммо колхоз эмас-ку.

Фотограф ҳайрон бўлди.

— Колхоз бажарса яна суратга олаверамиз-да.

— Йўқ, аввал колхоз бажарсин, сўнг оларсиз.

— Яхши бўлмайди,— деди фотограф,— атайн сиз учун келганман.

— Сиздан бир илтимосим шуки, мен шахсан рози эмасман. Ҳали чигит пахта бўлгунча неча озиб, неча семирамиз. Шундайми, Комилжон ака.

— Тўғри, мен ҳам айтувдим,— деди Комилжон ва «ана, кўрдингизми?» дегандай фотографга қаради. Фотограф ҳам ҳайрон бўлди. Муҳиддиннинг хоҳишига қарши иш кўришни эп билмади. Улар шийпон томонга кетишди.

Кеч кирди. Фира-ширада сўнгги чигит доналари экилди. Муҳиддин универсалчига самимий миннатдорчиллик изҳор қилиб, қўлини маҳкам сиқди. Звено аъзоларининг руҳи баланд. Риза идорага рапорт берамиз, деб таклиф қилган эди, Муҳиддин кўйнади.

— Кўп ҳовлиқиши ярамайди, дўстим, рапортсиз ҳам ўзлари билишади.

Улар йўлда олдинма-кетин юриб боришмоқда. Осмон тўла юлдуз, янги туғилган ой кўкни безаб турибди. Муҳиддин ҳаммадан олдинда борар экан, тиниқ осмонга суқланиб қаради.

Чўлда баҳор бошланди. Бўз ерга қадалган чигит бағрига баҳор нафаси тегди. Оромбахш кўкламнинг яшил этаги чўл устига ёйилди.

XV

Хосият хола эшикдан кириб келаётган паранжилик хотинни кўриб, ағрайиб қолди. Бу атрофда-ку, паранжи ёпинадиган аёл қолмаган. Кундуз куни чироқ ёқиб кидирганда ҳам, бошига рўймолми ёки боласининг камзул-часини ташлаб юрувчи битта-яримта хотин учраб қол-

маса... бўлмаса толиб бўлмайди. Буни Хосият холагина эмас, ҳамма қишлоқдагилар билишади. Узоқ-яқинидаги қариндош-уруғларидан биронтасимикан? Ундаи деса... Йўғе, улар орасида ҳам паранжи ёпинадигани йўқ-ку. Бўлмаса ким бўлди у? Келиб-келиб Хосият холанинг ишдан энди уйига келган пайтини мўлжаллаб йўқлага-нини айтмайсизми!

Хосият хола уйнинг деразасидан қараб таниёлмади. Ташқарига чиқди. Паранжилик хотинга айвоннинг зина-сида тўқнаш келди-да, таниб, ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Вой-вой-вой, Бувнисамисиз, ҳа нима жазо,— Хосият хола паранжини олиб, айвоннинг симдорига ташлар экан, ўзини кулгидан тўхтата олмасди,— қаранг Бувниса, бачканга кўринар экан-а? Тавба... Қани, қани марҳамат... Қайси шамол учирди?

— Хайрли шамол, айланай Хосиятхон, паранжи ёпинганим ҳам шундан. Бунақангги хайрли ишлар бетаҳорату, бепаранжи бошланса, охири яхши бўлмайди, гиргиттон. Қани омин, қадам етди, бало етмасин...

— Ҳамма очиқ юз билан олдинга қараб юрса, сиз ёпиқ юз билан орқага кетаётганингизга кулдим-да, Бувниса. Бошингизга яктак ташлаб юрганингиз ҳам, ҳолва экан,— Хосият хола дастурхон ёза бошлади.

— Ҳа, ёш бўлармидим. Уйимдан гўрим яқин. Ёпин-сам ёпинибманда. Айтдим-ку, хайрли иш важидан деб. Шу топда бирор кўриб ўтириби дейсизми,— Бувниса ҳар бири биттадан кўйлак бўладиган ёнгларини қайи-риб, рўмолини икки елкасига ташлади, ўрнашиброқ ўти-риб олди,— ҳой, менга қаранг, Хосиятхон, ҳеч нарсага уннаманг. Мен узоқ ўтирмайман.

— Ўзимиз ейдиган овқат-да, қани олиб ўтиринг,— у чой узатди,— қалай, уй ичлари саломатми, Содикжон-дан хат келиб турибдими?— сўради Хосият хола.

Бувниса хола бошини силкитиб, «шукур-шукур» дея жавоб қиласр экан, ўзича: «Насиб қилса келар шому ироқдин, бенасиблар қолар қошу қовоқдин» деб қўйди. Унинг назарида Хосият хола ҳам шу кеча-ю кундузда фақат битта ташвиш билан — қизини узатиш ташвиши билан оворадек кўринди. Фақат жойи чиқмай турибди-ю ноилож. Бирорга айтиб, маслаҳат қиладиган иш эмас. Бўлмаса элдан бурун ўғли Содикни, ундан хат келаёт-ганини сўрармиди. Насиб қилгани шу-да. Кўнгли борки

аввал ўғлини эслади-да. Берса шундай одамга беради. Қаери кам. Қимсан, донги кетган Рихсибой ҳосилотнинг ўғли-я. Колхознинг каттакони бўлса, ўғли ўқимишли, одобли йигит. Ҳизи-чи? Номи етти қишлоққа кетган Бувниса хоним-а! Давлати ошиб-тошиб ётибди, егани олдида, емагани кетида. «Қуда бўлса мендан ортигини топмайди» деб кўнглидан ўтказди Бувниса хола.

— Ҳа, болагинамдан ўргилай,— тандирнинг қизифи ни ўтказмай ўғлини мақтай кетди Бувниса хола,— бирам менга меҳрибон бўлганки, асти қўяберинг. Ҳар хатида «Ойижоним, меҳрибоним» дегани деган. Ҳамма катта-кичикни сўраб, салом ёзади. Сизни холам деб хатнинг бошида йўқлади...

— Барака топсин, саломат бўлсин,— деди Хосият хола,— ўқиши ҳам тугаб қолгандир?

— Ҳа, кўпи кетиб, ози қолди. Йилига бир йил бор-у, афтидан енгилроқ ўтади шекилли, тез-тез бориб турсам, кўп ишларни уйда қилсан ҳам бўлади деб ёзиди. Илм яхши-да айланай, Хосиятхон, ўзи ҳам чакана уринмади. Ҳар ойи десангиз озми-кўпми пул, посилка қилиб турамиз. Дадаси ҳам ўғлим ўртоқлари ичида ўксинмасин, Тошкент каттакон, обод шаҳар, ўйнаб-кулиб юрсин деб ҳеч нарсани аямайдилар.

Хосият хола «хайрли иш» нинг нималигига тушумай қулоқ бериб ўтирган эди, Бувниса холанинг кейинги гапидан сал фаҳмлагандай бўлди. Бир пиёла чойни узатиб, ўрнидан турди.

...Содиқжон Бувниса холанинг якка ўғли. Икки қизини узатиб, икковидан ҳам невара кўрган. Содиқжонни энди уйлантираман деганида у Тошкентга ўқишга кетиб қолди. Бувниса хола ўғлини юбормайман, бафимда бўлсин, уйлантириб қўяйлик деб қаттиқ турди-ю, бўлмади. Кейин «ота деган ҳам шунчалик бемехр бўладими, беш йилга қандай чидайсиз» деб эри билан аччиқ-чучук гаплашиб ҳам олди. Рихсибой aka индамади. Ўртага катта куёви, район қишлоқ хўжалик бўлнимининг агрономи Муҳаммадамни аралашди. Содиқжон ўқишга жўнади. Бувниса хола кейинчалик кўникиб қолди. Ўтган йили Содиқжон каникулга келганда унга қулоқ уриб, уйлантиришдан гап очди. Содиқжон «ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам. Ўғлим одобли, уялади, деб қўяқолди Бувниса хола. Шундай деди-ю, яна ўзича бир нарсадан чўчигандай бўлди. Ўғлининг бу ҳақда ҳеч гап очмаслигидан, бирон-

та қизга кўнгил бериб қўйған бўлмасин деган ваҳима босди. Яқиндан бери эрининг қулоқ-миясини қоқиб, шу йил каникулга келганида албатта уйлантириб қўяжагини айтди. Рихсибой aka авваллари парво қилмай юрди, кейин кўнди.

— Майли, хотин, ҳаракатингни қил, колхоз кенгайиб, ишлар ҳам кўпайиб кетяпти. Бунинг устига раис билан бир икки бетма-бет айтишиб қолдим... Ким билади дейсан, ишқилиб, охири баҳайр бўлсин.

Бувниса хола чўчиб тушди.

— Нима, нима, раис билан?

— Ҳа, кексайганимизда ишга ақлимиз етмай қолиди.

— Нима дейди, очиқроқ айтсангиз-чи?

— Очиқроқ айтганимда нима қиласдинг... Ҳаракатингни қилавер вақт ғанимат-да. Обрў борида, бир парча ердаги насибамиз узилмасдан каттароқ тўй қилиб берайлик. Қишлоқда кимсан Рихсибой ҳосилот деган номимиз бор-а.

Бувниса холанинг ранги ўчиб кетди. Рихсибой аканинг уч йилдан буён ғаллакор бригадада озроқ ерга буғдой экдириб, ҳосилини яширинча олиб юргани уни ташвишга солди. Бирон гап бўлган бўлса мендан яширяпти деб ўйлади.

— Мұҳаммадаминга маслаҳат қилдингизми? — сўради у.

— Гапирдим, — деди Рихсибой aka, — мен борман, қўрқманг деяпти. Ҳайронман.

— Ҳеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Раисингиз Мұҳаммадаминдан ҳам катта бўлибдими? — деб тасалли берди Бувниса хола ва эрига эшитдириб, мушкулкушодга атаб қўйди. Орадан уч чоршанба ўтиб, Бувниса холанинг кўнглига чироқ ёқса ёришадигандай бўлди. Шундан кейин тўй ҳаракатига тушди. Ўзича қишлоқдаги қизларни кўз олдига келтириб, Юлдузхонга тўхтади. Содиқжонга мос, ақлли, чиройли қиз. Онаси Хосият хола бўлса эгачи-сингилдек қадрдон. Олиқ-солиқда ҳам енгил-елпи билан кўндиrsa бўлади.

Бувниса хола шу ўтиришда фикран оламни кезиб чиқди. Мана ҳозир Хосиятхонни кўндиради-ю, эртадан бошлаб, яқин-йироқдаги қариндошларига хабар қиласди. Тўйга тараддуд кўра бошлайди. Атлас қўрпалар қоплаш, пар ёстиқлар қилиш дейсизми, тўшакка духобадан

филофу, келинга неча сидирғадан кийим. Ўхў, озмунча сарф бўладими?

Содиқжон каникулга келгунча тўй тайёрлиги анча чарчатиб қўяркан. Бувниса холанинг кўзи тахмонни ёпиб турган катак-катак одеялга тушди. Кейин уйдаги жиҳоз-у, безакларни синчилаб кўздан кечирди. Кровать устидаги шойи кўргага, қозиқда илиб қўйилган кўйлакларга тикилди, ўрнидан туриб шкафни ҳам очиб кўргуси келди. Ўзича: «бева бўлса ҳам бало, биттау битта қизи-ку... ўзига яраша мол қилгандир. Зарар қилмайман» деб пичирлаб ўтирганида, қўлида гўшт кўтариб Хосият хола кирди.

— Хой, олиб ўтирангиз-чи.

— Оляпман... овора бўлмасангиз-чи, Хосиятхон, ўтириинг.

Хосият хола қийматахтани олдига қўйиб ўтириди.

— Мен сизга бир маслаҳат билан келдим, гиргиттон... Бўлак кимим бор. Сиздан ўтиб бир нарса қиласидим, гиргиттон. Ўзингизга маълум чолимнинг ҳам, менинг ҳам биттаю битта суянганимиз мана шу баракатопкур Содиқжон. Мана ўқиши ҳам тугаб қолди. Шу бу йил бир бошини икки қилиб қўйсак деган ниятдамиз. Қексайганимизда чоли-кампир шуларнинг ҳузурини кўрайлик, гиргиттон.

— Яхши ўйлабсиз, тўй бўлсин,— деб қўйди Хосият хола.

— Шундай қилиб десангиз, яхши ният билан олдингизга келдим. Бир чеккаси қадрдонмиз, раҳматлик эрингиз ҳам чолимни оғам деган эди. Биз бўлсак туғишидан ҳам аъломиз. Сиз ҳам мана яккасиз. Қизингиз ҳув деса эшитадиган яқин жойда бўлса бағрингизда бўлгандек, кўнглингиз тўқ бўлади, айланай. Барака топкур яхши қиз. Худо насиб қилса, бирам бир-бировига монандки, олтин узукка ёқутдан кўз қўйгандек... Қиз болани бўйи етгандан кейин... Ҳа, ўзингиздан ўтар гап йўқ, гиргиттон...

Хосият хола сабзи артар экан, бошини қуи солиб тинглади. Бундай пайтларда дабдурустдан жавоб бериш анча маҳол. Нима дейишини билмай боши қотди. Мол савдоси эмаски, «ҳа» ёки «йўқ» деб қўяқолса.

— Олинг, нега ҳеч нима емаяпсиз?— деди Хосият хола гўё ҳеч нарса эшитмагандай.

— Содиқжоннинг ўқиши тугаб қолганини эшитиб

қариндош-уругимизда мен куёв қиласман деганлар ҳам топилиб қолди. Ўз қулоғим билан эшидим. Аниви Холпошшани айтмайсизми, фермада ишлайдиган бор-ку, ўша ҳам бир-икки оғиз солди, парво қилмадим. Тенгтенги билан-да, айланай. Ўғлимни-ку мақтамайман-у, сирасини айтаяпман-да. Эсон-омон битириб келса, бу ердаги муаллимларга дарс беради, гиргиттон.

Хосият хола ҳамон жавоб ахтарарди.

— Эшишимча, Юлдузхон, барака топкур ҳам бу йил ўқиши битиармиш. Үнга ҳам қийин бўлди. Ҳам ўқиши, ҳам иш, шу вақтнинг ёшлари шунаقا экан, тинибтиңчимайди... Ҳа, шундай, Хосиятхон, ҳар нарса ҳам вақтида бўлгани яхши, хайрли ишни сира кечикириб бўлмайди.

— Бир нарса айтольмайман, Бувнисахон,— тиззасига қўлини ташлаб, ётифи билан деди Хосият хола,— қизимнинг боши ҳали туйнуқдан чиқиб кетаётгани йўқ. Иннайкейин бундай ишларни үнинг хоҳишисиз қилмайман. Ўзи билади.

— Қиз нарсани ўзи билади деб бўладими, гиргиттон. Қўйиб берсангиз нималарни қилмайди. Қўйинг бу гапларни, гиргиттон. Биттаю битта қизингиз-а.

— Ўшани айтаяпман-да. Ўзи агар хўп деса, мен сиздан ортиққа берармидим.

— Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз. Аммо ўзи билади деб индамай ўтирунган, гапириб тушунтиринг, гиргиттон...— Бувниса хола бир оз жим қолди,— шундай қилинг, мен бориб, кўндириб келдим деявераман.

Хосият хола чўчиб тушгандай бўлди.

— Вой-вой, нима деяпсиз. Қизимнинг олдидан ўтмай, бир нарса айтольмайман. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ «кўнди» дейишингиз яхши бўлмас.

— Сизни ким айтади, кўпни кўрган деб, Хосиятхон,— дакки бера бошлади Бувниса хола,— она деган ҳам шунаقا бўладими! Худо кўрсатмасин, аниви Тожинисанинг қизига ўхшаб... Қўйинг, тилим ҳам бормайди.

— Ким дедингиз?! Нима қилибди?— Хосият хола унга тикилиб қаради.

— Тожиниса-чи. Ўшанинг қизи Каримами, Кароматми, қақилдоқ қизи бор-ку.

— Ҳа, бор. Каромат,— деди Хосият хола ва кеча худди шу пайтда, шу уйда Юлдузхон билан бирга дарс тайёрлагани кўз олдига келди,— нима бўпти унга?

— Ҳали билмайсизми? Ана шу-да. Анави келгинди йигит билан тил биритириб, қачон кўрсангиз клубда қолиб кетишар эмиш-ку.

Бу гап Хосият холага «Каромат шундай, қизингга эҳтиёт бўл» дегандай эшитилди. Унинг аъзойи бадани жимирашиб кетди. Бир нафас индамай ўзини босди.

— Келгинди йигит дедингизми? Ким у?

— Анави магазин-чи бор-ку. Ўлгудек шайтон, қизларни йўлдан урадиган дейишади. Яхши бўлганида ота-онасини ташлаб, шу томонларга келармиди, айланай.

Хосият холанинг бутун вужуди ғазаб ўти билан ёна бошлиди. Сабзининг ярмигача етган пичоқ қўлидан тушиб кетди. Кўзлари катта очилиб, Бувниса холага тикилди. Шу ёшга келиб, бир оғиз сўз билан инсон-инсонни шунчалик ҳақорат қиласа олишини билмаган экан. «Келгинди» сўзи худди уни ер билан яксон қилиб юборгандай бўлди. Бу гап ўша магазинчи йигит эмас, унинг ўзи, қизи, яқиндагина келган ўз бағрига олган йигитлар, қўйингки яхши ният, катта мақсад билан чўлни обод қилишга келаётган азаматлар шаънига ҳақорат эмасми?

Колхознинг каттакони Ҳосилотнинг хотинидан чиқдими шу гап. Хосият хола шуларни ўйлар экан, ҳозир олдида ҳамқишлоғи, эгачи-сингилдек тутиниб қолган Бувниса хола эмас, унга етти ёт бегона, юриш туриши сира ўзига ярашмаган, одам деган номга доғ туширадиган бир киши ўтиргандай бўлди. Орадаги жимлик, Хосият холанинг овози ўзгариб кетганини Бувниса холани ваҳимага солиб қўйди. У нима дейишини билмай қолди.

— Шу гапни ўйлаб галирдингизми, Бувнисахон?— сўради Хосият хола.

— Ҳой, сизга нима бўлди, гиргиттон. Эсимни таниб ёлғон гапирган эмасман. Эшиганимни айтдим-да. Дадаси ҳам эшитибдилар.

— Эшитишга эшигандирсиз, келгинди деганингиз нимаси?

— Ҳой, нега сизга оғир ботди-а?

— Гапнинг гапдан фарқи бор, етмиш икки нархи бор. Оғзингизга қарамай гапираверасизми. Нега менга оғир ботмас экан. «Келгинди» деган сўзнинг магзини чакиб кўринг-чи, аввал. «Келгинди» билан бу ерга ке-

лаётганлар орасида ер билан осмонча фарқ бор-ку. Булар оч-юпунлигидан, иш тополмаганидан келишибдими. Эй сатқаи...

— Ҳой, Ҳосиятхон, нега эгриликка бурасиз, ҳақини гапирса ҳиқилдоғига келади дегандай...

— Тағин бўш келмайсиз-а, тавба... Ҳўп, мана ҳақига кўчайлик: худди сиз билан менга ўхшаган икки аёл ўтириб, ўғлингиз Содиқжон ҳақида «ҳа, Тошкентимизга келган келгинди-да» дейишса, сиз буни эшишиб қолсангиз...

— Ҳой-ҳой, нега энди Содиқжонни, келгинди дейишар экан; Ахир у...— Бувниса хола гап тополмай, ду дуқланиб қолди.

— Ана, кўрдингизми, оғир ботар эканми. Бу замонда келгинди деган гапнинг ўзи қаттиқ ҳақорат бўлиб қолди.

— Ҳа, мен анави магазинчини айтдим-да. Шунга ҳам....

— Ийе, магазинчининг қаери сизнинг ўғлингиз, менинг қизимдан кам экан? Мен ўзини яхши танимайман. Бўлса бордир, шўҳроқдир, қизларга ҳазил қилас, аммо бе зори эмасдир. У ҳам Тошкентда ўқир экан.

— Тошкентда?

Ҳа, шу ерда туриб ўқир экан. Қулоғимга чалиниб қолди, магазиндан олиб, дала ишига қўйинглар мени деб арз қилибди. Ёмонлигидан эмасдир, ахир. Клубда бўлса бир у эмас, ҳамма ёшлар бўлишади, ўйнашади, кулишади. Нимаси ёмон. Сиз билан биз шундақа ёшликтинг кўчасидан ҳам ўтмадик. Кароматни гапирдингиз. Мен уни жуда яхши биламан. Қизим билан ҳар куни бўлмаса ҳам кун оралаб шу ерда дарс тайёрлашади. Клубга ҳам бирга боришади.

— Йолдузхон-а?— ҳайрон бўлиб сўради Бувниса хола.

— Ҳа, қизим ўша Кароматхон билан жонажон ўртоқ.— Ҳосият хола энди қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади,— бирорвинг фарзандини жудаям бунчалик гап қила вериш яхши эмас.

— Мен эшиғанимни айтдим-да, гиргиттон. Бунча энди...

— Ёнига қўшиб-чатиб деяверинг, Бувнисаҳон. Биз хотинларнинг мана шу одатимиз ёмон. Сал бир нарсанинг шарпасини сезиб қолсак, илиб оламиз-у, лофу қоп,

қилиб юборамиз. Ҳамма айб ўзимизда. Қиз деганнинг бўйи чўзилдими, бўлди, соясидан шубҳа қилганимиз қилган.

Бувниса хола гапнинг бунчалик чувалашиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Фақат у магазинчи йигит, Қароматни гапириб, «қўшнингизга йигитлар кўчиб келишибди. Нариги участкадан ҳам тушиб туришади деб эшитдим. Қизингизга эҳтиёт бўлинг» деб шама қилиб қўйишни мўлжалловди, бўлмади. Бунинг ўрнига қаёқдаги гап оралаб, ўзини ҳам ранжитди. Ўртага соvuқчилик тушмасин деб бетоқат бўла бошлади.

— Қўйинг, арзимаган нарсага диққат бўлаверманг. Қани бир маслаҳат беринг энди.

— Нима ҳам дердим. Айтдим-ку. Қизимнинг ўзи билади,— деди Ҳосият хола ҳафсаласизлик билан.

— Кўндиринг-да, гиргиттон. Онасиз, ахир.

— Олдидан ўтмай жавоб қилолмайман.

Бувниса хола ортиқча гапнинг фойдаси йўқлигини сезди. «Яна бир келар эканман-да» деб кўнглидан ўтказди.

— Оббо сиз-эй, қизинг бўлсин экан-у, обёғингни тираб туриб олгин экан-да. Икки қиз чиқариб, шунақаларни билмабман-бўлмабман-а. Гап шу, Ҳосиятхон. Узоққа чўзманг, ой охирида келиб, патир ушатиб кетай

— ...

— Қани омин,— Бувниса хола дастурхоннинг учини қайирди.

— Вой, овқат қиляпмана,— деди совуққина қилиб Ҳосият хола, ва ўрнидан туриб, ҳовлигача уни кузатиб қўйди. Ўйга кирап экан, бирорга гапиргандек деди:

— Келгинди-я, Ачиган оғиздан, сасиган гап чиқади деганлари ҳақ экан.

Ҳосият хола олови анча пасайиб қолган ўчоқ ёнига бориб тувоқни кўтарди, ошнинг таъмини кўриб, бир чимдим туз ташлади. Ўчоққа бир-икки тараша қаладида, деразадан соатга қаради, ўзича гапира бошлади:

— Ўнга яқинлашиб қолибди-я.

У чинни лаганин артиб, ўчоқ ёнига қўйди-да, эшик томонга борди, кўчага тикилди. Ҳамма ёқ қоронғи, фақат қўшни уйларда ёнаётган чироқларнинг сийрак дарахт баргларига тушган хира шуъласигина кўзга ташланади. Мовий осмон юзидаги парча-парча булутлар

юлдузларнинг юзини қоплар, оҳиста сузмоқда, узоқдан тракторларнинг гувиллаган овози қулоқча чалинади. Хосият хола шу турганича хаёл суриб, қизидан хавотирлана бошлади.

Ҳарна қилса ҳам она-да. Бўлмаса нимадан хавотирланади. Қишлоқ кўчаси тинч, қизи бўлса кичкина эмас, бир звенонинг бошлиғи. Районда бўладиган кенгашларда қатнашиб, алламаҳалда уйга қайтган вақтлари кўп бўлган-ку, кечалари тракторнинг ишини кузатаман деб неча марталяб далада қолиб кетган-ку? Ҳа, она ўшанда ҳам овқати қозонда қолиб, мижжа қоқмай, қизининг келишига кўз тикиб ўтиради.

Анча ёшларга бориб қолган, кўпни кўрган, сергайрат ҳар қандай ишни ҳам эпчиллик билан саранжом-саришта қилиб қўядиган Хосият хола қизига жуда суюниб қолгани учун ҳам шунақанги пайтларда кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Бу — кексалиқ, айниқса яккаликинг аломати бўлса керак.

Хосият хола ҳовлига кириб, назарида, нафаси тиқи-либ кетсандай бўлди. Ўзича ёлғизлик ҳам ўлсин, ҳозир шундайман; қизимни узатсан нима қиласман деди-ю, ўз сўзидан ўзи чўчиб тушди. Худди қизини ҳалиги бемаъни хотин эртагаёқ келин қилиб олаётгандай қўрқиб кетди. «Иўқ, қизим ҳали ёш» деб қўйди-да, ўтоқ, бошига бориб, мис товоқни олди, гуруч ювишга урина кетди.

Юзига бекитилган кўча эшигининг бир табақаси очи-либ, Юлдузхон кириб келди. Тоғаранинг чеккасига кафтини ҳовуч қилиб, гуруч сувини силқитаётган. Хосият хола ялт этиб орқасига қаради. Қизини қўриб, ичига чироқ ёқандай севиниб кетди.

— Ҳорма, болам, мунча хаяллаб қолдинг?

Юлдузхон индамади. Нимчани ечиб, соchlарини чамбарак қилди-да, уйдан совун, сочиқ олиб чиқди. Рух обдастани кўтарганича, айвон томонга кетди.

Хосият хола қозонга гуруч сола туриб яна сўради:

— Тинчликми, нега индамайсан, сенга кўз тикиб чарчаганим етмасмиди?

Юлдузхон совун сурилган юзини онасига ўғирди.

— Нима бўлиби. Мени бўри ермиди, ҳеч шу одатингиз қолмади-да.

— Ҳа, ҳеч парво қилмайсан-а, щуни айтадилар-да, онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб.

Юлдузхон берган жавобининг онасига қаттиқроқ ботганини сезди. Юзини артатуриб, ўзоқ бошига келди.

— Ойижон, айланиб кетай ойимдан,— деди-ю, хохолаб кулиб, онасини қучоқлаб ўпди. Қизининг бу эркалаши Хосият хола кўнглидаги бояги хаёлларнинг ҳаммасини ювив юборди, у тескари қараб, қизига сездирмай бир кулиб олди-да, секингина:

— Қоч, кўп эркаланаверма,— деб қўйди. Унинг бу сўзида қизига бўлган оналик меҳри яна бир марта товланиб кетди.

Юлдузхон уйга кирди. Ойнага қараб, икки чакка всепешонаси устидаги калта соchlарини тўғрилади. Девор томонга кўрпача солиб, хонтахта устига дастурхон ёзди. Ошхонада биқиллаб қайнаб турган самоварни уйга олиб кирди. Токчадаги янги газеталарни олиб, кўздан кечира бошлади.

Хосият хола лагандаги ошни хонтахтага қўйди.

— Газетангни йиғиштириб, болам, овқат совимасин.

Юлдузхон то онаси ўтиргунча газетадан кўзини олмади. Хосият хола яна тажанг бўлди.

— Ахир овқат совийди деяпман.

Ошдан бир неча ошам олингунча ўртада тинчлик ҳукм сурди. Хосият хола қизининг юзига бир неча марта қараса ҳамки, унинг ҳолатини пайқаб ололмади Бирон нарсадан хафа бўлганида сира онасидан яширмайдиган Юлдузхон нима учундир бугун индамасди. Она сўрай бошлади:

— Экиб бўлдиларингми, нега бугун кайфинг бошқаражоқ.

— Қўйинг, ойи, сўраманг, ўзим бугун жуда хуноб бўлиб кетдим.

— Нега, ахир, гапирсанг бўлмайдими, бугун тамомлаймиз, девдинг-ку?

— Кўрмайсизми, трактори тушда тўхтаб қолганича тузатолмай кишини диққат қилиб юборди.

— Нега тузатолмади, машинада қатнаб юрадиган устахонани чақирмадингми.

— Шунга хуноб бўлиб кетдим-да, ойижон, аксига ўша машина ҳам нариги участкада экан.

Хосият хола кўчма устахонанинг нариги участкага кетганига тушунолмади. «Муҳиддининг звеноси-ку экишини тамомлаган, ҳа, бошқа звенолар ҳали экиб бўлмагандур», деб ўйлаб, қизига далда бермоқчи бўлди.

— Кел, қўй, кўп диққат бўлаверма, ошдан ол, бир кун кейин бўлса ҳеч нарса қилмас.

Юлдузхон лаганга узатган қўлини тортиб, онасиға қаради.

— Гапирсам хафа бўласиз, шунинг учун айтаманки, менинг ишимга аралашманг. Боқчадаги болаларга қарашни билинг,— деди-да, жаҳл билан кичик ошам ошни оғзига солди,— бир кун кейин бўлар эмиш, ўйлаб гапиряпсизми, ойи, ҳали ҳам мусобақадошларимиздан беш кун кечикдик. Участка агрономи ҳам, чигитни барвақт экканлар тўғри қилишибди, деди. Шундай бўлса, бизнинг гўзамиз беш — олти кун кеч ривожланади. Охирида, Хосият холанинг қизи ваъдасининг устидан чиқмапти деса, яхши бўладими?

Она жим қолди. Ўйлаб қараса, қизи хафа бўлганича бор. У, дастурхонни йиғиб олди. Йкки пиёлага аччиқ чойдан қўйиб, шкафдан аллақандай кийимликларни олиб ўтиреди. Кўзойнагини тақиб игнага ип ўтказар экан, ҳамон Бувиса холанинг гаплари кор қиласди, қизига айтишни ҳам, айтмаслигини ҳам билмасди, юраги тошиб кетди.

— Айланай, қизым, ана шунақанги жим ўтирасанг юрагим ёрилгудай бўлиб кетади, овозингни чиқариброқ ўқи, мен ҳам эшитай.

— Барibir тушунмайсиз.

— Нимасига тушунмас эканман. Анави курсда агрономнинг ҳамма ваззига шундоқ ҳам тушуняпманки... Хой, Юлдуз, ҳалигача биз дехқонмиз деб юрган эканмиз-да... Битта пахта деганинг ўзи катта илм экан-ку...

Юлдузхон газетадан кўзини олиб, онасиға қаради, унинг қўлидаги ёқасига тугма қадаётган гимнастёркани кўриб яна юзини газетага ўғирди. Келган жойини йўқотиб, бир оздан кейин топди-ю, ўқий бошлагани билан ҳеч нарса миясига кирмади.

Хосият хола тугма орқасидан тугилган ипни тиши билан узди. Гимнастёрканинг икки елкасидан ушлаб баланд кўтариб кўрди. Ҳаммаси жойида. Фақат дазмолаш қерак, холос. Қизига айтай деди-ю, унинг ҳозирги ахволини кўриб индамай қўяқолди.

— Муҳиддинларга анча ўрганиб қолган эканман,— ўзича гапира бошлади Хосият хола,— улар кетгандан кейин худди ёниверимда қўшним йўқдай бўлиб ҳувиллаб қолди. Худа-бекуда чиқиб гапиришиб, овинар эдим,

Ҳали раисни кўрдим, ўша участкага кетаётган экан, айтинг, бир келиб кетишин дедим, буни қара, кеча кирларни ювдим-у тумаларини қадамаган эдим, бўлмаса раисдан бераб юборар эканман.

— Муҳиддинларни соғингиз бўлсангиз ўша участка-га бора қолинг.

Хосият хола қизининг дардини энди пайқади. Шундай бўлишига қарамай, жўрттага унинг қитифига тегаверди.

— Кошки эди-я, боқчани ташлаб кетолмайман-да, бўлмаса-ку, томоша қилиб келардим-а.

— Боринг, эртагаёқ бора қолинг,— жаҳл қилди Юлдузхон.

Кампири тушмагур-е, шу гапларнинг нима кераги бор экан. Қизининг-ку бугунги иш эртага қолганидан хафа бўлиб келганини сезди, ҳатто кечиккани учун хавотир ҳам олди, Муҳиддин бошлиқ звено билан мусобақа шартномаси тузганини ҳам, Юлдузхон звеноси Рихсибой ота маслаҳати билан чигитни кеч эка бошлаганини ҳам яхши билади-я. Нега энди, унинг жиғига тегади, атайи Муҳиддиннинг гимнастёркасини ёзиб, кўз-кўз қиласди? Яхшиямки, қизининг Муҳиддинлар колхозга янги келган куни комсомол мажлисида «менинг онам уларга қараб турдилар» деб бергап ваъдасини ҳозир юзига солмади. Бўлмаса роса ҳангомани кўринг эди.

Юлдузхон газеталарни йиғиб, ўрнидан турди. Шкафдан иккита китобни олиб, дарс тайёрлашга ўтирди. Ўртасига қофоз қўйилган варақни очиб ўқий бошлаган эди, хаёл ҳар томонга олиб кетаверди. Гоҳ чигит экишнинг кечиккани, гоҳ онасининг Муҳиддин ҳақидаги гаплари, уч кундан буён кўнглидагидек дарс тайёрламаётгани — ҳаммаси бир бўлиб миясини қотирди. Охири бўлмагач, китобларни йиғиб, соатга қаради. Йигирма минути кам икки. Хосият хола аллақачон ухлаб қолган. Юлдузхон токча тагида ётган онасига телмурганича, тик туриб қолди. Уй ичи жимжит. Соат кафтгири онасининг енгилгина, пишиллаб хуррак тортиши билан баробар бориб келаётгандай ҳамоҳанг овоз чиқармоқда. Юлдузхон шу турганича хаёлга чўмди. Худди онасини уйқуда энди кўраётгандай бўлди. Ҳозиргача унинг ухлашига сира разм солмас экан, кўзига жуда ғалати кўринди. Бундан бир соатча бурун гапирган гапларини бутунлай унубиб юборди. Ёхуд кечаси бўлгани учунми кўнглига ёмон ха-

ёллар ҳам кела бошлади. «Борди-ю онамдан ажралиб қолсан». Унинг юраги орқасига тортиб кетди. Баланд овоз билан «онажон» деб ўрин устига ўзини ташлашига сал қолди. Онасининг тўзғиб ётган олатароқ соchlари, пешонаси ва гўшtlари салқи бўлиб қолган юзларидаги чуқур-чуқур ажинлар — турмуш тирногининг изларига тикилиб, ўзича пицирлади:

— Ойижон, мунча меҳрибонсиз. Койийисиз, эркалай-сиз, қаттиқ, аммо ҳақ гапни айтиб бир сз ранжитасиз. Бу яхши. Буларнинг ҳаммасига тушунаман.

Юлдузхон кўкрак бурма кўйлагидаги олтин тўғно-рични ечиб, ўрни тепасидаги токчага қўяр экан, конвертларга кўзи тушдї. Шошиб иккала конвертни олди-ю, чироқ яқинига борди. Бири кўк. Тагида печати бор. Тепасига «...Муҳиддин Раҳимовга» деб ёзилган. Узун печатда эса «Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлими» дейилган. Иккинчиси оқ конверт, М. Раҳимовга, деб номланган. Тагида эса: «Охунбобоев қишлоқ совети, «Правда» колхози, М. Расуловадан» деган ёзув.

Юлдузхон тик турганича ўйлади: «Қишлоқ хўжалик институтида Муҳиддиннинг қандай қариндоши ёки таниши бўлиши мумкин?» Яна конвертга қаради. Агар шундай бўлганда хат юборувчининг исм, фамилияси кўрсатилмаган-ку? Буниңг ўрнига қандайдир рақам, худди идораларнинг алоқа хатларидаги сингари номер ёзиб қўйилган. Ҳар қалай бунисига тушунолмади. Иккинчисини синчилаб кўра бошлади. Конверт устидаги адреслар ҳам, исм, фамилиялар ҳам ниҳоят ҳафсала билан чиройлик қилиб ёзилганки, кишининг ҳаваси келади. Дастрлаб ана шу ҳуснihatнинг ўзидаёқ Юлдузхоннинг эътиборини жалб қилди. «Қишлоқ номи, колхоз — ҳаммаси ўша, унинг ватани. Аммо, М. Расурова ким бўлди экан? Эшитишимча, отасидан бошқа ҳеч кими йўқ-ку?».

Юлдузхон ўйлаб ўйига етолмади. Ўзи, бирон марта Муҳиддин билан узоқ суҳбат қилмаган бўлса ҳамки, онаси орқали ҳаммасини, ҳатто ўртоқларининг кимлигини ҳам билиб олган эди. Муҳиддин бир неча марта отасидан хат олганида «сизга ҳам салом дептилар» деб, ойисига айтиб туардди. Йигитлар нариги участкага кетишган куннинг эртасига ҳам хат келган эди. Бу ҳатни Юлдузхон ўз кўзи билан кўрган, унда Раҳим Йўлчиев-

дан деб аниқ кўрсатилгани ҳали-ҳали кўз ўнгида. Буниси ким бўлди экан?

Юлдузхон конвертга қайта-қайта тикилди, ҳаттэ очишни ҳам кўзлади, лекин ботинолмади. «Ахир, қандай қилиб бироннинг хатини очаман,— ўйлади у,— бирор?! Нега бирор бўлса, ҳати бизникига келади? Йўқ, бирор эмас, ўзимизнинг... йўқ... йўқ... бирор... очолмайман, очолмайман»,— у қатъий қарорга келиб, ҳатни жойига қўйди. Чироқни ўчирмай туриб яна токча ёнига келди. «Ойим ҳам қизиқлар, нега хат келганини менга айтмадилар, балки кимдан келганини билган бўлсалар, шунинг учун айтмай қўя қолай дегандирлар». У, оқ конвертни яна қўлига олиб, хатига тикилди, бўшашганича жойига қўйди. Чироқни ўчириб ўрнига кирди. Яна туриб, устки кўйлагини ечди.

Анчагача ухлай олмади. Нима учундир онаси боя тугма қадаган гимнастёрка қайта-қайта эсига тушаверди. Гимнастёркані ўзига ёпишириб турган кенг кўкрак, шимарилган енги тирсиллаб турган бақувват билаклар, қуюқ қора қошлиар Юлдузхоннинг кўз олдидан нари кетмасди. У бир неча марта ағдарилиб, охири бошларини буркаб ётиб кўрди. Бўлмади. Нега бундай ҳолатга тушганини ўзи ҳам сезмасди. Ҳалиги иккита хат, айниқса оқ конверт уни ташвишга согландай бўлди. «Тавба, Муҳиддинни-ку, келганидан бери бори-йўғи уч-тўрт марта кўрдим, бир-икки марта қўл узатиб саломлашган эдим-а? Нега энди тез-тез эсимга тушаверади... Борди-ю, йўқ... йўқ... Бўлмайди...» У, бирорга зарда қилгандек кўрпанинг ичига кириб олди. Бир нафас шундай ётгач, яна алланималар эсига тушиб қўрққандай бўлди.

Муҳиддин ҳақидаги хаёл қанчалик ширин туйилиб, унга олам-олам завқ багишиласа, нотаниш Расурова ҳақидаги хаёл кўнглини шунчалик ғаш қиласади.

XVI

Правление мажлиси ўз вақтида бошланди. Раис ёнида ўтирган Тошпўлатов билан алланима тўғрисида келишиб олгач, гапира бошлади:

— Ўртоқлар, мажлисни бошлашдан аввал бир таклиф тушди. Шу галги правление йиғилишини янги участкага кўчирсак. Сабаби шуки, кўриладиган масала қурилиш ҳақида, иккинчидан, янги участканинг шу кунги

аҳволини правление аъзоларидан кўпчилик бориб кўргани йўқ. Борсак, аҳвол билан танишсак, ҳа, айтгандай чигитни биринчи бўлиб экиб тамомлаган звено аъзоларини правление номидан ўша ерга бориб табрикласак, ёмон бўлмас-а, нима дейсизлар?

— Жуда тўғри,— деди ўтирганлардан бири,— янги ерни обод қилиш бир бригаданинг иши эмас, бутун колхознинг иши. Биз правление аъзолари иложи бўлса ҳар куни хабардор бўлиб туришимиз керак.

— Тўғри, тўғри...— дейишди бошқалар.

Правление аъзолари тушган катта юк машинаси кеч қоронфисида қишлоқдан жўнади. Ҳар сафар машина-нинг кабинкасида ўтирадиган раис ҳам кузовга чиқиб олган. Бунинг сабабига Ташпўлатовдан бошқа ҳеч ким тушунолмасди. Негаки, қишлоқ совети ёки районда бирон кенгаш бўлиб қолса, боришка ҳам, келишда ҳам раис доим шофернинг ёнида ўтиради. Бир марта правление аъзолари, бир неча колхозчилар мана шу машинада район слётидан жуда кеч қайтишиди. Куз пайти, шамол баданни ачитиб турарди. Кузовда икки аёл бор эди. Шунда ҳам, ахир аёл кишига айниқса шунақсанги пайларда ҳўрмат бўлишӣ керак-ку, раис лоақал кўнгил учун сизлар кабинкада ўтиргилар демагани кўпчиликнинг эсидан чиқмайди. Ахир, бу одобдан, маданиятдан эмас, энди қарасангиз, дастлаб раиснинг ўзи кузовга чиқиб олди.

Мана шу хаёлларни кўнглидан ўтказаётган мош-гуруч соқолли, тўртинчи бригада бошлиғи Ортиқовнинг раисга қараб шу тобда «Исмоилжон, ана энди ўзингга келибсан», деб юборишига сал қолди.

Қизиқ. Кишининг кўнглидай нозик нарса бўлмас экан-да? Сал нарсага ранжийди, сал нарса билан тоғдек кўтарилиб кетади. Бўлмаса, раис бирпас кабинкада ўтириди нима бўлди-ю, кузовда тик туриб кетди нима бўлди?

Гап ҳаммаси шунда. Агар бир ўзи бўлса кабинкасида юраверсун. Кўпчилик бўлганида ҳам шундай қисла борми, ғалати кўринар экан, гарчанд айтишга арзимайдиган гап бўлса ҳам, раиснинг одоби, камтарлигини мана шундан билиб олса бўлади.

Кузовнинг бир чеккасида бортга суюниб ўтирган Ортиқовнинг шу ҳақдаги ўйлари бир-бирига уланиб кетаверди:

«Тошпўлатов ўқишдан келиб, партия ташкилотига секретарь бўлганидан буён колхозда кўп ўзгаришлар бўлди: правление мажлисини далага кўчириш ҳам янгилик. Колхоз ташкил этилгандан буён биринчи марта шундай қилинаётгани, деса бўлади. Янги ердаги одамларни ишдан қўймай, участкага тегишли масалани ўша ернинг ўзида ҳал қилишни ҳам Тошпўлатов айтган, кўп оқил йигит-да. Акрамовга ҳам чакана таъсир ўтказмади. Ахир, раис Хосилотнинг маслаҳатидан чиқмай, «планни бажарсак бўлди», деб янги ерлар очиш, қурилиш ишларига ортиқча қизиқмай қўйған эди-да. Тошпўлатов уни қаттиқ танқид қилди. Шуниси яхши бўлди-ки, Исмоилжоннинг кўзи очилиб, ўз камчиликларини дарров пайқаб олди».

Ортиқов яқинда бўлиб ўтган правление мажлисини эслади.

Муҳиддин бошлиқ звено чигитни ҳосилот айтгандан беш-олти кун олдин экмоқчи бўлганида, Рихсибой бу масалани правлениега қўйди. Йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди. Участка агрономи ҳам чигитни ернинг нами борлигида, экиш мумкинлигини айтди. Шунда ҳеч кимга сўз бермай ўтирган Рихсибойни раиснинг ўзи қаттиқ танқид қилди.

— Рихсибой ака,— деди у,— тажрибамиз ўткир деб-миз-у, агротехника тадбирларини ҳисобга олмабмиз. Мана ойдиндай равшан эканки, сиз айтгандай ер намининг қочиши ва ҳароратини кутиб ўтирумай, мўлжалдан бир ҳафта илгари чигитни экса бўлади. Мана, агрономимиз атайлаб шу масала юзасидан олимлар билан гапиришибди. Илмий жиҳатдан ҳам тўғри бўлганидан кейин... ахир пахтачиликда жуда катта ютуқ-ку, бу. Нега биз ўз билганимизни қиласмиз деб туриб оламиз. Мана, ҳосилни олганда кўрармиз. Сизнинг зўрлашингиз билан ерни тобига етказиб экканлар қандай бўлади-ю, беш-олти кун илгари экканлар. Мен демоқчиманки, Рихсибой ака, бир сиз эмас, кўпчилигимиз, менинг ўзим ҳам янгиликни сезмайдиган, оддий колхозчиларнинг маслаҳатларига кулоқ солмайдиган бўлиб қолибмиз. Бу камчиликни тезда йўқотайлик.

Рихсибой аканинг экишдаги тажрибаси агротехника фани ютуғи олдиди асоссиз экани яққол сезилди.

Правление аъзолари Ҳосилотнинг айтгани-айтган деб юрган раиснинг бу гапларига ҳайрон қолишди. Ўзи

ҳам бунақанги бегидир, соғ танқид бу яқин орада кам бўлган эди.

Бу ўзгаришлар Исмоилжоннинг ишидагина эмас, ҳатто муомаласида ҳам сезила бошлади. Шу сабабли машинадагилар, айниқса Ортиқов ҳозир шу тўғрида ўзича фикр юритар эди. Буларнинг ҳаммасида партия ташкилотининг Тошпўлатовнинг хизмати катта бўлди, Кўпчилик «барака топсин, ёш бўлса ҳам ўқиб келган-да, ўқишда гап кўп...» дейдиган бўлиб қолди..

Машина илон изи йўлдан, ўнқир-чўнқирликларни бошиб силкиниб бормоқда. Кузовнинг бурчидаги ёнилғили бочканинг шарақлаши гапни-гапга қовуштирасди. Боядан бери оёғига нам бир нарса тегаётганини сезган, бироқ, нима эканлигига тушунолмаган Исмоилжон охирни қўлини чўзиб, ушлаб кўрди. Бармоқларига нам латтага ўроғлиқ нарса уннади.

— Тошпўлатов, оёғингиз тагидаги нима? — сўради у.

Тошпўлатов кулди. Бошқалар бунга тушунолмай, энгашиб қарашди-ю, қоронгидаги ҳеч нарса кўришолмади.

— Бу, Муҳиддинга совға,— деди Тошпўлатов.

— Қанақа совға, сувда бўкиб қолибди-ку.

— Ҳа, бунинг тарихи узоқ,— аста сўзлай бошлади Тошпўлатов,— Муҳиддин тунови куни идорамиз олдидағи гулзорни кўриб, мендан бу ерларда кўп йиллик гуллар ўсмайдими, деб сўраб қолди. Дарҳақиқат, ўйлаб қарасам, идора ёнидаги ўзимизнинг катта гулзорда ҳам бирон туп кўп йиллик гул йўқ экан. Ҳаммаси мавсумий. Менга ҳам бу гап ниҳоятда таъсир қилди. Наҳотки қишлоқда шундай гул бўлмаса? Ҳа, йўқ экан, юз хиллаб гул экилса деймиз-у, ичиди бирон туп атиргул, самбит гул, яна аллақандай кўп йиллик гуллардан йўқ. Муҳиддинга, «бундай гуллар ўсади, аммо бу ерда йўқ» деб қўяқолдим. Нимага керак эди, деб сўрасам, «гул бўлади-ю, керакмаслиги борми, мен бўш вақтда нариги қишлоқдан, жуда бўлмаса райондан топар эканман-да», деган эди. Бу гап сира эсимдан чиқмади, ўша куни шундай гудни уч-тўрт суриштириб ҳам кўрдим. Йўқ. Утган куни районда бўлганимда бирваракайига йигирма туп кўчатни келтирдим. Шундан ярмини олиб кетяпман. Совға дейишга арзимаса ҳам анча кўнгли кўтаришлар...

— Ийе, бўлмаса-чи, жуда боллабсиз,— деди раис.

— Гулгаки шунча ишқибоз экан, афтидан диди ўткір йигитга ўхшайди,— деди кекса бригадир Орти-

қов,— турмушни бадавлат қилишнинг ўзи кам. Қувноқ хушчақчақ қилишимиз керак, гулларга безашимиз керак.

Машина шийпон ёнига келиб тўхтади. Катта самоварга тараша ташлаётган Абдуғафур ота меҳмонларга пешвоз чиқди.

— Ийе, ийе, келинглар, келинглар, қани марҳамат,— деда ердан бир қаричгина баланд супа, атрофи ва тепаси шоҳ билан омонатгина ёпилган шийпонга меҳмонларни таклиф қилди. Ҳозирча янги рўзформиз-да, айбга қўшмайсизлар, кўрпача ҳам етишмайди.

Меҳмонлар ҳайрон бўлиб, далани кўздан кечира бошладилар. Ажаб. Тақир ерлар кичкина бир қишлоқ тусини олибди-я. Янги ўтқазилган дарахтлар катта бир қўргонни чий девор билан ўрагандай кўзга ташланади, фонарларининг ёруғи узоқларгача чўзилиб кетган канавокопатель, эксковаторнинг овози далани кўкка кўтаргудай бўлиб эшитилмоқда. Шийпондан анча узоқда бўлса ҳам чўмичининг ҳар кўтарилиши, бир аравача нам тупроқни ағдариб ташлаётгани кўриниб турибди. Даланинг ёндамасидан чуқур қилиб қазилган зовур ернинг охиригача чўзилган. Ҳали машина келаётганида ҳам ана шу зовур деб йўлни айланиб ўтди. Даланинг чап томонида, узоқда трактор ва икки от кўринди.

— Одамлар қани?— сўради Акрамов Абдуғафур отадан.

— Комилжон ўша трактор ёнида бўлса эҳтимол, қолганлари пастда.

— Ийе, Абдуғафур ота ошпаз бўлиб қолибсизми?— кулаги аралаш ҳазил қилди Ортиқов.

— Шундай, асти қўйишмади.

— Муҳиддин қаерда?— сўради Тошпўлатов.

— Муҳиддин ана у «полвон» деймиз-у, ҳа ўша билан овора. Звеносидаги йигитларни овқатдан кейин учинчи звено ерига ёрдамга тушириб юборди.

— Нега, чигит экишни тамомлаш учунми?— сўради Раис.

— Йўғ-эй, дарахт кўчати ўтқазилмаган озроқ жой қолган, ўшанга, бир оздан кейин мен ҳам бормоқчи эдим. Ҳой, ука Исмоилжон, бир нафас ўтиринглар, бир пиёла чой...

— Раҳмат.

Тошпўлатов гапга аралашиди,

— И smoилжон ака, ўтирмасак бўлmas, «янги рўзғор» ҳафа бўладиганга ўхшайдилар.

— Хўп, хўп, қани оғайнайлар, Рихсибой ака бу ёққа чиқинглар.

Ҳамма шийпонга чиқди.

— Аслида,— раис Тошпўлатовга қараб гапира бошлиди,— ё вақтли, ёки кечроқ келсак бўлар экан, буларни ишдан қўядиган бўлдик-да.

Буни эшитган Абдуғафур ота ялт этиб раисга қаради.

— Йўқ, ука, айни вақтида келдинглар, ҳали замон чой ичгани чиқишиди, кечликни бугун барвақтроқ қилиган эдик.

— Ҳа, дуруст,— деб ҳазил қўлди Рихсибой ака,— саранжом аёллар ҳамма вақт овқатни қош қораймасдан қиласди.

Шийпонда кулги кўтарилиди.

— Оббо,— дея тескари қараб дастурхон ёзмоқчи бўлган Абдуғафур отани раис тўхтатди.

— Ҳожати йўқ, овора бўлманг, иложи бўлса бир чойнак чой беринг-у, Комилжонни чақиринг.

— А, шундайми, хўп бўлмаса.

Комилжон билан Муҳиддин бирга келишди. Муҳиддин колхоз раҳбарларининг қўққисдан келиб қолганига тушунолмади. Раис билан қўл олиб кўришаётганида, у шундай деди:

— Раҳмат, ука, мана биз сизларни муборакбод қилгани келдик.

— Нима билан?— тушуммай сўради Муҳиддин.

— Янги ерда биринчи бўлиб чигит экиб бўлганларнинг билан.

— Агар шунинг учун бўлса раис ака, бир мени эмас, звено аъзоларимизни ҳам ҳафа қиласиз, ахир бир звено — бу колхоз эмас-ку. Ҳеч бўлмагандаги чигигни бир текис ундириб олайлик.

— Тўғри. Аммо, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Биринчи бўлиб, муддатидан илгари экиб бўлдингизларми, катта гап, сизга ҳам, ўртоқларингизга ҳам, раҳмат.

Муҳиддин ўтирди. Бу пайт Тошпўлатов супанинг бурчагига қўйилган ўроғлиқ нарсани унга кўрсатди.

— Тунови кунги илтимосингиз... бир — икки туп гул кўчати келтирдим.

Муҳиддин ичидан севиниб кетди, аммо буни сездирмади.

— Раҳмат, ўртоқ Тошпўлатов,— деб қўйди.

Абдуғафур ота бўш чойнакни олаётганида, қўлида бир нарса кўтарган шофер супа яқинига келди.

— И smoилжон ака,— деди у,— мен сизларга айтманган эдим, мана бу нарсани мактаб пионерларидан уч бола кундузи менга келтириб беришган эди, «янги ерда ишлаётганиларга топширсангиз» деб, мана, нима эканлигини билмайман,— шофер посиликага ўхшаш нарсани раисга узатди.

Раис картондан ясалган ящикни очиб, ичидан чиройли хат ёзилган қофозни олди. Ўқиди: «...Янги ерни ўзлаштираётган комсомол-ёшлар звеносига, шу қишлоқ мактабининг пионерларидан. Биз сизларга радио ҳаваскорлар тўғарагида ўз қўлимиз билан ясаган детекторли приёмникни совға қиласиз. Мўл ҳосил учун курашга биз аъло баҳолар билан ўқиб, ота-оналаримизга қўлимиздан келганича қўмаклашиш билан ўз ҳиссамизни қўшамиз».

— Ҳаммасидан ҳам мана бунисига қойилман, қойилман,— деб икки қўлини тиззасига уриб ўринидан турди Абдуғафур ота.

— Мана,— деди раис приёмникни Муҳиддинга узатиб,— пионерлар ҳам сизларни унутмабди.

...Правление мажлисига бригаданинг барча аъзолари таклиф қилинди. Супа одамлар билан лиқ тўла.

Шийпонга осилган фонаръ супанигина ёритиб турибди. Атроф-теваракни қоронғилик қоплаган. Узоқда ишлаётган канавокопатель ва трактор чироқларининг нури чўл қоронғилигини ёриб, ёғду сочмоқда. У ерда, машиналар ишлаётган жойда чўлга қудратли ҳужум бошланганлиги сезилиб турибди. Бу кўриниш ҳудди прожекторлар ҳужум жангни олиб бораётган армиянинг йўлини ёритиб турган пайтни эслатарди.

Абдуғафур ота ўчиқча бир даста қуруқ шохни қалади. Олов алангаси бирдан кучайиб, шуъласи гоҳ дала-нинг у ер-бу ерини, гоҳ супанинг ярмини ёритар, бу ерда ўтиргандарнинг юзларига тушиб, баъзиларнинг соясини узоқларга чўзарди. Баъзизда бу шуъла кетмон бетларига тушиб, тифини ялтиратар эди. Бу кўринишлар бир нафас Тошпўлатовнинг хаёлини бўлди. Унинг назарида, бу ерга колхоз бригадаси эмас, жанговар

топшириқ олиш учун гвардия батальони тўплангандай бўлди. У ўзича: «Ҳақиқатан ҳам чўлга кучли ҳужум бошладик» деди-да, йиғилишни очиб, ахборот учун колхоз раисига сўз берди.

— Ўртоқлар, янги ерни ўзлаштириш бутун колхознинг иши. Биз энди колхоздаги бошқа қуришишлар қаторида бу ерда ҳам янги тураржой бинолари барпо этамиз. Энг муҳими қисқа муддатда колхоз ишлаб чиқаришидаги кўп ишларни электрлаштиришимиз лозим. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Биз фақат бу ишларни қишлоқ хўжалик ишларига заррача бўлса ҳам халал етказмай бажаришимиз керак...

Раис яқин икки-уч йил ичидаги колхозда бўладиган ўзгаришлар, янги участканинг истиқболи ҳақида гапи-рар экан, ўтирганларнинг кўз ўнгидаги чўлда кенг пахтазор, боғ, уй-жойлар, Ильич нурлари билан чароғон янги қишлоқ гавдаланди. Бу ишлар колхозчиларнинг ўз қўллари билан бажарилади. Ҳозир Тошпўлатовдан тортиб Абдуғафур отагача — ўтирганларнинг ҳар биря ўз кучи, звеноси, бригадасининг имкониятларини ҳисоблаб кўрмоқда, бу куч, имкониятларни бир ерга тўплаб бинокорлик ишларини тез бажариш режасини тузмоқда. Акрамов ўз сўзини тамомлаши билан кимдир савол бериб қолди:

— Қурилиш материаллари масаласи нима бўлади?

— Колхозимизга янгидан кўчиб келган йигирма учкишига уй-жой бинолари қуриш учун давлатдан етарли миқдорда материал оламиз, жамоат бинолари учун ҳам қўшимча материал олмоқчимиз, янги келганларга бир хилда уй-жой бинолари қуришда архитекторлар, мутахассислар ёрдам беради. Аммо, қурилишни ўз кучимиз билан бажарамиз. Фишт қуийишни ҳам ўзимиз ўюштиришимиз керак.

— Булар ҳаммаси яхши,— деди Ҳосилот ота ўтирган еридан,— доклад ҳам жуда силлиқ бўлди, аммо, авжиғ ғўза парвариши, иш қизгин вақтида қурилиш билан овора бўлиб қолсак... Бунинг устига янги ер очдик, ҳали кўп ишлов талаб қиласи, шундай бўлгач, кишилар етищмаса, бу ёғига раис нима дер эканлар?

Ўтирганлар орасида ғовур-ғувур кўтарилиди. Ким билсин, эҳтимол, булар ичидаги Рихсибойнинг фикрини маъқул кўрадиганлар ҳам бордир? Шу пайт кимнинг-

дир ўтирган еридан туриб баланд овоз билан айтган сўзи ғовурни босди:

— Режани айтаверинг, раис ака! Ҳамма ишни ба-жарамиз. Кучимиз ҳам етади, имконият ҳам.

— Албатта кучимиз етади,— деди унинг сўзини қувватлаб Акрамов,— ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Рихсибой акам ўйлаган гўза парваришини ҳаммамиз ҳам ўйлаймиз. Аммо бинокорлик ишларини шундай йўлга қўямизки, гўза парваришига сира халал бермайди. Фақат қатъий тартиб ўрнатишимиш, имкониятларни тўла ҳисобга олишимиз керак. Бу нарса колхоз раҳбарларига — сиз билан бизга боғлиқ, Рихсибой ака.

— Тўғри! Жуда тўғри!— деб раиснинг сўзини қувватлашди ўтирганлар.

— Биз ўртоқ Тошпўлатовни қурилиш бригадасининг бошлиғи вазифасига қўйиб тўғри қилган эканимиз,— деди Акрамов,— шунча вақтга чўзилган электростанциянинг тез битказилиши буни исбот этди. Энди электр қувватидан бошқа эҳтиёжларимиз, айниқса чорва фермаларида фойдаланишини тезлаштиришимиз керак. Бу масалада яна оталикдаги заводга ўз вакилимизни юбориб ёрдам сўрашга тўғри келади.

— Бир таклиф бор, мумкинми?— Муҳиддин қўлини кўтариб, Тошпўлатовга қаради.

— Марҳамат,— рухсат берди Тошпўлатов.

— Менингча, ишлаб чиқаришни электрлаштиришни теззатиш керак. Бунинг учун агар правление рухсат берса, оталикдаги корхона билан алоқа боғлаб, ишни жадаллатишни ўз зиммамга олмоқчиман...

— Мана бу таклифингиз жуда яхши,— шу баҳона бу ерга ҳам сим тортилиб қолар дейсиз-да,— деб кулиди раис,— қани, айтинг-чи, қандай йўл билан қилмоқчисиз?

— Буни айтишдан олдин, бир нарсани сизларга маълум қилишим лозим. Бу ҳам правление рухсатига боғлиқ. Мен қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига кириш учун тайёрланиб юрибман. Яқинда институтдан хат олдим. Тошкентга боришим керак экан. Агар сизларга маъқул тушса, борганимда завод билан битадиган ишни ҳал қилиб келсам.

Бу воқиадан Комилжондан бошқа ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Тошпўлатов ҳам билмас экан, у, ҳозир эшишиб ҳайрон бўлди. Муҳиддин институтдан олган

хатини раисга узатди, у ўқиб бўлгач, Тошпўлатов кўра бошлади.

— Бу жуда яхши таклиф,— деди Тошпўлатов хатни Мухиддинга узататуриб,— менингча, институтга боришингиз учун правление рухсат беради. Албатта, шу шарт биланки,— у раисга қараб кулиб қўйди,— ҳалиги масалани ҳал қилиб келсангиз.

— Тутариновдек дейсиз-да,— гап бошлади Комилжон.

— Ҳа, ҳа, гарчанд қаҳрамон бўлмасангиз ҳам шу ишда қаҳрамонлик кўрсатинг.

Тиз чўкиб ўтирган Ортиқов «Тутаринов ким?» деб ёни-веридагиларга сездирмай секин Комилжондан сўради. Бу ўринда кекса бригадир, агар бу Тутаринов ҳаммага маълум бўлса-ю, мен билмасам, уялиб қолмай, деб ўйлаган бўлиши мумкин.

— Тутаринов,— деб секин жавоб қайтарди Комилжон ҳам,— ёзувчи Семен Бабаевский романининг қаҳрамони.

Ортиқов ўзича ўйлади: «Бу китобни албатта топиб ўқиши керак экан... қизиқ китобга ўхшайди...»

XVII

Тарам-тарам гўзалар
Мунча гўзал боқади.
Жўяклар орасидан
Милтиллаб сув оқади.

Кечаке кечқурун шивалаб ёқсан ёмғир уч кунлик чақалоқни чўмилтиргандай икки қулоқ бўлган гўзаларнинг юзини ювиб ўтди, узоқдан қизларнинг қошига қўйилган қуюқ ўсмадай бўлиб кўзга ташланган гўзлар упадай майнин, беғубор, меъдаси тўқ тупроқча йўргакланганича тонг шабадасидан тўйиб-тўйиб нафас олмоқда. Ҳар замон қуёш кўтарилиб, уни яна эркалай бошлайди, қайноқ бағрига босиб, ҳаётга етаклайди.

Гўзлар орасида аста-аста қадам ташлаб, уни бирма-бир кўздан кечираётган, онда-сонда сийрак унган ерларига чигит доналарини тикиб бораётган қизлардан Каромат овозининг борича юқоридаги ашулани бошланган эди, бир-бирларидан узоқ бўлган қизлар унга қўшилишиб, ашуланинг ярмини бирга айтишди:

Жўяклар орасидан
Милтиллаб сув оқади, ўргуламан ҳо,
Милтиллаб сув оқади...

— Ҳо ёқмай қолсин-а, ғўза баҳона-ю, аллакимлар-
нинг дарди ғанимат экан-да, Юлдузхон?

— Нима деяпсан, Каромат, эсинг жойидами? Ўзинг
ашула бошлайсан-у, қўшилишсак яна...

— Мен-ку ашула айтяпман, сўзларини ким ёзган?

— Нима бўлти, мен бирорвга багишлаб ёзганим йўқ,
чиройли бўлиб, бир текис униб чиқсан ғўзага багишила-
ганман. Мана ўзинг бир қара, қандай гўзал,— деди
Юлдузхон Кароматнинг яқинрогига бориб.

— Қани, гап қўшманглар, бошла Каромат, жуда
яхши чиқибди.

Каромат ашуланинг давомини айта бошлади.

Меҳр қўйдим пахтага
Ватан кўрки, бойлигим.
Меҳнатим самараси,
Қувончим, чиройлигим.

— Жуда боплабсан, Юлдузхон — деди ўрта бўйли,
соchlарини чамбарак қилиб, дўппи кийиб олган Турсун-
ой,— кеча ўқиб берганингда унча сезмаган эканман.
Ашулага тушгандан кейин бирам ёқимли эшитиляпти.

Қизлар ашуланинг ярмини яна биргалашиб ай-
тишди.

Меҳнатим самараси,
Қувончим, чиройлигим, ўргиламан ҳо,
Қувончим, чиройлигим.

Узоқдан кимнингдир «ҳорманглар-ӯ, қизлар» деган
овози эштилди. Буни фақат Юлдузхон фаҳмлади.
Ашуланинг ёқимли садосига маст бўлиб, аллақандай
хаёлга чўмган Юлдузхон звено ерининг пастидан ўтиб
кетаётган Тошпўлатовни кўриб, дугоналарига деди:

— Ҳой қизлар, ўртоқ Тошпўлатов!

Қизлар ўша томонга қарашди.

— Нима,— деди Турсуной,— ашуламизни энди
эшитяптилармики, уяламиз. Бошла Каромат.

Ҳосил бўлар мўл-кўл,
Дўст-ёронлар кўргудай,
Уйнаб-кулай бағрингда
Пахтазорим ўргулай.

Қизларнинг жаранглаган овсзи яна далани қоплади:

Ўйнаб-кулай, бағрингда, айланаман ҳо,
Пахтазорим ўргулай.

Турсуной сўнгги сатрни бошқалардан баландроқ «севган ёрим ўргулай» деб айтиб, ҳаммани кулдириди.

Қизлар ўртасида камгаплиги билан танилган Нафиса «Абдуғафур отам кетиб, жуда яйраб қолди-да» деб сўз ташлаган эди, Турсуной қошларини чимириб, унга тикилди.

— Нима, мен Абдуғафур отам борларида ҳам гапираверардим.

— Гапирадингку-я ёрим деёлмасдинг-да.

— Бунисини дилимда айтардим.

— Абдуғафур отам бўлганларида,— деб гапга аралашди Юлдузхон,— бунчалик талтаймасдинглар, сала-вотлари босиб туарди. Эпди бўлса иложини топсанк ишни қўйиб ҳангома қилгимиз келади.

— Койиманг, Юлдузхон,— аразсумон гапирди Турсуной,— бир нафас ашула айтганимизга шунчами. Оғзимиз гапиргани билан қўлимиз ишда-ку...

Орага жимлик тушди. Қўринишидан оғир табиатли Нафиса кётмонини қўйиб, костюмининг енгини шимарди. Чамбарак қилиб боғланган майда ўрим сочларининг учини икки чаккаси тепасига қаттиқроқ қистириб олгач, Юлдузхонга қаради.

— Юлдузхон, Абдуғафур отам ҳали ҳам ошпазмилар?

— Вой, эшитмадингми,— леди Юлдузхон,— ернинг сеялкага илинмаган жойига чигит тика туриб — қурилиш бригадасига ўтганлар, гишт қўйишини топширишибди. Ўзлари рози бўлмабдилар-у, қўйишманти-да.

Уч йил сурункасига ана шу звенода ишлаган Абдуғафур отани қизлар жуда ҳурмат қилишарди. Ғўзани парвариш қилиш, юқори ҳосил олишда Абдуғафур ота уларга кўп нарсаларни ўргатди. Мана, бу йил янги ерга ўзи талабгор бўлиб чиқиб кетди. Бир ойдан буён звено аъзолари Абдуғафур отани кўрмаган эдилар. Улар ўтган куни бўлган умумий мажлисдагина ота билан кўришдилар. Абдуғафур ота қизлар, айниқса звено бошлиғи Юлдузхон билан узоқ гапиришди. Звенонинг ишларидан сўради. Янги ердаги қийинчиликлар,

кечалари дараҳт кўчатлари ўтқазилганидан тортиб, пионерлар радиоприёмник совға қилиб юборганингача — ҳаммасини айтиб берди. Айниқса Муҳиддинни мақтаб гапирди.

— Кўп ақлли йигит экан. Мана шу ишларда,— деди ота,— Муҳиддиннинг хизмати катта. Ўзи зап меҳнаткаш, асти қўявер. Шунча иш етмагани устига мана шу ўй саҳнидек ерни ойдинда бир ўзи чопди, бир аравача гўнг келтириб сепиб гулзор қилди. Буни қарангки, ҳеч кимга айтмай тунда бир ўзи қилибди-я, ҳозир ўн туп атиргул кўчати, яна аллақандай гул кўчатларини ўтқазди.

Юлдузхон отанинг суҳбатини тинглар экан, баъзи баъзида хаёли бўлинниб, қулоғига гап кирмай қолар. Муҳиддин отага, Юлдузхонга шу гапларни айтиб қўйинг, деб тайнинлаб юборгандай туйиларди.

Юлдузхон ҳозир ана шуларни ўйлаётганида Нафиса унинг хаёлини бўлди:

— Жон ўртоқ, Каромат билан дарс тайёрлаганингда мен ҳам борай, бирга тайёрлайлик.

— Вой, бирор сенга бормагин дедими, жуда яхши бўлади. Ўзингни чеккага олсанг, қайтанга дангаса бўлиб қоласан.

Нафиса бирнеча кундан бўён айтмоқчи бўлиб юрган гапини гапириб, хурсанд бўлиб кетди.

— Рост, ўртоқжон, анча қолиб кетдим, ўзим ҳам шуни ўйлаб юрувдим.

— Эртага дам олиш куни, кечқурун бирга тайёрлаймиз, бўлмаса.

— Шундай қиласайлик, ўртоқжон.

Юлдузхон билан Нафисанинг имтиҳонга тайёрланиш тўғрисидаги суҳбатлари тугамаган ҳам эди, отда Рихсибай ака келиб қолди.

— Салом, Ҳосилот ота, келинг.

— Саломат бўлинглар, ҳорманглар, қизларим, балли-балли, анави юқоридаги ариқ лабига ҳам экаётрисизларми?

— Шундай, Ҳосилот ота, қарасак, салкам бир метрча кенглиқдаги ер бекор қолиб кетяпти.

— Майли, яхши қилибсизлар, тутдан нариги қартада чопиққа киришсаларинг бўлаверади.

— Шундай қилмоқчимиз, Ҳосилот ота, бугун кечгача мана шу чалаларини, ариқ бўйини тамомласак, эртадан ўша ерда чопиқни бошлиймиз.

— Ҳа, балли-балли, мен ҳаммасини айлапиб чиқдим, тескис унибди, барвақт экканларнидан дуруст, кўёз тегмасин, қизларим.

Ҳосилот ота ўз сўзига жавоб ололмади, бир нафас қизлар ёнида туриб, катта йўлдан идора томонга кетди. У, бир оз узоқлашиши биланоқ Юлдузхон қизларга қаради:

— Ўртоқжонлар, қани тезлатаильик, шу бугундан қолмасин.

Унинг таклифи ҳаммага маъқул тушли. Иш яна қизиб кетди.

Кеч кириб, қуёш дарахтлар орқасига яширинди. Қизлар бир гуруҳ бўлиб даладан чиқишар экан, шўх ашула яна янграб, кўчаларни қоплади. Қизлар оҳиста юриб боришарди, ашула сўнггида адабиёт тўғарагининг кечаги машғулоти ҳақидаги таассуротларини эслай бошлашди, узоқ сухбатлашишди.

Юлдузхон уйига яқинлашаркан, эшикнинг очиқлигини кўриб ҳайрон бўлди.

— Ийе, нечук ойим барвақт келибдилар, ё бирон иш билан кирганмикинлар,— Юлдузхон бугун ҳар кунгидан вақтлироқ даладан қайтгани учун онасининг ҳам шу пайтда уйга келганига тушунолмади. Ичкари кирди, кетмонини қўйиб, ҳовли саҳнида турганича:

— Ойи, ҳа, вақтли келиб қолибсиз?— деб чақира бошлади.

Онаси жавоб бермади. Юлдузхон югуриб уйга кирди, қия очилиб ётган эшикни тортди-ю, ичкарида тикка турган йигитни кўриб жойида тақقا туриб қолди. Йигитнинг «салом» деган сўзи уйқудан уйғотгандай эшитилди, чўчиб тушган Юлдузхон ўзига келиб, секингина «салом, келинг», деди-ю, орқасига қайтди. Ҳовлига чиқди. Нега чиққанини ва нима қилишини билмасди. «Ойим ҳани? Эшикни ҳандай очди? Нега бизнигига келди? Энди нима қилсан экан?.. «Секин юриб ошхона томонга борди, бирон нарсани излаб топмоқчи бўлгандай гоҳ тандир ёнини, гоҳ ўтинхонани, ҳатто сигирнинг охурини ҳам қараб чиқди. Уйнинг эшиги ёнида Юлдузхоннинг бутун ҳаракатларини кузатиб турган Муҳиддин кулгидан ўзини зўрга тўхтагиб қолди.

— Нимани қидиряпсиз, Юлдузхон?— сўради Муҳиддин секин,

— Ҳеч, ўзим, шундай... — Юлдузхон қизарив кетди.
Муҳиддиннинг ўзи қай ҳолатга тушди денг. Умрида
биринчи марта севган қизи билан холи туриб гаплаша-
ётгани шу. Қай ирода уни ҳозир дадил туриб биринчи
сўзни айтишга унади экан? Яна Юлдузхон деб-а. Агар
Муҳиддиннинг ўртоқлари шу гапни эшитса сира-сира
ишонишмаслиги мумкин. Бугина эмас, ҳатто ўртоқлари
уни қизлар билан сира сўзлашолмайди, деб ўйлаб
юришарди.

Юлдузхон жойидан қўзғалмай, елкасидан ошиб
тушган майда ўрим соchlарини ўйнай бошлади. Ўртада-
ги жимлик бир неча минут давом этди. Муҳиддин энди-
ги учрашганида айтмоқчи бўлиб тайёрлаб қўйган бир
талай гапларининг ҳаммасини унуди, биттаси ҳам ми-
ясига келмасди. Унга ҳозирги гап тополмасликдан қийин
нарса оламда йўқдек кўринди. Охири узоқдан кел-
тириб гапирди.

— Кечирасиз, Юлдузхон, ўғирлик қилмоқчи эдим,
қўполлигимдан тутилиб қолдим.

Юлдузхон ўйлаб сўз тополмас, нима жавоб берай
деса, худди гапи оғзидан тушиб кетаётгандай бўлаверди.

— Нега бундай дейсиз? Қандай ўғирлик экан?

— Қандай дейсизми, айтсан майлимни?

— Нима экан ўзи?

— Мол ўғирлаш учун эмас, албатта, қалб ўғирлаш
учун.

Юлдузхон кулиб юборди.

— Вой ўлмасам, қалбни ҳам ўғирлаб бўларканми?

Юлдузхон шу жавобни бериб, гапнинг замирига ке-
йин тушунди. Ҳозир бир олам севинч унинг қалбидан
жой олди-ю, шу ондаёқ конверт эсига тушиб, яна фойиб
бўлди. Юлдузхонда пайдо бўлган қизиллик ўрнини
совуқ шабада юваб ўтди.

— Ҳа, ўғирлаб бўларкан-у, аммо, жуда ҳам қийин
бўларкан.

Юлдузхон ҳамон сочини ўйнар, Муҳиддиннинг юзига
қарамай, бошини қуии согланича турарди.

— Билмадим... Ҳар ҳолда... Иккинчи марта қалб
ўғирлаш қийин бўлса керак? — деди Юлдузхон секин.

Боядан бери ўзича: «мен анча тагли гап ташладим,
тушундимикан?» деб турган Муҳиддин бу жавобдан
ҳеч нарса англайолмади.

— Тушунолмадим, Юлдузхон, бу нима деганингиз?

Умримда биринчи марта шундай ўғирликка тушиб турибман.

Қош қорая бошлади. Айвон томон секин юриб келаётган Юлдузхон гапни бошқа томонга бурди.

— Кечирасиз, мен дарсдан кеч қоламан... ойим келмадиларми?

Мұхиддин Юлдузхоннинг авзойи ўзгарганини пайқади, ошга узатган қўлини қайтариб олган кишидек, ширин сұхбатни давом эттиrolмади.

— Ойингиз калитни менга бериб юбордилар-у,— ғамгин жавоб берди Мұхиддин,— уйни очиб туринг дедилар. Майли, кеч қолманг, мен анча гапга тутиб қўйдим,— у, ҳовли юзига тушди.

Юлдузхон «йўқ, ҳали вақт бор» деганича уйга кирди. Шошиб китоб-дафтарларини олди, уйнинг ўртасида бир ёққа кўчиб кетаётган кишининг буюмлари сочилиб ётгандай аҳволни кўрди. Катта қора чамадоннинг оғзи очиқ. Ичиди бир-икки рўмолча, қофоз, китоблар, чамадон ёнида тахлоқли кўйлак, костюм, қийиқ яна алланималар. Беш олти конверт кўрпача устида сочилиб ётибди. Юлдузхон токчага яқинлашгач, бу нарсаларга бир кўз югуртириб чиқди. Чамадондаги катта бир китоб орасидан чиқиб турган нарса кўзига ғалати кўринди. Китобларни олиб, эшик томон юришида секин энгашиб қаради. Тахтакачда босилгандай тентекис бўлиб қуриб қолган атир гулга кўзи тушди. Гулнинг ҳиди ҳали ҳам сақланганидан, энгашганида димоғига етди. Юлдузхон ташқарига чиқди. Эшик олдида кўчага қараб турган Мұхиддин унинг шарпасини сезиб, орқасига қаради. Нимчасини кийиб, газетага ўроқлик китобларини чап қўлига ушлаб олган қиз унинг кўзига боягидан кўра саловотлироқ бўлиб кўринди. У, эшикка яқинлашар экан, Мұхиддин деди:

— Қўришомасак, хайр!

Қўйқисдан айтилган бу сўз Юлдузхонга жуда бошқача бўлиб эшитилди. У, эшикка бир қадам қолганида тўхтади.

— Ҳозир чиқиб кетасизми, ойимлар, келгунча...

— Йўқ, участкага эмас, поездга чиқаман.

— Поездга?!— ялт этиб юзини Мұхиддинга ўтириди Юлдузхон ва ажабланиб, унинг сўзини тақрорлади,— ҳўп, сафарингиз бехатар бўлсин,— деди-ю, юраги шув этиб кетди.

— Ҳеч, ўзим, шундай... — Юлдузхон қизариб кетди.
Муҳиддиннинг ўзи қай ҳолатга тушди денг. Умрида
биринчи марта севган қизи билан холи туриб гаплаша-
ётгани шу. Қай ирода уни ҳозир дадил туриб биринчи
сўзни айтишга ундали экан? Яна Юлдузхон деб-а. Агар
Муҳиддиннинг ўртоқлари шу гапни эшитса сира-сира
ишонишмаслиги мумкин. Бугина эмас, ҳатто ўртоқлари
уни қизлар билан сира сўзлашолмайди, деб ўйлаб
юришарди.

Юлдузхон жойидан қўзғалмай, елкасидан ошиб
тушган майдага ўрим соchlарини ўйнай бошлади. Ўртадаги
жимлик бир неча минут давом этди. Муҳиддин энди-
ги учрашганида айтмоқчи бўлиб тайёрлаб қўйган бир
талай гапларининг ҳаммасини унудди, биттаси ҳам ми-
ясига келмасди. Унга ҳозирги гап тополмасликдан қийин
нарса оламда йўқдек кўринди. Охири узоқдан кел-
тириб гапирди.

— Кечирасиз, Юлдузхон, ўғирлик қилмоқчи эдим,
қўполлигимдан тутилиб қолдим.

Юлдузхон ўйлаб сўз тополмас, нима жавоб берай
деса, худди гапи оғзидан тушиб кетаётгандай бўлаверди.

— Нега бундай дейсиз? Қандай ўғирлик экан?

— Қандай дейсизми, айтсан майлими?

— Нима экан ўзи?

— Мол ўғирлаш учун эмас, албатта, қалб ўғирлаш
учун.

Юлдузхон кулиб юборди.

— Вой ўлмасам, қалбни ҳам ўғирлаб бўларканми?

Юлдузхон шу жавобни бериб, гапнинг замирига ке-
йин тушунди. Ҳозир бир олам севинч унинг қалбидан
жой олди-ю, шу ондаёқ конверт эсига тушиб, яна гойиб
бўлди. Юлдузхонда пайдо бўлган қизиллик ўрнини
совуқ шабада ювиб ўтди.

— Ҳа, ўғирлаб бўларкан-у, аммо, жуда ҳам қийин
бўларкан.

Юлдузхон ҳамон сочини ўйнар, Муҳиддиннинг юзига
қарамай, бошини қуии согланича турарди.

— Билмадим... Ҳар ҳолда... Иккинчи марта қалб
ўғирлаш қийин бўлса керак? — деди Юлдузхон секин.

Боядан бери ўзича: «мен анча тагли гап ташладим,
тушундимикан?» деб турган Муҳиддин бу жавобдан
ҳеч нарса англайолмади.

— Тушунолмадим, Юлдузхон, бу нима деганингиз?

Умримда биринчи марта шундай ўғирликка тушиб турибман.

Қош қорая бошлади. Айвон томон секин юриб кела-ётган Юлдузхон гапни бошқа томонга бурди.

— Кечирасиз, мен дарсдан кеч қоламан... ойим келмадиларми?

Муҳиддин Юлдузхоннинг авзойи ўзгарганини пайқади, ошга узатган қўлини қайтариб олган кишидек, ширин сұхбатни давом эттиrolмади.

— Ойингиз калитни менга бериб юбордилар-у,—ғамгин жавоб берди Муҳиддин,—уйни очиб туринг дедилар. Майли, кеч қолманг, мен анча гапга тутиб қўйдим,—у, ҳовли юзига тушди.

Юлдузхон «йўқ, ҳали вақт бор» деганича уйга кирди. Шошиб китоб-дафтарларини олди, уйнинг ўртасида бир ёқса кўчиб кетаётган кишининг буюмлари сочилиб ётгандай аҳволни кўрди. Катта қора чамадоннинг оғзи очиқ. Ичида бир-икки рўмолча, қофоз, китоблар, чамадон ёнида тахлоқли кўйлак, костюм, қийик яна алланималар. Беш олти конверт кўрпача устида сочилиб ётибди. Юлдузхон токчага яқинлашгач, бу нарсаларга бир кўз югуртириб чиқди. Чамадондаги катта бир китоб орасидан чиқиб турган нарса кўзига ғалати кўринди. Китобларни олиб, эшик томон юришида секин энгашиб қаради. Тахтакачда босилгандай тептекис бўлиб қуриб қолган атир гулга кўзи тушди. Гулнинг ҳиди ҳали ҳам сақланганидан, энгашганида димогига етди. Юлдузхон ташқарига чиқди. Эшик олдида кўчага қараб турган Муҳиддин унинг шарпасини сезиб, орқасига қаради. Нимчасини кийиб, газетага ўроқлик китобларини чап қўлига ушлаб олган қиз унинг кўзига боягидан кўра саловотлироқ бўлиб кўринди. У, эшикка яқинлашар экан, Муҳиддин деди:

— Кўришолмасак, хайр!

Кўққисдан айтилган бу сўз Юлдузхонга жуда бошқача бўлиб эшитилди. У, эшикка бир қадам қолганида тўхтади.

— Ҳозир чиқиб кетасизми, ойимлар, келгунча...

— Йўқ, участкага эмас, поездга чиқаман.

— Поездга?!— ялт этиб юзини Муҳиддинга ўтириди Юлдузхон ва ажабланиб, унинг сўзини такрорлади,—хўп, сафарингиз бехатар бўлсин,— деди-ю, юраги шув этиб кетди,

Тошпўлатов пояндоз солинган узун коридордан бамайлихотир кириб борар экан, оёқ шарпасини эшитиб ичкаридан Хосият хола чиқиб қолди.

— Салом, хола,— деда қўйлини узатди Тошпўлатов.

Хосият холанинг кўзлари катта очилиб кетди, икки қўйлини кўтарди-да, Тошпўлатовнинг кўкрагига тира-моқчидай унинг йўлини тўсди.

— Се-ки-ин,— деди шивирлаб,— болалар безовта бўлади.

Тошпўлатов ўзининг эҳтиётсизлигидан сал ўнғай-сизланди, юрганида этик гарчини эшитирмасликка уриниб, оёқ учидага сал орқага тисарилди.

— Нега халатсиз кирдинг, болам,— Хосият хола ярим овозда шундай деди-да, бурчакдаги илгакдан оппоқ халатни олиб, унга кийгиза бошлади,— биласанки, болалар нозик, усти бошинг чанг, шошма, тумасини ҳам қадаб қўяй, дўндиқларга гард юқмасин дейман-да, болам тағин кўнглингга олмагин, таомили шу. Ана энди... Ичкарига кирмоқчимисан?

Ичкарига кириб, боқчанинг аҳволи билан танишишни хаёлига ҳам келтирмаган Тошпўлатов нима қилишини билмай ўнғайсизланди. Хосият холага бир амаллаб тушунтирас-ку, аммо боғча мудири чиқиб қолса, албатта гинахонлик қиласди, правление йиғилишида «колхоз раҳбарлари боғчамизга киришмайди» деганини ҳозир юзига солади. Тошпўлатов шуларни ўйлаб, «қани бошлангчи» деди-да, Хосият холанинг кетидан узун коридорга чиқди. Хоналарнинг эшиклари очиқ, кичкина, бежирим кроватларда гўдаклар пишиллаб ухлаб ётишибди. Хосият хола ҳар хонага кирганида бирма-бир кўздан кечириб, бирон боланинг қўли ё оёғи осилиб қолган бўлса, секин тўғрилаб қўярди. Кўпчилик кроватларда болалар қўғирчоқларини қучоқлаб ётишибди, бир қиз лўппи юзли қўғирчоқни ўлганича ухлаб қолишибди, буни кўриб Тошпўлатов ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб қолди. У, ҳозир боғча мудири Садриеванинг келишини кутган эди. У йўқ экан; правлениега кетувди, деди шивирлаб Хосият хола атайи Тошпўлатовни сўнгги хонага олиб кирди. Бу ердаги ўғил болаларнинг кўпчилиги бир кроватда иккитадан

бўлиб ётишарди. Хосият хола «кўрдингми» шу яхши-ми?» дегандай имо билан кроватларни кўрсатди. Тошпўлатов индамади. Унга ҳозир Садриеванинг йўқлиги ҳам, болаларнинг уйқуда эканлиги ҳам жонига оро бергандай бўлди. Бўлмаса уни роса ўртага олишарди-я.

Барибир ҳовлига чиқишиганда Хосият хола жим тўролмади. Боғча мудиридан ҳам ўтказиб юборди:

— Ахир сен яхши тушунасан-ку, болалари қанчаки тинч бўлса, оналари ҳам ишга шунча муҳаббат қўйиб ишлайди. Хотинларга шароит яратиш тўғрисида-ку ҳар сафар гапирасизлар. Шароит деганинг энг зарури мана шу. Садриева кеча уч болани жой йўқ деб қайтарди. Қани ўйлаб кўр-чи, ўша учта она далада хотиржам ишлайоладими? Йўқ...

— Яқинда шунга киришмоқчимиз, кампир. Яна бир боғча очишини мўлжалладик,— деди Тошпўлатов,— болалар ҳам кўпаяптими дейман, хола?

— Кўпайсин, унсин, ўссин. Нима, сени ваҳимага солиб қўйдими,— ҳазил қилди Хосият хола,— ўтган йили юз эллик атрофида эди, мана бу йил икки юз ўттизга борди. Шундаям жой етишмайди. Тезлатинглар, болам, правлениедагиларни қитиқлаб қўйиш сендан лозим, ха, ўзингдан қолар гап йўқ. Ҳи-ӯн беш йил ўтиб ўзинг ҳам ували-жували бўлганингда мундоқ эслаб, атрофингга қарасанг биласан: худди шу боқчада тарбияланганларнинг бири агроном, бири тракторчи, яна бири ўқитувчи, артист бўлиб етишади. Ана ўшандада айтарсан, бир вақт эзма Хосият холам шундай деган эди-я деб.

Тошпўлатов Хосият хола қўйиб берган кичкина стулда жуда ўнгайсиз ўтиради, кўз югутириб ён-верида биронта стул кўрмади. Хосият хола бўлса худди шундай стулда bemalol чордана қуриб олгандай, қимир этмай ўтирганига ҳайрон эди. Охири кампир буни сезди шекилли «шошма» дея ўрнидан туриб бориб, ошхонадан катта стул келтирди.

— Ўтиrolмадинг-а, билдим. Биз аёллар кексайганимизда ҳам гўдакликни унутмаймиз, шу туфайли стулчаларига ҳам bemalol сиғаверамиз, мана кўрдингми?

Бу гап ҳам Тошпўлатовга «келажагимиз бўлган мана шу дўндиқларни сира унутмагин» дегандай бўй

либ эштилди. У соатига бир қараб олди-да, Хосият холага деди:

— Рост, ўтиrolмадим, жуда кичкина экан... Хола мен сизга бир муҳим маслаҳат билан келган эдим.

— Қани, қани биздан ҳам бир ақл чиқар эканми-а, тавба...

Хосият хола шундай деди-да, иргиб ўрнидан турди.

— Эсим ҳам қурсин, ҳо-зир, болалардан бир хабар олиб чиқай,— деганича хонага кириб кетди.

Сердарахт, кенг ҳовлига, кун тиккага келиб ҳамма ёқни қизитган пайтларда ҳам тангадек қуёш тушмас, баҳаволиги, кўркамлиги билан гўдакларнинггина эмас, катталарнинг ҳам ҳавасини келтирарди. Ҳовлининг бир томонида тўрт ёғи очиқ айвон, унга тартиб билан уч қатор қилиб кичкина столлар, стуллар қўйилган, стол устларига оппоқ дастурхонлар ёзилган. Ҳозир Хосият хола кириб кетган бино узунасига тушиб, ўртасига пастак зиналоя қилинган, ундан кичик коридорга чиқилади, кейин бинонинг у бошидан бу бошигача чўзилиб кетган коридор бошланади. Болалар ухлаб ётган хоналарнинг деразаларида шойи дарлардалар енгил шабадада елпиниб турибди. Дараҳт япроқларининг шитирлаши ва ҳар замонда ошхона томондан идиштовоқларнинг тақиллагани қулоққа чалинмаса, бўлмаса боғ сув қуйгандек жимжитлик.

Тошпўлатов атроф-теваракни кўздан кечираркан, яна бир икки йилдан кейин ишдан қайтишида ўзи ёки хотини ўйилчасини олгани шу ерга ҳар куни қатнаб туришини хаёлига келтирди. Бу орада Хосият хола ҳовлига чиқиб, ошхона томонга борди, кўнгли тинчимади шекилли, бир аёлни чақириб, унга болалардан хабардор бўлиб туришини тайинлади.

— Ўзи тинчликми?— деди Хосият хола Тошпўлатов ёнига яқинлашаркан.

— Бир иш миямни жуда қотириб қўйди. Шу масалада сиздан бир маслаҳат чиқар деб олдингизга келдим. Йигитларингиздан анави Собир деганини яхши биласизми?

Хосият хола Тошпўлатовнинг юзидан бир маъно уқмоқчи бўлгандай унга тикилиб қаради.

— Хўш, хўш, жуда яхши биламан. Ҳаммасини ҳам...

— Ўзи билан уй аҳволлари ҳақида ҳам гаплашган-мисиз?

— Ҳа, бир эмас, бир неча бор гаплашганман, қани, нима гап, айта бер.

— Ўзи бу ерда бўлса, хотини у ерда, бу ҳолатда икки ёшнинг турмуши бузилиб кетмасмикан? Сиз нима дейсиз?

Хосият хола ҳам худди шуни кутиб турувди. У, дар-ров жавоб берсаомади, ўйланиб сўз бошлади:

— Ҳа, барака топ. Мана бу ишингга бир мен эмас, ҳамма хурсанд бўлади. Очиғини айтсан, ўзим ҳам неча кундан бери олдингга бориб, шу масалани гапириб, сени узиб-узиб олмоқчи эдим. Ахир нима деган гап? Ком-сомол ўртоқлари эплаёлмаса, ҳамқишлоқлари бўлса «эр-хотин ишига қандай аралашамиз» дейишса! Муҳиддин ҳам бир икки гапирган экан, бўлмапти. Боласи тушмагур Собирниң ўзи мундоқ очикроққинаям эмас. Ўнта гапирсанг зўрга битта жавоб қилади. Ўзи ёмон болага ўҳшамайди, етти ўйлаб, бир кесадиган. Нима қилсинки, турмушда тажрибаси кам. Ҳеч кимга айтмай, ҳаммаси-ни ичига солади. Бир марта хомуш ўтирганини кўриб, бирам юракларим эзилдики... Афтидан, хотинини жуда яхши кўради. Нима қилсинки, мана бунақанг катта ишга, юрт ишига отланган-у, кейин йигит сўзини ерга ташлай олмаган. Хотини, шундай яхши кўрган хотини бор-майман деса ҳам ўзи келаверган. Мард йигит экан, ба-рака топсин! Баъзиларга ўҳшаб «хотинимни севаман, уни ташлаб кетмайман» деса нима бўларди. Шунақалар кам дейсанми. Энди бу ёигига нима қилиш керак? Сен билан менга ўҳшаганлар ёрдам беришимиз лозим бўла-ди. «Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади» деб қа-раб туриш уят. Агар шундай ташлаб қўйила берса бу ерда Собирниң, у ерда хотинининг ишида ҳам, юриш-туришида ҳам тайин бўлмайди, оқибатда турмушлари бузилади, кетади.

— Бунисига тушунаман, хола, аммо қандай ёрдам берсак экан. Бу орада газеталарга ҳам ёзилиб, анча шов-шув бўлди.

— Хабарим бор. Ана кўрдингми, бола бечора азба-ройи мияси қотганидан газетага беришгача борган. Га-зетадагилар «бу эр-хотин иши» деб қараб турмапти-ку, шартта газетхонлар маслаҳатига ташлапти. Жуда яхши қилибди. Бошқаларга ҳам ўrnak бўлсин деган-да. Газе-

танинг бу иши, аслида билсанг, бизларға ҳам яхшигина дақки, ҳимм, бунисини унутма, болам. «Колхоз бошлиқлари, кексалар, ўртоқлари қаёқдасизлар» дегани бўлади.

Тошпўлатов Хосият холанинг ақлли, сўзамоллигини яхши билар эди-ю, аммо ҳозирги гаплари ҳаммасидан ўтиб кетди, у завқ билан мийифида кулиб қўйди.

— Шуларни ҳам билармидингиз-а?

— Ҳа, мени жудаям қарига чиқариб қўйдингми. Сенчалик бўлмаса ҳам озроқ ақлим етади. Айтдим-ку, яхшики ўзинг келиб қолдинг. Бўлмаса худди шу иш юзасидан устларингдан арз қилишдан ҳам тоймасдим. Эсингдан чиқдими умумий мажлис нима дегани. Яни келганларни кутиб олишдан тортиб, ишлари, турмушларигача қараб туриш кимга топширилувди-а? Партия мажлиси ҳам шуни маъқул кўрган экан-ку.

— Биламан, хола, қўлимдан келганча қиляпман. Ақлим етмаганига мана ўзингизга ўхшаш онахон, отахонларимизнинг маслаҳатига муҳтоjeman.

Тошпўлатов холанинг феълига жуда яхши тушунарди. Ўзича «кексаларимиздан Абдуғафур ота ёки Хосият хола билан суҳбатлашисам роҳат қиласман-да,» деб юрарди. Хосият хола ҳар қанча қаттиқ гапирса ҳам индамай тинглар, кейин юқоридаги сингари кўнглини кўтарадиган бир-икки оғиз гап қилиб қўярди.

— Шундай бўлиши керак, болам. Менга қара, Собир билан ўзинг ҳам гаплашиб кўрдингми, ҳар ҳолда, эркак эркак, баъзан мендан уялиб айтмолмаганларини гапиргандир.

— Икки марта гаплашдим. Икковида ҳам очилиброқ бир нарса демади. Айтгани шу бўлдики, хотинини жуда севар экан, ўзича, бирга келмаганига онаси сабабчи деб ўйлайди, холос. Ўрталарида бирон кўнгил қоладиган гап ҳам бўлмапти. Бир бориб кўрсангиз қандай бўлар экан дегандай қиласувдим, «сиз айтсангиз бориб келаверман-у, аммо оғзига кучи етмаган баъзилар бошқача тушунишади» деди.

— А-а, шундай дедими, ақлини қарагин-а.

— Кейин мен қишлоғига хат ёздим. Жавоб юборишибди. У ерда хотинини комсомол мажлисида ҳам ўртага олишибди. «Боришни хоҳламайман» деб юрган эмиш. Бу хатни Собирга билдирганим йўқ. Энди, мана бу газетадаги хабарлардан кейин нима бўларкин, ҳайронман.

„Собир келган кунидан бошлаб бу ҳақда ҳеч кимга

ҳеч нарса айтмади. Ҳамқишлоқларидан ҳам бу тўғрида оғиз очмасликка илтимос қилди. Авваллари у ўзича «барибир бу ишда бировнинг кўмаги ёрдам бермайди. Комсомол комитетига хотинимни келтириб беринглар дейманми? Ўзи истамагандан кейин... Йўқ, бўлмайди...» деган фикридан қайтмай юрди. Барибир ойни этак билан ёпиб бўлмагани сингари, Собир ҳам юрагидагини яшиrolмади. Қаерда, кимга гапирганини ҳозир эслеён майди. Ҳарҳолда кўпчиликка ошкор бўлмаса ҳам комсомол комитетидагилар, бригададагилар билишди. Хосият хола «шунчалик оғирмисиз, болам, мен сизга бегона эмасман; ёмонликни асло раво кўрмайман. Бир оғиз айтсангиз, бирон маслаҳат чиқиб қоларди» деганидан кейингина бутун гапни айтиб, хотинидан олган иккита хатини ўқиб ҳам берди. Бу хатларда Нафиса келиш-кемаслиги тўғрисида ҳеч нарса ёзмабди. Фақат икковида ҳам «... қандай қиласайки...» деган жумла Собирнинг юрагини эзарди. У, ўйлаб-ўйлаб ҳамма айбни қайнанасига қўя бошлади. Шундай бўлса ҳам Нафисанинг хатини қайта-қайта ўқир; унинг ҳар бир сатрида аллақандай чўғнинг яллиғи бор-у, кимдир унга сув сепмоқчидай бўлиб турганини сезарди. Хосият хола ҳам Собирга ҳеч нарса демади, фақат яхши гапириб юпатди, холос. «Сизда айб ўқ, болам, сабр қилинг-чи, ўқинига тушиб қолар» деган бўлди. Собир яна ўзини босди. Аммо газеталарда янги ерни ўзлаштиришга эр-хотинлар биргалашиб кетишаётгани тўғрисида ёзилган хабарларни ўқиган сари яраси янгилана берди. Бир куни ўқиб турган газетасини четга йиғди-да, редакцияга хат ёзди: хатнинг қисқа мазмуни ҳам шу эди: «Мен комсомоллик бурчимни ўташга бел боғладим. Аммо турмуш ўртоғим, комсомол аъзоси деган номга яраша иш қилмади». Хатни юборганида, уни босиб чиқаришларига жудаям ишонмаган эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, қараса, газета сахифасида шу хат чиқиб турибди-да. Бундан кейин нима бўлишини сира хаёлига келтирмовди. Кичкина бир хат, оддий комсомолнинг шахсий ҳаёти масаласи кўпчиликни ташвишга соглани Собирга жуда ғалати таъсир қилди. «Мен кимман? Шунчадан-шунча одам менга жавоб ёзаяпти-я, менинг тўғримда ғамхўрлик қилишяпти-я?» — ўйлай бошлади ўзича. Унинг хатига жавобан, худди қадрдоңлардек ҳамдард бўлаётгани кишиларнинг хабарлари кетма-кет босилиб чиқаверди. Собирни қувонтиргани шуки,

буларнинг ичидаги Нафисанинг дугоналари ёзган хат ҳам илгари улар ўқиган мактаб директорининг хати ва бошқа кўплаб хабарлар босилган. Бир инженер «комсомоллар оиласининг традицияси шундай: бир комсомол бутун комсомол ташкилотининг иши учун ўз ҳиссасини қўшади, худди шунингдек бир комсомолнинг тақдиди учун кўпчилик биргалашиб қайғиради» депти. Собир «бу менинг шахсий ишим» деб янгилишиб юрган экан. Бўлмаса Тошпўлатов билан Хосият хола ҳам бекорга бош қотиришармиди...

— Газетанинг шу ишга бош қўшганидан жуда қувондим-у, уввало бир нарсасига қўшилолмадим,—Хосият хола қўлини пахса қилиб гапира бошлади,— биласанми, нимаси ёқмади менга. Газетага қизлар, йигитлар, жувонлар — ҳар хил касбдаги одамлар хат ёзишибди-ю, аксарияти Собирни ҳақ хотинини ноҳақ қилиб кўрсатиби. Шуниси ёқмади.

Тошпўлатов ҳайрон бўлиб, елкасини қисди.

— Ана кўрдингми, сен ҳам айбни хотинига қўймоқчисан.

— Шошманг, хола, сиз айбни Собирга қўймоқчими сиз бўлмаса. Газетага ёзганлар-ку, эр-хотинни танишмайди. Биз эрини жуда яхши биламиш-ку, ахир.

— Бундан чиқдики, сен ҳам айбни буткул хотинига қўяялсан.

— Ҳа.

— Ҳўп бўлмаса. Менга айт-чи, шу газета ўзи комсомоллар газетасими?

— Ҳа, комсомол газетаси.

— Ундай бўса катталарнинг гапини босмайди дегин?

— Нега, босаверади.

— Ростингми ё менинг раъимни қиляпсанми?

— Рост, хола. Нима эди?

— Бўлмаса, мен ҳам мақола ёзганим бўлсин. Яхши-лаб ўйлаб, мана бу еримда,—Хосият хола бармоғи билан пешонасини санчди,— ўбдан пишитиб оламан-да, Юлдузхонга ёздириб юбораман. Қани, меникини босмай қўришсин-чи.

Тошпўлатов ўзини кулгидан тўхтатолмади. Бу Хосият холанинг ғашига тегди.

— Ҳой, бунинг отини муросаю мадора дейдилар. Оилавий турмушни сен эр-хотин яшай беради-ю, бола-чақа

қилади, холос деб ўйлайсанда-а? Йўқ, ундоқ эмас. Бу сенга мажлисда вазъхонлик қилиш эмас, тушундингми? Тағин кўнглингга олмагин, мени биласан-ку, тўғрисини айта бераман.

Тошпўлатов суҳбатнинг бошида бирон маслаҳат чи-қишига кўзи етмаган бўлса ҳам, холанинг кейинги гаплари уни қизиқтириб қўйди, ўртада ўзи билмаган ёки унча ақли етмаган бир сир борга ўхшаб қолди.

— Сизнинг гапингиздан хафа бўладиган бўлсам келмас эдим. Буни ўйламанг. Қани энди, маслаҳат билан нима қилсақ экан. Мақолани ёза беринг-у, аммо бу ёғига ҳам бир гап айтинг-да.

— Хотинининг ҳомиладорлигидан хабаринг борми?

— Йўқ.

— Ана шу-да.

— Эй, хола, нималарни гапиряпсиз. Хотинлар доим хотинларнинг ёнини оладилар. Ҳомиладор бўлса бу ерда шароит туғдириб беролмасмилик?

— Бунисини айтаётганим йўқ. Иккиласмчиси шуки, хотинлар хотинларга ён босади деган гапингни бошقا жойда айта кўрма, изза бўлиб қоласан. Хотинларга шундай кўз билан қараш сенга лозим эмас,—Хосият хола бу гапни насиҳатомуз оҳангда, қўлини пахса қилиб айтди,— мен ҳалиям ўз фикримда қоламан. Нега? Собир ҳам, хотини ҳам ёш. Ҳали турмушнинг ачиқ-чучигини тотиб кўришган эмас. Севиб турмуш қуришган-у, очиқ-роғи, ҳали бир-бировига тўйишгани ҳам йўқ. Хўш, шундай бўлса, нега хотини келмайман деган? Онаси рози бўлмаганиданми? Эҳтимол, шундайдир. Аммо, мен сенга айтсан, вафодор хотин сира бундай қилмайди. У, бошқа томонини ўйлаган.

— Нимани ўйлайди?

— Нимани дейсанми? Аввало шуки, хотинларни заиф деб ўйлашнинг ўзи нотўғри. Улар ҳеч бир жиҳатдан эркаклардан қолишмайди. Аммо оғир оёқ бўлган, кейин оналик даври бошланган пайтларда ўзини сал ожизроқ ҳис қилади-ю, эридан аллақандай мадад кутади. Буни эркак тушунса ҳай-ҳай, тушунмаса борми, хотин кишига бундан ёмони йўқ. Собирнинг хотини ҳам шу томонларини ўйлаб қолган. Борсам, бирга ишлай бошласак вақти соати етиб, кўзим ёриши яқинлашганда худди онамдек тушуниб, ёнимдан нари кетмасмикин? Кўзим ёриб, туркуҳонадан келганимдан кейин-чи? Е кечқурун ишдан

қайтгân пайтларида суриштирмай-нетмай, у йўқ, бу йўқ, нега овқат кечикди дермикан? Уй юмушларидан чарчаган кезларимда чақалоқни бирпастсина овитиб, менга дам берармикан? Шошиб қолган пайтларимда яслидан олиб келармикан? Иссик жон, бола касал бўлиб қолса, мен қўрқсам, шундай пайтларда-чи? Шошма хотин, деб иргиб ўрнидан туриб, то докторга хабар қилгунча қўшидан бирон кампирни чақириб, ёнимга ўтқазиб қўйиш эсига келармикан?— қўйчи болам, айта берган билан адо бўлмайди. Кошки эркакларнинг ҳаммаси шунга ақли ета қолса. Уям мана шуларни ўйлаган-у, азбаройи севганидан эрига ҳам айтмай, ўз ичига солган. Қани, ўзинг ўйлаб кўр-чи. Собир шуларни қила олади, деб ишонасанми?

Тошпўлатов чуқур ўйга толди. Мияси атрофика қовоқ ари ғингиллаб юргандай бўлди.

— Энди, хола...

— Ҳа, ана. Ишониш қийин. Ўзи одобли, ақлли бўлган билан, турмушда ҳали ёш. Хотини-чи? Уям ёш. Иннайкейин ҳали онасининг бағридан чиқиб ўрганмаган.

— Шуларни Собирнинг ўзига айтиб кўрдингизми?

— Йўқ. Жўрттага айтмадим. Сал соғинсин, хотини ҳам ўқинига тушиб қолади, дедим-да.

— Газетага нимани ёзмоқчисиз?

— Худди шу айтганларимни ёзмоқчиман, қани босмай кўришсинчи.

— Қачон газетада чиқади деб қараб ўтира берамизми?

— Йўқ. Сен Собирни чақириб гаплаш, шуларнинг ҳаммасин айт. Иннайкейин, у ҳам хотинига шундай хат ёзсинки, у ўқиб бўлиб, хатни кўкрагига боссин-да, «вой, эrim шундай экан-у, мен билмас эканман-да» деганича сакраб ўрнидан туриб кетадиган, тўғри йўлга тушадиган бўлсин...

— Оббо, сиз-еї.— Тошпўлатов қўлинин тиззасига уриб кулиб юборди,— шундай бўлишига ишонасизми?

— Ҳой, мен сенга айтайми, кўпинча эркаклар минг хотинини яхши кўргани билан, барибир унинг юрагидаги нозик жойни топишда янглишишади, ҳимм. Бўниги ҳам худди шундай бўлган. Агар Собир мен айтгандай хат ёзиб юборса, эртасига ёқ «кутиб олинг» деган телеграмма келади. Мана кўрарсан, Келмаса мен Хосият номими ни бошқа қўяман...

— Бу яхши маслаҳат. Мабодо шундаям иш чиқмаса, ўзингиз бориб келасиз.

— Бўпти. Бунингга ҳам кўндин.

Тошпўлатов соатига қараб, ўрнидан турди, Хосият хола уни эшиккача кузатар экан, бояги гапни яна қайтарди.

— Ҳой, барака топкур, боғчани...

— Бўлди, бўлди, ҳал бўлган гап, Садриева хабардор,— деб кўчага чиқди Тошпўлатов.

Юзаки ўйлаб қараганда қуруқ гапдай кўринган бу маслаҳат Тошпўлатовга ёққаниданми ё Хосият холанинг сўзамоллигиданми, ҳар қалай унинг хаёлини бутунлай чулғаб олган эди. Уйига яқинлашаркан, ўзи ҳам хотини олдида баъзи пайтларда шўнга ўхшаш гуноҳ қилган-у, ҳозир у ҳам шуларни юзига соладигандай бўлди.

XIX

Эрталаб... Йўл-йўл кўйлак устидан пахтали фуфайка кийган, қоп-қора соchlарини мовий ранг шойи дўррача билан танғиган Юлдузхон айвон зинапоясидан ҳовлига тушар экан, ўхтин-ўхтин шарқ томонга қараб қўяр, ажабланарди. Қани, бояги осмон? Тикилган билан ҳуснига тўйиб бўлмайдиган, саноқсиз юлдузлари чароқлаб турган, кишининг қалбида ажиб ҳиссиётларни уйғотган кўм-кўк осмон қани? Нега унинг юзи кул сепилгандай хира, совуқ?

Юлдузхон ҳовлидан кўчага чиқди, ўнг томондаги тепаликка қўтарилиди. Шунда аллақандай ёқимсиз шамол қулоқлари тагида шовқин солаётгандай бўлди. Икки кўзи осмонда. Дуррачаси сирғаниб, елкасига тушди, соchlари тўзиб кетди. У бўлса парвосиз. Қувноқ юзларига рашку алам соя солганки, пешонаси тиришган, қарашлари ўтли ва бежо.

Шамол гувилламоқда. Осмондаги сийрак булутлар чопа-чоға бир-бирларини қувиб, қуюқлашарди. Ҳувана... Кўкда, узоқдаги булутлар орасида қадди букик, серсоҷ, ориқ бир мурдага ўхшаш сурат пайдо бўлди. Ҳудди эртаклардаги ялмоғиз кампирга ўхшайди. Юлдузхоннинг бадани жимиirlаб кетди. Тоғ томондан келаётган ва тобора кучаяётган совуқ шамол эс-ҳушини аллақаёқларга олиб қочди. Қимир этмай, серрайганича бир оз туриб қолди. Шамол таъсириданми ёки ташвиш

ланганиданми, кўз қорачигида бир-икки томчи ёш пайдо бўлди. Рўмолчасининг учи билан артар экан, «мир-ғаккина ғўзаларни қақшатиб кетмаса яхши эдиз» деди-ю, пастликда, қаторасига кўтган тут дараҳтларининг нариги ёқасида тилимланган қовундек бўлиб, чалқанча тушиб ётган пахтазорга қараб йўл олди.

Тонг отиб, атроф-теварак ёришгандан буён ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин бу бир соатлик муддат Юлдузхонга йил каби узоқ туюлди. Осмондаги булутларнинг бесўнақай хатти-ҳаракати унинг жонига шундай ботмоқда эдики, қандай қилиб ер бошига етиб келганини ҳам сезмай қолди.

— Иш пачава-ку, Юлдуз!

Кароматнинг шу сўзларини эшилди-ю, унга қайрилиб қарамади ҳам, чурқ этмай жўяқ ораларига кириб кетди.

— Шу ғўзаларни-я... Энг каттасининг бўйи бир қарич-ку, ахир. Ҳали нозик танасидаги жон томирлари ўзига яраша куч йиғиб олмаган, суяклари қотмаган-ку. Булар ҳали ўсади, қад кўтаради, гуллайди, кўсак тугади, пахта очилади. Мана шу ғўзалардан олтмиз центрдан ҳосил оламиз деб умид тутиб юрибмиз-а. Шу орзу билан меҳнат қилдик. Шунча машина, одам кучи... Мабодо қаттиқ совуқ бўлса?! Ёки...

Шу топда Кароматнинг бояги гапи эсига тушди.

— Ҳа, иш пачава,— деб қўйди ўзича. У, Кароматнинг изма-из келаётганини ҳам сезмади. Дам осмонга, дам ғўзаларга қараб, жўяклар оралаб кетаверди. Пахтазорнинг нариги четига етиб борганида қаттиқроқ ва шиддатлироқ гапира бошлади: Йўқ... Ҳозир агрономга учрашай... Маслаҳат қиласайлик. Наҳотки.

— Областнинг жанубий районларида қаттиқ совуқ бўлиши кутилади!

Юлдузхон правление биносига яқинлашар экан, радиодан шу сўзларни эшилди. Қадамини тезлатди. Назаридা, радио ҳам ҳозир фақат шу хабарни эшилдиргандай бўлди. Бошқаларини эслай олмади. Акрамовнинг кабинетини очганида, димогига гуп этиб папирос туруни урилди. Ташқарига чиқишига шошилиб турған агрономга тўқнаш келди. Акрамовнинг унга қараб: «менинг машинам ихтиёргизда, нариги участкадан...» деганини эшишиб қолди. Юлдузхон ҳеч ким билан саломлашмади, бошқалар ҳам унга эътибор бермади. У, анчадан буён давом этаётган йирилишда қатнашаётгандай бир чекка-

дан жой олди. Шундагина ўзини бир оз енгил тортгандай сезди. Ахир колхозда биргина унинг звеноси эмас-ку. Шу ерда ўтирганлар — бригадирлар, ферма мудирлари, механизаторлар, бухгалтердан тортиб шофергача — ҳаммаси ҳам ўша мирфак ғўзаларни парваришлаб, төр-төр пахта олиш ниятида-ку. Бу ерга ундан ҳам вақтлироқ етиб келишибди-ку. Янги участкага агрономнинг ўзи чиқиб кетиши ғўзаларни совуқ хатаридан асраб қолиш учун муҳум чоралар кўрилаётганини билдирамайдими? Юлдузхон энди бутун колхозни, салкам етти юз гектар пахтазорни кўз олдига келтирди.

Раис телефонда аллақаер билан гаплашар экан, кабинетда ғовур-ғувур бошланди. Ҳалқа-ҳалқа бўлиб чиқаётган папирос тутунлари шипга кўтарилиб қуюқлашар, эшик ёки форточкани очиб қўйиш ҳеч кимнинг эсига келмасди. Юлдузхон ўтирганларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди, ўзидан бошқа звено бошлигини учратмади. Диваннинг нариги четида ўтирган ўз бригадири Ҳамдам акани кўриб, уялгандай ерга қаради. Ҳамдам ака секин туриб, Юлдузхоннинг ёнига келиб ўтирди. Қизнинг руҳий кечирмаларини ойнада кўриб тургандай меҳрибон назар билан унга тикилди:

— Ташвишланма, қизим, ўзингни бос. Совуқ уёқда турсин, қорнинг ҳам юзини тескари қилиб юборамиз. Шунча одам, техника... ўҳ...

Юлдузхон бригадирнинг гапларини эшитар экан, отаси тенги келадиган шу одам, Ҳамдам ака, ҳозир унинг кўзига ҳамма вақтдагидан ҳам ёқимли, меҳрибон бўлиб қўринди. У, ҳозир Ортиқовга ўхшаган, дарёни бўғиб, бошқа изга оқизиб юбора олиш қудратига эга бўлган азамат кишилар ҳузурида ўтирганини ҳис қилди.

— Ҳамдам ака,— деди секин Юлдузхон,— нариги участкага нима бўларкин?

— Ҳа, сал яланглиги бор-да, бўлмаса ғўзалари бу ердагига қараганда бақувватроқ...

— Рост. Агар биз ҳам...

Ҳамдам ака гапга дарров тушунди, енгилгина хўрси-ниб қўйди.

— Нимасини айтасан, қизим. Ҳосилот ўжарлик қилмаганида чигит роса беш кун аввал ерга тушарди. Ҳозир анча қаддини ростлаб оларди. Мана шу топда гапириб бўладими? Фойдаси ҳам йўқ, хонаси ҳам эмас,— Ҳамдам ака шу гапни айтиб, раис столи ёнида ўтирган Ҳосилот

отага нохуш қараб олди,— чигит жонивор бир соат олдин ерга тушса борми, бир-икки кунни ютдим деявер.

Юлдузхон индамади.

— Гап шу. Вақт ўтмасин. Машиналар етарли. Араваларнинг ҳаммаси бошқа ишлардан бўшатилсин, фақат ўғит ташилсин,— раис шундай деб, Ҳосилот отага қарди,— шахсан ўзингиз бошчилик қиласиз. Мен янги участкада бўламан.

Ҳамма ўрнидан турди.

Қуёш булат орқасида. Шамол. Эндиғина қанот ёзиб келаётган дараҳт барглари хомушликдан эгилиб, силкинади. Үрик, шафтолиларнинг тўқ қизил, пушти ва оқиш гуллари қийғос тўқилмоқда. Дала бошига кетмакет аравалар келиб турибди. Узоқдан, катта кўчада оғир юқ билан кетаётган машиналарнинг гурсиллаган овози эшитилади, яна узоқлашади, бирпастдан кейин ҳув ўнг томонда машинанинг қораси кўринади, кейин тўқ кулранг уфқда кўздан ғойиб бўлади. У, янги участкага ошиқяпти.

Юлдузхон иккала қўлида челак кўтаргани ҳолда узун жўякнинг нариги томонига қараб чопиб кетмоқда. Эгнида фуфайкаси ҳам йўқ, кўйлагини шамол пир-пир учради. У чап қўлидаги челакни берироқда қолдириб, яна йўлида давом этади. У ҳозир ўзини қушдан ҳам енгил, шамолдан ҳам учқур сезмоқда. Бир зумдаёқ жўякнинг бошига етиб, икки томондаги ҳар бир туп ғўзани гўнг билан кўмиб келаверади. У эрталабдан берли шу зайлда ишламоқда.

Ҳозир ҳамма далада. Ҳамма шу тахлитда иш билан, ғўзаларни хатардан сақлаб қолишиб билан машғул. Ана Каромат. Шу топда ҳам ашуласини қўймайди, елиб югряди, қўллари илдам ҳаракат қиласиди. Қораҷадан келган юзларидан табассум аримайди. Ҳар замонда, Юлдузхоннинг тўғрисига келиб қолганида фақат қизлар орасида-гина айтиладиган қизиқ гаплар билан уни кулдириб юборади. Бундан ўзи ҳам завқланиб кетади, яна ашуласини давом эттиради. Шамол жаранглаган қўшиқни илиб олади-ю, узоқ-узоқларга олиб қочади. Мана, чап томондаги жўяклар орасида Турсуной кўринди. Ундан нарироқда Нафиса, Салтанат... Ўхъ, ҳаммасини бирмабир кўрсатиб бўлармиди! Қенг пахтазор ҳозир худди йиғим-терим давридагидек. Ҳамдам aka эрталаб тўғри айтиди: буларни кўриб, қорнинг ҳам юзи тескари бўлади.

Арава жўнаган томондан икки киши кўринди. Булар ҳисобчи билан магазинчи Адҳам эди. Иккови ҳам қоп орқалаган. Йўл нарёқда қолиб, тўғри пахтазорга кириб келишмоқда.

— Энди молларни қопда келтирадиган бўлибсиз-да, Адҳам ака,— деб кулиб юборди Турсуной.

— Касод молга ўхшайди,— деди яна бир қиз.

Каромат бу гапларни эшитмади. У ҳамон ашула айтарди. Адҳам ўша томонга бир қараб олди-да, Юлдузхондан ўғитни қаерга тўкишни сўради. Турсуной яна гап ташлади.

— Ҳорманг!

— Қўймадингиз-да, Турсуной,— деди Адҳам қопни бўшатар экан,— ёрдамга келсак ҳам ёқмаймиз-а.

— Нега?! Яхши келибсизлар,— Турсуной ҳозир ишни тўхтатиб сўхбатни давом эттиришни истарди-ю, фақат Адҳам нима учундир унга парво қилмас, хаёли паришон эди. Шу пайт икки барини белбоғига қистириб, енгларини шимариб олган Ҳамдам ака етиб келди. Үнинг чекраси очиқ, хурсанд.

— Балли, азаматлар,— деди у ҳисобчининг елкасига қўлини ташлаб,— жуда вақтида келибсизлар. Сизлар шу ерда бўлинглар, нариги звеноларда одам етарли, сен, ука,— у Адҳамга қаради,— эгатлар бошига ўғит ташиб бериб тур,— сен,— у ҳисобчига деди,— қизларга қарап.

Ҳамдам ака ғўза тупларини кўздан кечириб, Юлдузхон билан Каромат ишлаётган жўяклар томон юриб кетди. Дам уфқа қарап, дам ерга. Кейин чўнтак соатини олиб, унга тикилди. Яна худди бирорни кутаётгандек кенг пахтазорнинг нариги чеккасига кўз ташлади.

— Анави ким?— Каромат тут дараҳтлари орқасида кўринган узун пахтали чопон, бошида тивит рўмол, қўлида катта тугун кўтариб бораётган аёлни таниёлмай, Юлдузхондан сўради. Юлдуз ҳам шу томонга қаради.

— Танимадингми?

— Йўқ.

— Бувниса хола-ку.

— Ҳаҳ...— Кароматнинг кўзи Ҳамдам акага тушиб, айтмоқчи бўлган гапини тўхтатди,— шу топда-я?— деб қўяқолди.

Ҳамдам ака ҳам аёлни кўрди, энсаси қотиб, ўзича қўлини силтаб қўйди. Қизлар ёнига борса худди шундан гап очиб қолишадигандай, нариги звено томонга

кетди. Борар экан ўзича: «инсоф қолмади Рихсибойда, хотинини ишга чиқармагани чиқармаган, мана бунақанди тифиз пайтда меҳмондорчиликка юргизиб қўйса...» деди-да, яна ўша, Бувниса хола кетган томонга бир қараб олди.

Ҳамдам ака ориятли, тўғри сўз, чўрткесар одам. Тенгқурлари уни «алифдай тўғри», баъзилари «бузоқнинг ҳақи бор деб сигирнинг сутини ҳам ичмайди» деб бекорга айтишмайди. Яхшики, ҳозир Бувниса хола узоқлашди, кўздан ғойиб бўлди. Бўлмаса Ҳамдам ака шартта унинг олдидан чиқиб: «Хўш, отишбиби, бетобсиз деб эши тувдик-ку... тағин қаерда мушкулкушод бор экан?» деб кўзларини катта очиб, унга тикилиши, кейин калта, қирқиulgан қуюқ соқолини бир силаб қўйиши турган гап эди. Ўзини босгани яхши бўлди.

Яхши бўлди-ю, барибир тинчий олмади. Бувниса холанинг ҳозирги юриши унга кўп воқиаларни эслатди. Бундан бир неча йил муқаддам колхозда раисдан тортиб, бригадирлар, ферма мудирларининг хотинларигача ишга чиқмасликни расм қилиб олиши. Шунда правлениеда биринчи чиқиб гапирган Ҳамдам ака бўлди. «Колхоз раҳбарлари бўлиб ўзимиз шундай қилсан, колхозчилар нима дейди? Уларга ибрат бўлганимизми бу?» деди. Бу фикрни кўпчилик маъқуллади. Рихсибой ака ҳам кўнди-ю, барибир кейинчалик ўз билганини қилди. Хотинининг ишга чиқмаслигига минг хил важ-сабаблар кўрсатди. Бувниса хола фақат йиғим-терим даврида худди ҳашарчидай бир-икки ҳафта ишларди, холос. Рихсибой ака шуни рўкач қиласидан бўлиб қолди. Ҳамдам ака ўтган йили яна шу масалани правлениега қўйди. Бу сафар Рихсибой ака бир оз бўшаши, кейин Бувниса хола ишга чиқиб юрди. Орадан сал ўтмай, яна уйида ўтириб қолди. Паранжини айтмайсизми! Паранжи ёнинадиган аёллар-ку қолмади-я, фақат унинг ўрнини боланинг камзулчаси дейсизми, яктакми, ҳатто дастурхонга ўшаган нарса эгаллади. Умумий йиғилишда Хосият хола чиқиб гапирди, кейин Ҳамдам ака сўзлади. Бу галгисида ҳам гап яна бир-иккита бригадир қатори Рихсибой акага бориб тақалди. Мана ҳозир чопон ёнинадиганлар қолмади, деса бўлади. Онда-сонда учрайдинлари ҳам Бувниса холага ўшаганлар.

«Бунга ким сабабчи? Аввало Рихсибайнинг ўзи,— ўз саволига ўзи жавоб топди Ҳамдам ака. У, анча ўрна-

шиб қолдим, обрўйим дуруст, менга ҳеч ким тил тегизолмайди, деган хәёл билан маст бўлиб юрибди. Билмайдики, бу обрў, иззат-хурматлар ҳушингга келганини қилавер деган гап эмас. Нима қилди у? Билганим билган деб қайсарлигидан қолмади, агрономнинг гапига қулоқ солмади. Чигитни хийла кеч экдик. Нариги участкада экилгани анча кўтарилиб қолган, совуқса ҳам бу ердагига қараганда чидамлироқ бўлиши турган гап. Асли қулоқ солмай экаверсам бўларди-да».

Ҳамдам аканинг назарида колхоз кенгайиб, гурс-гурс қадам ташлаб ривож топган сайин, Рихсибой ака тисарилаётгандай бўларди. «Киши бадавлат турмуш кечирса, бола-чақалари кўпайса, келин тушириб, қиз чиқарса, ҳевара, чеварали бўлса, ўзи ҳам, фарзандлари ҳам илм-ҳунар орттириб, халқ баҳти, юртнинг фаровонлиги йўлида бажонидил меҳнат қилса қайси бир ота ёки она қувонмайди? Рихсибой худди мана шу қувончни яхши тушунмайдиган отага ўхшайди. Бўлмаса, шунга фаҳми етса колхозга янги келәётган одамдарга қўл силтаб қарармиди! Новқирон йигитлар, азamat паҳтакорлар чўлни обод қиласиз, колхозни кенгайтирамиз деб катта ният билан келишасою, Рихсибайдек ҳосилот уларни назарига илмаса. Йўқ, биз уларни қўшқўллаб кутиб оламиз... Мавриди келар, шу фикрларимни ҳам кўпчилик ўртасига ташларман...»

Ҳамдам ака шу ҳаёллар билан қўшини звено ерига бориб қолди. Ҳаво бирдак. Тушки овқат пайти яқинлашмоқда. Бироқ бригада еридаги ғўзаларнинг ярмидан кўни ҳали шундайлигича турибди. Кечга томон совуқ бошлианса улгуриб бўлмайди. Нима қилиш керак? Ҳамдам ака шийпонга борди, ошпазга овқатни дала бошига етказиб беришни буюриб, идорага телефон қилди...

Икки кундирки, қуёш бетини, бутун осмонни хунук булут қоплаган. Икки кундирки, шамол тўхтамайди, мевали дарахтларнинг гулларини дув тўкиб юборган. Икки кундирки, колхоз қишлоғи тинмайди, ёшу қари, эркагу аёлларнинг қўли қўлига тегмайди. Иккинчи куни шамол кучайиб совуқ ҳам авжига чиқди. Кечга томон қор учқунлай бошлиади.

...Сўнгги қўнғироқ чалиниб, дарслар тугади. Мактаб биносини шовқин-сурон қоплади, кейин ташқарига чиқди, яна бир оз ўтгач худди шоҳ аржидан эгатларга сув қўйгандек, бўлак-бўлак бўлиб, қишлоқ кўчаларига тар-

қалди. Тўда-тўда йигит ва қизларнинг шўх кулгилари, ашулалари энди атроф-теваракдан эшитила бошлади.

Юлдузхон дугоналари билан мактаб биносидан чиққанида ерга гўё ун сепилган-у, қадам босилган жойла-ригина қорайиб қолгандай бўлиб кўринди. Қизлар катта кўчага чиқишига, Юлдузхоннинг илтимоси билан жўяк-лар оралаб кетишиди. Юлдузхон ҳам, Каромат ҳам, бошқа қизлар ҳам қоронғида йўл-йўлакай бир неча туп ёўзани очиб кўришиди. Тун бўлганидан билиб олиш анча қийин эди.

— Қўрқитиб юборди-е,— деди Турсуной ҳавога қараб.

— Осмон-а?! Қўрқитиб бўпти, тўғрими қизлар?— Ка-роматнинг овози жаранглаб эшитилди.

— Ўзимиз ҳам ҳаво билан чакана олишганимиз йўқ-да, ўртоқжонлар,— деди Нафиса.— Озмунча урин-дикми.

— Бунақа ишни энди кўряпмизми,— деди Каромат,— тоққа чиқмасанг дўлона қайдা, жон куйдирма-санг жонона қайдা?.. Қўшиқ айтсанг, ҳаммаси жойида бўла беради, қани, қизлар...

— Тўхта, Каромат, тунови куни бизникида Неля айт-ган ашулани айтайлик,— деди Турсуной.

— Бўпти.

Каромат баланд овозда ашулани бошлаб берди, бош-қалар унга жўр бўлишиди.

Мой милёнок не целует.

Только обещается.

А любовь без поцелуев

Строго воспрещается.

Шамол пасайган. Ҳар бири капалак қанотидай қор парчалари ҳавода ўйноқилар, эринчоқлик билан ерга тушарди. Юлдузхоннинг назарида ҳозир, мана шу тун қоронғисида пахтазор қўкида янграётган шўх куй ҳар қандай қорни ҳам, даҳшатли совуқни ҳам эритиб юбо-раётгандай эшитиларди.

Тонг... Фир-фир шабада Юлдузхоннинг қулогига ши-вирлаб уйғотди. Унинг кўзи чарақлаган осмонга тушди, юзлари кўк тиниқлигидай яшнаб кетди. Шу пайт кечаси, ўзи ҳам қўшилишиб айтган ашула ҳозир қулоқлари тагида жаранглагандай бўлди. «Ҳа, баҳордай ёшликининг жўшқин қўшиқлари қорни эритиб юборади!» деб қўйди ўзича.

Комилжоннинг тоқати чидамади. Кеч қоронғиси бўлишига қарамай шарттә отни эгарлади-ю, қишлоққа қараб йўл олди. Шийпондан узоқлашар экан, худди пахтазор билан хайрлашгандай ўша томонга қараб қўйди. Диркиллаб турган фўзалар: «тезроқ келинг» деб ялиниб қолганга ўхшади, уларга ачинди. От ҳам эгасининг шошилаётганини сезгандай қамчини кутмай елиб бормоқда. Комилжон колхоз раҳбарларига айтмоқчи бўлган гапларини кун бўйи бир неча мартадан режалаб чиқди, охири улар бирон важ кўрсатмоқчи бўлишса, ана шунга қандай жавоб қайтаришни ўйлаб қўйди. Гапирганда ҳам шундай болламоқчики... «Янги ер очиш бутун колхознинг иши...— бу ваъдани шартта уларнинг юзига солади,— гап бошқа-ю, иш бошқа экан-да. Қуруқ гап қулоққа эмас, фўзаларга ҳам ёқмайди. Бригадирмисан, эплайсан, жавобгарсан дегани бўлади-да, бу! МТСдагиларга ҳам ҳайронман. Иморат солишини байлаб олган усталарга ўхшашади-я, кун ўтдими, бас. Уларга қолса бир кун олдин-кейини ҳеч гап эмас. Қоғозда рақам-у, ёнида процент бўлса бўпти...»

Комилжон ўзича ғудурлаб бораркан, фифони фалакка кўтарилди, агар қишлоқда ҳеч кимни учратади олмаса, районга бориб, раҳбар ўртоқларнинг ўзларига учрашишга жазм қилиб қўйди. Колхоздагилар айтишарди-я, «Комилжон мўмин, жуда оғир йигит, аммо бир жаҳли чиқса борми, отасини ҳам танимайди, деб. Ҳозирги авзойи ана шундай, отасини танимайдиган».

Ҳар гал қишлоққа тушганида аввал тўғри уйига кириб, бола-чақаларини кўриб ўтарди. Бу сафар эсига ҳам келмади, ўз ҳолича ўша кўчага бурилган отнинг жиловини тортиб, чапга солди. Правление биносига яқинлашиб, қоровулдан идорада ҳеч ким йўқлигини эшитгач, яна тажанг бўлиб кетди. Тўғри МТСга қараб йўл олди. Узоқдан,— қайси бригаданинг еридан эканлигини ажратади олмади,— тракторнинг овозини эшитди. Бир оз йўл босгач милтиллаган чироғини ҳам кўрди. Шу топда унга бирор: «Мана, Комилжон, биз аллақачон бошлаб юбордик» дегандай бўлди.

Йўл чапга бурилганда, тўғридан келаётган машина нинг чироғи Комилжонга тушиб, бир ёритди-ю, от ўзини четга олди. Сад ўтмай машина яқинлашиб, унинг ёнида тўхтади.

— Комилжон!

Комилжон таниш овозни ёшишиб, жиловни тортди.
Машинадан сакраб тушган киши ундан сўради:

— Исмоилжон идорадами?

Комилжон энди таниди. Бу МТСнинг бош агрономи
Хайруллин эди. Унга жавоб бермай, отдан сакраб туш-
ди-да, гапира кетди.

— Ўртоқ Хайруллин, бу қанақаси бўлди, сиз агрономсиз,
ѓўганинг бир соат илгари ривожланиши қанчалик
фойда келтиришини яхши тушунасиз. Тушуниб туриб
ҳам графикни бажармайсиз, айбимиз қишлоқдан
сал чеккароқдалигимизми, пахта экишга фақат биз жа-
вобгар-у, МТС қўл қовуштириб тура беради-ми? Инсоф-
данми, шу?..

Хайруллин ҳайрон бўлганича, папиросини тутатиб
индамай тура берди, сал жаҳли ҳам чиқди-ю, аммо ўзи-
ни босди. Комилжоннинг сўзини бўлиб сўради:

— Ҳой, ука, ўзи нима гап? Мундоқ ётифи билан ту-
шунтиранг-чи?

— Ана шу-да,— яна қизишиди Комилжон,— ҳали ха-
барингиз ҳам йўқ. Ўзимиз индамасак унутиб ҳам қўя-
сиз...

— Комилжон, сизга нима бўлди, ўзингизни босиб
гапирсангиз-чи.

— Бугун икки кун ўтди — сал бўшашиб Комил-
жон,— график бузилди, ғўзалар етим қўзидек жовди-
раб турса-да, универсалдан дарак бўлмаса, қачонгача...

— Тушундим,— деди кулиб Хайруллин,— бугун ҳам
трактор чиқмадими?

— Ие, чиққан бўлса, мен сизга...

— Бригада механигига учрашдингизми?

— Ўтган куни «хўп» девди, икки кундан бери ал-
дайди.

Хайруллин ўйланиб қолди.

— Ҳмм, яхши бўлмапти. Хўп, сиз бораверинг. Шу
кечаси ўзим аниқлайман. Эрталаб универсал ўша ерда
бўлади.

— Ахир бизнинг ғўзалар бошқаларга қараганда...

— Бўлди, бўлди. Комилжон, хотиржам бўлинг.

Комилжон «раҳмат» дейиш ўрнига яна сўради:

— Ишонсам бўладими?

— Бирон марта сизни алдаганмидим. Ҳа, Исмоил-
жонни сўрамоқчи эдим, кўринмадими?

— Идорада йўқ, қаердалигини билолмадим.

Хайруллин хайрлашиб, машинасига ўтириди. Комилжон отга миниб, унинг орқасидан тикилганича бир нафас туриб қолди. Ишнинг бунчалик осон ҳал бўлгани унга тушдай бўлиб кўринди, «тагин мени юпатаётган бўлмасин» дея кўнглидан ўтказди-да, орқасига қайтиди.

Кекса, тажрибали агроном, бу ерларнинг ҳар бир қаричини кафтидай биладиган Хайруллин МТС доирасидаги колхозларда ҳурмат билан тилга олинарди. Манман дёған пахтакорлар, механизаторлар ҳам унинг маслаҳатисиз иш қилишмасди. Айниқса кейинги вактларда, МТСга колхоз даласидаги яшил завод деб ном қўйилган бир пайтда, Хайруллин ана шу корхона раҳбарининг ўнг-қўли дейдиган бўлиб қолишиди. Механизаторлар ҳам пахтакорлар билан баб-баравар жон олишиб, жон беришяпти. Шундайку-я, аммо ҳали ҳам ўша эскича ишлаш аломатлари сезилиб қолади-да... Наҳотки, Хайруллин сўзининг устидан чиқмаса? Йўге...

Комилжон шуларни ўйлаб, юраги сал таскин топгандай бўлди. Қишлоққа яқинлашгач, сўқмоқ йўлдан уйига кетди.

Комилжон эртаси куни минерал ўғит олиш билан овора бўлиб, кечга томон бригадага етиб келди. Эрталабоқ универсал юборилганини эшитгани учун анча хотиржам эди. Шийпонга яқинлашиши билан узоқда, далининг нариги чеккасида устига парашют шаклида соябон ўтқазилган тракторга кўзи тушди-да, отнинг жиловини ўша звено томонга бурди. Даля ёқасида ерга сакраб тушиб, пайкалга ўтди, культивациянинг сифатини текшира кетди. Шу зайлда бир неча пайкални ҳатлаб, дала ўртасига бориб қолганини пайқамади. Ҳамма ердаги культивация бир хилда бўлмаганидан кўнгли сал ранжиди, шу топдаёқ универсалчини койиб бермоқчи бўлди-ю, иш тўхтаб қолишими ўйлади. Бу пайт ён томондан универсал ўтиб, бир қўлида рульни ушлаган, дўпписи устидан қийиқласини боғлаб олган ўрта ёшлардаги йигит овози борича:

— Салом, Комилжон ака,— дея шу томонга ўгрилди. Комилжон қоматини ростлаб унга қаради.

— Ие Ботирвой, сенмисан, ҳорма, ука.

Ботир унинг сўзини эшитдими, йўқми, кулиб, бошини қимирлатди-да, ўтиб кетаверди.

Комилжоннинг кечаги тажанглиги ҳам гап эканми? Мана, ҳозиргисини кўринг. Шартта яна қишлоққа қайтишига сал қолди. Ўғит келтирган машинанинг шофери унинг хаёлини бўлди. Комилжон дала ёқасига чиқиб, отни етаклаганича шофер билан шийпонга борди, алла-қандай қоғозларга қўл қўйиб, уни жўнатгандан кейин анчагача ўтириб қолди, икки пиёла сувни кетма-кет шимирди. Универсалнинг ҳар бориб келишини ҳисобга олаётган кишидек ўша томондан кўзини узмади. МТСдагилар мени ёш фаҳмлашаяптими? Бир сафар алдаса, бир сафар графикни бажармаса, бугун мана бу Ботирни юборишиса. Бу қанақаси бўлди? Гўза парвариши ер текислаш эмаски, бугун битта бульдозерни, эртага бошқасини ишга соглан билан бўлаверса. Борган сари ишнинг кўпи машинага ортилаётганини тушунмайдими, дейман. Машина бўлмаса шу ерларда пахтадан дурустроқ ҳосил олиш ақлга сиғармиди? Улар нима қилишяпти? Шу ерга келганимдан бери мана учинчи тракторчи ни кўриб турибман. Бунақада иш битадими? Ҳар қандай механизатор ҳам ишм битди, эшагим лойдан ўтди, зайдида ишлаб, жўнаб қолаверади. Мана, тажрибали Ботир ҳам баъзи жойларини саёз олибди. Эрта-индин у жўнайди, ўрнига яна бошқаси келади. Бири босган йўлни иккинчиси билмайди-да, бекинмачоқ ўйнашгани ўйнашган. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди, эртага партия мажлисида масалани кўндалауг қўйман...

Комилжоннинг хуноби ошаверди. Унга фақат бир нарса — Ботирнинг эпчил, ишнинг кўзини биладиган тракторчи эканлиги бир оз тасалли берарди. У, яна бир пиёла сув ичиб, қанча ер культивация қилинганини тахминан ҳисоблаб чиқди. Ботирнинг шу ҳаракати бўлса индинга кечқурун тугаллашига кўзи етгандай бўлди. Хўш, ундан кейин нима бўлади? Яна бошқаси келадими? Кошки эди йил охиригача Ботирнинг ўзи ишласа. Афтидан, у ҳам вақтинча юборилганга ўхшайди. Мана шуниси Комилжонни ўйлантириб қўйди.

Комилжон Ботир билан кеч қоронғисида учрашди. У машинасини эртанги иш кунига шайлаш билан овора эди. Бугун ўн олти гектар ердаги гўзани культивациядан чиқаргани бригадирни жуда хурсанд қилиб юборди.

- Ҳорма, ука, сени маътал қилиб қўйишмадими?
- Эй, Комилжон ака, сиз бригадир бўлган жойда

ҳар қанақа механизатор ҳам ўйнаб ишласа бўлади. Фа-
қат...

— Ҳа, нима бўлди?

— Нима дейсизми? Қўйинг, айтишга ҳам оғзим бор-
майди, бригада механизмизни биласиз-ку, тўғри гапни
ҳам эгри тушувади.

— Нима гап ўзи, айта бер.

Ботир мойди қўлларини латтага артиб, Комилжон-
нинг ёнига ўтирди, папирос тутатди. Гап ўртамиизда
қолсин, деган маънода бригадирга қараган эди, у ҳам
«хотиржам бўл» деб қўйди.

— Культивация ёқдими сизга, Комилжон aka?

— Энди, ука...

— Йўқ, гап ундан эмас, очигини айта беринг.

Очигини айтсан, саёз олган жойларинг ҳам бор.
Кундузи кўрсатаман дедим-у, кайфингни бузмадим.

— Бунисини ўзим ҳам биламан, айтмасангиз ҳам
кайфим жойида эмас. Шундай бўлишининг сабаби ни-
мадан деб ўйлайсиз?

— Энди, ука, камчилик ҳаммада ҳам бўлади, кўнда-
лангида қилганингда,— Комилжоң атаяни Ботирнинг
кўнглини кўтармоқчи бўлди,— ҳиссасини чиқаарсан.

— Мана шу оғирлигингизга қойилман-да, Комилжон
aka, бошқа бригадир бўлганида боянинг ўзидаёқ қам-
чинини кўрсатиб, «тузлагани» туради.

— Гап оғирлика эмас. Одам ўз камчилигини ўзи
сезиб, унга иқор бўлиб тургандан кейин койишнинг ҳо-
жати бормя? Бунинг ўрнига ўша нуқсоннинг олдини
олиши пайига тушган яхши.

Ботир папиросининг охирини кетма-кет тортида-да,
оёқ остига ташлади.

— Гап культивацияни бир маромда қилолмаганимда
эмас. Ҳамма касал ерни яхши билмаганимда, Комил-
жон aka. Бу жойларга энди биринчи қадам қўйилляти,
мен ҳам шу бугун кўриб турибман-да.

Бу гаплар Комилжонни шундай қувонтириб юборди-
ки, ўз ёнида ҳозир ёш тракторчи Ботир эмас, пахтачи-
ликда механизациянинг аҳамиятига жуда яхши тушу-
ниб, жон куйдирадиган киши ўтиргандай, бутун иш у
билан битадигандай бўлди. «Дидингга баллие, Ботир»
деган маънода унга илжайиб қаради. Уч кундан бери
бош қотираётганини айтиб бермоқчи ҳам бўлди-ю, ўзи-
ни тутди. Синовчан оҳангда гап ташлади,

— Тўғри... Билмай қадам босса от ҳам қоқилади.
— Ҳа-а, ана, ўлманг. Баъзи одамлар мана шунинг
фарқига боришмайди.

— Ким ўзи, айта бер, ука?

— Бригада механигимиз-да, танийсиз-ку. Шунча йўқ
дэйишимга қарамай еттинчи бригададан олди-ю, шу ёқ
қа юборди. Ахир йил бошидан ишлайчман, кузда ҳам
ўзим шудгор қилганман, ерини эндигина билиб олувдим
десам ҳам бўлмади. Кўрсатган важ-сабаби нима денг.
Бригадангиз узоқ бўлганидан ҳеч ким кўнмаётган эмиш.
График нима бўлади, интизом қани дедим-у балога қол-
дим. Сал койишиб ҳам олдик.

— Ҳали шунақа де. Ҳамма гап ўшанда экан-да.

— Шошмай туринглар, яқин-орада ерни бутун трак-
тор бригадаси ҳам эплолмай қолади, янги МТС очишга
тўғри келади, ўшанда ҳам узоқ дермикинсизлар, дев-
дим, бу гап ҳам қаттиқ ботди.

— Жуда боплабсан, Ботир,— завқ билан кулиб қўй-
ди Комилжон,— худди айтганингдай бўлади. Баъзилар
ҳали чучварани ҳом санаб, бу ерларни назари илмай
юрибди,— Комилжон алланарсани эсига туширмоқчидай
ўйланиб қолди,— кел қўй-чи, энди ўзинг доим бизнинг
бригадада ишлайдиган бўлдингми?

— Ҳамма гап шунда-да, Комилжон ака. Бир брига-
дада йил бошидан ишласанг унум ҳам бўлади, сифат
ҳам. Кузакда, ҳосил тўплаганда бизнинг ҳам ҳиссамиз
бор дейиш қаёқда-ю, бир неча бригадада ишлаб, би-
ронтасининг ҳосили пастроқ бўлиб қолса ўла-ўлгунча
дакки эшлиши қаёқда. Мана, биринчи культивацияни
бошладимми, кейингиларини ҳам ўзим қиласман
дедим.

— Жуда тўғри айтибсан, буни ким тушунмас
екан?

— Бригада механигимиз кўнмаяпти-да. Янги ер бўл-
гани учун ҳозирча доимий биркитиб қўймаса ҳам бўлар
эмиш. Ишлай берчи, кейин кўрармиз дейди.

— Мен ҳам бўш келмайман,— сал қизишиди Комил-
жон ва қўлинини Ботирнинг елкасига ташлади,— сен бу
ёғини менга қўйиб бер, ўзим гаплашаман, хўпми?

— Хўпмаслиги борми, янги ерда ишлаш қанақали-
гини кўрсатиб қўярдим, кунига ўн саккиз гектарга чи-
қармасам...

— Албатта чиқарасан, эртагаёқ ўзим ҳал қиласман,

Ботирнинг кўз олдида ҳозир Комилжон иккита бў-
либ кўриди. Гўё у, бригада механизги билан бетма-бет,
аччиқ-аччиқ гаплашяпти-ю, Ботир ҳеч нарса билмаган
кишидай четда турибди.

XXI

Чўл бағрида яшил паҳтазор. Икки чопиқдан чиқа-
рилгани гўзалар барқ уриб ривожланмоқда. Даражатлар
кучли сринг неъматларини зўр иштаҳа билан шимириб,
гуркираб ўсмоқда, куч-қувват тўплаб, тобора юқорига,
тиккага қараб кўтарилимоқда, дала ҳуснига ҳусн қўш-
моқда. Уч-тўрт йил ўтмасданоқ, бу дараҳтлар шундай
куч тўплайдики, чўл-саҳронинг жазирама иссиғи ҳам,
яллиғдек шамоли ҳам унга бас келолмайди, унинг қуд-
ратига тан бериб, таслим бўлади! Бу ер, агар ёни-вери-
ни, ҳаёт қайнаб турган жойларини қўшганда салкам
сакеон гектарчани ташкил этади. Бу ер кенг чўлда худ-
ди денгиз ўртасидаги оролдек кўзга ташланади. Бу
шундай оролки, яқин-орада чап қирғоқ билан — колхоз
ерлари билан бирлашади. У, ҳозироқ канал сувидан су-
форида бошлади. Унинг қанотлари яқин йиллар ичидаги
қолган икки қирғоқни ҳам, ҳозир шу ердан қарагандаги
кўз ылғамаётган неча минг гектарни ташкил этган қир-
ғоқларни ҳам қоплаб олади. Негаки, бу орол совет ки-
шилари қўлида. У энди кенгая боради.

Тошпўлатов уч кундан бери шу ерда. Кечакуни бўйин
тепалик ёнида, ғишт қуяётганлар билан бирга бўлди.
Бу — ўша Абдуғафур ота Муҳиддинини биринчи марта
«чўл сайили»га олиб келганида кўрсатган тепалик. Ҳо-
зир бу ерда ғишт қўйиляпти. Тепаликнинг тупроғи дала
тупроғига қарагандаги тоза, шўри кам бўлганидан ғишт-
ни шу ерда қўйиш маъқул топилди.

Бинокорлар бригадаси шу ерда қуриладиган ўй-жой-
лар учун бир ҳафтадан буён ғишт қўйиляпти. Бу ердаги-
лар ҳам қараб туришмади, Абдуғафур отанинг «ўзи-
мизга қуриладиган ўйга қўлимиз тегмаса айб бўлар»
деган гали ҳаммага маъқул тушди, ҳар звенодан битта-
дан одам ажратилди. Иккинчи чопиқнинг қизғин кун-
ларида Муҳиддиннинг Тошкентга кетганини сира сез-
дирмаган звено аъзолари чопиқ тугаши билан Соли-
жонни ғишт қуювчилар бригадасига ўтказишиди. Бугун
уч кундан бери Солижон ўша бригадада.

Тошпўлатов барвақт ўйғонди. Икки кундан бери ми-
риқиб ухламагани ҳам шу кечаки эди, Кийиниб шийпон

супасидан пастга тушди, армиядаги одатича физварядка қилди. Қалта пахталигини елкасига ташлаб олганича, икки қўлини бир-бирига ишқаб, тўғри янги қазилган ариқ лабига борди. Ювениш учун гимнастёркаси-нинг енгларини шимарди, нам чўткани тиш порошогига ботирди-ю, совунини шийпонда қолдиргани эсига тушди. Ҳали лойқаланмаган тиниқ сувга тикилиб қолди. Шу пайт Комилжоннинг кеча эрталаб, худди шу ариқ лабида ювина туриб айтган гапларини эслади. «Ўртоқ Тошпўлатов, сельпога айтсан, бир кўчма дўкон юбориб турмаса бўлмайдиганга ўхшайди. Баъзида арзимаган нарса учун қишлоққа қатнашга мажбур бўляпмис».

«Комилжон ҳақли талаб қўйди,— ўйлади у ўзича,— нега мумкин эмас, бундай қараганда совунсиз иш битмайди-ку. Бу сира мумкин эмас. Бирорга бир қатим ии керак, бирорга игна, тиш порошоги, совун деган нарсалар ҳаммага керак. Шу бугуноқ сельпога маълум қиласман, кўчма дўконни юбориб турсин. Тағин ҳам шу кунгача колхозчилардан биронтаси бир нима демади-я. Бу жуда хато, бунга биринчи галда мен айборман.— Тошпўлатов ўзини-ўзи койий бошлади,— шу ҳам кишиларга ғамҳўрликми? Уст-боши бут, овқати тайёр деб, бошқасини унубибмиз-да».

У, ариқ лабидан туриб, шийпон томонга юрди. Кетар экан, кўм-кўк дала кўзига жуда ҳам ғўзал бўлиб кўринди. Қолхозда шунча йил ишлаб, даланинг, қаддими ростлаб олиб, минут сайн мавжланиб ўсаётган ғўзаларнинг тонг пайтидаги ҳуснига бунчалик разм солмаган экан. Икки қўлини белига тираб, кўкрагини тўлдириб нафас олди. Ҳали занг урилмасданоқ далада юрган колхозчиларга кўзи тушди.

— Инсон қўли гул, деб жуда тўғри айтилган,— гавқ билан сўзлай бошлади ўзича,— йил бошида қандай эди-ю, ҳозир қандай? Одамнинг қадами тегди-ю, гуллаб кетди. Агар фотограф бўлганимда ўша пайтда бир сурат олиб қўярдим-у, ҳозиргисига солиштирадим. Қани энди ёзувчи бўлсанг-да, ана шу жўшқин меҳнатни тасвирласанг. Ер! Қандай бойсан, сахийсан, гўзалсан. Ҳа, совет кишилари қўлида шундайсан.

Қандай оромбахш тонг! Коммунизм асрининг тонгги бир-биридан чиройли, мазмундор. Тоғ орқасидан кўтарилаётган қуёшнинг дастлабки заррин зиёлари шийпон тепасидаги шохлар, дараҳтларнинг учларига тушди,

Қишиларимизнинг онгида ҳам, меҳнати, ижодида ҳам худди ана шундай заррин зиёлар — коммунистик жамиятнинг дастлабки куртаклари борган сайн ёрқин бўлиб кўринмоқда. Мана чўлнинг бугунги нафас олиши шундан далолат бериб турибди!

Ширин хаёллар билан атрофга суқланиб қўз ташлаётган Тошпўлатов узоқдан, тепалик томондан елкасига кетмон қўйиб, сув боғлаш учун келаётган Солижонни кўрди, хаёли бўлинди.

— Салом, ўртоқ Тошпўлатов.

— Салом, салом, ҳа сувгами...

— Шундай,— кулиб қўйди Солижон,— бугун кечагидан ҳам кўпроқ ришт қўймоқчимиз.

— Ҳа, озмунча ришт керак эмас, ришт ётқизишга киришганимиздан кейин иш авжига чиқади,— деди Тошпўлатов.

Солижон яқин келиб тўхтади. Кетмоннинг дастасига кафтини қўйиб, сўради:

— Айтгандай, ўртоқ Тошпўлатов, Муҳиддиндан дарак йўқ-а? Қеча келиши керак эди.

— У билан гаплашдим.— Тошпўлатов шундай деган эди,— Солижоннинг кўзлари катта очилиб кетди, уйнинг сўзини бўлди:

— Кечирасиз, қачон? Қаерда сўзлашдингиз?— сўради у.

— Уч кун бўлди. Телефонга чақирдим. Ўн минутча суҳбатлашдик...

Солижоннинг ўртоғининг аҳволини билишга бунчалик қизиқиши Тошпўлатовни жуда хурсанд қилди.

— Аҳволлари яхши,— сўзида давом этди у,— институтда жуда яхши кутиб олишибди. Ҳужжатларни топшириб, расмийлаштириб олиби.

— Завод билан ҳам гаплашибдими?

— Гаплашганда қандоқ денг,— эскидан дўст бўлган кишидек завқ билан гапира бошлиди Тошпўлатов,— дастлаб сельэлектрого борибди, ўтган кузакда келиб кўриб кетгани ва қисқа муддатда иш бошлишга ваъда берган инженернинг ўзига учрашибди.

— Оббо Муҳиддин-е, боплабди-ку,— деди Солижон,— ўзи қачон келмоқчи?

— Агар ишларини битказса, эрта-индин етиб келиши керак, қисқаси, оғирлик яна икки кун, сўнг ишларингиз анча енгиллашиб қолади.

— Ийе, ўртоқ Тошпўлатов,— уялгандай жавоб қилди Солижон,— бу ёғини ўйламанг. Муҳиддиннинг йўқлигини асло сездирмаймиз. Бу комсомол ваъдаси...

Тошпўлатов тепалик томонга кўз ташлади. Тепа тагида икки кишининг шарпасини кўргач, Солижонга деди:

— Улар сув кутаётганга ўхшайди... Сиз сув боғлашни...

Солижон ҳам ўша томонга бир қараб олди.

— Унутганим йўқ, ўртоқ Тошпўлатов, улар ҳали тупроқ тайёрлашмаган. Тайёр бўлганда Абдуғафур отам кетмон билан сигнал берадилар,— Солижон кулди,— худди фронтдагига ўхшаш сигнал берадилар. Командиримиз ҳам жуда тажрибали, мард киши...

— Ундай бўлса яхши,— хотиржам бўлди Тошпўлатов ва Солижондан сўради:

— Қалай, ўртоғингиз дуруст қилибдими?

— Дуруст дейсизми, жуда боплабди, агар мендан-қанги одам бўлса борми, бундай катта ишни ҳал қилишда довдираб қолармидим... Ҳаммасидан ҳам институтга киргани яхши бўлибди... Ўзи ҳам фикри-хаёли шу эди.

— Бироқ мен, ўртоғингиздан бир оз хафаман,— деди папирос ёндира туриб Тошпўлатов, бепарво.

— Нега ўртоқ Тошпўлатов?— ҳайрон бўлди Солижон.

— Нега дейсизми? Ўзларингиз бир қишлоқлик бўлсаларингиз, институтга киришни Муҳиддин орзу қилибди-ю, бошқалар...

Солижон жуда уялиб кетди, ерга қаради.

— Тўғри, ўртоқ Тошпўлатов,— деди у,— бизлар шу соҳада бир оз орқада қолдик. Ичимизда уч киши саккизинчини битирганимизча, мен бўлсанам тўққизинчи синфа да ярим йил ўқиганимча қолиб кетдик.

— Демак, бу ерга келишдан аввал ўқиб туардиларингми? — Тошпўлатов буларнинг ҳаммасини Муҳиддиндан сўраб билиб олган бўлса ҳам билмагандек гапира берди.

— Йўқ, ичимизда ҳалиги Риза деганимиз колхозга секретарь бўлгац ўқимай қўйди. Аъзам бўлса сельподада ишлаб юрди, кейин ўқишдан қолиб кетдим, деб бормай қўйди. Мен бўлсанам... Қисқаси, ўзим нодонлик қилдим... Очиғи, ўзимдан ўтди...

— Энди нима қилмоқчисизлар?

— Шу нарсани Муҳиддин билан ҳам икки марта маслаҳат қилдик, янги ўқув йилидан кечги мактабга

қатнайдиган бўлдик, то ўқиш бошлангуича тайёрлик кўрамиз.

— Яхши,— деди Тошпўлатов,— албатта оғир бўлади. Лекин оғирликсиз ҳеч нарса қилиш мумкин эмас. Мана бу йил тўқиз қиши шу кечки ўрта мактабни, саккиз қиз ва йигит кундузгисини битириб чиқади. Бу деган гап — шу йилнинг ўзида қишлоғимиздаги ёшлардан ўн етти-таси олий ўқув юртига кириб ўқий бошлайди. Қандай яхши!.. Хўш, ўртоғингиз Аъзамнинг иши қалай?

Солижон ҳайрон бўлди, нима деб жавоб қайтаришини билмай қолди, ўзича: «Тошпўлатов комсомол ташкилоти чиқарган қарордан бехабармикан?» деб қўйди-да, оҳиста гапира бошлади:

— Уша куннинг эртасига звено аъзолари муҳокама қилдик. Ўзиям роса уялди, гапиролмай ўтири. Охирида «мени сўнгги марта кечиринглар» деди.

— Кечирдингларми, шуни ўзи ҳам тушунармикин?

— Тушуниди, ўртоқ Тошпўлатов, ўшандан бўён анча ўзгариб қолди... Бундан ташқари, ўтган куни комсомол мажлисида ҳам шу масалани кўрдик.

— Аъзам комсомол аъзосими?

— Йўқ, бўлганида-ку...

— Хўш, мажлисида нимани кўрдинглар? — Тошпўлатов кейинги кунларда қишлоққа тушолмагани учун мажлисида кўрилган масаладан бехабар эди. Буни Солижон ҳам энди тушунди, бўлган гапни батафсил айтиб берди:

— Комсомол-ёшлар ўртасида тарбиявий ишни анча сусайтириб юборибмиз. Шунинг учун ёшлар тарбиясига доир бир нечта суҳбат ўtkазишни мўлжалладик.

— Буни жуда яхши ўйлабсизлар... Суҳбатларни жонли, қизиқарли, турмушдаги фактларга суюниб ўтказиш керак, расмий мажлисга айланиб қолмасин,— Тошпўлатов шундай деди-да, бу ҳақда комсомол комитетининг секретарига ҳам тайинлашни кўнглидан ўтказиб қўйди.

— Шундай қилмоқчимиз, ўртоқ Тошпўлатов,— деди Солижон ва ийманиброқ қўшиб қўйди,— бу ҳам майлия. Собирни айтмайсизми...

— Ҳа, тағин нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, сиздан жудаям хурсанд.

— Мендан? Йўқ, у дастлаб газетадан хурсанд бўлиши керак.

— Газетада Собирнинг ўзидағи камчиликларни ҳеч ким ёзмаган-да, бунисини сиз кўрсатдингиз. Кўрсам, сўрашгани ҳам уяламан, дейди.

Тошпўлатов ялт этиб Хосият холани кўз олдига келтириди; «бу, унинг хизмати-ку, раҳматини мен эшитяпман-а» деб қўйди ўзича.

— Айтмадими, хотини нима деб ёзибди? — сўради Тошпўлатов.

— Ёзганини кўрсатмади-ку, фақат «хатингиз менга қанот бағищлади» деганини айтди, ўзиям бу ерга келиб шунчалик хурсанд бўлганини энди кўриб турибман.— Солижон энди Тошпўлатов билан ийманиб эмас, эркин, худди ўртоғи билан суҳбатлашаётгандай гаплашарди.

— Демак, эрта-индин келиб қолар экан-да.

— Ҳа, телеграмма бераман, дебди.

— Яхши, жуда яхши. Иложи бўлса ҳаммаларингиз бирга чиқиб кутиб олинглар, хўпми?

— Бошқатдан тўй қиласиз-да,— деди Солижон кулиб.

— Булар яхши,— деди Тошпўлатов Солижоннинг елкасига қўлини ташлаб,— лекин бир нарсани яхши қилмабсизлар... Баъзиларингиз уйларингизга хат ёзмай қўйибсизлар. Бу қанақаси бўлди? — бошини эгиб турган Солижондан кўзини узмади Тошпўлатов,— ўртоқларингизга тайинлаб қўйинг, қишлоқдаги дўстларингиз, айниқса қизлар, бизни унутиб юбориши деб хафа бўлишади, улар ҳам сизларни унутиб қўйиши мумкин.

Солижон қип-қизариб кетди. Ҳамма вақт ҳозир жавоб бу йигит шу пайт сўз тополмай қолди. Бу аҳволдан қандай қутулишни билмас эди. Тошпўлатов буни сезди шекилли, тепалик томонга қараб, қўли билан кўрсатди:

— Ана, Абдуғафур ота кетмонини кўтариб, силкитиپти... Демак, сув деганими?. Майли, боринг бўлмаса, улар қараб қолишмасин...

Солижон кетмонини олиб, елкага ирғитди-да, ариқ томонга қараб тез юриб кетди. Бир неча қадам ташлаб, алланарса эсига тушгандай орқасига қаради:

— Ҳаммасини бажарамиз, ўртоқ парторг. Ишонинг ҳаммасини сиз айтгандай қиласиз...

Ялт этиб кўзини очганда, биринчи нигоҳи ёруғ юлдузнинг ёрқин нури билан тўқнаш келиб қолди. Айвонда, симкроватда ётган Юлдузхон кўрпани елкасига тортиб, ўнг ёнбошига ўгирилди. Узун бир нафас олиб кўкрагини тўлатди. Шу пайт қизнинг худди гўдакларики сингари бежирим лабларида табассум фунчаси очилди, юлдуз билан кўз уриштираётгандек, унга узоқ тикилиб қолди. Ниҳоят, заррин зиёлар жимирилашиб, кўзларини толитди, узун-узун, сал юқорига қайрилган киприклиари кетма-кет пирпиради, енгилдим дегандай кулиб қўйди. Ким билади дейсиз? Шу паллада, илк тонгнинг беғубор шабадаси қизнинг буғдой ранг юзи, ингичка, ўсиқ қошлигини, пещона устига тўзғиган тимқора соч толаларини ўпид ўтаетган бир пайтда, унинг баҳордай қувноқ, пок ва қайноқ қалбини нималар қитиқламоқда. Қанчалик шириң, ўйноқи хаёлларки, қизнинг чақнаган кўзлари муҳаббат бўясининг лаззатини ҳали тотмаган юзларини хат билан, бўёқ билан акс эттириб бўлмайдиган даражада яшнатиб юборибди. Буни ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Уша чарақлаб турган юлдуз ҳам билолмайди, фақат у ҳавас билан томоша қилиб турибди, холос. Устига ўнг қўли узала тушиб ётган юракнинг қай маромда ураётганини ким била оларди. Қулоқ солиб, қўл узатиб унинг дук-дукини эшитишнинг иложи бормикин? Эҳтимол, бордир, барибир, шунда ҳам нима деяётгани, кимни кутяпти-ю, қаёққа ошиқаётганини пайқаб бўлмайди. Ёшлик туйғуси, унинг кўрки шумикин-а!

Юлдузхон ёруғ юлдуга суқланиб боққанича, худди бирорга гапираётгандай шивирлади:

— Ҳозир, шу топда, Тошкент осмони ҳам мана шундай тиниқмикин? Кимни кўряпсан-у?.. — аллакимдан уялгандай, бурканиб олди, кўзларини юмди.

Хосият хола ўз одатича фира-ширада уйғонди, қизини безовта қилмай дегандай, ўринни осойишта йиғиб, ҳовлига тушди, молхона томонга кетди.

Муҳиддинлар келгандан бўён ўз сигири ёнига яна бири қўшилиб уни анча шошириб қўйди. Товоқ-товоқ қаймоқ, хурмача-хурмача қатиқни айтмайсизми! Яхшики, соғадиган сутнинг бир қисмини боғчага топширади. Бўлмаса сира ҳам эплаёлмай қоларди. Кўпинча эрталблари барвақт кўчага чиқиб, йўлни пойлаб туради-да,

янги участкага жўнайдиган машина ё арава учраб қолса, алоҳида челакда увтилган қатиқни йигитларга деб бериб юборади. Бунга ўрганиб қолган шофер, аравакашлар: «Йигитларга дейсиз, бизларга қани?» деб ҳазиллашишади. «Вой болам, сиздан қолгани ўшаларга» деб жавоб қиласди Хосият хола. Баъзида, чепакка қўшиб, тунука банкача ҳам беради, бунисида ўз қўли билан кувда чиқарилган сариф ёф бўлади. Ўша звенодан биронтаси қишлоққа тушиб қолгудай бўлса, узундан-узоқ «соғ-саломатлик»дан кейин, «ҳой, барака топкурлар, кечқурунлари шу ерга тушиб ётиб, эрталаб қаймоқхўрлик қилиб кетсаларинг бўлмайдими? Шундай қилинглар» деб ялиниб-ёлборади. Сут-қатиқ майли-я, гоҳо тансикроқ овқат қилиб қолганида ҳам шу. «Яқин бўлганда, фир этиб бориб, шундан бир луқма ташлаб келардим» дегани деган. «Улар оч қоляптими?» деб Юлдузхон кулса ҳам бўлмайди. «Шундай дейсан-да, болам, дала-дала, ўй-ўй. Мазаси бошқача бўлади» дея жон куйдиради.

Мана ҳозир, товоқлардаги қаймоқнинг сутини сузар экан, яна ўшаларни ўйлаб кетди. Қанот пайдо қилса-ю, учиб бора қолса, ҳаммасининг олдига бир товоқдан қаймоқ қўйиб, кеча кечқурун ёпган ёғлиқ патирларни тўкиб ташласа, «қани олақолинглар, ош бўлсин...» деб, ўзи чой қўйиб бериб ўтирса... Қалбida оналик меҳри жўш урган хотин ўзганикни ҳам ўз фарзандидек кўради, деб шуни айтадилар-да!

Хосият хола қўлида сут чепакни кўтарганича уйга кириб бораётганида қизи ётган томондан аллақандай хунук овоз эшигандай бўлди, такқа тўхтаб қолди. Кейин, оёқ учида секин юриб, кровати ёнига борди. Боши аралаш кўрлага ўралиб олган Юлдузхон, ўзини тутолмай пиқиллаб йиғларди.

Хосият хола қўрқиб кетди, «ёмонроқ туш кўриб чўчигандир» деган хаёл билан жон ҳолатда кўрпани очди. Шошиб қолган Юлдузхон икки қўлини юзига қилиб бекитди. Йиғисига энди кулги қўшилгандай бўлди, биринки марта қатиқ хўрсениб қўйди.

— Ҳой, бу нима қилиқ? — кўрпанинг учини қўлида ушлаганича сўради Хосият хола.

Юлдузхон жавоб бермади, юзини ёстиқ билан бекитиб олди.

— Тавба... — ҳайрон бўлди онаси,— гапирсанг-чи, ахир, нимага йиғладинг?

— Ўз-зим... — Юлдузхоннинг товуши мулойим, ёқимли эшитилди. Унинг эркаланамётганини ҳам, йиғлаётганини ҳам билиб бўлмасди.

— Ўзинг ҳам бор бўл-э, капалагимни учирдинг-ку,—Хосият хола шундай деди-да, кўрпани қизининг юзига ташлаб, ҳовлига тушди. Молхонага бориб, сигир соғишга ўтириди-ю, худди тушдай бўлиб ўтган ҳозирги ҳодиса нима учундир хаёл сурдириб қўйди. «Нега у йиғлайди? Биронтаси идорада хафа қилдимикан? Үндай бўлса менга айтарди-ку...» Хосият хола елиндан қўлини олмай туриб, айвон томонга қаради. Юлдузхон ҳамон ўралиб ётарди.

Кампир ўйлаганича бор. Юлдузхон шу ёшга келиб, баъзи қизлардек онасидан сир яширган бола эмас. Ҳаммасини гапиради, зарур бўлганида онаси тушунмаса ҳам маслаҳат сўрайди. Үқишидан, ишидан-ку ҳеч нарса қолдирмайди. Гоҳо кроватда узала тушиб ётиб, қўлида қалин китобни ушлаганича ўй ўйлаб кетади, кейин нималар ўйлаётганини, аллақандай шаҳарлар, театрлар ҳақида онасига шундай сўзлаб берадики... Хосият хола, «яҳши ният, яҳши болам» деб қизға тикилиб қоларди. Булар майли-я, колхоздаги қайси йигит қандай гап отиб тегажоқлик қилиб қолган бўлса, шунисигача айтиб берарди. Нега бугун...

Хосият хола сигирни соғиб бўлмай Юлдузхон туриб қолди. Тезгина кроватни йиғиб, ариқ лабига борди, шошиб ювинабошлади.

— Вой шўрим,—Хосият хола қизига тикилди, бармоқлари сирғаниб, челак устига тушди,—хумдай шишибсан-ку, болам, бу нимаси эди.

— Ҳеч-да,—Юлдузхон шундай деганича ҳовучлаб олган сувини юзига уриб, югуриб уйга кирди, приёмник устидаги ойна ёнига борди,—вой рост-а, бунчалик йиғламовдим-ку, энди нима қиласман-а? — Унинг қовоқлари қизарип, сал кериккан эди.

— Қайдам, нима қиласкинсан,—деди Хосият хола орқасидан келиб,— бу қилиқ қаёқдан чиқди?..

— ...
— Ҳой, сендан сўраяпман.

— Нима дейсиз-эй,—Юлдузхон шундай деди-да, яна кўзига ёш олди, кейин ёнига ўгирилиб, худди онаси қучоғини очиб тургандек унга отилди, бошини унинг кўкрагига яшириб, қўлини елқасига ташлади.

— Одамни бесаранжом қилмай очиғини айта қолсанг нима бўлармиш,— деди Хосият хола қизининг бошини силаркан.

— Ойижон, ёшлигингизда ҳеч ўзингиз шунаقا бўлмаганмисиз?

— Ҳа-а-а, мундоқ демайсанми, қизим,— Хосият хола кулди, унинг юзлари ёш жувонларникideк яшиаб кетди.

— Шу-да, мен йиғласам, сиз куласиз.

— Вой болам,— қизини қаттикроқ бағрига босди у,— кулмай иложим борми. Бу йиғи — қайғу-ҳасрат йиғиси эмас...

— Ҳа, алам йиғисими бўлмаса?

— Тўғри, алам бўлганда ҳам рашк аралаш алам.

— Рашк? — кўзларини катта очиб, онасига тикилди Юлдузхон,— қанақа рашк?

— Ҳе, билиб туриб сўрайсан-а, ошиқлик рашки, жон болам, ошиқлик,— Хосият хола шу гапни айтиб, қизини бағридан бўшатди, ўзини босиб олсин дегандай, нарироққа борди, челяқдаги сутни сузичдан ўтказа бошлади.

Юлдузхоннинг онасидан яширган бирдан-бир сири шу эди. Барибир, яшиrsa ҳам Хосият хола сезар, баъзи-баъзида шу тўғрида гап ҳам очиб қоларди-ю, қизидан бирон сўз чиқмагани учун рўй-рост сўролмасди. Юлдузхон ҳайрон бўлди, онасига ҳеч гап айтимаган бўлса ҳам у ҳозир қизининг қалбига яширган, йиғига сабаб бўлган сирни шундоқ кўз олдига келтириб қўйди: ошиқлик рашки деди. Жуда тўғри айтиди.

Хаёли ҳамон қизида бўлган Хосият хола турган жойида гап ташлади.

— Шундай, болам, бўйинингга олабер.

— Боринг-эй... — қошларини чимириб, ўриб турган сочи аралаш қўлини сiltади Юлдузхон.

— Ҳа, қўя қол бўлмаса, жон болам, ўзингни қийнаб сенга нима зарур.

— Мен сизга қийналдим дедимми?

Хосият хола хохолаб кулиб юборди.

— Нима қилғин дейсан бўлмаса, на иссиққа кўнсан, на совуққа.

— Сизга бир нарса қилинг дедимми? Тағиён, куласиз-а.

Хосият хола кулгисини тўхтатолмай, ўзини босишга уринар экан, алланарса эсига тушгандай бўлди. Наза-

рида, ёнида ҳозир бўйи етган, ақли расо қизи эмас, бундан ўн-ўн икки йил аввалги гўдак — серхархана, ҳечнарсага кўндириб бўлмайдиган Юлдузхон турганга ўшарди. Ушанда ҳам унга гап уқдириб бўлмасди. Осмондаги ойни олиб беринг дейишдан тоймайдиган қизчани овитаман деб онанинг эси кетарди. Ўйлаб қараса, шулар худди кечагина бўлиб ўтгандай... Энди-чи? Энди уни алдаб бўлмайди, юпатиш ҳам маҳол. Муҳабат боисида-ку... Хоҳишига мойил келмайдиган бирон сўз айтиш инсофли кишининг иши эмас.

Юлдузхон соchlарини ҳеч вақт ҳозиргидай секин ўрмаган эди. Ҳар бир ўримини бармоқлари орасида ушлаб, унга тикилар, қайта-қайта тараса ҳам кўнглидаги-дек силлиқ чиқмаётганга ўхшаб кўринар, яна бузиб, бошқатдаи тараарди. Бу иш уни овитеяптими ёки атайи вақтни ўтказиш учун шундай қилаяптими — ўзи ҳам тушунолмасди. Опасининг гаплари кулгисини ҳам унтаёзди. Тунда кўрган туши, Муҳиддин номига нотаниш қиздан келган хат унинг кўнглидаги аллақандай шубҳаларни жонлантириб, юрагига фулғула сола бошлади. Эҳтимол, бугун тушида ўша бўлгақ воқеани такрор кўрмаганида бунчалик бўлмасмиди.

Муҳиддин Тошкентга кетишидан тўрт кун илгари клубда бадиий ҳаваскорлар концерт кўрсатиши. Кечанинг охирроғида, нима бўлди-ю, Муҳиддин Юлдузхонга ҳеч гап айтмай ўрнидан туриб, секин ташқарига чиқиб кетди. Бу ҳол Юлдузхоннинг ғашига текканидан у эшик томонга қайрилиб қарамади ҳам, концерт тугаб, ташқарига чиқса Тошпўлатов билан гаплашиб турибди. Юлдузхон ўзини билмасликка олди-да, кўча томонга юрди. Нарироқда қизлар билан анча гаплашиб ҳам турди. Бу орада уларга Адҳам келиб қўшилди, қўлидаги икки дона гулнинг бирини Юлдузхонга, бирини Кароматга узатди. Шунча кузатиб қўйман деса ҳам Каромат кўнмади, охири Адҳам узр сўраб, якка ўзи кетди. Шунда Каромат «нега Муҳиддин акам келмаяптилар» дегандай Юлдузхонга қаровди, у гўё ҳеч нарса сезмагандай, «қани кетдик» деди-ю, ўзи йўл бошлади. Муҳиддиннинг бепарволиги унга оғир ботди, туни бўйи ухламай чиқди. Шундан ёмони борми? Пок муҳаббатга ҳурматсизлик эмасми бу? Юлдузхон «Муҳиддин сабабини айтиб, узр сўрар» деб юрди. Бироқ бундай бўлмади. Бўнинг ўрнига ўша, Тошкентга кетар куни «хайр, мен

кетяпман» дегани бўлди. Юлдузхон ўйлаб қўйғанларини ҳам гапиролмади. Тушида шуларнинг ҳаммасини худди ўнгидагидек кўрди-да, охирида ундан аразлаган бўлиб, тескари қараб тураверди. Муҳиддин бўлса узр айтиш ўрнига, «ҳеч шунаقا қилмаган эдим-ку, бу галгисига мен айбормасман» деб қўлини силтади. Юлдузхоннинг ўпкаси тўлиб йиглаб юборди, онаси кўрпани очмаса яна қанча йигларди, ўзи ҳам билмайди.

Булар ҳаммаси ҳозир Юлдузхоннинг юрагини тошириб юборди. Нима қилсин? Ҳаммасини онасига тўкиб солсинми? Нима деркин у? Яна боягидай кулиб, ғашига тегармикан?

Хосият хола баъзи-баъзида қизига аллақаёқдаги узундан-узоқ гапни айтиб бергудай бўлса, Юлдузхон «ойи, кўйинг шу гапларни» дея уни тўхтатарди. Шундай кезларда онаси: «Болам, юрагим бўшармикин дейманда, гаплашадиган ҳамдардим бўлмаса» дегувчи эди. Худди шу гап ҳозир Юлдузхоннинг эсига тушди. У ҳам шу топда онаси сингари ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб бергуси, юрагини бўшатгуси келди.

Бу орада Хосият хола ташқарига чиқиб, анча-мунича юмушларни бажариб қўйди. Ҳар кунгидек Юлдузхоннинг олов ташлашини кутиб турмай, самоварни ўзи қўйиб юборди. Уйнинг очиқ деразасидан гуп этиб димоқ-қа жizzанинг ҳиди урилганда, Юлдузхон мийигида илжайди: «Ойим ҳаммасини сезади, ҳозир менга иш буюришни ҳам ортиқча деб ўйлаяпти-я, айланай ойимдан».

Юлдузхон ойна олдида сояларини чамбарак қилар экан, лаганда жиззана кўтариб Хосият хола кирди, ўзича гапира бошлади:

— Ҳой Юлдузхон, сенга кулишга кулдим-у, боядан бери ўзимга кор қилаяпти-да. Ҳаёл ўлсин, бир зумда оламни кезиб чиқсан бўладими. Эсим қочиб, қозонга буйракни ташлаб юоришини ҳам унутибман, тавба...— Хосият хола хонтахта устига дастурхон ёза бошлади,— тагинам биздакалар дод солмаган эканмиз-да.

— Нимага, оий?

— Нимага эмиш? Биз шўринг қўрғурлар худога нима ёзган эдик. Индамай ўтаберган эканмиз-да.

— Нима деяпсиз ўзингиз, оий?

— Кел қўй, бўлар шунча оро берганинг, чойни олиб келаман,— деди-да, ҳалпиллаб чиқиб кетди. Юлдузхон онасининг гапларига тушунолмай, ҳайрон бўлганича де-

разадан ҳовлига қаради. Ҳаво очиқ. Бояги ёқимли шабада энди шамолгага айланган. Кўча томондан пага-наға кўтарилаётган чанг дарахтнинг қуюқ барглари орасига сингиб, яшил япроқларнинг юзини хира қилмоқда. Хосият холанинг айвонга жой қилмагани ҳам шундан бўлса керак. Юлдузхон онасига тикилганича, унинг ҳаракатларини кузатар экан, назарида, Хосият хола аллакимдан қаттиқ хафа бўлған-у, фигони фалакка чиқиб, ўзича койиниб юргандек бўлиб кўринди. Бу пайт узоқдан подачининг овози эшитилди, сал ўтмай эшикка гаврон урилиб тақиллади. Хосият хола шошганича сигирларни арқонидан бўшатди. Эшикнинг бир табақасини оча туриб ўзидан-ўзи кулди, кейин эркалагандек ола сигирнинг биқинига уриб қўйди. Онасининг бу қиликлари Юлдузхоннинг кулгисини қистатди. «Ойимга бир нарса бўлдими, ўзи» — кўнглидан ўтказди у.

Хосият хола самоварни кўтариб уйга кирап экан, яна боягидек, осто надан ўтмасданоқ ўзича гапира кетди:

— Даданг раҳматлик ҳам худди шундай пайтларда, жўрттага мени эшитсин деб овозини борича молларни ҳайдаб ўтарди... Мен ҳам тонг ёришади дегунча қулоғимни тўрт қилиб зориқиб кутардим. Овозини эшитардим-у, юрагим таскин топарди. Уйимизда биронта туёғнинг йўқлиги шунда ҳам билинарди. Бўлганида, мол баҳона, дидор ғанимат қилиб, кўришиб олардим деб ачинардим...» Ҳа, а, кечагина эди-я, мана энди қарабсанки... бунисига ҳам шукур.

— Ойи, гапингизнинг бош-кети борми ўзи, бир боғдан келасиз, бир тоғдан-а.

— Рост айтасан, эсим эримга кетди, болам, ҳа,— Хосият хола қаймоққа нон ботира туриб кулиб юборди,— азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлар деганини эшитмаганмисан, бояги йиғингдан кейин ёшлигим эсимга тушиб кетди, болам. Нимасини айтасан, сен-дек вақтимизда бамисоли қафасдаги қуш эдик. Кўча кўриш қаёқда-ю, ошиғинг билан бир оғиз гаплашиш қаёқда... Сенлар ношукурчилик қилмасанг ҳам бўлади.

Юлдузхон жizzадан бир донани оғзига соганича онасининг гапига ағрайиб қолди, унга ачингандай бўлди:

— Ойи, дадам сизни севиб олганмилар?

— Севганда қандоқ дейсан.., ўзимни айтмайсанми, ўзимни,

- Сира гапирмаган эдингиз-ку, ойи.
- Айтадиган гапми бу, болам, айтганимда ҳам ба-рибир тушунмасдинг-да.
- Нега тушунмас эканман?
- Эй, болам, ҳали ҳам ёшсан-а,—ошиқлиқни ўз бо-шидан кечирмаган одам бунақангি гапларнинг магзини чақармиди. Мана сен ҳозир бамисоли ўт бўлиб ёняпсан.

— Ҳеч-да, қаёқдан топдингиз бу гапни.

Орага жимлик чўкди. Яхшигина суҳбатни бўлиб қўй-ганига Юлдузхоннинг ўзи ҳам хафа эди. Онаси бўлса «ялинсанг айтаман» дегандай бепарво чой хўплайверди.

— Кўчага чиқмасангиз қандай гаплашардингиз?— сўради тоқати чидамай Юлдузхон.

— Шуниси азоб эди-да, жон болам, бора-бора эрталаблари пода ҳайдаб ўтадиган пайтида деворнинг ёри-фидан қараб турадиган бўлдим. Бир сафар юзма-юз гаплашганман, сира эсимдан чиқмайди. Холамникига тугун кўтаришиб бордим-да, кейин уй ёлғиз бўлгани учун бирпасгина ўтириб қайтдим. Иссик кун эди. Ярим йўлга келиб жуда чарчадим, жийда тагидаги ариқдан ҳовучлаб сув ичяпсам, бирор тепамда «чанқадингизми?» дейди. Чўчиб тушдим, шаша докадан икки қават чачвоним бор эди, уни тушириб юбордим, орқамга тисарилсам, яна «қўрқманг, менман» дейди. Овозини танидим-у, ўзимни босдим. Кейин бирдан юрагим ура бошлади, худди мени бирор қувлаётганга ўхшаб оғзимга гап келмас, нафасим тиқиларди. «Қочинг, мен қўрқяпман» деганга ўхшаган гапни дудуқланиб айтдим-у, ўзимни титроқдан тўхтатолмасдим. Кечалари ўйлаб ётганларимда, бир кўрсаам ундай дейман, бундай дейман деб бир олам гапни тўплаб қўйрдим-да, қани энди шундан учқуни эсимга қелса... Уям гап тополмайдими дейман, ўлдим-ўлдим деганда бир оғиз бўшгина қилиб «қўрқманг» деб қўйарди. Бирпас шундай турганимиздан кейин гапирди: «Мен сизнинг холангизнига боришингизни ҳам, тезда қайтишингизни ҳам билган эдим. Бутун бир подани худога топшириб йўлингизга чиқдим. Хўп десангиз нариғи сўқмоқдан бирга кетамиз» деса бўладими. Вой ўлай, куппа-кундузи, бирор кўрса... десам, «қўрмайди; паранжидасиз-у» деб қўймади. Уйга десанг юрак ўйнорида етиб келдим-да...

Юлдузхон онасининг гапларини эшитар экан, Муҳиддиннинг ўша бир сафаргина бўлса ҳам кузатиб қўй-

магани борган сари қаттиқроқ таъсир қила бошлади. Ўзича бундан аллақандай хулосалар ҳам чиқариб қўйди. Онаси гапнинг шу ерига келиб, чой қуя бошлага-нида, сўради:

— Ҳеч юзингизни очмадингизми?

— А? Юзингиз дейсанми? Ҳа, очган эдим шекилли, эсимда йўқ.

Юлдузхон кулиб юборди.

— Ахир нималарни гаплашдинглар?

— Ҳаҳ, қаёқданам сенга буни гапирдим-а. Ношукурчилик қилмагин демоқчи эдим-да. Бахтларинг кулган. Ўйнайсан, куласан, бир-бирларингни билиб, очиқ-часига гаплашасан, шуни айтмоқчи эдим-да.

— Ўшанда нималарни гаплашдингиз десам, сиз...

— Ҳа, гапирганидан эсимда қолгани шуки... тегажоқлик қилиб гапиргандарини ўзинг биласан, болам, ҳа... бизнинг авлодимиз хўжавачча эди. Дадангнинг авлоди хўжа ҳам эмас, мир ҳам эмас экан. Шу десаиг, икки марта совчи юборишганда ҳам дадамлар йўқ деб туриб олсалар бўладими? Охири уйдагилар кўнишди-ю, қишлоқдаги бир-иккита оғзи катталар асдо бўлмайди дейишипти. Буни эшитган даданг шўрлик оёғи куйган товуқдай, иложи бўлса ҳар куни кўчамиздан тўрт мартадан пода ҳайдаб ўтишга рози эди десам ёлғончи бўлмайман. Ўша куни кела-келгунча айтган гали ҳам шу бўлди. «Майли, сизга етишсам, ўриннинг боши оёғи демасдим». дейди шўрлик...— Хосият хола ўзини тутолмай кулиб юборди.

Юлдузхон ҳеч нарсага тушунмади. Сўрай деса онаси кулгидан тўхтамасди.

— Бу нима деганингиз, ойи?

— Вой болам, сен тушунмайсан. Илгари замонда тўй қилишнинг минг хил аъмоли бор эди. Биттасига ҳам тушунмасдиг-у, шу экан деб ўта берардик. Мен сенга айтдим-у, авлодимиз хўжа авлоди экан, хўжалар ўзи неча хил бўлади дейишиади, бизникини жинніхўжа дейишиарди, нималигига ҳозиргacha тушунолмайман. Шу хўжа авлодидан бўлганим учун дадангга теголмас эканман. Агар борди-ю, тесам ҳам даданг ўрийнга ёстиқ томонидан эмас, паст томондан кирса шунда шартига тўғри бўлармиш,— Хосият хола яна қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Унга қўшилиб Юлдузхон ҳам кулди.

— Ойи, ростдан ҳам шундай қилганмилар, дадам?— сўради Юлдузхон кулгидан ёшланган кўзларини артиб.

— Бо худо, кимга зарур кепти шундай қилиб. Ҳа
хўп дедиг-у, билганимизча иш тутдик. Шариатнинг
йўл-йўриғига қулоқ солсанг нима бемаънигарчиликлар-
ни қилмасди.

Юлдузхон гапнинг бу томонга ўтиб кетишини сира
ҳам кутмаган, ўзича у юрагидаги барча сирни шу бугун
онасига айтиб беришни мўлжал қилган эди. Ҳозир, Хо-
сият холанинг мана бу ҳангамаларидан кейин бир оз
енгил тортгандай. хаёллари эсидан чиққандай бўлди.
Аммо хатни сўраб олмаса сира кўнгли жойига тушма-
япти. Балки онаси билар...

— Ойи, анави токчадаги иккита хат қачон келди?—
шунчакни сўраб олмоқчи бўлгандаи деди Юлдузхон.

— Қайси?

— Анави-чи, биттаси кўк, биттаси оқ конвертда.

— Ҳаҳ, эсим ҳам қурсин, қачон келувди-я... Ҳаҳ,
бири...

Хосият хола ганириб бўлмай эшик очилди, ҳовлида
қўнғироқдек овоз жаранглади, икковлари ўша томонга
қарашди.

— Вой, бемалол ўтирибсан-а, ўртоқжон,— Каромат
шундай деб тўғри уйга кириб келди,— салом, холажон.

— Кел, болам, ўтир.

— Кел, Каромат.

Каромат қўлидаги садарайҳонни Хосият холага тут-
қазиб, кўрпачанинг учгинасига ўтирди. Одатдаги эрка-
лиги билан ўз уйидек, «қани, олинглар» деб кулди-да,
бир-икки дона жizzани оғзига солди.

— Биласанми, Юлдуз,— у ўнг кўзини қисиб қўйди,—
олдингга қочиб кирдим. Эрталабдан йўлимни тўсиб тур-
са бўладими?

Хосият хола чой қўйиш билан оворадек, ўзини бил-
масликка олди, Кароматга пиёла узатди:

— Қани ол, олақол, ким экан у йўлтўсар?

— Ҳалиги тракторчи бор-ку, ишимизни судрагани
судраган, тағин шикоят қилманг эмиш,— Каромат гап-
ни бошқа ёқقا бурди.

Юлдузхоннинг юзларидан бояги кулги аримаган
бўлса ҳам, Кароматга хомушроқ кўринди. У бир Хоси-
ят холага, бир Юлдузхонга қаарди.

Дугоналар чиқиб кетишли. Хосият хола уларнинг
орқасидан қараб қолганича: «Ҳа, омон бўлишсин, икко-
ви ҳам олов, олов» деб қўйди.

Мұхиддин вокзалнинг кенг майдонига чиқиб тұхтаб қолди. Ұзоқ турди.

— «Қани юр, ўғлим, нега ағраясан!» — Раҳим ота шундай деб үғлининг қўлидан ушлади-да, бирнече қадам босмаган ҳам эдикى, одамлар орасидан бир әмас, икки фотограф чиқиб қолиб, унга яқинлашди.

— Кечирасиз, бир минутга,— деди улардан бири ва отанинг кўкрагидаги орден, медалларини тўғрилаб қўйди,— шундай, яна бир марта, ҳо-зир, яна... раҳмат сизларга,— фотограф блокнотини чиқариб, Раҳим отанинг колхозини, яна алланималарни ёзиб олди. Кейин отасига қўлини бериб, ағрайиб турган ёш Мұхиддинни эркалади, унинг бурнини қайчилаб, «Қўришармиз» дея хайрлашди...

Мұхиддин учун тушдай бўлиб кўринган бу дақиқа унинг сирә эсидан чиқмасди, Ҳозир, шу турганича қаторасига тизилган машиналарга тикилиб, отасини эслаб кетди, у худди ёнида туриб «қани, юр...» деяётгандай бўлди... Ана улар ҳозир машинага ўтириб тўғри мөхмонхонага бориб тушишади. Эртаси куни, ота-үғил ноңушта қилаётган пайтда уларга газета келтириб беришади. Газетанинг биринчи бетида отаси билан ўзининг расмини кўради, еб турган овқати ҳам қолиб, газстани ўқий бошлайди. «Қурултой қатнашчиларига аллангали салом!» Расм ҳам шу сўзларнинг тагида. Отаси уни етаклаб олган, фақат у офтобдан қўрққандек кўзларини қисиб расмга тушганидан хафа. «Билганимда-ку, кўзларимни катта очиб турардим-а...»

Газетадаги ўша расмни у ҳозиргача «Мардлик» китобининг варақлари орасида сақлайди. Мұхиддин ўшандан бўён Тошкентга энди келгани. Бу сафар отаси билан әмас, бир ўзи. Энди уни етаклаб юришнинг ҳожати ҳам қолмаган.

Мұхиддин троллейбусга тушганида ҳам ёнида отаси ўтиргандай бўла берди. Мирзачўлга келганига шунча бўлиб, бир неча бор ҳат олиб, бирон мартасида ҳам отасини ҳозиргида кўз олдига келтирмаган эди. Жуда соғинганини энди сезди, ўзидан-ўзи хўрсиниб қўйди.

Троллейбус, тепасидаги симларни читирлатиб қушдай учеб борарди. Мұхиддин келганида троллейбуслар йўқ эди. У машинанинг ичини кўздан кечира бошлади,

Остановкаларда ўзи очилиб ёпиладиган эшикларга энгашиб қаради. Троллейбус кенг күчага чиққанида турнадек тизилиб бораётган машина, автобуслар уни ҳайратда қолдирди, кети сира узилмасди, кўзنا қамаштиради.

Мұхиддин қишлоқ хўжалик институтининг ётоқхонасига жойлашиб олганида кеч кириб, иш куни тугаб қолган эди. У ювиниб бўлгач узоқ ўтиромади, шаҳарга чиқиб кетди. Ана ўша таниш, серқатнов кўчалар, гавжум скверлар... У, гулзор ёнидаги скамейкалардан бирiga ўтириб дам олди, кичкинагина машинасини тортиб юрган боланинг ўйини уни ўзига жалб қилиб қўйди, чопиб кетатуриб, йиқилиб тушганида югуриб бориб қўтарди, қум бўлган кўйлакларини қоқиб, овутди-да, қайтиб жойига ўтиромади. Кўчанинг чеккасидан борар экан, ҳар қадамда аввалги сафар кўрмаган янгиликни учратар, баҳри очиларди.

Ана катта театр. Қурултой шу ерда бўлган эди. Рахим ота уни етаклаб келди-ю, киритишмади. Мұхиддин бир ўзи меҳмонхонада қолиб, йиглагудек бўлганини эслади. Театр майдони одамлар билан тўла. Фонтандан отилаётган сув Мұхиддин ўз қўли билан қазиган ариқдаги сувнинг аллақаёқларга шошилаётгани сингари тинмай баландга интиларди. Мұхиддин яқинроқ борганидагина бу сувнинг гўза чаноғидан, унинг атрофидан отилиб чиқаётганини кўрди, бадани жимирилаб кетди, ёниверидагилар унга қараб: «Сизнинг гўзангиз-а, йигит» деяётгандай ҳаяжон босди. Сқамейкада ўтирас экан, бирдан фонтан тури турли рангларга бўялди, буниси ҳудди газлаб турган атласнинг қуёш нурида товланишидай чиройли эди. Сув, гўза, нур... булас шундай ажиб бир манзарани тўкиб турардики, тикилган билан тўйиб бўлмайди.

Майдон атрофидаги катта-катта дарахтлар кўчириб ўтқазилганга ўхшайди, илгари келганида ниҳоли ҳам йўқ эди. Баланд, баҳайбат бинолар-чи... Тошкент шунчалик ўзгариб, яшариб кетибдики, Мұхиддин чарчаганини ҳам, толиққанини ҳам унутди. Бирон жойга кириб, тамадди қилиб олишини ўйласа, поездга кечикаётган сингари вақтни қизғанарди. Аввал келганида эски иморатлар бўлган Навоий кўчасини сира таниёлмади, қаторасига кетган биноларнинг деразаларида шойи пардалар кечки шабадада ҳиллирар, кенг кўча нурга кўмилган...

Мұхиддин кеч салқинида шаҳарни айланиб қайтди.
Етогига кирар экан, ҳамон фонтаннинг булоғи — ғўза
чаноғи кўз олдидан кетмасди...

Эртаси куни институтнинг қабул комиссиясига кирди.
Урта ёшлардаги, кўнғир сочли йигит — институтнинг
ўқитувчиси Аҳмаджонов у билан узоқ суҳбатлашиди.
Урта мактабни кумуш медаль билан тамомлагани, аг-
рономия мактабида ўқигани ҳақидаги ҳужжатларини
кўздан кечириб, чеккага олиб қўйди-да, Мұхиддиндан
нуқул колхоздаги ишлар, ғўза парваришининг бориши,
янги ер ҳақида сўрай кетди. Бу суҳбат ўқитувчи билан
студентнинг суҳбатига сира ўхшамасди, бора-бора Мұ-
хиддин институтда ўтирганини ҳам унугаётди, колхозда-
ги агроном билан ғўза парвариши ҳақида гаплашаёт-
гандай бўлди. Эшикдан киришининг ўзидаёқ Аҳмаджо-
нов деган фамилияни эшигтагч ўйланиб қолган эди. «Бу
тағин ўша киши бўлмасин. Аммо мақолани боллаган-да,
ҳам тушунарли, ҳам ишонарли...»

Мұхиддин чигитни барвақт әкиш ҳақида газетада бо-
силган катта мақолани ўқиб, уни қирқиб олиб қўйган
эди. Мақолани кейин ҳам неча бор кўздан кечирди. Ке-
ракли жойларини чизиб қўйди, ниҳоят, шу усулда янги
ерга бир у эмас, бутун бригада чигит экди. Мақола
автори қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Аҳмаджо-
нов эди. Ҳозир шуни хаёлидан ўтказди, суҳбат охирида
ўзини тутолмади, сўраб қолди:

— Шу усулини...

Аҳмаджонов кулди.

— Ҳа-ҳа, ўқиганмидингиз? Ривожи яхши деңг?—
Аҳмаджонов ўйланиб қолди,— эҳ, әттанг, фурратим бўл-
ганида сиз билан жўнар эканман, янги очилган ерга шу
муддатларда экилишини бир кўриш керак эди-да. Зара-
ри йўқ, албатта бориб кўраман, албатта. Ахир бу ме-
нинг асосий илмий ишим-а,— Аҳмаджоновнинг юзлари
қизариб, кўзлари бир нуқтага тикилди,— асли, бутун
колхоз ерида шу муддатда экабериш керак эди, чакки
қилибсизлар, аммо янги ерда, биринчи марта... эрта
етилаётгани ҳозирданоқ кўриниб турибди деңг-а? Албат-
та бориб кўраман...

Мұхиддин ўқитувчининг ҳис ва туйғуларини жўяк
орасида чўйкалааб олиб, бир туп ғўзанинг ўсишини кўз-
дан кечираётган пахтакорнинг ҳаяжонларидан ажратол-

мади. Ана, кўриниб туривди-ку. Ҳозир ўрнидан туриб, стол-стулини йигиштириб, учеб боришга рози...

Муҳиддин институтда анча овора бўлди, бир неча кун кўчага ҳам чиқолмади. Олтинчи кун деганда сель-электротга, оталикдаги заводга боролди. Бу ерда иш енгил ҳал бўлди, ҳаммасидан ҳам заводдаги инженернинг: «Қўлимиздан келадиган ёрдамни аямаймиз, йигит, ҳаммамизинг мақсадимиз бир, пахтачиликни ривожлантириш, ҳа-ҳа, биз чиқараётган машиналар шунга хизмат қиляпти-ку, ахир» дегани Муҳиддинни қувонтириб юборди.

У, заводдан чиқиб тўғри шаҳарлараро телефон станциясига борди, колхозни олиб, ҳамма қилган ишларини Тошпўлатовга батрафсилик гапириб берди. Парторг телефонда ундан хурсанд бўлганини айтиб, ўртоқларидан салом топшириди.

Ана, колхоз топширигини бажарганидан мамнун бўлган пахтакор кенг кўчанинг чеккасида дадил қадам ташлаб бормоқда. У, катта синовдан ўтгандай...

Эрталабдан ланж бошланган ҳавонинг авзойи ўзгариб, кўкни булат қоплади, ёқимсиз шамол кўтарилиб дараҳтлардаги чангни тўзитди. Муҳиддин ярим йўлга етмаган ҳам эдики, шаррос ёмғир аралаш дўл ёға бошлиди. «Ез ҳавоси-ку, ҳозир ўтиб кетади» деб ўйлади у. Бироқ ёмғир тобора зўраяр, булат қуюқлашар, ҳали бери тинадиганга ўҳшамасди. Унинг бутун қувончи худди об-ҳаводек тез ўзгарди, юраги ғаш бўлиб кетди. Кўпқаватли катта бинонинг дарвозасига кириб, ёмғир тинишини кута бошлиди. Ёмғир билан дўл ҳозир ташқарига эмас, унинг ичига ёққандай бўлди. Гарчи қаддини ростлаб олган бўлса ҳам, ҳали ёш гўзалар унинг кўз олдидан бирма-бир ўта берди. Ҳар дўл донаси бир туп гўзага зарар ётказгандай бўлди. Қани энди иложи бўлса-ю, шу топда учеб борса-да, чинқириб йиғлаб турган чақалогини бағрига босиб, эмизиб овутган онадек, гўзлар устига соябон бўла қолса. Ёмғир яна тезлапши, кўчаларда ариқларга сиғмай сув оқди, йирик дўл доналаридан асфальт юзлари туз сепилгандай оқарди.

Муҳиддин бу ерда узоқ туролмади. Қостюмининг ёқасини кўтариб кўчага чиқди. Асфальт юзида оқ кўкимтир рангда сакраётган муз доналарини босиб, тўғри телефон станцияси томон тез юриб кетди. Кийимлари шалаббо бўлгани ҳолда станцияга кириб келди. Ярим

соатча муқаддам ҳеч ким бўлмаган станциянинг биноси одамлар билан тўла. Ҳамма ўз навбатини сабрсизланиб кутмоқда. Булар орасида колхоз раислари ҳам парторглар, агроном, ҳосилот советининг раислари, колхозчиларни учратиш мумкин. Ҳаммалари бир нарса тўғрисида ўзаро гаплашарди: «Дўл қаттиқ ёғди. Зарар келмаганимикин?»

Муҳиддин навбатда узоқ туриб қолди. Одамларнинг гаплари қулогига чалинар экан, фонтандаги ғўза чаноги кўз олдига келди. Ҳозир чаноқдан баландга сув отилаётганий йўқ, юқоридан чаноқ устига тўкилиб, уни эзив юбормоқчи. Қабинкага кириб, Тошпўлатов билан қисқагина сўзлашгач, чехраси ўзгариб, ташқари чиқди. Мирзачўлга ва унинг атрофига дўл эмас, шувалабгина ёмғир ёғиб ўтиби. Аммо, фақат Мирзачўл пахта экмайди-ку?..

Муҳиддин кўчага чиққанида ёмғир тиниб, қоронги тушган эди. У, аста одим ташлаб борар экан, бутун шаҳар аҳли — паҳтачилик билан сира алоқаси бўлмаган, турли касбдаги кишилар ҳаммаси худди колхозчилик, Муҳиддинек дўл ёққанидан ташвишланаётган бўлиб туюлди. Ени беридан ўтиб бораётган йўловчилар — руслар, украинлар, ўзбеклар, қозоқлар, ишчи, академик, ёзувчи, хизматчилар — буларнинг ўзаро суҳбатларидан «Дўл... ғўза... ҳосил» каби сўзларни эшилди. У, яна шу пайтда жонажон Ватанинг қудратини, ҳар бир киши, ҳар бир колхоз тақдирни ҳақида халқ, Ватан ғамхўрлик қилаётганини кўз олдига келтирди, чуқур ҳис этди. Буюк Ватанинг оддий граждани бўлишдек олижаноб баҳт уни шундай фахрлантириб юбордики, бундақангি қувончли дақиқалар ҳаётда камдан-кам бўлади.

Муҳиддин ётоқхонага келиб, стулга ўтирди-ю, яна ўйлай кетди. Тошкент, Мирзачўл, Украина, Москва, Қозогистон... булар ўз гўзаллиги, бойлиги билан кўз ўнгига намоёни бўлди. Бир зумда Водил ҳам, Мирзачўл ҳам эсига тушди. Ўйлаб қараса, ўз қишлоғидан кўра бу янги қишлоқ унинг қалбидан кўпроқ ўрин олганга ўхшайди. Ахир, отаси ҳам шуни айтар эди-да: «Ўз қўлинг билан эккан, меҳр қўйиб вояга етказган кичик бир дарахтнинг вақти келганда қуриган баргини ҳам узиб олгинг келмайди».

Бирдан Тошкентга келадиган куни Юлдузхон билан учрашганини эслади. Ўзича бошқа фикрларни йиғиши-

тириб қўйиб, фақат ўша учрашув тўғрисида ўйлаб қўрди.

«...Ана, унинг овози, бу ёққа кириб келяпти, эшик олдида қўрқсан кишидек тўхтаб қолди. «Салом, келинг» деди. «Салом, келинг» — қандай мулойим, кишининг қалбини ўзига тортадиган ёқимли сўзлар бу! Эҳтимол, барча қизларнинг овозлари ҳам ана шундай ёқимли эшитилар. Йўқ, ҳаммасиники эмас. Бўлмаса нега ўз қишлоғимда биронта қизнинг шундай мулойим сўзини эшитмадим? Юлдузхоннинг «Салом, келинг»ги унинг юрагидан, қалбининг нозик ерларидан чиқди. Ундан кейин нима бўлган эди-я... Ҳа, ҳовлига тушди. Сўнг... эҳ, нега ҳаммаси бирин-кетин кела қолмайди-я... Ҳа, айтгандай, бундай ўғрилик икки марта бўлмайди... Нега бундай деди? Ё мени синаш учун айтдимикин, қизиқ?..»

Эшикдан шу хонада турувчи студентлардан бири кириб келди. Муҳиддиннинг хаёли бўлинди. У, ўрнидан гуриб, ечинмоқчи бўлганида, студент чиқиб кетди. Куни бўйи юриб чарчагани учун ётмоқчи бўлди. Костюмини қозиққа илатуриб, ички чўнтағидан учи чиқиб турган конвертни олди, адресини кўриб, бошини қимирлатиб қўйди. Бу — Меҳрихондан келган хат эди. У ечинган ҳолда кроватга ўтирганича, Меҳрихонни эслади.

Ҳа, фақат эслади, мактабда бирга ўқигани, у Мирзачўлга кетаётганида шу мактабнинг ўзида секретарь бўлиб ишлаётгани, станцияга кўплар қатори комсомол ёшларни кузатиш учун у ҳам чиққани, кейин, поездда Ризанинг қўлидаги гулдор дастрўмолчани кўриб, демак, Ризани, хушмуомала йигитни севар экан, деб хаёл қилиб юргани эсига тушди. Хатини очмади-ю, ўзича тақоррлади: «ишларингиз қандай, қийналаётгандарингиз йўқми? Бу билан у Риза ҳақида бирон нарса ёзиб юборармикан деб ўйлаган бўлса керак, энди тушундим».

Муҳиддин шаҳардан кетадиган куни чамадони ва бир даста китобни ётоқхонада қолдириб, ўртоқларига совға олиш учун кўчага чиқди, магазинларни айлана бошлади. Узоқ ўйлаб турмай дастлаб, Хосият хола учун совға олди. Аммо, Юлдузхонга-чи? «Кўйлакли газмолми?» Йўге... бу бўлмайди. Райунивермагда ҳам шойи, крепдешинлар тўлиб ётибди-ку». Муҳиддин комиссион магазинида бронздан ясалган чиройли ҳайкалчалар, чиннидан ишланган олма, нок, яна аллақандай нозик буюмларни кўрди. Булар нима учундир

ёқмади. У, ўзича «шундай совға бўлсақи, ўзи арзийдиган, чиройли, аммо енг учида узатадиган кичкина бўлса», деб ўйларди.

Ювелирторг магазинининг ойнасига териб қўйилган зеби-зийнат буюмлари унинг диққатини ўзига тортида. Нихоят у, ичкари кириб, қидирган нарсасини топди. Новдага қўниб сайраб турган булбул шаклли тўғноғич унга жуда ёқди. У тўғноғичга узоқ тикилди, хаёлида Юлдузхоннинг кўкрагида кўргандай бўлди, аммо ярашган-ярашмаганини билолмади. Бир оздан сўнг анча ёшларга бориб қолган сотувчи ундан сўради:

— Йигит, нима олмоқчи эдингиз?

— Мен... Совға олсаммикан деб..— уялгандай бўлди Муҳиддин,— мана бу тўғноғич қанча туради?

— Бу олтин тўғноғич,— дея сотувчи уни олиб кўрсатдай, нархи қимматроқ.

Муҳиддин тўғиогич нархини эшишиб, чўнтагидаги пулини таҳминаи ҳисоблаб кўрди, кейин буюмни худди бирор олиб қўяётгандек:

— Менга шуни ўранг, ҳозир пулини тўлайман,— деди шошиб.

Муҳиддин поезд жўнашига ярим соат қолганида вокзалга келди. Дўстлари билан учрашиш соатлари яқинлашаётганидан ўзича хурсанд эди. Фақат бир нарса уни қийнарди. «Юлдузхон совғани олармикин? Еқти-рармикин?»

Киоска ёнига бориб, бугунги газетани олди, скамейкага ўтириб ўқий бошлади. Бир мақолани тутгатмасданоқ радиодан берилаётган ахборот унинг диққатини ўзига тортида: «...звено бошлири Юлдузхон Қаримова гектаридан эллик беш центнердан ҳосил олганлиги учун «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланди», Муҳиддиннинг кўзлари чараклаб кетди. «А? Тушимми, ўнгим? Орден билан-а...» Энди Юлдузхон совғани олса ҳам олади, олмаса ҳам,— ўйлади у,— мукофот муносабати билан совға деб узатаман.

XXIV

Правление биноси ёнига келиб тўхтаган машинадан икки киши тушди. Эгнида, тирсаклари, чўнтагининг оғизлари, этакларининг учи сал оқарган чарм камзул, бошидаги шапкасини бостириб олган баланд бўйли йи-

гит тўғри идора томонга юрди, бошини бир оз энгаштириб, коридорга кирди. Унинг кетидан қўк фуфайкали, қўйрак чўнтағидан кўзойнақ филофининг учи кўриниб турган кексароқ киши йўл олди. Эшигига «Правление раиси» деб ёзилган кабинет ёпиқ бўлгани учун, баланд бўйли йигит «Бухгалтерия» деб ёзиб қўйилган эшикни очди.

— Салом,— деди у бухгалтерга,— колхоз раисини қандай учратиш мумкин?

— Раис далада эдилар,— деди ўрнидан туриб бухгалтер,— агар муҳим иш бўлса чақириш мумкин... Қани, марҳамат, ўтиринглар.

Меҳмонлар ўтиришди. Бухгалтер ташқарига чиқиб, раисга хабар бериш учун аллакимни юборди-да, қайтиб кирди, «ҳозир келадилар», деб стулга ўтирди. Ўзининг ишчанлигини кўрсатиш учунми, меҳмонларга қарамай яна чўт қоқиши, ёзишни давом эттириди. Бир оздан кейин чарм камзулли йигит сўради:

— Раҳимов колхозингизда ким бўлиб ишлайди?

Бухгалтер бир оз ўйланиб қолди.

— Кечирасиз,— деди у,— бизда иккита Раҳимов бор, қайси бирини айтмоқчисиз?

— Қайси бирини дейсизми, ах, исмини унудим, ҳалиги қораҷадан келган, бўлуқ, ёш йигит бор-ку?

— Ҳа,— деди бухгалтер,— Муҳиддин Раҳимовни айтаяпсиз, у, янги ерда ташкил этилган звенога бошлиқ... Ўзи ҳозир бу ерда йўқ...

— Қаерда?

— Тошкентда. Эрта-индин келиб қолади.

Эшикдан раис кириб келди. Меҳмонлар билан қўл олиб сўрашди, уларни қабинетига таклиф қилди. Ўрнидан туриб уларни кузатиб қолган бухгалтер эшикни ёпди-ю, кайфи бузилгандек чўтни суриб, стулга ўтириди. Меҳмонларнинг қаердан, нима учун келганларини билолмай қолгани унга худди бир нарсани йўқотиб, кейин ачингандек бўлиб туюлди. Ҳаммасидан ҳам уларнинг тўсатдан Муҳиддинни сўрагани таъсир қилди.

— Ҳайронман,— ўйлай бошлади у,— бу йигитнинг келганига бор-йўғи ярим йил бўлди-ю, дарров ҳаммага танилди-қолди. Қиладиган иши — звеновой. Аммо, чақана обруғга эга эмас... Мана мен, бухгалтерман, кимсан колхоз раиси ҳам менинг руҳсатимсиз бир тийинни сарф қилолмайди, аммо, мени ҳеч ким билмайди. Обру

ҳам шунга яраша,— ўзига-ўзи дакки бергандай бўлди у,— чўт қоқасан, қалам очасан, шу-да...»— бухгалтер чўтни бузиб, қайтадан ҳисоблай бошлади.

Раис камари остидан кўйлагини текислаб, ёقا тугмаларини бўшатди. Ўз столи у ёқда қолиб, меҳмонлар билан диванга ўтириди.

— Бор экансиз-ку, Николай Дмитриевич, мундоқ йўқлай ҳам демайсиз-а, гинахонлик қилабошлади раис чарм камзулли йигитга қараб.

— Бизни йўқлаб қойил қилгандек гапирасиз-а, Исмоилжон,— деди кулиб Николай Дмитриевич,— вакил юборган экансиз, келмай дедим-у, тағин ўйлаб қолдим... Қурултойда гапириб юрманг...

Учовлари кулишди. Қайсибир йили ҳам эди, колхозчилар қурултойида Акрамов машинасозлик заводлари мажбуриятларини яхши бажармаётганини гапирган эди. Николай Дмитриевич ҳозир шунга шама қилди.

— Бу ўртоқ,— сўзлай бошлади Николай Дмитриевич ёнидаги ҳамроҳини кўрсатиб,— сельэлектрордан, электромеханик Агонесян. Телефон қилдим-у, бирга олиб келавердим.

— Жуда яхши қилибсиз, Николай Дмитриевич, ҳақиқий оталик деб шуни айтса бўлади,— раис Агонесянга ўгрилди,— шундай, мана қарийб ўн йилчадан бери шу завод билан ота-ўғилдекмиз. Очиғи булар жуда кўп ёрдам кўрсатишяпти-ку, фақат биз қайтаролмаяпмиз. Николай Дмитриевич бўлса-ку, қадрдонимиз бўлиб қолди... Асли келинчи ҳам олиб келмасиз-да, дам олиб кетарди.

— Отпуска олгани йўқ,— деди Николай Дмитриевич,— айтгандай салом деб юборувди.

— Саломат бўлсин. Қун ҳам роса исиди-да, мундоқ ечиниб ўтиринг, Николай Дмитриевич, ҳа.

— Унчалик эмас,— деди Николай Дмитриевич шапкасини столга қўя туриб.— Электростанциялар муборак бўлсин энди, боллабсизлар.

— Қуллуқ. Бир амаллаб битказиб олдиг-у, бу ёғига қолганда бир оз оқсанб қолдик. Станцияни кўрдингизми?

— Машинада, узоқдан кўрдик,— деди Николай Дмитриевич,— жуда безаб юборибсизми, яқинлашгунча икковимиз ҳам ҳайрон бўлдик, томига ҳам сув чиқарилганми дебмиз. Ахир айттанингиздай қилдирибсиз-да?

— Еқмадими?

— Нега, кўриниши жуда яхши... Қани бўлмаса вақтни ўтказмасдан станцияни, фермани, яна бошқа обьектларингизни кўрсатинг. Зиммамизга тушадиган ишни билиб олайлик, ўртоқ раис,— деди ярим ҳазил оҳангда Николай Дмитревич.

— Ийе, қанақасига, нафасни ростламай енг шимарасиз-а, Николай Дмитриевич, бир оз дам олинглар.

— Йўқ Исмоилжон, биз станцияда бир оз дам олиб ўлга тушувдик, яхшиси олдин кўриб чиқайлиг-у, кейин...

Улар машинада электростанцияга келипди. Николай Дмитриевич айтгандай бинонинг кўриниши чиройли, тунука томининг оч ҳаво раингга бўялгани узоқдан сув оқаётган сингари кўзга ташланарди. Пештоқларига ганчдан ўйиб ишланган ғўза тупларининг шакли ўрнатилган. Турбинага сув берадиган темир дарвозаларни бири очиқ, икки ёнидагиси пастга тушириб қўйилган. Бинонинг ташқариси ҳам, машина зали ҳам тартибли, озода. Қанал ёнига ўтқазилган толлар япроқ ёзиб, соя ташлаб турибди.

— Бундай станциядан фақат ёритиш учун фойдаланилса электр қуввати исроф бўлади,— деди Николай Дмитриевич,— имкони бўлган ҳамма обьектларни электрлаштирангиз ҳам энергия етиб ортади.

— Шундай,— деди раис.

Улар станциядан чиқиб, чорва фермасига боришли. Агонесян фермага кираверишдаги кичик хонага тахлаб қўйилган сут соғувчи бидонларни кўриб, раисга деди:

— Буларни бошқа жойга олдириб қўйинг, бу ер заҳроқ экан.

Пичан қирқиши, ем-харака концентрати тайёрлаш цехи, силосни автоматик усулда фермага етказиб бериш, суғориши,— ҳаммаси электрлашиши керак. Булардан ташқари, тегирмонни ҳам электр билан ишлашга кўчириш лозим. Агонесян блокнотига алланималарни ёзар, раисдан сўрар, йўл-йўлакай қилинадиган ишларнинг режасини тахминий мўлжалдан ўтказарди. Фақат булар ҳаммаси материалга боғлиқ.

Кечқурун меҳмонлар раисининг кабинетига тўпланиши. Тошпўлатов ҳам шу ерда. Улар узоқ суҳбатлашиши. Ишлабчиқариш обьектларини электрлаштиришга доир ҳамма масала ўртага ташланди. Николай Дмитри-

евич материаллар етказиб беришга ваъда қилди, Агонесян қайтиб кетмай, бугун-эртаданоқ ишни бошламоқчи. Тошпўлатов сұхбат сўнгидага яна бир илтимосни ўртага ташлади.

— Николай Дмитриевич, бизда электротехника билан ошна бўлган кадрлар масаласи яхши эмас. Шу томонига бир ёрдамингиз тегмасмикан?

— Ҳа, айтгандай, булардан ташқари қурилиш ишларингиз ҳам бор-а? Бўлмаса, мана бу мен тушиб келган машина бир ой муддатга қолсин, шофери билан, албатта, аммо бензинни ўзларингиз топасизлар...

Тошпўлатов Акрамовга бир қараб олди.

— Энди ҳалиги кадрлар масаласида-чи, шундай қиласиз, колхозчи-ёшлардан уч кишини ажратиб, мен билан Тошкентга юборасизлар. Уларни цехларга бириктириб қўямиз. Уч-тўрт ойда қарабсизки, электрик кадрлар ўзингиздан чиқади. Маъқулми?

— Ийе, маъқул бўлмай-чи,— бир оғиздан жавоб қилишди Акрамов билан Тошпўлатов.

— Демак, келиниб олдик, шундайми?— кулиб сўради Николай Дмитриевич.

— Раҳмат,— хурсанд бўлиб жавоб қайтарди Акрамов,— раҳмат. Эртаданоқ бу ишларни бошлаб юборамиз.

XXV

Колхоздаги бу йилги ишлар— янги ерга пахта экиш, уй-жой бинолари, янги ферма қурилиши, электрлаштириш ўтган йиллардаги ишларга қараганда анча кўп меҳнат талаб қилмоқда. Колхозчилар электр станцияни қуриб, ишга туширганларидан буён ҳар бир янги қурилиш ишига завқ-шавқ билан киришар, экин майдонининг қулоч ёйиб, кенгайиб бориши, қад кўтараётган ҳар бир янги бино уларнинг ғайратига-ғайрат қўшар, қалблари бугун кечагидан кўра баракалироқ, эртага бугундан ҳам унумлироқ ишлаш завқи билан тўлиб тошган эди.

Агонесян бошлиқ бир группа монтёр ва колхозчилар чорва фермаларини электрлаштириш ишини олиб бормоқда. Колхозга янги кўчуб келганлар учун давлатдан берилаётган қурилиш материалларининг кетма-кет келиб туриши бинокорларни шошириб қўйди. Тошпўлатов бригададан бир неча кишини ажратиб, янги участкага

юборди. Монтёрларнинг иши сал енгиллашди дегуича янги ерга электр симлари торта бошлади. Тошпўлатов материаллар олиш учун кўпинча район марказида кечалари қолиб кетар, баъзан бир-икки кунлаб қишлоқ-қа қайтолмасди.

Ғўза парваришининг қизғин даври. Ҳар соат ғанимат. Акрамовни идорада учратиш қийин, «менсиз бир тийинни харжлай олмайди» деб юрадиган бухгалтер ҳам баъзи пайтларда кечалари қолиб раисни кутар, ҳатто бир сафар бригада шийпонига бориб ишини битириб келишга ҳам мажбур бўлди. Рихсибой ака кўп вақтини ғаллакор бригадаларда ўтказди, худа-бекудага учтўрт кунлаб қирда қолиб кетди, раис бир сафар «буёқда ғўзани унугманг, иккинчиси шуки, бўлар-бўлмасга одамлардан ҳадиксираш, уларга ишонмаслик яхши эмас. Ғаллакор бригаданинг бошлиғи бор, у ҳам масъулиятни сезади» деганида, «Ийе, Исломилжон, бу — ғалла-я, кўзни шамғалат қилиб...» демоқчи бўлган эди, раис уни койиб берди, бу гапни иккинчи такрорламаслигини айтди. Шундан кейингина Рихсибой сал шахтидан қайди, ғўзага қарай бошлади. Ғаллакорлар бўлса аллақачон плани бажариб, ошиқча ғалла топширишяпти.

Акрамов қурилиш ишларига Тошпўлатов бош бўлганидан кўнгли тўқ эди, у фақат ғўза парваришига зўр берар, бир қарасангиз ОДНинг ўғитлашини, бир қарасангиз культиваторнинг ишини кўздан кечириб турар эди. Кейинги кунларда баъзи жойларда ғўза заараркундалари пайдо бўлиб, ишни анча оғирлаштириди. Раис химизаторлар ёнига мактаб болаларини ёрдамчи қилиб қўшиб берди.

Бутун колхозда бир Рихсибой акагина умумий юксалишдан четда қолиб, «хўжа кўрсин»га ишлаётгандек кўринарди. Бригада бошлиғи Ҳамдам ака бундан уч кун аввал худди шуни ҳосилотнинг юзига солди.

— Одам кексайиб, тиши туша бошлаган сари тили ҳар қаёққа бурилаверади-ю, сочи сийраклашган сари мияси айнийберармикан-а?

— Ҳой, Ҳамдамвой, нима деяпсиз, оғзингизга қараб гапиринг...

Ҳамдам ака пинагини ҳам бузмади. Ҳосилотнинг сўзига кириб чигитни беш кун кеч экканининг алами сира юрагидан чиқмасди.

— Йўғ-эй, ундей десам, сиздан ҳам кексалар бор-

ку, уларнинг ақлига ақл қўшилса қўшиляптики, сира камаяётганий йўқ.

— Ҳой, сиз бригадирсиз, шундайми?

— Ҳа.

— Шундай бўлса менинг айтганимни бажаришга мажбурсиз!

Ҳамдам ака бир қизищдй-ю, ўзини босиб олди.

— Хўп, хўжайин. Ўтган йили айтганинги зек қиласми?

— Ўтган йилни гапирманг, машина ишлолмади-ку.

— Барги тўкилмаса машина қандай қилиб терсин ахир, ўйлаяпсизми?

— Менга ўргатманг. Гап шу. Дорилатмайсиз!

— Эҳа-а, энди ўзимиз ҳам мулла бўлиб қолдик, Ҳосилот. Дорилайди, машина билан теради. Менинг ҳам гапим шу,— деди да, қўл силтаб шийпонга кетди Ҳамдам ака.

Рихсибай ака кетидан бормади, жўяк орасига кириб, бир-икки туп ғўзани кўздан кечирган бўлди-ю, даланинг пастига тушиб кетди. Колхозда, унинг кўз ўнгига бўлаётган барча янгиликлар билан Рихсибай аканинг шахсий тажрибаси ўртасидаги зиддият кейинги кунларда ҳаммага равшан бўлиб қолди.

Пахта ётиштиришда ҳеч кимга сўз бермай, айтганим-айтган деб, кеккайиб юришга одатланиб қолган одам обрўсига катта доф тушаётганилигини ўзи ҳам сеза бошлаганди.

У, янги участкага бу йилча чигит экмаслик ҳақида гапирди, ҳеч ким кўнмади. Аксинча, Рихсибай аканинг ибораси билан айтганда, «ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган ёш йигитчанинг» фикрини маъқул кўришди. Кетидан янги участкада уй-жой қуриш режаси тузилди. Рихсибай ака «бу йил колхоз пахта ҳосилини олти центнер ошириши керак, қурилиш билан овора бўлиб қолсақ, ғўза парваришига куч ётишмайди» деди. Бунга ҳам ҳеч ким қўшилмади. Мана ҳозир бўлса, бундан ҳам каттароқ ишини бошлашди. Олам жаҳон ердаги пахтани машина билан теришга тайёрлашяпти. «Ахир бу осонми? Терса тузук, пахтани нобуд қилиб юборса-чи. Қанчадан-қанча оворагарчилиги-чи, ҳеч ким ўйламайди. Ғўзани дорила, баргини тўқ, машина келади деб кутиб тур...» дерди у ўзича. Барibir унинг гапини бу сафар ҳам инобатга олишмади.

Рихсибай акага ким камчилигини кўрсатса ўша кўзига ёмон кўринадиган бўлиб қолди. Гўё ҳамма нотўғри йўлдан боряпти-ю, унинг якка ўзи ҳақдай.

«Ҳозирги турмушимизнинг нимаси ёмон?— якка қолганида, ўзича ўйларди Рихсибай ака,— пахта планини доим ошириб бажариб келяпмиз, мукофотлар оляпмиз. Колхозчилар меҳнат кунларига ҳеч вақт ҳозиргидан кўп ҳақ олмаган... Ёшларимиз бўлса, яшнаб кетди: ҳаммаси ипаклиг-у, духоба. Еб-ичишларини айтмайсизми? Отабоболаримиз умрларида бундай нозу неъматларни тотимаган. Одамларга яна нима керак? Янги ер очиш бу ҳазилми ахир... Тағин ўша ерда шаҳардақангি уйлар қуришармиш. Бу бир йилда бўладиган ишми? Аста-секин-да».

Колхозда Ҳосилотнинг фикрига ҳеч ким қўшилмагач, у яккаланиб қолди. Шундан кейин ўзининг кўп йиллик тажрибасига суюниб, пахта планини бажариш «хавф остида» қолмоқда деб, райкомпартияга ариза берди. Райком секретарининг ўзи келиб текшириб кўрди, натижা Рихсибай ака ўйлагандай бўлиб чиқмади. Аксинча, Рихсибай аканинг райкомга «шикоят» қўлганини эшитган колхозчилар ўртасида қаттиқ норозилик туғилди. Иш умумий мажлисда кўриладиган даражага етиб қолди.

Рихсибай ака қанчалик куйиб-пишиб, хуноб бўлмасин, барибири, қурилиш ишлари ғўза парваришига сира путур етказаётгани йўқ. Бунга унинг ўзи ҳам тан бера бошлади. Колхозчиларнинг ҳар бири икки-уч кишининг ишини бажараётгани устига, китоб ўқиши, сиёсий мактабга, агротехника тўгарагига қатниашишга ҳам фурсат топишарди. Оддий колхозчининг ишидан бирон нуқсон топиш ва унга маслаҳат берниб, ақл ўргатиш борган сайин Рихсибай акага, колхознинг кимсан уста пахтакори бўлган Ҳосилотга оғир бўла бошлади.

Бир кун Рихсибай ака Юлдузхон звеносига келди. Бироқ, қизларнинг кетма-кет берган саволларига жавоб беришда анча ўнғайсизланиб қолди.

— Ҳосилот ота хабарингиз бўлдими, янги участкада ғўза гуллабди-я. Бизда бўлса...

— Эй, қизларим,— мўйловини бураб, ҳафсаласизлик билан жавоб берди Рихсибай ака,— ҳали шошилманглар. Гап гулда эмас, ҳосилда. Мана, омонлик бўлса кўрармиз.

Юлдузхон ишончсизлик билан унга қараб қўйди-ю, индамади. Буни сезмаган Рихсибой aka қўшии звенога ўтиб кетди. Барибир ҳамма ерда шу саволни эшита берди.

Янги участкадаги фўза гуллаганини эшитган колхозчилар Рихсибой akaни кўришлари биланоқ «Бизда қачон гуллар экан?» деб сўрайдиган бўлиб қолишиди.

Шу куни Рихсибой aka қуёш ботмасданоқ даладан чиқди, уйига келиб, ўзини нима учундир дармонсиз сезди. Эртаси куни далада кўринмади, кечгача лоҳас бўлиб уйда ўтирди. Кечга томон тоқати чидамай янги участкага, Комилжон бригадасига чиқиб кетди.

Рихсибой aka ёппасига гуллай бошлаган фўза қатор ораларига кириб, синчиклаб кўздан кечирди. Фўза тупларининг қалилигини санаб чиқди. Бригаданинг ҳамма ерида гектарига кам деганда 98 минг туп, яхши жойларида 107 минг тупгача фўза санади. Даланинг ўзида, яхши чопиқ ўтказмагани учун учинчи звено бошлигини койиб ҳам берди.

Рихсибой aka тунда бригада шийпонида алламаҳалгача ухлаёлмай чиқди. Эрталаб барвақт ўрнидан туриб, яна пайкаллар ичига кириб кетди. Анча айланиб юргач, қаноат ҳосил қилди. Бригадада агротехника қоидаларига тўла риоя қилингани учун фўзалар барқ уриб авж олмоқда. Рихсибой aka мўйловини бураб лаблари орасига қистирганича, фўзалар орасидан чиқди, Комилжонга тайинлади:

— Эрта гуллаганига кўпам ишонаверманг. Барвақт экиш пахта сифатига таъсир қиласиди! — деганича, янги уйлар қурилаётган томонга қараб кетди.

Қурилиш участкасига йигирма метрча қолганида Рихсибой aka тўхтади, ўша томонга тикилиб қолди. Мана, қаторасига кетган ўн иккита янги уй. Баъзиларига дераза рамлари ўтқазилиб ичлари пардозга тайёрлаб қўйилган, баъзилари ҳали битмаган. Ўнг чеккадаги учта уй батамом қўлдан чиқарилиб, деразасига ойна солиш-у, оқлаши қолган. Унинг қаторидаги учта уйда дурадгорлар полга тахта, шипига фанер қоқмоқдалар. Қейинги учта уйнинг томи ёпиляпти, қолган уйларда усталар жадаллик билан ишлаб, сўнгги ғиштни ётқизишмоқда. Иш билан банд бўлган бинокорлардан биронтаси Рихсибой akaнинг келганини пайқамади. Ким билан сўрашиб, бир оз суҳбатлашишни билмай тургани

Рихсибой ака ўнг чеккадаги битган уйнинг ёнида яима биландир шуғуланаётган Абдуғафур отага кўзи тушди, унга яқинроқ борди.

— Ҳорманг, мұлла Абдуғафур, бардаммисиз? Ишлар қалай? Бола-чақалар саломатми?

Абдуғафур ота ялт этиб орқасига қаради, Рихсибой акага яқинлаши.

— Эй Ҳосилот, келинг, марҳамат, марҳамат. Кечакечқурун узоқдан сизга қўсим тушди, бир қадам ранжида қилсангиз дилкашлик қилиб ўтиармидик, деб кўз тутдим, бўлмади.

— Вақт зиқ, мұлла Абдуғафур,— қовогини осилтириб гапира бошлади Рихсибой ака,— ўзингиз биласиз, энг мұхими — пахта. Ипидан иғнасигача кўриб чиқишига тўғри келади. Комилжон ҳали бригадирликда ёш. Ёшларга жудаям ишониб ташлаб қўйиб бўлмайди. Уларнинг тажрибалари ҳам ёшларига қараб, кам-да. Шўринг қурғур ўзаларнинг тили йўқки, эгаларидан нолиса, сал заифлашдими, ҳосили қўлдан кетди, деяверинг.

— Ҳа, ҳа, тўғри айтасиз,— унинг гапларини маъқуллади Абдуғафур ота,— қани, қани Ҳосилот, бир оз дам олайлик,— девор ёнига тахланган тахталар устини кўрсатди-да, ўзи уйнинг орқа томонига ўтиб кетди, бир оздан сўнг банди лой чойнакда чой билан пиёла кўтариб чиқди. Пиёлани ювиб, қийиқчасининг учига артди, бир ҳўпламгина чойни ўзи ичиб, сўнг Рихсибой акага қўйиб берди:

— Қани, марҳамат!

Ҳозиргача носқовоғини қўлида ўйнаб ўтирган, бурнаки отишга ҳали улгурмаган Рихсибой ака пиёладаги чойни олгач, носқовоқни қайта белбоғига қистириб қўйди.

— Мулла Абдуғафур, сизни ҳам ишдан қўядиган бўлдим-да.

— Зарари йўқ,— деди Абдуғафур,— келганингиз жуда яхши бўлди, ўзим ҳам бир нафас суҳбатингизни соғиндим, бир чеккаси ҳосилимиз тўғрисида икки оғиз фикрингизни эшитмоқчи эдим, кўпни кўрган, тажрибали ҳосилотсиз, ўзаларни кўриб чиқдим деяпсиз, салморини ҳам мўлжаллаб қўйгандирсиз?

Бу сўзларни ҳузур қилиб эшитган Рихсибой ака сир бой бермади, гўё Абдуғафур отанинг гапларига эътибор

қилмагандай, уй қурилаётган томонга тикилиб туриб, сўради:

— Уйларнинг бир қисми қўлдан чиқаёзибди-ку, мулла Абдуғафур? Буни қаранг, туппа-тузук уста эканлигизни билмас эканмиз-да?

— Колхозда кўзга кўринадиган бино қурилмагандан кейин билиб бўладими? Мени қўяверинг-а, анави Муҳиддинни айтмайсизми! Худди отасининг ўзи. Сиз отасини танимайсиз, биз Фарҳодда бирга бўлган эдик. Ўзи уста, хамма нарсага қўли келадиган эпчил одам. Ўглининг ҳам зуваласи худди отасиникидан.— Муҳиддин ҳақида гап Рихсибой аканинг энсасини қотираётганидан беҳабар бўлган Абдуғафур ота Муҳиддин оқил, меҳнат-севар йигит эканлиги, иш билан бирга ўқиш, жамоат ишларида қатнашишга ҳам улгургаётганини қизиқиб сўзлаб берди.

— Мен тушунолмай қолдим, мулла Абдуғафур,— сўради Рихсибой ака,— Муҳиддиннинг ўзи кечаси ухлайдими? Ишласа, ўқиса, янә бошқаларга ўргатса... Тавба!

— Ҳеч тавбалиги йўқ бунинг,— Рихсибой аканинг киноя қилиб айтган сўзига тушунмаган Абдуғафур ота сал қизишиб гапида давом этди,— ахир, Муҳиддин комсомол йигит. Комсомоллар қачон енгил ишни ахтарибди дейсиз? Тоғни урса талқон қиласидиган шулар-ку. Мен яна бир нарса эшишиб қолдим, уни яқинда партияга қабул қилишар эмиш... Тошпўлтов ҳам бу йигитни жуда маъқул кўради, ҳа, ҳурмат қиласиди.

— Шундай денг?— ажабланиб сўради Рихсибой ака,— улар бир-бирлари билан жуда иноқми дейман?

— Тошпўлатов жон-дилидан ҳалол ишлайдиган одамлар билан иноқ,— деб жавоб қайтарди Абдуғафур ота ва кетидан Рихсибой аканинг тиззасига қўлини кўйиб, овозини пасайтириб деди:— Нимасини айтасиз, Ҳосилот... Баъзида мен икковига ҳавасим келиб тикилиб қоламан. Ўйлаб турсам, Муҳиддин худди кичкина Тошиўлатовнинг ўзгинаси. Ёшлигига у ҳам шундай эди. Энди Тошпўлатов бўлса, у шундай одамки, Муҳиддин ҳам катта бўлса ўшандай бўлади. ҳимм...

— Тошпўлатов яхши йигит, сал шошқалоқроқ,— шунчаки гапиргандай сўзлади Рихсибой ака,— мана, ўзингиз воқифсиз: у биздан бирваракайига бир йил ичига янги ер очиш, янги уйлар, ферма қуриш, бунинг устига

Электрлаштириш... ҳаммасини талаб қиласи. Шунчалик шошилишнинг нима ҳожати бор?

— Иўғ-ей, барака топкур, Ҳосилот, тушунмабсиз,— Абдуғафур ота ҳамсуҳбатини биринч мarta кўраётгандек унга қаттиқ тикилди.— Тошпўлатов жуда тўғри қилипти. У худди ҳалқнинг юрагидагини қилияпти. Тошпўлатов ҳам, Акрамов ҳам ҳалққа нима кераклигини яхши тушунишади. Бўлмаса, ўша мажлисда шунчадан-шунча одам бу фикрни маъқуллармиди? Мана энди кўринг, одамларнинг лабзи билагига қувват бағишлади. Шунча ери очиб, иморат қуриб обод қилиш... Эҳа, нимасини айтаман сизга...

— Ие, ҳали сиз ҳам бу ерга кўчиб чиқмоқчими-сиз?— носқовоқни чертатуриб сўради Рихсибой ака.

— Албатта,— деди Абдуғафур ота,— бу уйлар, ҳабарингиз бордир, янги келгандарга, илгорларга. Лекин бу деган гап бинокорлик тўхтаб қолади деган гап эмас, йиғим-теримдан кейин кўпчилик бўлиб ишга киришилса... Үҳў, ана унда кўринг...

— Бўлсин, бўлсин,— деди мулойимлик билан Рихсибай ака,— уйлар жуда яхши, ҳузур ҳаловатла яшайдиган уйлар... Айтгандай, мен бир нарсани сўрайман деб доим унутаман. Бу комсомолларнииг рўзгорлари қалай?

— Рўзгорлари яхши. Ҳозирча сигирлари, авансга олаётган дон-дунлари анави Ҳосиятхонникида. Йиғим-теримдан кейин кўчиб чиқишишмоқчи.

— Афтидан, Ҳосият хола куёв қилмоқчи дейман?

— Кимни?

— Ўша, Муҳиддинни-да.

— Куёв қилса арзиди, бундан ортигини...

— Муносиб демоқчисиз да, ҳа, майли, бўлсин, тўй бўлсин...

— Ҳосилни кўнгилдагидек олгандан кейин тўй бўлса жуда ярашади.

Рихсибай ака жавоб бермади. У, ҳали ҳам Ҳосият холага қуда бўлиш ниятида эди. Муҳиддинни куёв қилиш мўлжали борлигини сезиб юрган бўлса ҳам, «келиб-келиб ўша келгиндига берадими қизини» деб кўпам бунга ишонмасди. Абдуғафур отадан ўсмоқчилаб сўради-ю, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди: «Нима бало, ҳамма ишм орқасига кетяпти-я...» деб кўнглидан ўтказди.

Абдуғафур ота чойнакни олиб, чой дамлаб келиш учун ўринидан қўзғалган эди, Рихсибай ака уни тўхтатди:

— Бўлди, мулла Абдугафур, мен шоншилянман, иним бошимдан ошиб ётибди-я.

— Эй, озиб-ёзид бир учрашиб қолдик,— деди Абдугафур ота киноя билан,— бир оз сухбатлашиб ўтирамизда... Бу, ҳосил ҳакида ҳеч нарса айтмадингиз.

— Ҳосил ёмон бўлмас деб ўйлайман,— деди мужмаллик билан Рихсибой ака,— тағин бир нарса деб бўлмайди, гулдан кейин кўрамиз-да.

Ҳосилот Комилжон бригадасидаги ғўзаларни кўриб, анча пасайгандир, шаҳдидан қайтгандир, деб ўйлаган Абдугафур ота Рихсибой аканинг ҳозирги жавобидан кейин унинг ўжарлиги, манманлигидан қаттиқ хафа бўлди. Аммо, ўзининг хушмуомалалик одати ҳамсуҳбатига қаттиқ гапиришга имкон бермади. У чойнакни ерга қўйиб, секин сўзлай бошлади.

— Тўғри. Тажрибада колхозда сизга етадигани йўқ. Аммо, шуниси ҳам борки, ҳар қандай ман-ман деган тажрибакор ҳам янглишади, агар тажрибаси мана бу агрономия илми билан боғланмаса, яна ёмон. Менинг ҳам сизчалик бўлмас-ку, ҳарқалай пахтачилиқда озроқ-қина тажрибам бор. Колхозда мана шу ерни ўзлаштириш масаласи кўтарилганида,— Абдугафур ота қўли билан яшил гилам ёзилгандек пахтазорни кўрсатди,— сизнинг фикрингизга қўшилган эдим. Коммунистлар, мана бу янги келган комсомол-ёшлар астойдил ишга киришиб кетгандаридан кейин қарасам, сиз янглишган экансиз, ҳмм. Муҳиддин ёш бўлса ҳам пахтачиликни яхши тушунар экан, бунинг устига у, агрономия билимидан ҳам хабардор.

— Илм, илм дейсиз!— зарда билан гапирди Рихсибой ака,— китобда ёзилганларнинг ҳаммасидан дала ишларида тўла фойдаланиб бўлмайди-ку, ахир.

— Бўлар экан-да, Муҳиддин шўни исбот қилди-ку. Хўш, ё йўқми? У, ернинг шўрини ювиб чигит экаверишни айтди. Тўғри чиқди. Шундайми? Бригадамиз чигитни бир ҳафта барвақт экди. Сиз ўшанда ернинг ҳарорати чигит экиш маромига етгани йўқ, ғўза нимжон бўлиб, кеч етишади дедингиз. Амалда нима бўлди. Мана бир қаранг, ғўзаларнинг қаери ёмон? Мана мен деб турибди-ку.

— Сиз дастлабки гулга ишониб гапиряпсиз, мулла Абдугафур,— сўзида туриб олди, Рихсибой ака,— кузакда кўрамиз нима бўлишини.

— Сизга-ку ўргатадиган жойи йўқ, Ҳосилот, аммо, ғўза барвақт етилса, кўсаклари ҳам тез очилиши ойдиндай равшанку,— Абдуғафур ота фикрини тушунтиролмаётгандек хуноб бўлди, ўзича: «Эй, сиздақанги...»— деб қўйди.

— Хўп, хўп,— деди Рихсибой ака,— ҳосилни ҳамма вақт кузакда ҳисоблайдилар...— У бир оз тўхтаб, Абдуғафур отага сал энгашди, кўзларини қисиб, худди бирор сирни уқдирмоқчи бўлгандай оҳиста гапира бошлади:

— Тушунолмай қолдим, мулла Абдуғафур, бу ёш йигитлар сизни ҳам соқолингиздан ушлаб олиб, орқасидан эргаштираётидими дейман, ўшаларга ён босиб қолибсиз...

Абдуғафур отанинг бадани жимирилашиб, ранги оқариб кетди, чойнакни ушлади-ю, ўзини зўрға босди, кейин ҳамсухбатининг бошидан оёғигача бир қараб олиб, унга яқинлашди, кулиб туриб жавоб қайтарди.

— Сизга ёқмаган ана шу ёш йигитлар бир иш қилиши-дик... эҳа... сиз ҳосилнинг отаси—Ҳосилот отамас, шунчаки, бир эсини еб қўйган кекса экансиз. Буни улар исбот қилди. Сизга қараганда паҳтачиликни ҳам, унинг илмини ҳам ўшалар кўпроқ билар экан.

Абдуғафур ота шу гапни айтди-ю, чойнакни олиб, индамай уйнинг орқасига ўтиб кетди. Рихсибой ака бир ўзи қолди.

XXVI

Муҳиддин поезддан тушиб, барвақт станциядан йўлга чиқсан машинада қишлоққа жўнади. Машина колхоз идораси ёнига келиб тўхтаганида, қуёш эндигина тор орқасидан кўтарилиб келаётган эди. У шофер билан хайрлашиб, узун тор кўчага — Ҳосият хола уйи томонга юриб кетди.

Дараҳт барглари ва кўкатлар юзидағи тонг шабнами йилтиллар, шоҳлардан-шоҳларга ўтиб, тинимсиз чуғурашиб юрган қушлар қишлоқ кўчасидаги сокинликни бузар, ёқимли салқин шабада эсиб турарди. Муҳиддин ўзига таниш эшикка яқинлашар экан ўйлади: «Юлдузхон далага чиқиб кетгандир, Ҳосият холачи? Борди-ю Юлдузхон уйда бўлса, нима дейман унга?» У, кўкрак чўнтағига қўл югуртириб, «турибдими» дегандай, тўғноғични ушлаб кўрди, юраги тез ураётганини сезди.

Кўча эшиги очиқ. Ҳовлида ҳеч ким йўқдай жимжит. Муҳиддин иккилапиб турмай, ичкари кирди. Тўғри уй томон юра бошлаганида, оёқ товушини сезиб, яланг оёқ Хосият хола чиқиб қолди. Муҳиддинни кўриб, югуриб ҳовлига тупди, кучоқлаб кўриша кетди.

— Эсон-омою келдингизми, болам, буни қаранг, ҳозир кириб келишингиз менга аён эди, дастурхон тепасида бирамас иккита йўл пашша учаверса бўладими? Менинг пиёламда ҳам, Юлдузхоннинг пиёласидаги чойда ҳам биттадан шама сузиб юрса-я, бўлмаса вақтли боғчага чиқиб кетардим, нима бўлди-ю оёғим тортавермади. Қани, қани ичкарига...— деб чамадонни ердан олмоқчи бўлган эди, Муҳиддин қўймади, ўзи кўтарди.

Хосият хола хокондозда писта кўмир келтириб самоварга ташлади, айвондаги шолча устига кўрпача ёзди. Муҳиддин костюмини, этигини ечиб, ювинди. Уйга кириб чамадонни очди. Юзада турган, қофозга ўроғлик ғазлама — Хосият холага аталган одми гулли крепдишинни қўлига олиб, айвоннинг лабида махсисини кияётган Хосият холанинг ёнига бордӣ.

— Хола, бу сизга, арзимаса ҳам... кўйлак қилиб қијарсиз,— деб қўлидагини узатди.

Хосият хола:

— Вой-вой, болам, бу нимаси, бекор овора бўлибсиз,— дея Муҳиддинни узундан-узоқ дуо қила-кетди.

— Овораси бор эканми, сизга ҳар қанча совға қилсанк кам, хола.

Хосият хола апил-тапил махсиини кийиб, ўрнидан турди. Муҳиддинга деди:

— Жон болам, мана чой, мана дастурхон, ўзингизнинг уйингиз, бемалол, мен бирров бориб, болаларни тиңчтиб келмасам бўлмайди.

Хосият хола чиқиб кетди. Эшикдан бир неча қадам нари бориб, яна қайтиб кирди.

— Ҳой Муҳиддин, анави тахтада қаймоқ бор-а, олинг болам, мен тез келаман.

Ҳозир, кўчада, ёни берига қарамай ҳалпиллаб кетаётган Хосият холанинг қиёфасини кўрган киши ҳайрон бўларди. У, тез одим ташлаб борар, худди ёнидаги бирорга галираётгандек лаблари қимирларди. Ҳа, шундай, у суҳбатлашиб боряпти, фақат бирор билан эмас, ўзи билан ўзи.

— Барака топкур, мунча ҳам қалби пок, хушмуомала, ақлли йигит-а, мана институтга кириб келди. Агроном бўлади, дехқончилик илмининг олимийя, кичкина гал эмас. Ўзимнинг деганим деган. Ўша биринчи кўрганимдайёқ юрагим жаз этибмиди, бўлди, меҳри ҳали-ҳали кетмайди. Меҳрибончилигини айтмайсизми?

Хосият холани бир кийимлик газлама эмас, Муҳиддин томонидан, ўз ўғлидек меҳр қўйган, бир чеккаси, ҳа, нақ ўша йигитнинг ўз қўли билан тақдим қилинган совфа унинг бошини кўкка кўтариб юборди. Ҳозир шу крепдешиндан ўзи учун эмас, қизи учун кўйлак тикишни мўлжаллади. Назаридা, Юлдузхонни ана шу ҳарир газламадан тикилган кўйлакда кўргандай бўлди.

— Ўзимнинг айтганим айтган,— қатъий қарорга келиб гапира бошлиди Хосият хола,— жуда муносиб йигит, ҳимм... Бувнисахон келин қиласмиш-а. Бир камим энди шумиди? Қизим кўнганда ҳам мен кўнмасман... Ордона қолсин... Ҳай, мен нима деяпман ўзим. Ўзлари келиши-иб, тил бириктириб қўйганга ўхшайди-ку, икки-уч кун кетиб қолганида ҳаммаси сезилди-ку. Ҳаёл ҳам ўлсин, ҳарёққа олиб қочмай...

... Муҳиддин ионушта қилиб бўлгач, узоқ ўтиромади. Столдаги товоқ, тарелкалар устига дастурхонни қайриб ёпди-да, кийиниб правление томонга кетди. Муҳиддин ўйлагандек, Тошпўлатов шу ерда экан, уни кўриши билан ўрнидан туриб, кабинетнинг ярмига келди.

— Келинг, келинг, ўртоқ студент, табрикласак бўладими?— хурсанд бўлганича Муҳиддиннинг қўлинни бўшатди Тошпўлатов ва диванни кўрсатди— марҳамат, бир минутгина, мен ҳозир тамомлайман,—у, столи ёнига ўтириб, қандайдир бир қоғозни диқкат билан ўқиди, четларига алланималарни чизди, кейин уни икки буқлаб, сейфга солди-да, Муҳиддиннинг ёнига ўтириди.

— Янгиликларимизни эшитдингизми?— деди Тошпўлатов қулиб туриб,— ўн бир киши, шулар қатори Юлдузхон ҳам орден билан мукофотланди,— парторг Юлдузхон исмени айтиб, Муҳиддинга тикилиб қараган эди, унинг юзлари қизариб кетди.

— Яна кимлар?— сўради Муҳиддин.

— Ҳамдам ака, Каромат...— Тошпўлатов ўрнидан туриб столи устидаги қоғозни олди,— мана рўйхати.

Муҳиддин рўйхатни кўздан кечиравкан, сўради:

— Сельэлектродан ҳеч ким келмадими, ўртоқ Тошпўлатов?

— Келишди, анча-мунча иш ҳам қилиб қўйдик.
Муҳиддин ҳазиллашаяпти деб ўйлади.

— Менга эртагаёқ йўлга чиқамиз дейишган эди.
Николай Дмитриевич механикни ўзим бирга олиб бораман девди-ку.

— Келишди деяпман-ку, Агонесян ҳозир шу ерда,
сиз у билан учрашган экансиз, айтди. Ишни бошлаб
юборган. Николай Дмитриевич эртасига кетди,— Тошпўлатов ўйланиб қолди,— яхшиси, бугун қишлоқда қолиб,
дам олинг,— деди у,— ўртоқларингиз олдига эртага чиқарсиз... Ҳозир фермага борамиз, Агонесян ҳам ўша ерда.

Улар катта кўчадан сўқмоқ йўлга қайрилишди. Аста қадам ташлаб боришар экан, Тошпўлатов колхоз янгиликлари ҳақидаги сўзини давом эттирди.

— Комилжон чигитни барвақт экдириб тўғри иш қилдай,— деди Тошпўлатов,— бригадангиздаги фўзалар жуда яхши авж оляпти. Аммо, Рихсибой аканинг тарвузи қўлтиғидай тушган, агрономлар олдида тажрибаси ўтмай қолгандан қаттиқ хафа, районга бориб шикоят ҳам қилибдилар.

— Шикоят?! Нима тўғрисида?— ажабланиб сўради Муҳиддин.

— Ҳа, у кишининг фикрича, биз янги ер очиш, уйлар қуриш ҳақида нотўғри қарор чиқаримиз.

— Райкомда нима дейишибди?— ташвишланиб сўради Муҳиддин.

— Райкомдан, районжрокомдан комиссия келди. Акрамов, мен билан, кўпчилик колхозчилар билан суҳбатлашди, далаларда бўлди, янги участкага боришли, қисқаси, ҳаммасини кўриб чиқди.

— Натижя нима бўлди?! Комиссия нима деди?!

— Бизнинг тузган режамиз тўғри эканлигини айтди.

— Рихсибой ака нима деди шунда?— қизиқиб сўради Муҳиддин.

— Нима дея оларди. Оғзига талқон солгандай ўтириди. Комиссия Рихсибой аканинг тутган йўли, айнича янги ер очиш масаласидаги фикри нотўғри, принципсиз эканлиги, ҳосилот ана шулардан ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олиши кераклигини айтди.

Йўл ферма томонга бурилганда Муҳиддин ўнг ёнига қараб қўйди, узоқда Юлдузхон звеносининг ерида ҳеч

ким кўринмади. Хаёли ҳамон ўшанда, қачон фермадан қайтади-ю, лоақал узоқдан бўлса ҳам Юлдузхонни кўриб, кўнгли жойига тушади. Ҳозир шуни ўйларди.

Тўғридан отда келаётган Ақрамов кўринди. У Муҳиддинга қўлини силкиб отга қамчи берди.

— Оббо сизей, яхши қилмабсиз, ҳа, яхши қилмабсиз, ука,— гинахонлик қилди раис отдан тушиши билан Муҳиддиннинг қўлини сиқиб ушлаганча,— ахир мундоқ телеграмма бермайсизми? Ҳеч бўлмаганда станцияга машина чиқарар эдик. Яхши бўлмапти! Қани, хўш, йўл бўлсин?

— Ферманি кўрсатай дедим,— жавоб қилди Тошпўлатов.

— Яхши. Қачон гаплашамиз? Бугун шу ерда қолинг, кечқурун бир отамлашайлик, хўпми.

— Майли,— деди Муҳиддин.

— Мен кутаман,— деганича отига минди раис.

Муҳиддин ферма қурилишида, кейин молхонага электр ўтказаётганлар ёнида бўлди. Бу орада Тошпўлатов билан узоқ сұхбатлашди. Кечка томон правленига келиб раисни учратолмади. Қоровул «ҳозир еттинчи бригададан телефон қилувди» деганини эшишиб, ич-ичидан қувонди. Учрашганида анча вақтгача қолиб кетиши турган гап эди.

Кун аллақачон ботиб, уфқнинг гардишига ғира-шира қоронгулик туша бошлаган. Муҳиддин чарчоқни ҳам унүтиб тез юриб бормоқда. «Юлдузхон уйдамикан, санси олдида совғани нима деб узатаман?»

Муҳиддин чуқур ўйга чўмганича катта кўчадан тор кўчага бурилишдаги дарахт ёнида тўхтаб қолди. Нима учундир юришга оёғи тортмай, бир неча минутни шу турганича ўтказди.

Бирдан, орқа томондан бир тўда қизларнинг кулгиси эшитилди. Булар орасида Муҳиддин ўзига ёқимли таниш овозни дарров пайқади. У турган жойидан қўзғалмади, юраги тез ура бошлади, ўйлаб қўйғанларини тағин эсидан чиқарди, ғира-ширада қизларнинг кўринишини кутди. Улар кўчанинг ўнг томонидаги эшик ёнига келиб тўхташди. Муҳиддин шунча тикилиб Юлдузхонни ажратса олмади. Қизларнинг гапи эшитилмас, кулгилари аллақаёқлардан акс садо берарди, улар бир оздан кеъин ажралишди. Юлдузхон якка ўзи кўчанинг четидан юриб кетди.

Муҳиддин Юлдузхоннинг рўпарасига юра бошлади. Борар экан, қўлини гимнастёркасининг кўкрак чўнгагига тиқди, қутичадаги совғани олмоқчи бўлди. Аксига тумчачаси буралиб ҳадеганда ечилавермади. Юлдузхон бўлса яқинлашиб келмоқда. Муҳиддин тоқати чидамай, чўнтақ қопқоғини жаҳл билан тортган эди, тугма узилиб, учиб кетди. Юлдузхонга уч-тўрт қадам қолганида рўпарасига борди, ҳаяжонланиб, бўғиқроқ овоз билан гапирди:

— Салом, Юлдузхон!

Юлдузхон тўхтаб қолди.

— Салом!.. Вой, кечирасиз!— у энди таниди,— мен сизни таниёлмай қолибман. Эсон-омон келдингизми?

Муҳиддин унга яқинроқ бориб, қўлини узатди.

— Қороғида таниб олиш қийин,— Муҳиддин шу гапни айтди-ю, ҳаяжондан ўзини босиб ололмади, «совғани олармиқан?» деган ташвиш уни қийнай бошлади.

— Вой ўлмасам, бу нимаси?— Юлдузхон Муҳиддин томонидан маҳкам сиқилган кафтига қаттиқ нарсанинг ботганидан шундай деб, қўлини тортиб олишга уринган эди, Муҳиддин қўйиб юбормади.

— Кўрқманг, Юлдузхон, тикан эмас, арзимас совға... Чин қалбдан... илтимос қиласман,, қўлимни қайтарманг...

— Раҳмат,— деди мулойимгина Юлдузхон,— олмас эдим-ку... Водилдан эмас, Тошкентдан экан.

— Нега?— ҳайрон бўлиб сўради Муҳиддин.

— Қўйинг, айтмайман, ўзим... Қачон келдингиз?

— Шу бугун,— деди Муҳиддин унинг юзига тикилганича.

Тун қанчалик қоронғи бўлса, юлдузлар шунчалик ёруғ бўлади! Вақт ўтиб, қоронғи туша бошлаган сайн Юлдузхон ҳам Муҳиддинга равшанроқ кўринмоқда. Қип-қизариб кетган юзлардаги кулгичлар, ёмғирдан сўнгги олча донасилик тиниқ кўзлар, қуюқ қошлар, чўфдек атлас кўйлак тирсагидан юқорисигача шимариб қўйилган, офтобда салтина қизарган оппоқ билаклар, ўнг панжасида совға, чап қўли билан юзини бекитмоқчими, пешонасига тушган бир иккита сочини тузатмоқчими бўлиб турган қўли, бўғинлари кўринмай кетган бармоқлар — ҳозир Муҳиддинга кундуздагидек шаффоғ кўриниб турибди.

Улар бир нафас сўзсиз жим қолишгач, Юлдузхон:

— Кетайлик,— деди паришонлик билан,— бирор кўриб қолса-я...

— Нима қиларди,— деди Муҳиддин ўзини дадил тутиб,— кўрса нима бўлти?

— Шундай дейсиз-да, яхши эмас.

Икковлари бир қарорга келолмай ариқ бўйлаб юриб кетишди, қаёққа, нима учун кетаётгандарини ўзлари ҳам билмасди. Орадаги жимлик бир неча минут давом этди.

— Муборак бўлсин, Юлдузхон,— бирдан эсига тушиб гапирди Муҳиддин.

— Нима?

— Янги мукофот, олий мукофот! — у, пайтдан фойдаланиб, Юлдузхоннинг қўлини ушлаб сиқди, қўйиб юбормади.

— Раҳмат, дастлаб сизни икки томонлама табриклиш керак. Ўзингизга муборак бўлсин.

— Қўйинг, Юлдузхон, ҳали биз мукофотга арзийдиган...

— Ийе, дадангиз мукофот олсалар севинмайсизми?

— Дадам?!— ҳайрон бўлди Муҳиддин,— қандай мукофот?

— Меҳнат Қизил Байроқ ордени. Ҳали хабарингиз йўқми? Бўлмаса биринчи бўлиб табриклишга рухсат беринг?— Юлдузхон Муҳиддинга қўлини узатиб табриклимоқчи бўлганида, ўнг қўли ҳамон Муҳиддиннинг қайноқ кафтида турганини энди пайқади. Қизариб кетиб қўлини тортиб олди, ўнгайсизликдан қутилиш учун қайта сўради:

— Ростдан ҳам эшитмаган эдингизми?

— Хабарим йўқ. Сиз қаердан эшитдингиз?

— Радиодан. Энди ўзингизни табриклишга рухсат беринг.

— Нима билан?

— Мусобақада ғолиб чиққанингиз, институтга кириб олганингиз билан.

— Раҳмат, институтга кирдик. Ҳали уни тамомлаш керак. Мусобақадан бўлса, бехабарман... Менингча, сизлар ғолиб чиқишингиз керак.

— Қамтарлик қилманг. Муҳиддин ака, ғўзаларингизнинг барқ уриб ўсиши кишининг ҳавасини келтиради, бизникidan яхши.

— Яхши дейсизми? Демак, меҳр қўйса арзийди денг?

— Вой ўлмасам,— эркаланиб, сапчиб тушди Юлдузхон,— нима дейпсиз?— Унинг овозидаги ҳозирги мулойимлик қизнинг пок юрагида нималар бўлаётганини сўзсиз айтиб турарди.

— Мен фақат сизнинг сўзларингизни такрорляйман, Юлдузхон,— деди Муҳиддин ўзини оқлашга уриниб.

— Қачон мен шундай дебман? Кимга айтибман?— қошларини чимириб олди Юлдузхон.

— Сиз ёзган, ҳозир колхоз ёшлари айтиб юрган ашула-чи?

— Муҳиддин шундай деди-ю, кетидан ашуланинг ўзига жуда ёқиб қолган икки сатрини секин хиргойи қилди:

«Меҳр қўйдим пахтага,
Ватаним кўрки, бойлигим»

— Сиз тамом бошқача тушунибсиз... тавба, одамларга ҳайронсан, дарров бошқа томонга буришади.

— Юлдузхон, дилингиз «тўғри тушунибсиз» деб турибдику...

— Ҳеч-да.

— Ҳудди шундай, Юлдузхон,— ўз сўзида қаттиқ туриб олди Муҳиддин,— ахир ўйлаб кўринг, ғўзанинг ошиғи ким бўлиши мумкин? Уни етиштирган кишининг ошиғи бўлса, унга меҳр қўйса, бу бошқа гап.

— Бўлмаса, сизнингча, гул етиштирган ва уни тақдим қилган одамни ҳамми?— кўнглидаги рашкни ўртага ташлади Юлдузхон.

— Мен тушунолмадим, қандай гулни айтяпсиз?— ҳайрон бўлиб сўради Муҳиддин.

— Ўша-да, сиз учун қимматли, кўз қораочингиздай асраб юрган гул,— Юлдузхон титроқ овоз билан шундай деди-ю, ўпкаси тўлиб, ўзини зўрға тутиб олди.

Муҳиддин кулиб юборди ва бепарволовча деди:

— Тўғри, топдингиз, Юлдузхон! У гуллар менинг учун жуда қимматли. Агар сиз гулларни менга ким тақдим қилганини билганингизда эди...

Муҳиддиннинг кулгани Юлдузхонга қаттиқ таъсир қилди. Муҳиддин ҳозир унинг ҳолига кулаётгандай, қизнинг унга бўлган ҳурматини ҳақорат қилаётгандай бўлди,

— Ким тақдим қилганини жуда яхши биламан!— аразлаган оҳангда гапирди Юлдузхон ва шу ондаёқ юзи-

ни тескари буриб, қўлидаги совғани Муҳиддинга узатди:— Мана олинг, эгасига беринг, ўзига буюрсин...

Муҳиддин Юлдузхоннинг совға ушлаган қўлини иккни қўли орасига олди, энтикиб гапира бошлади:

— Юлдузхон, ишонинг ахир, бу совға сизга чин юракдан, ишонинг...

— Йўқ,— қаттиқ туриб олди Юлдузхон,— бу совға гул бериб, хат ёзиб турганники... биламан...

— Юлдузхон!— деди Муҳиддин ялингансимон,— сиз айтаётган гулларни Водилдан келаётганимда дадам берганлар. Менинг сўзларимга ишонинг, бу гулларга ҳали қизларнинг қўли тегмагаи. Хат бўлса... Тўғри, хат олганман. Уни Ризанинг маъшуқаси Мехрихон исмли қиз ёзган. Ҳамқишлоқ бўлгандан кейин...

Юлдузхон сукут ичида, мудраб бораётган далага тикилди. Наҳотки шу айтганлари рост бўлса?.. Унинг қалби чексиз қувонч билан, қанчадан бери кутган баҳт қувончи билан тўлиб тошиди. «Демак, у фақат мени севади!! Демак, Водилда унинг ҳеч кими йўқ! Демак, у меники, фақат меники»,— Юлдузхон шодлигидан овозининг борича ашула айтиб юборгудай бўлди.

Муҳиддин Юлдузхоннинг иккала қўлини ушлаб, ўзининг кўкрагига босди, шивирлагандай гапирди:

— Юлдузхон, ишонинг ҳозиргача мен фақат ўз дадми севар эдим. Энди.. сиз менга энг қадрдон, меҳрибон бўлиб қолдингиз. Мен сизни севаман, Юлдузхон! Сизсиз мен ҳаёт завқини суролмайман!

Юлдузхон унинг юзига тик қаради, Муҳиддин севгилисининг чўфдек гўзал чеҳрасига биринчи марта яқиндан туриб тикилди, нозли кўзларидағи сирли маъно уни мафтун этди.

Муҳиддин кучли ҳаяжон ичида, Юлдузхоннинг жавоб ўрнида пичирлаб айтган сўзларини ҳам англай олмади. У жуда шод эди, бу шодлик унинг бутун вужудини қоплаб олди. Муҳиддин шунчалик хурсанд эдикӣ, у энди ўзининг бирон ноқулай, қўпол ҳаракати билан Юлдузхонни чўчитиб қўймасликдан хавотирлана бошлади. У, Юлдузхоннинг тушиб кетган қўлларини эҳтиётилик билан ушлади ва йигитларга хос дадиллик билан юқори кўтарди, кучли зарб билан уриб турган юраги устига қўйди. Юлдузхон энгашиб, ерга қаради-ю, қўлини тортиб олмади.

Шу пайтда дала томондан ёш йигит айтаётган қандайдир ашула овози эшитилди. Икковлари ўша томонга қулоқ солиб жим қолишиб. Ашула овози яқинлашиб, Мұхиддининг ғашига тега бошлади.

— Ким бўлди бу? — секин сўради Мұхиддин.

— Танимаяпсизми? — жавоб ўрнига савол берди Юлдузхон, Мұхиддин унинг мулойим товушида ўз қалбидаги сингари маънони уқиди.

— Йўқ, танимадим, — деди Мұхиддин.

Юлдузхон кулиб юборди ва эркаланиб сўради:

— Қизиқ, ўз ўртоғингизнинг овозини танимасангиз.

Мұхиддин яна қулоқ солди. Кейин ҳайрон бўлганича Юлдузхонга қаради, шошилиб сўради:

— Аъзамми? Қаердан келяпти?

— Кейинги кунларда Аъзамжон акамнинг тез-тез бошлари оғрийдиган бўлиб қолган,— деб жавоб бера бошлади Юлдузхон ўзини кулгидан тўхтатолмай,— шунинг учун медпунктга қатнайдилар,— яна кулди,— ҳар куни...

— Ҳеч нарса тушунолмадим,— деди Мұхиддин,— Аъзам ҳамма вақт соп-соғ эди, бирдан... боши оғриб...

— Ийе, шунга тушунолмасангиз,— деди кулги аралаш Юлдузхон,— медсестра Неляни биласизми? Худди ўшанга бошлари оғрийдиган бўлиб қолган.

— Эй, шундай денг,— энди тушунди Мұхиддин,— мен ҳеч нарсани фаҳмламаган эканман.

— Ўзингизни билмасликка олманг, бутун колхозга ошкор-ку, Нелянинг ўзи ҳам буни яширмайди.

Ашула товуши яқинлашибди. Ўртоғи билан ҳозир тўқ-наш келишини истамаган Мұхиддин Юлдузхонни чеккадаги дараҳт тагига бошлади. Улар шу ерда бекиниб туришиди.

Ўзининг янгроқ овози билан барвақт ухлаганларни безота қилишни хаёлига ҳам келтирмай, баралла ашула айтаётган Аъзам кўччанинг шу томонидан тўғри келаверди. Мұхиддин Юлдузхонни яшириш учун унга яқинлашибди,— енгилгина қучди. Юлдузхон қаршилик билдирамади, бошини секин Мұхиддин кўкрагига қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аъзам уларнинг ёнгинасидан ўтиб кетди-ю, одам борлигини пайқамади.

Мұхиддин Юлдузхонни эшигига кузатиб, ўз уйига кирди. Стол ёнида газета ўқиб ўтирган Аъзамни кўрди.

— Ийе, оғайни, бормисан,— Аъзам қулочини ёзиб, Мұхиддинни қучоқлади,— эсон-омон келдінгми, мен ҳозиргина Хосият холамдан эшитиб, бир оз ўша ерда күтиб ўтирдим, энди қаёққа бориб ахтарсам экан, деб турувдим, сал кечиксанг сени излаб...

— Тұхта, тұхта, Аъзам,— унинг гапини бўлди Мұхиддин,— бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Утир, айтаман, иш билан...

— Қанақа иш? Менга қара, туппа-тузук ашулачи экансан-у, билмас эканмиз-да,— Мұхиддин пўписа билан жиддий гапира бошлади-ю, аммо кулгидан ўзини зўрга тўхтатиб олди,— шунчалик овозинг бор экан, операга кирмаганингга ҳайронман.

— Қанақа ашула, нима деганинг?

— Умуман, оғайни, сен бирон касбни эғаллаб олсанг,— боягидек жиддий гапира бошлади Мұхиддин,— бу ерда, оғир иш билан анча қийналдинг, балки Водилга қайтиб кетарсан. Мана аризанг, кетаверишинг мумкин. Звенодагилар ҳам бунга қарши эмас.

Мұхиддин худди шу уйда Аъзамнинг ўзи ёзиб берган аризани унинг қўлига тутқазди. Аъзам дарров ҳазилни пайқади, у ҳам бўш келмади:

— Ўртоқ Раҳимов! Сиз ишда, ахлоқда синалган комсомол бўлишингизга қарамай ёшларни тарбиялашда мутлақо ҳеч нарса билмас экансиз. Жаҳл устида бир камчилик қилиб қўйдик, ҳар ким ҳам ҳаётида камчиликка йўл қўйиши мумкин. Бунинг устига ўзимни ҳалол меҳнатда оқлаяпман. Агар шу ҳақда яна гапирсангиз, устингиздан райком комсомолга арз қиласман,— у бир оз пасайиб, ялингансимон, сўзида давом этди,— айтгандай, бир нарсани ҳал қилиб олайлик: звеномиз-ку комсомоллар звеноси деб аталади. Шулар ичига мен ҳам борман. Бунисига нима дейсиз? Мен комсомолга ўтиш учун ариза берсам, сиз рекомендация бермасангиз. Ҳурматли звеньевойимиз бунга нима дер эканлар?

Мұхиддин қотиб-қотиб кулди. Аъзамнинг гапи туга-гач кулги аралаш деди:

— Хўп, хўп, оғайни, рекомендация бир гап бўлар, Фақат... Бош оғриғи қачон босилади-ю, қачон медпунктга камроқ қатнайдиган бўласиз?!

Ҳазиллашиб турган Аъзамнинг кайфи ўзгарди. У хижолат тортгандай бўлди.

— Биласанми, Мұхиддин,— деди оҳиста,— бу шундай жонон қызки! Бунақангиси... Үзи ақлли, чиройли... Үмуман...

Икки дўст ўринда ётганларича келажакнинг режаларини тузиб, алламаҳалгача суҳбатлашишди.

XXVII

Бугун кечқурун, ишдан кейин, ёзлик қизил чойхона биносида очиқ партия мажлиси бўлажаги, бунга барча колхозчилар таклиф этилгани ҳақидаги хабар нонуштадан кейиноқ бутун қишлоққа тарқалди. Шунинг учун бўлса керак колхозчилар кечки овқатларини барвақт тамомлаб, мажлис бошланишидан анча олдин чойхонага тўплана бошлашди.

Шийпон шаклидаги катта чойхонанинг тахтадан ясалган катига гулдор гиламлар тўшалган, катнинг ён томонларидаги тахта кроватларга шолча, кўрпачалар ёзилган, колхознинг кексалари ана шу кроватлардан жой олишмоқда. Чап томондаги кроватларга аёллар, ёш-яланлар йигила бослашди. Чойхона атрофидаги дараҳтларнинг биридан иккинчисига тортилган симлардаги катта-катта лампочкалар ҳамма ёқни ёритиб турибди. Ёшгина бир йигит чойхона тўридаги, устига қизил духоба ёзилган катта столга хилма-хил солинган иккита гулдон билан графинада сув, стакан келтириб қўйди. Бирпасда чойхона одамлар билан тўлди. Тўртта катта самовар кетма-кет қайнаб шоширмоқда, самоварчининг қўли-қўлига тегмайди, унга кўмақлашаётган беш-олти ёш-яланг тинмай чой ташиб турибди. Куни бўйи далада қуёш иссиғида баракали меҳнат қилган колхозчилар кечки салқин шабадасида ҳузур қилиб, дам олмоқда. Олағовур, қаҳ-қаҳ кулги, қийқириқ авжида... Мажлис бошланишига озгина вақт қолганида катта машинада Комилжон бригадасининг аъзолари етиб келишди. Чойхонадагилар гурр этиб уларга қарашди. Меҳнат гвардиячиларидан иборат бу жанговар отряд, чўлга ҳужум бошлаганларнинг олдинги сафида бораётган бригада катнинг ўртасига жойлашди. Ўтирганлар нарибери сурилиб, сикилиб бўлса ҳам уларга самимий ҳурмат-иззат билан жой бўшатиб беришди.

Мұхиддин ўтириши биланоқ, кўз қири билан Юлдузхонни қидира бошлади. Юлдузхон ўз дугоналари ўрта-

сида эди. Ўзига кимнингдир тикилиб турганини боя сезган қиз бир оздан кейин Мұхиддинга қараб, маъноли табассум қилди. Икковлари ҳам қизарип кетишиди. Юлдузхон бошини үйи солиб, ерга қаради, Мұхиддин бу ҳолни ёнидагиларга сездирмаслик учун ўрнашиброқ ўтириб олди.

Бригада аъзолари жойлашиб бўлиши ҳамона, Тошпўлатов ўтирган жойидан тўриб, стол ёнига борди, қўлидаги бир даста қофозни қўятуриб, пастга кўз югуртиб чиқди. Кимdir концерт берилаётган радионинг қулоғини бураб қўйди. Шов-шув бир лаҳза тўхтади.

— Бўлмаса, ўртоқлар, бошлай берамизми? — ўтирганлардан секин сўради парторг ва Акрамовга сўз берди.

Колхоз раиси ҳамма вақт сўзга чиққанида колектив хўжалик ҳаётидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сира шошилмай, хотиржамлик билан, баҳузур гапиради. Бугун бўлса нима учундир ҳаяжонлана бошлади. Бундай бўлиши табиий эди. Раис колхоз ҳаётидаги бу йилги янгиликлар ҳақида биринчи марта сўзлаяпти, ҳисоб беряпти. Уни ана шулар ҳаяжонга соларди. Акрамов кеча қандай ишлар бажарилгани, бугун нималар қилинаётгани ва эртага албатта бажарилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ганирар экан, ўз режалари билан ўтирган колхозчиларнинг фикри бир-бирига мос тушаётганини сезарди. Ўтирганларнинг ҳар бири унинг сўзларини тинглар экан, келтирилган рақамларда янги ернинг сатҳини, кубометрларда бинокорликда қилинган ишнинг кўламини, гўза тупларининг саногида ҳосилни, хуллас, ўз меҳнатининг салмоғи, механизация ва илфор агротехника фанининг куч-қудратини кўриб ўтирибди. Уларнинг кўз олдida яниг ердаги яшил қишлоқ, атрофи гулзор, кенг ва ёруғ хонали уйлар намоён бўларди.

— Биз зўр бериб ишладик,— деди Акрамов докладининг охирида,— аммо, яна бир, бир ярим ҳафтадан кейин ишимиз тағин оғирлашади... Йиғим-теримни бошлаймиз. Бу йил пахтанинг ярмини машина билан теришимиз керак. Олдимизда иккита асосий вазифа турибди: ҳосилни қисқа фурсатда йиғиб-териб олиб, ерни кузги шудгорга ҳозирлаш.— Бу — бир. Иккинчиси, қурилиш ишлари суръатини пасайтирмаслик. Ана шу вазифаларни бажара оламизми?

— Бажарамиз!!! — деди ўтирганлар орасидан бир қиз.

— Шундай бўлса, пухта маслаҳатлашиб олайлик. Кучларни жой-жойига расамади билан қўйишимиз керакки, ҳосилни йифиб олишимизда ҳеч нарса халақит бермасин. Муҳими шу.

Акрамов сўзини тамомлаб, жойига ўтириди. Ўртага тушган сукут бир неча минут давом этди. Тошпўлатов қўз қири билан ўтирганларга қараб чиқди. Қўл кўтарган, сўз берилишини сўраган кишини кўрмади. Колхозчилар индамай ўтиришарди, улар раиснинг сўзларини ўзларича муҳокама қилиб, ишни қай усуlda уотириш қулай ва баракали бўлиши ҳақида фикр юритмоқда. Ҳар бир киши чиқиб сўзлашни истарди. Аммо, очиқ партия мажлисида аниқ, пухта таклиф билан чиқиш учун ўз мулоҳазасини атрофлича ўлчаб кўрарди. Жимлик ҳамон давом этмоқда...

— Қани, ўртоқлар, жим ўтираверамиزمий? — секин гап ташлади Тошпўлатов.

— Ҳосилот отадан эшитайлик, Ҳосилот отадан,— деди кимдир Юлдузхон звеносининг аъзолари ўтирган жойдан,— пахта йигим-теримйни қандай уюштириш кераклигини гапириб берсинлар. Янги ерда эрта-индин пахта очилади. Бу ерда бўлса, ҳали бемалол бир ҳафта кутиш керак. Рихсибой ака шуларни қандай ҳисобга олятилар, айтиб берсинлар.

Янги ернинг тилга олиниши Рихсибой аканинг ғашини келтириди. У, сўзга чиқишга аҳд қилди. Унинг фикрича, Акрамов жуда ёнгилтаклиқ билан гапирди, шунинг учун раиснинг сўзига ҳозирданоқ эътиroz билдириши керак. Ҳамма унга тикилиб турганидан, мактабга янги келган биринчи синф ўқувчиси ўқитувчининг саволига жавоб беришдан олдин ёниверига қараб олиб, кейин секин қўлини кўтарганидек, Рихсибой ака ҳам оҳиста қўл кўтарди. Тошпўлатов «Ўртоқ Тожиевга сўз берилади» деганидан кейингина қўлини тушириб, стол ёнига ўтди. Ўтирганларга бир қараб олгач, осойишта, насиҳатомуз сўзлай бошлади:

— Ҳурматли раисимиз бизга ҳосилни йигиб-териб олиш ҳамда қурилишни сусайтирмаслик учун қанча куч талаб қилинишини жуда тўғри ва батафсил айтиб берди. Бу яхши. Илло шуни ҳам ёдимиздан чиқармайликки, ҳамма нарса планда кўрсатилганидек бўлаверганида, ортиқча ташвишланиб ўтиришнинг ҳожати қолмасди, ҳолбуки, қофоз жуда силлиқ қилиб ёзилгани би-

лан амалда ўзгаради, бошқача бўлиб қолади. Мен биринчи йил ҳосилот бўлиб ишлаётганим йўқ, буни ўзларингиз яхши биласизлар. Ҳамонки, ҳосилот советининг раиси эканман, ҳосилга мен жавобгарман, шундай бўлгандан кейин, бир фикрни ўртага ташлашни жуда лозим топаман: пахта йифим-терими даврида қурилишни буткул тўхтатиб, барча кучни теримга ажратиш керак!

Илгари мажлисларда сира учрамаган аҳвол рўй берди. Ҳосилот отанинг сўзи ўтирганлардан бир нечакишининг тортинимай эътироуз билдириши билан бўлинди.

— Қурилишни нега тўхтатиш керак? Бинокорлик бригадаси ишини давом эттираверсин. Биз бу йил ҳамма бригадаларда бир вақтда теримни бошлай олмаймиз-ку?— деди кимдир ўтирган жойидан.

— Ҳосилнинг ярмини машина теради, буни нега ҳисобга олмайсиз?— деди яна бири.

Баъзилар кулишди, қўпчилик чурқ этмай Ҳосилотга тикилди. Пастдан ташланган луқма Рихсибой акани анча довдиратиб қўйди. Биринчи марта катта йигинда унинг юзига тик қараб таъна қилишаётгани эди. Рихсибой ака ўз сўзининг кўпчиликка, ҳатто ҳозиргача унинг маслаҳатларига қулоқ солиб келаётганларга ҳам маъқул бўлмаётганини сезса ҳамки, сўзини тўхтатолмади, жizzакилик билан гапира кетди:

— Мен ҳайронман, қурилиш ишларини шунчалик жадаллик билан қилишимизнинг боиси нима? Янги кўчиб келганларни-ку жойлаштиридик, фермани, янги уйларни ҳам вақт-соати билан битқазармиз. Менинг жоним ҳалак бўлаётгани, шуларга овора бўлиб, ҳосилни теришда шошилиб қоламизми деяпман. Машина териб беради. Мана кўрармиз қанча терганини, режани ҳам шунга ишониб тузсаг-у, машина планини бажаролмаса?

— Машинага қаршимисиз?— деган овоз эшитилди.

— Энди, гапни бурмайлик, ўртоқлар, нега қарши бўлай. Гап қаршиликда эмас, машиналар ғўзани бостириб кетяпти, иннайкейин, оппоқ очилгунча кутиб туриш керак. Ўтган йили нима бўлди?

— Ўтган йили ўзимиз хатога йўл қўйдик,— деди президиумдан раис,— вақтида барги тўкилмади, машина ажратилган жойга теримчилар тушириб юбордик.

Рихсибой ака гапидан адашиб, бир-икки йўталиб олди, белбоғига қўл узатиб, носқовоқни ушлаб қўйди,

— Колхознинг бойлиги, давлати пахта. Чорва биринчи ўриндами ё пахта? Қайси биридан кўп даромад оляпмиз?— Нега бундай деяётганини ўзи ҳам билмасди.— Турмушимиз яхши, уйларимизда электр, тагин нима керак?— энди у тамом бошқа гапга ўтиб кетди.— Мана, Хосиятхонни олайлик, эсингизда борми, якка хўжалик вақтингизда қандай яшагансиз? Ҳозир-чи? Нимадан камчилигингиз бор? Қизингиз далада ҳам ипакли кийиб юради. Ё шундай яшаётган фақат бир сизмисиз? Бошқаларнинг турмуши ночорми? Йўқ. Мана бригадир Ҳамдам Ортиқов ўтириби, ўзи айтсин. Ё, у ёмон яшаяптими? Ё, қизи Тошкентда ўқимаяптими? Ё ўзининг эгнидаги оқ шойи яктак битта унда-ю, бошқада бўзми? Эсимда бор, Ҳамдамвой уйланганингизда ҳам қандай яктак кийганингиз. Шундай бўлгач яна нима керақ, а, ўртоқлар... Гарданимиздаги вазифа пахта экишми? Экяпмиз. Кейинги тўрт йил мобайнида,— Рихсибой ака «мен ҳосилот бўлгандан буён» деёлмади-ю, барibir ўтирганлар буни тушунди,— колхозимизда элликдан ортиқ киши орден, медаллар билан мукофотланди. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, ҳукуматимиз колхозимизнинг ишидан рози, бундан буён ҳам шундай ишлашимизни талаб қилмоқда...

— Ҳукуматимиз номидан жуда катта гапириб юбордингиз, Ҳосилот!— деди ўтирган жойидан Абдуғафур ота.

— Йўқ, ортиқча гапирганим йўқ,— деди Рихсибой ака баланд ва титроқ овоз билан,— хўш, бўлмаса колхозимиз гектаридан тўрт юз килограммдан пахта берганида ҳукуматга фойда бўлганми? Ӯшанда қайсибир ишимизга мукофот бериб бўларди?. Биз учун муҳими пахта! Бошқалари туратурса ҳам бўлади. Уйларимиз айтарли шинам бўлмаса ҳам, неча йилдан буён яшаб келяпмиз, яна уч-тўрт йил яшасак ҳеч воқиси йўқ. Фермаларни электрлаштириш... тўғри, керак, илло, келиб-келиб шу вақт зиқлигидами? Нима, электрсиз сут соғолмаяпмидик?. Ё тегирмон тўхтаб қолидими?

— Тўхтаб қолувди,— деди йўғон овоз билан катда ўтирган колхоз теримчиси Карим. Саловатли, сал буқчайган оқ кўйлагининг ёқаларини ечиб юборган бу йигит иргиб ўрнидан туриб гапира кетди:

— Электр деганда фақат ёритишни ўйламанг, Рих-

сибай ака, унинг қувватидан истаган ишимизда фойдаланишимиз керак. Электр қуввати темирчининг болға уришини ҳам ўз гарданига олади, биз у билан ер ҳайдаймиз. Электр қуввати билан, ўхӯ, нима ишларни қилмаймиз,— Карим ўз сўзини тўсатдан бошлагани каби тўсатдан тамомлаб, жойига ўтириди.

Рихсибай ака жавоб беролмай ўйланиб қолди.

— Сўзингиз тамомми, Рихсибай ака?— деб сўраган эди мажлис раиси, Ҳосилот ёнига ўгирилиб қаради-да, хижолат тортиб, секин жойига бориб ўтириди.

Ўртага яна жимлик چўкиди. Тошпўлатов «яхшилаб ўйлаб кўришсин» деган мулоҳаза билан сўзга чиқувчиларни атайи шошилтирмасди. У ўзича: «Икки хил фикр туғилди, қани колхозчиларнинг ўзлари нима дёр экан, Ҳосилотнинг ноҳақлигини ўзлари тушунтириб беришар...» деб ўйларди.

— Менга сўз беринг, ўртоқ Тошпўлатов,— деди кекса бригадир Ортиқов жойидан қўзгала туриб.

У, стол ёнига бориб, бир нарсадан ранжиган кишидек қалтираган овоз билан сўзлай бошлади:

— Рихсибай бугун мени қаттиқ хафа қилди,— у, Рихсибай аканинг ҳайратда қолиб, ёлкасини қисганини кўргач, яна такрорлади,— ҳа, ҳа, қаттиқ ранжитди. Биз у билан қарийб ўн беш йилдан буён бирга ишлаймиз. Мен ҳамма вақт уни бамаъни, тажрибакор одам қатори ҳурмат қиласдим, янгишган эканман. Ҳозир у, мана шу ердан туриб нималарни айтди? Мен эмиш, бутун умр бўйи орзу қилиб келган даврни, коммунизми кўрмай, ярим йўлда қолиб кетар эмишман. Мен жудаям саводхон эмасман. Лекин, Улуғ Октябрь революцияси кўзимни очди, кўплар қатори менга ҳам баҳт берди. Мана кўриб турибсизларки, коммунизмдек улуғ даврга яқинлашяпмиз-а. Бу жуда азамат иш. Мен кексариб қолдим. Лекин, албатта коммунизмни кўраман, албатта! Рихсибай менга қараганда биринки ёш кичик, у нима дейди денг: коммунизмга тезроқ боришимиздаги ишларни тўхтатиб турармишмиз. Тағин машинага қарши деса ўпка қиласди. Қаршилик бундан ортиқ бўладими? Қурилишни тўхтатармиш, электрда соғилган сут ёқмасмиш. Қайси ақлга сиради бу? Мен бу фикрга зинҳор қўшилмайман. Рихсибай ранжимасин-ку, тағин, бу ерда партия йиғилишида очигини айтиш керак. Фаҳмимча, Рих-

сибой ишончимизни оқлай олмади, ҳа, шундай. Рихсибой шуни ҳам пухта аяглаб олсинки, пахта топшириш давлат планини биз бу йил ҳам муқаррар ошириб ба-жарамиз, шу билан қурилишни ҳам зинҳор тўхтатмаймиз. Менинг гапирмоқчи бўлганим шу!

Кекса бригадир мажлисдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида пастга тушди, тортичоқлик билан теримчи Каримнинг ёнига бориб ўтири.

Ортиқов кетидан бригадир, звено бошлиқлари ва колхозчилар бирин-кетин президиум столи ёнига келиб, сўзлай бошладилар. Рихсибой ака нотиқларнинг сўзларини эшитар экан, ўтиргани жой тополмас, ҳуда-бехудага юсқовокни қўлига олиб, яна белбоғига кистириб қўйяди. Сўзлаётганлар Ҳосилотнинг нотўғри йўл туваётганини айтиб, уни қаттиқ танқид қилишарди. Улар ўз сўзларида колхознинг энг яхши, тажрибали пахтакорларидан Абдуғафур отанинг номини кўпроқ тилга олишарди.

Президиум столи ёнида Комилжон пайдо бўлиши билан ҳамма жим қолди. Янги ердаги бригадага бошлиқлик қилаётган, Рихсибой аканинг насиҳатларига қулоқ солмай келган Комилжоннинг сўзга чиқиши кўпчиликни қизиқтиарди.

— Ҳосилот советининг раиси — колхозда кичкина одам эмас,— деб сўз бошлади Комилжон,— у коллектив хўжаликда ҳосилни ошириш чораларини кўрадиган киши бўлиши керак. Рихсибой ака кекса колхозчи, тажрибали пахтакор. Бир неча йилдан бўён ҳосилот бўлиб ишляпти. Тўғри, шу даврда колхозда ҳосил ҳам анча оширилди. Лекин энг ёмони шунда-ки, Рихсибой ака қўлга киритилган ютуқлар билан тақса тўхтаб қолди. Ҳосилотнинг, тажрибанинг чегараси шу дедилар-у, нарига ўтолмай қолдилар. Бундан ташқари, Рихсибой ака кейинги пайтда жуда кибрланиб кетди. Колхозда эришилган ютуқларнинг ҳаммаси мен туфайли дейдиган бўлиб қолди. Менингча, бу мутлақо нотўғри, чунки колхозчиларсиз бир Рихсибой аканинг тажрибаси ё меҳнати ҳеч нарса бермайди. Рихсибой ака агротехника фани ютуқларидан фойдаланишини истамайди. Бу нарса ишга катта зарар етказади. Мана, мисол, бу йил биз чигитни етти кун вақтли экдик, Рихсибой акага ёқмади. Оқибати нима бўлди? Шу бўлдики, ҳозир тахминий ҳисобга кўра, ҳосилда бир ярим центнер ютдик.

— Кўармиз,— деди зарда билан Рихсибой ака жойига ўтираётган Комилжонга.

— Кўришнинг хожати йўқ... Узи ҳозироқ кўриниб қолди,— деди ўрнидан туриб Юлдузхон,— менга сўз беринг, ўртоқ Тошпўлатов.

Латофатли қизнинг юзидан ҳаяжонлангани сезилиб турарди. У, мажлис раисининг жавобини ҳам кутмай, аста стол томонга юра бошлади.

— Ҳамма нарса равшан, Рихсибой ота. Илфор фан ютуқларидан тўғри фойдаланиб, бизга маслаҳат берганингизда звеномиз мусобақада орқада судралиб қолмас эди. Мана, эрта-индин ҳосилни йиғиб оламиз. Давлатга топширамиз. Ана шунда сизнинг айбингиз билан колхозда кам етиштирилган пахтани ўзингиздан талаб қиласак нима дейсиз? Сизнинг тажрибангиз бор. Аммо агрономия фани — бу миллионлаб пахтакорларнинг тажрибаси. Сиз ҳосилни оширишда бизни анча чалғитдингиз. Энди бунга йўл қўймаймиз.

— Йўл қўймаймиз!— деб Юлдузхоннинг фикрини маъқуллашди мажлисдагилар.

— Ха, сира ҳам йўл қўймаймиз,— деб сўзида давом этди Юлдузхон,— мен партия ташкилотига колхоз комсомолларининг истак ва талабларини айтмоқчиман: комсомоллар келаси йилда яна эллик гектар янги ер очиш учун шу йил кузданоқ тайёрлик кўришга қарор қилишди. Йиғим-теримни тамомлаш билан ишга киришамиз,— мажлис қатнашчилари қарсак чалиб юбориши,— бундан ташқари, правление бизнинг талабимизни ҳисобга олишини сўраймиз: бизга тажрибали, илфор агрономия фани ютуқлари билан тажрибани қўшиб олиб борадиган ҳосилот совети раиси керак. Бундай одам колхозимизда бор.

— Абдуғафур ота...— мажлисдагилар бир оғиздан шундай деб юборишли.

Тун ярмидан оғди. Тошпўлатов мажлисни ёпар экан, ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан тамомлади:

— Коммунизм энди узоқ келажак эмас, у, миллион-миллион совет кишиларининг ижодий меҳнатлари билан кун сайин ва соат сайин қурилмоқда. Коммунистик партия раҳбарлигига амалга оширилаётган буюк ишлар якуннада мамлакатимизда икки улуғ куч — халқ билан коммунизм бирлашиб кетди, коммунизм қуриш иши совет халқининг жонажон иши бўлиб қолди. Мен

тўла ишонаманки, йирим-теримни қисқа фурсатда муваффақиятли тамомлаймиз, қурилиш ишларини янада жадаллаштирамиз. Ишонаманки, Ортиқов ҳам, Абдурафур ота ҳам, бошқа кексаларимиз ҳам албатта коммунизмни кўришади, албатта. Ўртоқ Ортиқовга бўлса мен кафитман, чунки у киши ҳали жуда бақувват. Меҳнатда ёшлардан қолишмайди. Демак, коммунизмгача яшайди. Бу муқаррар!

XXVIII

Гул япроқларидан тортиб ғўза шохларигача, дарахт баргларидан тортиб ўт-ўланларгача — ҳаммаси уйқу элитгандай, қилт этмайди. Кундузги ҳарорат яллиғи шундайлигича тунга кўчган-у, шабададан ҳам асар қолмаган. Ариқларда шилдираб оқаётган сув ҳам илиганга ўхшайди. Ўғданчиқиб, чўлнинг камаридек унинг қок белидан кесиб ўтган канал мажоли қуриган каби оқади. Кечалари беғубор кўкнинг ойнаси бўлган бу сув қоронги тушгандан бери ойнинг жамолига маҳлиё эди. Бундан бир неча дақиқа муқаддам уни ўз ётогига кузатди, ҳафсаласи пир бўлди. Шунда ҳам хизматини ҳалол ўташга, гуж-гуж юлдузларни ўксит-масликка, уларнинг киприк қоқишлиарини ёрқин акс эттиришга ҳаракат қиляпти-ю, барибир, уддасидан чиқолмаяпти... Чўлнинг, унинг бағридаги боғ-роғлар, экинзорларнинг ҳозирги нафас олишидан бу ерларда бўрон ҳам турмайди, шабада ҳам эсмайдиганга ўхшарди.

Чойхонадаги одамлар тарқаб, шовқин-сурон, машиналарнинг овози, отларнинг кишинаши тинган. Самоварчи стол-стулларни йигиб, намланган супурги билан гиламларни қатрон қилди, самоварларнинг кулини қоқиб, сув тўлғазди. Кейин яктагининг енгларини белига боғлаганича ариқ лабига борди. Елкалари, бўйин ва тўши аралаш ювинди бироқ, бадани ҳузур қилмади, самовар жўмрагидан илиқ сув қўйгандай бўлди. Бориб кроватга ётди. Бундай пайтларда, бирон йигин бўлиб, ярим кечагача одам аримайдиган кезларда ҳамма ёқни саранжомлаб олгач, ёстиққа бош қўйиши билан киприклари бир-бирига чиппа ёпишиб, ширин уйқуга кетадиган самоварчи анчагача ухлай олмади...

Правление биносининг қоровули ҳовлига чиқиб олган, гулзор ёнидаги скамейкада ўтирибди. Чой уйқуни қочирадими ёки ҳавонинг иссиғи кўп чой ичирадими?

Ҳарқалай қоровулнинг қўлидан пиёла тушмайди, дамбадам сергўшт юзлари, арчилган тухумдек силлиқ босидаги терни артиб қўяди, намиқкан рўмол билан елпинди, кейин уни елкага ташлайди, бошини кўтариб, «нега миқ этмайсан, қимирласанг-чи» дегандай дараҳт шохларига қараб олади-да, яна чой хўплайди...

Келиб-келиб шу кеча, худди Рихсибой аканинг тарвузи қўлтифидан тушиб, латтадай бўшашиган, мияси гангиб қолган пайтни мўлжаллагандек ҳавонинг дам бўлишини қаранг. Бусиз ҳам унинг ўз диққи-нафаслиги сўзиди? Унча-мунча иссиқни, терлаб-пишишни назар-писанд қилмайдиган, чўлнинг ҳуштак чалувчи бўронида, нафас қайтарувчи жазирамасида чиникан Рихсибой ака ҳавонинг димлиги ҳозиргидай таъсир қилишини ҳеч сезмаганди. Унинг аъзойи бадани офтобда қолган мумдай бўшашиб кетди, чойхонадан то уйигача қай аҳволда етди, катта кўчадан правление ёнидан ўтиб бордими, ёки далани кесиб чиқадиган, тут дараҳтлари тагидаги сўқмоқдан йўл олдими ўзи ҳам билмайди. Икки тавақали эшикнинг от тақасидай ҳалқасини чайр бармоқлари билан қаттиқ сиқди-да, кучи борича эшикни тепиб юборди. Ичкарисидаги занжир шарақлаб, зулфи билан сугирилиб чиқди. Эшик ланг очилиб, Рихсибой ака ўзини ҳовлига отди. Ҳа, шундай қилди. Худди кераксиз буюмни зарда билан «ма, матоинги ол...» деб итқитгандек ўзини ичкарига отди. Шаршани сезиши ҳамоно түн тинчлигини бузиб, вовиллай бошланган баҳайбат «Олапар» унинг оёқлари остида парвона бўлганича, овозини ўчирди, кейин маъюс ҳолда очиқ қолган эшик томонга кетди.

Супада ётган Бувниса холанинг ўтакаси ёрилиб, ўрни устида ўтириб қолди, дағ-дағ титрай бошлади. Ҳовлининг ўртасида эрининг қорасини кўриб турса ҳамки, кўзларига ишонмади, «уни бирор қувлаб келмадимикан?» дегандай эшикка бир-икки қараб олди. Ниҳоят эси ўзига келди, кенг ёқасини очиб, кетма-кет кўкрагига туфлади.

— Ичкилик ҳам жувонмарг бўлсин, кексайганингизда бу қилиқ қаёқдан чиқди...— деб тўнғиллаганича ўрнидан турди. Чироқни ёқар экан, ҳамон қўллари титрарди.

Рихсибой ака индамай, супанинг лабига бориб ўтирди, икки қўли билан тиришган пешонасини ушлаб

ерга тикилди. Унинг назарида кўча-кўй дим-у, ҳовлиси салқинроқ, уйга келса сал нафасини ростлаб оладигандай туюлган эди. Ҳозир бадтар бўлиб кетди, якtagи-нинг очиқ ёқалари ҳам бўғаётганга ўхшарди. Бувниса хола одатдагидек «қорнингиз қалай?» деб сўрамади, жаҳл билан ошхонага бориб, қозон-товоқни шарақла-тар экан, алланималар деб койинарди, Рихсибой ака буларнинг бирортасини ҳам эшитмасди. Хонтахта устига дастурхон ёзилиб, овқат келтирилди. Буни ҳам сезмади. Бувниса хола ўчоқдаги қўрга тиқиб қўйилган чойнакнинг кулини тозалаб, супага чиқди, эрининг чурқ этмай ўтиришини кўриб «роса ҷалибди-да» деб кўнглидан ўтказди-да, яна боягидек шаддодлик билан деди:

— Ечинишга ҳам ҳолингиз қолмадими, мунча кўп ичмасангиз?

Рихсибой ака жавоб бермади. Узоқдан кимдир унга гапиряпти-ю, қулоқ қоқиб яхши англолмаётгандай бўлди. У, қўлларини тиззасига уриб, оғир уҳ тортди.

— Нима жазо бўлди, айтсангиз-чи, қаерда ичдингиз?

— Лахатда! — жаҳл билан жавоб берди Рихсибой ака ва ўрнидан туриб, ариқ лабига борди, ювина бошлиди. Сув тагидан бирон нарса топмоқчи бўлгандай, унга тикилиб, узоқ ўтириб қолди.

— Кайфи жуда баланд, умрида эшик бузмаган одам шу ҳолга тушиб ўтиrsa, ажаб гап-да. Бу ҳам бўлса менинг шўрим. Эрта-индин, келин кўрганимизда ҳам мана шундай алжиб келиб шарманда бўлса...» Бувниса хола шуларни ўйлаб юраги орқасига тортиб кетди, супадан тушди-да, эрининг ёнига борди, ётиғи билан гапириб, уни ухлатмоқчи бўлди.

— Нозира, ҳай туринг бой бўлгур, бир нафас дам олинг.

Рихсибой ака ўрнидан турди-да, секин сўради:

— Муҳаммадамин уйдамикин?

Эрининг юзига энди тикилиб қараган Бувниса хола қўрқиб кетди.

— Уйидадир, нима эди? — титроқ овоз билан сўради у.

— Мен кетдим, — Рихсибой ака шу сўзларни айтди-ю, тетик тортгандай кўринди, дадил қадам ташлаб, нарироққа борди, кейин ўгрилиб, хотинига қаради, —

биров билмай қўя қолсин,— унинг товуши зўрға эши-тилди.

Бувниса хола шошиб қолди, эрининг орқасидан ҳалпиллаб бориб, уни эшик ёнида тўхтата олди.

— Ҳой, нима гап ўзи, тинчликми, гапирсангиз-чи, мунча юрагингиз кенг.

Рихсибой ака орқасига ўгирилмади.

— Кўп шанғиллама, қўшнилар эшитади,— деди-да, жадаллик билан кўчага чиқиб кетди.

Бувниса хола эрининг кетидан қараганича ағрайиб қолди, у кўздан ғойиб бўлгандагина секин остоидан ўтиб, ичкари кирап экан, этакларини ялаб, гирди-капалак бўлиб юрган «Олапар»нинг ёғини босиб, чўчиб тушди. Унинг вингиллаши бадтар асабига тегди. Эшик эшикда, овқат-овқатда қолди... Ҳайҳотдай ҳовли, данғиллама уй, мевали дараҳтлар, ёниб турган чироқ — унинг кўзига ваҳимали, қўрқинчли бўлиб кўрина бошлиди. Суна буёқда қолиб, айвон лабига, қуруқ фиштига бориб ўтириди. «Бемаҳалда Муҳаммадамин нимага керак бўлиб қолди?.. Эрталаб борса, жуда бўлмаганда телефон қила қолса бўларди-ку... Ҳой, мен эси паст нега сўрамадим-а? Бирор билмасин! Бу нима дегани?.. Ё худо...» Бувниса холанинг ўйлари бузилган калавадайчувалашиб кета берди.

Хийла вақт ўтди. Хўроздлар чақириб, узоқда баландликдан итларнинг увлагани эшитилди. Бувниса холанинг кўзларидан уйқу қочган, тикилгани қора, тинчлани чора тополмайди...

— Нозира!

— Вой, ҳа-ҳа, туп-туп-э...— Бувниса хола апилтапил, яланг оёқ ҳовлига тушди, эрига яқинлашди.— Ҳа, тинчликми?

— Сувинг борми?— Рихсибой ака оҳиста юриб, супага бориб ўтириди. Бақалоқ чойнакдан яхна чой ичар экан, ҳар қултумини ютаётганида жўмракнинг тишларига тегиб шақиллаши дармонсиз кишининг титрашини эслатарди. Чойнак узатган икки қўли ҳавода қолган Бувниса хола эрининг бу ҳолатини қимир этмай кузатди, уни яна қўрқув босди. Рихсибой ака бўшаган чойнакнинг қорнини икки қўли билан сиқиб ушлаганича хотинига қаради.

— Ўзингга шукур...

Бувниса ҳола ҳам биргалашиб «шукур» деди-ю, бироқ қандай гап бошлаб, нимани сўрашга ҳайрои, оғиз очса дудукланиб қолаётганга ўхшарди. Бундай пайтларда ортиқча сўз айтиб бўладими? Эрининг феълини хотинидан кўра яхшироқ билган одам бўлмайдику, ахир. Агар ўзи гап очиб қолса, йўриғи бошқа.

Рихсибой aka ёстиқни қучоқлаб, ёнбошлади, хотининг «этигинизни тортай» деганига ҳам қулоқ солмади.

— Тонг отай деб қолди, кийин, бориб куёвингни айтиб кел. Тоблари қочиб турибди де.

Бувниса хола «идорадан телефон қилгандир» деб ўйловди. Энди билдики, бунга ҳам ботинолмаяпти. Бирон нарса сўраса, эрининг яраси янгиланаётгандай ортиқча гапирмади. «Хўўп, мана ҳозир...» деди-ю уйга кириб кетди. Ҳолдан тойган Рихсибой aka узоқ ўйланиб ётди, хотини қай маҳалда кўчага чиқиб кетганини ҳам сезмади...

— Кўйинг, уйғотманг,— деган овоз унинг кўзларини очиб юборди.

— Ассалому алайкум, дада.

— Келинг, ўғлим, қани буёқка... Ҳой, Нозира, дастурхонингни... Яхшиси, уйга жой қила қол,— Рихсибой aka ўрнидан туриб, ювинди. Қайната-куёв уйга киришди.

— Ўғлимсиз, Мулла муҳаммадамин, сиздан бўлак суюнган тоғим йўқ. Содиқжон ҳали ёш, илми бўлгани билан бунақангни ишларга тушунмайди. Аччиқни чучукдан ажратадиган бўлгани йўқ... Ҳамдард бўладиганим танҳо сизсиз...

— Нима гап, дада?

Муҳаммадамин шундай деди-ю, маъюслигича ер чизиб ўтирган қайнатасига тикилди.

Бирорга сўз бермайдиган, ҳар қандай оғир пайтларда ҳам ўзини дадил тутиб, юрак дардларини яшира оладиган бу одам ҳозир гуноҳкордек жар ёқасига бориб қолиб, қўлимдан тутиб қол деяётгандек кўринди. Муҳаммадаминнинг тирсиллаб турган юзлари оқариб, кўзлари катта очилиб кеди. Икки қўлини тиззасига қўйганича ҳамон қайнатасидан кўзини узмасди, қўлидаги папирос кулининг кўрпача устига тушганини ҳам пайқамади.

— Кечаги мажлисни эшитгандирсиз?

— Йўқ, бехабарман,— деди Мұҳаммадамин.
— Энди тушундим, бу хомкалла,— Рихсибой ака
қўли билан бошини уриб қўйди,— ўлгунга қадар хом-
лигича қола берар экан. Кечаги мажлис атайи мөв-
учун, мени жамоатдан четлатиш учун чақирилган экан,
энди тушундим, ўғлим... Шу ёшга келиб, қылган меҳнатим
ҳам, ортдирган обрўйим ҳам бир пул бўлди... Ма-
на сизга колхознинг кенгайиши-ю, янги одамларнинг
пой-қадами. Ишга ярамай қолибмиз... И smoилжон ҳам
мендан юз ўғирди. Отаси вафот этганида ёстиқни но-
фора қилиб ўтирган, ўғлим тенгги йигит бугун менга
«бўлмайсиз» деб тик қараса, алам қилмайдими? Тош-
пўлатов ҳам унга қўшилди. Ҳамдам шаддоднику била-
сиз. Азалдан йўлимга гов солади. Хосиятбонуни айт-
майсизми? Ўзи гапиролмай қизини роса пишишибди.
Фаҳмимча, анави келгинилар ҳам унга обдан ўрга-
тишган. Тирранча оғзига келганини валдиради... Тағин
мен хомкалла Хосиятга қуда бўламан деб юрибман-а.
Эҳ, ўша...

— Бошқа гап бўлмадими?

Худди шу саволни кутиб турган ва ўша бўладиган
ҳангоманинг олдини олмоқ мақсадида күёвини чақири-
тирган Рихсибой ака: «Ҳозирча шу гап» деди-да, қово-
енини солиб хомуш ўтирган күёвига қаради.

— Хайрият,— деб қўйди Мұҳаммадамин.

Рихсибой ака күёвининг чўчиганини дарров пайқаб
олди.

— Бирон гап эшитибмидингиз, Мулла мұҳаммадамин.

— Эшитганим-ку йўқ, лекин...

— Ҳа, айтинг, ўғлим.

Мұҳаммадамин ўрнашиброқ ўтириб деразадан ҳов-
лига қараб олди, кейин секин сўзлай бошлади.

— Айтмоқчи бўлган эмасдим-у, ҳозирги гапларин-
гиздан кейин ўйлаб қолдим. Яхшиси, огоҳ қилиб қўйга-
ним маъқул. Вақтики келиб, икковимиз ҳам ғафлатда
қолмайлик. Бундан икки ойча муқаддам район газета-
си редакциясидан бизга бир мақолани текширишга
юборишиди. Бу иш менга топширилди. Ўқиб қарасам,
сиз тўғрингизда.

— А?— Нима?!— Рихсибой ака чўчиб тушди, кўзла-
рини олайтириб, күёвига ёндашиброқ ўтириб олди.

— Шундай. Бир йиллигини эмас, тўрт йиллигини
ҳисоблаб, ундан кимларга қанча бергансиз, қаерда

оқлатиб ун қилдиргансиз, кимга сотгансиз... Ҳаммасини ёзибди.

— Уфф. Ким ёзибди?

— Мақолада имзоси кўрсатилмайди, менинг қўлимга тушганини айтмайсизми.

— Шуни айтинг-а, фалокатнинг ариганини қаранг-а. Хўш кейин...

— Нима бўларди, мақолани икки ҳафтача сақлаб турдим-да, сўнг кўрсатилган фактлар тасдиқланмади, ҳосилот советининг раиси ўғринча ғалла экдирадиган одам эмас, колхознинг тажрибали, ишончли раҳбари деб жавоб ёзиб бердим...

— Барака топинг-э, Мулламуҳаммадамин.

— Жавобни ҳам болладим. Ёзиб тайёрладим-да, бошлиғимизнинг имзосини қўйдирив, редакциясига ўз қўлим билан юбордим. Бу томони ҳам пишиқ бўлди. Ўша кезларда сизга айтай дедим-у, юрагингизга ғулфула солиб нима қиласман деб ўйладим-да.

— Кам бўлманг, ўғлим, асти кам бўлманг,— Рихсибой aka ҳузур қилиб бурнаки отди. Тундаги ланжликдан буён унинг кайфи ҳозиргисидай бўлмаган эди.

— Мажлисда шу гап очилмаган бўлса, энди бостибости бўлиб кетади,— деди Мухаммадамин ясама мамнунлик билан қайнатасига тасалли бериб.

— Ўшандан хавотир бўлдим-да, Мулламуҳаммадамин, сизни саҳарда безовта қилганим ҳам шу важдан. Буни қарангки, толеимга ғалла бригадасидан мажлисда ҳеч ким бўлмади... Гапингизга қараганда, ўша мақола ёзган ифвогарлар ҳам пилдир-пис бўлиб қолган денг?

— Ҳозирча шундай, деди Мухаммадамин қайнатасига ўйчан назар билан тикилиб,— лекин ишни пишиқ қилиб қўйган яхши. Устингизда шунча гаплар бўлган экан, биримас бири оғиз очиб қолиши мумкин.

— Ақлингизга балли, Мулламуҳаммадамин, мен ҳам шу томонига бошим қотиб қолди. Нима қилсан экан?

— Шу ишдан кимлар хабардор?— деб сўради Мухаммадамин папиросини тутатар экан.

— Ғалла бригадасининг бошлиғидан бўлак сиз-у, онангиз, холос. Ўёгини суриштирангиз, Содиқжон ҳам билмайди.

— Бригадир деганингиз... оғзи 'маҳкамми?

— Бу томондан шубҳам йўқ, мана тўрт йилдан бўён чангини чиқармайди. Бир чеккаси ўзи ҳам озроқ жойга экиб юради. Буни менга билдирамайди-ю, барибир, ақлим етади, уялмасин деб юзига солмайман, мендан нима кетди... а, шундай эмасми?

— Дада, сиз ҳали ҳам содда экансиз. Ахир бригадир яхши одам бўлса, ким ёзарди,— қўлини пахса қилиб гапира бошлади Муҳаммадамин,— тағин тагига коллектив деб имзо қўйибди.

— Кўпчилик денг ҳали?!— Рихсибой аканинг қўлидаги носқовоқ тушиб кетди,— бундан чиқдики...

— Мажлисда нима қарорга келишди?

— Нима дейсизми? Ҳа, энди танқид дегандек... бир қарорга келишмади, очиқ айтишга Рихсибой аканинг тили бормади.

— Зарари йўқ, мен Исмоилжон билан гаплашиб кўраман. Зўр келса, бирон бригадага қўйишади-да.

— Эй ўғлим, буниси сатқаисар, бир гап бўлиб кетар-у, мана бу томони... Назаримда, биронтаси воқифга ўхшайди-да. Устма-уст гап бўлиб турган пайтда шартта ўртага бу сир тушиб қолсан...

Муҳаммадамин ўйланиб қолди. Рихсибой аканинг сир очилиб қолишидан ташвии чекаётгани уни ҳам чўчитди. Редакциядан келган материални сақлаб юргани, худди ундан бирор «чўнтаингдаги нима?» деб сўраб қолаётгандек бир неча кунни қўрқув билан ўтказани кўз олдига келди.

Боядан бери ошхонада ивирсиб юрган Бувниса хола икки чинни косада ширчой кўтариб кирди. Уни хонтахта устига қўяр экан, дам эрига, лам күёвига қаарарди. Иккови ҳам чуқур ўйга толган.

Бувниса хола токча ўрнига ўрнатилган шкафдан жizzали нон олиб бурдалади.

— Қани, олинглар, совимасин. Қун ҳам алламаҳал бўлди,— деди-да, эшик томонга юрди. Рихсибой ака бир нарса эсига тушгандек, уни тўхтатди.

— Биронтаси чақириб келса, иситмалаб ётибдилар деб қўяқол,— деди.

— Хўп. Буёққа кирса майлими?

— А?!— Рихсибой аканинг кўзлари қинидан чиқай деди, жаҳл билан хотинига қаради,— эсинг жойида ми?... Докторга чиқиб кетдилар де... Қани, Мулламу-

ҳаммадамин, марҳамат, совимасип,— деди-да қўлига олиб бир ҳўплади.

— Бўлмаса сиз шундай қилинг,— секин гапира бошлади Муҳаммадамин,— ўша ғалла бригадири билан шу бугуноқ яхшилаб гаплашинг. Қани у нима дейди. Ўшанга қараб тош қўя берасиз. Борди-ю бировга айтган бўлса, уни ҳам қўлга олинг. Жуда ҳам ҳовлиқманг-у, ҳар ҳолда ишни пишиқ қилинг. Зарур бўлиб қолса беш-үн тангани аяманг. Парторг билан ҳам, раис билан ҳам яхши муомалада бўлинг, ҳамма гап ўшаларда. Ҳосилотликдан туширадиган бўлишса, «майли ишдан қўл тортмайман, қайси участкада бўлса ҳам менга барибир» деб, ётири билан гапиринг.— Муҳаммадамин «энди ўжарликни қўйинг» дея олмади-ю, шунга шама қилди.

Рихсибой aka қуёвининг гапларини эшитар экан, мансабини бирор ҳозирданоқ тортиб олиб қўя ётгандек, эртасига бўлмаса индинига ўғринчи ғалла экиб юргани очилиб қолаётгандек бўла берди.

— Қайдам, нима бўлар экан...— деб қўйди у.

— Ҳеч хавотир қилманг. Мен қараб турмайман. Шу бугундан қолдирмай бирон ишни баҳона қилиб Исмоилжон билан сўзлашаман, гапга тушунадиган одам-ку.

— Барака топинг, ўғлим.

Муҳаммадамин қайнатасининг бир оз ҳовури босилганига ишонч ҳосил қилгач, секин ўрнидан турди. Бувниса холанинг «вой, ошга униаб қўювдим» дейишига ҳам қарамай, отини етаклаб, кўчага чиқди. Қайнатасига яна алланималар ҳақида пичирлаб гапирди, кейин соатига қараб, хайрлашди.

Рихсибой aka бир оз таскин топган эди, ҳовлига кириши билан яна эти увишгандай бўлди. Хотинига гапирмай уйга кирди, икки қўли билан ёстиқни чанглалаб, кўкрагини ерга бериб ётди.

Бошқа кунлари далага чиқишга сал кечикиб қолса, «Рихсибой aka Ҳосилот» деб уйга чақириб келишарди, Ҳозир бўлса кун чоштгоҳга яқинлашиб қолди-ю уни ҳеч қим йўқламади.

Бу ҳол дардини ошириб юборди, гиламнинг гулига тикилганича чуқур ҳаёл суриб кетди. Назариди, шу топда далада, идорада, янги участкада — қаерда иккичукиши тўпланган бўлса, ўша ерда Рихсибой aka тўғрисида «миш-миш» бўлаётгандек туюлди,

Бувниса хола воқиага бошдан-оёқ тушунмаган бўлса ҳам, ақлан сезарди. У дастурхонни йиғиб олгач, уйнинг бурчагига тиз чўкиб, ўзича аллақандай дуоларни ўқиди, мушкулкүшодга ўғириб қўйди.

Рихсибой аканинг кўзлари гиламни тешиб юборгудай бир нуқтага тикилган.

XXIX

Кун бўйи кўкда саир этган қуёш чарчагандай кўринади, унинг кўзлари тобора сузилиб, уйқуга тортмоқда. Ана у чўлнинг фарб томонини қизартириб юборди, уфқа ёнбошлай бошлади. Ҳозир унинг нури кўзларни камаштирмайди, бульдозернинг темир курагида, кетмон юзларида, трактор қисмларида ялтираб жилоланмайди. Фақат ҳув аваби тепалик ёнида ишлаётган экскаваторнинг хартуми баланд кўтарилиганда баҳайбат чўмичнинг ер қазий бериб оқариб кетган тишларидагина қўёшнинг қиззиш акси кўзга ташланиб қолади.

Абдуғафур ота шийпонга яқинлашар экан, узоқда, қишлоқ йўлида ҳавога бурқиб кўтарилиган чангга кўзи тушди, қўлини пешонаси устига соябон қилиб, ўша томонга тикилди. Эгри-буғри кўчада силкиниб келаётган машинани кўрди. Кейин у худди деворда чиқиллаб турган осма соатдан вақтни билмоқчи бўлгандай, ботаётган қуёшга қаради. Қаради-ю, хаёли бўлинди, машинани ҳам унуди. Шу палладаги манзара унга ҳар галгисидан ўзгачароқ бўлиб туюлди. У ҳар куни қуёш билан баббаравар уйғонганида ҳам, ҳозиргидай қуёш ботаётганида ҳам ҳавога, уфқа анчагача тикилиб қолар, «ҳа, бугунгиси баракали бўлди» дегандай ўзича жилмайиб қўярди. Ҳавога булут чиқиб қуёшнинг юзини яшириб қўйгудай бўлса, бир нарсани қидириб тополмаётгандай, диққи нафас бўлиб кетарди. Унинг назариди, ҳар куни қуёш мана шу мовий гумбазнинг тақир ерга туташган нариги томонидан кўтарилиди-ю куни бўйи ўзининг ҳаётбахш нури, яллигини сахийлик билан тарқатади-да, кечка томон яна шу гумбазнинг бу томонига, гиёҳсиз, қоқ-қуруқ ерга, худди тош устига бош қўйгандай ёнбошлайди. Мана шуни кўрганида Абдуғафур ота ачингандай бўларди. Аммо нимага ачинаётганини билолмасди. Гумбазнинг қишлоққа туташган томони қандай гўзал: ям-яшил дарахтлар, боғлар, дала-лар — худди бахмалдай. Агар бу томонлар ҳам ана

шундай бўлса, қуёш дарахтлар орасида кўтарилиб, дарахтзорлар орқасига ёнбошларди.

Абдуғафур ота ўгуларни хаёлидан ўтказар экан, майин шабадада барглари силкиниб турган ёш дарахтларга тикилди. Ўзича пичирлади: «Ҳадемай шундай ҳам бўлади... Ҳув ўша уфқача, ундан ҳам наригача,, ҳаммаси яшнаб кетади...»

— Салом, отахон!

Абдуғафур ота машинанинг келиб тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Ёнига ўгирилиб, киномеханикни кўрди.

— Эй... Ҳасанча, кел ўғлим, машина сеникими?

— Ҳа... Бугун жуда ғалатисини олиб келдим,— деди у кулиб,— уч сўм пул-у, бир калла қанд...

Абдуғафур ота кулиб юборди, аввалги сафар шу картиинани кўрганида, Ҳасанчанинг «шунақасидан олиб кел» дегани эсига тушди.

— Оббо Ҳасанча-е, тағин ўша «Аршин молчи» дегин?

— Худди ўзи. Кўнглингиздагисини топамиз-да, Абдуғафур ота.

Паст бўй, ориқ бу йигитни қишлоқдагилар Ҳасанча деб гапиришар, агар исмига «ча»ни қўшиб айтилмаса, кўпчилик уни танимасди. Катталар, ўз тенгқурлари шундай деб чақиришганида индамаса ҳам қишлоқ болалари югуришиб келиб, қандай картина келтирганини билмоқчи бўлишганида улардан биронтаси «Ҳасанча ака» деб қолса борми, ҳаммасини қувлаб юборар, кинога киритмаслигини айтиб, қўрқитарди. Сал нарсага тажанг бўла берадиган бу йигит ҳар гал янги картина келтирганида ҳеч кимга сўз бермас, ўзини фильмни яратган авторлардек ҳис қиласди. Томошабинлардан биронтаси фильмнинг камчиликлари ҳақида гапириб қолгудай бўлса, жаҳали чиқиб кетар, дарров сұхбатга қўшилиб, «Ўзингиз кино санъатини тушунасизми?» деб жеркиб ҳам берарди. Картиинани кўрсатиш ўзидан бошқа бирон кишининг айби билан сал кечиккудай бўлса, тажанг бўлиб, пешонаси буришиб кетарди. Ҳозир ҳам ана шундай бўлди. Шийпон устунига илиб қўйилган эълонни кўрди-ю, шапкасини қўлига олиб, ғижимлади.

— Бу қанақаси тағин, Абдуғафур ота?— у қўли билан эълонни кўрсатди.

— Иёе, ўғлим, ҳали комсомолмасман дегин?

— Бўлмасам ҳам тушунаман. Яна ўшанақа сухбат экан-да. аҳ...

— Ҳа, нега тажанг бўляпсан?

— Шу бугун вақтироқ кўрсатиб кетарман девдим... Эй, ўша,— у қўлини силтади,— бўлди, қайтиб кетаман.

Абдуғафур ота гўё унинг гапига парво қилмагандай деди:

— Ихтиёр ўзингда, ўғлим. Мен сени тушунарсан деб ўйловдим.

Ҳасанча индамади. Абдуғафур отага бир қараб қўйди-да, шапкасининг козирёгини орқасига қилиб кийганича, машинаси ёнига кетди.

Абдуғафур ота унинг бесаранжом харакатларини кузатар экан, ўзича гапира бошлиди: «Бу — эълон эмас, ойна. Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкаланма. Комсомоллар зўр ишни бошлашди. Тарбия деб мана буни айтади!» У, соқолини силаб, ошхона томонга юрди.

Абдуғафур ота айтганидай, мана шу бир парча қоғоздаги эълон катта бир тарбия мактабининг кичик бўлакчаси эди.

Комсомол комитетининг иш планига кўра «Совет ёшлигининг маънавий қиёфаси» деган темада ўtkазилган биринчи лекция — сухбат уч ойга мўлжалланган режаларни бузиб юборди. Бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Бу нарса комитетда ҳам анча тортишувларга сабаб бўлди. Бирор: «план туздикми, уни бузмаслигимиз керак» деса, бирор «комсомол-ёшларнинг талабини хисобга олмаганимиз» деди, яна бири қўшимча лекциялар ўtkазиш кераклигини айтди. Кейин Тошпўлатовдан маслаҳат сўрашди. У кулиб туриб: «Ҳаётнинг ўзгармас жадвали йўқ. Комсомолларнинг талаби нима бўлса, ўшани қилиш керак» деди.

Ана шундан бўён бир тёма бир неча бўлакларга бўлинниб кетди: «Гўзаллик нима?», «Муҳаббат ҳақида», «Ёлғончи, чақимчилик — эскилик сарқити», «Ўз сўзли бўл» сингари темаларда ўtkазилган сухбатларга кексалар ҳам, қўшни колхоздан келган комсомол-ёшлар ҳам қатнашадиган бўлиб қолишли. Қўпинча бу сухбатлар худди китобхонлар конференциясига ўхшаб, бадиий асарлардаги ҳаҳрамонларга бориб тақалар, уларнинг фазилатлари шу ерда ўтирганлар мисолида ҳикоя қилиб бериларди. Сухбатлар бошлангандан бери кутубхонадаги китоблар қўлдан-қўлга тегмайдиган бўлиб қолди,

Қувончлиси шуки, бу суҳбатларда ҳар ким ўз камчилиги, баъзилари хатосини худди ойнада кўргандай бўлар, ҳатто ўзи ҳам аралашиб «тўғри, шу камчиликлар менда ҳам бор» деб очиқ айтарди.

Абдуғафур ота қишлоққа тушганида икки марта клубга кириб, суҳбат тинглади. Қиз ва йигитлар бурро-бурро гапирав эканлар, унинг кўз ўнгидаги меҳрибон ота-ёки она ўз фарзандларига насиҳат қилаётгандай бўлди. Улар худди бир оиласинт ўғил-қизларидек ҳар бир ишда, юриш-туришда, муомалада комсомол деган шарафли номга муносиб бўлиш, мана шу илгор ёшлар оиласини мустаҳкамлаш ҳақида фикр юритишар, баҳса-лашардилар.

Абдуғафур ота кейинчалик буларнинг ҳаммасини бригададаги тенгқурларига мамнуният билан гапириб берди. «Комсомолнинг асл кучи ҳам шунда экан» деб кўйди у.

Бу галги суҳбат мана шу ерда ўтказиладиган бўлди. Кечга томон қишлоқдан тўда-тўда бўлиб йигит-қизлар чиқиб кела бошлиди. Улар дастлаб янги ернинг янги манзарасини: кун сайин яшнаб бораётган чўлни, иморатлар қуриладиган жойларни, гуркираб ўсаётган ғўзаларни, тепаликни тилка-пора қилаётган қудратли экскаваторни томоша қилишарди. Янги участканинг ҳуснига кун сайин ҳусн қўшилиб бораётгани кимни қувонтирумайди, дейсиз.

Мана шийпон. Ёшлар суҳбатлашиб ўтиришибди. Уларнинг илтимоси билан Собир дуторини олди, кул ранг кителининг енгларини тирсагигача шимариб черта бошлиди. Дастлаб қараганда унинг сергўшт, қорача юзлари ҳуснбузарнинг доғлари билан бадтар бўғилиб кетгандай кўринади. Яхшилаб разм солинса тиниқ, қоп-қора кўзлари ҳамма вақт ҳозиргидай қувноқ, юзларида аллақандай иссиқлик бўртиб тургандай. Бармоқлариторга тегяптими, йўқми, пайқаб бўлмайди. Шўх куй жаранглаб, қалбнинг нозик жойларини қитиқлади. Беихтиёр йигитнинг ҳаракатларига, куйнинг, чўққига қўтарилаётган кишининг манзилга яқинлашгандаги сўнгги интилишини эслатувчи нозик жойи келганда қошлари чимирилиб кетишига маҳлиё бўлиб қоласан, киши. Юзларида ҳамон табассум. Тикилиб турасан-у, нимаси, қайси жозибаси ўзига тортаётганини билолмайсан. Худди сирли ҳароратдай...

— Умрингдан барака топ, ўғлім.

— Яшанг-э, Собиржон.

Күй тугади, Аъзамнинг ўнг томонида ўтирган шофер йигит унга ҳазил қилді:

— Ўзларидан ҳам бир әшитайлик.

— Мен қор ёққанда, машина кабинасида чалиб бераман.

Ҳасанча қайтиб кетишга журъат қилолмади. Абду-тафур отанинг бояги гапидан кейин шахтидан тушди, ўз тараддусини кўра бошлади. Ана у, шийпоннинг чап томонига экран ўрнатиш билан овора.

Одамлар кўпайиб кетганидан, жой тайёрлаш лозим бўлиб қолди. Аъзам Риза билан бирликда супага бара-варлаб скамейка ясар экан, қизлар гуруҳидан аллакимнинг чақирганини әшитди. Алантлаб, кимлигини билолмади. Бир оз ўтгач, ёнида магазинчи Адҳамни кўрди.

— Хорманг, оғайни,— деди қўлини узатиб Адҳам,— сухбатга келибсиз-да?

Аъзам бир оз ўнғайсизланди. Ўшандан буён Адҳам билан энди кўришиб тургани эди. Бирдан унга «бу ерлик эмасман» деб чап бергани эсига тушиб қолди, буни Ризага сездирмаслик учун қўлидаги тахтани ўлчамоқчи бўлиб, ўн қадамча нарига жилиди, секин гапирди:

— Мен шу бригададаман. Ўшанда сизга... гап кўп, кейин айтиб бераман,— у кўз қири билан Ризага қараб қўйди.

— Ундай бўлса жуда соз... Биз ҳам дўконни топширидик.

— А?

— Ҳа, тўртичи бригададаман.... Асли шу янги ерга девдим-у, бўлмади-да... Майли, кўришармиз,— Адҳам бир нарсадан севингандек шундай деганича яна қизлар ёнига кетди, Аъзам тахтанинг бир томонини, ғўза устига қўяр экан, унинг орқасидан қараб қолди, бу тасодиф кўнглига аллақандай ғашлик солгандай бўлди, нотаниш бир йигитга,— йўғ-э, балки, бора-бора қадрдан дўст бўлиб қолар, ахир икковлари ҳам бир колхознинг аъзосику,— ёлгон гапирганидан қаттиқ ҳижолат тортди. Адҳамнинг гапи унга «мен сенга ўхшаган эмасман» деғандай бўлиб әшитилди.

«Мустаҳкам иродали бўл!»

Шийлон устунидаги эълоннинг ўртасига катта-катта сояли ҳарфлар билан ёзиб қўйилган шу сўзлар кимга

қандай таъсир қиласи-ю, лекин Аъзам ҳар кўрганида яраси янгиланаётгандай бўларди. Бунишг устига Адҳамнинг келиб қолганини айтмайсизми. Яна ўша Хосият холанинг икки оғиз сўзи — «кўнгли тоза-ю, кўйлаги кирроқ» дегани эсига тушди. Авваллари Хосият хола унинг кўзига ёмон кўриниб юрди, кейинчалик ундан уяладиган, юзига тик қаролмайдиган бўлиб қолди. Ўртоқлари ўртага олиб чакана гапиришмади. Иродаси бўш, бизга ҳам иснод келтиради, дейишиди. Биронтаси шу ерда қолсин деб ялинмади. Шунда бошини қўйи соилиб сукут қилиб ўтирган Аъзам ўжарлик қилолмади. Кўзларини катта очиб, умидворлик билан ўртоқларига тикилди: «Фикримдан қайтдим, кечиринглар» деди. Шундан кейин, ўзи ҳам анча енгил тортгандай бўлган эди. Орадан бир неча кун ўтди-ю, яна иккиланадиган бўлиб қолди. Қайтиб кетиш фикри анча узоқлашган бўлса ҳамки, барибир, бир нарсасини ўйқотган, иштаҳаси бўғилган одамга ўхшаб юрибди. Эълондаги уч сўз унга бўлиб ўтган воқиаларни бирма-бир эслатди. «Бутун нима гап бўларкин?..» Унинг миясини ҳозир фақат мана шу фикр чулғаб олган...

Хипчадан келган, баланд бўй, қайтарма ёқали кўйлагининг енгларини шимариб олган йигит — комсомол комитетининг секретари Азизов, шийпондаги стол ёнига ўтди. Шимининг чўнтағидан гугурт қутисидек кичкина блокнотини олиб, варақлади, кейин бошлай берамизми, дегандай ўтирганларга қаради. Ўйчан кўзлари билан аллакимни қидирди, ўртадаги қаторда, калта ва сийрак соchlарини бошининг орқа томонига муштумдек туғиб олган, кулча юзли аёлни кўриб, хотиржам бўлди. Азизов бу аёлни, сут соғувчи Евдокия Ефимовнани, жуда ҳурмат қиласиди, унинг ўғли правлениега ҳам, комсомол комитетига ҳам миннатдорчилик билдириб хат юборганида, жавоб ёзишни, совфа-салом ўюштиришни ўз зими масига олган эди. Шу туфайли у билан гойибона дўстлашиб қолган, ҳозир ҳам хат ёзишиб турарди. Азизов бундан уч кун муқаддам фермада бўлиб, Евдокия Ефимовна билан суҳбатлашди, ундан ўз ўғли ҳақида икки оғиз сўзлаб беришни илтимос қилган эди, у рози бўлди. Мана, ҳозир Евдокия Ефимовнага биринчи сўзни бериш керакми, ё бошиқалардан бошлашми? Азизов шуни ўйлаб қолди. Унинг блокнотида тапираман деганлардан

беш кишининг номи ёзилган. Экскаваторчи йигит Зоя Космодемьянская ҳақида сўзламоқчи, Адҳам бўлса ўз отасининг Сирдарёни бўғишида сепоя ташлаганини айтиб бермоқчи. Азизов узоқ ўйлаб турмади, Евдокия Ефимовнани стол ёнига таклиф қилди.

...Владимир тўққизинчи синфи тугатди-ю, менга ҳам билдирамай, заводнинг шогирдлик мактабига кириб олди, Орадан икки ҳафта ўтгандан кейин, бир куни кечқурун ишдан чарчаб келсам, уйда аллақандай чертёжларни ёйиб ўтирибди. Мени кўрди-ю, югуриб ёнимга келди, гуноҳкорлардек гапира бошлиди... Ойи, мен ўзбошимчалик қилиб қўйдим, кечирсанг ҳам, кечирмасанг ҳам бошқа иложим йўқ. Отам вафот этиб, сенга қийин бўлиб қолди. Сингилларим ўқиши керак, буёқда бувим бетоб... Мен шогирдлик мактабига кирдим...— Ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Бир йилдан буён ўқишига таъсир қилмасин деб шу тўғрида ботиниб оғиз очмай юрардим. У бўлса худди қалбимга қўл солгандай, шундай қилиби, бунисидан қувонсам ҳам, барибир ўзбошимчалиги, ўқишини охирига етказмаганидан хафа бўлдим. Кўз ёши қилдим-у, бир нарса деёлмадим. Олти ойгача турмушимизда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Бу мени бадтар хафа қиласди. Ахир, ўқий берганида ўнинчини битириб оларди-да, деб ташвишланардим. Шу кезларда у малака ортдириб, заводда ишлашга кўди, Бир куни қарасам, қўлида аллақандай қофозга ўроғлиқ нарса билан кириб келяпти. Ҳайрон бўлдим. Нима қилиди денг? Биринчи маошидан иккита қизимга туфли билан менга рўмолча олибди. Чўнтагини кавлаб, қолган пулини ҳам стол устига қўйди, менга кулиб қаровди, бу гал ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим, оналар шундай бўлади... Уйимиздаги шу кунги қувончни айтмайсизми? Сира-сира эсимдан чиқармайман. Бироқ, бу узоққа чўзилмади. Уруш бошланиб қолди. Орадан икки ой ўтар-ўтмас ишлаб турган жойимга бирор телефон қиласди. Қарасам, Владимир. Ҳеч бунақа чақирадиган одати йўқ эди. «Мен кўнгиллilar сафига ёзилдим» дейди. Юрагим шув этиб кетди. Нима жавоб қилганини ҳам эслолмайман. Ахир ўн саккизга тўлмаган бола-я, Қўлидан нима келаркин деб ўйлардим. Кейин ўзимни босдим. Сен ҳали ёшсан, ўғлим деёлмадим. Урушнинг ўша оғир кунларида кексалар ҳам, ёшлар ҳам Ватан мудофаасига отланётган пайт эди. Мен буни яхши ту-

шунардим. Унга далда бердим. Майли, ўглим, яхши ўйлабсан сөғ бориб, саломат қайтгии, деб поездга кузатиб қўйдим. Владимир фронтга жўнади...

Евдокия Ефимовна енгилгина хўрсинди, опиоқ ластрўмолнчаси билан бурни учидаги тер маржонларини артиб олди. Унинг сутга ювгандек оппоқ юзлари қизарип кетган эди. «Энди нима бўларкин?» деб ўтирган Аъзам ер тагидан секин Неляга қаради. У, гўё ҳеч нарсага эътибор бермаётгандек, бошини қуии согланича қўлидаги китобчани варақлаб ўтиради.

— ... Ундан аҳён-аҳёнда хат олардим, қисқа-қисқа ёзарди, бир хатида бугун ҳужумга ўтамиш деса, иккинчисида мудофаадамиз дерди. Қаерда, соғлиғи қандай, еб-ичиши дурустми — бу тўғриларда лом-мим демасди. У хатидан бу хатигача юракларим тарс ёрилиб кетгудай бўлар, кечалари ухламай чиқардим. Бирданига уч ой жим бўлиб қолди. Мени ваҳим боса бошлади. Кейин билсам, ўнг қўлидан ярадор бўлиб хат ёзолмабди. Госпиталда икки ой ётиб, яна фронтга жўнади. Орадан бир йилдан мўлроқ вақт ўтди. Яна хат тўхтаб қолди. Бу галигиси мени жуда қўрқитди, тушларим бузилиб, юрагимга ғулғула туша бошлади. Буни қизларимдан яширишга уринардим. Улар бўлса мендан акаси ҳақида ҳеч нарса сўрашмас, қачон бўлмасин мени овинтиришга ҳаракат қилишарди. Шу зайлда беш ой ўтиб кетди. Охири тоқатим чидамади, катта қизимга маслаҳат солдим. Владимиринг хабарини топиш учун ҳаракат қиласийлик десам, қизим яна юпатишга ўтди. Шу кезларда бирдан радиодан хуш хабар эшишиб қолдик. Ўғлимга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилибди. Шу куни бирамас икки марта эшитсан ҳам сира ишонмасдим. Қўшнилар уйга киришди, ишхонадагилар табриклашди. Мен бўлсам кўз ёшимни артиб эплолмасдим, гапирсам лабларим титраб кетарди. Севинганимдан куни бўйи туз тотмабман. Кечга томон толиққанимни билдим. Эсимни ўзимга йиғиб ўйлаганимда, куни бўйи севинганим ҳам бир бўлди-ю, ҳозиргиси ҳам. Қаҳрамон-ку бўлибди, ўзи қани? Нега беш ойдан буён хат-хабар йўқ? Тағин... Йўқ... йўқ. Шунда катта қизим ёнимга келиб, «Ойи, қўрқманг у тирик... Фақат...» деганича кўзига ёш олди. Ҳой, нималар деяпсан, гапирсанг-чи десам, «оёғидан ярадор бўлган, госпиталда, мана хатлари...» деб, бир даста хатни олдимга ташлади. Билсам, Владимир оғир ярадор бўлиб

ётган экан, буни онам ҳам, қизларим, қўни-қўшнилар, қўйинг-чи ҳамма билар экан-у, мендан яшириб юришган экан. Нега яширишади, ахир онаман-ку, оёғидан ярадор бўлса... тузалар, ўзи омон бўлсин, дердим. Хат ёзишиб турдик. Барибир, қанақа яралигини очиқ ёзмасди. У ётган госпиталь Куйбишевга кўчириб келтирилганда, сира ўзимни босолмадим. Бориб кўриб келмоқчи бўлдим. Бу гал ҳам қизларим, қариндошлар мени чалғитишиди. Ахир салкам бир йилдан бери госпиталда ётса, қайси она чидаб тура олади?

Куйбишевга келиб, госпитални қидириб топдим. Ёшигина бир жувон мени жуда хушдиллик билан, танишлардек кутиб олди. Кабинетига олиб кирди.

- «Сиз Владимирнинг кими бўласиз?»— деб сўради
- «Онасиман».
- «Ярадорлигидан хабардормидингиз?»
- «Ҳа, ўнг оёғидан ўқ тешиб ўтган».

Ўзим ҳам шундан бошқасини билмағдим-да. Кейин жувон савол бермади. Мени қолдириб, ўзи чиқиб кетди. Қайтиб кирганидан кейин яна гапга солди, уйимни, ишмни, болаларимни сўради. Мен ичкарига киришга шошилганим сари, у гапни чўзарди. Жўрттага қилаётганини сеза бошладим. Шу пайтда қабинетга бир врач кириб келди. У ҳам номимни айтиб кўришди, ўғлимнинг сабр-тоқатли йигит эканлигини айтиб «соғлиғи дуруст; ҳозир дам оляпти. Яхшиси, кечроқ киринг» деди. Госпиталь эшигидан кўчага чиққанимни биламан. Кўзимни очиб қарасам, скамейкада ўтирибман, ёнимда бир нотаниш кампир пешонамни ушлаб турибди. Йўлда ҳушимдан кетиб, йиқилибман. Шу кампир бечора суюб, скамейкага келтирибди. Воқиани унга айтиб бердим. Шу ерда икковимиз кўринг-кўрманг ҳудди эгачи-сингилдек йиғладик. Оёқ-қўли йўқмикин? Кўздан ажраганмикин? Ёки... бири биридан хунук, бири биридан даҳшатли ҳаёллар мени бўғаётгандай бўларди. Ўзимни босай деб қанча уринсам ҳам бўлмасди. Кампир бечора вокзалга-ча бирга борди. Йўл-йўлакай мени овитди, юрагимга далда берди. Яхшиям шу аёлга учраганим дейман. Бизорз енгиллашгандай бўлдим. Уйига таклиф қилди, ўқ дедим. Чамадонимни олиб госпиталга қайдим. Енгилгина чамадон йўлда бир неча марта қўлимдан тушиб кетди. Босган қадамим орқага кетаётгандай, сира дармоним қолмаган эди,

Етиб келсам, госпиталь комиссари эшик олдида кутиб турған экан. Қўлимдаги чамадонни ола туриб сенгина «ҳурматли Евдокия Ефимовна, ўғлингизни ортиқча гаига тутманг, йиғламанг, ўзингизни босинг» деди-да, бояги кабинетга бошлаб кирди. Владимир билан шу ерда учрашдим. Ҳамма нарса тўғрисида гаплашдик. Фақат унинг яраси, қаери майиб бўлгани ҳақида оғиз очмадим, у ҳам индамади. Мен ўзимни зўрға тутиб ўтиредим, бир неча марта сув сўраганимни биламан. Ўғлим ҳаяжонланаётганимни сезди шекилли, «Ойи, ҷарчагансиз, бугун дам олинг, эртага яна гаплашиб ўтирамиз» деди. Хўп болам, сен ҳам дам ол дедим-у, чиқиб кетдим. Эртаси куни унинг палатасига кирдим. Кроватда оплоқ чойшапга ўралиб ётган эди. Икки оёғи тиззасигача йўқлигини шунда сездим. Қўзимга кичкинагина бўлиб кўринди. Мен уни қўлимга олиб кўтаргим, қучоқлаб бағримга босгим, оғриқларига малҳам бўлгим келарди. У ҳам шундай қўлмоқчи бўлганимни сезарди... Ахир ўғлим-ку, нега сезмасин. Шуининг учунми нуқул мени чалғитишга уринарди. Кейин фотокарточкаларини, хатларни кўрсатди. Қонга бўялган комсомол билетига кўзим тушганида, юрагим орқамга тортиб кетди, унга сездирмай лабимни тишлиладим-у, кўз ёшимни тўхтатиб қолдим...

Шийпонда шундай осойишталик, сукунат хукм сурардики, баргларнинг шитирлаши ҳам, даланинг нариги ёғидаги ариқда оқаётган сувнинг шилдираши ҳам кишининг ғашига тегар, суҳбатни бўлиб қўяётгандай бўларди. Бу орада Евдокия Ефимовна бир-икки марта кўзларида пайдо бўлган ёш томчиларини сездирмай артиб олди. Ўтирганлар орасида ҳам кўзёши қилганлар бўлди. Она! Ҳа. Оналар шундай. Фарзандим деб ҳар қандай оғир дақиқаларда ўзини тута олади, ҳаммасига бардош бера олади. Кейинчалик, бирон қишига ўз босидан ўтказганини гапириб бергудай бўлса, ҳозиргидай юракларни эзади. Бироқ, булар ҳаммаси ўша ўғли ёки қизининг вояга этиб, пок қалбли, мард бўлиб этишган пайтларида, бир оғиз «онажоним» деганида унут бўлиб кетади. Ўша енгилтак Ҳасанча ҳам, кўпни кўрган Абдуғафур ота ҳам бу аёлга термулар эканлар, онанинг қалби қанчалик қудратли, меҳри қанчалик қайноқ эканлигини бутун борлиқлари билан ҳис қилишмоқда. Аъзамчи? Ҳам чуқур ўйга толган. Назарида, шу

ёшга келиб, бир қақалик фойдали иш қилмапти, турмушни еб-ичиш-у, кийиниш деб юрган экан. У икки онани — Евдокия Ефимовна билан ўз онасини, «ўзингни бил, болам...» деб насиҳат қиласидиган онасини кўз олдига келтиарди. Муҳиддин акасини эслади. Комилжоннинг хаёли бир зумда ўзи ётган госпиталга бориб етди.

...Владимир беш ойдан кейин уйга келди. У ёғоч оёқда юрарди. Юргани бор бўлсин, турган-битгани азоб эди. Бундан ўзи ҳам асабийлашадиган, баъзи вақтларда ўзини ўзи урадиган бўлиб қолди. Нима қилишимни билмасдим. Тез наркоз беринг деб қистарди. Врачлар шунча тушунтиришиди, бора-бора наркозга ўрганиб қолса яхши бўлмаслигини айтишиди, бўлмади, кейин мен шаҳар комсомол комитетига бориб, секретарга маслаҳат солдим. Эртасига ёк секретарь ёнида бир гуруҳ йигит-қизлар билан келишиб, анчагача Владимир билан гаплашишиди, мен жўрттага аралашмадим. Шу кундан бошлаб уйимизга мактабнинг юқори синф ўқувчилари, заводдаги комсомоллар тез-тез келиб туришди. Орадан сал вақт ўтмай, наркоз дейишни ҳам унудти. Бу мени жуда ҳам қувонтира бошлади. Шу кезларда комсомолнинг ҳисобот сайлов йиғилишлари ўтаётган эди. Бирдан Владимирни конференцияга делегат қилиб юборишди. У ерда Пленум аъзолигига сайлашибди. Владимир кўз олдимда кун сайин ўзгариб борарди. Сингилларига қаттиқ гапирмас, ётири билан насиҳат қиласар, менга ҳам жуда меҳрибон бўлиб қолди. Юриб келиб, оёғи қаттиқ сирқиллаб оғрийдиган пайтларда қарасам, ранги қув ўчади-ю, тишини тишига қўйиб ўтирганини сезиб қоламан, раҳмим келади. Бир куни, «оий, мен тўққизинчи синфга борадиган бўлдим» деб қолди. Ич-ичимдан севиндим-у, ўйлаб кетдим. Биз томонларда қиши қаттиқ бўларди, тиззагача қор ёғади. Қандай қатнар экан энди. Қаранг, мактаб комсомоллари бунинг йўлини топишибди. Қор эриганда бўлса, бир кун опичиб олишса, бир кун қўлтиридан суюб мактабга элтишарди. Кошки тинчгина ўқиган бўлса, шу ҳолида мактабда ҳам, уйда ҳам танца тушарди, ҳар гал танцадан кейин тиззаси шилиниб қонаб кетар, болам, қўя қолсанг-чи, десам, мени уришиб берарди. Шунаقا пайтларда ўртоғи Гриша уни ҳамомга олиб борарди, қайтиб келгач, яна ҳеч нарса қўрмагандай, менга кулиб қаарди-да, «оий, қўрқма, ўртоқларим мени якка қўйишмайди» дерди. Барака топ-

кур, қиз-йигитлар уни бир нафас ҳам якка қўйишмасди. Ёғоч оёқ синиб қолса, дарров тузатдириб беришар, унгача ўзини опичиб юришарди. Буларни кўриб мен чекка-чеккада йиглардим. Углим билан Гриша мактабни олтни медаль билан битиришиди, иккови ҳам Москвага, институтга ўқишига кетишиди. Мана ҳозир улар аспирантурада. Владимир уйланиб олган, битта неварали ҳам бўлдидим...

Евдокия Ефимовна шу сўзни айтиб, қулиб қўйди. Утирганлар бир-бирларига қараб олишди. Аъзам Неляга тикилиб турди-да: «Нега шуларни менга айтмовди» деб қўйди ўзича. Неля унинг қараб турганини сезса ҳам, гўё ёнида ўтирган Юлдузхоннинг кўйлагини энди кўргандек унга тикилиб ўтиради.

— ...Уз фарзандим ҳақида гапириш ноқулайроқ бўлса ҳам ёшларнинг илтимосини қайтаролмадим. Агар Владимирнинг иродаси заррача намуна бўла олса, мен қувонардим. Нимасини айтаман. Мана ўрталарингизда қизим ўтирибди. Уни мақтамоқчи эмасман-ку, акасига ўхшаб «ўзбошимчалик» қилганини айтмоқчиман. У ҳам шундай қилди-да. Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашман деб ўзи ариза бериб келиб, менга кейин айтди. Катта қизим турмуш қуриб кетгани учун ўзим ҳам Неля билан бирга келавердим. Келганимга, қизимнинг шу йўлга бошлаганига сира хафа эмасман.

Қарсак чалиб юборадиган пайти келди-ю, Нелянинг ўтирган жойидан «бўлди, э» дегани ҳамманинг эътиборини ўзига тортиди.

«Бу суҳбатда гапирадиганлар ҳойнаҳой мени тилга олишади» деган ташвиш билан бошини қотириб юрган Аъзамнинг авзойи бутунлай ўзгариб кетди. Евдокия Ефимовна ҳам, бошқа гапирганлар ҳам унинг номини тилга олиш ўёқда турсин, «ичимиизда иродаси бўш ўртоқлар ҳам бор» дегангага ўхшаш шама ҳам қилишмади. Аъзам суҳбат авжи қизиган пайтда, ердан узиб бўлмайдиган юкни кўтариш учун бор кучини сарфлаган кишидек қўл кўтариб, стол ёнига борди. Ўртоқлари бу ҳолга тушуниша олмади. Улар бир-бирларига сирли қараб олишди. Бу қараашларда: «Нима деркин? Тайёрланмаган эди-ку. Гапира олармикин? Ё тагин қайсанарлик қилиб...» деган ташвиш яққол сезилиб турарди.

Аъзамнинг юзлари оқарив кетган, ҳаяжони шундоққина вужудига бўртиб чиққан.

— Мей суҳбатга тайёрланмаган эдим. Ҳозир гапир-моқчи ҳам эмасман. Фақат бир нарсани сўрамоқчиман. Шу тўғрими, йўқми? Владимир нега шогирдликка кирди, нега фронтга кетди, нега тағин ярасининг азобини ҳам унтиб, ўқиди? Үйлаб турсам, у ҳар гал ҳам катта катта мақсадни кўзлаб шундай қилган экан. Яқинда менга ўртоғим Муҳиддин «Мардлик» номли китобни берди. Унда Амурдаги Комсомолск шаҳри қурилиши ёзилган. Шу катта шаҳар қандай лайдо бўлган экан? Битта, иккита, ўнта, юзлаб палаткалардан бунёдга келибди. Биринчи бўдиб шу палаткаларни қурган, унда совуқча чидаб яшаган ёшлар нега шундай қилишган. Буни ҳам мен катта мақсадни кўзлаганлари учун шундай шаҳар кура олишган деб ўйлайман. Мен буни ҳозиргача тушунмас эканман. Шуларни үйлаб турсам, биз ҳам бу ерга фақат ишлаш учун келмаган эканмиз. Катта мақсадни кўзлаб келган эканмиз, деб тушунаман. Шу тўғрими?

Солижон ўрнидан туриб, «яша» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Атроф-теваракдан «тўғри» деганлар унга қараб кулиб юоришиди.

— Унда бўлса тушундим. Дуся холамга суҳбатлари учун ҳам, шундай ўғил тарбиялаганлари учун ҳам катта раҳмат айтаман. Агар хўп десалар менга адресини берсинлар, Владимирга хат ёзаман, уни меҳмонга чақирамиз...

Бу гал ҳамма чапак чалиб юборди. Юлдузхон нима учундир Неляни қучоқлаб олди. Муҳиддинга қараб кулиб қўйди.

Ҳасанча шалкасини бостириб, аппарати ёнига шопнилар экан, Абдуғафур ота уни тўхтатди:

— Қайтиб кетмабмидинг, ўғлим?

XXX

Шийпон тўғрисидаги гулзор саҳрога туташган рангоранг ипак гилам сингари кўзни қамаштиради. Теваракатрофи, бурчакларидағи қуббаларга чим ётқизилган, ўртасига катта юлдуз шаклида экилган живир-живир, хилма-хил гуллар товланади, юлдузнинг ҳар бир хонасига Тошпўлатов келтирган атир гуллардан ўтқазилган; атрофларида садарайҳон, дастар, қашқа, картошка гуллар кечки салқинда ажиб бўй таратиб, яшнаб турибди. Гулзорнинг ўнг томонидан бошланган, баъзилари битай

деб қолган қатор уйлар чўлнинг қиёфасини күп сайин ўзгартириб юбормоқда. Колхозчилар, бинолар қад кўтариб, кўзга кўриниб қолгандан буён, кечки пайтлари шу гулзор атрофига жой қилиб, дам олиб ўтирадиган бўлиб қолишиди.

Авваллари гулзорга ҳеч ким эътибор бермас, шу тўғрида гап очилиб қолганида ҳам, «гулчининг ўзига қўйиб беринглар» деб, Муҳиддинга ҳазил қилишарди. Гуллар кўзга ташланди-ю, ҳамма «гулчи» бўлиб қолди. Қўли тегмаган ҳеч қим қолмади. Райхоннинг битта шоҳини узаман деб гулзорга яқинлашган ҳар ким ҳам бу ерда бир оз туриб қолар, бегона ўтларни юлиб ташлар, чимлар устига тўқилган гул япроқлари, райхон урупларини ҳафсала билан тозалар, жилла бўлмаганда, эгилиб қолган шоҳларини жўтариб, боғлаб қўярди. Шундай қилаётган кишини Абдуғафур ота кўриб қолгудай бўлса, югуриб келиб, олдин янги очилган атир гулдан биттасини узиб, дўпписи тагига қистириб оларди-да, «ҳаҳ ёқмай қолсин-а, бора-бора ҳамманг гулчи бўлиб кетмасанг» деб пичинг қилиб қўярди.

Муҳиддин даладан қайтиб ювинди, кийимларини айрибошлаб, тўғри гулзорга келди, садарайҳонларни бир силкитиб юборди-да, тўқ-қизил ғижим духобадек ёниб турган гуллардан бир нечтасини узиб олди. Гул бандидаги тиканларни тозалар экан, енгил шабада билан мовий денгиздек чайқалаётган пахтазор унинг назарини ўзига торти. Ҳар тупдаги маржон-маржон бўлиқ кўсаклар унинг қачондир отаси айтган сўзни эслатди: «Пешона теринг билан ўстирган ҳар бир туп ғўза етилганда, бир даста гулдан чиройли кўринади». Муҳиддинга ҳозир шундай кўринди. Куни бўйи ғўзалар орасида юрса ҳамки, шу топдаги гашти жуда бошқача, отаси айтгандай эди.

— Хорманг, ўғлим.

Муҳиддин орқасига ўгирилиб, Рихсибой акани кўрди.

— Гулларам роса етилибди-да, бай-бай, бугун ўртоғингизнинг тўйи эканда-а?

— Шундай, Мирзачўлдаги тўйи бўлади,— хушёқмаслик билан жавоб қилди Муҳиддин.

— Яҳши, яҳши,— Рихсибой aka шундай деб, елкасидаги кетмонини ерга қўйди,— қаерга туширмоқчисизлар?

— Хосият холам қўярмидилар, ўша эшитганларидаёқ жой тайёрлаб қўйганлар, ўзимнинг багримда бўлсин дейдилар.

— Яхши, барака топсин, Хосиятхон,

Муҳиддин ўша мажлисдан кейин Рихсибой ака билан бириңчи дафъа юзма-юз гаплашиб тургани эди. Бу орада унга иши ҳам тушмади, бирон гапи ҳам бўлмади. Ҳозир Рихсибой аканинг мулойимлик билан гапираётганига таажжубланди, унинг юзига тикилиброқ қараганида, пуфакка игна санчгандек сўлиб қолганини кўриб, ўзича ачинди.

...Рихсибой ака орқаваротдан Абдуғафур отанинг ҳосилот совети раиси қилиб тайинланганини эшитди-да, уч кун босим қишлоқда кўринмади. Бу орада ғаллакор бригада бошлиғи билан учрашиб, хуфя қилиб юрган ишларини пухталаб, хотиржам бўлди. Тўртинчи куни де-ганди, Муҳаммадаминнинг зўри билан идорага чиқдич. Қўл қовуштириб Акрамовнинг кабинетига кириб борди.

— Эй, Ҳосилот, бормисиз, бардаммисиз?

Рихсибой ака «мени аввалгидек Ҳосилот деб масхара қилияпти» дегандай ишончсизлик билан раисга қарди. Буни пайқаган Акрамов саволини яна такрорлади.

— Қанақа тағин саломатлик бўлсин. Исмоилжон?— деди Рихсибой ака,— ёшимиз бирнимага бориб қолди, бир оёғимиз ерда бўлса, бир оёғимиз...

— Ҳай-ҳай-ҳай, шошманг, нималар деяпсиз ўзингиз, шу дамгача сиздан бунақанги гапларни эшитмаган эдим, тўсатдан... Эй, қўйинг-эй.

Рихсибой ака хомуш ўтирганича носқовоқни ўйнар экан, қўёвингинг: «Ниҳоятда ўзингизни айбдор қилиб кўрсатинг, шунда ютасиз» деганини эслади. Акрамовга яқинроқ келиб, қулоғига шивирлагандай овозини пасайтириб гапира бошлади.

— Энди мен нима қиласман, Исмоилжон? Оппоқ соқолим билан мана бундай номусга қандай чидайман. Ҳар бир туп гўзага юрагим ачириди. Эҳ, хомкалла, ўзимга ўзим чукур қазидим-а...

Раис унинг сўзларини тинглар экан, «айтмабмидим сизга» деб юборишига сал қолди, ўзини босиб, қулоқ солди.

— Биласизми, Исмоилжон, нодонлигимдан, тўғрироғи, ўжарлигимдан шундай бўлди, ҳа, шарманда бўлдим...

Раис шунча совуққонлик қиласа ҳам бўлмади. Рихсибой акага ачйиди.

— Сизни ҳеч ким шарманда қилиш ниятида эмасди, шунчаки кўнчиллик камчиликларингизни очиб ташлади. Тўгри, аямай танқид қилишди, бундай қилишга колхозчиларниг ҳақи бор эди, сиз уларнинг ишончини оқлай олмадингиз.

— Буларни ўзим ҳам биламан, Исмоилжон,— ғамгин оҳангда гапирди Рихсибой ака,— дардимни янгилаб нима қиласиз.

— Ийе, бўлмаса-чи, танқид деган нарса кишиларни тузатади.

— Кексайиб қолдим, танқидга кўниколмайман.

— Кўника олмасангиз, бундан каттароқ хатога йўл қўйишингиз мумкин.

— Энди мен нима қилсам экан-а, Исмоилжон?— титроқ овозда сўради у.

— Ишлайсиз!

— Эй, ҳали билакларим бақувват, меҳнатдан бош тортмайман.

— Жуда яхши,— деди-да, ўйланиб қолди раис,— бўлмаса бундай қилайлик. Янги участкада ҳозирча сувчилик қилиб туринг, тажрибангиз бор, кейинчалик кўрармиз, балки, бирон звенони оларсиз.

Рихсибой ака ясама кулги билан раисга тикилди.

— Звено берасизларми, ишонсанглар...

— Нималарни ўйлайпсиз? Гап шу. Фақат баъзи одамлар билан гина-кудуратингизни қўйинг, хўпми?

— Хўп, Исмоилжон, хўп.

Рихсибой ака ўша куниёқ янги участкага чиқиб кетганича тўрт кундан бўён шу ерда бригада гўзаларини сугориб юрибди. У, энди ҳамма билан яхши муомала қилас, икки гапнинг бирида «ҳа, энди бўлар экан-да, яхши от ҳам қоқилади-ку» дейдиган бўлиб, ҳозир Муҳиддинга ҳам худди шу зайлда гапира кетди.

— Ҳа, омон бўлинглар, ўғлим, кексаликда билмай қоларкан-да киши, энди тушунялман. Тўгри танқид қилдинглар.

Муҳиддин Рихсибой акадаги бўндай ўзгаришга ҳеч тушунолмади. Нима деб уни юпатишни ҳам билмай қолди.

— Камчилик ҳаммада ҳам бўлади, ота,— деб қўйди, оҳиста.

Рихсийбай ака яна нималарни дир гапирмоқчи бўлиб турганида Риза келиб қолди. Ота «хайр, мен борай» деди-да, кетмонини олиб, шийпонга кетди. Орқасидан қараб қолган Муҳиддин: «бир нима демоқчи эди-ю, гапиролмади» деб қўйди ўзича.

Риза нима ҳақда сұхбат бўлганига эътибор бермади, Муҳиддин узатган битта гулни ола туриб сўради:

— Агар рухсат берсангиз, ўртоқ гулчи, гулзордан ўз қўлим билан ҳам узиб олсан?

— Гапларинг бошқача, Риза, тушунолмадим. Гулзор биргина менини эмас-ку, ёки бу ерга энди келяпсанми?

— Тўғри, гулзор ҳаммамизники,— Риза кулди,— аммо атир гулларни алоҳида муҳаббат қўйиб ўстирдинг, оғайни. Шунинг учун рухсат сўраяпман. Чунки бир марта рухсатсиз гул узиб, оғзимиз куйди.

— Оғзимиз куйди!— Муҳиддин ҳайрон бўлди,— нима эканлигига тушунолмаяпман, Риза!— У, ўз саволига ҳа деганда жавоб ололмади, Ризанинг қаттиқ ҳаяжонда эканидан, қайта сўради:

— Сенга нима бўлди, оғайни? Гапир.

— Агар,— деди Риза қўлидаги гулни ҳидлай туриб — озгира вақтингни аямасанг, анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрган гапим бор эди.

— Қани гапир, ўзи тинчликми?

Улар бир чеккага, гулзорнинг четига тиз чўкишиди.

— Ҳеч сени ҳоли топиб гапиролмадим. Доим бандсан. Бундай нарсани ҳар кимга ҳам гапириб бўлмайди, ўйлайманки, бу сир ўртамиизда қолар.

— Ийе, мени энди синаяпсанми, Риза, қани айт.

Риза сўзни бошлишдан аввал чўнтағидан тахтлоғли оқ шойи дастрўмолча чиқарди. Аллақаерини артмоқчи бўлгандай уни ёшиб юборди.

— Буни танирсан-а?

Муҳиддин ўзини билиб, билмасликка олди.

— Йўқ, энди кўраётганим.

— Тўғри, сен уни энди кўраётганинг, ма, бўлмаса яхшилаб кўриб ол,— у рўмолчани Муҳиддинга узатди.

Муҳиддин рўмолчани, унга ипакдан тикилган гул ва ҳарфларини хавас билан қўздан кечирапкан, Риза унинг юзига тикилди.

— Жуда чироили. Ким тиккан Риза? — сўради Муҳиддин кўзини рўмолчадан олмай.

— Ким дейсанми? Аслида, оғайни, бу сенга атаб тикилган,— Риза шу гапни айтиб, нима учундир оғир нафас олгандай бўлди.

— Қўйсанг-чи, нега менга аталади, ўзида ёзиб қўйи-либди-ку. «Р. М.», яъни Риза Муҳамедовга!

— Нега Раҳимов Муҳиддинлигига ишонмайсан?

Муҳиддин бу тасодифдан кулиб юборди.

— Айтганингдай, икковига ҳам тўғри келар экан, қани тушунтиричи, ўзи нима гап?

— Тушунтиришнинг нима ҳожати бор,— маъюс жавоб берди Риза,— ҳаммага маълумки, у сени севади.

— Ким?

— Меҳрихон.

— Муҳиддин ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Ким айтди сенга?

— Айтармиди, мана ёзиб қўйибди-ку, рўмолга.

— Бўлмаса менга бермасмиди?

— Ҳамма гап шундаки, у ўзи бергани йўқ, мен тортиб олдим. Шунда мен ҳарфини кўриб, ўзи менга аталган экан-у десам, йўқ, сизга эмасди деди. Қизиқ устида бу гапни ҳазил деб ўйлабман. Кейин билсам...

— Нимани билдинг?

— Қўйсанг-чи, мени тушунмайди дейсанми. Барибир сен мана Юлдузхон билан...

— Менга қара, Риза, ахир мен Меҳрихон билан дурустроқ сўзлашган ҳам эмасман.

— Севиш учун узоқ сухбатлашиш шарт эмас,— деди Риза боягидек маъюс овоз билан,— йўқ дўстим, сен менга очиғини айт,— у Муҳиддиннинг кўзларига тикилиб олди,— комсомолсан, ростини айт, яширма. Сен уни севасанми, ё йўқми?

Муҳиддин нима дейишга ҳайрон бўлди. У, мулоим гапира бошлади.

— Хўп, дўстим, шундай бўлса очиқ-равшан гаплашайлик. Ҳозирча мен биронта қизни севмаганман. Водилда ҳам бирон қиз билан муҳаббат тўғрисида... Шунақанги лаб-даҳан йўқлигини яхши биласан-ку, оғайни. Фақат бу ерга келдиг-у, мана шу Юлдузхонга юрак жиз этиб қолди, борган сари ёнса ёнадики, асти пасаймайди. Қисқаси, мен уни севаман, у ҳам... мени... Энди, Меҳри-

хон бўлса, у мени севган эмас, бундай бўлиши мумкин эмас.

Унинг сўзларини диққат билан тинглаётган Риза гоҳ ишонар, гоҳ ишонмасди. У секин сўради:

— Бўлмаса хат-чи?

— Хат дейсанми? Эй, энди тушундим,— деди Муҳиддин кулиб.— Энди оғайни, бу шубҳаларинг жуда ортиқча? Тўғри, мен Меҳрихондан иккита хат олдим. Аммо, булар оддий комсомол ўртоқларига ёзиладиган хатлар... Аксига ёнимда эмас, кўрсатар эдим. Шошмачи,— Муҳиддин чўнтагини тита бошлади, қоғозлар орасидан Меҳрихондан келган бир хатни топди,— мана топдим биттасини, у хатни очиб Ризага кўрсатмай турди,— бу иккинчи ёзиши, унисини ҳам топиб кўрсатаман, нима ёзган дегин, ҳатто сенинг тўғрингда ёзиб юборишими сўраган. Севмаса шундай қиласмиди?

Ризанинг баданлари жимиirlашиб кетди, шошиб қолди.

— Қани, кўрсат-чи,— у хатни қўлига оларкан, ўзига таниш рангдаги сиёҳ, қоғоз кўзига оловдек кўринди, севиниб ўқий бошлади,— «Ишларингиз яхшими? Ризакам чарчаётгандлари, зерикаётгандлари йўқми? Мумкин бўлса очиқроқ ёзиб юборсангиз...»

Ризанинг кўзлари чақнаб Муҳиддинга қаради.

— Яша оғайни, яша. Мени кечир. Ҳозир, шундай хурсанд қилдингки, мени,— дея уни қучоқлаб олди. Риза.

— Ўзингга хат келяптими?— сўради Муҳиддин.

— Келяпти. Аммо, сира кўнглини очиб айтмайди, ҳайронман?— хафасимон жавоб берди Риза.

— Ҳайрон бўлма! Биласанми?— деди овозини пасайтириб Муҳиддин,— қизлар сира ҳам очиқ айтмас экан. То айтгунча мана шунаقا сенга ўхшатиб соясидан шубҳаланиб юраркан, билдингми?

— Энди ишондим, бўлди.

— Энди, биласанми, оғайни... Сендан ҳам бир илтимосим бор. Бу хат келганини Юлдузхон кўриб қолган экан. Ӯшандан бери... Кўрсатсам ҳам бўлмади. Юлдузхон билан учрашганингда...

— Эй, ҳали шунаقا дегин. Бўлди. Буни боплайман, дўстим боплайман,— деди севиниб Риза ва ҳазиломуз гап ташлади,— лекин ҳалитдан шунчалик ғаш кўраёт-

ган бўлсалар дейман, кейинчалик рухсатсиз уйдан чи-
қолмай қолар экансан-да.

Икки дўст гап билан бўлиб вақтинг кетиб қолгани
ни сезишмапти. Узоқдан Солижон билан Аъзамни кўриб,
шошиб қолишиди. Риза ҳам шоша-пиша гуллардан узди.
Йўл-йўлақай ип билан боғлаб, катта гулдаста қилишиди.
Тўрттовлари машинага чиқишиди.

— Ярим соат қолди,— деди Муҳиддин Ризага,— ро-
са эзмалик қилдик-да.

— Бемалол етамиз, хавотир бўлма,— деди оғзи қу-
логида бўлган Риза. Ҳозир у ҳаммадан ҳам ўзида йўқ
хурсанд.

Машина тўғри станцияга юрди. Улар кечки поездда
келаётган азиз меҳмонни — Собирнинг хотинини кутиб
олишади.

XXXI

— «Қоронғида топишган қайната-куёв» — ўқиди-ю,
ўзини тутолмай кулиб юборди, Адҳам,— сарлавҳасини
роса боплатими,— дея газетанинг шу жойини ўқишига
қулади қилиб буқлаб олди.

Шийпондагилар орасида кўтарилган кулги босилиб,
ғала-ғовурга айланди. Фельетон ҳали ўқилгани йўқ-ку,
баъзи одамлар ундаги фактларни билиб олишган, ўзла-
рича фикр юритишарди:

— Бутун Ўзбекистонга маълум бўлди дегин?

— Бўлмаса-чи, қилмиш — қидирмиш деб шуни айта-
дидা.

— Нимасига етказолмаганкин?...

— Кўнгли қора бўлгандан кейин...

Кўйиб берса бу «миш-миш»лар ҳали бери тугамай-
диганга ўхшайди. Шийпон устунига суюниб, чой ичиб
ўтирган Ҳамдам aka шов-шувни бостириш учун ён-вери-
дагиларга бир-бир қараб чиқди-да, Адҳамга деди:

— Ўқи!

— ... Қоронғида топишган ҳамроҳнинг қилмиши
ҳам қоронғидир... Қайната Рихсибой мансабга ўтирган
кезлари кечаларни уйқусиз ўтказадиган, ухлаганда ҳам
аллақандай тушлар кўрадиган бўлиб қолди. Тушида ну-
қул ахлат ичиди ўралишиб юрармиш. Хотинига айтса
«бу давлат, Нозира, худо бермоқчи бўлган давлат шу»,
деди. Рихсибой давлат келадиган манбани ахтара бош-
лади, охири топди.

— Хотин шундай қилсам нима дейсан? — сўради у хотинидан.

— Жуда яхши, нимасини ўйлаяпсиз, шу ерларга сиз хўжайинми, ахир? Шундай бўлгандан кейин эктира беринг, ҳеч ҳаромлиги йўқ, она сутидай ҳалол

— Тўғри айтасан,— деди ўйланиб Рихсибой,— бўлмаса мен бир куёвинг Муҳаммадаминнинг олдидан ҳам ўтай... Ахир куёвни пайғамбарлар сийлаган; иккиламчиси, у район қишлоқ хўжалик бўлимида ишлайди-я.

— Ҳа, ҳа, шундай қилинг, Нозира,— деди хотини ва фотиҳа берди...

Каромат ялт этиб ёнида ўтирган ошпаз хотинга қарди-да:

— Ана, сутдан оқ, қордан тоза отинчангиз,— деб пи-чинг қилди.

— Нега менинг отинчам бўларкан, афтини ел ёпсин ҳаромхўрнинг,— жавоб қилди ошпаз, ижирғаниб.

— Бир нафас жим туринглар, эшитайлик,— деди яна бир аёл.

— ...Қайнатанинг режаси куёвга маъқул тушди. Қирда экилган буғдойдан икки гектари плангә жиритилмади...

Ўтирганлар бир-бирларига қараб олишди. Ҳамдам ака ўзича алланималар деб, соқолини тутамлади.

— Икки гектар-а, оббо нафсингга нағал тиқилгурэй,— ғазабланиб гапирди кўк яктакли чол.

—... Бора-бора бу икки гектарни камзулининг чўнтағидек ўзиники қилиб олди, истаганида қўл солиб, уннаганини ола берди. Ўтган йили кузагида ғаллакор бригаданинг аъзоларидан бир неча киши бу ҳақда район газетасига мақола ёзиб юборишли. Мақола сувга ташланган тошдек дом-дараксиз кетди: орадан анча ўтгандан кейин авторлар «Фактлар тасдиқланмагани учун қолдирилди» деган жавоб олиб, ҳайрон бўлишди..

— Ийе, фактларни ким текширган экан? — Юлдузхондан сўраб қолди Нафиса.

— Бундан чиқдики, шу ернинг ўзида бости-бости қилиб юбормоқчи бўлишган экан-да, тавба,— деб қўйди Ҳамдам ака.

—... Мазкур сатрлар автори бу иш билан шахсан танишиб чиқди. Редакция мақолани қишлоқ хўжалик бўлимига текширишга юборган, бўлим ходими бояги куёв деганимиз Муҳаммадамин «синчиклаб текшириб»

«боплаб» жавоб ёзган экан. Бушинг эвазига у қоплаб ун олиб турган.

Адҳам фельетонининг давомини ўқиёлмади. Эндиғи шов-шувни тўхтатиш қийин эди. Бирор Рихсибой ақанинг хотини ишга чиқмай паранжи ёпиниб тўйма-тўй юрганини гапирса, кўк яктакли чол Рихсибойнинг манманлигини айтиб, бир куни чойхонада маст ҳолича аллаким билан уришгани, «менга тил тегизадиганнинг боши ўнта» деб дўқ қилганини сўзлай кетди.

Ҳамдам аканинг диққатини ўзига тортган нарса Муҳаммадаминнинг хатти-ҳаракатлари бўлди. «Нега шундай бўлди-я,— ўйлай кетди у.

— Баъзибир одамларнинг юриш-туриши, туваётган иши, ясама гапларидан унинг қалби поклигига шубҳа қилгандай бўласан-у, тагин ўзингни босиб, ўйлаб қоласан, наҳотки шундай мансабдаги одам билмай қадам босса деб, ўзингга ўзинг ишонмайсан. Бу ҳам майли-я, гоҳо шундай одамларга ишинг тушиб қолганида, тўрачилик қиласа ҳам, ҳой, сен нима қиляпсан деб айтольмайсан. Қалб ишни у қилади-ю, уни сен ранжитишини ҳам истамайсан. Аслида шу ногўри экан. Мана, нима бўлди? Рихсибой кимнинг тавсияси билан ҳосилотликка сайланган эди? Худди ана шу куёвининг. Ўшанда биронтамиз, правление аъзоси бўла туриб ўзим ҳам «ҳой шошманлар, юқоридан тавсия қилишгани яхши, илло, ўзимиз ҳам атрофлича ўйлаб кўрайлик дедикми? Йўқ. Уни тавсия қилган правление йиғилишида шахсан қатнашган Муҳаммадаминнинг андишасини қилдик. Рихсибойнинг хотини уйма-уй юриб, мушкулкушод ўқиётганини муҳокама қилганимизда-чи? Шунда масаласини қаттиқ қўйган эдик. Нима бўлди? Яна ўша Муҳаммадамин орага тушиб, бости-бости қилиб юбордик. Томорқаси масаласи-чи? Ҳосилот бўла туриб, ҳамманинг кўзи олдида бир ярим норма олган эдiku. Нега шунда кўролмадик, томорқасидаги ортиқча ерини тортиб олиш билан кифояланиб қўя қолдик. Аслида Рихсибойнинг нияти ўша томорқани кўп олишда бузилган экан-у, буёфини билмабмиз-да. Эртага мендан ҳам сўрашади: правление аъзоси бўлиб, шуни пайқамабсиз-да, дейишиди. Нима жавоб қиласан. Ҳушёрликни қўлдан бериб қўйибмиз дейманми? Ҳа, ҳақиқатда шундай...» — Ҳамдам ака пешонасида пайдо бўлган терни артиб, Адҳамга қаради.

Стол ёнида турган Адҳам ўтиришини ҳам, фельетоннинг давомини ўқишини ҳам билмасди, бояги шивирлашлар сұхбатга айланиб кетган эди.

— Қани, энди, буёғини ҳам эшитайлик,— деди Ҳамдам ака — кейин гаплашармиз.

Адҳам ўқишини давом эттирди.

— ... Колхозчиларнинг пешона терлари, ҳалол меҳнатлари билан етиширилган ғалланинг икки гектаридан олинган ҳосилни тўрт йилдан буён ўмаридек келаётган, жамоат бойлигининг талончилари қайната-куёвлар — ғўза пайкалига оралаган бегона ўтдек юлиб ташланур...»

— Бегона ўт эмас, ғўзага тушган қуртдан ҳам ёмон,— деб юборди Турсуной.

— Юлиб олиб, ўрага кўмиш керак,— ошпаз хотин муштумини тиззасига уриб гапирди.

Одамлар аста-секин тарқалишди. Қўлида қизил байроқча ушлаб олган сигналчи йигит Ҳамдам ака ёнига келиб, унга блокнотидан алланарсаларни ўқиб бердида, бир оз ўйланиб қолди. Улар шу тургандарича янги участкани, ғўза баргларини тўкиш учун самолёт дори сепадиган картани аниқлашди. Йигит соатига қараб олгач, пайкаллар орасидан югуриб кетди.

Йигим-теримга тайёрликнинг сўнгги дамлари Ҳамдам ака бошлиқ бригададаги ерларининг паҳтаси машина билан теришга тайёрланган. Бугун кечгача сўнгги марта самолётдан дори сепилиши керак. Колхозчилар тошу тороз, қоп-қанор, паҳта қуриладиган супаларни тартибга қелтироқда. Бригаданинг бир неча аъзоси сушилка қуришга ажратилган.

Тушки овқатдан кейин мана бу фельетоннинг ўқилиши анча вақтни олди. Кишилар ўз ишлари билан шуғуллананар экан, ҳамон шу ҳақда гаплашар, ўзларича ҳар хил ҳукм чиқаришарди.

Юлдузхон шийпонда анчагача туриб қолди. Қўли ёзишда бўлгани билан, фикри ўша фельетонда эди. Бувниса холанинг унга совчиликка келгани, қишлоққа каттакон тўй қилиб берамиз деб айтганларини эслади. Бувниса холанинг ўғли Содиқжон ёшлигида ҳам Юлдузхонга ёқмасди, онаси совчиликка келганини эшитиб ҳам парвойи-палагига келтирмади. Аммо ҳозир, отасининг мана бу қинғир ишлари ошкор бўлиб, ҳамма ундан жирканга бошлагандан кейин, Юлдузхонда Со-

диқжонга нисбатан қандайдир ачипши пайдо бўлди.
Шу қишлоқда ўқиб катта бўлган, комсомол тарбияла-
ган, эрта-инди олий маълумотли бўлиб, яна шу ерга
келадиган йигитга ачинди. У ҳозир Тошкентда, имти-
ҳошлиарини тошириб бўлган, эртамас-индин қайтиб
келади. «У ҳам ўқигандир, қай аҳволга тушди экан?
Ўртоқларига қайси юз билан қаракин? Шу ишлардан
илғари хабардор бўлганмикин? Йўқ. Агар билса йўл
қўймасди, ахир комсомол-ку». Юлдузхон шуларни ўй-
лаб турганида, Ҳамдам aka телефонга яқинлашди.

— Ҳа, қизим, ҳисобига етолмаяпсанми?

— Ҳисоблайдиган ҳеч нарса йўқ,— деб қороз усти-
га қўлини қўйиб,— Ҳамдам aka, бу фельетон правле-
ниеда кўриладими ё умумий мажлисда?

Ҳамдам aka қизга тикилди.

— Мажлиссиз ҳам ўзи аён-ку, мана ҳозирги аҳволни
кўрмадингми? Бунақангидан одамни энди мажлисда эмас,
суд мажлисida кўрилади,— Ҳамдам aka муштуми би-
лан трубкани босди.

— Рост,— деди секин Юлдузхон, шунчалигини бил-
маганимизни қаранг-а!

— Ҳамма гап шунда, қизим. Колхозимизда шундай
одам чиқшининг ўзи хунук.

Шийпон тепасидан пастлаб учиб ўтган аэроплан
уларнинг сухбатини бўлди. Икковлари пастига тушиши.
Аэроплан даланинг чап томонида пастиликда байроқ кў-
тириб турган сигналчи тепасидан ўтиб, дори қутисини
очиб юборди.

Шунга ҳам қарши чиққан эди-я, тавба,— деди Ҳам-
дам aka.— Ўзи анча нияти бузилиб қолган экан-да,—
Юлдузхон индамади.

XXXII

Кечқурун. Куни бўйи ҳамма ёқни қиздириб турган
қуёшнинг иссиғи пасайган. Кундузи чўл бетидан кўт-
тирилаётган яллиғ кўринмайди. Оқ рўмолча билан чак-
касини танғиб, яктагининг этакларини белбоғига қисти-
риб олган ҳосилот советининг раиси Абдуғафур ота
бригада шийпонига яқинлашар экан, телефон жиринг-
лаб қолди. Абдуғафур ота бориб трубкани олди.

— Ҳа, янги участка... Исмоилжон, ман Абдуғафур-
ман. Лаббай, Комилжон пахта теряпти. Меҳмонлар дей-
сизми? Жуда соз! Неча киши? Ўҳӯ. Юбора беринг. Кўн-
гилдагидек кутиб оламиз...

Абдуғафур ота трубкани қўйиб, Комилжон пахта тераётган звено ерига кетди.

Пахта теримининг қизғин пайти, бинокорликнинг муҳим участкаларида банд бўлган кишилардан ташқари ҳамма куч йиғим-теримга ажратилган. Дастребаки кунданоқ уюшқоқлик билан иш бошланиб, терим суръати кучая боргандан, колхоз ҳозир давлатга пахта топшириш планини бажаришда районда иккинчи ўринда, Комилжон бригадасида пахтанинг барвақт очилиши, теримни ҳам вақтли бошлаш имконини берди. Бу участкадаги пахта қўл билан терилаётгани учун ҳозир бригада планини бажаришда ҳозир биринчи ўринда бормоқда. Район меҳнаткашлари ҳар якшанба «пахта сайили»га чиқишиарди, пахта теримига чиқишини улар шундай деб аташарди.— Чиқиб колхозчиларга кўмаклашишмоқда. Мана бугун ҳам Тошкентдан меҳмонлар келибди.

Абдуғафур ота жўяклар орасига киргунча икки қўлини пахтага тўлатди. Узоқда кўринган Комилжонни чақириди.

— Лаббай, Абдуғафур ота,— бригадир тез юриб, отанинг яқинига келди.

— Меҳмонлар келишяпти,— деди Абдуғафур ота.

— Қандай меҳмонлар? Артистларми?

— Йўқ. Оталиқдаги заводдан. Ҳашарга келишяпти.

— Кўпчиликми?

— Айтишларича, саксонга яқин киши.

— Жуда соз-ку. Худди пайтида келишибди,— Комилжон этагини очиб, хирмонга пахтасини тўқди. Абдуғафур ота билан шийлон томонга кетди. Йўлда борар экан ўзича ҳисобларди:

— Гуруч етади, гўшт... паловга... камлик қилар, ҳозироқ айтай, қўй сўйишсин.

— Булар оталиқдаги қадрдонлар-а... Яхши кутиб олишимиз керак,— деди Абдуғафур ота.

...Меҳмонлар тушган машиналар шийлон яқинида тўхташи билан олдингисининг кабинкасидан Николай Дмитриевич Харитонов тушди. Машина яқинига келиб турган Абдуғафур ота Комилжон билан сўрашар экан:

— Ҳорманглар, бардаммисиз, ота,— унинг қўлини катиқ сикди Николай Дмитриевич,— муборак бўлсин янги вазифа, мана дам олиш кунини колхозингизда ўтказиш учун келдик.

— Раҳмат, раҳмат. Бошимиз кўкка етди, ўртоқ Харитонов.

Меҳмонлар билан қишлоқдан Тошпўлатов ҳам чиқиб келди. Абдуғафур ота Харитоновга янги ердаги бригаданинг ишларидан ҳикоя қилас әкан, шу пайт Тошпўлатов Комилжон билан меҳмонларни жойлаштиришни маслаҳатлашиб олди. Шаҳарликларни янги уйларга жойлаштироқчи бўлишиди.

Комилжон ва Тошпўлатов Харитонов билан бирга тайёр уйлардан бирига киришиди. Тошпўлатов қўлидаги фонарини деразага қўйиб, Харитоновга қаради.

— Айбга қўшмайсизлар-да, шипи билан поллари ҳали бўялмаган... Терим бошланиб, шошиб қолдик...

Уйларни шу йил ёзда қуриб олдингларми?— таажужубланиб сўради Харитонов.

Тошпўлатов «шундай» деган эди, Харитонов завқланаб кетди.

— Офарин-эй!.. Жуда жадаллаштириб юборибсизларда, бу уйларда кимлар яшайди?

— Энг илғорларимиз,— деб жавоб берди парторг. Комилжон унинг сўзига қўшимча қилди:

— Илғорлар деганимиз янги ерни очган азаматлар. Мана, булари Муҳиддин звеносининг аъзоларига.

— Муҳиддин?— такрорлаб сўради Харитонов,— Муҳиддин... ҳа, ҳа... Бу ёш йигит эмасми, баҳорда заводимизга борган?

— Ҳа, ўша — Муҳиддин Раҳимов,— деди Тошпўлатов.

— Кўп уддабуро йигитга ўхшайди. Хўш, ишлари қалай?

— Жуда соз! — Шошиб жавоб берди Комилжон. Унинг юзида бригаданинг илғор звено бошлигини тошкентдагилар ҳам билишидан фахрланаётгани сезилиб турарди,— Муҳиддин бошлиқ звено планини кёча бажарди.

— Қойил, қойил! — деди хурсанд бўлиб Харитонов.— Фақат бир томони ғалати бўлар дейман, ҳали янги уй эгалари қадам қўймай туриб биз кириб олсак...

— Азиз меҳмонларни энг яхши уйларга ўтказмасак кўнглинимиз тўлмайди,— деди кулиб Тошпўлатов,— марҳамат. Ҳозир овқат ҳам тайёр бўлиб қолади, кейин дам оларсизлар...

...Эрталабки нонуштадан кейин шийпон одамлар билан тўлди. Қиз-йигитларнинг шўх қаҳ-қаҳалари, тўда-

тўда бўлиб айтилаётган ашула дала кўкини қоплади. Бир гуруҳ аёллар шийпондан нарироқда, бегона жойга ўрганмаган кишилардек тортинчоқлик билан ўзаро сұхбатлашиб туришади. Уларни Мұхиддин бошлиқ звеноға тайинлашди. Колхоз медпункти Неляни шу бригадага навбатчиликка юборган эди. У ҳам шийпонда бекор ўтиришдан зериккан шекилли, шаҳарлик аёлларга қўшилиб пахта теришга тушиб кетди.

— Терим нормаси қанчадан? — деб сўрашди аёллар Комилжондан.

— Кунига эллик килограммдан. Аммо, сизларга бу норма мажбурий эмас. Қанчага қурбиларингиз келса, шунча терасизлар-да.

— Нега бизларни камситасиз? — деди аччиғи чиққандек ўрта бўйли, сепкилдор қиз. Нормаки элликми, демак биз ҳам эллик килограммдан кам термаслигимиз керак.

Мұхиддин аёлларни звено ерига бошлаб келиб, уларга қаторларни ажратиб берди. Хотин-қызлар ёнма-ён тизилишиб, фўзалар орасига кириб кетишли. Онда-сонда эшитилаётган ўзаро сұхбатни айтмаса, боятдан бери гуринг тўхтаган, ҳамма иш билан машғул эди.

Қўёш аста-секин қиздира бошлади. Шунга қарамай, теримчиларнинг чаққон қўллари «соқ олтин» доналарини терар, ариқлар бошига тўкиб қўйилаётган пахта борган сайнин кўпаяр эди. Пахтазорда ҳар замон Харитонов нинг овози эшитилиб қоларди.

— Тозалаб теринглар — Ҳў, ўртоқ, ийе, чаноғида қолиб кетяпти-ку.

Неля билан сепкилдор қиз бир-бирлари билап ёнма-ён ариқда эдилар. Улар қўёш тиккага келгупча ишдамай пахта теришли. Неля қўшнисига ер остидан тез-тез қараб қўяр, ўзидан орқада қолмай баб-баравар териб бораётганини кўриб хурсанд бўлар эди. Шаҳарлик қиз пахтани икки қўллаб, чаноғида сира қолдирмай, чаққон терарди. «Эпчил кўринади, биринчи марта тераётганга ўхшамайди», — деб ўйлади ўзича Неля. Улар ортиқча гапиришмай, терган пахталарини галма-гал бориб тўкиб келишарди. Тушки овқат вақтига яқин улар пахтазорнинг пастида бир нафас дам олиши. Неля юзларидаги терни артиб, атрофи терак дараҳтлари билан ўралган кенг пахтазорга тикилиб қараган ҳамроҳига гап ташлади:

— Бу ерлар сизга ёқдими?

— Жуда ёқди,— дилхушлик билан кулиб жавоб берди қиз,— очигини айтсам, кечакида Мирзачўлга борамиз деганида менга ёқмагани эди, шундан шунга бориб нима қиласмиш, тагин чўлга-я? Пахталари ҳам яхши очилмагандир? деб ўйловдим. Мен янгишибман. Буни қаранг, бирам яхшики...

Неля суҳбатлашиб унинг исми Наташа экани, бу йил институтни битириб, ҳозир заводнинг план бўлимидаги ишлайтгани, олти йилдан бўён Тошкентда туриши, ўзи асли Фарғона водийсидан экани, шу туфайли бўлса керак, табият манзараларини жуда яхши кўришини билиб олди. Наташа сўзини тамомламаган ҳам эдикни, Неля Фарғона деганини эшитиши билан, «Фарғона обlastida Водил қишлоғини билмайсизми?» деб сўраб қолди.

— Жуда яхши биламан,— деди Наташа таажжубда қолган Неляга.— Опам ўша районда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Бу йил мен имтиҳонларни топшириб бўлиб, бир ой опамникида дам олдим. Бирам баҳаво жойки, ҳузур қиласан киши. Опам менга ўзида ўқиган болалардан бир қанчаси Мирзачўлга кетганини айтган эди. Булар орасида бир ўқувчини, ҳа, у ўзи мактабни кумуш медаль билан тамомлаган экан, жуда кўп гапиради. Уша ўқувчи ҳозир ҳам опамга тез-тез хат ёзиб туармиш. Фақат мен унинг қайси колхозда ишлашини билолмадим.

— Исмини билмайсизми?— деб сўради Неля.

— Ҳозир эсимда йўқ,— деди Наташа,— буни қаранг, тилимнинг учидаги турибди-я... ҳа... Михайлга ўхшаган...

— Балки Муҳиддиндир?— деди Неля унинг эсига солгандай.

— Ҳа, ҳа, Муҳиддин,— деди севиниб Наташа,— сиз уни танийсизми?

Неля кулиб юборди.

— Танимай-чи, биз ҳозир унинг звеносида ишлаймиз-ку. Демак, сиз Нина Алексеевнанинг синглиси бўласиз, шундайми?

— Вой, опамни қаёқдан танийсиз? — ажабланди Наташа,— сиз ҳам водилликмисиз?

— Йўқ,— деди Неля уялгансимон,— мен Муҳиддиннинг бир ўртоғини танийман, холос.

Шу пайт шийпонда урилган занг овози эшитилиб қолди.

— Овқатга занг урилди, юринг борайлик, мен сизни Мұхиддин билан таништириб құйман,— деди Неля ва улар биргалашиб ўша томонга кетиши.

Шийпон ёнида тоғдек пахта хирмони пайдо бўлиди. Ҳудди осмондан каттакон оппоқ булат тушган-у, кишиларнинг баракали меҳнатлари билан яшнаб кетган ердан қайтиб учиб кетгуси келмаётгандек. Этакларда тўла пахта келтириб тўқаётгандарнинг кети узилмайди, чарчаган тарозбонлар машина йўлига кўз тикканлар, тезроқ кела қолса-ю, пахталарни пунктга таший қолса. Машиналар бирон ерда тўхтаб қолганми, ҳарқалай, тез кела бермади, оқ олтин хирмони бўлса, борган сари бўй чўзмокда. Неля билан Наташа етиб келишганида тарози олдида ўндан ортиқ теримчи тўпланиб туарди.

— Ўртоқ Мұхамедов, олтмиш килограмм тераман деб ваъда бермабмидингиз, овқатгача бор-йўги ўн саккиз килограмм бўлиди-ку? — деди ёнида турган мўйловли кекса токарга қараб ўрта ёшлиардаги чиқитловчи аёл.

— Тўғри, Хайрихон, тўғри! — деди токарь сермулоҳаза одамларга хос овоз билан,— ўн саккиз. Мен, баъзиларга ўхшаб беш килолаб хирмонга ташиганим йўқ. Жўякнинг бошига тўқа бердим. Бу ерда қолгани яна мана шунчадан иккита келиб қолади. Хўш, ўн саккизни учга зарб қиласа қанча бўлади? Менингча, янгишмасам эллик тўрт бўлса керак? Эмон эмасми?

Аёл жавоб бермади, ҳисоблаб ўтирумай секин орадан чиқиб, юрганича дугонасининг ёнига борди.

— Биласанми, Нюся,— деди у, ҳовлиқиб,— ўртоқ Мұхамедовнинг терган пахтаси олтмиш килограммга етиб қолибди, бизники бўлса, икковимизникини қўшганда эллик саккиз. Сен ўзинг-да, мени ҳадеб гапга тута бердинг.

Кўк кўз, думалоқ юзли Нюся ҳайрон бўлганича Хайрихонга тикилиб қаради.

— Мен?! Мен гапга тутдимми, ўзинг гапирмаганимга қўйдингми? Бир минут ҳам гапиролмасдан туролмайсан-ку, тағин мен эмиш. Ажаб.

— Энди нима қиласиз,— хомуш бўлганича сўради Хайрихон.

Нюся бирпас ўйлаб туриб, дугонасига кулиб қаради:

— Биласанми, овқатга ҳозир бормаймиз. Яна бир оз-терайлик, кейин мен овқатни шуерга келтираман.

— Ростданми?— севиниб кетди Хайрихон,— бўпти бўлмаса, шундай қиласак, анча вақтни тежаймиз-а?

Нюся бопини қимирлатиб жавоб берди. Қизлар яна гўза қаторларига кириб кетишиди.

Шийондан туриб қизларни кўп чақиришди. Бирор занг уриб, бирор овози борича қичқирди, барibir бўлмади, улар ё бош қимирлатишар ё ўзларини билмасликка олишарди. Охири бўлмагач, Комилжоннинг ўзи уларнинг олдига борди, овқатга таклиф қилди, барibir қизлар бўш келишмади. Иккови ҳам бир оздан кейин овқатланамиз деб қаттиқ туриб олишди. Бригадир нима дейишни билмай, бир оз қараб турди-да, уларнинг ёнидаги жўякка тушиб ўзи ҳам пахта тера кетди. Пахтазорда энди икки киши эмас, уч киши...

Кўпинча бригаданинг иши билан банд бўлиб, пахта теришга фурсат тополмайдиган Комилжон зўр иштиёқ билан севимли ишига киришиб кетди. У ўзи терган пахталарни Нюся ва Хайрихонларнинг фартуқларига галма-гал тўкиб борарди.

Шаҳарликлар қош қорайганда қишлоқдан жўнашди. Юзлари офтобда қизарган, чарчаган, аммо жуда қувноқ эркак-аёлларнинг шовқун-сурони, айниқса, улар машинага ўтиришаётганда авжига чиқди. Завод машиналари шу куни колхоз хирмонларидаги ҳамма пахтани пунктга ташиб берди. Сводкада бугунги терим анча ошиб кетди.

Наташа кечга томон, машинага тушиш олдидангина Муҳиддин билан танишишга мұяссар бўлди. Муҳиддин севимли ўқитувчисининг синглисини кўрганидан беҳад хурсанд эди. У, Наташанинг қўлини қаттиқ сиқиб, кузатар экан, шундай деб илтимос қилиб қолди:

— Мен Нина Алексеевнани шу ерга таклиф қиламан, дадам ҳам келиб қоларлар. Сиз ҳам айтинг, Нина Алексеевна кела берсинлар. Бу ердаги ўн йиллик мактабда ишлаш у кишига ҳам жуда ёқади, айтинг.

— Тўғри,— деди Муҳиддиннинг сўзини қувватлаб унинг ёнида турган Абдуғафур ота,— Мурзачўлда ишлаш учун бизга энг яхши кишилар керак...

XXXIII

Кеч куз. Нози-неъматга тўлган, тўкин-чочинлиги ҳар бир аъзосининг очиқ чехрасида кўриниб турган бадавлат хўжаликнинг олтин кузи. Кеча кечқурун, пода қайтар пайтда сўнгги қанордаги ҳосилни ортган машина пунктга

жўнади. Пландан ташқари топширилган пахтанинг юзлаб қвитанциялари қаторига яна бир бу йилги ҳисобкитобни якуиловчи қвитанция тикилди. Лабзи ҳалол пахтакор ўз ваъдасини бажариб, эл-юрга пахтадай оқ кўнгил, ёруқ юз билан қарап экан, унга баракали меҳнат сўнггида тўй-тўйлашмоқ куй-куйлашмоқ албатта яратади.

Ҳосил тўйи атайн мана шу янги бригадада ўтказилидиган бўлди. Бу билан колхозчилар асрий чўлнинг совет деҳқони қўлида гуллаб-яшнайжагини алоҳида нишонлаб ўтмоқчилар. Куни бўйи кўрилган тўй тараддуни кечга яқин сарғижом бўлди. Қатор нимталар осифлиқ қаноралар бўшади, эрталаб тўнтарилиб ётган катта қозонлар ўз жойини топган, оғзидан хушбўй буғ қўтарилиб турибди, бақалоқ самоварлар, ғилдирак қўйсанг юриб кетаман дегудек бақирляяпти, турли-туман ҳўл мевалар, қанд-қурслардан бўшаган яшик, саватлар тоғ бўлиб уйилиб ётибди. «П» ҳарфига ўхшатиб қўйилган столларнинг теварак-атрофига гилам тўшалган, чорпоялар, гулзорнинг ёнларига скамейкалар қўйилган. «Бинокорларнинг «супра қоқти» га қилган иши бу» дейди кулиб Абдурафур ота. Оппоқ уйлар, гулзор, пахтазор, баргларини тўкаётган дараҳтлар электр нурларида кундуздагидек яшнаб турибди.

Абдурафур ота раиснинг йўқлигини сездирмай, меҳмонларни қўш қўллаб кутиб олар, машинадан тушгандарнинг олдига ўтиб, то ҳамма ёқни кўрсатиб чиқмагунча кўнгли жойига тушмасди. Бир оздан кейин кетма-кет одамлар келиб, уни шошириб қўйишди, дарров Аъзам, Собир, Муҳиддин, Солижонларни чақирди, меҳмонларга қарашни уларга топширди. Шу пайт ҳозиргача раиснинг келмагани Муҳиддиннинг юрагига ғулгула согландай бўлди, ўйлаб турмай Тошпўлатовнинг ёнига борди.

— Исломилжон акам қаердалар? — сўради у.

— У кишими,— деди Тошпўлатов,— ундан сир яширгандек кулиб.— Районга кетди, келиб қолар... айтиб қўя қолай, у бугун сизни хурсанд қилмоқчи. Фақат нима биланлигини айтмайман,— деди-да, чорпоядаги чоллар ёнига кетди. Муҳиддин унинг орқасидан тикилиб қолди. «Нима билан хурсанд қилмоқчи? Янги уйми? Мукофотми?, Йўқ: Булар эмас, бўлмаса нега районга кетади?» У бир чеккага чиқиб тахта устига ўтирди, қўнгли фаш бўла бошлади... Анчадан бери отасидан хат олмасди.

Бетоб бўлиб қолмаганимкини? Кексаликда арзимаган
касал ҳам ўз таъсирини ўтиказади..

Машинада кемган бир тўда қизлар орасидан биринчи
сакраб тушган Юлдузхон олазарак бўлиб Муҳиддинни
қидирди, ҳа деганда кўзига кўрина қолмади.

— Қаерда бўлини мүмкин — ҳайрон бўлди у. Бир оз
ўтгач дугоналаридан ажralиб гулзор томонга кетди,
шишонин кўздан кечириб чиқди, янги уйлар ёнига уйиб
қўйилган тахта устида чуқур хаёлга чўмиб ўтирган ҳол-
да учратди. Унинг юзидағи ғамгинлик Юлдузхонни қўр-
қитиб юборди. Атрофдан кўпчиликнинг қараб тургани,
кексалар унинг ҳозирги ҳаракатларини унчалик мақбул
кўрмасликларини ҳам унтиб, Муҳиддиннинг яқинро-
ғига борди, кўзларини катта очиб, ундан сўради:

— Сизга нима бўлди? Нега хафасиз?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, Юлдузхон,— унинг тўсат-
дан келиб қолганидан ажаблашиб жавоб берди Муҳид-
дин,— аммо, мана шу ҳеч нарса бўлмагани ёмон экан.

— Нега?

— Мана бу янги уйни кўряпсизми?— сўради у.

— Ҳа, кўряпман.— Юлдузхон бир оз ўйланиб жавоб
берди.

— Кўриб турибсизки,— деди Муҳиддин,— уй ҳозир
жудаям яшнаб турибди.. Бизга қараб у нима деяпти?
Эшитяпсизми? Агар менинг ичимда қизлар кулгиси жа-
рангламаса, уй бўлмайман деяпти.. Юлдузхоннинг юз-
лари чўғдек қизариб кетди. У, бошини қўйи солиб, эши-
тилар-эишитилмас жавоб қилди:

— Бу менга боғлиқ эмас-ку.

— Қимга боғлиқ бўлмаса?

— Уй эгасига, албатта,— мулойим жавоб қайтарди
у,— нега у индамайди?

Юлдузхон шу гапни айтиб, ўзидан бир неча қадам
нарида алланималар тўғрисида қизғин баҳслашиб тур-
ган дугоналари олдига югуриб кетди. Муҳиддиннинг
қалби олам-олам қувончларга тўлиб-тошди. Ҳозир унга,
ўзи кечқурун даладан қайтаяпти-ю, эндиғина яслидан
олиб келган ўғилчасини бошидан ошира кўтариб турган
Юлдузхон эшик олдида уни кутиб олаётгандек бўлди.
У дилига нималарнидир жо қилиб, Хосият холани қиди-
риб топиш учун гулзор томонга кетди. Ариқ чеккасига
ёзилган гулдор гиламларда колхознинг ҳурматли киши-
лари — нуроний кишилар ўтиришибди, Давра-давра бў-

либ олган эркак ва аёллар орасида Хосият хола қўрин-
мади. Ошхонада ҳам йўқ. «Қаердан топсам экан? деб
турган Муҳиддин Хосият холани хилма-хил нозу-неъ-
матлар билан ясатилган столлар ёнида гулдонларни
жой-жойига қўяётган ҳолда кўриб, ўша томонга югурди.
Шу пайт шийпон ёнига келиб тўхтаган «Победа» га
пешвоз чиққан колхозчилар тўдасидан ўтолмай, тўхтаб
қолди.

— Райкомпартияning машинаси,— Муҳиддин маши-
нани дарров таниди, ким келган экан?!

Машина шийпон ёнида тўхтаб, ундан Акрамов чиқди.
Кейин у, эгнига янги беқасам тўн кийган оппоқ соқолли
бир кекса кишига қўлини узатиб, унинг машинадан ту-
шишига кўмаклашиб юборди.

Муҳиддин Акрамовнинг ёнида ўз отасини кўриб, кўз-
ларига сира ишонмас эди. У худди гўдаклардек ўзини
бенхтиёр отасига ташлади. Раҳим отанинг кўзларидан дув
ёш тўкилиб, ўғлини бағрига босди, пешонасидан кетма-
кет ўпа бошлади. Шундан кейин, Раҳим отанинг олдига
қучогини катта очиб Абдуғафур ота келди. Улар қайта-
қайта қучоқлашиб, узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўраша ке-
тишди. Муҳиддин ўзини бир оз четга олди. Шу пайт
кимдир унинг тирсагидан ушлаган эди, ён томонида пар-
торгга кўзи тушди.

— Раҳмат сизга, ўртоқ Тошпўлатов!— Ҳаяжон билан
деди Муҳиддин,— дадамни таклиф қилганингиз учун,
катта раҳмат.

— Биз отангизнинг шу ерга кўчиб келишларини раис
билан аллақачон маслаҳатлашиб қўйган эдик,— деди
Тошпўлатов,— энди ҳаммаси жойида, бус-бутун десак
бўлади-а? Шундайми? Уй бўлса тайёр, отангиз ҳам кел-
ди, келинчак ҳам менимча яқинда бўлиб қолар. Хуллас,
бир дунё бахту соадат!

Муҳиддин нима дейишини билмай турганида ёнига
отаси келиб қолди.

— Мен шошилиб бир ўзим келдим, ўғлим! Қетимдан
яна ҳамқишлоқлардан бир-икки киши келиб қолар.
Мехрихон биласанми? Унинг акаси Мирсаидни ҳам
танийсан-а? Ўша Мирсаид армиядан бўшаб келди! У ҳам
шу Мирзачўлга келмоқчи. Акаси билан Мехрихон ҳам ке-
лар эмиш. У, ўртоқларингдан биттасига, ҳа, ҳалиги Риза-
миди, ўшанга хат бериб юборди, қаерда у ҳозир?

Ота-ўғилниңг сұхбати тугамаган ҳам әдіки, Тошпұлатов мәҳмөнларни ўтиришга таклиф қылды.

— Бугун бизда катта байрам. Чүл бағрида етиштирилған бириңчи ҳосил түйимизни ўтказамиз. Бу ерни ўзлаштиришга кириңганимизга бир йил ҳам бўлгани йўқ. Кўриб турибмизки, бир вақтлар бир ҳўплам сув учун бир-бирларини ничоқлаган ерда шалдираб сувлар оқяпти, жўиқин ҳаёт қайнайти. Совет кишилари тилсиз чўлга жои киритдилар, уни бўйсундирдилар, яшнатдилар. Бу шарафли ишга Партиямиз чақириғи билан Ватанимизнинг энг эсл ўғил ва қизлари, коммунистлар ва комсомоллар отландилар. Улар билан бирга чўлга баҳор келди. Энди совет кишиларининг оёқлари теккан бу саҳроий чўлга шўр ҳам, қум ҳам қайтиб келолмайди. Бу ерда боғ-роғлар яратамиз, ўртоқлар. Ажойиб боғлар яратамиз! Эшитяпсизларми?— Тошпұлатов кўрсаткич бармоғи билан кечки шабадада аста-секин тебраниб, барглари шитирлаётган теракларни кўрсатди, кишиларниңг диққатини унга тортди,— ана эшитяпсизларми?— сўзида давом этди Тошпұлатов,— бу, Партиямизнинг иродаси билан Мирзачўлга келган комсомоллар ёз қўллари билан ўтқазган дарахтларнинг барглари шитирлаяпти. Комсомоллар чўлга баҳорни бошлаб келдилар.

Кучли қарсак садолари анчагача тинмади. Ҳозирги кўтариқилик, ҳаяжон шу қадар қудратли әдик, гўё бўнда бир қишлоқ аҳолиси эмас, сон-саноқсиз, минглаб, юз минглаб, миллионлаб киши қатнашаётгандай.

МУНДАРИЖА

ҲИҚОЯЛАР

Чаноққа томган қон	5
Фарогат	17
Йўлда	25
Кузатиш	35
Она	46
Гўзал	53
Қайнана	62
Раянинг арчаси	75
Сувчи	84
Тош ойна	92
Ёлгор	101
Тўғонбойнинг қизи	127
Янги йил оқшомида	138
Шоҳи дарпарда	151

Болалар учун ҳикоялар

Биринчи хат	158
Баҳор нафаси	165
Хирмон этак	172
Ни Хао	179
Энг катта арча	182

ҲАЁТ СОДИКОВ ҲАҚИДА ҲИҚОЯЛАР

Ҳаётнинг туғилган куни	188
Экскурсия	197
Янги ўртоқлар	204
“Ақлхона”	211
Биринчи сентябрь	216
Ростини айтдим	222


Ҳажвий ҳикоялар

Калиш билан ботинка	227
Чўнтак	232

ПОВЕСТЬ

Чўлга баҳор келди

237



На узбекском языке

Рахмат Файзи

Повесть о наших людях

Гослитиздат УзССР — 1959 — Ташкент

Редактор *М. Рахмонов*

Рассом *И. Циганов*

Рассом-редактор *Г. Остапенко*

Технич. редактор *Л. Ильина*

Корректорлар *Мирпӯлатов ва Сулаймонов*.

* * *

Босмахонага берилди 14-VII 1959 й. Босишга рухсат этилди 25-IX 1959й. Формати
84×108^{1/2}, 15,125 босма л. 24,82 шартли босма л. Нашр л. 26,0 Индекс б|а, Р 09613
Тиражи 60000. (Биринчи завод 30000).
ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
№ 372—58.

* * *

ЎзССР Маданият министрилиги Ўзглавнэздатнинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза
кучаси, 21. 1959 й. Заказ № 1052. Баҳоси 9 с. 80 т.